



Е.А. Байдаулет

**ИСЛОМИЙ
МОЛИЯ
АСОСЛАРИ**

**TOSHKENT
«O‘ZBEKISTON»
2019**

УЎК 336.7:28(575.1)

КБК 65.262.6(5Ў)

Б 23

Ҳусан Ҳасановнинг умумий таҳрири остида

Тақризчилар: Наманган муҳандислик-технология институти профессори, иқтисод фанлари доктори **Аҳмадҷон Солиев;**
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди **Ҳамидулла Аминов**

Рус тилидан **Ботирхўжа Жўраев** таржимаси
5-қисм муаллифи **Ҳусан Ҳасанов**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 391-хулосаси асосида тайёрланди.

Мазкур китоб олий ўқув юртлари талабалари, тадқиқотчилар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган бўлиб, иқтисодчи Б. Жўраев томонидан исломий молия соҳасида ўзбек тилига таржима қилинган иккинчи асар ҳисобланади. Китобдан исломий молиялаштиришнинг назарий асослари, механизмлари, маҳсулотлари, шу соҳа билан шуғулланадиган халқаро ташкилотларга оид маълумотларни топишингиз мумкин.

УЎК 336.7:28(575.1)

КБК 65.262.6 (5Ў)

ISBN 978-9943-25-695-8

© Ҳ. Ҳасанов, 2019

© Ботирхўжа Жўраев (тарж.), 2019

© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2019

СЎЗБОШИ

Исломиё молия тармоғи бугунги кунда жаҳонда жадал ривожланиб бораётган ва инновацион молиялаштириш механизмларини ўзида жамлаган соҳалардан бири ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, исломий молия муассасалари ялпи активлари миқдори 2,5 триллион АҚШ долларини ташкил этади ва йилига 15–20% га ўсиб бормоқда. Аҳолисининг асосий қисми мусулмонлардан иборат бўлган давлатлар учун ушбу тармокни ривожлантириш, айниқса, долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ИХТ ТИВ кенгаши 43-сессияси очилиш маросимида сўзлаган нутқида «Ислом олами улкан иқтисодий, инвестицион салоҳият, энергетика ресурсларига эга. Улардан тўғри фойдаланиш, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг халқаро савдо-иқтисодий, молиявий, инвестицион ҳамкорлигини кенгайтириш, мамлакатларимизни бирлаштирадиган транспорт йўлларини ташкил этиш юксак иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларига эришиш имконини беради ва бу пировард натижада бошқа барча соҳаларнинг ривожланишида асос бўлиб хизмат қилади», – дея таъкидлаб ўтган эди.

Шундай экан, мусулмон давлатларидаги фаолияти исломий молиялаштиришга асосланган мавжуд банклар, инвестиция фондлари ва компаниялар маблағларини Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаш мақсадида жалб этиш айна муддаодир. Бунинг учун албатта миллий банк тизимига янгича ёндашув билан назар солмоқ лозим, яъни анъанавий молиялаштириш механизмлари билан бир қаторда шерикчиликка асосланган молиялаштириш механизмларини жорий этиш масаласи тадқиқ этилиши муҳим ва долзарб ҳисобланади.

Исломий молия муассасаларининг анъанавий молия муассасаларидан асосий фарқи шундан иборатки, исломий молия фойда ва зарарни бўлишиш ҳамда реал активларга асосланган молиялаштиришни ўзида намоён қилади. Бошқача айтганда, исломий молиялаштириш шерикчиликка асосланади. Бундай муассасалар мижоз талаби бўйича объектни қуриб бериши, асбоб-ускуналар, товар, хомашёлар сотиб олиб бериши ёки уларни ижарага бериши мумкин. Молиялаштириш асосида савдо амалиётлари ётади. Анъанавий банк тизимида эса банкларнинг савдо амалиётларини амалга ошириши қонунчилик нуқтаи назаридан мушкул ҳисобланади ва бунга солиққа тортиш ҳамда банк фаолиятига тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўсқинлик қилади.

Юқорида айтилганларни инобатга олганда, Ўзбекистон Республикасида шерикчиликка асосланган ёки исломий молиялаштиришни жорий этиш учун шунга мос қонунчилик, ҳуқуқий асос шакллантирилиши лозим. Бу, ўз навбатида, давлатимизга кўшимча капитал кириб келишига ҳамда муқобил молиялаштириш механизмларини таклиф этишга замин яратади.

«Исломий молия асослари» китобининг муаллифи қозоғистонлик Е. Байдаулет бир неча йиллар давомида Ислом тараққиёт банки (ИТБ)нинг Қозоғистондаги вакили, кейинчалик ИТБда Марказий Осиё, Албания ва Озарбайжон давлатлари номидан ижрочи директор лавозимида ишлаган. Ҳозирда ўз ватанида исломий молиялаштириш тизимини тарғиб қилиш ва ривожлантиришга муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Китобнинг асл нусхаси 2014 йилда чоп этилгани боис, айрим маълумотлар имкон қадар янгиланди. Китоб Ўзбекистонда исломий молиялаштиришнинг бугунги ҳолати ва унинг истиқболлари тўғрисидаги алоҳида 5-қисм билан бойитилди. Бундан ташқари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва баъзи бир ғарб мамлакатларида ислом иқтисодиёти ва молиясининг ривожланишига доир маълумотлар ҳам киритилган. Албатта, бу соҳага оид ўзбек тилида чоп этилган китоб ва мақолалар жуда кам, шун-

дай бўлса-да, бу ишга ўз ҳиссамизни қўшишни мақсад қилиб қўйдик. Умид қиламизки, бошқа профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчиларимиз ҳам бундай савобли ишга қўл урадилар ва алломалар юрти бўлган Ўзбекистонда ислом иқтисодиёти ва молияси ўз ривожини топади.

Шу ўринда «HUMO Partners» компанияси ҳамтаъсисчиси Улуғбек Холматовга шу китобни чоп этишда кўрсатган амалий ёрдами учун миннатдорчилик изҳор этамиз ва Аллоҳдан ишларига ривож сўраб қоламиз.

Хусан Ҳасанов,
Ислом тараққиёт банкининг
Ўзбекистондаги вакили

Қисқартмалар рўйхати

- AAOIFI – Исломий молиявий муассасалар учун бухгалтерия ҳисоби ва аудит ташкилоти
- CIBAFI – Исломий банклар ва молиявий муассасалар бош кенгаши
- ICIEC – Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорацияси
- IsDB – Ислом тараққиёт банки
- IFSB – Исломий молиявий хизматлар бўйича кенгаш
- ISRA – Низоларни тартибга солиш ва арбитраж бўйича халқаро исломий марказ
- IFM – Исломий молия халқаро бозори
- ILM – Ликвидликни бошқариш бўйича халқаро исломий корпорация
- IRA – Халқаро исломий рейтинг агентлиги
- IRTI – Тадқиқотлар ва тренинглар ислом институти
- ITFC – Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси
- OIC – Ислом ҳамкорлик ташкилоти

1 - Қ И С М . ИСЛОМИЙ МОЛИЯВИЙ ТАРМОҚНИНГ МОҲИЯТИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ

1-б о б . Исломий молиялаштириш асослари

1.1. Исломий молияга кириш.

Ҳар қандай муассасавий тармоқ уни тартибга солувчи қоида ва низомлар, ўрнатилган қонунлар мавжуд бўлган тақдирда фаолият кўрсатади. Мусулмонлар турмуш тарзини тартибга солувчи қоидалар ислом қонунлари мажмуи – шариатда ифодаланган.

Ушбу қонунлар тўрт манбага эга. Биринчиси – муқаддас Қуръон бўлиб, у диний билимларнинг асл ва ўзгармас манбаси ҳисобланади. Қуръон Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам орқали Жаброил (алайҳиссалом) воситасида етказилган Аллоҳнинг ваҳийларини ўз ичига олган бўлиб, бутун инсониятга йўлланган илоҳий кўрсатма ҳисобланади.

Мазкур қонунларнинг иккинчи манбаси ҳадислар ҳисобланади. Улар Пайғамбар Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг қавллари ва тутумлари ёки улар билан боғлиқ воқеалар тўғрисидаги қисқа ривоятлар бўлиб, Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам суннатлари асосини ташкил этади.

Шариат қонунини шакллантирувчи учинчи манба «*ижмо*» деб аталади. Ижмо – обрўли исломий олимлар томонидан аниқ бир масала ёки ҳолат учун ишлаб чиқилган ечимлардир. Исломи анъаналарида Қуръон ва суннатдан мустақил хулоса чиқариш ҳуқуқига эга уламолар *мужтаҳидлар* деб аталади.

Тўртинчи манба «*қиёс*» деб номланади. Ушбу атаманинг дастлабки аҳамияти «ўлчаш» ёки «икки ашё ўртасида таққослаш ўтказиш» сўзларидан келиб чиқади. Қиёс – мураккаб ва мунозарали масалалар бўйича Қуръон ва ҳадисларда баён этилган асосларга кўра, мужтаҳидлар томонидан янги ечимларни ишлаш ва монандлиги асосида ҳукм чиқаришдир.

Ислом ҳуқуқшунослигида Куръон ва ҳадисларга асосланган далиллар шаръий (қонуний) далиллар дейилади, уларнинг ишончлилиги ҳар қандай гумонлардан холидир, чунки мазкур икки манба ислом таълимотининг мутлақ ҳаққоний ва мустаҳкам асосини ташкил этади. Ижмо ва қиёсга асосланган далиллар, шунингдек, «фуру» – шариат ҳуқуқининг тармоғи сифатида ҳам маълум.

Шундай қилиб, ислом йўл-йўриқ кўрсатувчи тартибларни таклиф этади ва инсон ҳаётининг барча жабҳалари, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (муомала) учун қоидалар мажмуига риоя этишга амр қилади. Ислом тамойилларига мувофиқ шакллантирилган молиявий ва иқтисодий тизим замонавий ва умумқабул қилинган тизим билан қандай қилиб ва қай даражада уйғунлашиши мумкин? Мана шундай тизим иқтисодий ресурсларни жойлаштириш, тақсимлаш ва айирбошлаш масалалари билан қай тарзда шуғулланиши мумкин? Унинг асосий қоидаларидан айримлари қай йўсинда лозим даражада таҳлилий синчковлик ила изоҳланиши мумкин? Ислом тамойилларига асосланган молиявий, ижтимоий ва иқтисодий тизимни шакллантириш ёки кўриб чиқишга жалб этилган тадқиқотчилар мазкур ва бошқа кўплаб масалаларни тадқиқ этадилар.

Фақат сўнгги бир неча ўн йилликда ушбу молиявий ва иқтисодий низом ҳамда меъёрларни замонавий таҳлилий атамалар нуқтаи назаридан изоҳлаш учун жиддий саъй-ҳаракатлар амалга оширилганига қарамай ва кўплаб тадқиқотлар чоп этилган бўлса-да, барибир «исломий молия» ёки «исломий иқтисодиёт» сингари «исломий» атама қўшилган турли ижтимоий фанларга нисбатан аниқ таърифни қўллаш юзасидан айрим чалкашликлар сақланиб турибди. Мана шундай тизимнинг турли жабҳаларини бир бутун сифатида эмас, балки алоҳида кўриб чиқиш тенденцияси бунинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Масалан, «исломий молия» атамаси кўпинча «физни ман этувчи» тизимни таърифлаш учун ишлатилади. Лекин мана шундай содда баён этиш нафақат нотўғри, балки қўшимча чалкашликларнинг манбаси ҳам ҳисобланади.

Исломий молия индустрияси глобал молиявий активларнинг қарийб 1% ини ташкил этади ва 2002–2012 йилларда йилига

20% га ўсди. Исломий молиявий хизматларга корпоратив ва улгуржи бозорда талабнинг ортиб бориши тармоқ ўсишини рағбатлантириб турган омиллардан бири ҳисобланади. Ушбу тармоқда банклар асосий бўғимни ташкил этмоқда ва глобал банк саноатида у қадар катта бўлмаган, лекин ўсиб бораётган тармоқни ўзида акс эттирмоқда. XX аср охири – XXI аср бошларида исломий банк иши ўсишидаги улкан ўзгаришлар йирик анъанавий банкларнинг ҳам диққат-эътиборини, «исломий дарча» деб аталадиган муқобил маҳсулотларни тақдим этишга қаратишига туртки бўлди. Чунки исломий банклар умумий молиявий муҳитда вужудга келади ва ишлайди, улар бозорда рақобатбардошликни кўллаб-қувватлаш билан боғлиқ муаммоларга рўбарў бўлади. Бундан ташқари, мазкур банклар шариат кўрсатмаси талабларини бажаришлари лозим бўлади.

Инқироздан (2008 йилги жаҳон молиявий инқироzi назарда тутилмоқда – Б. Ж.) кейинги даврларда муқобил молияларнинг ўсиши янада кучайди. Даставвал исломий молиявий маҳсулотлар ҳаммабоп бўлмаган бўлса-да, охириги йилларда у кўплаб мижозларни ўзига жалб этиб, кенгайди. Глобал иқтисодиёт панасида қолиб кетган исломий молия энди олдинги сафларга чиқиб қолди. Ҳозирги вақтда аксарият йирик молиявий муассасалар консалтинг, бухгалтерия ҳисоби, шунингдек, ахборот тадбирлари туфайли муқобил молиялар соҳасига у ёки бу даражада жалб этилмоқда. Тадқиқотчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирги вақтда исломий молия 105 та мамлакатда ишлаб турибди, аксарият мамлакатлар конунчилигида мазкур соҳа учун меъёрий-ҳуқуқий асосни яратишга муваффақ бўлинди. Ислом дунёсининг ўзида мазкур молиявий муассасалар молиявий муносабатларнинг асосий иштирокчилари бўлиб қолмоқдалар.

1.2. Исломий молиянинг асосий тамойиллари.

Яккаҳудоликка асосланган барча динларнинг, шу жумладан, яҳудийлик, насоролик ва исломнинг асосий ғояси – оламнинг ягона Аллоҳ тарафидан яратилганлиги ва бошқарилишига имон келтиришдир. Аллоҳ инсонни яратди ва Ўзининг амрлари воситасида маълум вазифаларни бажариши

учун ердаги халифаси қилиб тайинлади. Ушбу амрлар ибодат қилишнинг айрим шакллари билан, яъни диний маросимлар билан чеклаб қўйилмади. Аксинча, улар ҳаётимизнинг катта қисмини, қарийб барча жиҳатларини қамраб олади. Мазкур амрлар, инсон фаолияти ўз заковатини рўёбга чиқаришга имкон қолдирмайдиган даражада чекловчи ҳисобланмайди, лекин шу билан бирга ҳаётнинг барча жабҳаларида, инсон хоҳиш ва идроки эркинлиги учун имкон беришда икки ёклама маъно касб этмайди.

Аниқки, Яратувчи томонидан инсон идрокига берилган ваколатнинг фаолият доираси чекланмаган эмас. Инсон зехни лозим даражада идрок эта олмайдиган соҳалар ҳам бор ёки энг камида у мазкур соҳаларда хатоларга йўл қўяди. Бу оламлар Роббиси Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарлари (алайҳиссалом)га юборган илоҳий ваҳийларда баён этган соҳалардир. Ҳар бир мусулмоннинг қатъий ишончи Аллоҳ таолонинг сўнги Пайғамбари саллоллоху алайҳи васалламга туширилган илоҳий ваҳийларда кўрсатилган амрларга шакли ва мазмуни бўйича итоат қилиниши шартлиги ҳамда уларни кимнингдир мулоҳазакор далиллари ёки ички истаклари асосида рад этиш ёхуд бузиш мумкин эмаслиги шу ёндашувга асосланади. Шунинг учун инсоннинг бутун фаолияти мазкур илоҳий кўрсатмаларга мувофиқ бўлиши ва белгилаб берилган ҳад доирасида амалга оширилиши керак. Аллоҳга итоат нафақат ибодатда, балки иқтисодий фаолиятда ҳам талаб қилинади, бунда айрим зоҳирий манфаатлардан воз кечилади, чунки бу жамиятнинг жамоавий манфаатларига зид бўлиши мумкин.

Судхўрликни танқид қилиш тарихи ҳақида қисқача маълумот.

«Судхўрлик» қарзнинг асосий миқдоридан ташқари фоиз ундириши амалиёти сифатида тушунилган даврнинг катта қисмида, гарчи айрим ҳолатларда, айниқса, сўнги вақтларда бу тушунча мақбул ижтимоий ёки ҳуқуқий ставкадан юқори манфаат олиш сифатида талқин этилаётган бўлса-да, у узоқ тарихга эга. Ҳозирги пайтда мазкур кенг қамровли таърифдан фойдаланган ҳолда шуни кузатиш мумкинки, бундан тўрт

минг йиллар аввал ва ундан кейинги даврларда судхўрлик ама-
лиёти такрор ва такрор ахлоқий, маънавий, диний ва ҳуқуқий
асосларига кўра қораланган, ман этилган, нафратланилган ва
жазоланган. Ҳиндийлик, буддавийлик, яҳудийлик, насоролик
ва ислом диний муассасалари унинг кўзга кўринарли ва фаол
танқидчилари бўлганлар.

Ҳиндийлик ва буддавийликда судхўрлик. Судхўрлик ҳақида
бизларга қадар етиб келган энг қадимий эслатмаларни кўҳна
ҳинд диний кўлёмаларидан қидириши лозим. Энг дастлаб-
ки ёзувлар Кўҳна Ҳиндистондаги (эр. ав. 2000–1400 йй.) веда
матнларига оид бўлиб, уларда «судхўр» (кусидин) бир неча
марта эсга олинган ва «судхўрлик» фоиз остидаги ҳар
қандай қарздорлик сифатида талқин этилган. Фоиз тўлаш
бўйича янада тўлиқ ва батафсил маълумотлар «Сутра» (эр.
ав. 700–100 йй.)нинг сўнги, шунингдек, буддавий «Жатаки»
(эр. ав. 600–400 йй.) матнларида ҳам учрайди. Айнан мана
шу сўнги даврда судхўрликка нисбатан дастлабки нафрат-
ланиш ифода этилган. Масалан, ўша даврнинг машҳур ҳинд
қонунишуноси Васиштха махсус қонун қабул қилди, унга кўра
юқори табақадаги браҳманлар ва кшатрийлар (жангчилар)
га судхўрлик қилиши ёки қарздорларга фоиз асносида пул бе-
риши ман этилди. Бундан ташқари, «Жатаки»да судхўрлик
ҳақоратомуз тарзда эсга олинган: «Сохта зоҳидлар судхўрлик
билан шугулланишида айбланади».

Ўша даврнинг «Ману қонунлари»дан келиб чиқиб шуни ай-
тиши мумкинки, бизнинг эрамиз иккинчи асрида судхўрлик нис-
бий тушунча бўлиб қолди: «Қонунда ўрнатилганидан юқори
келишилган фоиз ноқонуний бўлиб, қайта тикланмайди: улар
бунди (кредитлашининг) судхўрлик усули деб атайдилар» (Жайн,
1929: 3–10). Судхўрлик концепцияси бундай емирилишида давом
этди ва бугунги кунда ушбу нуқтаи назар ҳануз қораланса-да,
судхўрлик фақат ижтимоий жоиз деб ҳисобланувчи фоиздан
юқори миқдорга оид бўлиб қолди ҳамда эндиликда ман этил-
маяпти ёки бирон-бир жиддий тарзда назорат қилинмаяпти.

Яҳудийликда судхўрлик. Яҳудийликда судхўрликнинг танқиди
Тавротдаги бир қатор парчаларда ўзининг манбасига эга бўлиб,

уларда фоиз ундириши ман этилган ёки маъқулланмаган ёхуд ундан ҳазар қилинган. Манфаатни ифода этувчи яҳудийча «нешех» (*neshekh*) сўзи сўзма-сўз «тишлаб олиши»ни англатади ва қарздор нуқтаи назаридан манфаатни ундиришига доир деб тахмин қилинади. «Чиқиши» ва «Левит»нинг ўзаро алоқадор матнларида ушбу сўздан камбағал ва қашшоқларни кредитлашига нисбат берилса, «Иккинчи қонун» китобида фақат чет элликлар билан амалий муносабатларни истисно этганда, унинг тақиқ доираси кенгайтирилган ва кредитлашнинг барчасини ўз ичига олган.

Фоизларни ундириши ман этилган бўлса-да, Таврот амал қилган даврда ушбу қоидага амал қилинмаганлиги тўғрисида етарлича далиллар мавжуд дейишига асос бор. «Эски Аҳд»даги бир нечта далилларга қўшимча сифатида шунини айтиши мумкинки, қарз берувчиларга талабчан ва улар томонидан фоиз ундиришига муросасиз бўлишига ундалган, эрамиздан аввалги бешинчи асрда «Элефант папирус»ларида Миср яҳудийлари орасида кредитлар бўйича фоиз олинishiга оддий ҳол сифатида қаралган. Фоиз ундиришига қўйилган ушбу саховатпеша тақиқнинг табиатида уни бузиши, ўзида жарима санкцияларига олиб келадиган жиноят сифатида эмас, балки ахлоқий ножўялик сифатида кўриб чиқилган.

Насороликда судхўрлик. Судхўрликни танқид қилиши насоро черкови муассасаси томонидан зўр иштиёқ ила қўллаб-қувватланди. «Эски Аҳд»даги амрлар янгидан уйғонди ва «Янги Аҳд»даги судхўрлик тўғрисидаги матнлар билан тўлдирилди. Мазкур матнларнинг обрўсига таянган ҳолда, рим-католик черкови эрамиздан аввалги тўртинчи асрда диний идора томонидан фоиз ундиришини ман қилди: эрамизнинг бешинчи асрида ушбу қоида дунёвий қавмга ҳам татбиқ этилди. Саккизинчи асрга келиб, Буюк Карл даврида улар янада олдинга юрдилар ва судхўрликни асосий жиноят деб эълон қилдилар. Судхўрликка қарши ушбу ҳаракатлар ўрта асрлар аввалги давларида янада кучайди ва 1311 йилда энг юқори нуқтасига етди, Папа Климент V судхўрликка тақиқни мутлақ қилиб қўйди ва унинг фойдасига чиқарилган дунёвий қонунчиликнинг барчасини бекор қилди.

Папа ва фуқаровий қонун чиқарувчилар томонидан кўп сонли тақиқлар чиқарилган бўлса-да, қонунчилик ва черков далиллари-га зид келувчи гайриқонуний усуллар топилди ҳамда судхўрлик ҳаракати тобора ўсиб бораётган тижорат тўлқинида ўса бошлади. Протестантлик ва капиталистик таъсирнинг ўсиши ҳам мана шу ўзгаришлар билан боғлиқ эди, лекин шуни қайд этиш лозимки, гарчи судхўрликни буткул қоралаб бўлмаслиги тўғрисидаги қарашларига қарамай, Лютер ва Кальвин судхўрлик амалиёти сабабли ўзларининг айрим шубҳаларини баён этдилар. Ушбу таъсирлар натижасида 1620 йиллар атрофида руҳоний Рустон, «судхўрлик, насоро ҳукумати бартараф этиши лозим бўлган жамиятдаги ахлоққа қарши жиноят йўлидан, токи шахсий диёнат масаласига айланишгача бўлган масофани босиб ўтди ва насоро руҳонийларининг янги авлоди судхўрликни ўта юқори фоиз сифатида қайта кўриб чиқди» деб баён қилди.

Ушбу мавқе бугунги кунга қадар замонавий черковнинг тафаккурида сақланиб қолмоқда. Банк иши ва инвестициялар ахлоқи бўйича тадқиқотлар тўғрисидаги ҳисоботда шотланд черкови вакиллари шундай баёнот берадилар: «Бизнес ва хусусий қарзлар учун фоизлар ҳисоблаш амалиёти моҳиятига кўра насоро ахлоқи билан қарама-қарши деб тан оламиз. Ҳисобланган фоиз ставкасининг адолатли ёки ўта юқори эканлигини аниқлаш янада мушкулдир».

Молиялаштиришнинг исломий асосларига қайтадиган бўлсак, шуни қайд этиш лозимки, рибо судхўрликни англатади. Рибонинг шу ҳолича фоиз ундиришга кириши шарт ҳам эмас. Аслида рибо микдор жиҳатидан номувофиқ пул эквивалентидан келиб чикувчи ҳар қандай ноқонуний ёки адолатсиз фойда олишга тааллуқлидир. Пул-кредит фоизлари ёки судхўрлик (яъни пулларни пулга олди-сотди қилиш) – бу рибонинг шакллари билан бири, холос.

Тизимнинг асосий қонидаси ҳисобланадиган рибони тақиқлаш – сўзма-сўз «ортиқчалик»ни англатади ва «сотиш ёки қарз шаклида бўлсин, капиталнинг ҳар қандай асоссиз кўпайиши» сифатида талқин қилинади. Исломий олимлар орасидаги умумий нуқтаи назар шундан иборатки, рибо нафақат судхўрликни, балки ама-

лиётда кенг қўлланиладиган ноҳақ даромад ҳисоблашни ҳам ўз ичига қамраб олади. Фоизни тақиқлашнинг бевосита натижаси соф қарз мажбуриятлари бўйича берилган фоиз ставкаларининг ҳам ман этилганлиги ҳисобланади.

Ушбу тақиқ ижтимоий адолат, мулк ҳуқуқи ва тенг ҳуқуқлилиқ асосларига таянади. Ислоом фойда олишни рағбатлантиради, лекин соф пул фоизлари ундиришни тақиқлайди, чунки меҳнат асосидаги фойда муваффақиятли тадбиркорлик ва қўшимча бойлик яратиш рамзи ҳисобланади. Бундан фарқли равишда, фоизлар – меҳнатга асосланмаган, фаолият натижасига боғлиқ бўлмаган ҳолда барибир ҳисобланадиган ва агар тижорий йўқотишлар мавжуд бўлса, бойлик ярата олмайдиган харажатлардир. Ижтимоий адолат, қарздор ва қарз берувчи ўртасида фойда ва зарарларни мувофиқ меъёрларда бўлишиб олишларини, иқтисодиётдаги бойликларни жамғариш ва тақсимлаш жараёни адолатли ва воқеликдаги маҳсулдорликни акс эттирадиган бўлишини талаб қилади.

Шариат томонидан фоизлар ундиришнинг тақиқлаш мақсадларига ёки мантиқий асослашга нисбатан турли томонлар турфа муносабат билдирганлар. Ислоом ҳуқуқшунослигининг барча мувофиқ тамойиллари ва матнларини инобатга олиб шуни тасдиқлаш мумкинки, қатъий ҳисобланган ягона сабаб моддий бойликларнинг адолатли тақсимланишидир, чунки рибони тақиқлашда бойликларни бир гуруҳ кишиларнинг қўлида тўпланишининг олдини олиш кўзда тутилган, ушбу тақиқ Қуръони каримдаги «... **Сизлардан бойларингиз орасида айланадиган нарса бўлиб қолмаслиги учун, Пайғамбар сизга нимани берса, ўшани олинглар ва нимадан қайтарса, ўшандан қайтинглар. Аллоҳдан кўрқинглар. Албатта, Аллоҳ азоби шиддатли зотдир**» (Ҳашр сураси, 7-оят) оятидаги амрлардан келиб чиққан. Шундай қилиб, рибони ман қилишнинг асосий мақсади бойликларни бир гуруҳ, яъни банк ёки алоҳида шахслар қўлида жамланишга олиб келадиган йўллارни тўсиш ҳисобланади.

Аксарият инсонлар учун рибони ман этиш тўғрисидаги масала – бу оддийгина диний тоат-ибодат масаласидир. Қуръондаги

оятлар рибони ман қилади, шунинг учун у ман этилган сифатида кўриб чиқилиши лозим ва ақл-идроққа асосланган далилларни келтиришга ҳеч қандай зарурат йўқ. Айримлар рибонинг тақиқланиши ўта дабдабали ҳаётдан асрайди, кўп миқдорда бойликлар тўплашни ман қилади ва бу ҳар тарафлама ривожланишга олиб келади, деб айтадилар. Учинчилари ушбу тақиқ адолатсизликнинг олдини олади, демак, адолатсизликнинг мавжудлиги ман этишнинг ягона сабаби, деб ҳисоблайдилар. Улар мана шу асосда фоизлар ва судхўрлик ўртасида тафовутларни кузатадилар ҳамда замонавий тижорат фоизлари ўтган даврларда бўлгани каби у қадар кескин эмаслигини қайд этадилар. Улар атамадаги ноаниқлик туфайли мана шу нуқтаи назарни маҳкам тутадилар, чунки у фикрлар эркин талқинида эгилувчанликни таъминлайди. Лекин фақат ушбу сабабга боғлаб унга урғу бериш ҳам у қадар тўғри бўлмайди.

Анъанавий иқтисодчиларнинг умумий нуқтаи назарига кўра, фоизларни ундириш (олиш) иқтисодий ривожланиш, инвестиция ва жамғармаларни рағбатлантиришда муҳим вазифани бажаради. Лекин ҳақиқатда аҳвол бундай эмас ва жойлардаги воқелик бунинг тескарисини исботлайди. Иқтисодиётдаги жамғармаларнинг даражаси кўп сонли омилларга кўра аниқланади – жамғармалар бўйича даромадлилик уларнинг биттаси ҳисобланади, холос. Ҳар қандай иқтисодиётдаги даромад даражаси ва уни тақсимлаш тизими, инфляция даражаси, иқтисодиётдаги барқарорлик ва ҳукуматнинг молиявий тартибга солиш соҳасидаги чоратадбирлари фоизнинг жамғариш ва инвестициялашдаги вазифасига нисбатан анча муҳимроқдир. Аксарият иқтисодчилар узок вақт давомида фоизлар олиш тартиби аввалги даврлардан буён миллий ва жаҳон иқтисодиётига ҳалокатли таъсир этишини таъкидлаб келганлар.

Замонавий ислохотчилар тафаккурида судхўрлик. Айримлар Адам Смитнинг «эркин бозор капитализми отаси» эканлиги ва давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслик сиёсати ташвиқотчиси бўлишига қарамай, тартибга солинувчи судхўрликни қўллаб-қувватлаганини эшитиб, ҳайрон қолган бўлар эдилар. Фоизлар ундиришга қўйилган тақиққа буткул

қарши чиққан ўша вақтларда, у фоиз ставкалари бўйича чекловлар қўйилишига хайрихоҳлик билдирган. Смитнинг фикрича, бу «ўзлари якка ҳолда юқори фоиз ставкалари тўлашга тайёр турган исрофгарлар ва проектор ташкил этувчилар (чайқовона корхоналардаги инвесторлар)га лозим бўлган пулларнинг катта қисми қарзга берилиши» натижасида, паст хатарга эга қарздорлар амалга оширишга чоғланаётган ижтимоий фойдали лойиҳалар маблағлардан маҳрум бўлмаслигини кафолатлайди.

XX асрнинг йирик иқтисодчиларидан бири Ж. Кейнс худди шундай мавқеда бўлган, «тажрибага эга бўлмаганлар (схоластлар)нинг (судхўрлик бўйича) тадқиқоти самарадорликнинг энг юқори даражасига эришиш имконини берадиган тавсифларни изоҳлашга йўналтирилган, шу билан бир вақтда донишманд ҳукумат фоиз ставкасини пасайтириш мақсадида одат ва қоидалар, ахлоқий тартиблардан фойдаланади, ҳаттоки ахлоқий қонунларга санкцияларни ҳавола қилиб, уни (фоизни) жиловлаш учун низом ва расм-русумларни жорий этиш ҳақида қайғуришини» тахмин қилган.

Судхўрликка қарши йўналиш ислохотчиларидан бошқа бири машҳур иқтисодчи С. Гезелль эди. Дунё Марксга нисбатан Гезеллдан кўпроқ нарсани билиши мумкин эди, деб ёзган эди Кейнс. XIX асрда Германия ва Аргентинада муваффақиятли савдо фаолиятини олиб борган Гезелль ўзининг сотувлари, инсонлар эҳтиёжи ёки маҳсулотлар сифатига эмас, балки аксарият «пулларнинг «баҳо»си (яъни фоизлар билан)га боғлиқ эканини асос қилиб олган ҳолда, фоиз ундиришни қоралади. Пуллар давлат хизматчиси бўлиши лозимлиги ва улардан фойдаланганлик учун тўлов ундирилиши шартлиги тўғрисидаги Гезеллнинг таклифлари Австрия, Франция, Германия, Испания, Швейцария ва АҚШда «босма ҳарф ҳаракати» шиори остида тажрибаларга кенг йўл очди, лекин у миллий банкларнинг монополиясига хавф сола бошлагач, ушбу ташаббуслар буткул бостирилди. Ганновер университети профессори М. Кеннеди (1995) фоизлар ундиришнинг энг ашаддий замонавий танқидчиларидан бири ҳисобланади ва Гезелль ғояларига асосланади. Унинг фикрича, «фоизлар ундириш... бизнинг ижтимоий таркибларга саратон

каби таъсир кўрсатади». У «инфляциядан холи фоиз ва пуллар» масаласини муҳокама қилади, банк амалиётига – «салбий» фоиз ставкаси механизмига ўхшаш ҳаракат қилувчи, пул айланмалари учун пул қийматидаги тўловлар киритишни таклиф этади.

Нихоят, XX аср бошидаги замонавий иқтисодиёт мактабларидан бири, яъни Дуглас (1924), Фишер (1935), Симонс (1948) ва Содди (1926)лар фоизлар ҳисоблаш амалиётини танқид остига олдилар. Уларнинг умумий асосий нуқтаи назари шундан иборатки, тижорат банклари учун пулларни монополияда ушлаб туриш ёки кредитни яратиш жараёни умуман нотўғри ва мақбул эмас. Банкларнинг пуллар учун ҳеч қандай муқобил харажатлар қилмасдан ёки ҳеч бир талафотсиз фоиз ҳисоблашлари, ноахлоқий ва қаллоблик амалиётидан ўзга нарса эмас.

Кредит-пул фоизлари жамиятда боқимандалик кайфиятини яратади ва пул капитали эгаларининг қуюшқондан чиқишларига олиб келади, шу боис бойлар ва камбағаллар ўртасидаги тафовут кенгайишда давом этади. Аллома Юсуф Алининг фикрича, «қонуний савдо ва саноат халқлар ва инсонларнинг барқарорлиги ҳамда равнақини оширади, судхўрлик воситасига қарамлик эса бекорчилар, шавқатсиз қонхўрлар ва бефойда шахсларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради, холос, улар ўзининг шахсий фаровонлигини ҳам билмайди, бинобарин, ақлдан озганларга ўхшайдилар».

Рибонинг моҳиятини яхшиси, иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда тушунтириш лозим. Қўшимча қиймат – сотиб олинган маҳсулот қиймати (яъни ҳар бир ишлаб чиқарувчи (фирма) бошқасидан сотиб олган товарнинг қиймати) ва уни сотишдан келиб тушган умумий тушум ўртасидаги фарқдир. Пулга доир қўшимча қиймат соф молиявий битимлар билан боғлиқ. Воқеликдаги товар ёки хизматларнинг тўловини таъминламайдиган молиявий воситаларни олиш ва сотиш ҳам унга киради. Молиявий воситалар харид баҳоси ва уларни сотиш баҳоси ўртасидаги фарқ ўзида пуллик қўшимча қийматни ифодалайди. Бу битимлар ЯИМ (яъни ички маҳсулот) миқдорини ўзгартирмайди ҳамда иқтисодий агентлар ўртасида пул маблағларини қайта тақсимлаш натижаси ҳисобланади. Мана

шу пуллик кўшимча қиймат рибонинг ўзидир (бир валютани иккинчи валютага алмаштириш ва пул ўтказмалари бундан мустасно – Х. Х.).

Ўз навбатида, пулни воқеликдаги товар/хизматларнинг қиймат ўлчови сифатида ишлатиш шароитида, жамият ва кишиларнинг барча зарурий эҳтиёжлари тўлақонли қондирилади. Шунинг учун фақат товар устамаси концепциясини ўзида ифодаловчи воқеликдаги кўшимча қиймат яратилгандагина, барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёт таъминланади.

Аввалги олимларнинг барчалари пулни алмашинув воситаси, қиймат ўлчови ва ҳисоб-китоб бирлиги сифатида кўриб чиққанлар, лекин унинг жамғарма воситаси сифатидаги вази-фасини рад этганлар. Барча яккахудолик йўналишларида фоиз асосида кредитлаш тақиқланган эди, ушбу машғулот адолатсизлик ҳисобланган ва ношукурлик қилиш дея баҳоланган, чунки пуллар пулнинг ўзи учун эмас, бошқа мақсадлар учун яратилган. Қуръон савдо ва тижоратда иштирок этиш ҳамда рибо воситасида даромад олиш ўртасидаги тафовутни аниқ кўрсатиб берган. Рибо концепцияси энг аввалги фикҳшунослар, олимлар ва амалиётчилар тафаккурида, шубҳасиз, равшан эди. Узок вақт мобайнида, асосан қоғоз пуллар пайдо бўлгунига қадар аксарият шарият билимдонлари рибо ҳақидаги масалани доимо алмашинув битимлари талқинида, яъни товар ёки хизматларни оддий айирбошлаш ёки сотиш сифатида кўриб чиққанлар. Фақат айрим олимлар ушбу предметни қарз шаклида муҳокама қилганлар.

Пуллар «эҳтимолий» капитал сифатида кўриб чиқилади, яъни улар амалда ишлаб чиқариш фаолиятини юргизиш учун бошқа ресурслар билан уйғунлашгандагина капиталга айланади. Ислом пулларнинг вақтинчалик қийматини тан олади, фақат бунинг учун улар «эҳтимолий» капитал сифатида эмас, балки воқеликдаги капитал сифатида иштирок этишлари лозим.

Шарият рибони икки шаклга ажратади, яъни:

а) пулларни пулга айирбошлашдаги рибода насия рибоси юзага чиқади, бу ерда айирбошлаш кечиктирилган ёки секинлаштирилган бўлади ва бу бугунги кун молиявий амалиётларида татбиқ қилинаётган кўшимча тўлов учун сабаб ҳисобланади.

Муддатида ёки ундан аввал тўланадиган асосий қарз ва бутун миқдордан келиб чикувчи ўзгарувчан фоиз ёки ўрнатилган даромад бўлиши ёхуд кредит олишнинг шарти сифатида ундирилиши лозим бўлган совға ёки хизматга боғлиқ ҳисобланишидан қатъи назар, уларга нисбатан шариат тақиқи татбиқ этилади;

б) фазл рибоси янада нозик ҳисобланади ва у қўлма-қўл ёки бартер алмашинувлари билан боғлиқдир. Тақиқ Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари талабидан келиб чиқади, унга кўра товарлар пулга айирбошланиши лозим, бартер орқали айирбошлашда товар сифатида фарқлар бўлиши мумкин, бу эса адолатсиз кўпайишга олиб келади. Фазл рибоси концепцияси «Эски Аҳд»даги озиқ-овқатни қарзга беришдаги ўсишга қўйилган тақиққа (Левит, 25:37) ғоят ўхшайди. Бугунги кун бозорларида айирбошлаш пуллар воситасида амалга ошади, фазл рибосининг долзарблиги пасайган кўринади, лекин концепция моҳиятининг мана шундай ҳолатларга татбиғи сақланиб қолади.

Молиявий амалиётлардаги рибога диққатни жамлаган ҳолда, энди ушбу атаманинг янада расмий таърифини тиклаш мумкин. Шариатга кўра, кредит муддатини узайтириш ёки кредит олиш учун шартлашув сифатида, қарздор томонидан асосий миқдор билан биргаликда кредитор (қарз берувчи)га тўланиши лозим бўлган рибо техник жиҳатдан «устама»га киради.

Исломий молиявий битимларда пул (фоиз) учун пуллар (кредит)ни сотиш мумкин эмас. Шу билан боғлиқ равишда рибо ғарб банк-молия ишининг асосий хусусияти ҳисобланади ва юқорида санаб ўтилган барча белгиларни ўзида акс эттиради.

Ғорар. Молиявий битимларда ғорар рибодан кейинги энг муҳим таркибий қисм ҳисобланади. Оддий тилда айтганда, ғорар ахборотдан беҳабарлик муаммосининг натижаси саналади ва шартномада назорат ёки ахборот йўқлиги сабабли вужудга келган ҳар қандай ноаниқликка дахлдордир. Бошқа (ҳамкор)лар томонидан яширилаётган ёки томонларнинг ҳеч бири назорат қилиш имконига эга бўлмаган битим предмети ғорар ҳисобланади ёхуд у битим предметининг айрим қисмлари тўғрисидаги маълумотларга тааллуқли беҳабарлик сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Барча исломий тижорат битимларидаги адолат тушунчасини эътиборга олиб, шариат сонга, сифатга, қайта тикланишга ёки шартнома предметининг мавжудлигига нисбатан ҳар қандай ноаниқликни ғорар унсурига йўлланма сифатида кўриб чиқади. Шундай бўлса-да, у фикҳшуносларга транзакциялардаги ғорар даражасини аниқлаш имконини беради ҳамда вазиятга боғлиқ равишда, улар битимни амалда ёки кучдан қолган деб эътироф этишлари мумкин. Шариат ғорарни тақиқлаган ҳолда, ислом-гача бўлган кўплаб алмашинув битимларини, улар юқори даражада ноаниқликка дучор бўлганликлари ёки кераксиз тортишув ва ноҳақликларга сабаб бўлганлари боис ва ноаниқлик битим томонларининг бири ёки иккаласига маълум бўлмагани сабабидан, ман этади. Аксарият ҳолатларда ғорарни, битимлардаги сотиш объектлари ва уларнинг баҳосини аниқ таърифлаш йўли билан кераксиз ноаниқликни баргараф этиш орқали йўқотиш мумкин. Яхши ҳужжатлаштирилган шартнома ҳам ғорарни баргараф этишга кўмак беради. Китобнинг давомида, кейинги бўлимларда ғорар тўлақонли ёритиб берилади.

Хатарларни тақсимлаш. Кредит-пул фоизларини ундириш ман қилингани сабабли, соф қарз мажбуриятлари тизимдан чиқариб ташланади, бинобарин, маблағларни етказиб берувчилар кредиторларга эмас, инвесторларга айланадилар. Молиявий капитал етказиб берувчи ва тадбиркор амалий хатарлар тақсимланишини фойда ва зарардаги улушларга алмашиниб оладилар.

Активлар асосида фаолият. Қарз мажбуриятларини ман этиш ва хатарлар тақсимланишини рағбатлантириш молиявий ва реал сектор ўртасидаги бевосита алоқа мавжуд бўлган адолатли иқтисодий тизимни тиклайди. Натижада тизим «мавжудлилик» жиҳатини жорий этади, у таянч актив билан бевосита молиялаштириш орқали шундай муносабатда бўладики, молиявий амалиётлар реал сектордаги фаолият билан аниқ ва узвий боғлиқ бўлади. Воқеликдаги актив самарадорлиги ва уни молиялаштириш учун ишлатиладиган капитал айланиши ўртасида узвий алоқа мавжуд бўлади.

Чайқовона фаолиятни тақиқлаш. Исломий молиявий тизим ўта юқори даражада жамғаришга тўсқинлик қилади ва

ҳаддан ташқари ноаниқлик, қимор ўйинлари ва хатар иштирокидаги амалиётларни ман қилади.

Шартномаларнинг дахлсизлиги ва эғалик ҳуқуқининг сақланиши. Ислом шартнома мажбуриятларини қўллаб-қувватлаш ва маълумотлар очиқлигини зарурият сифатида кўриб чиқади. Ушбу вазифа ахборотдан беҳабарлик ва виждонсизлик (алданиб қолиш) билан иш юритиш хатарини пасайтириш учун мўлжалланган. Ислом эғалик ҳуқуқи сақланишига катта эътибор қаратади, давлат ва жамият, фуқаро ҳуқуқлари ўртасидаги тенгликни аниқлайди ва шахснинг эғалик ҳуқуқига тажовузни мутлақо ман қилади.

1.3. Исломий ва анъанавий молиялаштириш ўртасидаги тафовут.

Исломий молиявий тизим маънавий-ахлоқий қоидалар билан мувофиқ келадиган аниқ ижтимоий йўналишга эгадир. Исломий иқтисодиёт уламолар (Ғаззолий, Форобий, Абу Юсуф, Ибн Холдун) ва шарқ олимлари томонидан кўриб чиқилган ҳамда илоҳий мазмун ила белгиланган қонунлар билан тартибга солинувчи жамият тузумининг бир қисми сифатида тушунилган, Иброҳим (а. с.), Мусо (а. с.), Исо (а. с.) ва Муҳаммад саллоллоху алайҳи васаллам билан тугаган Пайғамбарлар занжири воситасида олам ҳақидаги таълимот орқали инсониятга етиб келган. Мана шу маънода исломий иқтисодиёт яна бир – «тавҳид иқтисодиёти» (тавҳид – арабчадан ёлғиз илоҳга сиғиниш) деб аталган номга ҳам эга. Иқтисодиётнинг ижтимоий йўналганлиги ривожланишнинг асосий мақсадини – хўжалик фаолияти натижаларини тақсимлашда ижтимоий адолатни таъминлашни тақозо этади. Мана шу мақсадга эришиш воситаси иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш ҳисобланади. Шу билан бир қаторда уламолар ва иқтисодчилар маънавий одоб ва ахлоқнинг ўзига хос ўрнини, хўжалик фаолиятидаги суистеъ-моллик ва қонунга хилоф ҳаракатлардан асрайдиган унинг ўзгача қобилятини алоҳида таъкидлайдилар.

Ислом бозор иқтисодиёти ва бозор таъсирини рад этмайди. Ҳатто манфаат олишга бўлган рағбат мантӣқ доирасида

мақбулдир. Хусусий мулкчилик буткул рад этилмайди. Шу билан бирга ислоний ва капиталистик иқтисодиёт ўргасидаги асосий фарқ шунда рўёбга чиқадики, дунёвий капитализмда фойда олишга бўлган рағбат ёки хусусий мулкчилик иқтисодий қарорларни қабул қилиш учун чекловсиз имкониятларни берди. Уларнинг эркинлиги бирон-бир илоҳий қўлланма тарафидан назорат қилинмайди. Агар айрим чекловлар мавжуд бўлса ҳам, улар инсон томонидан ўрнатилган ва демократик қонунчилик воситасида доимо ўзгартирилиши мумкин, у бирон-бир илоҳий таъсирлар доирасидаги ваколатни ўзига олмайди. Мана шундай муносабат жамиятда номувофиқликка олиб келувчи айрим ҳаракатларга йўл очиб беради. Фоизлар, кимор ўйинлари, чайқовона битимлар бойликларни озчиликнинг қўлида жамланишига олиб келувчи тенденцияга эга. Инсоннинг носоғлом туйғулари ноахлоқий ва зарарли воситалар кўмаги билан пул ишлаб топиш мақсадларида эксплуатация қилинади. Жилowlаб бўлмайдиган даражада фойда олиш монополияларни яратади, улар бозор таъсирини фалаж қилади ёки ҳеч бўлмаганда унинг табиий фаолиятига халақит беради.

Шундай қилиб, бозор таъсирига асосланганлиги таъкидланмаётган капиталистик иқтисодиёт монополиялар эмас, балки фақат эркин рақобат муҳитидагина тўғри ишлай оладиган талаб ва таклифнинг табиий жараёнини амалда тўхтатиб қўяди. Баъзан дунёвий капиталистик тизимда жамиятнинг манфаатларига ишламайдиган маълум бир иқтисодий фаолият тўғрисидаги нуқтаи назар юксак кадрланади ва унинг фаолияти давомли бўлади, чунки бу ўзларининг кучли мавқелари боис қонунчилик ҳокимиятида ҳукмрон бўлган айрим таъсир доираларининг манфаатлари билан мувофиқ келади. Демократик ҳукмронлик доирасидан ташқари ҳар қандай ҳокимият буткул рад этилади ва «Яратганга ишонч» (ҳар бир АҚШ долларининг олд томонидаги таъкидлар) амалда ижтимоий-иқтисодий соҳадан чиқариб ташланган, илоҳий кўрсатмалар ёки бошқача айтганда, ахлоқ ва одоб иқтисодий фаолиятни бошқариш амалиётида тан олинмайди.

Агар инсоният Аллоҳнинг буйруғи ва шариат талабларини, ҳар қандай ҳолатда ва нима бўлишидан қатъи назар, риоя этилиши лозим бўлган мутлақ адолат ва сўзсиз амрлар сифатида қабул қилиб буйсунмас экан, мана шундай муносабатлардан келиб чиқадиған зиён-заҳматлар ҳеч қачон тугамайди. Хусусий мулк, фойда олишга бўлган рағбат ва бозор таъсирини эътироф этгач, ислом иқтисодий фаолиятга маълум бир маънавий-ахлоқий чекловларни ўрнатди. Ушбу ҳадлар Аллоҳ таоло томонидан белгилаб қўйилган Унинг илми чегара билмайди, бирон-бир инсон ҳукми билан бекор қилиниши мумкин эмас. Рибо (судхўрлик), қимор ўйинлари, ҳаддан ташқари даражада бойлик жамғариш, ноқонуний товар ва хизматлар билан тижорат амалиётлари, қисқа сотувлар ва чайқовона амалиётларга тақиқлар – мана шулар Яратганнинг чекловларидан айрим мисоллардир. Биргаликда жамланган мана шу тақиқларнинг барчаси мувоzanатни қўллаб-қувватлаш, имкониятлар тенглиги ва адолатли тақсимот билан ўзининг таъсир кучига эга бўлади.

Исломий молиялаштиришнинг ўзига хос муҳим хусусиятларидан бири – воқеликдаги (реал) активлар асосида молиялаштиришдир. Молиявий соҳанинг оддий капиталистик концепциясида банк ва молиявий муассасалар фақат пуллар ва монетар мажбуриятларни сотиб оладилар ва сотадилар. Бошқа томондан ягона илоҳга эътиқодда пуллар савдо предмети сифатида тан олинмайди. Пуллар ўзича ҳеч қандай қийматга эга эмас, у фақат алмашинув воситаси, товар ёки хизматнинг пулдаги эквивалентидир. Қандайдир қийматга эга бирон нарса пулга сотилса ёки турли валюталар бир-бирига алмашганда, фойда пайдо бўлади. Пуллар (бир валютада) ёки уларнинг ўрнини босувчи қоғозлар билан кредит-қарз амалиётлари натижасида олинган фойда ўзида пуллик қўшимча қийматни ифодалайди, демак, у ман этилган ҳисобланади. Шундай қилиб, оддий молиявий муассасалардан фарқли равишда муқобил (исломий) молиялаштириш ҳамиша воқеликдаги (реал) активларга асосланади, олди-сотди жараёнида воқеликдаги қўшимча қиймат юзага келади. Буни воқеликда активларни яратадиған бўнакли молиялашти-

риш воситаларида (салам ва истисноъ асосида) кўриб чиқамиз. Асосан салам амалиётлари ишлатиладиган қишлоқ хўжалигида молиявий муассаса мижози ҳосилни сотганидан кейин ўз фойдасини молиялаштирувчи билан бўлишиб олади. Истисноъ билан бўлган ҳолатда молиялаштириш маблағи инфратузилма активларини ишлаб чиқаришга йўналтирилади, тўлови кечиктирилган активни буюртмачига сотишдан келган тушум орқали молиялаштирувчи ўзининг пули ва ўрнатилган фойдани қайтиб олади.

Ижара ва муробаҳа воситалари ҳам активлар билан буткул таъминланган ҳамда ушбу воситалар орқали молиялаштириш фоиз асосидаги молиялаштиришдан куйидаги жиҳатлар ила фарқланади:

– анъанавий молиялаштиришда молиялаштирувчи (банк, муассаса) ўзининг мижозига суда фоизи сифатида пулларни беради, шундан кейин у ушбу маблағлар мижоз томонидан қандай ишлатилишига алоқадор бўлмайди. Муробаҳа билан бўлган вазиятда молиялаштирувчи томонидан мижозга пул (нақд) берилмайди;

– муробаҳа асосли эканлигига қўйиладиган асосий талаблардан бири товарнинг молиялаштирувчи томонидан сотиб олинишидир, бу эса унинг мижозга қайта сотишдан олдин товар бўйича хатарни ўзига олишини англатади. Молиялаштирувчи даъвогар бўладиган фойда у ўзига олган хатар учун устама ҳисобланади. Бундай амалиёт фоиз олишга асосланган қарз ҳисобланмайди;

– фоизли даромад келтирувчи қарзда қарздорга қайтиши лозим бўлган миқдор вақт ўтиши билан кўпайишда давом этади. Бошқа томондан муробаҳада келишувдан кейин сотиш баҳоси ўрнатиб қўйилади. Натижада, агар харидор (банк мижози) ўз вақтида тўловларни амалга оширмаса ҳам, йиғимлар тўлови масаласини тартибга солиш кечиккан тақдирда ҳам сотувчи (банк) белгиланганидан юқори баҳони талаб қила олмайди. Бу шаритатда пулларнинг даврий ўлчови концепцияси мавжуд эмаслиги билан изоҳланади;

– шунингдек, лизингда ҳам молиялаштириш фойдаланиш ҳуқуқига эга амалий активларни бериш йўли билан амалга оширилади. Мулкни сотиб олиш ва кейинчалик ижарага бериш билан боғлиқ хатарлар ижаранинг бутун муддати давомида ижарага берувчи/молиялаштирувчи зиммасига юкланади, бундан агар лизинг активи буткул йўқ қилинадиган бўлса ва лизинг олувчи томонидан совуққонлик ёки нотўғри фойдаланиш фактлари аниқланмаса, у ҳолда зарарлар молиялаштирувчи/ижарага берувчининг зиммасига юкланиши маъноси келиб чиқади. Бу ҳолатда мижоз тақдим этилган моддий гаров ҳисобига биргалликда (солидар) масъуллиқни зиммасига олган бўлади.

Юқорида баён этилганлардан кўришиб турибдики, ахлоқий тизимдаги молиялаштиришнинг ҳар бир шакли воқелиқдаги қўшимча қийматни яратади. Оддий банклараро кредитлар воқелиқда, кам ҳажмдаги товар айланмасидан ташқарида кўпаювчи қўшимча пул массасини яратади. Пул массаси ва реал сектор ўртасидаги мана шу узилиш инфляцияни кучайтиради, ўзаро номувофиқлик (дисбаланс) ҳисобига пул бирликларининг қиймати тушади, бу, ўз навбатида, янада арзонлашаётган «товар», яъни таъминланмаган қоғоз пулларда ифодаланадиган хом ашё ва хизматлар баҳосининг ўсишига таъсир кўрсатади.

1.4. Исломий молиянинг ривожланиш тарихи.

Исломий банк тизимининг биз биладиган шаклдаги тарихи ўтган асрнинг иккинчи ярмида ривожлана бошлади. Исломий банк тизимининг муваффақиятли ривожланиши Мисрдаги Mit Ghamr жамғарма банки ҳамда 1963 йилда Малайзияда ташкил этилган Табун Ҳаж Лембагани ташкил қилиш билан бошланди, деб ҳисоблаш мумкин.

Нил дельтасида жойлашган Мит Ғамр жамғарма банки жамғарма ҳисоб варақлар, ҳиссадорлик капиталида улушли иштирок, тўғридан-тўғри инвестициялар ва ижтимоий хизматлар каби банк хизматларини таклиф этди. Ушбу хизматлар асосий банк хизматлари сифатида кўриб чиқилса-да, энг муҳими

атрофдаги жамиятнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини кондирриш эди. Бундан ташқари, ушбу банк истеъмолчиларни судхўрлардан ҳимоя қилишга ёрдам берди, Мит Ғамр, шунингдек, ўз мижозларида уларнинг бизнесига шериклик ҳиссини уйғота олди. Ушбу омил банк муваффақиятига кўмак берди. Лекин нотинч сиёсий вазият банк фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. 1967 йилнинг иккинчи ярмида Миср Миллий банки ва Марказий банк банкнинг вазифасини ўз зиммасига олдилар. Исломий банкинг тарихига қўшилган энг муҳим ҳиссалардан бири бу, сўзсиз, Мит Ғамрнинг жамиятга анъанавий банк тизими муқобили мавжудлигини кўрсатгани бўлди. Муқобил банкнинг депозит омонатларга хизмат кўрсатиш ва мижозларни молиялаштириш соҳасидаги муваффақияти, маънавий-ахлоқий қоидаларни замонавий банклар амалиётида ҳам қўллаш мумкинлигини исботлади.

Малайзия шариат талабларига мос келадиган замонавий молиявий андозани тиклаш ҳақидаги масалани тизимли тадқиқот этиш бўйича ташаббусни ўз зиммасига олган дастлабки мамлакатдир ва бугунги кунга қадар у исломий молиявий воситалар бозорида етакчи мавқени эгалламоқда. Мазкур тадқиқотлар натижасида 1963 йилдаёқ ҳамкорликдаги инвестицияларни бошқарувчи компания вазифасини ўз зиммасига олган Малайзия Ҳожилар жамғармаси ташкил этилди (Pilgrims Fund Board, Lembaga Tabung Haji).

Лембага Табун Ҳаж Малайзиянинг етакчи молиявий муассасаси бўлиб, 1963 йилда рўйхатга олинган. Муассаса депозитлар, ҳаж бўйича хизматлар кўрсатиш, молиявий амалиётлар ва инвестицияларни бошқариш билан ишлаш борасида 50 йиллик иш тажрибасига эга. Ушбу ташкилотни ташкил этиш концепциясининг муҳим жиҳати, мусулмонларга ҳаж амалларини бажариш мақсадида шариатга мувофиқ маблағларни жамғариш имкониятини бериш эди. Умуман олганда, Лембага Табун Ҳаж қўшалок стратегияга эга. Ушбу стратегия мусулмонларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ечишга йўналтирилган ва шу билан

бир вақтда улар мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида самарали иштирок этиш ҳамда инвестиция қилиш имкониятига эга бўладилар.

1963 йилда муассаса фақат 5000 та ҳажга борувчининг жамғармаларини бошқарган ва дастлабки ходимлар штати 13 мутахассисдан иборат бўлган. Бугунги кунда ташкилот 26 мингдан ортиқ зиёратчиларнинг маблағларини самарали бошқармоқда. 2012 йилга келиб, Лембага Табун Ҳаж 5,5 млн. кишидан ошиқ омонатчиларни рўйхатга олган, бутун Малайзия бўйлаб 354 та депозит офислари ишлаб турибди ва депозитларнинг умумий миқдори 8 млрд. доллардан ошиб кетди.

Бутун Малайзия исломий банк саноатининг муассасавий ривожланишига унинг раҳбари, Бош вазир Мазохир Муҳаммаднинг оқилона сиёсати катта таъсир кўрсатди. XX асрнинг 90-йиллари бошида исломий молиявий воситаларни ишга тушириш истагида бўлган барча тижорат банкларига фоизсиз бюджет қарзи бериш орқали маблағлар берилди. Давлат қарзларини қайтарган ушбу банкларнинг аксарияти ўзларининг хусусий механизмларини ишлаб чиқдилар ва банк холдингларида исломий шўъба банкларни очган ҳолда, ўз йўналишларини белгилаб олдилар.

Глобал исломий молия саноатининг чинакам ривожи 1970 йилларнинг ўрталарида бошланди. Давлатлараро Ислом тараққиёт банки 1975 йилда расман таъсис этилди: унинг асосчилари 22 та давлат ҳукуматлари ҳисобланади. ИТБ билан бир вақтнинг ўзида 1975 йилда Дубай Исломий Банки рўйхатга олинди. 1977 йилда яна уч исломий банк ўз ишини бошлади, улар Миср Файсал Исломий банки, Судан Исломий банки ва Қувайт Молия Уйи эди. 1970 йиллар ва 1980 йиллар бошида ҳаммаси бўлиб 16 та исломий молиявий муассаса ташкил этилди.

Замонавий исломий банк тизими тарихини 4 та асосий босқичга ажратиш мумкин: ташкил этиш даври, кенгайиш даври, халқаро эътироф даври, ўз қарашларини қайтадан кўриб чиқиш ва янги истиқболлар (инқироздан кейинги давр).

Исломий (муқобил) молиянинг замонавий тарихи

Бос-кич	Сана-лар	Тавсифи, баёни
Ташкил этилиши	1950 йиллар	<ul style="list-style-type: none"> • Исломий олим ва иқтисодчилар фоизга асосланган анъанавий банкинг реал муқобилини тақлиф этиш мақсадида исломий банк ва молия тизимини тақдим этишни бошладилар • «Музораба» қўшалок концепцияси исломий банкинг воқитаси сифатида тақлиф этилди
	1960 йиллар	<ul style="list-style-type: none"> • Исломий молиялаштиришнинг таянч тамойилларини татбиқ этиш бошланди • Исломий молиявий муассасалар фаолият механизми биринчи марта соддалаштирилди • 1963–1967 йиллар оралиғида Мит Ғамр жамғарма банки равақ топди ва тугатилди • 1963 йили Малайзияда Лембага Табун Ҳаж ташкил этилди
Кенг тарқалиши	1970 йиллар	<ul style="list-style-type: none"> • Исломий банк ва исломий нобанк муассасалари ташкил этилди • Илмий фаолият ташкиллаштирилди • Илмий-тадқиқот муассасалари таъсис этилди • «Музораба» молиявий механизми тасдиқланди • Жиддада Исломий иқтисодий илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди • Исломий банкинг бўйича китоблар чоп этила бошланди. Лизинг, музораба, фойда ва зарарларни тақсимлаш каби масалалар қамраб олинди • Дубай Исломий банки очилди, 1975 йил • Ислом Тараққиёт банки очилди, 1975 йил • 1976 йили Маккада биринчи Халқаро исломий иқтисодий конференция бўлиб ўтди • 1979 йил Судан ва БААда биринчи исломий суғурталаш компаниялари иш бошлади
Кенг тарқалиши	1980 йиллар	<ul style="list-style-type: none"> • Исломий банкларни илгари суришда давлат иштирок эта бошлади • Кўп сонли хусусий банклар ташкил этилди • Турли исломий банк маҳсулотлари, шу жумладан, Ғарбда (Буюк Британия, АҚШ, Швейцария) ҳам тақдим этилди

		<ul style="list-style-type: none"> • Ғарблик олимлар ва молиявий гуруҳларнинг исломий банкингга қизиқишлари ортди • Исломий «дарча»лар воситасида анъанавий банклар исломий банк маҳсулотларини таклиф эта бошлади • Мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлаш, тадқиқот дастурлари кўпайди • Исломий индекс ва ишонч жамғармалари сони ортди • Покистон, Судан, Эрон, Малайзия ва бошқа мамлакатлар ўзларининг банк тизимини ўзгартиришга уриндилар ёки расман исломий молия тизимини жорий этишни бошладилар • ХВЖ исломий банкинг бўйича мақола ва ҳужжатларни чоп эттирди. Исломий иқтисодиёт мавзусидаги мақола ва тадқиқотлар кўпайди • ИХТ қошида Ислом фикҳи академияси ва бошқа фикҳ кенгашлари ташкил этилди • ИТБ қошида Тадқиқотлар ва тренинглари ислом институтига (IRTI) асос солинди • Бутун дунё бўйлаб исломий ишонч жамғармалари ташкил этилди
	1990 йиллар	<ul style="list-style-type: none"> • Исломий молиявий муассасалар учун бухгалтерия ҳисоби ва аудити халқаро ташкилоти (AAOIFI)га асос солинди • 1990 йили Малайзияда тарихда биринчи марта Shell MDS Sdn сукук компанияси ташкил этилди • 1999 йили Баҳрайнда Доу Жонс исломий индекси ўрнатилди (Dow Jones Islamic Index)
Халқаро эътироф	2000–2009 йиллар	<ul style="list-style-type: none"> • Хатар муаммолари билан бир қаторда саноат камолга етди ва давомий ўсди • Исломий молия архитектурасини қуриш якунланди • Корпоратив назорат ва хатарларни бошқаришга эътибор қаратила бошланди • Исломий банкларни қўшиб юбориш орқали капиталлашув амалга оширилди • Активлар билан таъминланган қимматли қоғозлар бозори ташкил этилди • 2002 йили Малайзияда Исломий молиявий хизматлар бўйича кенгаш (IFSB) таъсис этилди • 2004 йилнинг августида Буюк Британиянинг Молиявий назорат агентлиги Англиядаги биринчи исломий банк – Британия Исломий банкини очишга рухсат берди

		<ul style="list-style-type: none"> • 2005 йилда Баҳрайнда Халқаро исломий рейтинг агентлиги (ИРА) таъсис этилди • Ликвидлиликни бошқариш маркази (LMC) ўз ишини бошлади • Халқаро исломий молия бозори (ИФМ) ташкил этилди • 2006 йилда америкалик қарздор томонидан биринчи сукук чиқарилди (East Cameron Gas Company битими)
<p>Ўз қарашларини қайтадан кўриб чиқиш ва янги истиқболлар (инкироздан кейинги давр)</p>	<p>2009 йилдан ҳозирги вақтгача</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Оддий банклар активлари қиймати пасайиши билан таққослаганда исломий банк активлари барқарор ўсди. Глобал инкироз исломий банкларга кам даражада таъсир кўрсатди • 2010 йили Германияда биринчи исломий банк очилди (Kuveyt Turk Participation Bank) • Thomson Reuters 2011 йилда биринчи исломий банклар-аро ставкани (бенчмарк) ўрнатди • 2012 йилда Саудия Арабистони, Туркия ўзларининг биринчи сукукларини чиқардилар • ЖАР 2013 йили ўзининг илк мустақил сукукларини чиқарди • 2013 йил ИФМ интербанк транзакциялар стандартини чиқарди • Буюк Британия Бош вазири Жаҳон исломий иқтисодий форумида Лондонни глобал исломий молиявий марказ сифатида ривожлантириш ҳақида баёнот берди (2013 йилнинг октябри)
<p>Манба: А. М. Tiby. Islamic Banking: How to manage risk and improve profitability / А. М. Tiby – J. Wiley&Sons – 2010.</p>		

Исломий молия саноати ўзининг нисбатан қисқа тарихи мобайнида узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Исломий молиявий муассасалар амалиёти ушбу соҳада охириги ўн йилликда, энг аввало, жаҳон иқтисодиёти миқёсида жиддий тараққиётга эришди. Исломий молия тарихи ушбу тизимнинг капитализм доирасида самарадор ва яшовчанлигини кўрсатди. Жаҳондаги исломий банклар умумий активлари 2,5 трлн. АҚШ долларини ташкил этмоқда. АҚШда 2013 йил бошида уларнинг йиллик ўсиши 18% дан ортиқни ташкил этди. Оддий банкинг билан таққослаганда муқобил секторнинг улуши ҳозирги вақтда у қадар катта бўлмаса-да, етакчи банк корпорациялари улкан имкониятларни ҳис этган ҳолда, ушбу бозорга қўшилмоқдалар. Шу билан

боғлиқ равишда ушбу секторни ривожлантириш ва Исломий молиявий муассасалар учун бухгалтерия ҳисоби ва аудит ташкилоти (AAOIFI), Халқаро исломий рейтинг агентлиги (IPRA), Исломий молиявий хизматлар бўйича кенгаш (IFSB), Халқаро исломий молия бозори (IFM), Ликвидлиликни бошқариш маркази (LMC) ва Исломий банклар ва молиявий муассасалар Бош кенгаши (CIBAFI) сингари бир қатор қўллаб-қувватловчи ва тартибга солувчи ташкилотларни ташкил этишдаги ИТБнинг етакчи мавқеини эътироф этиш лозим.

Шу билан бирга 2007–2009 йиллардаги молиявий инқироз жаҳон иқтисодиёти рецессиясига олиб келган жаҳон молиявий тизимнинг бир қатор муаммоларини юзага чиқарди. Мувофиқлаштирилмаган молиявий тизимни шакллантиришга оддий молиявий тизимнинг кадриятлари ҳисобланган қоидалар: юқори фойдага эришиш ва имкон қадар бозор муносабатларини чекланган тартибга солиш «ёрдам» берди. Шунга боғлиқ ҳолда, ҳозирги вақтда жаҳонда фақат реал активлар билан таъминланган ва жаҳон иқтисодиётининг реал сектори билан боғланган жиддий самарали молиявий тизимни яратиш зарурати муқаррар бўлиб қолди. Ушбу йўналишда ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ ва мавжуд хатарларни бартараф этиш имконини берувчи исломий молиявий воситалар муҳим ўрин эгалламоқда.

Исломий молиявий тизимнинг келажаги тез ўзгараётган молиявий дунёдаги ўз мақсад ва вазифаларини қай даражада удалашига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Замонавий шароитда ушбу тизим ривожланишининг асосий омилларидан бири – молиявий хизматларни тақдим этиш жараёнида юзага келувчи хатарларни исломий муассаса томонидан самарали бошқариш хусусияти ҳисобланади. Мазкур саноатнинг кейинги ривожланиши исломий молиявий хизматлар кўрсатувчи йирик молия корпорациялари ва мамлакатларнинг бир қатор сиёсий ва иқтисодий қарорларига: умумиқтисодий дунёқараш қиёфасининг жаҳон иқтисодиёти доирасида камайиб бораётган, реал товарлар ва хизматлар сегментини қўллаб-қувватлаш фойдасига ўзгаришига боғлиқдир.

Назорат учун саволлар:

1. Рибо деганда нимани тушунаси?
2. «Рибо ал-насиа» (насиа рибоси) тушунчасига нималар киради?
3. «Рибо ал-фазл» (фазл рибоси) тушунчасига нималар киради?
4. Ман этилган фоиз ставкасининг тўрт белгисини таърифлаб беринг.
5. Ғорар деганда нимани тушунаси?
6. Шариатга кўра ғорарни сотишга рухсат этиладими?
7. Шартноманинг моҳияти ва муддатлари бўйича ғорарнинг белгиларини айтиб беринг.
8. Қимор ўйинларининг исломда тақиқланиши сабабларидан бирини айтинг.
9. Исломда қандай ҳолатда пулларнинг муваққат (вақтинчалик, даврий) қиймати тан олинади?
10. Исломий молиялаштиришнинг энг муҳим ўзига хос хусусиятларидан бирини айтиб беринг.
11. Реал активлар билан таъминланган инструментлар воситасида молиялаштиришнинг фоиз асносида молиялаштиришдан тафовутловчи тўрт асосий белгисини айтиб беринг.
12. Исломий молиялаштиришнинг тўртта асосий ривожланиш босқичларини айтиб беринг.

1-бобда фойдаланилган адабиётлар:

1. *Судин Хорун, Ван Нурсофиза Ван Азмий.* Исломий молиялар ва банк тизими: фалсафаси, тамойиллари ва амалиёти. Қозон: Линова-Медиа, 2012. – 536-б.
2. *Zamir Iqbal Abbas Mirakhor.* An Introduction to Islamic Finance: Theory and Practice, Edition 2 / Zamir Iqbal Abbas Mirakhor, 2011. – P. 1.
3. *Maher Hasan and Jemma Dridi.* The Effects of the Global Crisis on Islamic and Conventional Banks: A Comparative Study / Maher Hasan and Jemma Dridi, 2010.
4. *Rania Abdelfattah Salem.* Risk management for Islamic banks / Rania Abdelfattah Salem. – Edinburgh: University Press, 2013. – P. 11–12.
5. *Craig R. N. Ethercott, David M. E. Isenberg.* Status of the global islamic finance industry. Islamic Finance Law and Practice; by I. Warde. 2012. – P. 42.

6. An Introduction to Islamic Finance; by Mufti Muhammad Taqi Usmani. 2002. – P. 9–10.
7. *Ibrahim Warde*. Islamic Finance in the Global Economy / Ibrahim Warde. 2010. – P. 52.
8. *El-Gamal M.* Islamic Finance Law, Economics and Practice / M. El-Gamal. – 2006. – P. 49
9. *Muhammad Ayub*. Understanding Islamic Finance. 2009. – P. 81–82.
10. *Mahmoud A. El-Gamal*. An Economic Explication of the Prohibition of Gharar in Classical Islamic Jurisprudence. 2001.
11. The Evolution of Islamic Finance by I. Warde. 2012. – P. 42–51.
12. *Monzer Kahf, M. Henry and Rodney Wilson*. Islamic Banks: The Rise of a New Power Alliance of Wealth and Sharia Scholarship, The Politics of Islamic Finance / Monzer Kahf, M. Henry and Rodney Wilson. – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2004.
13. *Ibrahim Warde*. The Price of Fear: The Truth behind the Financial War on Terror / Ibrahim Warde. – London: IB Tauris, 2007.
14. *Wayne A. M. Visser and Alastair McIntosh*. A Short Review of the Historical Critique of Usury (Riba) // <https://www.lariba.com/knowledge-center/riba-history.htm>
15. *Samir Abid Shaikh*. The anatomy of Usury: A Critique of the Interest Based Economic System. – Charleston, SC, USA. – 2013.
16. *A. M. Ali*. The Emerging Islamic Financial Architecture // Fifth Harvard University Forum on Islamic Finance: Islamic Finance: Dynamics and Development. 2000.
17. *S. Nagaoka*. Islamic Finance for Sustainable Development: Its Historical Background and Potentialities in the Modern World// 8th International Conference on Islamic Economics and Finance.
18. *A. M. Tiby*. Islamic Banking: How to manage risk and improve profitability / A. M. Tiby – J. Wiley&Sons – 2010.
19. *M. S. B. Haji Ishak*. Tabung Haji as an Islamic Financial Institution for Sustainable//Economic Development 2011 2nd International Conference on Humanities, Historical and Social Sciences IPEDR vol. 17 2011.
20. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Тошкент: «Шарқ» НМАК, 2012.

2-б о б . Исломий молиявий воситалар

2.1. Молиявий воситаларнинг мазмуни ва таснифи.

Исломий молия-кредит муассасалари товар-пул айланмаси билан бевосита боғлиқ ва воқеликдаги активлар билан таъминланган, мазмуни ва тузилишига кўра ўзига хос бир қатор воситаларни таклиф этади.

Аввал ҳам айтиб ўтилганидек, исломий молия воситаларининг хусусияти қуйидаги тавсифларга асосланган:

- а) судхўрликнинг мавжуд эмаслиги;
- б) воқеликдаги қўшимча қийматнинг яратилиши;
- в) воқеликдаги активлар билан таъминланганлиги;
- г) ахлоқий-маънавий жиҳатлардан ташкил топганлиги;
- д) фойда ва зарарларни тақсимлаш, улушли иштирок;
- е) томонлар ҳар бирининг ахборотдан барабар бохабарлиги.

Исломий молия воситалари тўрт таркибий қисмлар асосида шаклланади:

1) Сотиш (байъ): мулкка ёки мулк предметига эгалик ҳуқуқини ўтказишни кўриш учун;

2) Ижара: мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини ўтказишни кўриш учун;

3) Ҳадя (ҳиба): мулк предметини бепул (ҳақ олмай) бериш;

4) Ссуда (ариях): мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини бепул (ҳақ олмай) бериш.

Исломий иқтисодий адабиётда молиявий воситаларнинг маълум белгилари бўйича турли таснифлари келтирилади.

Чет эллик олимлар Грейс ва Иқбол исломий молия воситаларини: битимни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган транзакцион битимлар ва банк молиявий воситачи сифатида иштирок этадиган битимларга ажратадилар.

Транзакцион битимлар реал сектордаги ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиб, савдо, айирбошлаш ва иқтисодий фаолиятни молиялаштиришни камраб олади. Воситачилик битимлари транзакцион битимларнинг бажарилиш шаффофлиги ва самардорлигини енгиллаштиради. Исломий молия воситаларининг Грейс ва Иқбол томонидан воситачилик ва транзакцион битимлар бўйича таснифланиши 2.1-расмда берилган.

Ўз навбатида, малайзиялик олим Судин Хорун исломий банк тизимида ишлатиладиган беш тоифадаги воситаларни келтиради: биринчи тоифага фойда ва зарарларни тақсимлашга асосланган воситалар, иккинчисига эса олди-сотдига асосланган воситалар, учинчисига – йиғим ва комиссияларни ўз ичига олган воситалар киради. Тўртинчи тоифа бепул хизматларни, бешинчиси эса – ёрдамчи хизматларни ўз ичига олган воситаларни баён этиб беради.

Иброҳим Варде исломий молиявий маҳсулотларни мазкур воситалардан фойдаланишда вужудга келадиган ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар мажмуига асосланиб таснифлайди. Шунга мувофиқ равишда у сотишга асосланган муробаҳа, мусовама, истисноъ, салам, таварруқ ва ийна каби битимлар кирадиган маҳсулотларни ажратиб кўрсатади. Иккинчи гуруҳдаги воситалар ижара (ёллаш)га асосланган маҳсулотлардир. Учинчи гуруҳга эса фойда ва зарарларни бўлишиш ҳамда улушли иштирокка (музораба ва мушорака) асосланган маҳсулотлар киради.

Исломий молия соҳасидаги россиялик мутахассис Р. И. Беккин исломий молиявий маҳсулотларнинг қуйидаги таснифини келтиради:


– фойда ва зарарларни тақсимлаш механизмига асосланган воситалар ёки молиялаштиришнинг инвестициявий воситалари: музораба, мушорака;

– қарз билан боғлиқ молиялаштиришга асосланган воситалар: муробаҳа, салам, шунингдек, истисноъ ва ижара.

Р.Р. Воҳидов молиявий воситаларнинг энг кўп тарқалган икки гуруҳини кўрсатиб ўтади: капиталда иштирок этишга асосланган воситалар ва қарз билан боғлиқ молиялаштиришга асосланган воситалар.

Капиталда иштирок этишга асосланган воситаларга Р. Р. Воҳидов музораба ва мушоракани, қарз билан боғлиқ молиялаштиришга асосланган воситаларга – муробаҳа, ижара, салам ва сукукни киритади.

Исломий молиявий маҳсулотларни шакллантириш тамойили бўйича таснифи 2.2-расмда келтирилган.




2.1-расм. Транзакцион ва воситачилик битимларининг шакллари.

Шундай қилиб, аксарият исломий банклар томонидан ишлатиладиган ва халқаро стандартлар билан қатъий белгиланган асос бўлувчи воситалар қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) Шерикчилик шартномаси (улушли молиялаштириш):
 - музораба, мушорака;
- 2) Савдо келишуви (қарз билан боғлиқ молиялаштириш). Мазкур воситалар ўртасидаги тафовут активларни сотиш муддатлари билан таърифланади:
 - муробаха, ижара, истисноъ, салам.
- 3) Қуйидагилар қўшимча воситалар ҳисобланади:
 - қарзи ҳасан (фоизсиз қарз), агентлик тўловлари (ваколат, жуъла), сукук (капитални мақсадли қимматбаҳо қоғозларга йўналтириш).

Демак, исломий молия-кредит муассасалари амалий фаолиятида тез-тез ишлатиб туриладиган ва бизга маълум бўлган ис-



2.2-расм. Исломий молиявий воситалар.

ломий молиявий воситаларни шу тарзда ўрганиб ва умумлаштириб, уларни учта шаклга ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) шерикчиликка (ёки фойда ва зарарларни тақсимлашга, бошқача айтганда улушли молиялаштиришга) асосланган маҳсулотлар: музораба ва мушорака;

б) олди-сотди битимларида (бошқача айтганда, қарз билан боғлиқ молиялаштириш) иштирок этишга асосланган маҳсулотлар: муробаха, ижара (лизинг), салам, истисноъ;

в) банк комиссия (тариф)лари тўлашга асосланган маҳсулотлар (ёки комисион маҳсулотлар); ваколат (агентлик битими).

Реал иқтисодиёт эҳтиёжларига хизмат кўрсатувчи транзакциялар тафовутини акс эттирувчи кенг тарқалган исломий молиявий воситаларнинг таснифи шулардан иборат.

Кейинги бобларда мазкур воситаларнинг шакли ва мазмуни, уларни амалга оширишда пайдо бўладиган амалиётлар ва молиявий-иқтисодий муносабатлар мажмуи батафсил кўриб чиқилади.

2.2. Фойда ва зарарларни тақсимлаш билан боғлиқ шартномалар.

Фойда ва зарарларни тақсимлашга асосланган улушли молиявий воситаларга музораба ва мушорака киради. Уларнинг таснифи 2.3-расмда келтирилган.



2.3-расм. Улушли капиталда иштирок этишга асосланган воситалар.

Музораба икки ёки ундан ортиқ тарафлар ўртасида бизнес ёки савдо юритишдаги шерикчиликни ўзида ақс эттиради, бу ерда бир томон (рабб ал-мол) маблағларни беради, бошқа томон (музориб) эса инвесторнинг капиталини бошқариш учун ўз билим ва тажрибаси билан иштирок этади. Инвестор бизнесни юритиш жараёнига жалб этилмайди ва келишилган муддат якунида тадбиркор инвесторга асосий киритилган миқдор ва унинг фойдадаги улушини қайтариши лозим.

2.1-жадвалда ислом фикҳи ва иқтисодиёти назариётида турлича талқинларда учрайдиган музораба шартномалари келтирилган.

Музораба шартномасининг талқини

Муаллиф	Таъриф талқини
M. Usmani	Шерикчиликнинг алоҳида шакли бўлиб, шерикларнинг бири бошқасига тижорий корхонага инвестиция қилиш учун пул беради.
I. Warde	Томонларнинг бири рабб ал-мол (бенефициар мулкдор ёки «сокин шерик») бошқа томон – музорибга пулларни ишониб топширади, у эса пулларни ишончга мувофиқ ишлатади.
H. Visser	Банк ёки ҳар қандай бошқа киши рабб ал-мол ёки капитал эгаси, инвестор сифатида лойиҳани амалга ошириш учун лозим бўлган капитални беради. Музориб ёки агент ҳисобланган бошқа томон ўз меҳнати ва касбий маҳоратини киритган ҳолда, корхонани бошқаради. Музораба шартномаси фойда ва зарарларни тақсимлаш шартномасидир. Шунинг учун музораба бизнесни молиялаштириш учун мўлжалланган ва истеъмолни молиялаштириш учун ярамайди.
M. Al-Jarhi, M. Iqbal	Ишонч асосида молиялаштиришнинг монанди бўлиб, капитал эгаси бўлган банк ўз маблағларини обрў, тажриба ва имкониятга эга тадбиркор (музориб)га самарали ишлатиш учун ишониб топширади. Бу ҳолатда банк берилган пуллар эвазига гаров талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас. Инвестиция қилинган пуллардан келган даромад банк ва тадбиркор ўртасида шартнома имзоланган вақтдаги битимга мувофиқ тақсимланади. Зарарлар вужудга келган ҳолларда банк уни ўз зиммасига олади, музориб эса бундай ҳолатда ўзининг фаолияти ва саъй-ҳаракати учун мукофот ололмайди.
P. Беккин	Молиявий иштирокчи ва тадбиркорнинг шерикчилиги ҳисобланиб, банк капитал берадиган томон сифатида, қарздор эса – ушбу капитални бошқарувчи тадбиркор сифатида иштирок этади. Лойиҳадан келган фойда банк ва ишончли бошқарувчи бўлган тадбиркор ўртасида келишув бўйича тақсимланади. Юзага келиши мумкин бўлган зарар хатари банк зиммасида бўлади.

Р. Воҳидов	Молиявий иштирокчи ва тадбиркорнинг шерикчилиги ҳисобланиб, банк капитал берадиган томон сифатида, қарздор эса – ушбу капитални бошқарувчи тадбиркор сифатида иштирок этади. Лойиҳадан келган фойда банк ва ишончли бошқарувчи бўлган тадбиркор ўртасида келишув бўйича тақсимланади. Юзага келиши мумкин бўлган зарар хатари банк зиммасида бўлади.
М. Калимуллина	Томонларнинг бири капитал, бошқаси эса ушбу капитални ишлатиш учун ўзининг тадбиркорлик малакасини берадиган битим. Музораба амалиёти исломий банкларда кредитлаш ва маблағларни жалб этиш учун ишлатилади. Агар банк кредитор (қарз берувчи) сифатида қатнашса, у ҳолда у тадбиркорга бизнес-режага мувофиқ аниқ лойиҳани амалга ошириш учун молиявий воситаларни беради, бунда фойда тадбиркор ва банк ўртасида қандай мутаносибликда тақсимланиши олдиндан келишилган бўлади.

Музораба шартномасининг шакллари:


а) чекланмаган музораба – ушбу шартнома бўйича омонатчи музорибга берилган маблағларни бирон-бир чекловсиз тасарруф этишга рухсат беради. Бундай ҳолатда музориб, ишонч ва ўз иш тажрибасига асосланган ҳолда, савдо битимларини бажариш ва тадбиркорликни амалга оширишда катта эркинликка эга бўлади. Лекин чекланмаган музораба шартномаси бўйича мазкур эркинлик фойда олиш учун томонларнинг манфаати ва шартноманинг мақсадларига мувофиқ амалга оширилиши керак. Демак, шартнома предметиға нисбатан музорибнинг фаолияти ишчанлик таомилларига мувофиқ келиши лозим.

Мақсадли банк депозити чекланмаган музорабанинг мисоли ҳисобланади, бу ерда банк музориб сифатида, банкда депозит очган жисмоний шахс молиявий маблағларнинг эгаси сифатида қатнашади. Бу ҳолатда депонент (депозит эгаси) аввалдан, унинг омонат маблағлари банк нуктаи назаридан чекланмаган рўйхатдаги самарали ва иқтисодий манфаат келтирадиган лойиҳа ёки корхоналарни молиялаштириш учун, банкнинг ихтиёрига кўра эркин ишлатилиши мумкинлигига розилик бил-

диради. Депонент мазкур транзакция (банк инвестициялари) натижасида юзага келиши мумкин бўлган даромад ёки зарарларни аниқ инвестор-бошқарувчи билан тақсим қилмоққа тайёр туриши лозим;

б) чекланган музораба – ушбу шартномада капитал эгаси ҳисобланган омонатчи музорибнинг ҳаракатини уни амалга ошириш маълум ҳудуди ёки аниқ инвестициялар шакли билан ўзи лозим топган даражада чеклаб қўйиши мумкин, лекин музориб фаолиятини бундай чеклаш ўта юқори даражада бўлмаслиги лозим.

Музораба шартномалари банк ва тадбиркор ўртасида, шунингдек, омонатчи ва банк ўртасида ҳам тузилиши мумкин. Дастлабки ҳолатда тадбиркор музориб сифатида қатнашса, кейинги ҳолатда бу вазифани банк бажаради. Банк ва тадбиркор ўртасида музораба битимини амалга ошириш чизмаси 2.4-расмда кўрсатилган.



2.4-расм. Музораба шартномасидан фойдаланиб битимларни амалга ошириш чизмаси.

1. Банк ва мижоз ишончли шерикчилик тўғрисида (мижоз томонидан лойиҳани амалга ошириш учун) битим тузадилар, банк мижозни молиялаштиришни амалга оширади.

2. Мижоз лойиҳа бошқарувини амалга оширади.

3. Лойиҳани амалга ошириш доирасида фаолият натижаси (фойда ёки зарар) юзага келади.

4. Олинган фойда тақсимланувчи пул жамғармаларини шакл-лантиради, зарар эса лойиҳа активлари қийматини пасайтиради.

5. Лойиҳани амалга оширишдан келган фойда муносиб улушларда банк ва мижоз ўртасида тақсимланади.

6. Лойиҳанинг амалга ошишидан келган зарар банк ҳисобига тааллуқли бўлади.

Шариат руҳсат этган ҳар қандай мулк музораба капитали бўлиши мумкин, бу ҳолатда қарз капитал маблағи сифатида ишлатилиши мумкин эмас. Инвестор ва тадбиркорнинг фойда улуши ва уни тақсимлаш механизми шартнома бажарилиши аввалида келишилган ва мувофиқлаштирилган бўлиши шарт. Фойда миқдори мутлақ қийматларда, масалан, капиталнинг фоизли улуши ёки валютада ўрнатилиши ёки кафолатланиши мумкин эмас. Шерикларнинг ҳар бири фойдадаги ўз улушини бошқа шерикка ихтиёрий тартибда бериш ҳуқуқига эга, улушни бериш аввалдан келишилган бўлмаслиги шарт. Музорибга боғлиқ бўлмаган ҳолатларда ва форс-мажор натижасида зарар юзага келса, барча харажатлар инвестор зиммасига бўлади. Музориб, ўз навбатида, фақат ўз меҳнати ва вақтини йўқотади. Шунга қарамай, тадбиркорнинг нотўғри бошқаруви ва масъулиятсизлиги исботланса, у молиявий йўқотишлар учун жавобгар бўлади.

Қоидага кўра, музораба шартномаси вақт билан чегараланмайди, лекин айрим мазҳабларга кўра музораба аниқ муддатларга тузилиши мумкин.

Шартноманинг амал қилиши томонларнинг бири тарафидан ҳар қандай вақтда бекор қилиниши мумкин, бунда ҳамкорини хабардор қилиш шарт қилинади.

Музораба одатда қисқа ва ўрта муддатли инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун қўлланади. Музораба шартномалари анъанавий молиявий тизимдаги ишонч асосида молиялаштириш билан ўхшаш ҳисобланади.

Шуни қайд этиш лозимки, банк берилган маблағлар учун гаров талаб қилмагани боис, музораба шартномаларининг хатари ўта юқори ҳисобланади ва улар у даражада кенг тарқалмаган.

Ислом фикҳи меъёрларига мувофиқ экспорт-импортни, лойиҳавий ва синдикатлашган молиялаштиришда, қимматли

қоғозларни чиқаришда исломий банк актив амалиётлари доира-сида мушорака шартномасидан фойдаланилади.

ААОIFI халқаро стандартларига кўра, мушорака (шарика, ширкат) шерикчилик шартномасидир, бу икки ва ундан кўпроқ томонлар ўртасида фойда олиш мақсадида меҳнат ресурслари ёки мажбуриятларни, активларни бирлаштириш тўғрисидаги келишувни англатади.

Ислом фикҳи ва иқтисодиёти таълимотида 2.2-жадвалда келтирилган мушорака шартномасининг турли талқинлари билан юзма-юз келинади.

Шариат шарикани икки тоифага: ширкат ул-мулк ва ширкат ул-ақд тоифаларига ажратади.

2.2-жадвал

Мушорака шартномасининг талқини

Муаллиф	Таъриф талқини
M. Usmani	Бизнес ва савдо талқинида ушбу атама қўшма корхона (оддий шерикчилик)ни англатади, бунда барча шериклар умумий ишдаги фойда ёки зарарни тақсимлайдилар, ушбу сўзнинг мазмуни ислом фикҳида ишлатиладиган «ширкат» атамасидан кенгрокдир. Мушорака атамаси «ширкат»нинг хусусий шакли – «ширкат ул-амвал» билан чекланган, унда икки ёки ундан ортиқ шахслар ўз капиталини қўшма тижорий корхонага инвестиция қиладилар. Баъзан у «ширкат ул-амал»ни ҳам ўз ичига олади, унда шерикчилик хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилади.
I. Warde	Қўшма корхона (оддий шерикчилик) тўғрисидаги келишувда банк мижоз билан шерикчиликка киришади, бунда уларнинг ҳар иккиси устав капиталда иштирок этадилар ва баъзан лойиҳа ёки битимни бошқарадилар.
H. Visser	Улушли иштирок шартномасининг шакли сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Фойда ва зарарлар келишилган шартларга мувофиқ, гарчи ҳар қандай адолатли мутаносибликда тақсим қилиниши мумкин бўлса-да, одатда, у шерикларнинг фирма капиталдаги улушига мутаносиб тақсим қилинади.

M. Al-Jarhi, M. Iqbal	Банк ва мижознинг қўшма лойиҳаси бўлиб, у банк ва мижоз ўртасида шерикчилик тўғрисида келишув имзоланишини кўзда тутди ва унга мувофиқ томонлар лойиҳани биргаликда молиялаштирадilar. Фойда ва зарарлар томонларнинг лойиҳани молиялаштиришдаги иштирокига мутаносиб мижоз ва банк ўртасида тақсимланади.
P. Беккин	Мулкий шерикчилик бўлиб, унда икки ёки бир нечта шахс ўз омонатларини умумий лойиҳага бирлаштирадilar ва улушли иштирок тартибида компанияни ташкил этадилар.
P. Воҳидов	Капиталда икки томон иштирок этадиган тадбиркор ва молиявий иштирокчининг шерикчилиги. Фойда томонларнинг келишуви бўйича, зарарлар эса капиталдаги иштирокка мутаносиб тақсимланиши мумкин.
M. Калимуллина	Икки ва ундан ортиқ тарафлар ўртасида шерикчилик тўғрисидаги шартнома бўлиб, бунда ҳар бир шерик маълум бир пул ёки моддий активларни умумий ишга киритади, шартномага кўра бу уларнинг ҳар бирига, фойдани тақсимлаш шартлари асосида компания активларидан фойдаланиб, иш юритиш имконини беради.

Мушорака шартномаси, шунингдек, қуйидаги асосий тоифалари бўйича таснифланади:

1. Фикҳ бўйича ўрнатилган шерикчилик шакли. Бунга ширкат ул-ақднинг шакллари киради.

2. Замонавий корпорациянинг шакллари. Фикҳ бўйича анъанавий шерикчилик шерикчиликнинг қуйидаги шаклларини ўз ичига олади:

– ширкат ул-инон ёки ширкат ул-амвал икки ёки ундан ортиқ томон ўртасидаги шартномавий шерикчиликни ўз ичига олади, унга кўра ҳар бир иштирокчи маълум бир пул миқдорини киритади ва бу уларнинг ҳар бирига шерикчилик активларини тасарруф этиш имконини беради, бу ерда фойда шерикчилик ташкил этиш тўғрисидаги келишувга мувофиқ, зарарлар эса ҳар бир иштирокчининг шерикчилик капиталидаги бадалига мутаносиб тақсимланиши шарт қилинади;

– ширкат ул-вужух (мажбурият асосидаги шерикчилик) икки ёки ундан ортиқ томон ўртасидаги томонларнинг обрўси асосида, фойда олиш мақсадида активларни қарзга сотиб олиш учун шерикчилик ташкил этиш тўғрисидаги келишувни ўзида акс эттиради, унга кўра, томонлар аниқлаган фоизли нисбатга мувофиқ тарафлар ўз мажбуриятларини бажариш масъулиятини зиммаларига оладилар. Бундан ташқари, томонлар ҳар бир шерик учун фойдада иштирок этиш улуши ва мажбуриятни аниқлаб олишлари керак, бунда мана шундай иштирок томонларнинг розилигига кўра, фойдадаги иштирок улушидан келиб чиқиб, катта ёки кичик томонга фарқ қилиши мумкин;

– ширкат ул-амал икки ёки ундан ортиқ томон ўртасида малакали ёки юқори малакали меҳнатни бажаришга доир хизматлар кўрсатиш, маълум бир хизматлар, юқори малакали маслаҳатлар бериш ёки товарлар ишлаб чиқариш учун, шунингдек, келишилган фоиз нисбатига мувофиқ фойдани тақсимлаш учун келишувни ўзида акс эттиради. Шерикчиликнинг ушбу шакли капитал инвестициялар киритишни назарда тутмайди.

Музораба шартномасининг кенг тарқалган ва таянч шаклларида бири ширкат ул-амвал шериклик шартномаси ҳисобланади.

Замонавий корпорациялар ва уларнинг кўпчиликка маълум шакллари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- *шарика ал-мусоҳама* (ҳиссадорлик жамияти);
- *шарика ал-тадамун* (солидар (умумий) масъулиятли компания);
- *шарика ат-тавсия ал-басита* (коммандит шерикчилиги);
- *шарика ат-тавсия бил-асҳам* (масъулияти чекланган ҳиссадорлик компанияси);
- *шарика ал-муҳосса* (оддий шерикчилик);
- *шарика ал-мутанақис* (камайиб борувчи шериклик). Шерикчиликнинг ушбу шакли ширкат ул-инон шартномасидан келиб чиққан.

Шарика ал-мусоҳама (ҳиссадорлик жамияти) савдолашиладиган акциялари тенг улушларга тақсимланган капиталга эга компанияни ўзида акс эттиради, бунда ҳар бир ҳиссадорнинг жавобгарлиги капиталдаги унинг улуши билан чекланган бўлади. Бу молиявий шерикчиликнинг шаклидир.

Шарика ат-тадамун (солидар (умумий) масъулиятли компания) ўзида хусусий шерикчилик шаклини акс эттиради, у ўзига хос ҳуқуққа (товар белгиси) эга рўйхатдан ўтказилган компания сифатида гавдаланади.

Шарика ат-тавсия ал-басита (коммандит шерикчилик) бошқарувчи ва пассив (мустақиллиги чекланган – Б. Ж.) шерикларни қамраб олган хусусий шерикчилик шаклини ўзида акс эттиради. Мазкур шерикчиликда бошқарувчи шериклар ўзининг шахсий мулки билан компаниянинг мажбуриятлари бўйича субсидиар масъулиятни зиммасига олади. Ҳар бир пассив шерикнинг мажбурияти унга тегишли бўлган лотлар билан чекланади, лекин ушбу мажбурият унинг шахсий мулкига татбиқ этилмайди. Айрим инвесторларнинг масъулиятини уларга муқобил тўловлар тақдим этмай чеклаш мумкин, бундай ҳолатда компания субсидиар жавобгарлик ва чекланган масъулиятни зиммасига олган шериклардан иборат бўлиб қолади.

Шарика ат-тавсия бил-асҳам (масъулияти чекланган ҳиссадорлик компанияси) молиявий шерикчилик шаклини ўзида акс эттиради. Мана шундай компаниялар акциясига обуна тенг сондаги акциялар билан бошқарувчи ва пассив шериклар иштирокида амалга оширилади.

Шарика ал-муҳосса хусусий компаниянинг шаклларида бири ҳисобланади, шериклар шерикчилик шакллангунига қадар, ҳар бир потенциал шерикнинг молиявий ҳолатини ва мажбуриятлар бўйича шахсий мулки билан жавоб бера олиш қобилиятини баҳолайдилар.

Мушорака ал-мутанақис (камайиб борувчи шериклик) – шерикчилик шакли бўлиб, унда шерикларнинг бири бошқа шерикнинг улушини унинг эгалик ҳуқуқи буткул ҳажмда ўзига ўтиб бўлгунча қадар, аста-секин сотиб олишга ваъда беради.

Шерикчиликнинг энг кўп тарқалган шаклларида ширкат ул-амвал (шерикчилик)ни батафсил кўриб чиқамиз. Шартномага кўра икки ёки бир неча шахс ўз омонатларини умумий лойиҳага бирлаштирадилар ва улушли иштирок қоидасидан келиб чиқиб компания тузадилар. Фойдани тақсимлаш тўғрисидаги келишув шартнома амал қилиши бошланишида тузилган бўлиши

лозим, акс ҳолда ислом фикҳи меъёрларига қўра шартнома кучини йўқотган ҳисобланади. Иштирокчилар ўртасида фойдани тақсимлаш механизми ва улар ҳар бирининг улуши томонлар тарафидан ўзаро шартнома асосида аниқланади, бунда фойда улуши киритилган капитал улушидан фарқ қилиши мумкин. Шу билан бир вақтда зарарлар томонлар ўртасида киритилган капиталга мутаносиб тақсимланади, яъни томонларнинг ҳар бири қўшма корхона муваффақиятсизликка учраган тақдирда ўзи киритган капитални йўқотиш хатарига дучор бўлади.

Тузилаётган шерикчиликда ҳар бир капитал эгаси лойиҳа бошқарувига аралаштириш ҳуқуқига эга ва шу билан ахборотдан беҳабарлик ҳамда шунга муносиб хатарлар салбий оқибатининг олди олинади. Лойиҳани молиялаштириш иккитадан ортиқ томонлар тарафидан амалга оширилиши мумкин ва бу ҳолатда лойиҳани бошқариш иштирокчи томонларнинг барчаси ёки уларнинг бири тарафидан амалга оширилади. Бошқаришда қатнашишдан воз кечган шериклар «сокин шериклар» деб аталади. Бу ҳолатда улар бизнесни бошқаришда бевосита иштирок этиш эвазига, фойданинг каттароқ улуши шаклидаги мукофотни олиш ҳуқуқига эга «ишчи шериклар»дан фарқли равишда, ўзларининг инвестициядаги улушларидан ортиқ миқдордаги фойда улушига талабгор бўла олмайдилар. Иштирокчилар, шунингдек, шерикчилик ишларини бошқариш учун менежер ёллашлари мумкин, лекин у ўз меҳнати учун ўрнатилган тўловни олади ва фойдадан улушга эга бўлмайди. Агар менежер ўз капиталини алоҳида шартнома шаклида корхонага киритмоқчи бўлса, у ҳолда капитал эгаси ва менежер сифатидаги унинг вазифалари алоҳида ажратилади ва у уларнинг ҳар бири учун турлича – фойдадан улуш ва мувофиқ иш ҳақи шаклида мукофот олади.

Мушорака шартномасидан фойдаланиб битимни амалга ошириш схемаси 2.5-расмда келтирилган.

1. Банк ва мижоз битим шартларини муҳокама қилади ва (бизнес режани амалга ошириш учун) шерикчиликда иштирок этиш тўғрисида келишув тузади.



2.5-расм. Мушорака шартномасидан фойдаланиб битимни амалга ошириш чизмаси.

2. Банк ва миџоз шартнома талабларига мувофиқ, бизнес-режанинг амалга ошиши учун молиялаштиришни (келишилган улушларда) амалга оширади.

3. Бизнес-режани амалга ошириш доирасида фаолият натиџаси (фойда ёки зарар) юзага келади.

4. Фойда тақсимланувчи жамғармаларни шакллантиради, зарар эса бизнес-режани амалга оширишда ишлатилган активлар қийматини пасайтиради.


5. Бизнес-режани амалга оширишдан келган фойда (ёки зарар) мутаносиб улушларда банк ва миџоз ўртасида тақсимланади.

Мушорака шартномаси муддатли ва муддатсиз бўлиши мумкин. Муддатсиз шартнома ҳар қандай вақтда қолган шерикларни бохабар этиш шарти ила шерикларнинг ҳар бири томонидан бекор қилиниши мумкин. Иштирокчиларнинг бири уни тарк этган тақдирда ҳам шерикчилик сақланиб қолиши мумкин. Бу ҳолатда шериклар шерикчиликни тарк этган иштирокчининг улушини сотиб оладилар ва бизнесни давом эттирадилар.

Мушорака шартномалари компаниянинг айланма маблағларини тўлдириш учун ёки қўшма инвестицион фаолиятга, масалан, кўчмас мулкка ёки қишлоқ хўжалигига қуйилмалар киритиш учун ишлатилиши мумкин. Одатда, шартномаларнинг мазкур шакли узоқ муддатли инвестицион лойиҳаларни молиялаш-

тириш учун қўлланади. Бундай маҳсулотнинг афзаллиги шундаки, у эгилувчан (мослашувчан) келишувларни тузиш имконини беради, бунда фойдани тақсимлашдаги улуш ва бошқарув шакли сингари шерикчиликнинг хусусиятлари томонлар тарафидан аввалдан келишилиши мумкин, мушорака амалда банк томонидан инвестицион лойиҳаларга портфелли инвестицияларни амалга оширишни ўзида ифодалайди.

Жаҳон амалиётида мушораканинг кўчмас мулк, шунингдек, лойиҳаларда шерикчилик усуллари шаклида қўлланиши мумкин бўлган шакли – камайиб борувчи мушоракадан кенг фойдаланилади. «Камайиб борувчи мушорака» битимининг бизнес-жараёни 2.6-расмда акс эттирилган.



2.6-расм. «Камайиб борувчи мушорака» шартномасининг бизнес-жараёни.


Камайиб борувчи мушорака маълум бир актив (қоидага кўра, кўчмас мулк ёки инвестицион лойиҳа объекти)га бўлган эгалик улушини аста-секин молиялаштирувчи томон (исломий банк)дан якуний эгаси (мижоз)га буткул ўтишини ўзида акс эттиради. Активнинг маълум бир қисми молиялаштирувчи тарафнинг мулки бўлиб турган вақтда, активнинг келажакда эгаси бўлиши кутилаётган шахс активга биргаликда эгалик қилувчига, яъни молиялаштирувчи томонга активнинг мазкур қисмидан фойдалангани учун ижара тўловларини ёки инвестицион лойиҳадан келадиган фойданинг маълум бир қисмини тўлаб бериши лозим.

2.3. Қарзга асосланган молиялаштириш воситалари.

Қарз билан боғлиқ бўлган асосий молиялаштириш воситаларига: муробаҳа, ижара (лизинг), салам, истисноъ, сукук, қарзи ҳасан, вадиа киради. 2.7-расмда қарзга асосланган молиялаштириш воситалари таснифи чизма кўринишида акс эттирилган.

Муробаҳа – ААОИҒИ нинг халқаро стандартларига кўра, банк ёки бошқа молиявий воситачи мижоз учун зарур бўлган активни сотувчидан сотиб олиши ва уни мижозга тўлов муддатини узайтириш йўли билан сотишини ўзида акс эттиради. Мазкур битим сотиб олинган товар баҳосига маълум бир келишилган устама кўйиш йўли билан сотишни ифодалайди. Ушбу устама сотиб олиш баҳосидан маълум бир фоизни ёки пул миқдорини ташкил этиши мумкин.

Одатда, битимларнинг бундай шакли савдо амалиётларини молиялаштиришда қўлланади. Муробаҳа, шунингдек, истеъмол кредитига ўхшаш бўлган шахсий харидларни молиялаштириш мақсадларида ҳам ишлатилиши мумкин. Муробаҳанинг анъанавий кредитлашдан асосий фарқи шундаки, молиявий воситачи қайта сотиладиган мулкдан келиб чиқувчи барча хатарлар ила унинг тўлақонли эгаси бўлиши шарт ҳисобланади. Бундан ташқари, гарчи активни ўзга шахсга сотиш натижасида қилинган харажатларни қоплашни талаб қилиш мумкин бўлса-да, қоидага кўра, молиявий воситачи томонидан сотиб олинган буюмни харид қилишга мижозни мажбур қилиш мумкин эмас.



2.7-расм. Қарзга асосланган молиялаштириш воситалари.

Аввалдан сотиб олишни ваъда қилмасдан битим тузиш мумкин, бундай ҳолатда бу «оддий муробаҳа» деб аталади ёки активни сотиб олишдан манфаатдор бўлган шахс томонидан, сотиб олишни олдиндан ваъда қилган ҳолда ҳам битим тузилади ва бу «ишонч асосидаги муробаҳа» ёки якуний истеъмолчи учун муробаҳа деб аталади. Мазкур битим ишонч асосидаги шартномаларнинг бирини ўзида акс эттиради ва ҳақиқатдаги сотиб олиш баҳосининг шаффофлигига ёки оддий харажатларга қўшилган баҳога боғлиқ бўлади.

Ислом фикҳи ва иқтисодиёти назариятида муробаҳа шартномасининг турли талқинлари учрайди, улар 2.3-жадвалда келтирилган.

2.3-жадвал

Муробаҳа шартномасининг талқинлари

Муаллиф	Таъриф талқини
M. Usmani	Муробаҳа ўзининг дастлабки исломий мазмунида – бу оддий сотувдир. Сотилнинг бошқа шаклларида унинг ягона фарқ қилувчи жиҳати – бу ерда сотувчи харидорга, қанча харажат қилгани ва қўшимча қиймат ҳисобига қанча фойда олишини аниқ кўрсатади. Бу сотилнинг алоҳида шакли бўлиб, сотувчи сотилаётган товарнинг қийматини аниқ кўрсатади ва унга бирмунча фойда ёки устама қўшган ҳолда, бошқа шахсга сотади. Муробаҳа – бу молиялаштиришнинг шакли эмас, балки «харажатлар қўшуви» асосидаги оддий сотувдир. Лекин тўлов муддатини узайтириш концепцияси қўшилганда, у харидорнинг товарни сотиб олиш нияти мавжуд бўлгандагина, молиялаштириш усули сифатида ишлатила бошланди. Ислом нуқтаи назаридан муробаҳа мукамалликдан йироқ ҳисобланади, уни фақат иқтисодиётни исломийлаштириш жараёнининг ўтиш босқичи сифатида ишлатиш ва музораба ҳамда мушоракадан фойдаланишнинг иложи бўлмагандагина қўллаш билан чеклаш лозим.
I. Warde	«Харажатлар қўшулуви» шартномаси. Бунда мижознинг жиҳозлар ёки товарлар сотиб олиш истаги мазкур буюмларни сотиб олиш ҳамда фойдасини эълон қилган ҳолда «харажатлар қўшулуви» нарҳида сотиш учун молиявий жиҳатдан таъминланишини тақозо этади.

Н. Visser	Ушбу савдо шартномаси товарни бир томон тарафидан сотиб олиниши ва уни бошқа томонга, товар баҳосига устама нарх қўйиб сотишга олдиндан келишувдир. Устама воситачилик хизмати учун тўлов ҳамда кафолатланган фойда меъёри сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Тўловларни узайтириш ҳолатида, амалда муробаҳа ва бай муажжал билан қарзга сотишни уйғунликда амалга оширилаётган бўлиши мумкин. Кредитга сотувларни муробаҳа деб номлаш кенг амалиётга айланди.
V. Sundarrajan, L. Errico	Банк ва унинг миждози ўртасида келишилган баҳо бўйича товарларни олди-сотди қилиш шартномаси. Банк товар (хом ашё, деталлар комплекти ва ҳ.к.)ни миждоз номидан сотиб олади, кейин товарни миждозга сотиш орқали фойда ҳамда кўрсатилган хизмат учун устама ҳақ олади.
С. Хайрон	Икки томон келишуви бўйича товарнинг харид нархига савдо устамаси билан сотиш имкониятини назарда тутди. Мазкур моҳият анъанавий кредитлашни олди-сотди хизматига айлантиради, унда кредитор (банк) хом ашё, машина ёки бошқа асбоб-ускуна кўринишидаги товарни, тўлов муддатини узайтириш ёки бўлиб тўлаш шартлари асосида савдо устамасини ҳисобга олган ҳолда сотиб олади.
Р. Беккин	Келишилган баҳога кўра олди-сотди қилиш. Бир томон (сотувчи) ва бошқа томон (харидор) ўртасида келишилган баҳо бўйича товарлар олди-сотди қилиш шартномаси шаклини ўзида акс эттиради ва товар баҳосига сотувчининг устамаси ҳам қўшилишини ҳисобга олади. Кенг маънода муробаҳа – бу активларни олди-сотди қилиш орқали молиялаштиришдир.
Р. Воҳидов	Молиявий воситачи миждозга зарур бўлган буюмни сотиб олиши ифодаланган битим бўлиб, кейин уни миждозга бўлиб тўлашга сотади. Бу ҳолатда молиявий воситачи айрим муддатга бўлса-да, сотилаётган мулкнинг эгаси бўлиши шарт қилинади. Бўлиб тўлашга сотиш учун мукофот (ҳақ) белгиланган бўлиши шарт.
М. Калимуллина	Банк ёки бошқа молиявий воситачи сотувчидан миждоз учун зарур бўлган активни сотиб олади ва уни миждозга тўлов муддатини узайтириш орқали устама билан сотади.

Куйидагилар муробаҳа битими амалда эканлигининг шартлари ҳисобланади:

1. Сотиш предмети шариат руҳсат берган, мавжуд товар бўлиши, шунингдек, ўзида моддий активни ифодалаши ва унинг сони ҳамда сифати осон аниқланиши шарт.

2. Молиявий муассаса товарни жисмоний ёки амалий жиҳатдан мулк қилиб олган бўлиши лозим.

3. Мижоз товарнинг қиймати ва устама ҳақидан боҳабар этилган бўлиши шарт. Устама миқдори томонларнинг ўзаро келишуви бўйича ўрнатилган бўлиши лозим.

4. Муробаҳа шартномасидаги баҳо шартнома амал қилиш даври бошида бир марталик тўлов билан тўланиши мумкин, тўловлар, шунингдек, кечиктирилиши ва шартнома амал қилиш даври якунига қадар буткул ёки қисмларга бўлиб амалга оширилиши мумкин.

5. Товар баҳосини шартнома амал қилиш даври мобайнида ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Қарздорнинг вазиятини осонлаштириш мақсадида тўловлар муддатини ўзгартиришга руҳсат этилади.


Муробаҳа шартномасини умумий кўринишда 2.8-расмдаги чизма бўйича кўз олдимизга келтириш мумкин. Дастлабки босқичда мижозга зарур товарни молиявий воситачи томонидан сотиб олиш амалга оширилади ва иккинчи босқичда ушбу товар муддатини узайтириш ила мижозга сотиш юзага келади.

2.8-расмда муробаҳа битимининг умумий чизмаси акс эттирилган.

Молиялаштириш шакли сифатида муробаҳа шартномаси куйидаги тартибларни бажаришни тақозо этади:

1. Мижоз муробаҳа воситасида зарур товарни сотиб олиш тўғрисида банкка буюртма билан мурожаат қилади. Мижознинг кредит қобилияти текширилгандан кейин икки томон келишувни имзолайдилар, унда банк маълум бир товарни «харажатлар қўшув фойда» тамойили бўйича келишилган баҳога кўра сотиш, мижоз эса сотиб олишга ваъдалашилган бўлади.

2. Ўзига хос (специфик) товарни сотиб олиш зарурати ҳолатида, мижоз ушбу товарни сотиб олиш учун банк агенти



2.8-расм. Муробаҳа битимининг умумий чизмаси.

қилиб тайинланади, бу икки томон имзолаган агентлик келишувида ўз аксини топади. Агар харид бевосита молиявий муассасанинг ўзи томонидан амалга оширилса, у ҳолда агентлик шартномаси тузиш шарт эмас.

3. Мижоз банк номидан, учинчи шахсдан товарни харид қилади ва молиявий муассасанинг агенти сифатида эгалик ҳуқуқига киришади.

4. Мижоз банкка амалга оширилган харид тўғрисида хабар қилади ва бир вақтнинг ўзида банкдан товарни сотиб олиш тўғрисида оферта¹ (битим тузиш ҳақидаги таклиф) жўнатади.

5. Молиявий муассаса офертани қабул қилади ҳамда эгалик ҳуқуқи ва шунга мувофиқ хатарларнинг ўтказилиши билан битим тузилган ҳисобланади.

Шуни қайд этиш лозимки, учинчи ва бешинчи босқичлар оралиғида банк хатарлари ўта юқори бўлади, шунинг учун ушбу оралиқни банк манфаатлари учун имкон даражада қисқартириш керак. Хатарларни камайтириш учун банк мижоздан бўнак талаб қилиш ҳуқуқига эга, мижоз тарафидан шартнома бажарилиши бекор қилинган тақдирда, бўнак зарарларни қоплашга ишлатилиши мумкин.

Молиялаштириш даври 3-босқичда бошланади ва мижоз томонидан тўлов амалга оширилгач якунланади. Мазкур даврда банк битимдан фойда олишни бошлайди.

¹ *Оферта* (лотинча offero – таклиф этиш) – бир ёки бир неча шахсга аввалдан келишилган шартлар асосида шартнома тузиш таклифи.

«Муробаҳа» тушунчаси, шунингдек, «харажатлар + ўрнатилган фойда»ни молиялаштириш сифатида ҳам маълум. Агар бу моҳият исломий банк томонидан қабул қилинадиган бўлса, у ҳолда мазкур моҳият фойда ва зарарларни тақсимлашдан келиб чиқадиган усулнинг ўрнини босувчи сифатида қатнашади ва банк товарлар олиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган битимга киришган хўжалик субъекти сифатида ўз фаолиятини давом эттиради.

Муробаҳа битими бошқа шартномалардан қуйидаги жиҳатлари билан жозибалидир:

- нисбатан қисқа муддатли эканлиги, яъни капиталнинг қайтарилиши вақт бўйича қоидага кўра, у қадар катта эмас;

- капитал қайтарилишининг кафолат (гаров)ини таъминлаш ҳисобига хатарларнинг пасайиши;

- банк учун харажатларнинг паст фоизда эканлиги;

- шартнома предмети бўла олиш имконияти мавжуд моддий активларнинг кенг савати, бу, ўз навбатида, мижозлар базасининг кенгайиши учун катта имкониятлар беради;

- исломий молиялаштиришнинг мазкур усули анъанавий тижорий молиялаштиришдаги истеъмол кредитлари билан нисбий ўхшашлиги.

Ижара – мазкур восита анъанавий молиявий тизимдаги лизингга ўхшашдир. ААОИҒИ нинг халқаро стандартларига кўра, ижара – бу операцион ижара бўлиб, унинг доирасида муассаса буюмни сотиб олади ва мижозга ижара тўлови эвазига ижарага топширади. Келишув ижара муддати якунида ижарага олинган мулк ижарага олувчининг мулки қилиб берилиши мумкинлиги тўғрисидаги ваъда мавжуд бўлишини тақозо қилмайди.

Ижара амалда – учинчи шахснинг мулкни ўрнатилган тўлов эвазига шартнома шартлари асосида ишлатишдир.

Олди-сотди шартномасидан фарқли равишда ижара шартномасини амалга ошириш мобайнида банк мулкни мижозга берилиши билан эгаликни йўқотмайди. Шунга мувофиқ банк эгалик билан боғлиқ хатарларни зиммасига олади. Бундан ташқари, масалан, агар муробаҳа битимида банк мукофоти (устама ҳақ) ўрнатилган (белгилаб қўйилган) бўлса, ижара шартномалари-

да у вақт оралиғидаги вазиятга боғлиқ ҳолда қайтадан кўриб чиқилиши мумкин. Ижара муддатли бўлиши лозим. Ижара музораба ва мушорака билан уйғунликда олиб борилиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда банкнинг ҳамкори бўлган мижоз бир вақтнинг ўзида шерикчилик доирасида мулк ижарачиси бўлиши ва ижара муддати якунида уни банкдан сотиб олиши мумкин. Мижоз ўз мулкини банкка сотиши ва кейин уни банкдан лизингга қайта лизинг сифатида олиши мумкин.

Ислом фикҳи ва иқтисодиёти назариясида ижара шартномасининг турли талқинлари учраб туради, улар 2.4-жадвалда келтирилган.

2.4-жадвал

Ижара шартномасининг талқинлари

Муаллиф	Таъриф талқини
M. Usmani	Ислом фикҳида «ижара» атамаси иккита, турлича вазиятларда ишлатилади. Биринчидан, у «бирон-бир кишининг хизматидан тўлов эвазига фойдаланиш, ушбу эваз унга кўрсатилган хизмат учун мукофот сифатида берилади». Ижаранинг иккинчи шакли мулк ва эгалик ҳуқуқидан фойдаланишга киради. Ижаранинг ушбу маъноси «маълум бир мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини ундан рента ундириш ҳисобига бошқа шахсга ўтказиш»ни англатади. «Ижара» атамасининг мазкур маъноси инглизча «лизинг» атамасига ўхшашдир.
I. Warde	Кўхна ислом фикҳи нуктаи назарига кўра, ижара фойдаланиш ҳуқуқини сотиш сифатида тушунилади ва шу жиҳати туфайли у оддий сотувлар каби тартибга солинади. Банк учинчи шахсга маълум бир рента эвазига мулкни лизингга беради.
H. Visser	Инвестор мижоз талаб қилган предметни сотиб оладиган ва уни ўз мижозига лизингга берадиган шартнома. Лизинг якунида объект ижарага олувчига сотилиши мумкин.

<p>М. Al-Jarhi, М. Iqbal</p>	<p>Келишув бўйича банк аввал мижоз талаби бўйича буюм, кўчмас мулк ва ҳоказоларни сотиб олади, кейин эса уни мижозга ижарага беради. Ижара муддати давомийлиги ва ижара тўлови миқдори (ўрнатилган ёки вақт давомида ўзгарадиган) томонлар тарафидан келишиб олинади.</p>
<p>С. Хайрон</p>	<p>Ижара, рента ёки кира шартномаси. Амалда ижара – бу шартнома шартлари асосида учинчи шахснинг мулкни ўрнатилган тўлов эвазига ишлатишдир.</p>
<p>Р. Беккин</p>	<p>Лизинг – бир тараф (лизинг берувчи)нинг бирон-бир (кўчар ва кўчмас) мулкни сотиб олиши ва бошқа тараф (лизинг олувчи)га маълум бир муддатга лизингга беришидир, бунинг эвазига лизинг берувчи томонлар ўртасида аввалдан келишилган миқдорда ижара тўловлари кўринишида ҳақ олади.</p>
<p>Р. Воҳидов</p>	<p>Лизингнинг ўхшашидир. Муробаҳадан унинг асосий фарқи шундаки, молиявий воситачи мулкни ўз мижозига бериши билан унинг мулкка эгалиги бекор бўлмайди. Шунга мувофиқ тарзда молиявий воситачи ўз мулки билан хатарларни зиммасига олади. Бундан ташқари, муробаҳа битимида банк мукофоти (устама ҳақи) белгилаб қўйилади, ижара шартномаларида у вақт давомида вазиятга қараб қайта кўриб чиқиши мумкин. Ижара муддатли бўлиши керак.</p>
<p>М. Калимул-лина</p>	<p>Исломий молиявий муассасалар иш фаолиятида қўлланадиган операция ижаранинг ўхшашидир.</p>

Ижара келишувида шариатнинг бир қатор қоидалари амал қилади. Биринчи қоида – *хияр ар-рўё*, харидор баён этилганига мувофиқ келмайдиган товарга дуч келганда, шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Иккинчи қоида – *хияр ал-айб*, сўз паст сифатли товар ҳақида бормоқда, яъни харидор хариддан кейин нуқсонни топса, у ҳолда у битимни бекор қила олади. Учинчи қоида – *хияр аш-шарт*, бу ерда томонлар ҳар қандай вақтда ўрнатилган муддатлар ёки маълум бир ҳодисаларга боғлиқ ҳолда шартномани бекор қилишлари мумкин. Тўртинчиси –

фасҳ, яъни бекор қилиш ва чақириб олиш ва охиргиси – *иқола*, қоплама тўлаш ёки алмаштириб беришдир.


Шуни қайд этиш лозимки, анъанавий лизингда эскириш, суғурта ва солиқлар билан боғлиқ харажатлар ижарага олувчи зиммасида бўлади. Ижара шартномаси шу жиҳатлари билан оддий лизингдан фарқ қилади, чунки мазкур шартномани тузишда айнан ижарага берувчи кўрсатилган харажатларни зиммасига олади. Лекин исломий банкингда мана шундай харажатларни ижарага олувчига юклаб қўйиши мумкин бўлган механизмлар мавжуд.

Банк ўрта ва узоқ муддатли амалиётлар учун ўз мулки ва ундан келадиган даромадлардан фойдаланиш ҳуқуқини мижозига сотиши мумкин бўлган ижара шартномасининг вариантлари ҳам бўлиши мумкин.

Ижара икки шаклга бўлинади: *ижарат ул-амал* ва *ижарат ул-манафа*. Ижарат ул-амал келишилган тўлов эвазига хизматлар тақдим этишни ўзида акс эттиради. Ижарат ул-манафа объектнинг фойдали хусусиятларини келишилган баҳо бўйича берилишини ифодалайди. Кейинчалик эгалик ҳуқуқини ўтказиш билан боғлиқ лизинг шартномаси *ижара вал-иқтино* деб аталади.

Ижара асосида тикланган амалий фаолият механизмини амалга ошириш 2.9-расмда берилган таркибга эга.

Ижара шартномаси ижарага берувчи ва олувчида ҳуқуқ ва мажбуриятлар мавжуд бўлишини тақозо қилади. Ижарага берувчи ижаранинг бутун муддати мобайнида ижарага берилган мулк билан боғлиқ барча хатарларни зиммасига олади. У, шунингдек, ижарага олинган объектдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаши лозим. Ижара тўловларини тўлаш кечиккан ҳолларда ижарага берувчи ижарага берилган мулкни ўзига қайтариб олиш ёки ижарага олувчига тўловлар муддатини узайтириб бериш ҳуқуқига эга. Ижарага берувчи, шунингдек, ижарага олувчи томонидан мулкка жиддий зиён етказилган тақдирда ёки агар ижарачи ижарага олинган мулкни ноқонуний мақсадларда ишлатса, ижара шартномасини бекор қилиши мумкин. Ижара шартномасини бирданига бир



2.9-расм. Ижара битимларини амалга ошириш чизмаси.

нечта ижарага олувчилар билан турли вақт даврларига ҳам тузиш мумкин.

Мулкни мақсадли ишлатиш ва уни шикастланишдан сақлаш бўйича чораларни кўриш ижарага олувчининг мажбуриятларига киради. Ижарага олувчи ижара объекти ишлатиш учун жоиз бўлган вақтдан бошлаб рентани тўлаб бориши шарт. Ижарага олувчининг айби билан мулкка зарар етказилган ҳолатда у таъмирлаш бўйича харажатларни қоплайди, лекин мулк таъмирда бўлган вақтда ижара тўловларини тўлашга мажбур эмас. Шартнома тузилганидан кейин ижарага олувчи, ижарага берувчи томонидан ижарага олинган мулкда аниқланган нуқсонларни бартараф этиш рад этилган вазиятда, ижара шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Ижарага олинган мулк эгасининг розилиги шarti билан ижарага олувчи уни сублизингга бериши мумкин.

1. Мижоз мустақил равишда активни ва мазкур активни етказиб берувчини аниқлайди ҳамда молиялаштириш учун банкка мурожаат қилади. Мижоз банкка актив тўғрисидаги тегишли маълумотни тақдим этади.

2. Тақдим этилган шарт ва баҳолар банк томонидан кўриб чиқилгач, мижоз банк билан ижара шартномасига киришишга тайёрлиги ифодаланган нияти тўғрисида банкка хабар беради.

3. Маҳсулотни етказиб берувчи банк номига тўлаш учун ҳисобни қўяди ва банк ўз ҳисобидан кўрсатилган активни сотиб олади, шундан сўнг банк активни мижозга ижара шартномаси бўйича аввалдан келишилган муддатга ижарага беради.

4. Ижара муддати мобайнида мижоз олдиндан келишилган муддатларда ижара тўловларини тўлайди, ижара тўловлари ўрнатилган, ўзгарувчан ва қўшимча таркиблардан ташкил топади.

5. Ижара муддати якунида ва шартнома бўйича мижоз тарафидан барча мажбуриятлар бажарилган тақдирда, банк активни мижознинг эгалигига активнинг номинал қиймати бўйича сотиш ёки ҳада шартномаси йўли билан беради.

Ижара исломий молиялаштиришнинг энг кўп тарқалган шаклларида бири ҳисобланади. Бундан ташқари, масалан, муробаҳа шартномасидан фарқли равишда, ижара шартномаси кейинчалик ижара-сукукни иккиламчи бозорда муомалага кириштириш орқали секьюритизация қилиниши мумкин.

Салам – харидор сотувчига келишилган товар қийматини аввалдан тўлайдиган битим ҳисобланиб, сотувчи товарни маълум бир вақт оралиғида етказиб беришни зиммасига олади. Яъни мазкур шартнома бўнакли тўлов билан харид қилишни ўзида акс эттиради. Табиийки, товар шариат нуқтаи назаридан руҳсат этилган бўлиши шарт.

Мазкур инструмент одатда шартнома тузиш вақтида сони, сифати ва ўзига хос хусусиятлари аниқ тавсифланиши мумкин бўлган товарларга татбиқ этилади. Асосан қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида учраб туради. Салам шартномасининг талқинлари 2.5-жадвалда кўрсатиб берилган.

2.5-жадвал

Салам шартномасининг талқинлари

Муаллиф	Таъриф талқини
M. Usmani	Сотувчи ўзига хос бирон товарни, тўла ва бир марталик бўнак тўловлар эвазига келгусида харидорга етказиб бериш мажбуриятини оладиган хариддир. Ушбу сотувнинг асосий мақсади – ҳосил йиғилгунга қадар оиласини таъминлаш ва экинларни етиштириш учун пулга эҳтиёжманд майда фермерларнинг эҳтиёжини қондиришдир.

H. Visser	Олди-сотди шартномаси бўлиб, харидор товарлар учун олдиндан тўловни амалга оширади. Ушбу харид маҳсулот етказиб беришни кечиктириш ёки харидор томонидан қарз берилишидир. Салам-бай форвард шартномаси сифатида кўриб чиқилиши мумкин, лекин икки муҳим жиҳати билан оддий форвард ¹ ва фьючерс ² шартномаларидан фарқ қилади. Энг аввало, салам-байга кўра, маҳсулотнинг бутун баҳоси бўнак билан тўлаб берилиши керак. Иккинчидан, белгиланган муддат келганда харидор етказиб берилган маҳсулотни қабул қилиб олиши шарт.
M. Al-Jarhi, M. Iqbal	Харидор сотувчига товарнинг олдиндан келишилган қийматини тўлаб беради, сотувчи уни маълум бир вақт оралиғида етказиб беришни таъминлайди. Яъни мазкур шартнома ўзида бўнакли тўлов ила харид қилишни ифодалайди. Товар шариат нуктаи назаридан рухсат этилган бўлиши табиий.
C. Хайрон	Сотувчи ва харидор ўртасида товар учун пулни дарҳол тўлаш, лекин кейинроқ муддатда етказиб бериш шартлари билан олди-сотди қилиш шартномаси. Битимнинг ушбу шакли бўнакли тўлов битими билан ўхшашдир.
P. Беккин	Бўнакли молиялаштириш. Нақд тўлов қилингани ҳолда, товар етказиб бериш муддатини кечиктиришни ўзида ифодалайди. Ислоний банкнинг савдо муассасаси сифатидаги вазифаси салам шартномасида яққол кўзга ташланади. Салам шартномаси бўйича бир томон (банк) иккинчи томон (бажарувчи)га товар қийматига тенг маълум бир миқдорни беради, у эса, ўз навбатида, томонлар маъқуллаган тафсилотли рўйхатга мувофиқ, маълум бир муддатда товарлар етказиб бериш мажбуриятини зиммасига олади.
P. Воҳидов	Шартномага кўра, мижоз маълум бир товарни аниқ муддатда етказиб бериш мажбуриятини олади ва маҳсулот етказиб берилгунига қадар тўловни қабул қилади.

¹ *Форвард битимлари* – келгусида маълум бир муддатда келишилган сон ва сифатда товар етказиб бериш бўйича сотувчи ва харидор ўртасида тузилган ижро этилиши мажбурий муддатли битим. Товар баҳоси, валюта курси ва бошқа шартлар битим тузилаётган вақтда қайд этилади.

² *Фьючерс битимлари* – ушбу битим шартлари олинган товар ёки хизматлар учун тўловларни шартномадаги кўрсатилган баҳода маълум бир муддат ўтгач амалга оширилишини тақозо этади.

Салам шартномаси, битим тузилаётган вақтда товар сотувчининг эгалигида бўлмаган ҳолатдагина тузилиши мумкин. Сотувчи томонидан товарни буткул етказиб бермаслик ёки унинг мавжуд бўлмаслиги билан боғлиқ рўй бериши мумкин бўлган хатарлар хавфининг олдини олиш мақсадида, харидор гаров, заклад ёки учинчи шахс кафиллигини талаб қилиши мумкин. Шундай қилиб, маҳсулот олингунига қадар хатарлар сотувчининг зиммасида бўлади.

Салам шартномасининг амалда бўлиш шартларини қуйида келтириш мумкин:

1. Салам товарининг сони ва сифати ноаниқликдан қочиш учун аниқ таърифланган бўлиши лозим. Товар бир жинсли (ўзига хос бўлмаслиги) ва бозорда мавжуд бўлиши шарт, бунда берилиши лозим бўлган товарни етказа олмаслик ёки сифатининг мувофиқ келмаслиги ҳолатида, маҳсулот етказиб берувчи шунга ўхшаш маҳсулотни бозордан сотиб олиши ва харидорга ўз вақтида бериши мумкин бўлсин.

2. Товарнинг қиймати бир йўла тўланиши керак, бу ҳолатда баҳо белгилаб қўйилган ҳисобланади ва бозордаги шунга ўхшаш товарлар баҳоси ошган тақдирда ҳам, ошиши мумкин эмас.

3. Товарни етказиш муддати ва жойи аввалдан аниқланган бўлиши шарт, уни етказиб бериш маълум бир вақт оралигида қисмларга бўлиб, шунингдек, буткул ва бир йўла амалга оширилиши мумкин.

4. Салам шартномалари бўйича етказиб бериладиган товар харидор эгалигига ўтгунига қадар учинчи шахсга қайта сотилиши мумкин эмас, лекин параллел салам амалга оширилиши мумкин. Параллел салам, биринчи шартномадаги товарнинг харидори иккинчи салам шартномасида худди шу товарни учинчи мустақил томонга сотувчи ҳисобланган ҳолатда, юзага чиқади.

5. Салам олдиндан тўловни кўзда тутгани сабабли, харидор сотувчидан гаров талаб қилиши мумкин, у эса сотувчи томонидан шартнома талабларига риоя этилмаган ҳолатда юзага келадиган зарарларни қоплаш учун ишлатилиши мумкин.

Салам шартномаси банклар тарафидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва савдо битимларини молиялаштириш учун

ишлатилади. Олдиндан тўлов бўйича баҳо қоидага кўра, ўхшаш товарлар бозор баҳосидан паст бўлгани боис, банк фойдаси шунинг ҳисобига шаклланади.

Салам асосида тикланган амалий фаолиятни амалга ошириш чизмаси 2.10-расмда берилган.

Салам шартномасининг бекор қилиниши ҳар икки томоннинг розилиги ила тўланган мувофиқ маблағларни қайтариш билан амалга оширилади. Лекин харидор хияр ал-айб қондасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга, яъни товар сифати паст бўлганда битимдан воз кечиши мумкин.

Истисноъ – икки томон: сотувчи ва харидор ўртасидаги олди-сотди шартномаси бўлиб, унга кўра харидор буюртма бўйича қурилиши ёки тайёрланиши лозим бўлган мавжуд бўлмаган товарни сотиб олишга розилик билдиради. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб-китоблар ўрнатилган баҳо бўйича келишув тузилган санада амалга оширилади, тўловлар эса олдиндан келишилган вақт оралиғида лойиҳа давомида ва унинг якунида амалга оширилади. Томонлар тўловлар муддати тўғрисида ўзаро келишиб олишлари мумкин, лекин шартнома миқдори ўзгармай қолиши керак. Мижоз ишларни бажариш учун учинчи томон – субпудратчини тайин қилиш ҳуқуқига эга. Товарлар ишлаб чиқариш жараёнида экан, шартномани тўхтатиш мумкин эмас.



2.10-расм. Салам битимини амалга ошириш чизмаси.

1. Мижоз банк билан маълум бир активни жорий баҳо бўйича, келгусидаги санада етказиб бериш бўйича битим тузади.

2. Салам битими баҳоси бўйича активни етказиб бериш учун банк олдиндан тўловни амалга оширади.

3. Маълум бир белгиланган муддатда мижоз салам битими бўйича банкка активни етказиб беради.

4. Банк бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, бозордаги баҳо бўйича актив сотувини амалга оширади.

5. Банк активни бозорда сотиш орқали, жорий баҳо ва мижоз билан тузилган салам битими бўйича баҳо ўртасидаги фарқда ифодаланган фойдани олади.

Молиялаштиришнинг ушбу шаклининг ўзига хос хусусиятларидан бири – ишларни бажариш ва уни амалга ошириш жараёнига қатъий риоя қилиш батафсил жадвалини тузиб олишдир.

Истисноъ шартномасининг талқини 2.6-жадвалда келтирилган.

2.6-жадвал

Муаллиф	Таъриф талқини
M. Usmani	Сотувнинг товар пайдо бўлгунига қадар амалга ошириладиган иккинчи шакли. У ишлаб чиқарувчига харидор учун махсус товар ишлаб чиқаришни буюртма қилинишини назарда тутди. Агар ишлаб чиқарувчи ўз хом ашёсидан харидор учун товар ишлаб чиқариш мажбуриятини олса, у ҳолда истисноъ битими вужудга келган бўлади.
M. Gamal	Ушбу шартномага кўра харидор (<i>мустасний</i> ёки ишлаб чиқаришга буюртмачи) товар баҳосини бир йўла ёки босқичма-босқич тўлайди, бажарувчи (<i>санний</i> ёки ишлаб чиқарувчи, сотувчи) шартнома бўйича харид объектини келгусидаги маълум бир муддатда етказиб бериш мажбуриятини олади.
H. Visser	Спецификация ёки буюртмага кўра товарни сотиб олиш шартномаси ёки прогрессив молиялаштириладиган ишлаб чиқариш шартномаси бўлиб, бунда баҳо бажарилган ишга мувофиқ аста-секин тўланади. Тўловлар ишлаб чиқариш яқини ёки қурилиш битиши арафасида амалга оширилади.

<p>М. Al-Jarhi, М. Iqbal</p>	<p>Мазкур банк маҳсулоти кўламли ва давомий лойиҳаларни молиялаштириш учун махсус ташкил этилган. Мана шундай шартномалар бўйича ҳисоб-китоблар келишув имзоланган санада ўрнатилган баҳолар бўйича, тўловлар эса лойиҳа давомида ва унинг якунида аввалдан белгиланган вақт оралигида амалга оширилади.</p>
<p>С. Хайрон</p>	<p>Икки томон: сотувчи ва харидор ўртасида олди-сотди шартномаси. Ушбу маҳсулот давомли лойиҳаларни молиялаштиришга мўлжалланган, яъни шартномага кўра харидор мавжуд бўлмаган товарни сотиб олишга розилик билдиради, ушбу товар буюртма бўйича қурилиши ёки тайёрлиниши лозим.</p>
<p>Р. Беккин</p>	<p>Салам (пудрат) шартномасининг бир кўриниши ҳисобланади. Банк амалиётида истисноънинг саламдан асосий фарқи шундаки, истисноъ шартномасида товар етказиб берувчи мижоз эмас, балки банк ҳисобланади, товар учун тўловлар харидор томонидан товар олингунига қадар бир марталик тўловлар кўринишида эмас, балки товар ишлаб чиқарувчи томонидан бажарилган ишга қараб босқичма-босқич амалга оширилади.</p>
<p>М. Калимуллина</p>	<p>Битим шартларига кўра, молиявий муассаса томонидан мулк (товар ёки бино-иншоот) сотуви амалга оширилади, ушбу мулк ишлаб чиқарувчи ёки пудратчи қурилиш ташкилоти томонидан қурилган ёки ишлаб чиқарилган бўлиши ва мижоз (буюртмачи)га ишлар якунланганидан сўнг берилиши лозим.</p>

Истисноъ шартномасининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Шартнома тузилаётган вақтда шартнома предмети мавжуд бўлмаслиги ёки ишлаб чиқарувчининг эгалигида бўлиши шарт.

2. Истисноъ шартномасининг предмети қишлоқ хўжалиги эмас, балки ишлаб чиқариш товари бўлиши шарт, бу маҳсулотнинг ишлаб чиқариш жараёнида бир шаклдан бошқасига ўтишини кўзда тутади.

3. Истисноъ шартномаси бўйича товарнинг сифати ва сони томонларнинг келишувига кўра ўзгартирилиши мумкин.

4. Агар буюртмачи билан бошқача келишилмаган бўлса, бажарувчи бошқа ишлаб чиқарувчининг товарини етказиб беришга ҳақлидир.

5. Агар истисноъ товарининг сифати келишилганидан паст бўлса, у ҳолда буюртмачи хияр ал-айб тамойилига кўра, ундан воз кечиши ёки баҳони пасайтиришни талаб қилиши мумкин.

6. Банк истисноъ шартномасида буюртмачи ёки етказиб берувчи бўлишидан қатъи назар, миждан гаров талаб қилишга ҳақлидир. Ушбу гаров арбун деб аталади ва битимнинг амалга ошиши кафолати мақсадларида олинувчи, қопланмайдиган бўнакни ўзида акс эттиради.

7. Банк, шунингдек, бир вақтнинг ўзида товарни олиш ва сотиш учун параллел истисноъ шартномасидан фойдаланиши мумкин.

8. Ишлаб чиқариш истисноъ шартномаси исломий молия соҳасида ўз вақтида етказиб берилмаган товар учун жаримага тортиш руҳсат этилган ягона шартнома ҳисобланади. У шарт ал-жазoi номи билан аталади ва етказиб бериш кечиктирилган ҳолатда, товар баҳосини пасайтириш шаклида амалга оширилади.

Амалиётда истисноъ шартномасининг амалга ошиши қуйидаги тарзда бўлади:

а) миждан янги ишлаб чиқариш, қурилишни ташкил этиш ёки мулкни маълум бир баҳо ва сифатда сотиб олиш бўйича банкка лойиҳа билан мурожаат қилади ҳамда аниқ баён қилинган ва исломий ҳамда иқтисодий экспертизадан ўтказиладиган лойиҳани банкка тақдим қилади;

б) банк лойиҳани амалга оширишга розилик билдиради (ёки рад этади);

в) банк кўрсатилган муддатда буюртмани бажаришга рози бўлган ишлаб чиқарувчи, қурилиш ташкилоти ёки завод билан келишувни тузади;

г) шартнома шартларига боғлиқ ҳолда бажарилган ишлар натижаси банкка ёки миждан топширилади.

Истисноъ шартномасининг бажарилиш муддати томонларнинг ўзаро розилиги билан ўрнатилиши шарт. Агар шартномада муддат кўрсатилмаган бўлса, ишлаб чиқариш қоидага

кўра, мана шундай маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетадиган муддатда бажарилиши лозим.

Истисноъ шартномаси узоқ муддатли инфратузилмавий ва қурилиш лойиҳаларини молиялаштириш, шунингдек, экспортни молиялаштириш шакли сифатида ишлатилиши мумкин.

Сукук – қарзга асосланган молиялаштиришнинг кенг қўлланадиган воситаларидан бири ҳисобланади. ААОIFI нинг халқаро стандартларига кўра, сукук – бир хил қийматдаги сертификатлар бўлиб, маълум бир инвестицион фаолият ёки маълум бир лойиҳадаги активларга, уларни натурада ажратиш имкониятисиз эгалик ҳуқуқи, хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқи, моддий активларга эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқига улушни ўзида акс эттиради. Амалиётда мана шундай ҳуқуқ, сукук эмиссиясини амалга ошириш мақсадлари учун олинган маблағлар ишлатилгач ва обуна яқунлангач ҳамда сукук қиймати олингач, амалга оширилади.

Сукук қимматли қоғозлари лойиҳа ёки ижарада иштирокни ўзида ифодалайди ва номланишининг ўзида лойиҳанинг моҳияти кўрсатилган бўлади (сукук ал-музораба, сукук ал-мушорака, сукук ал-ижара ва ҳ.к.). Лойиҳаларнинг кўлами ва уларга европалик инвесторларни жалб этиш нуқтаи назаридан, энг оммабоп сукуклар лизинг битимларини секьюритизация қилиш лойиҳаларидир (сукук ал-ижара).

Сукук талқинлари 2.7-жадвалда келтирилган.

2.7-жадвал

Сукук талқинлари

Муаллиф	Таъриф талқини
M. Usmani	Бойликларни адолатли тақсимлаш воситасидир, чунки у корхонада иштирок этиш натижасида инвесторларга воқеликдаги фойдадан манфаат олиш имконини беради. Бир инвесторнинг кучи етмаган катта корхоналарни молиялаштиришнинг энг яхши усулларида бири. Исломий молиявий муассасалар ва банклар учун ликвидликни бошқаришнинг ажойиб воситаси.

H. Visser	Мулк билан таъминланган ва савдолашиладиган ўрта муддатли қимматбаҳо қоғозлар. Сукук асосан муассасавий инвесторлар учун мўлжалланган.
I. Warde	Сукук – сукук жамғармаси асосида ётган активларга ёки ушбу активларнинг фойдали хусусиятлари (узуфрукт)га эгалик қилиш имконини берадиган сертификатлардир, улар сукук ушловчилари (эгалари)га мазкур активларни ижарага бериш ёки сотишдан даромад олиш ҳуқуқини беради.


Сукукнинг анъанавий улушли иштирок сертификати билан кўплаб ўхшаш томонлари бор. Моҳияти бўйича сукук активларни секьюритизация қилиш воситаси сифатида ишлатилади.

Сукукнинг мақсади – қайтаришлилик ва тўловлилик асосида инвесторлар маблағини лойиҳани молиялаштириш учун жалб этишдир. Сукукни чиқариш шундай тартибга солиниши лозимки, бир тарафдан, инвесторларни ҳимоя қилиш ва уларга кўйилмаларнинг мақбул даромадлигини таъминлаш ва иккинчи томондан – шариат талабларини қондириш имконияти бўлсин.

Юқорида айтиб ўтилганидек, сукук исломий секьюритизациялаш деб аталади. Бунинг асоси эса қимматли қоғознинг бирон-бир актив билан боғлиқлигидир. Яъни сукук нафақат оддий облигация ҳисобланади, бу шариат қоидаларига ҳам зид бўлур эди – балки у сукук эгаларининг маълум бир активга, масалан, кўчмас мулкка, ижарадан даромадлар, савдо амалиётларидан молиявий оқимлар ва ҳ.к.ларга ҳуқуқини ҳужжатлаштиради.

Сукук ва секьюритизация учун умумий бўлган яна бир таркиб SPV – ихтисослашган лойиҳа компанияси ҳисобланади. Айнаман мана шу ҳуқуқий шахс ёки траст қоидага кўра, сукук сертификатларини чиқаради, улар бўйича сукук ушловчилар олдида жавоб беради, сертификат ушловчилардан олинган маблағларни эмиссион ҳужжатларга кўра инвестиция қилади ва улар ўртасида молиявий оқимларни тақсим қилади.

Сукук сертификатининг турли шакллари 2.11-расмда келтирилган белгилари бўйича тасниф қилиш мумкин.



2.11-расм. Сукук таснифи.

Сукук асосида ётган активга боғлиқ ҳолда биз ижара/лизинг ҳуқуқи секьюритизацияси (*сукук ал-ижара*), лойиҳавий молиялаштириш секьюритизацияси (*сукук ал-истисноъ*), шерикчилик секьюритизацияси (*сукук ал-мушорака*) ва бошқа шакллар тўғрисида сўз юритишимиз мумкин.

Қуйида сукукнинг кенг тарқалган шакллари келтириб ўтаемиз:

– *сукук ал-музорабада* – SPV ва қарздор шерикчилик иштирокчилари бўладилар. Инвесторларнинг ҳуқуқлари пай инвестиция фондлари эгалари ҳуқуқлари билан тенгдир. Ушбу таркиб кўп сонли майда инвесторларнинг маблағларини жалб этиш учун ишлатилади;

– *сукук ал-мушоракада* – SPV ва қарздор шерикчилик иштирокчилари бўладилар. Сукук ал-музорабадан фарқли ҳолда, инвесторлар шерикчилик ишларини бошқаришда қатнашиш имкониятига эгадирлар;

– *сукук ал-ижарада* – SPV ва қарздор мулкни олди-сотди шартномаси (қарздор активни SPV га сотади) ва мазкур мулк

ижара шартномаси (қарздор SPV дан ижара муддати якунида сотиб олиш ҳуқуқи билан активни ижарага олади)ни тузадилар;

– *сукук ал-муробаҳада* – қарздор ва инвесторлар ўртасида мулкни олди-сотди шартномаси тузилади, унга кўра инвесторлар маълум бир активни мулк сифатида сотиб оладилар, сертификат баҳоси эса мазкур мулкнинг харид баҳосини ташкил этади. Инвесторлар даромади мазкур мулкни тўлов муддатини узайтириб (муробаҳа) қайта сотиш йўли орқали олинади;

– *сукук ас-салам* – сукук ал-муробаҳанинг кўзгудаги акси кабидир. Сукукнинг ушбу шаклида қарздор – товар ишлаб чиқарувчи инвесторларга товарни етказиб бериш муддатини узайтириш орқали сотади, товар баҳоси эса дарҳол тўланиши лозим. Товарни етказиб бериш муддатлари шартномада кўрсатилган бўлиши керак. Инвесторнинг даромади товар харид баҳосидан чегирмалар ҳисобига шаклланади. Олинган товар кейинчалик сотиб юборилиши мумкин;

– *сукук ал-истисноъ* – мумтоз лойиҳавий молиялаштириш ёки пудрат шартномасининг ўхшаши ҳисобланади. Истисноъ шартномасининг шартларига кўра мулк ташкил этилгунига қадар сотилади. Инвесторлар, қоидага кўра, сметага мувофиқ босқичма-босқич тўловни амалга оширади. Товар баҳоси шартнома тузилаётган вақтда томонлар ўртасида келишиб олинishi шарт. Инвесторларнинг даромади сукук ас-салам усули бўйича шакллантирилади.

Инвесторларга ўтказиладиган хатарлар даражаси бўйича сукуклар қуйидаги тоифаларга бўлинади:

– *активларга асосланиб тузилган (asset-based) сукукда* – инвесторлар қарздорнинг хатарини қабул қилади, актив эса таъминот сифатида эмас, балки молиялаштириш маблағлари тақдим этиш учун ишлатилади;

– *активлар гарови билан таъминланган (asset-backed) сукукда* – инвесторлар активнинг хатарини қабул қилади. Қарздор бирон-бир қўшимча кафолат тақдим этмайди. Ушбу таркиб активларни секьюритизация қилиш усули ҳисобланади.

Сертификатларнинг муомалада бўлиш хусусиятига қараб сукуклар қуйидагиларга бўлинади:

– *иккиламчи муомалада бўла оладиган сукук* – сукукнинг аксарият шакллари, яъни айнан сукук ал-ижара, ал-истисноъ, ал-мушорака, ал-музораба ва сукукнинг аралаш шакллари шунга киради, бунда муомалага қобилиятсиз активлар таъминотнинг озчилик қисмини ташкил этиши шарт қилинади:


– *иккиламчи муомалада бўла олмайдиган сукук* – бу сукук ал-муробаҳа ва сукук ас-саламлардир.

Барча битимларнинг ранг-баранглиги орасида энг қўп тарқалган битимлардан бири сукук ал-ижара ҳисобланади. Унинг оммабоплиги, бир томондан, шариат меъёрларига риоя этишдаги мураккабликнинг мавжуд эмаслиги ва амалиётда соддалик ила қўлланиши билан, бошқа томондан – муносабатларнинг узоқ муддатли эканлигига қарамай, инвестициялар бўйича даромадларни юқори даражада аниқлик билан тахмин қилиш ва ижара тўловларини аниқлаш имкониятининг мавжуд эканлиги билан изоҳланади.

Сукукнинг таркиби умумий кўринишда 2.12-расмда тақдим этилган.

Мазкур таркибда инвесторлар капиталларни бирлаштирадилар ва мулкни сотиб оладилар, уни кейин махсус мақсадли SPV компаниясига берадилар. Мулк қарздор-компаниядан, шунингдек, учинчи шахслардан сотиб олиниши мумкин. Қарздор мулкни SPV дан ижарага олади ва кейинчалик инвесторлар ўртасида тақсим қилинадиган ижара тўловларини ушбу компанияга тўлаб беради. SPV ва инвесторлар қарздор билан бир мамлакатда ёки турли мамлакатларда бўлиши мумкин. Сўнгги ҳолатда халқаро миқёсдаги шартномалар, корпоратив ва солиқ ҳукуқи масалалари пайдо бўлади.

Сукук сертификатлари чиқаришни шартли равишда маълум ҳаракатларни ўз ичига олувчи бешта босқичга бўлиш мумкин. Аниқ вазиятга боғлиқ ҳолда битим ўзининг хусусиятларига эга бўлиши мумкин. Шундай бўлса-да, қоидага кўра у ёки бу ҳолатда 2.13-расмдаги чизмада берилган беш босқични ажратиб кўрсатиш мумкин.



2.12- расм. Сукук таркиби.


Қарзи ҳасан фоизсиз кредитни ўзида акс эттириб, унда қарздор кредиторга фақат асосий миқдорнигина қайтариши лозим бўлади. Лекин қарздор ўз фикридан келиб чиқиб, кредиторнинг бевосита харажатларини қоплаш мақсадида кредитнинг асосий миқдорига кўшимча тўловни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Қарз беришнинг ушбу шакли ҳеч қандай даромад келтирмайди ва шариат томонидан жоиз ҳисобланади, у ижтимоий ва иқтисодий адолатга эришишни кўзда тутади.

Асосий қарзни қайтараётган мижоз маъмурий харажатларни қоплаш учун банкка ихтиёрий мукофот кўринишидаги маълум бир миқдор – *ҳиба* тўлаб бериши мумкин. Қарзни қайтариш кафолати сифатида банк гаров талаб қилиши мумкин.

Исломий банклар қарз беришнинг бундай шаклини қуйидаги вазиятларда таклиф этишлари мумкин:

- агар банк кредитлари асосан мушорака тамойили бўйича таркибланган бўлса ва ушбу тамойил мижозларга нисбатан банкларнинг ўзига каттароқ фоиздаги даромад келтиради деб тахмин қилинса, ушбу ҳолатда мазкур хизмат тури тақдим этилиши мумкин. Қарзи ҳасан айланма маблағларни молиялаштириш сифатида ҳам таклиф этилиши мумкин;

- ушбу хизмат тури уйланишда, таълим олишда молиявий қийинчиликларга дуч келаётган мижозларга тақдим этилиши



2.13-расм. Сукук сертификатларини муомалага чиқариш босқичлари.

мумкин. Банк, шунингдек, етарли даражада ишончли юқори кредит қобилиятига эга ёки инвестицион фаолиятдан манфаатдор бўлган миждозларга ушбу кредит шаклини таклиф этади;

– ушбу хизмат банкда йирик депозит омонатларига эга миждозларга берилиши мумкин. Молиявий қийинчиликка дуч келган ушбу миждозлар, қоидага кўра, ўз омонатларини банкдан олиб чиқиб кетишлари ёки банкка молиявий кўмак учун мурожаат қилишлари мумкин. Шундан келиб чиқиб, турли муаммолардан четланиш ва банк шаънини сақлаш мақсадида миждозга қарзи ҳасан таклиф этилиши мумкин.

Ислом фикҳи ва иқтисодиёти назариётида қарзи ҳасан шартномаларининг 2.7-жадвалда кўрсатилган турли талқинлари учрайди.

2.8-жадвал

Қарзи ҳасан шартномаси талқинлари

Муаллиф	Таъриф талқини
М. Al-Jarhi, М. Iqbal	Фоизсиз қарз. Банк қарзи ҳасан шартномасини тузган ҳолатда миждозга маълум бир пул миқдорини беради, миждоз эса айtilган муддатда қарзни қайтариш мажбуриятини олади. Қарзни қайтараётган миждоз маъмурий харажатларни қоплаш учун ихтиёрий муқофот – ҳиба кўринишида банкка маълум бир миқдорни тўлаб бериши мумкин. Қарзни қайтариш қафолати сифатида банк гаров талаб қилиши мумкин.
С. Хайрон	Қарз олувчи томонидан кредиторга қарзнинг фақат асосий миқдорини қайтариш мажбуриятини юқловчи «хайрия» кредити. Лекин қарздор ўз ихтиёрига кўра, кредитнинг асосий миқдорига қўшимча сифатида муқофот тўлаш ҳуқуқига эга. Қарзнинг ушбу шакли фоизсиз ва шариат тарафидан рухсат этилган ҳисобланади ҳамда у ижтимоий ва иқтисодий адолатга эришишга йўналтирилган.
Р. Беккин	Хайрия мақсадларида ҳамда қисқа муддатли, фойда келтирадиган лойиҳаларни молиялаштириш учун бериладиган фоизсиз қарз.

Вадиа – бу ишончга асосланган вазифаларни бажаришдир; мулк эгаси ва иккинчи томон ўртасидаги шартнома бўлиб, унга кўра мулк эгаси ўз активларини сақлаш ва ишлатиш учун беришга рози бўлади. Вадиа шартномасига кўра, мулк эгаси ўз мулкни сақловчи ва бутлигини кафолатловчи сифатида иштирок этадиган ишончли шахсни тайинлайди. Ишончли шахс мулк эгасининг ўзи ёки унинг оила аъзолари томонидан тайинланиши мумкин. Ишончли шахс мулкни қайтаришдан бош тортган ва уни сақлашга олгани асосларини рад этган тақдирда, унга ўзгалар мулкни ноқонуний сақлаганлик айби қўйилади ва ўз ҳаракатлари учун тўла жавоб беради. Ишончли шахс ўзига сақлашга берилган мулкни ўз мулки билан аралаштириб юборса, бу ҳолатда ҳам унинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилади.

Исломий банк тизимида вадиа жамғарма депозит ҳисобланади ва мижозга ўз пулларини банкда сақлаш имконини беради, банк фақат депозит эгасининг рухсати билан хавф-хатарни ўз зиммасига олган ҳолда ушбу омонатдан фойдаланиши мумкин. Мижоз ҳар қандай вақтда депозит ҳисобдан ўз пулларини қисман ёки буткул ечиб олиши мумкин, банк эса ушбу амалиётнинг бажарилишига кафолат беради.

Исломий савдони молиялаштиришда банк комиссия (таъриф ёки комиссия маҳсулотлар) тўлашга асосланган бир қатор: аккредитивларнинг турли шакллари, траст тилхатлари, кафолат хатлари, экспортни кредитлашни қайта молиялаштириш ва бошқа маҳсулотларга эга. Агентлик келишуви ҳам шулар сирасига киради.

Ваколат – бу агентлик шартномаси бўлиб, унда агент бирон-бир фаолият ёки битимда буюртмачининг манфаатларини ифодалайди ва бажарилган хизмат учун тўлов олади. Ушбу шартномадан бир томон (агент)нинг ваколатли шахс сифатида, бошқа томоннинг манфаатларини ифодалаш учун иштирок этишида ҳам фойдаланиш мумкин. Ваколат шартномасини тузишда агент музораба шартномасидаги каби фойда ва зарарларда иштирок этмайди ҳамда белгиланган тўловни олади. Бошқача айтганда, бу анъанавий молия тизимидаги вакилликнинг монандидир.

Ваколат шартномаси банкка мижоз номидан фаолият юри-тиш имконини беради. Масалан, иқтисодий агент харидни амал-га ошироқчи бўлса, у ҳолда у исломий банкка харид қиймати миқдорида депозит жойлаштириши мумкин, банк эса мижоз томонидан қўйилган маблағлардан фойдаланиб, харид пулини тўлаб беради.

2.4. Суғурталаш.

Шариатнинг асосий манбаларида суғурталашнинг жоиз ёки ножоизлиги ҳақида аниқ кўрсатмалар мавжуд эмас. Ислом хатар ва ноаниқликнинг ўзини ман этмайди, балки олди-сотди шартномасидан фойдаланган ҳолда, сотув ва айирбошлаш хатарини бошқа шахсга ўтказишни тақиқлайди. Аксарият мусулмон фикҳшунослари анъанавий суғурталаш ман этилган (ҳаром) ҳисобланади деган нуқтаи назарни маҳкам тутадилар.

Исломий банкдаги каби фикҳшунослар суғурталаш шартномасида ғорар (ноаниқлик), майсир (чайқовона фаолият, қимор) ва рибо (судхўрлик) каби унсурларни ажратиб кўрсатадилар.

Уларнинг фикрича, анъанавий суғурталаш камида уч шаклда ғорар шакллари бўлиши мумкин:

– шартнома тузиш оқибатларининг ноаниқлиги. Шартнома тузилар экан, суғурталовчи ҳам, суғурта қилдирувчи ҳам унинг ортидан келувчи барча оқибатлар ҳақида аниқ ҳеч нарса билмайдилар. Суғурта қилдирувчига суғурта бадали сифатида тўлаган пуллари ўрнига қоплама олиши маълум эмас. Худди шу каби суғурталовчи ҳам ўзининг келгусидаги фойдаси миқдори тўғрисида аниқ тасаввурга эга эмас. Баъзида у фақат бир марта бадални олишга улгуради, баъзан эса у бутун мукофот миқдоридан бир неча баробар кўп миқдорни тўлашига тўғри келади;

– суғурта ҳодисаси рўй берган вақтда суғурталовчининг қоплама тўлаш учун талаб қилинадиган миқдорга эга бўлиш ноаниқлиги. Аксарият ҳолларда, суғурта қилдирувчи суғурталовчида қоплама бериш учун зарур бўлган маблағнинг мавжудлиги ҳақида билмайди, чунки, одатда тўловлар суғурта

ҳодисаси рӯй бергандагина амалга оширилади, у эса бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин;

– шартнома муддатидаги ноаниқлик. Ислом фикҳидаги фуқаровий-ҳуқуқий битимлар қоидаларига кўра, шартноманинг бажарилиш муддатлари маълум бўлиши керак.

Тижорий суғурталаш шартномасида *ғорар* шариат рухсат берган даражадан ошиб кетади, чунки шартнома талабларига нисбатан ноаниқлик суғурталовчига бўлмаса ҳам, суғурта қилдирувчи учун сақланиб қолади (суғурталовчи ҳеч бўлмаганда, статистик маълумотларга асосланган молиявий таҳлиллар ҳисобига фойда миқдорини ҳисоблаб чиқариши мумкин).

Майсир. Айрим фикҳшунослар ғарб (анъанавий) суғурта компанияларидаги фойда тасодифга асосланган деб ҳисоблайдилар. Агар суғурта қилдирувчилардан йиғилган жами бадаллар миқдори ва уларни инвестиция қилишдан келган фойда суғурта тўловлари бўйича тўловлар ва бошқа харажатлардан ортса, у ҳолда суғурталовчи фойда олади. Агар бадаллар миқдори суғурта тўловларидан кам бўлса, у ҳолда суғурталовчи зарар кўради. Суғурта муносабатларини суғурта ҳодисаси рӯй беришига боғлиқ ўйинга қиёслаш мумкин. Масалан, агар суғурта ҳодисаси рӯй берса, суғурталовчи «гаров»ни ютқазади ва суғурта қилдирувчи ёки учинчи шахс (манфаат олувчи)га маълум бир миқдорни тўлаб беради. Агар суғурта ҳодисаси рӯй бермаса – суғурта қилдирувчи ютқазади.

Ғорар ва майсир ўзаро бир-бирига яқин эканини ҳам рад этиб бўлмайди. Суғурта шартномасида ортиқча ғорарнинг мавжудлиги майсир унсурларининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга ғорарнинг бирон-бир улуши мавжуд эмаслиги майсирнинг мавжуд эмаслиги ҳамдир. Демак, суғурталашнинг қимор ўйинлари билан боғлиқлиги масаласи, агар ушбу шартномада *ғорар ал-қасийр* (ортиқча ғорар) иштирок этгандагина кўтарилиши мумкин, яқунда, ҳаммаси ғорарнинг даражасига боғлиқ эканлиги маълум бўлади.

Рибо. Аниқки, суғурталаш шартномасида суғурта қилдирувчидан олинган ва унга тўланган пул миқдори, шунингдек, уларни киритиш ва олиш муддатлари ўртасида фарқ кузати-

лади. Бундан ташқари, суғурталашнинг жамғарма шаклларида суғурталовчи суғурта қилдирувчи ва унинг бенефициарларига тўланган бадаллар бўйича фоиз тўлаб беради, бу эса суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи муносабатларида рибо аломатлари мавжудлиги ҳақида сўз юритиш имконини беради.

Суғурталаш шартномасида рибо унсурлари мавжудлиги тўғрисидаги масала, суғурта қилдирувчилар тўлаган бадалларни уларга фоизлар қўшилган қарз сифатида кўриб чиқилиши мумкинлигига боғлиқдир, чунки қарз бўйича фоизлар шарият томонидан тақиқланган.

Исломиё суғурталаш – *такофул*нинг моҳияти анъанавий тижорий суғурталаш усулидан катта фарқ қилади. «Такофул» сўзи арабча «кафала» сўзидан келиб чиқади ва «ўзаро кафолат» ёки «бир-бири тўғрисида ўзаро қайғуриш» маъноларини англатади.

Такофулнинг замонавий тизими 1979 йилдагина жорий этилган бўлса-да, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тушунчаси амалда аввалдан тарғиб этиб келинган. Фикҳшунос ва диндорлар суғурталашнинг мана шундай қарашлар тизими кўйидаги омиллар ҳисобига амалга ошади деб ҳисоблайдилар:

- суғурта қилдирувчилар ўзаро умумий фаровонлик учун бирлашадилар;
- ҳар бир суғурта қилдирувчи эҳтиёжмандларга кўмакни зарур миқдордаги омонат сифатида тўлайди;
- кооперация ҳамжамиятига мувофиқ йўқотишлар бўлишиб олинади ва мажбуриятлар тақсимланади;
- обуна ва мажбуриятларга нисбатан ноаниқлик унсури барҳам топади;
- тизимнинг ҳеч бир аъзоси бошқалар ҳисобига манфаат олмаслиги лозим.

Суғурталашнинг мазкур усули асосида *табарру* таълимоти ётади. Табарру сўзи арабчадан таржима қилганда «ҳадя», «хайрия» маъноларини англатади. Ҳар бир суғурта қилдирувчи такофул шартномасининг бошқа иштирокчиларига, агар улар маълум бир хатарларга дуч келсалар, самимий ёрдам кўрсатиш ниятига эга бўлиши керак.

Ҳар бир суғурта қилдирувчи бошқа иштирокчилар билан суғурта ҳодисаси рўй берганда, самимий ёрдам кўрсатиш нияти ила умумий жамғармага ҳада (табарру) сифатида беминнат (ҳақ олмай) асосда ихтиёрий бадални ўтказди. Исломиий суғурта компания (оператор) иштирокчилар манфаатини кўзлаб, мазкур пул маблағларини улар номидан ваколатли бошқарув (музораба) ёки агентлик (ваколат) шартномаси асосида бошқаради. Жамғарма маблағлари инвестицион лойиҳаларда ишлатилиши ва суғурта ҳолатлари қопламасидан ташқари иштирокчиларга фойда келтириши мумкин.

Исломиий суғурталашнинг анъанавий суғурталашдан қуйидаги муҳим тафовутларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Такофул иштирокчилари бир вақтнинг ўзида суғурта қилдирувчи ва бир-бирларини ўзаро суғурталовчилар ҳисобланади. Суғурта компанияси иштирокчилар манфаатини кўзлаб, фақат агент сифатида фаолият юритади ва суғурта жамғармасининг эгаси бўла олмайди.

2. Жамғарма иштирокчиларининг инвестицион қўйилмаларга киритган маблағларидан келган барча фойда анъанавий суғурталашда бўлгани каби суғурта компаниясининг мулки ҳисобланмайди, балки музориб (суғурта оператори)нинг мукофоти (хизмат ҳақи) чиқариб ташлангач, иштирокчилар ўртасида тақсимланади.

3. Суғурта қопламалари тўланиб бўлгач, қолган барча маблағлар жамғарма иштирокчилари ўртасида уларнинг қўйилмаларига мувофиқ ёки бошқа келишилган усулларда тақсимланади.

4. Такофул фақат соф хатарлардан суғурталашни таъминлайди. Шу билан бир вақтда анъанавий тижорий суғурталашда ислом фикҳида ман этилган чайқовона хатарлардан ҳимояни таъминлаш ҳам мумкин.

Такофул шартли равишда икки шаклга бўлинади:

– тижорий мулк суғуртаси амалиётига ўхшаш бўлган умумий такофул;

– шахсий суғуртани ўз ичига олган, лекин ўзига хос жиҳатлари билан фарқланадиган оилавий такофул.

Умумий такофул мулкни суғурталаш соҳасига тегишли бўлиб, унда суғурта қилдирувчилар тўланган маблағлар ҳисобидан суғурталовчининг харажатлари чиқариб ташлангандан кейин, қолган фойдага даъвогар бўлишлари мумкин. Суғурталашнинг мазкур амалиётида *омонат* механизми қўлланилади, унга кўра мулк эгаси суғурта мукофотини амалга оширгач, компаниянинг ҳиссадорига айланади ва йил якуни бўйича компания фойдасининг бир қисмини олади. Агар шартнома амал қилиш даврида суғурта ҳодисаси рўй бермаса, компания капиталида суғурта қилдирувчининг улуши полис муддатини узайтириш шарти ила янги мукофот миқдорига кўпаяди ва шу орқали дивидендлар олиш эҳтимоли ортади.

Шахсий суғурталашни ўз ичига олган оилавий такофул жамғармалар тизимини ўзида акс эттиради ва турли хатарлардан суғурта қилинган шахснинг қарамоғидагиларни ҳимоя қилиш мақсадларига эга бўлади. Иштирокчининг доимий бадаллари такофул-жамғармасининг иккита ҳисоб варағига йўналтирилади: киритилган маблағлардан келган инвестицион даромадларни олиш ҳуқуқига эга иштирокчининг ҳисоб варағи ҳамда суғурта полиси якунига қадар ҳаёт бўлган тақдирда, иштирокчининг ўзига ёки унинг меросхўрларига тўлаб бериладиган махсус ҳисоб варақ.

Захираларни жойлаштириш қатъий белгилаб қўйилган: суғурта қилувчиларга қурол-яроғ, қимор, ресторан ва меҳмонхона бизнесига жалб қилинган компаниялар акциялари ва ҳукумат қарз қоғозларидан келган даромадларни олиш тақиқланади.

Шундай қилиб, исломий суғурталаш концепциясига қуйидаги хусусиятлар хосдир:

– ҳар бир иштирокчи тўлайдиган суғурта мукофоти (бадали)нинг бир қисми ҳада сифатида ёки ихтиёрий хайрия сифатида кўриб чиқилади ва махсус жамғармага йўналтирилади, суғурта ҳодисаси рўй берганда ушбу жамғармадан қопламалар тўлаб берилади, шулар туфайли такофулда ортиқча фораг мавжуд эмас;

– тўланган суғурта мукофот (бадал)лари ёки уларнинг бир қисми фақат шариат томонидан ман этилмаган амалиётларда ишлатилиши мумкин;

– асосий мақсад иштирокчилар хатари кафолатини таъминлашдан иборат;

– такофул-бизнес тижорий суғурталашдаги мавжуд фоизли муносабатлардан четланишга имконият берувчи фойдани тақсимлаш механизмини назарда тутати;

– такофул компаниясининг амалий фаоллиги Шариат кузатув кенгаши томонидан кузатиб борилади, компаниянинг янги маҳсулот (хизмат)ларини, шунингдек, у амалга ошираётган амалиётларнинг мусулмон фикҳи қоида ва меъёрларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан баҳолаш кенгашининг вазифалари ҳисобланади.

Назорат учун саволлар:

1. Исломий молиявий инструментларнинг асосий хусусиятлари нимадан иборат?

2. Исломий муассасаларнинг амалий фаолиятида молиявий инструментларнинг қандай шаклларидан фойдаланилади?

3. Музораба ўзида нимани акс эттиради (ААОИҒИ халқаро стандарти)?

4. Музораба битимининг қандай шакллари мавжуд?

5. Чекланган музораба деганда нимани тушунасиз?

6. Мушорака тушунчасини таърифлаб беринг (ААОИҒИ халқаро стандарти).

7. Мушораканинг асосий шакллари санаб беринг.

8. Камайиб борувчи мушорака ўзида нимани акс эттиради?

9. ААОИҒИ халқаро стандартига кўра, муробаха – бу ...?

10. Муробаханинг истеъмол кредитидан фарқи нимада?

11. Ижара нима ва у лизингдан нимаси билан фарқ қилади?

12. Истисноъ ва салам сингари инструментларнинг қандай ўхшаш тарафлари мавжуд?

13. Сукук ўзида нимани ифодалайди?

14. Сукук сертификатлари шакллари қайси белгилари бўйича таснифлаш мумкин?

15. Сукук сертификатларини чиқариш қандай босқичларда амалга оширилади?

16. Такофул ўзида нимани акс эттиради?

2-бобда фойдаланилган адабиётлар:

1. *Al-Jarhi M. A.* Islamic finance: an efficient equitable option / M. A. Al-Jarhi // Islamic research and training institute, Islamic development Bank. – 2002.
2. *Gamal M.* Islamic Finance Law, Economics and Practice / M. El-Gamal. – 2006. – P. 49.
3. *Grais W., Iqbal Z.* Regulating Islamic financial institutions: The nature of the regulated / W. Grais, Z. Iqbal // World Bank Policy Research Working. – 2004.
4. *Hans Visser.* Islamic Finance: Principles and Practice. – Edward Elgar, Cheltenham, UK • Northampton, MA, USA, – 2009.
5. *Ibrahim Warde.* The Price of Fear: The Truth behind the Financial War on Terror / Ibrahim Warde. – London: IB Tauris, – 2007.
6. *M. Iqbal et al.* Advances in Islamic Economics and Finance. Volume 1. 2007.
7. *Mufti Muhammad Taqi Usmani.* An Introduction to Islamic Finance. – 2002.
8. *Sundararajan V., Errico L.* Islamic Financial Institutions and Products in the Global Financial System: Key Issues in Risk Management and Challenges Ahead / V. Sundararajan, L. Errico // IMF Working Paper. – 2002. – № 02/192. – November 1. 71
9. *Беккин Р. И.* Мусулмон ва номусулмон мамлакатларда исломий молиявий муассасалар ва инструментлар: хусусияти ва ривожланиш истикболлари: икт. фан. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссер-я. – Москва: Россия Фанлар академияси Африка институти, 2009. – 368-б.
10. *Беккин Р. И.* Исломий суғурталаш (такофул): ўқув қўлланма / Қозон: Қозон университети, 2012. – 140-б.
11. *Беккин Р. И.* Мусулмон ҳуқуқида суғурталаш: назария ва амалиёт / Москва: Анкил, 2001. – 152-б.
12. *Вахитов Р. Р.* Исломий молиявий инструментлар: солиққа тортиш амалиётидаги ғоялар / Налоговед. – 2009. № 9.
13. *Ижара, ижара мунтаҳия: №9 – шариат стандарти: инглизчадан таржима / Исломий молиявий муассасалар бухгалтерия ҳисоби ва аудити ташкилоти (ААОИФИ); Р. И. Баишев ва бошқалар умумий таҳрири остида. – Москва: «Исламская книга» нашриёти, 2011. – 36-б.*
14. *Исломий суғурталаш: №26-шариат стандарти: инглизчадан таржима / Исломий молиявий муассасалар бухгалтерия ҳисоби ва аудити*

ташкilotи (ААОИФИ); Р. И. Баишев ва бошқалар умумий таҳрири остида. – Москва : «Исламская книга» нашриёти, 2011. – 36-б.

15. *Калимуллина М.Э.* Исломиий бизнессинг муассасавий хусусиятлари: тажриба ва муаммолар: иқт. фан. номзоди илмий даражасини олиш учун диссер-я. – Москва: Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги Молия университети, 2001. – 205-б.

16. Музораба: №13 шариат стандарти: инглизчадан таржима / Исломиий молиявий муассасалар бухгалтерия ҳисоби ва аудити ташкilotи (ААОИФИ); Р. И. Баишев ва бошқалар умумий таҳрири остида. – Москва: «Исламская книга» нашриёти, 2011. – 28-б.

17. Муробаҳа: № 8 – шариат стандарти: инглизчадан таржима / Исломиий молиявий муассасалар бухгалтерия ҳисоби ва аудити ташкilotи (ААОИФИ); Р. И. Баишев ва бошқалар умумий таҳрири остида. – Москва : «Исламская книга» нашриёти, 2010. – 40-б.

18. *Павлов В.В.* Исломиий банк капитали халқаро бозори: пайдо бўлиши ва ривожланиш истиқболлари. Иқт. фан. доктори илмий даражасини олиш учун диссер-я. – Москва: РФА Африка институти ижтимоий фанлар бўлими, 2004. – 327-б.

19. *Судин Хорун, Ван Нурсофиза Ван Азми.* Исломиий молиялар ва банк тизими: фалсафаси, тамойиллари ва амалиёти. Қозон: Линова-Медиа, 2012. – 536-б.

20. Сукук: №17 – шариат стандарти: инглизчадан таржима / Исломиий молиявий муассасалар бухгалтерия ҳисоби ва аудити ташкilotи (ААОИФИ); Р. И. Баишев ва бошқалар умумий таҳрири остида. – Москва: «Исламская книга» нашриёти, 2010. – 40-б.

21. *Трунин П. В., Каменских М., Муфтяхетдинова М.* Исломиий молия тизими: ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари / П.В. Трунин умумий таҳрири остида. – Москва: ИЭПП, 2009. – 14-б.

22. Шарика (мушорака) и замонавий корпорациялар: № 12 – шариат стандарти: инглизчадан таржима / Исломиий молиявий муассасалар бухгалтерия ҳисоби ва аудити ташкilotи (ААОИФИ); Р. И. Баишев ва бошқалар умумий таҳрири остида. – Москва: «Исламская книга» нашриёти, 2010. – 40-б.

23. [www. sc. com. my](http://www.sc.com.my)

24. [www. bdm. ru/arhiv/2007/03/45. htm](http://www.bdm.ru/arhiv/2007/03/45.htm)

25. [www. istisna. kz](http://www.istisna.kz)

26. [www. islamic-finance. ru](http://www.islamic-finance.ru)

27. [www. alhilalbank. kz](http://www.alhilalbank.kz)

28. *Рафиқов И.Ш.* Исломиий банк тизими ҳақида қисқача тушунча // [http://islamic-finance. ru/load / 2-1-0-8.](http://islamic-finance.ru/load/2-1-0-8)

3-б о б . Муқобил молиявий муассасалар

3.1. Банклар.

Сўнги йилларда ўзининг фаолият механизмларига юқори даражада қизиқиш ҳамда глобаллашувнинг ўсиши билан боғлиқ ҳолда, исломий банкинг шиддатли ривожланишни бошдан кечирмоқда. 500 га яқин исломий молиявий муассасалар оддий чакана молиялаштиришдан тортиб, корпоратив таркибли қимматли қоғозларни чиқариш усуллари билан маблағ жалб этишга қадар бўлган кенг миқёсдаги хизматларни таклиф этмоқдалар.

Умуман, исломий банкларнинг фаолияти қуйидаги асос бўлувчи қоидаларга таянади:

- пул пулдан пайдо бўлмаслиги керак, яъни капиталнинг ўсиши соф пул айланмаси соҳасида амалга ошиши мумкин эмас;
- инвесторларнинг даромади савдо ва ишлаб чиқаришга қилинган инвестициялар билан боғлиқ бўлиши керак;
- битим иштирокчилари ўртасидаги муносабат шерикчилик асосида қурилиши лозим;
- пул товар ҳисобланмайди, у фақат қиймат ўлчовидир.

Пул маблағларини сафарбар қилиш усуллари **улушли иштирок** (ҳиссадорлик капиталига инвестиция киритиш эвазига маблағларни жалб этиш) ва **сукук сертификатлари** ҳисобланади. Товар-пул айланмаси асосида фақат воқеликда мавжуд товар ва хизматларга тааллуқли битимлар ётади.

Исломий ва анъанавий банклар фаолиятининг умумий таърифи қуйидагилардан иборат:

- исломий ва анъанавий банкларнинг фаолият мақсади тижорий хусусиятга эга ҳамда фойда олишга қаратилган;
- банклар фаолияти қоидаси – молиявий воситачилик ҳисобланади;
- банклар тижорий, инвестицион ва универсал фаолиятга ихтисослашади;
- банклар бизнесининг стандарт йўналишлари корпоратив бўғим ва жисмоний шахслар бўғимларига ажралади;
- банк фаолиятидаги амалиёт шакллари: ҳисоб-китоб амалиётлари, пул ўтказмалари, валюта алмаштириш, документар ама-

лиётлар, молиялаштириш амалиётлари ва инвестицион – банк амалиётлари;

– банклар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш: корпоратив бошқарув, хатар менежменти, ликвидлиликни бошқариш, комплайнс-назорат, ички нazorат тизими.

Ислomий банклар фаолияти хусусияти қуйидаги жиҳатлари билан таърифланади:

– ислom фикҳига мувофиқ фаолият устидан ички нazorат таркиби (шариат бўйича кузатув кенгаши, шариатга мувофиқликни таъминловчи ички аудит вазифаси) ила корпоратив бошқарувни қуриш;

– хатар-менежментининг вазифаси маҳсулот (хизмат)ларнинг хусусияти ва банк ҳамда мижоз ўртасидаги ўзаро муносабатларни ифодалайди;

– ликвидликни бошқариш (ALM) вазифаси шакллантириладиган банк активларининг, айниқса, банкнинг қисқа муддатли (жорий) ликвидлигининг шариатга мувофиқлигини таъминлаш борасидаги тавсифини акс эттиради;

– мижоз ва омонатчилар фаолияти натижаси (фойда ва зарар) да банкнинг, банк фаолияти натижаси (фойда ва зарар)да мижоз ва омонатчиларнинг иштироки;

– ислomий банк маҳсулотлари ва хизматлари хусусиятини ифода этадиган банк амалиётлари ҳисоби стандартлари (AAOIFI стандартлари);

– банк фаолиятининг омонатчилар бохабарлиги учун буткул очиқлиги. Омонатчи банкнинг шерикларидан бири сифатида кўриб чиқилади.

Ислomий банкингда банклар ва улар омонатчиларининг фойдаси турли лойиҳаларга киритилган маблағлар ҳисобига, воқеликдаги товар ва хизматларни яратувчи тадбиркорлик фаолияти жараёнида шаклланади. Капитал фақат савдо ва ишлаб чиқариш мақсадларига ишлайди. Банк асосан шерик (мушоракат шартномаси) ёки траст жамғармаси (музораба шартномаси) сифатида иштирок этади. Ҳар икки томон – банк ҳам, мижоз ҳам шартномага кўра лойиҳадан келадиган фойда ва зарарни тақсимлаб оладилар ва шунга мувофиқ, фойда олиш учун саъй-ҳаракат қиладилар.


Исломий банклар ўз фаолиятини икки шаклдаги банк тизимида амалга оширади:

1) ислом фикҳи меъёрларига буткул мувофиқ тизим (Покистон, Судан, Эрон банк тизимлари);

2) давлат органи томонидан алоҳида тартибга солинадиган ва исломий банклар фаолияти анъанавий банклар билан бир қаторда фаолият юритадиган дуалистик тизим.

Тўлақонли исломий банклар учун банк фаолиятини шариат қоидаларига мувофиқлигини тартибга солиш марказий банк ва банк назорати органлари даражасида амалга оширилади.

Исломий банк қошида иш юритадиган шариат кенгаши банк битимларининг исломий молиялаштириш қоидаларига мувофиқлигини назорат қилади. Тадқиқотлар натижаси мижозлар маблағларини жалб этишнинг қўшимча воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин, яъни ушбу воситалардан фойдаланишда ислом меъёрларига роя этишнинг кафолати сифатида қатнашади.



3.1-расм. Исломий банк корпоратив бошқариш тизими.

Маҳсулотларнинг шариатга мувофиқлигини ички текширувдан ташқари банклар ташқи шариат аудити ҳам ўтказадилар, бу эса халқаро саҳнада банкнинг рейтинги ва обрўсини ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Исломий банкни корпоратив бошқариш тизими 3.1-расмда берилган.

Исломий банкнинг операцион (амалий) фаолияти давлат ва жисмоний шахслар, молиявий муассасалар, иктисодиётнинг реал сектори субъектлари ўртасида молиявий воситачилик таъмоилига асосланган.

Замонавий банклар сингари исломий банкинг пассив ва актив амалиётларни амалга ошириш воситасида пул жамғармаларини жалб этиш ва жойлаштиришни назарда тутади.

Депозит маҳсулотлар пассив амалиётларнинг асосини ташкил этади. Актив амалиётлар асосини эса мижозлар фаолияти ёки мижозлар билан савдо битимларида иштирок этишни молиялаштириш маҳсулотлари ташкил этади.

Исломий банк фаолиятининг бизнес-усули 3.2-расмда берилган.

Ушбу расмга кўра исломий банк фаолияти қуйидаги бизнес-жараёнлар билан таърифланади:

а) ҳиссадорлар банк ташкил этади ва низом жамғармасини тўлаб беради:


1) банк омонатчилар депозити орқали қўшимча жамғармаларни жалб қилади;

2) шакллантирилган жамғармалар мижозлар амалиётларини молиялаштириш ва ҳужжатлаштирилган амалиётларни ўтказиш учун йўналтирилади;

3) ўтказилган амалиётлар якуни бўйича банк мижоз ва банк ўртасида тақсимланган фойда (зарар) ва ҳужжатли амалиётлардан комиссия кўринишидаги натижага эга бўлади;

4) банк олинган якуний натижани омонатчилар ва банк ҳиссадорлари ўртасида тақсимлайди.

Банк амалиётлари бўйича исломий банк маҳсулотлари ва воситалари 3.1-жадвалда келтирилган. Исломий банк тизимида маблағ жалб этиш ва уни йўналтиришнинг иккита асосий усули



3.2-расм. Исломий банкнинг бизнес-фаолияти.

мавжуд. Биринчи усул икки томонлама деб аталувчи музораба ҳисобланади: унинг доирасида барча маблағлар омонатчилар, банклар ва қарздорлар ўртасида фойда ва зарарларни тақсимлаш қоидаси асосида жалб этилади ҳамда лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилади.

3.1-жадвал

Исломий банк маҳсулотлари ва воситалари шакллари

Пассив амалиётлар	Балансдан ташқари амалиётлар	Актив амалиётлар
Депозит маҳсулотлар	Ҳужжатли амалиётлар маҳсулотлари	Молиялаштириш маҳсулотлари
1. Жорий ҳисоб варақ: вадиа ва қарзи ҳасан. 2. Жамғарма омонат: вадиа ва музораба. 3. Умумий ва махсус инвестицион ҳисоб-варақлар: музораба	1. Аккредитив: ваколат	1. Айланма капитални молиялаштириш: муробаҳа, салам, истижрор. 2. Лизинг: ижара, ижара вал иқтино. 3. Экспорт-импортни молиялаштириш:

		мушорака, салам, муробаҳа. 4. Капитал қўйил-маларни молиялаштириш: истисноъ. 5. Лойиҳавий молиялаштириш: музораба, мушорака, истисноъ ва ижара.
--	--	---

Омонатчиларнинг депозитлари банк балансига пассив тарафдан музораба шаклида киради. Банк, ўз навбатида, актив тарафдан, инвестиция қилиш учун пулга эҳтиёжманд тадбиркор-агентлар билан бўладиган муносабатларда музораба шартномаларини ишлатади. Банк, шунингдек, қисқа муддатли фоизсиз қарз (қарзи ҳасан)ларни ҳам бериши мумкин.

Исломий банк тизимининг бошқа кенг тарқалган схемаси икки таркибли усул ҳисобланади. Мазкур усулдан фойдаланишда банк пассивлари икки қисмга бўлинади: унинг бир қисми талаб қилиб олгунча (қайтарилиши кафолатланган) депозитларни, бошқа қисми эса инвестицион депозитларни ўз ичига олади. Талаб қилиб олгунча депозитлари шартнома амал қилишининг бутун муддати мобайнида омонатчиларга тегишли бўлади, демак, банклар мана шундай депозитлар бўйича мумкин бўлган йўқотишлар учун захиралар (бухгалтерия маъносида) ташкил этишлари керак. Шу билан бир вақтда инвестицион депозитлар омонатчилар иштирок этадиган хатари мавжуд лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади. Улар банклар тарафидан кафолатланмайди ва уларга захира талаблари татбиқ этилмайди.

Грейс ва Иқбол 3.3-расмда берилган исломий банклар баланси андозаси таркибини келтирадилар.

	Активлар	Пассивлар	
Тижорий банкинг	Активлар билан таъминланган молиялаштириш (савдони молиялаштириш; гаров билан таъминланган фаолият)	Талаб қилиб олгунча депозитлар (омонат)	Тижорий банкинг

Тижорий ва инвестициявий банкинг	Синдикатлашган кредитлар (музораба, мушорака)	Жамғарма депозитлар (вадиа)	Инвестициявий банкинг
		Инвестицион депозитлар (музораба)	
	Пуллик хизматлар (жуъла, ваколат, қарзи ҳасан)	Махсус инвестицион ҳисоб варақлар (музораба, мушорака)	
		Капитал	

3.3-расм. Исломий банк баланси андозаси.

Исломий банкда жорий, жамғарма, инвестицион ёки махсус инвестицион ҳисоб варақларни очиш мумкин. Исломий банклардаги жорий ҳисоб варақлар бўйича талаблар ғарбдаги банкларда очиладиган мана шундай ҳисоб варақлардан амалда фарқ қилмайди. Жорий ҳисоб варақ бўйича фоиз тўланмайди, мижозга эса пулларини ҳар қандай вақтда қайтарилиши кафолатланади.

Жамғарма ҳисоб варақнинг эгаси фойдада иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас, лекин банк ўз фойдалилигига боғлиқ ҳолда, омонатчиларни жалб қилиш мақсадида мукофотлар тўлаб бериши мумкин. Жамғарма омонати муддатли эмас, унинг асосий миқдори қайтарилиши эса банк томонидан кафолатланган. Жамғарма омонатлари бўйича жалб қилинган маблағларни банк, қоидага кўра, паст хатарли, масалан, савдо битимларини молиялаштириш учун йўналтиришга ҳаракат қилади.

Инвестицион ҳисоб варақлар уч тоифага ажратилиши мумкин. Биринчи тоифага муддатга, масалан, омонатни сақлаш муддати 3 ой, 6 ой, 9 ой ва ҳ.к.га асосланган омонатлар киради. Иккинчи тоифа – хабар юборишга асосланган омонатлар бўлиб, мижозлар омонатни ечиб олишдан аввал банкни бу ҳақда огоҳлантиради. Учинчи тоифа – аниқ лойиҳа ёки мақсадлар учун омонатлардир. Хабар юборишга асосланган инвестицион омонатлар Бангладеш, Иордания ва Баҳрайнда мавжуд. Аниқ инвестициялар учун ҳисоб варақлар Эрон, Қувайт, Покистон ва Туркиядан ташқари аксарият мамлакатларда мавжуддир.

Инвестицион ҳисоб варақлар чекланган ва чекланмаган шаклларга бўлинади. Чекланган инвестицион ҳисоб варақларни бошқариш ишонч жамғармаларини бошқаришга ўхшайди ва улар банк пул маблағларининг манбаси сифатида кўриб чиқилмайди. Грейс ва Иқбол исломий банклар мажбуриятининг асосий қисми музораба тамойили асосидаги шартномалардан иборатлигини кўрсатиб ўтадилар. Мана шундай шартномалар сўндириш муддатининг аввалдан келишилган бир нечта шакллари мавжуд. Мазкур шартнома фойда ва зарарларни тақсимлаш қондасига асосланган. Омонатчилар олган даромад, қоидага кўра, оддий банклардаги фоиз билан таққосланади. Лекин худди омонатнинг асосий миқдори каби даромад кафолатланмайди.

Исломий банклар аксарият ҳолларда омонатчилар маблағларини ўзларининг маблағлари билан бирлаштирадилар, кейин уни инвестицияга йўналтирадилар ҳамда олинган фойда омонатчи ва банк ўртасида тақсимланади. Агар турли шаклдаги инвестицион ҳисоб варақлар таклиф этилаётган бўлса, у ҳолда банк олдида фойдани тақсимлаш вазифаси пайдо бўлади.

Бундан ташқари, исломий банклар махсус инвестицион (чекланмаган инвестицион) ҳисоб варақларни ҳам очишлари мумкин, бу омонатчига ўз маблағларини инвестиция қилиш йўналишини танлаш имкониятини беради. Ҳар бир махсус инвестицион ҳисоб варақ бўйича сўндириш муддати ва фойдани тақсимлаш алоҳида келишиб олинади.

Чекланмаган инвестицион ҳисоб варақ эгалари ўз маблағларини тасарруф этиш бўйича банкка буткул эркинлик берадилар, бунда пулларни жойлаштириш шарият қоидаларига зид келмаслиги шарт қилинади.

Исломий банклар ўз миқдорларига молиявий механизмларни ҳам таклиф этадилар. Бизнесга молиялаштириш маблағлари қисқа ва узоқ муддатли талаблар асосида тақдим этилади.

Молиялаштиришнинг биринчи шакли, қоидага кўра, айланма маблағларни тўлдириш учун талаб қилинса, шу билан бирга узоқ муддатли молиялаштириш узоқ муддатли лойиҳалар билан боғлиқ капитал сарф ёки харажатларни қоплайди. Хусусий миқдорларга таклиф этилган молиялаштириш маблағлари уй-жой ва истеъмол кредитлари шаклидаги молиявий ёрдамни ўз ичига

олади. Исломий банкларга қарзи ҳасан тамойилига асослангандан ташқари қарзлар бериш ман этилгани боис, барча молиялаштириш амалиётлари фойда ва зарарда иштирок этиш ёки йғим, комиссия ва белгиланган тўловлар тамойилига асосланган.

Жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга хизмат кўрсатиш учун қоидалардан фойдаланишга устуворлик беришда аниқ чекловлар йўқ. Лекин айланма капитални тўлдиришга бериладиган кредитларни молиялаштиришда музораба ва мушорака тамойилларидан кенг фойдаланилади, шу билан бирга мижозларга асосий воситаларни сотиб олиш учун муробаҳа, бай муажжал ва ижара тамойиллари ишлатилади.

Исломий банк актив тарафда маблағларни йўналтириш кенг танловига эга. Хатари чекланган қисқа муддатли қўйилмалар (маблағларни йўналтириш) муробаҳа, бай муажжал, салам-бай шаклидаги шартномаларни тузиш орқали амалга оширилиши мумкин. Мана шундай воситалар банкка ўз мижозларига қисқа муддатли қарзлар бериш имкониятини беради. Сўндириш муддатининг мухтасарлиги ва реал активлар билан таъминланганлик хатарларни пасайтиради.

Ўрта муддатли инвестициялар реал активлар билан таъминланган ижара ва истисноъ шартномаларига асосланади. Мазкур воситалар оддий банклардаги сузувчи (тебранувчи) ва ўрнатилган фоиз ставкалари амалиётларига ўхшаш хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Шундай қилиб, активларнинг ушбу қисми бошқа инвестицион жамғармага маблағлар киритувчи инвестиция жамғармасини ўзида акс эттиради ва шу орқали музораба шартномалари мажбурият томондан мувофиқлаштирилади. Венчур капиталига ёки бевосита инвестициялар жамғармасига инвестициялар мушорака шартномаси асосида амалга оширилиши мумкин.

Исломий банклар ишлатадиган молиялаштириш тамойиллари улар фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликка боғлиқ бўлади. Масалан, Эронда ишлатиладиган молиялаштириш тартиби ва ҳажмлари «Судхўрликдан холи банк фаолияти тўғрисида»ги қонунда баён этиб берилган.

Покистонда амалдаги қоидалар Покистон Давлат банки – Марказий банк томонидан 1984 йил 20 июнда чоп этилган

13-сонли Циркуляр хатда баён этилган. Ушбу хат савдо ва инвестиция кредитларини молиялаштириш, сўндиришнинг рухсат этилган усуллари рўйхатини ўз ичига олган. Раҳбарлик тамойиллари Покистон исломий банклари амалга ошириши мумкин бўлган иқтисодий фаолиятнинг турли шакллари қамраб олади. Лойиҳавий молиялаштириш учун тавсия этилган қоида фойда ва зарарларни тақсимлаш усули билан боғлиқ. Савдо фаолиятида ишлатиладиган ҳар қандай тамойил бўйича даромадлиликнинг юқори ва қуйи ставкалари ҳамда инвестицион фаолият учун фойда меъёри, даврий тарзда аввалдан Покистон Давлат банки томонидан белгилаб қўйилади. Шу билан бирга, агар инвестицион фаолият натижаси зарарга олиб келса, у ҳолда йўқотишлар молиялаштирувчи шахс зиммасида бўлади.

Малайзияда исломий банклар ўзларининг корпоратив мижозлари айланма капиталига бўлган эҳтиёжини қондириш учун молиялаштириш маблағларини тақдим этади ва ушбу лойиҳавий молиялаштириш музораба, мушорақа, муробаҳа, бай муажжал ва ижара тамойилларига асосланган. Банклар жисмоний шахсларга уй-жой, бинолар, халқ истеъмоли моллари ва ҳ.к.ларни сотиб олиш учун хусусий молиялаштириш маблағларини беради.

3.2. Суғурта компаниялари.


Суғурталашнинг мазкур андозаси асосида ҳар бир иштирокчи томонидан умумий жамғарма (такофул жамғармаси)га бошқа иштирокчилар билан бахтсиз (суғурта) ходиса рўй берган тақдирда, самимий ёрдам кўрсатиш нияти билан беғараз ҳада қилиш концепцияси ётади. ААОIFI нинг халқаро стандартларига кўра, суғурталаш бир гуруҳ шахслар ўртасида мана шундай шахслар дуч келиши мумкин бўлган маълум бир хатарлар таъсири натижасида рўй берадиган зарарларни тартибга солиш мақсадларини кўзлаган шартнома муносабатларини ўзида акс эттиради. Ушбу муносабатлар ихтиёрий бадаллар кўринишидаги тўловлар киритишни ўз ичига олади ва ҳуқуқий шахс мақоми ҳамда молиявий мажбуриятга эга суғурта жамғармаси ташкил этиш томон етаклайди.

Исломий суғурталаш компаниясининг анъанавий суғурталашдан моҳияти бўйича асосий фарқи шундаки, такофул-компания компания бошқарувчиси вазифасини бажаради ва иштирокчилар маблағларини маълум бир активларга жойлаштиришга ваколатли ҳисобланади. Иштирокчиларга тўланадиган маблағлар фоизга эмас, балки суғурта жамғармасига жойлаштирилган маблағлардан олинадиган фойдага асосланган бўлади. Маблағларнинг ўзи эса фақат шарият кенгаши маъқуллаган қимматли қоғозларга жойлаштирилиши мумкин.

Исломий суғурталаш тизими иштирокчилари жамғармага мулкларини киритадилар. Жамғарма иштирокчилар сафидан сайлаб олинган қўмита ёки оператор-компания томонидан бошқарилади, у билан ҳақ тўлаш эвазига жамғармани бошқариш ва унинг маблағларини инвестиция қилиш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномаси тузилади. Инвестиция қилишдан келган фойда суғурта тўловлари ва мукофотлар учун йўналтирилади, мукофотлар суғурталаш тизими иштирокчилари ўртасида тақсимланади.

Компания бошқарувчиси оладиган комиссия миқдори ва уни аниқлаш тартиби турлича бўлиши мумкин. Такофул-жамғармани бошқаришнинг қуйидаги андозаларини ажратиб кўрсатиш мумкин: компания инвестицион фойдадан улуш оладиган музораба андозаси ҳамда компания жамғармадан бевосита маълум бир мукофот оладиган ваколат андозаси ва 3.4-расмда кўрсатилган юқоридаги икки андозанинг унсурларини ўзида уйғунлаштирган аралаш андоза.

Исломий суғурталаш, бир томондан, кишиларнинг мулкани ҳимоялаш воситаси ҳисобланади, бошқа томондан анъанавий суғурталашнинг мавжудлиги туфайли кенг тарқалди. Исломий суғурталаш молиявий ва бошқа соҳаларда (туризм, пенсия суғуртаси, омонатлар суғуртаси) суғурта қопламалари лозимлиги туфайли заруратга айланди. Шундай қилиб, суғурта компаниялари хизматлари талаб қилинадиган ҳолатларда исломий бизнес субъектлари исломий суғурта компания хизматларига эҳтиёж сезади.



3.4-расм. Такофул-жамғармани бошқариш андозаси.


Такофул-жамғармаларни бошқаришга турлича ёндашувлар тўғрисида исломий суғурталашнинг турли андозалари мавжуд. Исломий суғурталовчи оладиган фойда жамғармани бошқариш андозаси танловининг хусусиятига боғлиқдир.

Исломий суғурталаш қуйидаги асосий андозаларга ажратилади:


- соф музораба;
- модификациялашган музораба;
- агент (ваколат)лик андозаси;
- модификациялашган агентлик андозаси;
- аралаш (гибрид) андоза (ваколат + музораба);
- агентлик андозаси + вақф.

3.5–3.10-расмларда исломий суғурталашнинг кўрсатилган андозаларини кўриб чиқамиз.


Соф музорабада такофул-жамғарма иштирокчиларнинг бадаллари ҳисобига шаклланади. Компания мана шу жамғарманинг бошқарувчиси сифатида иштирок этади. Инвестиция қилиш натижасида олинган фойда иштирокчилар ва такофул-оператор ўртасида аввалдан келишилган улушларда тақсимланади. Иштирокчиларнинг фойда улуши қўшилган бадаллардан қопламалар тўлови амалга оширилади, шундан сўнг ортиб қолган маблағ такофул-жамғармага қайтарилади.




3.5-расм. Ислоий сугурталашнинг «соф музораба» усули.




3.6-расм. Ислоий сугурталашнинг «модификациялашган музораба» усули.




3.7-расм. Сугурталашнинг агент (ваколат) усули.



3.8-расм. Суғурталашнинг модификациялашган агент усули.



3.9-расм. Суғурталашнинг аралаш (гибрид) усули (ваколат + музораба).



3.10-расм. Агент усули + вақф.

Аксарият компанияларда такофул-операторнинг улуши, қоидага кўра, иштирокчиларнинг улушидан ошиб кетади. Бу компаниянинг амалиёт харажатларини ўз зиммасига олиши билан изоҳланади.

Ушбу усул Малайзияда, хусусан, мамлакатда исломий суғурталаш ривожланишининг дастлабки босқичларида кенг тарқалган эди.

Модификациялашган музорабанинг соф музорабадан фарқи шундаки, такофул-оператор ва иштирокчилар инвестиция қилиш натижасида олинган фойдани эмас, балки (суғурта ҳодисаси рўй берган иштирокчиларга қопламалар тўлангач, ортган миқдор) ортиқча миқдорни бўлишиб оладилар.

Айрим фиксшунослар мана шу ортиқча миқдор фақат иштирокчиларга тегишли бўлиши ва буткул такофул-жамғармага қайтарилиши кераклигини таъкидлайдилар ҳамда уни ушбу усулнинг камчиликларидан бири сифатида эътироф этадилар.

Агент (ваколат)лик усули суғурталовчи иштирокчиларнинг агенти (вакили) вазифасида иштирок этишини кўрсатади. Такофул-жамғармага келиб тушган пул маблағларини бошқариш унинг вазифасига киради. Такофул-оператор тўланган бадалларнинг бир қисмидан комиссия ундиради, бу эса иштирокчилар маблағларини бошқаргани учун операторнинг иш ҳақи (мукофоти)ни шакллантиради.

Иштирокчилар маблағларидан қопламалар тўлангач, ортиб қолган миқдор (олинган фойда ҳам шунга қўшилади) буткул иштирокчиларга тегишли бўлади. Соф ва модификациялашган музорабадан фарқли равишда, агент (ваколат)лик усулида такофул-оператор ўрнатилган мутаносибликда иштирокчилар билан фойдани тақсимлаб олмайди. Мазкур усул Яқин Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган.

Модификациялашган агентлик усулининг оддий агентлик усулидан асосий фарқи шундаки, унга фойда ва зарарларни тақсимлаш тизими (музораба механизми асосида) айрим унсурлари киритилган. Такофул-оператор худди агентлик усулидаги каби такофул-жамғармага тўланган бадалларнинг бир қисмини комиссия мукофот сифатида ундириб олади. Олинган инвес-

тицион фойдадан суғурта ҳодисаси рўй берганларга тўловлар амалга оширилганидан кейин, қолган миқдор компания ва иштирокчилар ўртасида ўрнатилган нисбатда тақсимлаб олинади. Бошқача айтганда, худди модификациялашган музорабадаги каби ортиқча миқдор такофул-оператор ва иштирокчилар ўртасида тақсимланади.

Аралаш (гибрид) усул амалда агентлик ва соф музораба усулига хос бўлган барча хусусиятларни ўзида бирлаштиради. Бир томондан, компания бадаллар тўлангандан кейин дарҳол амалиёт харажатларини қоплашга йўналтирилган комиссиян мукофотни олади, бошқа томондан – оператор такофул-жамғарма маблағларини инвестиция қилишдан олинган фойда улушига талабгор бўлиши мумкин. Фикҳшуносларнинг фикрича, аралаш усулнинг асосий афзаллиги шундаки, компания бу ерда иштирокчиларга тааллуқли бўлиши лозим бўлган ортиқча миқдорга талабгор бўла олмайди.

Мазкур усул суғурталовчилар учун мақбул ҳисобланади, иштирокчилар учун эса агентлик ва соф музораба каби усуллар қулайроқдир. Биринчи ҳолатда, компания такофул-жамғармани бошқаргани учун комиссиян мукофотни олгани ҳолда, инвестицион даромад олиш ҳуқуқига эга бўлмайди, иккинчисида эса ўз хизматлари учун белгиланган мукофотга талабгор бўлмаган ҳолда, инвестициялаш самарадорлигидан манфаатдор бўлади, чунки унинг фойдаси шунга боғлиқ бўлади. Аралаш усулни қўлланганда такофул-оператор унисини ҳам, бунисини ҳам олиши мумкин, шу орқали иштирокчилар маблағларини бошқаришдаги агентлик комиссияси билан боғлиқ муваффақиятсизликдан ўзини асраган бўлади.

Мазкур усул Яқин Шарқ мамлакатларида, айниқса, кенг тарқалган. У ААОИФИ томонидан тавсия этилган. Баҳрайн Марказий Банки уни мамлакатда фаолият кўрсатаётган барча такофул-операторлар учун мажбурий қўллашни талаб этади.

«Агентлик усули + вақф» усулининг асосий афзалликларидан бири шундаки, бу ерда суғурта бадалларининг бепуллик хусусияти ва суғурта ҳодисаси рўй берганда иштирокчилар томонидан қоплама тўланишини кутиш ўртасидаги зиддият бартараф этилади.

Бу ерда такофул-жамғарма вақф жамғармаси деб аталади. Компания ҳиссадорлари жамғарма таъсисчилари сифатида иштирок этадилар. Вақф қондасига кўра, улар кўрсатилган жамғармага пул берар эканлар, бу билан унга бўлган эгалик ҳуқуқини йўқотадилар. Вақф жамғармасига бадалларни тўлаган иштирокчилар ҳам унга бўлган эгалик ҳуқуқини йўқотадилар. Такофул-оператор жамғарма бошқаруви учун келишилган комиссияни олади.

Биз мазкур ҳолатда предмети пул маблағлари бўлган нақд вақф деб аталувчи вазиятга рўбарў келамиз. Исломий иқтисодиётда нақд вақфлар, пуллар рибога бўлган тақиқни бузмай инвестиция қилинган ҳолатларда рухсат этилган. Вақф жамғармасини ташкил этган ва уни бошқарадиган такофул-оператор амалда икки вазифада: воқиф (вақф таъсисчиси) ва мутаваллий (вақф бошқарувчиси) сифатида иштирок этади. Мазкур икки вазифанинг бир шахс томонидан бажарилиши мусулмон тарихида бўлиб турган ва маълум бир шартлар асосида тақиқланмаган. Воқиф вақф ҳисобидан бирон-бир маблағ олувчи бенефициар (манфаат кўрувчи)лардан бири сифатида ҳам қатнашиши мумкин. Лекин вақф таъсисчиси бир вақтнинг ўзида вақф бошқарувчиси ва бенефициар (бошқа иштирокчилар билан бир қаторда, вақф жамғармасига инвестиция қилинган маблағлардан олинадиган фойдага шерик) сифатида иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Мазкур усул дастлаб Покистонда мазкур мамлакат такофул-операторлари амалиётида кенг қўлланилган. Покистон тажрибаси таъсирида «агентлик усули + вақф» Қозоғистондаги «Такофул» ОВСнинг фаолиятига асос қилиб олинган.

Такофул анъанавий суғурталашнинг муқобили бўлгани каби ретакофул ҳам қайта суғурталашнинг исломий муқобили ҳисобланади.

3.3. Исломий инвестиция жамғармалари.

Ушбу инвестицион жамғармалар мустақил инвестициявий компаниялар бўлиб, унда иштирокчилар компания активларига, унинг фойда ва зарарида улушга эгалик қилишда тенг ҳуқуққа эга бўладилар.

Инвестицион жамғармалар фаолятининг асосий мақсади маблағларни ййғиш ва инвестициялар портфелини бошқариш ҳисобланади.

Исломиий инвестиция жамғармаларининг турли тоифалари мавжуд: ҳиссадорлик капитали жамғармалари, мулк ва кўчмас мулк жамғармалари, товар жамғармалари, ижара жамғармалари, муробаҳа жамғармалари, шунингдек, аралаш жамғармалар.

Буларнинг ичида энг кўп тарқалгани ҳиссадорлик капитали жамғармалари ҳисобланиб, уларнинг жами активлари барча ислоний жамғармалар активларининг 50% дан ортиғини ташкил этади.

Исломиий инвестиция жамғармаларининг бошқа барча ислоний муассасалари каби асосий хусусияти шарият қоидаларига мувофиқлиги ҳисобланади.

Шуни қайд этиш лозимки, ислоний инвестиция жамғармалари ўз фаолятини мос молиявий воситалар (муробаҳа, ижара, мушорака ва ҳ.к.)ни ишлатиш орқали амалга оширади.

«Исломиий инвестиция жамғармалари» атамаси умумий касса (умумий жамғарма)ни англатади, инвесторлар шарият қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда, ҳалол фойда олиш мақсадида ўзларининг ортиқча маблағларини унга киритадилар. Жамғарма иштирокчилари жамғармада иштирок этиш ва у томонидан амалда ишлаб топилган фойдадаги улшга эғаликни тасдиқлайдиган ҳужжатни олиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Ушбу ҳужжатларни «гувоҳнома», «акция» ва бошқа номлар билан аташ мумкин, уларнинг шарият нуқтаи назаридан қонунийлиги икки асосий талабга мувофиқ келиши лозим.

Биринчидан, иштирокчилар ушбу сертификатларнинг белгиланган номинал қиймати ўрнига жамғарма амалда ишлаб топган мутаносиб нисбатдаги фойдага умид қилишлари мумкин. Шунинг учун бирон-бир фойда меъёри кафолатланмайди. Жамғарма иштирокчилари унга кирар эканлар, ўз сертификатлари даромадлилиги жамғарма ишлаб топган фойда ёки зарарга боғлиқ эканини аниқ тушуниб олмоқликлари керак. Агар жамғарма катта фойда олса, сертификат даромадлилиги ушбу миқдорга ортади.

Агар жамғарма зарар кўрса, ушбу зарарлар иштирокчилар ўртасида мутаносиб тақсимланади, агар зарарлар жамғарма раҳбариятининг эътиборсизлиги ёки нўноқлик ила бошқаруви оқибатида юзага келса, у ҳолда иштирокчиларга қоплама тўлаб бериш лозим бўлади.


Иккинчидан, киритилган миқдор шариат рухсат этган бизнесга инвестиция қилиниши шарт.

Мана шу асосий талабларни эътиборга олган ҳолда, исломий инвестиция жамғармалари инвестиция қилишнинг кўплаб усулларида фойдаланишлари мумкин. Исломий инвестиция жамғармаларининг таснифи 3.11-расмда келтирилган.

Ҳиссадорлик капитали жамғармаси (private equity). Мазкур жамғармада инвестициялар миқдори маълум бир компаниянинг акцияларига жойлаштирилади. Фойда асосан акцияларни сотиб олиш ва баҳонинг ортиши ҳисобига, уни сотишдан олинган фойда ҳисобига шаклланади. Фойда, шунингдек, акциялари сотиб олинган мос компаниялардан келиб тушган дивидендлардан ҳам олинishi мумкин.

Аниқки, агар фирманинг асосий фаолияти шариат нуқтаи назаридан ноқонуний бўлса, у ҳолда исломий жамғарма унинг акцияларини сотиб олиши, ушлаб туриши ва сотиши мумкин эмас, чунки бу ҳиссадорларнинг ман этилган бизнесда иштирок этишига олиб келади.

Кўчмас мулк инвестиция трастлари (КМИТ) – инвесторлар маблағларини умумий жамғармага жамловчи трастлар ёки ҳиссадорлик жамиятлари бўлиб, мазкур маблағлар кейин мулкларни сотиб олиш, ривожлантириш ёки ижарага бериш учун



3.11-расм. Исломий инвестиция жамғармаларининг таснифи.

ишлатилади. Исломий КМИТ – шаръий рухсат берилган кўчмас мулкка жамоавий инвестиция қилиш усулидир.

Исломий КМИТ ўзи ишлатадиган барча инвестиция шакллари ва молиявий воситаларнинг шариат қоидаларига мувофиқлигини таъминлаши шарт.

Худди анъанавий КМИТлар сингари исломий КМИТлар ҳам қуйидаги умумий белгиларга эга:

– шариат кўмитаси ташкил этишни (мажбурий эмас!) ўз ичига олмаган ҳолда жамғарма эгалари, бошқарувчи компания, ишончли мулкдор, мулк бўйича менежер ва инспекторлар КМИТ иштирокчилари (томонлари) ҳисобланади;

– КМИТни ташкил этишдан кўзланган мақсад – аҳолининг маблағларини сафарбар қилиш ва уларни кўчмас мулк бозорига олиб киришдир;

– жамғарма эгалари дивиденд ва капитал фойдаси кўринишида ўз инвестицияларидан молиявий манфаат оладилар. Лозим бўлган тақдирда улар ўз инвестицион сертификатларини қайта сотишлари мумкин;

– исломий КМИТлар фаолият механизми шариат томонидан буткул рухсат этилган бўлиши шарт;

– исломий КМИТлар мулки фаолияти шариатга мувофиқ келмайдиган ташкилотларга ижарага берилиши мумкин эмас.

Ижара жамғармаси исломий жамғармаларнинг яна бир шаклини ўзида ифодалайди. Ижара жамғармасида йиғилган маблағлар кўчмас мулк, автомашина ва бошқа асбоб-ускуналарни кейинчалик ижарага бериш мақсадида сотиб олиш учун ишлатилади. Ушбу активларга бўлган эгалик ҳуқуқи жамғармада қолади, фойдаланувчилардан эса ижара тўлови ундирилади. Мана шу ижара тўлови жамғарманинг даромади манбаини ўзида ифодалайди ва у иштирокчилар ўртасида мутаносиб тақсимланади. Жамғарманинг ҳар бир иштирокчисига ижарага олинган мулкка мутаносиб эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома берилади ва бу даромадларга унинг улуш ҳуқуқини кафолатлайди. Ушбу гувоҳномани анъанавий ислом фикҳида қабул қилинган атама – «сукук» деб номланади. Мазкур сукуклар ликвидли миқдор (пуллар) ва қарзни эмас, балки унинг

эгалари (сукук ушловчилар)га моддий активларга мутаносиб мулкдорликни ўзида акс эттиргани боис, улар буткул муомалага лаёқатли ҳисобланади ва иккиламчи бозорда сотилиши ҳамда сотиб олинishi мумкин. Ушбу ҳужжатни сотиб олган ҳар қандай шахс активларга улуш ҳуқуқи эгалигида сотувчининг ўрнини эгаллайди ҳамда унга асл мулкдорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўтади. Мазкур ҳужжатларнинг баҳоси, одатда, бозор омиллари ва уларнинг даромадлилиги асосида аниқланади. Лекин ижара битимлари шариат қоидаларига мувофиқ келиши лозимлигини эътиборга олиш керак ва у оддий молиявий ижара шартномалари тўғрисидаги келишувларда ишлатиладиган тартиб ва талаблардан жиддий фарқ қилади. Унинг асосий қоидалари куйидагилардан иборат:

- ижарага олинган активлар бирон-бир фойдали хусусиятга эга бўлиши ва мазкур фойдали хусусиятлар ижара олувчига ўтказилган вақтдан бошлаб ижара тўлови ундирилиши лозим;
- ижарага олинган активлар улардан фойдаланишнинг жоиз (ҳалол) бўлишига имкон берувчи хусусиятга эга бўлиши шарт;
- ижарага берувчи активга бўлган эгалик ҳуқуқидан келиб чиқувчи барча мажбуриятларни ўз зиммасига олади;
- ижара тўлови белгиланган ва шартнома аввалидаёқ маълум бўлиши шарт.

Жамғармаларнинг мазкур шаклида бошқарув ўзида омонатчиларнинг агентини ифодалайди ва шунинг учун у ўз хизматлари учун тўлов олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бошқариш учун тўлов ўрнатилган миқдор ёки олинган ижара тўловидан улуш шаклида бўлиши мумкин. Аксарият фикҳшунослар бундай жамғармани муробаҳа битими асосида ташкил этиш мумкин эмас деб ҳисоблайдилар, чунки, уларнинг фикрича, муробаҳа битими товарлар сотиш билан чекланган ва хизматлар кўрсатиш ҳамда ижара бизнесига татбиқ этилмайди. Лекин ҳанбалий мазҳабига кўра, муробаҳа ижара ва хизматлар кўрсатишга ҳам татбиқ этилиши мумкин.

Олди-сотдининг ушбу шакли замонавий исломий банклар ва молиявий муассасалар томонидан қабул қилинган. Улар товарни ўз миқдорлари учун сотиб оладилар, кейинчалик уни келишил-

ган фойда меъёри бўйича тўлов муддатини узайтириш асосида мижозларга сотадилар. Агар жамғарма мана шундай олди-сотди шаклини амалга ошириш мақсадида ташкил этилса, у ёпик жамғарма бўлиши шарт (унинг пайлари четдаги кишиларга ҳамда иккиламчи бозорда сотилиши мумкин эмас). Бунинг сабаби шуки, муробаҳа битимлари қўлланадиган амалдаги молиявий муассасаларда товарлар хариддан кейин мижозларга дарҳол берилади, шу билан бирга товар баҳоси тўланиши лозим бўлган қарзга айланади. Шунинг учун муробаҳа портфели ҳеч қандай моддий активларга эга бўлмайди. У нақд пуллар ёки қарзларни ўз ичига олади. Шу сабабли жамғарма пайлари (омонатлари) фақат пул ёки қарзларни ифодалайди ва ушбу икки нарса аввал ҳам айтиб ўтилганидек қайта сотилиши мумкин эмас. Агар улар пулларга алмаштириладиган бўлса ҳам, фақат номинали бўйича алиштирилиши мумкин.

Исломиий жамғармаларнинг жоиз ҳисобланган яна бир шакли – **товар жамғармаларидир**. Мазкур шаклдаги жамғармада йиғилган миқдор турли товарларни қайта сотиш мақсадида сотиб олиш учун ишлатилади. Бунда олинган фойда жамғарма даромади ҳисобланади ва у омонатчилар ўртасида мутаносиб тақсимланади. Жамғарма фаолияти шариатга мувофиқлигини таъминлаш учун савдо битимларига қўйиладиган барча талабларга риоя этиш зарур:

– товар сотиш даврида сотувчига тегишли бўлиши шарт, *шу сабабли киши ўзи товарга эгалик қилмаган ҳолда амалга ошириладиган қисқа сотувлар деб аталувчи савдоларга рухсат этилмайди;*

– форвард (ҳали мавжуд бўлмаган товарларни) сотувлари ҳам рухсат этилмайди, салам ва истисноъ бундан мустаснодир;

– товарлар шаръан рухсат этилган бўлиши лозим (масалан, спиртли ичимликлар, тамаки ва бошқа шариат тақиқлаган маҳсулотлар бўлмаслиги шарт);

– товар воқеликда ёки жисмоний жиҳатдан сотувчининг эгалигида бўлиши шарт (воқеликда эгалик қилиш деганда ҳар қандай ҳаракат ёрдамида товарга эгалик қилиш хатарининг харидорга ўтказилиши тушунилади);

– товар баҳоси белгиланган ва томонларга маълум бўлиши шарт. Шубҳали ҳодиса билан боғлиқ ёки гумонли ҳар қандай баҳо битимни қонуний кучидан маҳрум этади.

Исломий жамғарманинг яна бир шакли йиғилган маблағларни турли хилдаги, масалан, акциялар, ижара, турли товарлар ва ҳ.к. сингари инвестицияларга йўналтириш мақсадида тикланиши мумкин. Уни **аралаш шаклдаги жамғарма** деб ҳам аташ мумкин. Бу ҳолатда жамғарманинг моддий активлари 51% дан ортиқни, шу билан бир вақтда ликвидли активлари 50% дан озроқни ташкил этади, жамғарманинг пай (омонат)лари айланма (жамғармага алоқадор бўлмаган кишиларга сотилиши мумкин) бўлиши мумкин. Лекин ликвидлилик ва қарзлар мутаносиблиги 50% дан ошиб кетса, аксарият фикҳшуносларнинг фикрича, жамғарма пайлари сотилиши мумкин эмас. Бу вазиятда жамғарма ёпиқ шаклдаги жамғарма бўлиши лозим (бунда жамғарма сертификатлари фақат унинг омонатчилари орасида тақсимланади).

Исломий инвестиция жамғармаларининг бошқариш самарадорлигини баҳолаш учун исломий фонд индексларидан фойдаланилади.

1999 йилда глобал исломий индекслар жорий этилган вақтдан бошлаб жоиз бўлган ориентир-индекслар диапазони иқтисодий ва географик миқёсларда янада кенгайди. Ҳозирги вақтда капиталнинг исломий бозорини қамраб олган глобал исломий индексларнинг тўрт асосий манбаси мавжуд. 3.12-расмда исломий индексларнинг умумий чизмаси кўрсатилган.

Dow Jones (DJIM) бозор индекслари исломий гуруҳи 69 та мамлакатнинг ривожланган ва ривожланаётган бозорларини қамраб олган ҳамда шариатга мувофиқ келувчи қимматли қоғозларни кузатиб бориш учун кенг миқёсдаги мезонларни тақдим этиш имконини берадиган даражада кенгайди. Dow Jones (DJIM) бозор индекслари исломий гуруҳи, шунингдек, худудий, тармоқлар ва бозор капиталлашуви индексларини ҳамда махсус индекслар ва хусусий баҳоловларни ўз ичига олган.


Исломий фонд индексларининг қатъий зарурлигини эътироф этган ҳолда Standard & Poor's (S&P) 2006 йилда дастлаб шариатга мувофиқ келадиган учта асосий – S&P500, S&P Europe 350 ва S&P Japan 500 индексларини танлаб олди.

Dow Jones Islamic Market Indices	<ul style="list-style-type: none"> • Мамлакатлар индекслари (масалан, DJIM Canada, DJIM China, DJIM Kuwait, DJIM UK) • Глобал/худудий индекслар (масалан, DJIM Asia Pasific, DJIM GCC, DJIM Europe, DJIM Emerging Markets ва бошқалар) • Мовий шарлар индекси (масалан, DJIM Titans 100, DJIM CHIME 100 ва бошқалар) • Стратегик/мавзули индекслар (DJIM BRC, Global Finance and Takaful)
S&P Shari'ah Indices	<ul style="list-style-type: none"> • Глобал/худудий индекслар (масалан, Europe 350 Shari'ah, Global BMI Shari'ah, Pan Asia Shari'ah, GCC Shari'ah, BRIC Shari'ah ва бошқалар) • Бозор капиталлашуви индекслари (масалан, IFCI Large, Mid Cap Shari'ah, 500 Shari'ah ва бошқалар) • Тармоқ индекслари (масалан, Global Healthcare Shari'ah, Global Property Shari'ah ва бошқалар)
MSCI Global Islamic Indices	<ul style="list-style-type: none"> • Ривожланган бозор индекслари (EU Islamic, World Islamic, North America Islamic ва бошқалар) • Ривожланган бозор индекслари (масалан, BRIC Islamic, EM Asia Islamic ва бошқалар) • Шаклланаётган бозорлар индекслари (масалан, FM CEEC Islamic, etc) • Араб бозорлари индекслари (масалан, Arabian Markets)
FTSE Global Islamic Indices	<ul style="list-style-type: none"> • Мамлакат индекслари (масалан, DIFX Shari'ah, Bursa Malaysia, GCC Shari'ah) • Глобал/худудий индекслар (масалан, Global Islamic, Americas Islamic, Pasific Basin Islamic ва бошқалар) • Тармоқ индекслари (масалан, Physical Industrial Metals ва бошқалар)

3.12-расм. Исломий фонд индекслари.

2007 йилда эса S&P кейинда мазкур худудлар учун шариатга мувофиқ келадиган маҳсулотларни саралаш мезонларига бўлган талабни қондириш учун S&P GCC Shari'ah ва S'P Pan Asia Shari'ah ни амалга киритди. S&P 2008 йилда шариатга мувофиқликни таъминлаш мақсадида бутун дунё бўйлаб 11000 тадан ортиқ компаниядан таркиб топган S&P Global Board Market Index фонд индексининг шарҳини яқунлади, бунинг натижасида 10 та тармоқ ва 47 та мамлакатда ҳамда худудлардаги суб-индекслар билан бир қаторда 600 та таркибий қисмни ўз ичига олган S&P Global BMI Shari'ah индекси вужудга келди.

Худди шу тарзда 2006 йилда FTSE (Financial Times Stock Exchange, UK) ҳам ўзининг FTSE Global Shari'ah сериясидаги



3.13-расм. Диаграмма. Глобал исломий индексларни амалга киритиш изчиллиги.

индексларини чиқариш орқали Shari'ah индексларини тақдим этди. 2006 йилда яна учта исломий индекслар амалга киритилди. Шу билан бирга MSCI (Morgan Stanley Capital Indices, USA) 2007 йилда ўзининг исломий индекслар сериясини чиқарди, кейинчалик ушбу индекслар 50 та ҳудуддаги араб мамлакатлари бозори сингари 50 дан ортиқ ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларни қамраб олди.

3.13-расмда исломий фонд индексларини киритиш босқичлари акс эттирилган диаграмма келтирилган.

Айрим индекслар бутун дунёдаги инвестиция ҳамжамияти томонидан шариатга мувофиқ келувчи акциялар, облигациялар, ўзаро жамғармалар фаоллигининг солиштирма таҳлили воситаси сифатида ишлатилади. Мазмуни бўйича улар, капитал бозорига нисбатан инвесторлар учун шариатга мувофиқ келувчи инвестицион майдонни ташкил этувчи воситалар сифатида қатнашади. Моҳиятига кўра, индекслар улкан даромад/хатар портфелининг кўринишлари танлови билан триллионлаб долларга янги инвестиция имкониятларини очди. Индекслар улкан мусулмон бозори бойликларидан самара олиш ҳамда ахлоқий маҳсулотларга пул киритиш истагида бўлган инвесторларнинг манфаатларини ўзига жалб этишда, инвестицион жамғармалар ва компаниялар учун капитални бошқаришда, айниқса, фойдали бўлади.

Назорат учун саволлар:

1. Исломий банкларнинг фаолияти хусусиятлари ва тамойиллари-ни айтиб беринг.
2. Исломий банкларнинг корпоратив бошқариш тизимини сўзлаб беринг.
3. Исломий банк маҳсулотлари шакллари айтиб беринг.
4. Исломий банкнинг баланси моделини баён этинг ва унинг барқарорлигини кўрсатинг.
5. Исломий суғурталаш андозаларини таърифланг.
6. «Исломий инвестиция жамғармаси фонди» тушунчасига тавсиф беринг.
7. Исломий инвестиция жамғармалари шакллари айтиб беринг.
8. Асосий исломий фонд индексларини айтиб беринг ва улар инвестицион капитал бозорлари ривожланишига қандай таъсир кўрсатади?

3-бобда фойдаланилган адабиётлар:

1. Annual Report (various issues). Jordan Islamic Bank [Electronic resource]. – 2012. – Access mode: www.albaraka.com
2. *Grais W., Iqbal Z.* Regulating islamic financial institutions: The nature of the regulated / W. Grais, Z. Iqbal // World Bank Policy Research Working. – 2004.
3. *Беккин. Р.И.* Мусулмон ва номусулмон мамлакатларда исломий молиявий муассасалар ва инструментлар: хусусияти ва ривожланиш истикболлари: иқт. фан. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссер-я. Москва: Россия Фанлар академияси Африка институти, 2009. – 368-б.
4. *Беккин Р.И.* Исломий суғурталаш (такофул): ўқув қўлланма / Қозон: Қозон университети, 2012. – 140-б.
5. *Беккин Р. И.* Мусулмон ҳуқуқида суғурталаш: назария ва амалиёт / Москва: Анкил, 2001. – 152-б.
6. Исломий суғурталаш: №26-шариат стандарти: инглизчадан таржима / Исломий молиявий муассасалар бухгалтерия ҳисоби ва аудити ташкилоти (ААОИФИ); Р. И. Баишев ва бошқалар умумий таҳрири остида. – Москва: «Исламская книга» нашриёти, 2011. – 36-б.
7. Исломий молиялар бўйича энг зарур китоб (Кабир Ҳасан, Мервин Льюиснинг «Handbook of Islamic banking» китоби инглиз тилидаги нусхаси таржимаси). – Остона: ТОО «Istisna’a Corporation», 2011. – 452-б.

8. *Судин Хорун, Ван Нурсофиза Ван Азмий*. Исломий молиялар ва банк тизими: фалсафаси, тамойиллари ва амалиёти. Қозон: Линова-Медиа, 2012. – 536-б.

9. *Трунин П. В., Каменских М., Муфтяхетдинова М.* Исломий молия тизими: ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истикболлари / П. В. Трунин умумий таҳрири остида. – Москва: ИЭПП, 2009. – 14-б.

10. www.halal.islamtat.ru

11. www.takaful.kz

12. *Гильманов Э.* Исломий банкинг: банкнинг амалий фаолияти / Қозон: Исломий иқтисодиёт ва молиялар Россия маркази, 2008. – 21-б.



2 - Қ И С М . СЕКТОРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МУҲИТИ

4 - б о б . Солиққа тортиш

4.1. Шариат томонидан ўрнатилган солиқлар тушунчаси ва шакллари.

Ислом фикҳига кўра солиқлар аҳолидан ундириладиган тўлов ва йиғимларнинг турли шакллари бўлиб, VII–VIII асрларда Ўрта аср халифалиги молиявий тизими шаклланиши натижасида пайдо бўлган.

Ислом фикҳи томонидан ўрнатилган солиқларга қуйидагилар киради:

– *закот* – ушбу солиқни вояга етган салоҳиятли мусулмонлар ўзларининг ночор диндошлари фойдасига тўлаб берадилар;

– *ушр* – деҳқончилик маҳсулотларидан ҳосилнинг 1/10 қисми миқдорида хирожга тортилмайдиган ерлардан ундириладиган солиқ ёки йиғим;

– *хумс* – турли шаклдаги ўлжаларнинг 1/5 миқдоридаги ажратмалар;

– *жизя* – мусулмон мамлакатларидаги ислом ҳимоясига олинган ўзга диндагилардан жон бошига ундириладиган йиғим;

– *хирож* – ер солиғи.

Солиқлар замонавий фискал (бюджет) сиёсатининг асосини ташкил этгани боис, замонавий солиқ сиёсати ва исломий фискал сиёсат атамалари қарама-қарши тушунчалардай кўриниши мумкин.

Маълум бир андозали давлатнинг ижтимоий-иқтисодий мақсадлари қуйидагилардан ташкил топади:

– одиллик ёки тенгҳуқуқлилиқ;

– жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондириш ёки ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини таъминлаш;

– жамиятнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш ёки иқтисодий ресурсларни кўпайтириш;

– маданий муҳитни яхшилаш.

Мазкур сиёсий мақсадлар Қуръон ва ҳадисларда ҳам акс эттирилган ҳамда Пайғамбар саллоллоху алайҳи васалламнинг ҳаётлик вақтларида ва Ўрта асрлар халифалиги даврида содда ижтимоий-иқтисодий тизимларда амалга оширилган.

Закот – диннинг устунларидан биридир. Закот – мусулмонлар томонидан бутун жамият манфаатлари йўлида бажариладиган бурчдир. Шариатга мувофиқ вояга етган, эркин ва болиғ ҳамда моли нисобга етган барча мусулмонлар закот тўлашлари лозим. Нисоб миқдори 85 грамм олтинга (закотга тортиладиган энг куйи миқдор) тенг.

Ислом фикҳи бўйича айрим мутахассислар мусулмон давлатининг солиқ тизими закот билан уйғунлашиб кетади деб ҳисоблайдилар. Шу билан бирга, уларнинг аксарияти қай даражадаги закотни солиққа киритиш мумкин деб савол беради. Ушбу муаллифлар мазкур муаммога эҳтиёткорлик билан муносабатда бўладилар ҳамда закотга нисбатан йиғим, тўловлар ва х.к. сўзларни ишлатадилар, фақат истисно тариқасида солиқ сўзидан фойдаланадилар.

Турк тадқиқотчиси Сабоҳиддин Заъим закот ва солиқ ўртасидаги 15 та фарқни ажратиб берган. Қуйида улардан айримлари келтириб ўтилади:

1) закот – молиявий атамаларда ифодаланган диний мажбурият ва итоат ҳужжатидир. Солиқ эса – бу иқтисодий ва молиявий мажбурият ҳисобланади;

2) закот фақат мусулмонлардан, солиқ эса барча фуқаролардан ундирилади;

3) тўланмаган солиқ кечиб юборилиши мумкин, тўланмаган закот эса кечилмайди;

4) тўлаш усули ва ставкалари каби солиққа татбиқ этилган тушунчаларни закотга татбиқ этиб бўлмайди ва у ўзгаришсиз қолади;

5) закот тўловчи мана шу солиқдан келиб тушган маблағларга талабгор бўла олмайди. Солиқ билан бўлган ҳолатда эса, солиқ тўловчи ўзи тўлаган солиқдан олиши мумкин ва бошқалар.

Лекин муаммони фақат закот ва солиқнинг қарама-қаршилиги нуқтаи назаридан кўриб чиқмаслик лозим. Солиқнинг давлат томонидан ундириладиган бошқа тўловлар – божлар, йиғимлар ва жарималардан фарқ қилиш имконини берувчи учта асосий белгисидан ажратиб олиш мумкин: мажбурийлик, хусусий беғаразлик ва қайтарилмаслик.

1) **Мажбурийлик.** Қадимда халифалик ва айрим замонавий мусулмон мамлакатларида закот давлат томонидан маълум тоифадаги мусулмон фуқаролардан ундириладиган мажбурий тўлов сифатида белгилаб қўйилган.

Бизнинг кунларда айрим фиксшунослар мусулмон мамлакатларидаги номусулмонлардан ижтимоий бирдамлик деб атаувчи ва худди закотдан тушган тушумлар каби, фақат номусулмон аҳоли эҳтиёжлари учун ишлатилиши мумкин бўлган солиқ ундириш фикрини таъкидлайдилар. Юқорида қайд этилганидек, закотнинг бошқа солиқлардан фарқ қилувчи асосий жиҳати шундаки, давлат уни тўлашдан озод эта олмайди. Закот тўлашнинг ҳуқуқий мажбурияти маънавий жиҳат билан мустақамланган: закот ҳар бир салоҳиятли мусулмоннинг мажбуриятларидан бири ҳисобланади.

2) **Хусусий беғаразлиги.** Закот муайян кишига тегишли мулкдан ундирилади. Закот тўловчи унинг эвазига ҳеч нарса олмайди.

3) **Қайтарилмаслик.** Закот ҳам ҳар қандай солиқ сингари қайтарилмайдиган тўлов ҳисобланади. Закот тўлаган шахс барча тўланган миқдор ёки унинг маълум бир қисми қайтарилишига талабгор бўла олмайди.

Шунинг учун закотни солиқ таркибига киритиш маълум даражада шартли ҳисобланади: закот, энг аввало, ҳар бир диндорнинг диний мажбурияти, иккинчидан эса – давлатнинг мақсадли солиқларидан биридир.

«Тозалов»чи солиқни ундириш шаклларига тўхталадиган бўлсак, ушбу муаммони ечиш тўлалигича закотни мажбурий тўлов сифатида эълон қилган давлатнинг ихтиёрида бўлади. Закот пул маблағлари ҳамда натура шаклида ундирилиши мумкин.

Закот шакллари. Қуйида санаб ўтилган мулклар бўйича закот тўлаш мажбурий ҳисобланади:

а) ҳар бир 85 грамм тиллодан ёки шу миқдордаги олтинга эквивалент бўлган пул миқдори ҳамда пул бирликларидан;

б) даромад олиш ва савдо предмети ҳисобланган товарлардан.

Йил якуни билан ҳар бир мусулмон ўзида мавжуд товарларни баҳолаши лозим, агар уларнинг умумий қиймати нисобга етган ёки ундан ортган бўлса, у ҳолда у товарлар қийматининг (чакана баҳоси бўйича соф фойдани ҳам қўшган ҳолда) 2,5% и миқдорида пул билан тўловни амалга ошириши лозим. Юқорида санаб ўтилганлардан закот тўлаш учун қуйидаги шартлар бажарилиши шарт:

– нисобга етарли бўлган миқдор пайдо бўлган вақтдан бошлаб тўлиқ йилнинг (ой календари бўйича 354 кун) ўтиши;

– закот тўланаётган вақтда мулк нисобга тенг бўлиши ёки гарчи йил давомида камайган бўлса ҳам нисобдан ортиши керак.

Фақат шу шартлар бажарилгандагина мулкнинг умумий қийматидан 2,5% и миқдорида закот тўлаб берилади;

в) ушр закоти (барча йиғиб олинган ҳосилдан);

г) туя, эчки, қўй ва сигир каби чорвадан. Солиққа тортиладиган сигирларнинг энг кам миқдори 30 бош бўлиб, ундан бир сигир ёки буқа ундирилади. Солиққа тортиладиган қўйларнинг энг кам миқдори 40 бош ҳисобланади ва улардан 1 та қўй ундирилади. Солиққа тортиладиган туялар сони энг кам миқдори 5 та бўлиб, ундан бир қўй ундирилади;

д) фойда келтириб турувчи кўчмас мулкдан. Агар кўчмас мулкдан олинадиган фойда нисобга етса, иш юритиш учун қилинган харажатларни чиқариб ташлангач, фойдадан 2,5% миқдорида закот тўланади.

Фитр садақаси – Рамазон ойида рўза тутиш вақтида бериладиган мажбурий тўловдир. Аксарият олимларнинг фикрича, фитр садақаси ҳайит кунида ўзи ва оиласи учун озиқ-овқат ва ҳаётий зарур барча нарсага молик ҳамда ушбу садақани тўлаш имкониятига эга бўлган ҳар бир мусулмон учун мажбурий ҳисобланади. Фитр садақаси катталар ва болалар учун бир

хилда мажбурийдир. Оила бошлиғи ўзининг моддий таъминотида бўлган барча ва ўзи учун садақани тўлайди. Уни фақат энг эҳтиёжманд ва кам таъминланган кишиларга бериш керак.

Фитр садақаси шариат томонидан аниқланиб кўрсатилган маълум бир маҳсулотлар (дон маҳсулотлари учун 3260 грамм) шаклида ажратилади ёки унинг пулдаги эквиваленти шаклида тўланади. Пулдаги эквивалент маълум бир миқдорда диний идора томонидан ўрнатилади.

Фитр садақаси бутун Рамазон оий мобайнида берилади ва оийнинг охирги куни бўлган ҳайит намози арафасида яқунланади.

Хирож закот ва жизядан бирмунча фарқ қилади, чунки у бертароф солиқ ҳисобланади. У диний мансубликка боғлиқ бўлмайди, ернинг ҳолатидан келиб чиқиб мусулмонлардан ҳам, номусулмонлардан ҳам ундирилади. Хирождан фақат азалий араб ерлари озод этилади: улардан ушр ундирилади. Ушрнинг миқдори ернинг ҳосилдорлиги ва ишлов берилишига боғлиқ равишда 5% дан 10% гача бориши мумкин.

Хирож – ўрта асрлар давлатининг ер солиғидир. Аввалда халифаликда хирожни фақат ўзга диндагилар тўлаганлар. Мусулмонлар эса ушр тўлар эдилар. Ерларнинг асосий эгалари мусулмонлар бўлганларидан сўнг, ерлардан хирож тўлаш мажбурияти сақланиб қолди ва у барча тўлайдиган ер солиғига айланди.

Хирожнинг икки қисмини фарқлаб олиш лозим: мулкка бўлган солиққа асосланган ер солиғи ва даромад солиғи. Мулкка солинадиган солиқ миқдори эгаликдаги ернинг майдонига, уларни суғориш тизимига, дарахтларнинг сонига ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Даромад солиғи мутаносиб солиқ бўлиб, унинг миқдори ҳосил миқдори, бозор баҳосига боғлиқ равишда 20% дан 50% гача бориши мумкин. Қуръонда хирож тўғрисида эслатмалар йўқлиги боис, мусулмон давлати уни ундириш миқдори ва тартибларини мустақил ўрнатиши мумкин.

Саудия Арабистонида закот давлат солиғи сифатида 1950 йилда, имон келтирганларга ўзларининг асосий диний мажбуриятларидан бирини бажаришга кўмак бериш ҳамда за-

кот маблағларини самарали тақсимлаш тизимини ташкил этиш мақсадида ўрнатилган.

Дастлаб солиқ ставкаси 2,5% ни ташкил этди, лекин кейинги йил уни 1,25% га пасайтирилди. Орадаги фарқ (1,25%) ни солиқ тўловчи ўз хоҳишига кўра, унга эҳтиёжманд деб ҳисоблаган кишига бериши мумкин эди. Шундай қилиб, закот сифатида тўланадиган миқдорнинг ярми кўнгилли хайрия – садақага айланиб қолди. Лекин 1963 йилда аввалги 2,5% лик солиқ ставкасига қайтишга тўғри келди. 1956 йилгача фақат қиролик фуқаролари закот тўлар эдилар. Кейинчалик Саудия Арабистони қиролигининг бир қисми бўлган Баҳрайн, Қувайт ва Қатар аҳолиси ҳам ушбу солиқни тўлаш мажбуриятини олди.

Яман Араб Республикасида закот ундириш амалиёти Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам даврларидан ҳозиргача тўхтатилмаган. VIII асрда ушбу тўлов садақа (закотнинг монанди) номига эга эди. Ислоннинг аввалги даврларида садақа ва закот сўзлари маъноси бўйича бир хил эди. Бугунги кунда закотни фуқаролигидан қатъи назар, мамлакатда активларга эга бўлган ёки даромад олаётган барча мусулмонлар тўлашлари лозим. Солиққа тортиш объектлари: қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чорвалар, товар ва пуллар ҳисобланади. Давлат бюджетида закот йиғишдан олинган маблағлардан харажат моддаларини амалга ошириш белгиланган. Яманда Рамазон ойи якуни бўйича мажбурий бўлган солиқ – фитр закоти ҳам давлат солиғи ҳисобланади.

Покистонда закот ва ушрни мажбурий давлат солиғи сифатида амалга киритиш президент Зиё ул-Ҳақ томонидан амалга оширилган исломийлаштириш сиёсати билан боғлиқ. 1980 йилда закот масаласига тааллуқли бўлган Ордонанс кучга кирди. Ушрга тегишли қоида эса 1983 йилнинг 15 мартига қадар тўхтатиб қўйилди. Покистонда закотдан ташқари исломий солиқ сифатида ушр ҳам жорий этилди.

1984 йилдаги қонунга мувофиқ Суданда закот мажбурий давлат солиғи сифатида ўрнатилган. Закот билан бир вақтнинг ўзида маҳаллий номусулмонлардан ҳамда Суданда доимий яшовчи чет эл фуқароларидан ундириладиган махсус солиқ ва бошқа солиқлар ўрнатилди. Шунга қарамай мамлакатдаги ке-

лишмовчиликлар туфайли у узоқ вақт давомида ижро этилмай келди. 1983 йилда Суданнинг жанубида фуқаролик уруши бошланиб кетгани сабабли, ушбу солиқни тўлақонли йиғиш бир неча йилга қадар амалга оширилмади. Мамлакатда закотни йиғиш ва тақсимлаш билан Закот бўйича палата шуғулланади.

Мусулмон солиқлар орасида хумс амалий моҳиятини сақлаб қолган. Хумсни тўрт хил маънода номлайдилар:

- халифа ёки давлат бошлиғи ихтиёрига ажратма қилинадиган ўлжа улуши (ғанима);
- денгиздан олинadиган маҳсулотлар (марварид, қимматбаҳо тошлар, анбар)дан ундириладиган солиқ;
- топиб олинган хазинадан ажратмалар;
- мусулмоннинг ерини номусулмонга сотишда ундириладиган давлат божи.

Хумс мақсадларида иш ҳақидан олинadиган даромадлар, дивидендлар ва иқтисодий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар бизнес-фойда сифатида кўриб чиқилади. Умуман олганда, ушбу тоифа моҳияти бўйича закотнинг бошқа активлари тоифаси эквиваленти ҳисобланади.

4.2. Ислom Ҳамкорлик Ташкилоти аъзо мамлакатларида солиққа тортиш амалиёти.

Ислomий молиянинг ривожланишига ғарб мамлакатлари солиқ қонунчилигига киритилган ўзгаришлар ҳамда Яқин Шарқ, Африка, Европа ва Жанубий Американинг 57 мамлакати аъзо бўлган Ислom Ҳамкорлик Ташкилоти мамлакатларида амал қилаётган солиққа тортиш амалиёти катта ҳисса қўшди.

Мусулмон мамлакатлари замонавий солиқ тизими ўзига хос мусулмон солиқлари ҳамда мулк ва истеъмол (корпоратив даромад солиғи, қўшимча қиймат солиғи ва бошқалар), стандарт даромад солиғи каби солиқларни ўз ичига олади. Ислomий молияни солиққа тортишнинг ривожланиши замонавий тенденциялари ва хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Малайзия. Малайзиянинг ислomий молиявий сектори яқин йилларда янада либераллаштириш режалаштирилганлиги, кўп сонли рағбатлантирувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда

жаҳондаги жозибадор ва энг тараққийпарвар тизим сифатида кўриб чиқилади. Малайзиядаги исломий молия бозори иштирокчилари исломий банклар, такофул-операторлар, исломий қўшма трастлар ва жамғармаларни бошқариш бўйича компаниялар сингари муассасаларни ўз ичига олган.

Бугунги кунда Малайзияда энг йирик 36,6 млрд. АҚШ долларлик активларга эга исломий банклар ва молиявий бозорлар ҳамда 2 млрд. АҚШ доллар қийматидаги такофул-активлар мавжуд. 2014 йилнинг бошида у бутун банк тизимининг 25% ини ташкил этди.

Солиққа тортишнинг Малайзия тизими исломий битимлар учун солиқ бетарафлигини тақдим этиб, исломий молиянинг ривожланишига кўмак бермоқда. Маълумки, шариат қоидаларига кўра interest (соф пуллик манфаат) тушунчаси тақиқланади. Маҳаллий солиқ қонунчилиги interest ўрнига шариат қоидаларига мувофиқ амалиётлардан топилган барча даромад/фойда ва харажатларни, солиққа тортиш мақсадларида фоиз сифатида кўриб чиқилишини тақозо этади. Шундай қилиб, солиқ тортиш ёки фойданинг камайиши оддий молиялаштиришдаги interest сифатида кўриб чиқилади. Солиқ имтиёзлари ва солиқдан фоизли ушланмалар сингари interest га тааллуқли барча солиқ қоидалари фойдага ҳам баб-баравар татбиқ этилади. Бу эса исломий молиялаштириш ҳам оддий молиялаштириш билан бир хил режимда тақдим этилишини кафолатлайди.

Закот. Малайзиянинг аксарият штатларида закотни мажбурий солиқлардан бири сифатида кўриб чиқилувчи қонунчилик қабул қилинган. Закот масаласи билан маҳаллий исломий диний кенгашлар шуғулланади. Бугунги кунда Малайзияда закот тўлашнинг 20 дан ортиқ усули мавжуд ва йиғилаётган маблағлар кўлами тобора ошиб бормоқда.

Малайзияда исломий молиявий воситаларни солиққа тортиш. Исломий молиявий маҳсулотлар, одатда, ўтказилаётган амалиётларга мувофиқ келувчи активларни талаб қилади. Масалан, ижара сукукини муомалага чиқаришда активлар сотилади ва ушбу активларни қайта ижарага олиш амалга оширилади. Солиқ бетарафлигига мувофиқ, активларни сотиб олиш ва со-

тиш ёки шариат қоидаларига кўра ижарага бериш каби исломий молиявий амалиётларни ўтказиш солиққа тортиш мақсадлари учун инobatга олинмайди.

Малайзия ҳукумати исломий молиявий амалиётлар бўйича солиқ бетарафлигининг аниқ ҳолатлар бўйича ҳам тақдим этилиши мумкинлиги норасмий механизмга ҳам эга. Бундай механизм янги ва инновацион исломий молиявий амалиётларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради ва солиққа тортиш нуқтаи назаридан бетараф бўлиши мумкин, бу эса ўз вақтида бозорга киритилган маҳсулотларни қонунчиликка ўзгартириш киритилгунга қадар илгари суришни енгиллаштиради:

– Сукук. Сукукни солиққа тортиш ҳам стандарт облигацияларни солиққа тортиш каби амалга оширилади;

– Ижара. Лизинг бўйича стандарт битимлар сингари солиққа тортилади;

– Такофул. Солиққа тортиш тартиби оддий суғурталаш тартибига мувофиқ келади;

– Солиққа тортиш мақсадларида музораба молиялаштиришнинг анъанавий воситаси сифатида кўриб чиқилади ва кредитнинг ўзи каби шаклни олади;

– Мушорака бўйича амалиётлар молиялаштириш бўйича оддий битим шаклининг ўхшаши бўйича кўриб чиқилади;

– Муробаха – музораба тамойили бўйича исломий воситалар ўхшаши каби шарҳланади.

Қатар. Охирги ўн йилликда Қатарда исломий молиявий саноатнинг тезкор ўсиши кузатилмоқда. 2012 йилда жаҳондаги исломий молиявий активлар умумий ҳажмида 4% улуш Қатарга тўғри келди. Шу йили Қатардаги исломий молиявий активлар умумий ҳажми 52 млрд. АҚШ долларини ҳамда ИХТга аъзо мамлакатлардаги барча муомалага чиқарилган сукукларнинг 11 % ини ташкил этди. Шунингдек, исломий банк секторида ҳам ўсиш тенденцияси қайд этилмоқда. 2006 йилдан 2012 йилга қадар исломий банклар активлари тахминан 43% га ўсди, яъни ўсиш суръати оддий банкларда шу даврдаги активлар ўсиш суръатидан юқори бўлди. 2012 йилда исломий банк-

лар активлари Қатар банк тизими активларининг 23 % ини ташкил этди.

Қатардаги солиқлар тўғрисидаги қонун исломий молияни солиққа тортиш бўйича аниқ меъёрларни ўз ичига олмаган. Натижада оддий солиқ тартиби исломий молияга нисбатан ҳам татбиқ этилиши мумкин, агар даромад Қатарда олинган бўлса, шунга мувофиқ у солиққа тортилади. Корпоратив даромад солиғи стандарт 10% лик ставка бўйича татбиқ этилади, бунда даромад олган шахс Қатар резиденти бўлиши ёки мамлакатда доимий ваколатхонага эга бўлиши шарт. Қатарда доимий муассасалар билан боғлиқ бўлмаган норезидентлар фойдасига амалга оширилган тўловларга ҳам солиқ татбиқ этилади: роялти¹ ва техник йиғимларга 5% ҳамда фоизларга 7% миқдорда. Араб кўрфази мамлакатларига тегишли фойда солиққа тортишдан озод қилиниши мумкин.

Қувайт. Қувайтда саноатни исломий молиялаштириш 1977 йилда юзага чиқди, ўшанда Қувайт Молия уйи мамлакатда биринчи исломий банкни ташкил этди. Шундан бери кўплаб банклар ва молиявий муассасалар исломий молиялаштириш бозорида улушларини сақлаб қолиш учун ушбу ўрнақдан ибрат олдилар. 1990 йилларда Қувайтда шариат қоидаларига мувофиқ ишлайдиган бир нечта инвестицион ва молиявий компаниялар ташкил этилди, 2003 йилда эса Қувайт Марказий банки томонидан исломий банкинг тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Мамлакатнинг солиқ қонунчилиги исломий молия учун бирон-бир махсус қоида ва рағбатларни ўз ичига олмаган ва мана шундай компаниянинг ҳар қандай фойдаси бизнеснинг одатий фойдаси сифатида кўриб чиқилади. Қувайт солиқ қонунчилигига кўра, мамлакатда бизнес ёки савдони амалга ошириш учун ҳар қандай корпоратив бирлашма солиқ декларациясини тақдим этиши ва мана шундай амалиётлар натижасида олинган фойдадан солиқ тўлаши шарт. Фақат Форс кўрфази мамлакатлари ҳамкорлик кенгаши мамлакатларида рўйхатга олинган ва мазкур мамлакатлар фуқароларига буткул тегишли компаниялар бун-

¹ *Роялти* – лицензия эгаси (сотувчи)га лицензион битим предметдан фойдаланиш ҳуқуқи учун тўланадиган даврий ажратмалар.

дан мустасно ҳисобланади. Қувайт солиқ қонунчилиги даромад солиғи учун 15% миқдоридаги ставкани кўзда тутди.

Қувайтда бизнес ёки савдони амалга ошириш атамаси унинг солиқ қонунчилиги билан қуйидаги фаолиятларни қамраб олиш учун белгилаб қўйилган: 1) Қувайтда кредит фаолияти; 2) Қувайтда хизматлар кўрсатиш; 3) Қувайтда саноат ва тижорат корхоналари, қайта ишлаш саноатининг маъмурий маркази, ҳар қандай бюро, ташкилот, бўлинма, иш офислари; 4) Қувайтда мулк, товар ва уларга бўлган ҳуқуқни сотиш ва сотиб олиш ҳамда мамлакатда доимий офисни сақлаш, Қувайтдаги ҳар қандай мулкни ижарага бериш, олди-сотди шартномалари тузиш.

4.3. Ғарб мамлакатларида муқобил (исломий) молияни солиққа тортиш амалиёти.

Исломий молия охириги ўн йилликда Европа ва АҚШда кенг тарқалди. Буюк Британия Европада исломий молия ривожланиши кашфиётчиси сифатида чиқди, бу ерда 1982 йилдан бошлаб Al Baraka Bank шариятга мувофиқ келадиган дастлабки хизматларни кўрсата бошлади, Буюк Британиянинг биринчи исломий банки (Islamic Bank of Britain) эса 2004 йилда очилди. Бугунги кунда Лондонда шарият меъёрлари бўйича хизматлар кўрсатувчи олти банк фаолият юритмоқда. HSBC, Lloyds TSB, Societe Generale сингари бир қатор етакчи ғарб банклари анчадан бери ўзларининг таркибларида исломий банк хизматлари кўрсатувчи бўлинма (дарча)ларга эга. 2006 йилда Швейцарияда биринчи исломий хусусий банк – Faisal Private Bank очилди. АҚШнинг Citibank и узоқ вақтдан бери исломий банк таркиблари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Исломий банклар глобаллашув доирасида янада рақобатбардош бўлиб бормоқда ва эътироф этилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, охириги ўн йилда исломий банклар жуда тезлик билан кенгаймоқда, уларнинг активлари 1,46 трлн. долларга яқинлашди ва CityUK нинг ҳисоботларига кўра, йилига 18–20% миқдорида (2013 йил октябрь) сезиларли ўсмоқда. Молиялаштириш исломий усулининг аҳамияти ва хусусиятини тушунган

холда, оддий молиявий муассасалар улар билан корпоратив молиялаштириш соҳасида ёки исломий бўлимлар (яъни исломий «ойна»лар) воситасида янада фаол ҳамкорлик қилишни бошладилар.

Исломий банкингнинг ривожланиши мувофиқ келувчи ҳуқуқий, суд, муассасавий ва солиқ таркибларини қамраб олувчи қонунчилик базасини такомиллаштиришни назарда тутди. Шунини қайд этиш лозимки, исломий банк фаолиятини амалга ошириш аксарият мамлакатларда қонунчилик билан тан олинган бўлса-да, исломий банкларнинг фаолият юритиш тафсилотлари ишлаб чиқилмаган. Масалан, активларни сотиб олиш ва қайта сотиш битимлари сифатида кўриб чиқиладиган исломий битимлар икки мартадан солиққа тортилади. Исломий молиялаштириш бир қатор транзакцияларининг солиқ бетарафлигини таъминлаш мақсадида, Буюк Британия ва Сингапурда қўшалок солиққа тортиш бекор қилинди. Ғарб мамлакатларида солиққа тортиш ва уни жорий этиш тажрибасини батафсил кўриб чиқамиз.

Буюк Британия исломий молиявий хизматларни 30 йилдан бери тақдим этиб келмоқда, лекин сўнгги йилларда ушбу сектор янада нуфуз ва довуғ қозона бошлади. CityUK нинг 2013 йил октябрдаги ҳисоботларига кўра, Буюк Британия жаҳондаги исломий молиявий хизматлар кўрсатувчи давлатлар орасида тўққизинчи ўринни эгаллаб турибди. Ғарбдаги ушбу етакчи давлат исломий молия соҳасида 19 млрд. доллар миқдорига мувофиқ активларга эга.

Глобал молиявий марказ сифатидаги Лондоннинг жорий мавқеи уни исломий молиялаштиришнинг муҳим маркази сифатида тезкор ўсишини осонлаштирди. 2005 йилдан бошлаб Буюк Британия, исломий молиялаштириш маҳсулотлари бўйича тўловларни солиққа тортишнинг махсус қоидаларини изчиллик билан жорий этиб келмоқда. Мазкур ўзгаришларнинг натижаси мана шундай тўловларни фоиз сингари тўловларга (имкони бор жойларда) тенглаштиришдан иборат бўлади. Шуниси қизиқки, Буюк Британия ҳукумати фақат солиқ қонунчилигига ўзгартириш киритди. Исломий молия муқобил молиялар сифатида эътироф этилган ва ҳаммаси бўлиб, 5 та восита мос-

лаштирилган. Тўловлар оддий бизнес-харажатлар (даромадлар) ёки фоизлиги бўйича таснифлаш танловидан келиб чиқиб, солиққа тортилади. Агар тўловлар бизнес-даромад сифатида тан олинадиган бўлса, ОЭСРнинг Андоза конвенцияси еттинчи моддасига кўра, маблағларни олувчи манба – мамлакатда доимий ваколатхонага эга бўлган тақдирдагина, манбанинг ўзи солиққа тортилиши мумкин.

Асосий масала исломий депозит ҳисоб рақамларининг солиқ талқинига тааллуқлидир, улар назариётда омонатчининг фойдадаги улуши ҳисобланади. Британия Исломий банки тақдим этган депозит ҳисоб рақами музораба тамойилига асосланган, бунинг натижасида банк буюртмачилардан олган фойдани бўлишиб олади. Қоидага кўра, банкларнинг ўз омонатчиларига тўлайдиган ҳар қандай фоизлари солиқ тўлашгача бўлган ялпи даромаддан чиқариб ташланади. Лекин Буюк Британиядаги солиқдан бўйин товлаш ҳақидаги меъёрларга мувофиқ, банклар оладиган фойда билан боғлиқ депозитлар бўйича ҳар қандай манфаатни ялпи фойдадан чиқариб ташлашига рухсат берилмайди ва солиқлар тўланиб бўлгандан кейин, тақсимланадиган фойда ҳисобланади. Бошқача айтганда, ушбу тўловлар, шунингдек, дивиденд сифатида ҳам эътироф этилган. Масалан, агар банк оддий депозит ҳисоб варақ бўйича 100 фунт стерлинг тўлаб берган бўлса, бу микдор унинг ялпи даромадидан (300 ф. с.) чиқариб ташланган дегани. Шунинг учун солиқ соф (200 ф. с.) микдордан тўлаб берилади.

Лекин, бошқа томондан, 100 ф.с. тўлови банк олган фойда билан боғлиқ, бунда солиқ 300 ф.с. ялпи даромаддан чиқариб ташланади, 100 ф.с. эса солиқ тўланганидан кейинги тақсимот деб ҳисобланади. Бу, сўзсиз, янада юқорироқ солиқ ажратмалари бўлишига олиб келади.

Исломий депозит ҳисоб варақ бўйича фойда даставвал Британия Ислом банки томонидан олинган фойда билан боғлиқ деб ҳисобланган ва шунга мувофиқ, ялпи даромаддан чиқариб ташланадиган харажатлар таркибига киритишга рухсат этилмаган. Солиқ бўйича мана шундай юқори оғирлик юки банкни иқтисодий тарафдан фойдасиз қилиб қўйган. Мана шу му-

аммони ечиш мақсадида Буюк Британия ҳукумати анъанавий банклар билан тенг шароитларни яратишни кўзлаб, исломий маҳсулотларни солиққа тортишни қайта кўриб чиқиш мақсадида махсус мақсадли солиқ гуруҳини ташкил қилди.

2005 йилги ҳукуматнинг «Шариат маҳсулотларига таъсир кўрсатишни тартибга солиш баҳоси» маърузасида қайд этилганидек, мана шундай маҳсулотларни солиққа тортиш сиёсатининг асосий мақсади худди шундай анъанавий банк маҳсулотлари каби солиққа тортилишини таъминлашдир. Ушбу таклиф, банкларга тижорий зарарларсиз исломий молия бўйича хизматлар кўрсатиш имкониятини яратиш ва банк мижозларини ушбу хизматлардан фойдалана олиш мақсадини ҳамда солиқ тартиби бўйича ноаниқлик ва камчиликлар билан тўқнашмасликни назарда тутди.

Мақсадли гуруҳ томонидан қабул қилинган қарорлар 2005 йилдаги молиялар тўғрисидаги қонунга киритилди, ушбу қонунда исломий молия муқобил молиявий механизмлар сифатида таърифланди. Депозитлар бўйича фойда иштирок бўйича фойда деб аталди. Исламий маҳсулотлар молиялар тўғрисидаги қонунда махсус эсга олинмайди, лекин тушунтириш изоҳларида баён этилади. Бу солиққа тортишдан бўйин товлаш схемалари пайдо бўлиш хатарини камайтириш мақсадида амалга оширилди. Мана шу изоҳларда фоиз ёки чайқовона фойда эмас, балки оддий банк маҳсулотларининг иқтисодий эквиваленти ҳисобланган, фойдадан улуш ёки активларни сотишдан олинган фойда ва зарарлар битимларини ўз ичига олган келишувларга тааллуқли мос қонунчилик низомлари аниқ кўрсатилган. Ушбу тадбирлар бундай маҳсулотлар фоизли молиялар сингари солиққа тортилишини кафолатлайди. Бу эса исломий депозитлар ҳам оддий депозитлар асосланганидек солиққа тортилиши кафолатини беради. Бизнинг мисолда исломий банклар умумий миқдордан эмас, балки 200 бирликдан солиқ тўлайдилар.

2005 йилдаги молиялар тўғрисидаги қонун муробаҳа таърифига асосланган исломий молияни таърифлаб берди ва мижозлардан ундириладиган фойда миқдорини даромаднинг муқобил миқдори эквивалентида кўрсатди. 2005 йилдан бош-

лаб Буюк Британия ҳукумати, исломий молия соҳасидаги солиқ қонунчилигига қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни давом эттирди. Ипотеканинг исломий шакли, исломий облигациялар (сукук) бўйича низомлар солиқ қонунчилигига киритилди.

Ижара. Солиққа тортиш қоидалари қайта ижарага бериш механизмлари ва сотишга тегишли қандайдир аниқ меъёрларни ўз ичига олмайди. Қайта лизинг тўғрисидаги битимларга мувофиқ тўланадиган солиқ суммасини аниқлаш учун солиққа тортишнинг умумий қоидалари татбиқ этилади. Ер солиғининг тамға йиғимидан озод бўлиш учун (кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар кўзда тутилмоқда) битим томонларининг бири молиявий муассаса бўлиши лозим. Бунда ижарага олувчи солиқлардан озод этилади, ижарага берувчи учун ижарадан тушган тушумлар солиққа тортилувчи асос ҳисобланади.

Қўшимча қиймат солиғи. ҚҚС бўйича муаммолар ечимини топиш анча мураккаб, чунки ҚҚС Европага оид солиқ ҳисобланади, Европа Иттифоқи қонунчилиги талабларига мувофиқ келади ва унга жиддий ўзгартириш киритиш ЕИ доирасида амалга ошади. Шунга қарамай, Буюк Британия ҳукумати исломий молия соҳасида ҚҚСни татбиқ этиш бўйича қўлланмаларни чиқарди. Ушбу қоидалар билан исломий маҳсулотлар оддий маҳсулотлар каби солиққа тортилиши белгилаб қўйилди. Қайд этиш лозимки, Буюк Британия ҳукумати исломий маҳсулотларга эътибор қаратишда давом этмоқда.

Ирландия исломий молиявий маҳсулотлар солиқ тартибини уларнинг оддий маҳсулотлар эквиваленти сифатида кўриб чиқади. Ирландияда кредит амалиётлари, депозит ва инвестиция амалиётлари сингари исломий молиявий механизмларни осонлаштириш учун махсус қонунчилик амалга киритилган. Масалан, сукук эмитенти купонлар бўйича фоизлар ушлаб қолиши мумкинлиги солиқ қонунчилигида белгилаб қўйилган. Қонунчиликда, шунингдек, айрим молиявий амалиётларни ҚҚСдан озод қилиш таклиф этилади.

Франция. 2009 йилда француз ҳукумати Парижни Европада исломий молиянинг маркази сифатида ривожлантиришга ҳаракат қилаётганини эълон қилди. Махсус ишчи қўмиталари

таркибига Молия вазирлиги вакиллари ва француз тартибга солиш ташкилотлари киритилди, исломий молияни Францияга мослаштириш имконияти йўллари шакллантирилди ва ташкил этилди. Франция қонунчилигининг мақсади исломий бизнес ва таркиблар фаолиятини ривожлантириш мақсадларини кўзлаган меъёрий-ҳуқуқий асосни яратиш эди.

Солиқ жиҳатлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, турли исломий таркибларнинг солиққа тортиш натижаларига тааллуқли аниқ қоидалар 2009 йилнинг февралида эълон қилинди ва 2010 йилда қайта кўриб чиқилди. Ушбу қоидалар, француз солиқ қоидаларини бевосита қўллаш натижасида юзага келувчи солиқ тафовутларини баргараф этиш мақсадида сукук, ижара, истисноъ ва музораба воситаларини қамраб олди.

Сукук. Солиқ қоидаларига мувофиқ, сукук мураккаб молиявий восита сифатида кўриб чиқилади. Стандарт француз солиқ қоидаларига кўра, у дивиденд ёки орттирмалар сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Солиқ бўйича тартибга солиш низоми талаблари сукукни соф қарз воситаси сифатида кўриш имкониятини беради, натижада эгаси қўлидаги сукукнинг индекс ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, қутилаётган фойда ҳисоблаш усули бўйича солиққа тортилади. Сукук эмитенти солиққа тортишда харажатларни ҳисоблаш усули бўйича чиқариб ташлаши мумкин.

Ижара. Солиққа тортиш, ушбу битимни лизинг келишуви (қарз – гаров) ёки кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи билан ижара шартномаси эканлигига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Агар келишув қарз-гаров битимига тааллуқли бўлса, бу ҳолда ижарага берувчи молиявий муассаса сифатида таснифланади. Агар келишув лизинг битими сифатида кўриб чиқилса, у ҳолда бу ижарага берувчи ва ижарачи учун аниқ амортизация ажратмалари билан боғлиқдир.

Музораба, такофул, мушорака сингари исломий воситалар бўйича француз қонунчилигида ўзига хос меъёрлар кўзда тутилмаган.

Германия. Европанинг Буюк Британия ва Франция каби мамлакатлари билан таққослаганда исломий молия саноати Германияда у қадар ривожланмаган. Федерал орган томонидан руҳсат берилган бир сукук эмиссияси ва кўчмас мулкка қилинган

бир нечта инвестициялардан ташқари, ҳозирги давргача Германияда исломий молия сезилмайди. Мусулмон аҳолисининг сони тўрт миллион кишидан ортган бўлишига қарамай, Германия исломий молиялаштириш маҳсулотларига талабни шакллантирмади. Шундай бўлса-да, айрим анъанавий немис банклари шариатга мувофиқ келувчи тежамли маҳсулотларни, хусусан, кўчмас мулкка инвестициялар қилиш имконини берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқдилар.

Германияда исломий молияни солиққа тортишнинг тартибига солишга йўналтирилган ўзига хос солиқ қонунчилиги мавжуд эмас. Бунда шариатга мувофиқ келадиган инвестициялар айрим солиқ хатарларига дучор бўладилар. Германиядаги асосий исломий воситаларни солиққа тортишнинг тартибига солинишини кўриб чиқамиз.

Сукук. Сукукни асосан улушли восита, пай сертификати сифатида кўриб чиқиш керак. Демак, инвесторлар ўрнатилган даромадга рози бўлишлари керак, эмитент эса трансферт баҳоларни шакллантириш бўйича қоидалар доирасида фоизли харажатларни чиқариб ташлаш ҳуқуқига эга бўлади. Норезидент инвесторга маржа бўйича тўловлар, агар сукук белгиланган ссуда фоизи эмас, балки иштирок этувчиларнинг фойдаси сифатида кўриб чиқиладиган бўлса, у ҳолда бу тўловчи манбанинг ўзини солиққа тортилишига олиб келади.

Ижара. Кўчмас мулкка инвестициялар талқинидаги ижара шартномаси кўчмас мулкни ўтказиб беришда камида икки марта солиққа тортилади (яъни ижарага берувчидан активларни сотиб олишда ва эгалик ҳуқуқини лизинг олувчига ўтказишда). Шунинг учун, қоидага кўра, ижара шартномаси Германияда кўчмас мулкни молиялаштиришда ишлатилмайди.

Музораба ва мушорака. Оддий музораба ва мушорака оддий шерикчилик ёки қўшма корхона сифатида кўриб чиқилади. Шундай қилиб, агар қўшма корхона Германия худудида ваколатхонага эга бўлса, у ҳолда барча ҳамкорлар Германияда доимий муассасага эга ҳисобланади. Бундан ташқари, шериклар акцияларининг фойдаси солиққа тортишда чегирмалар сифатида чиқариб ташланиши мумкин эмас.

4.4. МДХ ва Қозоғистон Республикасида исломий молия-ни солиққа тортиш муаммолари.

Исломий молиялаштириш ҳозирги вақтда МДХ мамлакатларида, шунингдек, Қозоғистонда ҳам бир текис ривожлана олмапти. Агар исломий молиялаштириш Россияда асосан этник мусулмонлар яшайдиган ҳудудлар: Татаристон, Бошқирдистон, Доғистонда кенг тарқалаётган бўлса, Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистон сингари мамлакатларда исломий молия воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ташаббускорлик давлат миқёсида амалга ошмоқда. Масалан, Қозоғистонда исломий молиялаштиришни ривожлантириш мақсадида солиқ қонунчилиги ҳозирча мувофиқлаштирилмоқда, банк фаолиятини тартибга солиш бўйича асосий қонунлар қайта кўриб чиқилди, Озарбайжон ва Тожикистонда эса қайта кўриб чиқилмоқда. Қуйида Қозоғистон, Россия ва Тожикистондаги ҳолатни батафсил кўриб чиқамиз.

Қозоғистон. Аҳолисининг асосий қисми мусулмон бўлган ва дунёвий давлат ҳисобланган Қозоғистон 1995 йилда ИКТ (Ислом Конференцияси Ташкилоти – бугунги кунда Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти)га аъзо бўлди. МДХ ҳудудидаги энг ривожланган давлатлардан бири ҳисобланган Қозоғистон ўзини ҳудудий молиявий марказ сифатида гавдалантирмоқда.

Қозоғистон учта шаклдаги «исломий қимматли қоғозлар» тўғрисида хабар берди: 1) исломий инвестиция жамғармалари акция ва пайлари; 2) исломий ижара сертификатлари (ижара-сукуклари); 3) исломий иштирок сертификатлари (музораба-сукуклари). Лекин ҳозирги вақтда улар Қозоғистонда мавжуд эмас.

Исломий инвестиция жамғармалари ҳиссадорлик инвестиция жамғармаси ва ёпиқ пай инвестиция жамғармаларига бўлинади. Жамғарма активларини инвестиция қилиш исломий молиялаштириш тамойилларига риоя этган ҳолда амалга оширилади. Исломий инвестиция жамғармалари пайларининг эмитентлари инвестицион портфель бошқарувчилари ҳисобланади.

Исломий молиявий воситаларни солиққа тортишга тааллуқли солиқ қонунчилигига киритилган асосий кўшимча ва янги

қоидалар таҳлил этилар экан, шуни қайд этиш лозимки, ушбу ўзгаришлар исломий банкларнинг айрим амалиётларини корпоратив даромад солиғи ва қўшимча қиймат солиғи бўйича солиққа тортишдан озод этишга қаратилган. Бунда солиққа тортишнинг бетарафлиги қоида­сига риоя этилмаган, яъни оддий банклар ва исломий молиявий воситаларни солиққа тортиш ўртасидаги бетарафлик амалга оширилмаган ва солиқ қонунчилиги тартибга солинмаган.

Қозоғистондаги исломий банк иккинчи даражадаги банкларга тенглаштирилганини ҳисобга олинган, шунга қарамай, Қозоғистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатувчи иккинчи даражадаги оддий банклар амалиётларидан фарқли равишда, исломий банк амалиётлари солиқ қонунчилигидаги имтиёзли меъёрлар таркибига киритилмаган.

Ҳозирги вақтда Қозоғистон Республикаси Солиқ кодексида исломий молиявий воситаларга нисбатан махсус солиқ тартиби кўзда тутилмаган. Бошқача айтганда, исломий молиядан олин­диган даромадлар умумий тартибда, айрим изоҳ ва тузатишлар билан солиққа тортилади.

Шуни қайд этиш лозимки, Қозоғистоннинг солиқ қонунчилигида исломий молиявий воситаларини бирон-бир таснифлашдан фойдаланилмайди, бу солиқ тартибларини аниқлашда айрим қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шунга боғлиқ равишда, Буюк Британиянинг юқорида кўрсатилган тажрибасига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Корпоратив даромад солиғи бўлими бўйича солиқ қонунчилигида ўрнатилган ўзгартириш ва қўшимчаларни кўриб чиқамиз.

Корпоратив даромад солиғи. Депозит бўйича, қарз билан боғлиқ қимматли қоғозлар, вексель, исломий ижара сертификати бўйича мукофот: исломий банкда жойлаштирилган инвестицион депозит бўйича даромад солиқ тўловчининг солиққа тортиладиган даромадига қўшилади. Қўйидагилар эса солиққа тортилмайди:

– мазкур инвестицион депозитлар ва уларда турган депозиторларнинг ҳисоб рақамларига йўналтирилган, инвестицион де-

позит кўринишида олинган пулларни бошқариш жараёнида исломий банк томонидан олинган даромадлар. Бундай даромадлар исломий банкнинг мукофотини ўз ичига олмайди;

– исломий банкда жойлаштирилган инвестицион депозит бўйича даромад.

Шундай қилиб, исломий банклар учун солиқ тартиби бўйича бирон-бир қўшимча талаблар ўрнатилмайди, лекин шу билан бир вақтда исломий банкда жойлаштирилган депозитлар бўйича даромадлар ҳамда банк мукофотини ўз ичига олмаган инвестицион депозитларни бошқаришдан олинган исломий банк даромадлари корпоратив даромад солиғидан озод қилинган.

Қўшимча қиймат солиғи. Қозоғистон Республикасининг Солиқ кодекси оддий банклар амалга оширадиган аксарият молиявий амалиётларни қўшимча қиймат солиғидан озод этишни кўзда тутди.

Қозоғистонда исломий банклар пайдо бўлиши билан исломий банкларнинг ўзига хос амалиётларини ҚҚС бўйича солиққа тортишни тартибга солиш зарурати туғилди.

Масалан, Қозоғистон Республикаси Солиқ кодексининг «қўшимча қиймат солиғидан озод этилган молиявий амалиётлар» 250-моддаси айрим қўшимчалар билан тўлдирилди. Исламий банкнинг рухсатнома асосида амалга оширадиган қуйидаги банк амалиётлари ҚҚСдан озод этилган:

– жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг талаб қилиб олингунча фоизсиз депозитларини қабул қилиш, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга банк ҳисоб варақлари очиш ва уларни юритиш;

– жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг инвестицион депозитларини қабул қилиш;

– банкнинг қарз билан боғлиқ амалиётлари: исломий банк томонидан муддатлилик, қайтаришлик ва ҳақ олмасдан, устамасиз шартлар билан пул кўринишида қарз бериш. Шунинг изоҳлаш лозимки, қарзнинг ушбу тури исломий банк учун рухсат этилган ягона шакл ҳисобланади ва аввал кўриб чиқилганидек, ҳар қандай исломий тижорат банки учун хайрия ва нодир хусусиятга эга қарзи ҳасанни ўзида акс эттиради.

Исломий банк томонидан савдо фаолиятини молиялаштириш доирасида, Қозоғистон Республикасининг банк қонунчилигига мувофиқ тижорат кредити бериш орқали савдо воситачиси сифатида, исломий банк томонидан олиниши лозим даромаднинг бир қисми ҳисобланган мулкларни бериш қўшимча қиймат солиғидан озод этилган. Афсуски, савдо механизмига эга банкларнинг ҳар қандай транзакциялари (захира, асосий воситалар ва бошқаларни сотиш ҳамда сотиб олиш), яъни аввал кўрсатилган барча таянч воситалар ҚҚС бўйича солиққа тортилади.

Бунда харидорга сотилаётган товар устамаси исломий банк олиши лозим бўлган даромадга киради, ушбу даромад Қозоғистон Республикаси банк қонунчилигига мувофиқ тузилган, тижорат кредити тўғрисидаги исломий банк шартномаси талаблари билан аниқланади.

Солиқ кодексининг 250-моддаси низомларига киритилмаган исломий банкнинг бошқа амалиётлари агар ушбу солиқнинг солиққа тортиш объекти ҳисобланса, ҚҚС бўйича солиққа тортилади.

Шунга боғлиқ равишда шуни қайд этиш керакки, Қозоғистонда солиқ бетарафлиги ғарб амалиётига мослаштирилган тақдирда, оддий кредитнинг асосий миқдори исломий банк тарафидан сотиб олинадиган товар (актив) қийматига тенглаштирилиши шарт, яъни фоиз ставкаси товар устамасига тенглаштирилади.

Қозоғистон Республикасининг жорий қонунчилигида исломий молиялаштириш бўйича устама ҚҚСдан озод этилади, афсуски, кредитнинг асосий миқдори солиққа тортилади, бу эса исломий банкнинг молиявий маҳсулотларини банкнинг ўзи учун ҳам, мижоз учун ҳам манфаатсиз қилиб қўяди.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда Қозоғистон Республикаси солиқ қонунчилигида исломий молиявий воситаларнинг моҳияти тушунилмаслиги сабабли, Қозоғистонда исломий молиялар ривожланишига асосий тўсиқ ҳисобланувчи исломий молиявий воситалар бўйича амалиётларни, инвестицион депо-

зитларни истисно этганда, ҳозирда солиққа тортишнинг бирон-бир ягона механизми мавжуд эмас.

Қозоғистон Республикаси солиқ қонунчилигини ривожлантиришнинг қуйидаги йўналишларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз:

– Қозоғистон Республикаси Солиқ кодексига исломий молиявий воситаларни солиққа тортиш бўйича алоҳида бобни амалга киритиш;

– ҳар бир молиявий муассаса учун солиққа тортишнинг ягона қоидаларни баён этиш бўйича катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириш;

– исломий молиявий воситаларни мавжуд солиқ қонунчилиги тушунчалари доирасида интеграллаштириш;

– солиқ бетарафлигини жорий этиш. Исламий молиявий воситалар бўйича даромад ва харажатларни солиқ қонунчилигидаги шунга ўхшаш тушунчаларга тенглаштириш (масалан, оддий кредитлаш = асосий кредит миқдори + фоиз ставкаси; исломий молиялаштириш = товар қиймати/хизматлар + устама);

– анъанавий молиявий маҳсулотлар учун мавжуд имтиёзларни исломий молиявий воситаларга ҳам татбиқ этиш.

Россия. Россияда молиялаштиришнинг исломий усуллари-ни жорий этиш ташаббускори марказий ҳокимият эмас, балки аҳолисининг катта қисми мусулмонлар бўлган ҳудудлар ҳисобланади. Хусусан, 2010 йилнинг апрелида Татаристонда ИТБ билан ҳамкорликда, нобанк муассаса сифатида рўйхатга олинган Россиядаги дастлабки молиявий муассасалардан бири – Татаристон халқаро инвестиция компаниясига асос солинди.

Бугунги кунда Россияда амалга оширилаётган исломий молиявий амалиётларнинг кенг тарқалган шакллари савдони молиялаштириш ва инвестицион омонатлар, фоизсиз шартларда аҳолининг маблағларини жалб қилиш ҳисобланади. Лекин аста-секин бевосита инвестициялаш ва шерикчилик механизмидан фойдаланиш йўли ила бизнесни молиялаштириш билан боғлиқ лойиҳалар ишга туширилмоқда.

Ушбу лойиҳаларни ишга туширишда у қадар юқори бўлмаган истеъмол талаби, исломий молиявий маҳсулотлар хусусиятини тушунмаслик, солиққа тортиш (молиялаштиришнинг исломий тамойилларини татбиқ этиш билан айрим маҳсулотларнинг қимматлашуви), исломий молия бўйича илмга эга мутахассислар етишмовчилиги, махсус Шариат кенгаши ташкилотининг мавжуд эмаслиги, битимлар айрим шартларининг Россия молиявий қонунчилиги билан қарама-қаршилиги туфайли исломий битимларнинг барчасини ҳам амалга ошириш мумкин эмаслиги каби асосий мураккабликларни санаб ўтиш мумкин.

Мана шундай мураккабликларга қарамай, маълум бир ижобий натижаларга эришилди. Ижара, музораба, муробаҳа, мушорақа каби исломий молиявий воситалар шаклларини таклиф этувчи «Амал» молиявий уйи эндиликда кенг миқозлар доирасини шакллантирди, ички эксперт шариат кенгашини тузди ва ўсиб борувчи инвестиция портфелига эга бўлди.

Россияда таклиф этилаётган исломий молиявий хизматлар мажмуини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: банк тўлов карталари, истеъмолни (муробаҳа) кредитлаш, шерикчилик (мушорақа) асосидаги инвестициялар, пай инвестиция жамғармалари (ПИФ), молиявий маслаҳат соҳасидаги хизматлар.

Исломий банк карталари – исломий молиявий маҳсулотлар сафини ривожлантиришни бошлаш учун қулай маҳсулот бўлиб, у шакллантириш, назорат қилиш ва илгари суриш бўйича катта харажатларни талаб қилмайди. Мана шундай маҳсулотни таклиф этган биринчи Россия банки ОАО Банк Экспресс (Доғистон) бўлди. 2010 йилда мана шундай таклиф билан Бошқирдистоннинг ОАО АФ-Банки ҳам чиқди.

2010 йилда ҳаммаслақлар гуруҳи томонидан эътиқодга асосланган ўртоқлик шаклидаги Юмарт-финанс компанияси ташкил этилди. Компаниянинг ташкилий-ҳуқуқий шакли музорабага (инвестицион омонат) ўхшаш шартларда шерикларни қабул қилишга ва ижара, муробаҳа ҳамда музораба битимлари негизида бир қатор амалиётларни амалга оширишга имкон беради.

Шундай қилиб, мана шунга ўхшаш кўплаб амалиётлар ҳамда ўзига хос исломий молиявий муассасаларни Россиядаги қонунчиликка ўзгартириш киритмай, бир қатор изоҳлар билан ривожлантириш мумкин:

– исломий молиялаштиришнинг айрим амалиётлари, агар Россияда анъанавий муассасалар билан бир хил солиқ ва иқтисодий имтиёзлар берилса, янада рақобатбардош бўлишлари мумкин. Масалан, Россиядаги активлар асосида сукук чиқариш бўйича кўплаб амалиётлар, мамлакатда мана шундай амалиётларни ҳуқуқий тартибга солишнинг йўқлиги сабабли ҳанузгача муваффақиятли яқунланмади;

– исломий молиявий маҳсулотларни қонунчилик асосида тартибга солишнинг мавжудлиги ушбу бозорни янги даражага кўтариш имконини беради;

– қонунчилик асосида тартибга солишларсиз исломий молиявий маҳсулотлар истеъмолчиларининг ҳуқуқлари лозим даражада ҳимоя қилина олмайди, яъни аҳолининг мана шундай амалиётларга бўлган ишончини сууистеъмол қилиш эҳтимоли ортади.

Худудда исломий молиявий воситаларни жорий этиш бўйича бир қатор ташаббуслар мавжудлигига қарамай, ҳозирги вақтга қадар РФнинг солиқ қонунчилигида мазкур молиявий муассасаларни солиққа тортишнинг бирон-бир хусусияти кўзда тутилмаган.

Тожикистон. Исломий молиялаштириш сектори ушбу мамлакатда янада кўпроқ қизиқиш уйғотмоқда. Мана шундай оммавийликнинг асосий сабаби шундаки, ИХТ мамлакатларидаги инвесторларнинг катта қисми, бу мамлакатда ахлоқий меъёрларга мувофиқ фаолият юритиш имконияти мавжудлигини тан олмоқда ва кўрсатилган меъёрларга буткул мос келадиган ўзининг маблағи, таклифи ва ресурсларига эга молиявий муассасаларни қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдирмоқда.

2013 йилнинг майида Душанбеда ИТБ бошқарувчиларининг 38-йиллик йиғилиши ўтказилди. Кўплаб инвесторлар тожик лойиҳаларига жиддий эътибор қаратдилар. Хусусий секторни ривожлантириш бўйича ислом корпорацияси (ХСРИК) ICD

(ИТБ гуруҳи) иштирокида биринчи исломий лизинг компания ташкил этилди.

Муассаса мамлакатдаги банкларда исломий «ойна»лар ташкил этиш имкониятларини ўрганмоқда. Тожикистон Миллий банки исломий молиялаштиришни жорий этиш йўлида айрим қонунлар мазмунига тузатишлар киритиш, пруденциал меъёрларни тайёрлаш ҳамда малакали кадрларни ривожлантириш бўйича бир қатор ютуқларга эришди. Лекин амалиёт соҳасида, шунингдек, молиявий боҳабарликни ошириш соҳасида ҳали кўплаб ишларни қилиш лозим, мана шундан кейин қонунлар қабул қилиниши ва исломий банклар ўз фаолиятини бошлаши мумкин. Охирги бир неча йилда Тожикистон ИТБ ва Яқин Шарқнинг мустақил жамғармаларидан бир қатор грантлар бўйича техник кўмак олди. ИТБ томонидан ўтказилган тадқиқотлар исломий молиявий маҳсулотларга бўлган бозор талаби яқин келажакда жуда истиқболли эканлигини аниқ кўрсатмоқда.

Ҳозирги вақтда исломий молиявий воситаларни Тожикистонда қўллаш ва уларни солиққа тортиш халқаро тажрибани ўрганиш ва кўриб чиқиш босқичида турибди. ИТБ маслаҳатчилари кўмагида дастлабки қонунчилик асоси қабул қилиниши кутилмоқда.

Озарбайжон. Ушбу мамлакатда XX асрнинг 90-йиллари бошида, ИХТ мамлакатларидан келган чет эллик компаниялар ўз фаолиятини фаоллаштирган ҳамда исломий банкинг ривожланиши учун замин яратилган бўлса-да, ҳозирги вақтга қадар исломий банкинг фақат алоҳида бўлинмалар томонидан тақдим этилди, молиялаштиришнинг исломий тамойиллари бўйича кўплаб амалиёт шакллари, исломий банкларнинг анъанавий амалиётларига Озарбайжон қонунчилиги рухсат берадиган даражада амалга оширилмоқда.

Шу боис, барча расмий ҳужжатлар бўйича ҳозирда мамлакатда ягона банк бўлиб турган Кавсар банк (Kauthar bank) ўзига хос анъанавий банк ҳисобланади. Кавсар банк аввалги кредит ва депозит портфелини рибодан тозалашга киришди ҳамда судхўрлик унсурларини ўзида ифодалаган барча битимларда иштирокини бекор қилди. Кавсар банк жаҳон исломий банк ҳамжамияти томонидан исломий банк сифатида эътироф этил-

ган. Ҳозирги пайтда Кавсар банк мижозларга атиги тўртта исломий банк маҳсулотини таклиф этмоқда:

1) музораба механизми асосида инвестицион ҳисоб варақ очиш ва юритиш;

2) мушорақа механизмига мувофиқ бизнесни молиялаштириш;

3) сукук исломий қимматли қоғозларининг монанди ҳисобланган векселларни олди-сотди қилиш йўли билан ҳуқуқий ва жисмоний шахсларни молиялаштириш;

4) ижара вал иқтино механизмидан фойдаланиб маиший техника, автомобиллар сотиб олишни молиялаштириш.

Исломий молия соҳасида фаолият кўрсатаётган яна бир ташкилот, 2008 йилнинг 13 июнида иш бошлаган Каспий халқаро инвестиция компанияси (СПС) ҳисобланади. ИТБ томонидан Бакуда ўтказилган халқаро инвестиция конференциясининг натижаси ўлароқ, исломий тамойиллар асосида ишловчи инвестицион компанияни ташкил этиш тўғрисидаги битим СПС ни ташкил этиш учун асос бўлди.

Янги компаниянинг асосий вазифаси Озарбайжонга чет эл инвестицияларини жалб этиш ва халқаро бозорга чиқиш ҳисобланади. Компания фаолиятининг устувор йўналишлари орасида қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш секторини кўрсатиш мумкин. СПС нинг барча инвестициялари фақат шарият рухсат берган фаолият шаклларида, жумладан, бошқа компаниялардаги улушларни сотиб олиш ва ҳиссадорликда иштирок этиш шаклларида амалга оширилиши мумкин.

Ҳозирги вақтда Озарбайжонда исломий молиялаштириш воситаларини 7 та банк тақдим этади, улардан 5 таси ИТБ гуруҳининг 20 миллион долларлик кичик бизнесни молиялаштириш линиясидан фойдаланади, булар TuranBank, Озарбайжон халқаро банки (IBA), Rabitabank, Юнибанк, Bankstandart, Kauhtar Bank, AmrahBank лардир.

ИТБ иштирокида «Ансар Лизинг» лизинг компанияси ҳам ташкил этилган.

Шарият талабларини бузмаган ҳолда, суғурта захираларини жойлаштиришга имкон берувчи самарали воситалар йўқлиги

сабабли, исломий суғурталашнинг ривожланиши сезиларли тўхталиб турибди. Демак, республикада исломий суғурталаш ҳақида сўз юритишга ҳали вақт бор. Аҳоли ўртасида суғурта маданиятининг ҳам пастлиги, жумладан, ҳаётни суғурталаш сингари инвестициялашнинг узок муддатли шаклларига ишончсизлик ҳам исломий суғурталаш фойдасига сўзламайди.

Озарбайжон солиқ қонунчилиги солиққа тортиш бўйича алоҳида қоидаларни тартибга солмайди ва исломий банклар ҳамда исломий молиявий воситалар учун имтиёзли тартибларни тақдим этмайди.

Яқунда шуни қайд этиш лозимки, Озарбайжонда аксарият исломий молиявий воситаларни янада ривожлантириш, уларни амалиётга татбиқ этишнинг концептуал масалалари бўйича маҳаллий қонунларга ва бухгалтерия ҳисоби, солиққа тортиш соҳасидаги қонунчиликка жиддий тузатишлар ва бошқа техник ўзгартиришлар киритиш керак.

4.5. Ислмоий молиявий воситаларни солиққа тортишнинг халқаро жиҳатлари.

Халқаро солиққа тортиш – турли мамлакатлар солиқ қонунчилигида тадбиркорлик фаолияти субъекти ёки жисмоний шахсга солиқ тайинлаш ёхуд алоҳида мамлакатлар солиқларининг халқаро жиҳатларидир. Трансферт баҳоларнинг шаклланиши¹, капиталнинг ошиши²га доир солиқлар, доимий

¹ Трансферт баҳоларнинг шаклланиши (инглизча *Funds Transfer Pricing, FTP*) – бир-бирига ўзаро боғлиқ шахсларнинг корхонанинг бозор баҳосидан фарқ қилувчи ички баҳоларида товарлар ёки хизматларни амалга ошириши. У шахслар гуруҳига тегишли фойдани паст солиқ ставкалари амал қилаётган давлатдаги шахслар фойдасига қайта тақсимлаш имконини беради. Бу тўланадиган солиқларни энг паст миқдорга тушириш мақсадида халқаро солиқни режалаштиришнинг энг содда ва кенг тарқалган усули ҳисобланади. Трансферт баҳолар давлат фискал ташкилотларининг назорат объекти ҳисобланади.

² Капиталнинг ошиши (ўсиши) – капитал асосан акциялар, облигациялар, қимматбаҳо металллар ва мулкларни сотишдан ўсиши мумкин. Активлар уларни сотиб олишга қараганда юқорироқ баҳога сотилганда ёки фоиз ёхуд дивиденд сингари ўзига хос қўшимча қиймат пайдо қилганда капитал ошиши сифатида эътироф этилади.

ваколатхоналарни солиққа тортиш, тўлов манбасидан ундирил-
диган солиқлар – бу амалиётчилар энг кўп тўқнашадиган асосий
муаммоларнинг айримлари ҳисобланади. Қуйида мана шундай
масалалар батафсил рўйхати ва уларнинг исломий молиявий во-
ситаларга таъсири келтирилган:

а) трансферт баҳоларнинг шаклланиши. Унга мулклардан
фойдаланиш (номоддий активларни ҳам қўшганда) ёки хиз-
матлар, товарлар учун ўзаро боғлиқ томонлар ўртасида хара-
жатларни таҳрир этиш ва ҳужжатларни таҳлил қилиш кира-
ди. Трансферт баҳолари корхонанинг бўлинмалари орасида
бошқа мақсадлар ёки мана шундай бўлинмалар ўртасида ре-
сурслар тақсимланишини акс эттириш учун ишлатилиши мум-
кин. ОЭСР¹нинг трансферт баҳоларни шакллантириш бўйича
қўлланмасида шундай дейилган: Трансферт баҳолари солиқ
тўловчилар ва солиқ органлари учун ҳам бирдек аҳамиятли,
чунки улар даромад ва харажатларнинг катта қисмини ифода-
лайди, демак, турли солиқ юрисдикциясидаги ўзаро боғлиқ кор-
хоналарнинг солиққа тортиладиган фойдасини ҳам аниқлайди.

Исломий молиявий амалиётлар кўпинча олди-сотди қилиш
орқали активларни кўп маротаба берилиши (ўтказилиши)ни ўз
ичига олади, бунга эквивалент ҳисобланган оддий битимлар ак-
тивлар берилишини талаб қилмайди. Шунга мувофиқ, агар мам-
лакатда активларнинг берилиши билан боғлиқ солиқлар (ҚҚС)
амалда бўлса, исломий молиявий амалиётлар у ҳолда икки ёки
ундан ортиқ марта солиққа тортилиши мумкин;

б) капиталнинг ошишига доир солиқлар. Агар актив эгаси
томонидан молиялаштириш маблағларини жалб этиш мақсадида
сотилса ва кейинчалик актив қайта сотиб олинса, бундай
ҳаракатлар капиталнинг ошиши сифатида баҳоланиши мумкин,
бу эса солиққа тортиш объекти ҳисобланади. Шунга мувофиқ,
агар капиталда иштирок этиш улуши ўзгармаган тақдирда ҳам,
капитал ошишига доир солиқлар исломий молиявий амалиётлар
натижасида тўланиши ҳам мумкин;

¹ ОЭСР (ОЭСР – кискартирилган, инглизча Organisation for Economic Co-operation and Development, OECD) – эркин бозор иқтисодиёти ва вакиллик демократияси қондаларини эътироф этувчи ривожланган мамлакатларнинг халқаро иқтисодий ташкилоти.

в) доимий ваколатхоналар. Халқаро шартномаларга кўра, корхонанинг тадбиркорлик фаолияти тўлиқ ёки қисман амалга ошириладиган доимий фаолият жойи доимий ваколатхона ҳисобланади. Корхонанинг ҳамкори ҳисобланган норезидент резидент-мамлакатнинг солиқ ҳуқуқига мувофиқ, солиқ имтиёзларига талабгор бўлиши мумкин.

Агар корхона ҳамкорининг мамлакатада доимий ваколатхонага эга бўлмаса ва чет мамлакатда доимий ваколатхона ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган бўлса, у ҳолда ушбу корхонага солиқларни мустақил тўлаш бўйича мажбурият юкланмаслиги аксарият мамлакатларда умумқабул қилинган тамойил ҳисобланади. Лекин муробаха сингари исломий молиявий битимлар чет эл банкни (бевосита ёки агентлар орқали) ўша мамлакатда жойлашган активларни олиш ва сотиш бўйича амалиётларга қамраб олиши мумкин. Бундай амалиёт эса чет мамлакатда доимий ваколатхона ташкил этилишига олиб келиши табиий. Бу ерда иккиёқлама солиққа тортишга йўлиқмаслик учун битим тузиш муҳим аҳамиятга эга.

Мана шундай муаммолар банкка музораба ёки ваколатдан фойдаланган ҳолда, пул беришда ҳам юзага келиши мумкин. Мижознинг ҳамкори ёки агенти сифатида ҳаракат қилувчи банкнинг вазифаси халқаро битимларда жиддий оқибатларга эга бўлиши мумкин. Мижоз учун асосий тижорат фаолиятини юриштишга маблағларни берилишида банк агент ёки ҳамкор сифатида иштирок этади, бу эса ушбу мамлакатда мижознинг доимий ваколатхонаси шаклланиши учун етарли бўлиши мумкин, чунки банк агент сифатида буюртмачи номидан амалий қарорларни қабул қилади.

Бунинг натижасида мижоз фойда солиғига тортилиши мумкин, шу билан бир вақтда чет мамлакатдаги чет эллик шахсга оддий банк омонатлари бўйича фоизлар тўлаб бериш солиққа тортилмаслиги мумкин. Шунга мувофиқ, оддий депозитни ваколат битими ёки музораба шартномаси билан алмаштириш исломий молиявий воситалар билан амалиётни амалга оширувчи банк жойлашган мамлакатда солиққа тортилиш хатарини юзага келтириши мумкин;

г) тўлов манбасидан ундириладиган солиқлар. Аксарият мамлакатларда тўлов манбасидан ундириладиган солиқлар тўловни амалга оширувчи чет эллик шахсдан ундирилади. Агар шерик-мамлакатлар ўртасида иккиёклама солиққа тортишга йўл қўймаслик мақсадида шартномалар тузилган ҳолатларида, бу чет эллик истеъмолчи фоизларга тўлайдиган солиқлар учун умум қабул қилинган ҳисобланади ва солиқ ставкасини камайтиради (одатда, нолга қадар).

Исломий молиявий битимлар бўйича трансчегаравий тўловлар ҳуқуқий жиҳатдан оддий амалиётлардан фарқ қилади. Масалан, ҳеч бир исломий молиявий битим бўйича фоиз тўланиши мумкин эмас. Шунга кўра, исломий молиявий битимлар бўйича солиқлар қай тарзда ва қандай ставкада ундирилиши тўғрисида саволлар пайдо бўлади. Масалан, ипотека кредити – фоиз тўлаш билан боғлиқ оддий молиявий битим ҳисобланади, шу билан бирга, исломий молияда ижара тўловлари тўлаш билан боғлиқ ижара ёки муробаҳа битими қўлланади;

д) қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС). Европа Иттифоқи доирасида қўлланадиган ҚҚС қоидаларида молиявий амалиётлар қоидага кўра, ҚҚСдан озод этилишини кўзда тутлади. Демак, банклар миждозларга фоиз ҳисоблашда ҚҚС ундирмайди.

Исломий молия воқеликдаги активлар билан амалиётларни ўтказиш орқали амалга оширилади. Аксарият ҳолларда ушбу активларни етказиб бериш ҚҚСга тортилади.

Агар ҚҚС активларни сотиб олиш ёки кейинчалик сотишга ҳисобланадиган бўлса, бу қўшимча харажатларга олиб келиши мумкин.

Якунда шуни қайд этиш лозимки, иккиёклама солиққа тортишга йўлиқмаслик бўйича мавжуд қарийб барча келишувларда, молиявий амалиётлар оддий шартларда амалга оширишни кўзлаб тузилади.

Шунга мувофиқ, исломий молиявий воситалардан фойдаланиб халқаро амалиётларни амалга оширишда, солиққа тортиш объекти юзага келиши масаласини тартибга солиш ва иккиёклама солиққа тортишни истисно этиш исломий молияни тизимли ривожлантириш истагида бўлган мамлакат учун усту-

вор вазифа ҳисобланади, яъни шерик-мамлакатларда халқаро исломий молиявий амалиётларни амалга оширишда даромадларни иккиёқлама солиққа тортишга йўлиқмаслик учун, мамлакатлар ўртасида исломий молиялаштириш билан боғлиқ шартномалардан келадиган даромадлар қисми бўйича тузилган битимларга кўшимчалар киритиш зарур.

Назорат учун саволлар:

1. Ислом ҳуқуқида ўрнатилган солиқлар таркибига қандай солиқлар киради?
2. Мусулмон мамлакат сиёсатида ижтимоий-иқтисодий мақсадлар қандай ўрин тутади?
3. Закот нималардан ва қандай ундирилади?
4. Малайзияда ижарани солиққа тортиш тартиби қандай амалга оширилади?
5. Корпоратив даромад солиғининг стандарт ставкаси Қатарда қай тарзда ўрнатилган?
6. Европа мамлакатларида исломий молия инструментларини солиққа тортишда қандай муаммолар юзага келади?
7. МДҲ мамлакатларида исломий молия воситаларини солиққа тортиш қандай босқичда турибди?
8. Қозоғистон Республикасида исломий молия воситалари соҳасидаги солиқ қонунчилигини ривожлантириш йўналишлари қандай кетмоқда?
9. Халқаро солиққа тортиш қандай муаммоларни ўз ичига олади?

4-бобда фойдаланилган адабиётлар:

1. *Зобова И. Ю.* Ислом иқтисодиёти мавжуд мамлакатларда солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма // Қозон: ТГПУ, 2008.
2. *Беккин Р. И.* Ислом иқтисодиёти. – Москва: АСТ: Восток-запад, 2008.
3. *Аляутдинов Ш.* Рўза ва закот: Кулиев Э. Закот ва унинг исломдаги ўрни (Электрон ресурс). – 2013. – [www. waytoquran. net](http://www.waytoquran.net)
4. *Sabahaddin Zaim.* Recent Interpretations of the Economic Aspects of Zakah / Sabahaddin Zaim. // Management of Zakah in Modern Muslim Society. – Jeddah, 2000.

5. *Mahmound A. Gulaid*. Public Sector Resource Mobilization in Islam / Mahmound A. Gulaid. // *Islamic Economic Studies*. – 1416 (1995). – №3. – Muharram (June).

6. *Yusuf Al Qardawi*. *Fiqh al Zakah: A Comparative Study of Zakah Regulations and Philosophy in the Light of Quran and Sunnah*. / Yusuf Al Qardawi. – Jeddah, 2000. – Vol. I.

7. *Sayyid Muhammad Rizvi*. Khums (The Islamic Tax) [Electronic resource]. – 2012. – Access mode: [www. al-islam. org](http://www.al-islam.org)

8. *Muhammad Akram Khan*. Zakah Accounting and Auditing in Pakistan / Muhammad Akram Khan. // *Islamic Economic Studies*. –1424 (2003). – № 2. – Muharram (March).

9. *Habib Ahmed*. Role of Zakah and Awqaf in Poverty Alleviation / Habib Ahmed. – Jeddah, 2004.

10. Understanding & Calculating Zakah Edition VII [Electronic resource]. – 2012. – Access mode: [www. 1stethical. com](http://www.1stethical.com).

11. The CiTy 02 UK excellence in Islamic Finance [http://www. londonstockex-change. com/specialist-issuers/islamic/downloads/ukti-uk-excellence-in-islamic-fi-nance. pdf](http://www.londonstockex-change.com/specialist-issuers/islamic/downloads/ukti-uk-excellence-in-islamic-fi-nance.pdf).

12. Islamic Finance Tax Considerations Around the World [Electronic resource]. – 2012. – Access mode: [http://www. pwc. com/structure](http://www.pwc.com/structure).

13. Islamic Finance in Europe // Occasional paper series of ECB. – 2013. – № 146 (June).

14. Tax treatment on Islamic finance in Malaysia//Malaysian Institute of Accountants (MIA). 2012. Nov.

15. Cross border taxation of Islamic finance in the MENA region // Qatar finance Centre authority.

16. *Калимуллина М., Беккин Р.* Закот. Амалий қўлланма. – Москва, 2010.

17. *Asad Zaman*. Islamic Economics: Survey of literature // IIU Pakistan, Islamabad. – 2008.

18. *Haji Mohd Rais Haji Alias*. Management briefing / Haji Mohd Rais Haji Alias // Zakat collection centre Federal territory Islamic religious council.

19. *Faridi F.R.* Theory of Fiscal Policy in an Islamic State / F. R. Faridi // *J. Res. Islamic Econ.* – 1403/1983. – №. 1. – P. 15–30.

20. *Байдаулет Е.* Исломий банкинг: Мослашув муаммолари //Каз. правда. – 2011. – 12 март.

21. *Айтхожин К.* Қозоғистон Республикасида исломий молиялаштириш // Юрист. – 2011. – №6.

22. Қозоғистон Республикасининг 1995 йил 31 августдаги 2444-сонли «Қозоғистон Республикасининг банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни.

23. Қозоғистон Республикаси ҳукуматининг 2012 йил 29 мартдаги «2020 йилгача исломий молиялаштиришни ривожлантиришга доир Йўл харитасини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

24. Қозоғистон Республикасининг 2008 йил 10 декабрдаги №99-IV рақамли «Бюджетга тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрисида»ги Кодекси (Солиқ кодекси).

25. *Ўроз Боймуратов*. Исломий молиялар ҳозирда кўпчилик томонидан жаҳон молиясини барқарорлаштирувчи омил сифатида кўрилмоқда // (Электрон ресурс). – 2013. – <http://www.islamsng.com/kaz/report/1530>.

26. *Беккин Р.И.* Ислом иқтисодий модели ва замон. 2-нашри. Қўшимча ва ўзгаришлар билан. – Москва: Маржоний нашриёти, 2010.

27. *Калимуллина М.* Россияда исломий молиявий лойиҳалар / – Москва: «Исламская книга» нашриёти, 2011.

28. Кенгаш миссиясининг Тожикистон ҳақидаги ҳисоботи. – Душанбе: IFSB, 2010. 11–14 октябрь.

29. *Паркер М.* МДХда исломий молиялар – бозор ва тартибга олиш (Электрон ресурс). – 2013. – http://www.islamicbanking.ru/post_release

30. *Вахитов Г.* Собиқ СССР мамлакатларида исломий молиявий муассасаларнинг шиддатли ривожланиши (Электрон ресурс) – 21. 11. 2012. – <http://islam-today.ru/>

31. *Калимуллина М.* Жаҳон молиявий инкирози шароитида Россия ва МДХда исломий банкинг: назария ва амалиёт / «Проблемы экономики» журнали. – 2009. – №4.

32. *Беккин Р.И.* Исломий молиялар Озарбайжонда // «Проблемы современной экономики». – 2009. – №1.

33. 2000 йил 11 июлдаги №905-IX-сонли Озарбайжон Республикасининг Солиқ кодекси.

34. ОЭСР «Transfer pricing guidelines for multinational enterprises and tax administrations» қўлланмаси.

35. OECD Model Tax Convention on Income and on Capital – an overview of available products.

36. Report of UKIFS a part of CityUK, October 2013 // www.the.cityuk.com.

5 - б о б . Исломий молиялардаги хатарлар

5.1. Ноаниқлик тушунчаси.

Исломий банклардаги хатарларни бошқариш тўғрисидаги китобда Хон ва Аҳмад, исломий банклар нафақат анъанавий банклар тўқнаш келадиган хатарлар шакллари билан иш олиб боришлари мумкинлигини қайд этганлар. Муаллифларнинг қайд этишича, исломий банклар ўз актив ва пасивларининг ноёб (ўзига хос) таркиби натижасида пайдо бўладиган янги ва тизимнинг ўзига хос хатарлари билан юзма-юз келадилар. Уларнинг фикрича, хатарларнинг мана шу янги шакллари шарият талабларига мувофиқликнинг бевосита натижаси ҳисобланади. Улар, шунингдек, исломий банклар тўқнаш келадиган оддий ёки анъанавий хатарлар ўзининг моҳиятига кўра, анъанавий банклар иш олиб борадиган хатарлардан фарқ қилади деб таъкидлайдилар. Бундан шуни қайд этиш мумкинки, исломий банкларга хатарларни эътироф этишнинг ўзгача жараёнлари ва хатарларни бошқаришга ўзгача ёндашувлар ҳамда назорат ва текширувнинг бошқа шакллари керак бўлади.

Энг аввало, ғорар тушунчасининг тавсифига ёндашувни кўриб чиқиш зарур. Ғорар сўзи арабча *gharaga/gharra* феълидан келиб чиқиб, ўзи ва ўз мулкини ўзи билмаган ҳолда хонавайрон қилишни англатади. Шундай қилиб, ғорарнинг энг муҳим таркиби – бу ортида ҳақиқат яширинган ёлғон маълумот воситасида кишини алдов ва хатоликлар қилишга етаклаш ҳисобланади. Айрим фикршунослар ғорарни шартнома предметининг мавжудлигини шубҳа остига олиш сифатида талқин этадилар. Ал-Сарахсий ғорарни ҳуқуқий оқибатлари ёки натижалари яширин ёки номаълум битим сифатида таърифлаган. Ибн Рушд эса ғорар битимини шундай тушунади: харидор битим предметининг мавжуд эмаслиги ёки баҳо ҳақида ахборотнинг етарли эмаслиги сабабидан, зарар кўради.

Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи васаллам):

«Зарар бериш ҳам, зарар етказиш ҳам йўқ! Кимки зарар етказса, Аллоҳ унга зарар беради. Кимки машаққатга қўйса,

Аллоҳ унга машаққат етказди», – дедилар (Байҳақий, 6/11166; Дорақутний, 3/3123; Ҳоким, 3/2345).

Ад-Дарир ғорарнинг 14 та шакли бор эканлигини аниқлаган. Улардан иккитаси предметнинг сони тўғрисида маълумотларнинг мавжуд эмаслиги ва мавжуд бўлмаган предмет тўғрисида битим тузилиши сабабидан аниқланади. Ғорарнинг биринчи шакли ҳақида сўз юритадиган бўлсак, агар шартнома предмети зохирий (кўзга кўринарли) чегарада мавжуд бўлмаса, у ҳолда унинг сони ҳақида маълумотга эга бўлиш битимнинг ҳуқуқий жиҳатдан амалда эканлигининг шarti ҳисобланади.

Ғорар тушунчаси моддий асосларга эга. Ғорарнинг таърифи қандай бўлишидан қатъи назар, у мулк йўқолишига олиб келувчи шартномавий хатар сифатида кўриб чиқилиши лозимлиги аниқ. Маълум бир хатарлар ҳар қандай савдо амалиётларининг ҳамроҳи бўлишини инобатга олган ҳолда, хатарнинг аҳамиятли ёки кам эканлиги бўйича таснифи ҳақидаги ўзларининг тушунчаларига асосланиб, фикҳшунослар хатарлар мавжуд бўлган тақдирда, айрим битимларни ман этиш кераклиги тўғрисида турлича қарашларга эгалар. Баъзан фақат маълум бир шартномадан олинадиган салмоқли иқтисодий манфаат, у билан боғлиқ аҳамиятли хатарни босиб кетади ва тақиқни ман этади.

Хатарлар молиявий муассасалар (масалан, банклар) ўз олдига мақсад қилиб қўйган: стратегик, амалий, молиявий ҳамда ўрнатилган талабларга мувофиқликни таъминлаш бўйича мақсадларга эришишга таъсир кўрсатувчи бирон-бир ҳодисани англатади. Қуйидаги ҳодисалар (хатарлар) рўй бериши мумкин: 1) қарздорнинг ўз қарзини тўлай олмаслиги; 2) чет эл валюталари алмашинув курсларининг ўзгариши; 3) шариат қоидалари ва қонуннинг бузилиши; 4) исломий молиявий муассасаларга зарар етказиши мумкин бўлган бошқа ҳодисалар.

Фикҳшунослар ғорарни ман этишда айирбошлашдаги тенгсизликдан қочишга уринишни кўрадилар. Ғорарни ман этиш бўйича берилган фикҳий таърифларда, у ноаниқликнинг бир қирраси сифатида таъкидланади. Бу борада доктор Мустафо ал-Зарқонинг таърифи жуда ўринли ҳисобланади: «Ман этилган ғорар, бу мавжудлиги ёки тавсифи ўз тасдиғини топмайдиган

эхтимолий предметларни сотиш бўлиб, бундай битим ўзининг хатарли хусусиятига кўра, қимор ўйинларига ўхшайди».

Моҳиятан ғорар тўла бўлмаган ахборот ёки алдовнинг айрим турларини ҳамда битим предметига хос бўлган ноаниқлик ва хатар омилларини ўз ичига олади. Битимнинг матни буткул тўлақонли бўлиши мумкин эмаслиги боис, битимларда доимо маълум даражада хатар ва ноаниқлик иштирок этади. Шундай қилиб, фикҳшунослар битимни буткул бекор қилишга олиб келадиган ўта юқори ғорар ва жоиз ҳисобланадиган аҳамиятсиз ғорар ўртасидаги фарқни аниқладилар.

Исломий транзакцияларда ғорарнинг 4 шаклини ажратиш кўрсатиш мумкин:

1) **Йўл қўйилиши мумкин бўлмаган ғорар.** Қимор ўйинига ўхшаш ғорарнинг ушбу шаклида, икки киши ўртасида пул ёки товарларни ҳеч бир натижасиз берилиши амалга ошади ва атайин ёки кўнгилли равишда ғорарга йўл қўйилади, яъни бирон-бир қўшимча қиймат ёки ортиқча қимматлик яратилмайди.

2) **Йўл қўйилиши мумкин бўлган ғорар.** Турли мазҳаблар ўртасида битимни бекор қилишга олиб келадиган ушбу ғорарни ман этишга нисбатан ягона мавқенинг йўқлиги туфайли ҳам бундай ғорар жоиз ҳисобланади. Агар мазҳабларнинг ақалли биттаси қўшимча шартлар ёки шартларсиз бирон-бир ғорарга рухсат берса, ушбу ғорар йўл қўйилиши мумкин бўлган ғорар ҳисобланади.

3) **Мақбул ғорар.** Бу ерда номақбул ёки нохуш ҳодисанинг оқибатлари ва содир бўлиш даражасига нисбатан ноаниқлик даражаси сифатида, хатарнинг анъанавий тавсифи қабул қилинади (рўй бериши мумкин бўлган нохуш ҳодисанинг оқибатлари пул шаклида ифодаланади). Бирон-бир қарорнинг қабул қилиниши бирдан ортиқ кўнгилсиз ҳодисага олиб келиши мумкинлигида, ноаниқлик пайдо бўлади.

Агар ғорарнинг асосий манбалари эндоген ёки экзоген таъсирлар остида содир бўлса, бундай ғорар йўл қўйилиши мумкин ҳисобланади. Экзоген таъсирларга мисол тариқасида истеъмолчилар дидининг, фирмалар технологияси ва об-ҳавонинг ўзгаришини ҳам ноаниқлик сифатида келтириш мумкин. Эндо-

ген ноаниқликнинг мисоли сифатида харидорнинг ўзи билан муомалага киришадиган сотувчининг мақбуллигига ёки у сотиб оладиган товарнинг сифатига ёхуд мўлжалланган битим шартларига нисбатан шубҳаларини келтириш мумкин.

4) **Доимий (мажбурий) ноаниқлик.** Ушбу ҳолатда ғорар битимнинг зарур шarti ҳисобланади. Бу мушорака, музораба ва ижара битимларига нисбатан мустаҳкам жорий бўлган қарашдир. Ушбу нуқтаи назарнинг асосида зарар ва фойда доимий ҳамроҳ эканлиги тўғрисидаги исломий фикҳий қоида ётади, буни шундай тушуниш лозим: агар инсон бирон-бир предметдан фойда кўраётган бўлса, у ҳолда у мазкур предмет билан боғлиқ йўқотиш хатарини ҳам ўзига олган бўлади. Буни Пайғамбар (саллоллоху алайҳи васаллам)нинг қуйида келтирилдиган ривоятларидан келиб чиқувчи яна бир фикҳий қоида ҳам тасдиқлайди.

Пайғамбар (саллоллоху алайҳи васаллам)

«Фойда зоминлик билан биргадир», – дедилар.

Имом Аҳмад, Абу Довуд, Шофеъийлар ривоят қилганлар.

Мушорака битими шартларига кўра, барча тарафлар фойда олишда ҳамда зарар кўрилган ҳолатларда шерик ҳисобландилар ва томонларнинг ҳеч бири энг юқори кафолатланган даромадга ва фақат фойда келадиган улушгагина талабгор бўла олмайди, шу билан бирга томонларнинг бири ҳам ўзининг фойдадаги улушидан мажбуриятларнинг буткул миқдори бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олмайди, чунки, мана шундай шартлар асосида амалиёт юритиш юқорида таъкидланган қоидаларга зид келади.

5.2. Хатарларни аниқлаш.

Анъанавий банклар каби исломий банклар ҳам асосан молиявий ва операцион (амалий) хатарлар билан иш олиб бордилар. Молиявий хатарлар кредит, бозор ҳамда ликвидлиликни йўқотиш хатарларига бўлинади, исломий банклар билан бўлган ҳолатда – бу ҳиссадорлик капиталига маблағ киритиш хатаридир. Амалиёт хатарлари ички ва ташқи (бизнес-хатарлар) хатарларга

бўлинади. Банк сектори учун хатарларнинг асосий тоифалари умумий ҳисобланса-да, исломий банкларда хатарлар тоифаости хатарларига, масалан, бозор ва амалиёт хатарлар ҳолатидаги каби ажратиб кўрсатилади. Умуман олганда, исломий банкларнинг хатар харитаси анчайин мураккаб ҳисобланади, чунки турли битимларда турлича хатарлар учраб туради. Янада аниқроғи, исломий банкларнинг айрим таркибий амалиётлари шакллари авваллари банк саноатида алоҳида ажратиб кўрсатилмаган хатарларни, масалан, шериклик тижорат хатарини вужудга келтиради. Шу сабабли исломий банклар хатарини икки босқичда кўриб чиқиш лозим бўлади.

Биринчи босқичда барча хатарларнинг сабаблари мувофиқ таҳлилдан ўтказилиб, умуман банк бизнеси учун хос бўлган хатарлар идентификациялаб олинади. Исломий амалиёт усулини қўллаш натижасида пайдо бўлган махсус хатарлар шариат бўйича хатарларни ҳамда унинг ҳар бир манбаси бўйича хатарларни ўз ичига олади.

Идентификациялашнинг иккинчи босқичи асосий исломий молиявий битимларнинг ҳар бир шакли учун ўзига хос хатарларни ичига олади, чунки бир битимдан иккинчи битимгача хатарларнинг манбалари ўзгаради. Масалан, салам битимидаги бозор хатари товар хатари сифатида аниқланадиган ва етказиб берилгач, сотилган ҳисобланадиган товарлар баҳосининг тебранишидан келиб чиқади. Бошқа томондан, ижара битими бўйича бозор хатарларининг манбалари лизинг объекти баҳосидаги (товар хатари ёки активларнинг курси хатари) тебранишлар, лизингга берилган асосий воситалар қолдиқ қийматининг ўзгариши (қолдиқ қиймат хатари) ёки белгиланган ставка бўйича узоқ муддатли ижара тўловлари ҳолатида, ижара тўловини аниқлаш учун асос бўлган савдо устамаси бўлиши мумкин (савдо устамаси хатари). Шундай қилиб, ҳар бир молиявий битим хатарининг ихтисослашуви шартноманинг алоҳида таркибларини таҳлил қилиш йўли билан ва назорат ҳамда стандартлаштириш ташкилотлари томонидан ўрнатилган талабларга мувофиқ аниқланади (масалан, ААОIFI бухгалтерия стандартлари ва шариат стандартларига мувофиқ).

5.1-жадвалда исломий ва анъанавий банкларга хос бўлган хатарлар умумий таснифи берилган.

5.1-жадвал

Хатарлар андозаси

Хатар шакллари	Исломий банкинг	Анъанавий банкинг
Бозор хатари	v	v
Фоиз хатари	x	v
Кредит хатари	v	v
Ликвидлиликни йўқотиш хатари	v	v
Амалиёт хатари	v	v
Ҳиссадорлик капиталига маблағ киритиш хатари	v	x
Қўйилмаларни коплаш хатари	v	x
Захираларнинг қадрсизланиши хатари	v	x
Ҳуқуқий хатар	v	x

Банкларнинг хатарларини молиявий ва номолиявий хатарларга ажратиш мумкин. Молиявий хатарлар бозор ва кредит хатарларига ажратилади. Номолиявий хатарларга эса амалиёт, норматив (меъёрий) ва ҳуқуқий хатарлар киради. Қуйида улардан айримларининг таърифлари келтирилади.

Бозор хатари – тўлақонли шаклланган бозорда сотиладиган активлар ёки молиявий воситалардан келиб чиқадиган хатардир. Бозор хатарлари микро ва макроманбалардан пайдо бўлиши мумкин. Тизимли бозор хатари бозор иштирокчиларининг муносабати ва бозорлар умумий баҳосининг ўзгариши сабабли юзага чиқиши мумкин. Тизимсиз бозор хатари эса бирон-бир мулкнинг баҳоси молиявий восита ёки мулк билан боғлиқ бирон-бир ҳодиса натижасида ўзгариши боис пайдо бўлади. Турли бозорлардаги баҳоларнинг ўзгариб туриши турли шаклдаги бозор хатарларини келтириб чиқаради. Шундай қилиб, бозор хатарлари орасидан қуйидаги: фонд, фоиз, валюта ва товарлар бўйича баҳолар хатарларини ажратиш мумкин. Натижада бозор хатари

банкларнинг банк портфелида ҳам, савдо портфелида ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Барча хатарлар эътиборли бўлишни талаб этса-да, банклар учун фоизли хатарлар асосий ҳисобланади ва биринчи навбатда эътиборга олинади.

Фоиз хатарлари – банкнинг молиявий ҳолатига фоиз ставкалари ўзгаришининг таъсирини акс эттиради. Фоиз хатари турли манбалардан келиб чиқиши мумкин. Қайта баҳолаш хатари мажбуриятлар ва балансдан ташқари активлар, активларни қайта баҳолаш ва уларнинг амал қилиш муддати ўртасидаги фарқлар туфайли юзага келади. Ҳатто қайта баҳолашнинг ўхшаш хусусиятлари ҳолатида ҳам, агар активлар ва мажбуриятлар бўйича ставкаларни лозим даражада таҳрир этиш амалга оширилмаса, асосий хатарлар барибир пайдо бўлиши мумкин. Эгри даромад¹ даги ўзгаришлар туфайли, даромадлиликни йўқотиш хатари фойдалиликка нисбатан ноаниқликни ифодалайди. Ва ниҳоят, *колл* (сотиб олиш ҳуқуқига эгалик опционлари) ва *пут* (сотиш ҳуқуқига эгалик опционлари) имкониятига эга молиявий воситалар ҳам кўшимча хатарларни келтириб чиқариши мумкин.

Кредит хатари – шартномадаги иккинчи томон, шартнома шартлари бўйича ўз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўла ҳажмда бажара олмаган ҳолатда юзага келади. Ушбу хатар банклар кредит ва савдо портфелида иштирок этиши мумкин. Қарздор қарзни сўндириш бўйича ўзининг мажбуриятларини ўз вақтида ва тўла ҳажмда бажара олмаса, кредит портфелида кредит хатари юзага келади. У активларнинг сифати ва касод (дефолт) эҳтимоли/шартномани бажара олмаслик билан уйғунлашади. Кредит хатарини қисман диверсификация қилса бўлади, лекин уни буткул йўқ қилиб бўлмайди.

Ликвидлиликни йўқотиш хатари – банкнинг меъёрий фаолият кўрсатиши учун ликвидлилик етишмаган ҳолатда юзага келади ва тўловлар муддати келган вақтда, банкнинг ўз мажбуриятлари бўйича жавоб бериш қобилияти пасаяди. Ушбу хатар, мақбул шартлар асосида қарзга олиш орқали маблағларни жалб этиш билан боғлиқ қийинчиликларда (ликвидлиликни молия-

¹ *Эгри даромад* – жалб қилинган ресурсларнинг муддатига боғлиқ равишда қиймати бўйича даромадни аниқлаш.

лаштириш хатари) ёки активларни сотишда (активларнинг ликвидлилик хатари) пайдо бўлади. Банк бизнесида ликвидлиликни йўқотиш хатарини мумкин қадар камайтириш актив ва пассивларни бошқаришдаги энг муҳим жиҳат ҳисобланади. Молиялаштириш билан боғлиқ хатарларни, маблағлар оқимини лозим даражада режалаштириш ва маблағлар захирасини тўлдириш учун молиялаштиришнинг янги манбаларини жалб этишни назорат қилиш орқали амалга оширилади: активларнинг ликвидлилик хатарини активларни диверсификация қилиш ва айрим ноликвид маҳсулотлар учун лимитларни ўрнатиш йўли билан пасайтирилади.

Ликвидлиликни йўқотиш хатарини бежиз банклар учун ҳаёт-мамонт масаласи деб таърифланмайди. Ўтган давр ва ҳозирда аксарият анъанавий банкларнинг инқирози ушбу тасдиқнинг бекор эмаслигини тасдиқлайди. Шунинг учун банкларнинг ўзлари ҳамда тартибга солувчи ташкилотлар, ликвидлилик мавқеига нисбатан юқори даражада хушёр бўлишга интиладилар. Исломиий банклар фойдада иштирок этиш қондаси туфайли, ҳеч бўлмаганда назарий жиҳатдан янада мустаҳкам бўлишлари лозим.

Амалиёт хатари мукамал таърифга эга эмас ва инсон ёки техниканинг хатоси ёхуд бирон-бир тасодиф сабабли содир бўлиши мумкин. Мазкур хатар – бирон-бир ички жараёнларни бажармаслик ёки нотўғри бажариш ёхуд инсон омили таъсирида, технологик сабабларга кўра ёки бирон-бир ташқи таъсирлар натижасида бевосита ёки билвосита йўқотишлар хатаридир. Инсон омили ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу ерда хатар билимсизлик ёки фирибгарлик натижасида, технологик хатар эса телекоммуникацион тизим фаолияти ва дастурдаги тўхталишлар сабабли пайдо бўлиши мумкин. Жараён хатарлари моделлар таснифидаги хатолар, транзакцияларнинг ноаниқ бажарилиши ва амалиёт назорати худудининг бузилиши каби турли сабабларни ўз ичига олади. Ноаниқ жараёнлар, маълумотларни қониқарсиз рўйхатга олиш, тизимдаги бузилишлар, ўрнатилган талабларга мувофиқ келмаслик ва бошқалар билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлган тақдирда, амалиёт харажатлари аввалда кўзда тутил-

ганидан фарқ қилиши мумкин, бу эса соф фойдага салбий таъсир кўрсатади.

Ҳуқуқий хатар – ушбу хатар молиявий шартномаларни бажара олмаслик билан боғлиқ, бу ерда транзакциялар ва шартномаларнинг бажарилишига таъсир кўрсатувчи меъёр/стандартлар ва қонунчилик ҳужжатлари, умумий қонунчилик назарда тутилмоқда. Ушбу хатар хусусиятига кўра, ташқи (маълум бир хўжалик фаолияти/бизнесни тартибга солувчи меъёрлар) ёки ходимлар ёхуд раҳбариятнинг ҳаракатлари билан боғлиқ (масалан, фирибгарлик, қонун ва ўрнатилган қоидаларни бузиш ва ҳ.к.) ҳолда ички бўлиши мумкин. Ҳуқуқий хатарларни амалиёт хатарларининг бир қисми деб ҳисоблаш мумкин. Меъёрий хатарлар мамлакатдаги меъёрий-ҳуқуқий асоснинг ўзгариши билан юзага келади.

Исломий молиявий муассасалар ҳиссадорлик капиталига маблағлар киритиш, фойда ва зарарларни тақсимлашни назарда тутувчи инвестициялар билан боғлиқ фонд хатарларига йўлиқадилар. Шерикчилик муносабатларига асосланган музораба ва мушорақа инвестициялари ҳам шунга киради. Ҳиссадорлик капиталига маблағлар киритишнинг ёрқин тимсоли биржа бозорларида акцияларга эгаллик қилиш, ҳиссадорлик капиталига хусусий маблағлар киритиш, синдикатлашган инвестициялар ва ҳиссадорлик капиталининг алоҳида лойиҳаларида иштирок этиш ҳисобланади.


Анъанавий тижорат банклари ҳиссадорлик капиталига асосланган активларга инвестиция қилмаслигини ҳисобга олинса, исломий молиявий муассасалар учун ушбу хатар ўзига хос ҳисобланади. Ҳиссадорлик капиталига маблағ киритиш ликвидлиликни йўқотиш хатари ҳамда кредит ва акцияларга эгаллик қилиш билан боғлиқ бўлган бозор хатари сабабли, молиявий муассасанинг даромадлари ўзгарувчанлигига олиб келиши мумкин.

Аксарият исломий банкларда, кредит портфелидаги қўйилмаларнинг харажатларни қоплай олиш хатари савдо портфелидаги бозор хатарларига нисбатан салмоқли бўлади. Кре-

дит портфелидаги қўйилмаларнинг харажатларни қоплай олиш муддати ва мувофиқлиги даражаси етарли бўлмаган тақдирда, даромадлиликка асос бўлувчи меъёрлар ўзгариши билан боғлиқ хатарларни келтириб чиқариши ва мазкур ўзгаришлар кейинчалик, банк даромадларининг жорий қийматига таъсир кўрсатиши мумкин.

Захираларнинг қадрсизланиш хатари. Айрим исломий молиявий битимлар исломий банкларда мулкка эгаллик ҳуқуқи мавжуд бўлишини талаб этади. Агар миждоз мулкни сотиб олмаса (кредит хатари), у ҳолда банк захираларнинг қадрсизланиши хатарига дуч келади. Товар захираларига эга бўлган банк ҳам баҳолар тебраниши билан боғлиқ хатарга дуч келади.

Исломий банкларнинг хатарлари кесими анъанавий банкларга нисбатан хатарлар мажмуининг турфалиги ва мураккаблиги билан хусусиятланади. 5.1-расмда исломий банкингга хос бўлган хатарларнинг умумий таснифи келтирилган.



5.1-расм. Исломий банк хатарлари.

Исломий банкларнинг келтирилган хатарлар таснифи исломий банклардаги хатарларнинг ранг-баранглиги ва мураккаблиги даражасини яққол ифодалайди. Хатарларнинг ушбу харитаси анъанавий банклар хатарлари харитасини эсга солади ва исломий банклардаги хатарларнинг анъанавий банклардаги хатарлардан фарқли томонларини очиб беради ва асосий/яширин хатарларни яхши тушунишга имкон беради. Шунга мувофиқ ҳолда, бундай ёндашув исломий банклар хатарларини бошқариш усулларини самарали қўллашга кўмаклашади.

Исломий банклар шариат қоидаларига риоя этади ва шунга боғлиқ равишда, улар фаолиятида шариатга риоя қилиш зарурияти туфайли қўшимча хатарлар иштирок этади ва бундай ҳолат анъанавий банкларда бўлмайди. Масалан, рибога бўлган тақиб даромадлиликни йўқотиш хатарининг юзага келишига сабаб бўлади ва анъанавий банкларда мавжуд фоиз хатарига таъсир кўрсатади, шундай қилиб у устама хатари ёки таянч ставка хатарига айланади.

Бозор хатарлари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, исломий банклар исломий банклар хатарлари харитасида келтирилган 2 та, яъни устама ва товар баҳолари хатарларига дуч келади.

Устама хатари фоиз ставкаларининг бозордаги тебранишлари билан боғлиқ ҳолда юзага келади ва турли воситалар баҳосини аниқлашда асос (таянч) сифатида ишлатилади. Шу боис, таянч ставкага қўшиладиган хатар учун қопламани инобатга олиб, устама аниқланади ва шартнома имзолангач, у ўзгармайди. Айрим исломий молиявий битимлар бўйича устама даражасини аниқлаш учун анъанавий фоиз ставкалари қўлланади, бундай ҳолатларда устама хатари фоиз хатари билан мувофиқ келади.

Ислом фикҳи томонидан эътироф этилган **шариат қоидаларидан четга чиқиш билан боғлиқ хатарлар** фақат исломий банклар амалиётлари учун хос бўлган амалиёт хатарининг яна бир муҳим таркибини ташкил этади. Шу боис амалиёт хатарларини бошқариш учун турли чора-тадбирларни шакллантириш ва назарда тутиш лозим бўлади.

Даромадлиликни йўқотиш хатари, ўтувчи тижорат хатари ва маблағларни олиб қўйиш (чақириб олиш) амалиёт хатари тоифасига тушадиган қўшимча хатарларни ўзида акс эттиради. Даромадлиликни йўқотиш хатари инвестицион ҳисоб варақ эгаларини таъминловчи даромад меъёри билан боғлиқ, ушбу ҳисоб варақ эгалари, шунингдек, исломий банклар омонатчилари ҳам ҳисобланадилар ва агар уларнинг даромадлари эътироф этилган бозор ставкасидан паст бўлиб қолса, у ҳолда уларнинг банкка ишончи пасаяди. Бу ерда даромадлиликни йўқотиш хатари нафақат исломий банкларга хосдир, чунки анъанавий банклар ҳам бизнес-хатар деб аталувчи мана шундай хатарга дуч келдилар. Лекин анъанавий банклар бозор ставкаларини ҳисобга олиб, депозитлар бўйича фоиз ставкаларини аввалдан белгилаб қўядилар ва бирон-бир ўзгариш унга у қадар таъсир кўрсатмайди. Анъанавий банклардан фарқли равишда, исломий банклар мижозларнинг инвестицион омонатлари ва банк фойдасидан келиб чиқиб, омонатчилар ўртасида даромадни тақсимлайдилар: шундай қилиб, охир-оқибат даромадлилик бозор ставкаларидан сезиларли равишда фарқ қилиши мумкин. Исломий банклар мана шундай хатарларни камайтириш мақсадида, амалиётда маълум бир саъй-ҳаракатларни амалга оширадилар.

5.2-жадвалда исломий банкларга хос бўлган хатарларнинг қисқача баёни берилган.

5.2-жадвал

Исломий банклар хатарларининг қисқача баёни

Хатар номи	Хатар тавсифи
Кредит хатари	Битимнинг кредит хусусиятидан келиб чиқиб, контрагент (банк мижози) келишилган шартларга кўра ўз мажбуриятларини бажара олмайди
Бозор хатари	Таянч ставкалар, валюталар курси, акциялар баҳоси сингари ноқулай ўзгаришларнинг баҳоларга эҳтимолий таъсири

Ликвидлилик хатари	Банкнинг ўз мажбуриятларини бажара олмаслиги билан боғлиқ эҳтимолий зарарлар ёки номақбул активларни молиялаштиришнинг ортиши туфайли зарар ёки харажатларнинг юзага келишига йўл қўйиш
Амалиёт хатари	Инсон омили, ички хато ёки номуносиб жараёнлар, бутун тизим ёки ташқи ҳодисалар таъсири натижасида эҳтимолий йўқотишлар
Шариатга риоя этмаслик хатари	Ушбу хатар шариат қоидалари ва тамойилларига риоя этмаслик билан боғлиқ
Даромадлилик хатари	Даромадлилик ставкасида кутилмаган ўзгаришлар натижасида фойдага эҳтимолий таъсир кўрсатиш
Ўтувчи тижорат хатари	Инвестицион ҳисоб варақ эгалари молиялаштирган активларда ишлаб топилган даромад бўйича тўловларнинг меъёрдан ошиши натижасида, банкнинг тижорат босимида дуч келиши хатари. Банк ўз маблағ етказиб берувчилари жамғармасини сақлаб қолиш учун ўзининг фойдадаги бутун улушидан ёки унинг бир қисмидан воз кечади ва ўз миқдорларини маблағларни олиб чиқиб кетмасликка ишонтиради
Ҳиссадорлик капиталига қўйилмалар хатари	Аниқ молиялаштиришда иштирок этиш ёки қатнашиш мақсадида шерикчилик тузиш билан ёки битимда баён этилганидек, молиявий маблағлар берувчи бизнес-хатарларни бўлишиб оладиган умумий амалий фаоллик билан боғлиқ юзага келувчи хатарлар. Ушбу хатар музораба ва мушорака битимларига алоқадордир

Захиралар хатари	Муробаха битими буйича асосий восита ва товарларни қайта сотиш ёки ижара шартномаси буйича асосий воситалар, товарларни лизингга беришда, уларни сақлаш билан боғлиқ хатарлар
------------------	---

Даромадлилик хатари. IFSB исломий банклардаги даромадлилик хатарини, ИХЭ (инвестицион ҳисоб варақ эгаси) томонидан киритилган маблағлардан олинган ноаниқ инвестицион даромадлар ва бошқа инвестицион молиявий муассасаларга боғлиқ асосий (таянч) ставканинг ошиши сифатида таърифлайди, бу ўз инвесторларига юқори ставкаларни таклиф этувчи исломий банклар учун ортиқча юк бўлади. Масалан, исломий банк, манбаси омонатчи-инвестор ҳисобланадиган ўзининг активлари буйича 5% олишни кўзда тутган бўлиши мумкин. Шунга кўра, агар жорий бозор ставкалари 6% гача кўтариладиган бўлса, у ҳолда бу банк ўзининг инвестицияларида ишлаб топилгани мўлжаллаганидан юқорироқ бўлади ҳамда омонатчилар ҳам ўзларининг инвестицион омонатларидан 6% даромадлиликка эришишни кўзлайдилар.

Даромадлилик хатари (rate of return risk) ва фоиз ставкаси хатари (the interest rate risk) ҳам бир-биридан фарқ қилади. Биринчидан, анъанавий банклар фоизга асосланган, белгиланган даромадлиликка эга қимматбаҳо қоғозлар билан ишлайдилар, шунга мувофиқ, улар буйича ноаниқлик даражаси сўндирилгунига қадар сақлаб (ушлаб) туриладиган инвестицияларнинг даромадлилик ставкасига нисбатан паст бўлади. Шунга боғлиқ ҳолда исломий банклар, маржа ишлатиладиган ва капиталдаги улушга эгалликка (equity) асосланган инвестицияларга эга бўлганликлари боис, ноаниқлик ушбу инвестициялар буйича олинадиган даромадларга нисбатан доимо юқори бўлади. Иккинчидан, анъанавий банкларда депозитлар буйича даромад олдиндан тайин бўлади, булардан фарқли равишда, исломий банклардаги депозитлар одатда фақат тахмин қилинади ва аввалдан келишилмайди. Бундан ташқари, шерикчиликка асосланган айрим инвестициялар буйича даромад, ҳатто инвестиция даври якунига қадар ҳам номаълум бўлади.

Исломий банклар омонатчи-инвесторлар оладиган фойда даражасини аниқлаш учун ўзларининг инвестициялари натижасини кутишга мажбурдирлар. Агар мана шу давр мобайнида кутилаётган фойда меъёри ёки асосий ставка (prevailing yield) ўзгарса, у ҳолда инвесторлар банкдан мана шундай даромадни олишга умид қилишлари мумкин.

Ўтувчи тижорат хатари (Displaced commercial Risk). IFSB ушбу хатарни исломий банкларнинг ўзигагина хос бўлган хатар сифатида кўриб чиқади. Ушбу хатар, исломий банклар омонатчилари томонидан молиялаштирилган активлардан олинган даромад меъёрига нисбатан ортиқча даромад тўлаб беришга мажбур бўлганда, шунингдек, рақобатчилар кўрсаткичлари билан таққослаганда активларнинг рентабеллиги самарасиз бўлганда, ўз омонатчиларини сақлаб қолиш учун интилганда юзага келади, молиялаштириш манбалари, омонатчиларни жалб этиш ва уларни сақлаб қолишда рақобатчиларнинг босими билан ўтувчи тижорат хатари пайдо бўлади ва бу фойда меъёри хатарининг натижаси ҳисобланади. Исломий банкларнинг фойдадаги ўз улушининг маълум бир қисмидан ёки барчасидан буткул воз кечиши тижорат қарори ҳисобланади. Харон ва Хокнинг фикрича, ўтувчи тижорат хатари омонатчиларнинг маблағлари, муробаҳа ёки ижара сингари активларга узоқ муддатли сўндириш даври билан инвестиция қилинганда юзага келади ва фойда меъёри муқобил инвестициялар билан таққослаганда, рақобатбардош бўлмай қолади. Гарчи исломий банклар фойдани бу тарзда меъёрга солишлари мумкин бўлмаса-да, лекин улар тижорат босими остида мана шундай қарор қабул қилишга мажбур бўладилар.

Ҳиссадорлик капиталига маблағлар киритиш хатари. IFSB инвестицион капиталга хатарни, маълум бир объектни молиялаштиришда иштирок этиш мақсадида шерикчиликка ёки шартномага мувофиқ, молиявий манбаси бизнес-хатарларни тақсимловчи умумий фаолиятга кириш натижасида юзага келадиган хатар сифатида таърифлайди. Анъанавий тижорат банклари улушли иштирок этишга асосланган активларга маблағ киритмаслигини эътиборга олиб, ушбу хатарни айрим жиҳатлари билан исломий молиявий муассасалар учун ўзига хос дейиш мумкин.

Ҳиссадорлик капиталига инвестиция қилиш молиявий муассасанинг ликвидлиги, кредит ва бозор хатарларига боғлиқ ҳолда, даромадларининг ўзгарувчанлигига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Капитал активлар бўйича кредит хатари билан бирга ўта аҳамиятли молиявий хатар ҳам мавжуд: капитал тижорий йўқотишлар туфайли ҳам барбод бўлиши мумкин.

Ҳиссадорлик капиталига маблағлар киритиш хатарининг ўзига хос хусусиятлари. IFSB ўзига хос ва аҳамиятли ҳисобланган мазкур хатар турининг айрим хусусиятларини аниқлаб берган:

– ҳиссадорлик капиталига инвестицияларнинг ўзига хос хусусияти ахборотдан беҳабарликни камайтириш бўйича астойдил мониторинг қилишни талаб қилади. Ушбу чора-тадбирлар молиявий ахборотни лозим даражада маълум қилишни, лойиҳада фаолроқ иштирок этишни, лойиҳанинг баҳолашдан тортиб якунигача бўлган барча босқичларида назорат қилиш ва маълумотларни беришда шаффоликни ўз ичига олади. Шундай қилиб, исломий банклар мониторинг қилишда фаол иштирок этишлари керак;

– мушорака ёки музораба воситалари орқали инвестициялардаги улушли иштирок этиш билан боғлиқ хатарларни баҳолашда, муайян шериклар хатарларининг умумий кийёфаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Инвестицион ҳисоб варақлар эгалари маблағлари бўйича инвестор сифатида шериклар ҳақида қайғуриш ва уларга эътиборли бўлиш исломий банкларнинг ўз фидуциар (бошқа шахсга тегишли мулк, инвестицияни ишончли бошқариш ваколатига эга шахс) мажбуриятларини амалга оширишнинг энг муҳим шартидир. Хатарларнинг мана шундай тоифаси музораба ёки мушорака фаолиятига жалб қилинган бошқарув командаси ҳақидаги, бизнес-режанинг сифати, инсон ресурслари тўғрисидаги ёзувларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, битимларнинг бундай шакллари орқали исломий банклар томонидан ўзларининг амалий ҳамкорларини доимий мониторинг қилишга эҳтиёж сезилади. Бошқа инвестицияларга нисбатан хатар даражаси юқори бўлгани боис, мумкин бўлган йўқотишларни камайтириш мақсадида лойиҳаларни баҳолаш ва

танлаб олишда, исломий банклар ўта эҳтиёткор бўлишлари лозим;

– фойдани ўз вақтида тақсимлаш аввалдан келишиб олиниши мумкин, исломий банклар муваффақиятли фойда олиш стратегиясини бажариш бўйича пул оқимлари андозасининг ўзгариши ва кечикиши ҳамда рўй бериши мумкин бўлган қийинчиликларга тайёр туришлари керак;

– улушли воситалардан молиялаштириш мақсадлари учун фойдаланиш билан боғлиқ хатарлар умумқабул қилинган кредит хатарларини ўз ичига олмайди, лекин улуш (акция) – капитал кадрсизланиши хатари билан боғлиқ кредит хатарларининг энг асосий таърифидир.

Хатарларни баҳолаш

Исломий банклар учун хатарларни баҳолаш жуда муҳим ва ниҳоятда мураккаб қадамдир. Хатарларни баҳолашдаги хатолар туфайли исломий банкларнинг хатарларини мулоҳазали бошқарув занжири узилиб қолиши мумкин. Шунинг учун исломий банк саноатида, уларнинг ўлчовига нисбатан умумий ёндашувни шакллантириш зарурлиги аён бўлиб қолди. Ушбу бобда ҳар бир аниқланган хатарнинг кенг тарқалган баҳолаш усуллари/йўллари кўриб чиқилади. Хатар қиймати (VaR), кутилаётган тақчиллик (ES), кредит рейтинглари, кредит қобилияти рейтинглари, узилишлар таҳлили, муддатлилик/давомийлик таҳлили ва воқеалар ривожини таҳлили – мана шу воситалар жумласидандир. Бундан ташқари, ушбу бобда хатарларни баҳолашга нисбатан исломий банкларларда мавжуд амалиётга танқидий шарҳлар берилади ва хатарларни баҳолашнинг илғор усуллари қўллаш, хусусан, ҳар бир хатар учун мавжуд алоҳида баҳолаш усуллари баёни бўйича таклифлар берилади. Хатар хусусияти ва ҳар бир баҳолаш усули моҳиятига боғлиқ танловдан келиб чиқиб, исломий банклар ҳар бир хатарни ҳисоблаш учун мос воситаларни қўллайди. Устама хатарини истисно этганда, бозор хатарларини баҳолаш учун давомийликни таҳлил этиш воситасидан фойдаланиш мумкин эмас. Худди шу каби воқеалар ривожини таҳлил қилиш воситасидан турли бизнес-хатарларни (ташқи амалиёт ха-

тарлари) баҳолашда фойдаланиш мумкин, шу билан бир вақтда даромадлиликини йўқотиш хатарини (бизнес-хатарнинг куйи тоифаси) VaR узилишлар таҳлили ва давомийлик таҳлили во-ситасида ҳам баҳолаш мумкин, чунки ушбу хатарлар моҳиятига кўра анъанавий банклар учун бозор хатарлари ҳисобланади.

VaR бўйича баҳолаш мазмунига кўра хатарларни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади ва бозор хатарларини бошқариш учун кенг қўлланади, чунки бунда бозор хатарининг кўплаб таркибий қисмлари инобатга олинади. Лекин ушбу кўрсаткич нафақат кредит, балки амалиёт хатарларини ўлчаш учун ҳам хизмат қилади. VaR кутилаётган энг юқори зарар сифатида аниқланади, бунда у маълум бир эҳтимоллик (умумқабул қилинган мезон одатда 0,95 ёки 0,99 га тенг бўлади) билан маълум бир муддат (масалан, бир кун ёки бозор хатари учун 10 кун ва кредит ҳамда амалиёт хатари учун бир йил) мобайнида содир бўлиши мумкин. VaR (хатар қиймати)ни ҳисоблаш учун турли усулларни, масалан, дисперсия¹ ва ковариация² усуллари, ўтган давр маълумотлари асосида андозалаш ёки Монте-Карло³ усулини қўллаш мумкин. Одатда, баҳоси қимматлиги ва маълум бир вақт сарфланишига қарамай, VaR ни баҳолаш учун Монте-Карло симуляция усули афзал ҳисобланади, чунки у барча тақсимотларда тасодифий пайдо бўлувчи баҳодаги теб-

¹ *Дисперсия усули* – ўртача катталиқ капитални киритиш бирон-бир варианты ҳисобига қарор қилиш имконини бермайди ва ўзида умумлаштирилган миқдорий тавсифни акс эттиради. Бунда якуний ечим учун кўрсаткичлар тебранишини баҳолаш лозим, яъни эҳтимоллий натижа тебранишини аниқлаш керак. У ўзида кутилаётган ўртача катталиқдаги қийматнинг оғиш даражасини акс эттиради. Уни аниқлаш учун одатда дисперсия ёки ўртача квадрат оғиши ҳисоблаб чиқилади.

² *Ковариация усули* – ушбу усул бозор омилларининг фойдалилиги кўп ўлчамли-меъёрий тақсимлашга эга эканлиги ҳақидаги нуқтаи назарга асосланган. Меъёрий тақсимотнинг математик хусусияти хатар қийматини ҳисоблаш учун ишлатилади.

³ *Монте-Карло усули* – тақлидий, ўхшаш (симуляция) андозалаштириш бўлиб, математик усулларни қўллаган ҳолда, компьютерда бажарилувчи кўп вариантли тадқиқотларнинг аниқ мақсадга йўналтирилган серияси ҳисобланади. Бир ёндашув доирасида хатарларнинг турли омилларини ҳисобга олиш имконини беради.

ранишларни акс эттиради ва ўзгарувчанлик ўртасидаги турли боғлиқликларни инобатга олади. Ж.П. Морган томонидан ишлаб чиқилган хатарларни ўлчаш усули ҳам бозордаги тебранишларни меъёрий тақсимлашни ҳисобга олиб, VaR ни ҳисоблаш учун кенг қўлланилади.

5.3-жадвалда асосий банк хатарлари харитаси ва уларни ўлчаш усуллари берилган.

5.3-жадвал

Банк хатарлари ва уларни ўлчаш усуллари

Ўлчов усуллари	Кредит хатари	Бозор хатари	Амалиёт хатари
Хатар киймати (VaR)	v	v	v
Кутилаётган тақчиллик (ES)	v	v	v
Кредит рейтинги	v		
Кредит қобилияти рейтинги	v		
Узилишлар таҳлили		v	
Давомийлик таҳлили		v	
Таъсирчанлик таҳлили	v	v	v
Руҳий тест	v	v	v
Сценарийлар таҳлили	v	v	v
Сифат усуллари (масалан, малакавий тажриба, ақлий ҳужум)			v

Исломий банклар учун хатарларни бошқариш, улар халқаро стандартлар ва қоидаларга риоя этишга мажбур эканликлари сабабидан ҳам муҳимдир. Лекин, исломий банклар исломий банкинг усули ва шунга мос молиявий амалиётлар таркибига жавоб берадиган стандартлашган ва адекват усулларни топишлари лозимки, бу хатарларни самарали бошқариш ва бошқарув қарорларини асослашни таъминлаши учун ҳам керак. Исломий банкларнинг хатарлар кесими анъанавий банкларга хос бўлган айрим хатарларни ҳам ўз ичига олади. Уларни баҳолаш учун ҳам анъанавий банклардаги каби усуллардан фойдаланилади. Исломий банкларнинг хатарлари умуман банк ёки алоҳида бўлинмалар миқёсида, турли хатарларнинг уйғунлашуви муам-

моси вужудга келганда эҳтимолийлик, ўзаро боғлиқлик ва вақт доирасидаги тақсимлаш маъносида ўлчаниши мумкин.

Бундан ташқари, юқорида кўриб чиқилган хатарларни баҳолашга бўлган турлича ёндашув банкингнинг турли андозалари учун ҳам баробар даражада мақбул бўлади. Лекин ҳар қандай анъанавий хатарларни баҳолаш усулларини исломий банкларга татбиқ этиш исломий банклардаги битимлар ва тақсимланадиган/бўлишиладиган хатарлар моҳиятини чуқур билиб олишни таъминлашни тақозо этади. Хатарларни баҳолаш анъанавий усулларининг катта қисми исломий воситалар учун тўғри келади, айримлари хатарларнинг параллел таркибига шунчаки киритиб қўйилади, айрим бошқалари эса банкингнинг исломий андозасига мақбул бўлиши учун аввалдан тузатишларга эҳтиёж сезади. Ушбу бўлимда адабиётларда баён этилган исломий банклар хатарларини ўлчаш усулларининг шарҳлари тақдим этилган.

Исломий банклар хатарларини таҳлил этиш жараёнидаги асосий муаммо миқдорий усулларни қўллашда юзага чиқади. Орифийн ва бошқаларнинг мақолаларида қайд этилишича, аксарият исломий банклар хатарларни баҳолашнинг илғор усулларидан фойдаланмайдилар. Улар одатда ресурслар ёки тизимдаги етишмовчиликлар сабабли, хатарларни баҳолашнинг илғор техник усулларини қўллашдан ўзларини тиядидилар. Лекин тўлов муддатлари бўйича актив ва пассивларнинг мувофиқлиги, рейтинг ва узилишлар таҳлили сингари хатарларни баҳолашнинг анъанавий усуллари исломий банкларда кенг қўлланиб келинмоқда.

5.3. Хатарларни бошқариш усуллари.

Исломий молиявий хизматлар бўйича кенгаш (IFSB) – бутун жаҳонда исломий хизматларни таклиф этувчи исломий молиявий муассасалар фаолияти қоидаларини ўрнатадиган халқаро ташкилотдир, шунинг учун ҳар бир хатар шаклларини бошқариш учун хатар-менежментга нисбатан айрим қоидалар киритилган.

5.4-жадвалда IFSB стандартларига мувофиқ хатарларни бошқариш бўйича асосий йўриқномалар келтирилган.

**IFSB га мувофиқ хатарларни бошқариш бўйича асосий
йўриқномалар**

Хатарлар	Тамойиллар	Қўлланма
Умумий талаблар	1-тамойил	Исломий молиявий муассасалар ҳисобот жараёни ва хатар менежменти кенг қамровли тизимига эга бўлишлари шарт
Кредит хатари	2.1-тамойил	Исломий молиявий муассасалар молиялаштириш ва шартномани амалга ошириш турли босқичларидаги эҳтимолий кредит хатарларини эътироф этиш стратегиясига эга бўлишлари шарт
	2.2-тамойил	Исломий молиявий муассасалар томонидан ҳуқуқий экспертиза амалга оширилиши шарт
	2.3-тамойил	Исломий молиявий муассасалар кредит хатари ҳисоби ва унинг ўлчови мос услубиятига эга бўлишлари шарт
	2.4-тамойил	Исломий молиявий муассасалар шариатга мувофиқ кредит хатарини камайтириш бўйича техникага эга бўлишлари шарт
Ҳиссадорлик капиталига қўйилмалар хатари	3.1-тамойил	Исломий молиявий муассасалар хатарларни бошқариш ҳиссадорлик капиталига қўйилмалар киритиш хатарига нисбатан ҳисоботлар жараёни мос стратегиясига эга бўлишлари шарт
	3.2-тамойил	Исломий молиявий муассасалар ўзларининг баҳолаш услубияти мувофиқлаштирилгани ва келишилганини кафолатлашлари шарт
	3.3-тамойил	Исломий молиявий муассасалар ҳиссадорлик капиталига инвестициялар билан боғлиқ ўзларининг фаолиятига нисбатан капиталдан чиқиш стратегиясини аниқлашлари ва ўрнатишлари шарт

Бозор хатари	4.1-тамойил	Исломий муассасалар бозор хатарларини бошқариш бўйича тегишли қўлланмага эга бўлишлари шарт
Ликвидлилик хатари	5.1-тамойил	Исломий молиявий муассасалар ликвидлилик хатарини бошқариш бўйича қўлланмага эга бўлишлари шарт
	5.2-тамойил	Исломий молиявий муассасалар ликвидлилик хатари, уларнинг шариатга мувофиқ етарли ресурсларга эга бўлиш қобилиятига мутаносиб эканлигини тушунишлари шарт
Даромадлилик хатари	6.1-тамойил	Исломий молиявий муассасалар активлар даромадлилигига таъсир кўрсатувчи бозор омилларининг эҳтимолий таъсирини баҳолаш учун менежмент хатари комплексини ва ҳисобот жараёнини жорий қилишлари шарт
Ўтказма тижорат хатари	6.2-тамойил	Исломий молиявий муассасалар ликвидлилик хатарини бошқариш бўйича қўлланмага эга бўлишлари шарт
Амалиёт хатари	7.1-тамойил	Исломий молиявий муассасалар мос бошқарув тизимига эга бўлишлари шарт
	7.2-тамойил	Исломий молиявий муассасалар капиталнинг барча манбалари манфаатини ҳимоя қилиш учун лойиқ механизмларга эга бўлишлари шарт

Кредит хатарларини бошқариш. Исломий банкларда кредит хатарларини бошқариш ташқи қўшимча омиллар таъсирида мураккаблашади. Контрагент (мижоз) томонидан мажбуриятлар бажарилмаган ҳолатларда, атайин сусткашликка йўл қўйилишини истисно этганда, исломий банклар уларга жарима санкциялари қўллаши мумкин эмас. Мижозлар банк жарима қўллай олмаслиги ёки қўшимча тўловларни талаб қила олмаслигини била туриб, ундан фойдаланишлари ва тўловни кечиктиришлари мумкин.

Кредит хатарлари бўйича таъминот сифатида гаровдан фойдаланиш барча исломий банклар учун одатий амалиёт ҳисобланади. Айрим ҳолатларда муробаҳа предмети гаров сифатида қабул

қилиниши мумкин. Ривожланаётган бозорларда гаровни таъминот сифатида қабул қилиш бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Одатда, муаммолар гаровнинг ноликвидлиги ёки банкнинг гаровни сотишга қобилиятсизлиги, даврий асосда ҳаққоний бозор қийматини аниқлашдаги қийинчиликлар ва гаровга эгалик қилишдаги ҳуқуқий тўсиқларни ўз ичига олади. Кредит хатарини камайтириш мақсадида гаровга қўшимча сифатида, шунингдек, хусусий ва муассасавий кафолатлар ҳам қабул қилинади.

Ликвидлилик хатарини бошқариш. Молиялаштириш ва бозор ликвидлилиги хатари ўртасида барқарор ўзаро алоқадорлик мавжуд. Исломий банклар молиявий ликвидлилик тақчиллигини тўлдириш мақсадида ўзларининг активларини исломий пул бозорида сотишдан воз кечишлари мумкин. Шундай қилиб, молиявий ликвидлилик хатари активларни сотиш натижасида юзага келадиган нақд пуллар даражасининг ошиши ҳисобига бартараф этилади. Лозим даражада иштирокчилар сонининг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ бозор сифимининг қониқарсизлиги, шунингдек, бозорда етарли миқдор ва ҳажмда воситаларнинг мавжуд эмаслиги, исломий банклар учун активларни сотиш ҳисобига пул маблағларини сафарбар этишни қийинлаштиради ва шунга мос равишда молиявий ликвидлилик хатарининг ошишига олиб келади.

Бошқа томондан, ликвидлилик ўрнатилган даврий ўзгаришларга мувофиқ кутилаётган пул оқимларининг келиб тушиши ва чиқиб кетишидан ташкил топгани боис, одатда, у сўндириш муддатларининг маълум бир табақаланишига эҳтиёж сезади. Ҳар бир даврдаги маблағларнинг келиб тушиши ва чиқиб кетиши ўртасидаги фарқ (яъни маблағлар тақчиллиги ёки ортиқчалиги) банкнинг келгусидаги ортиқча ликвидлилиги ёки ликвидлилик тақчиллигини ўлчаш учун силжиш нуқтаси ҳисобланади. Банкнинг ликвидликка эҳтиёжи аниқланиши билан у ликвидликни қандай қондириш мумкинлиги ҳақида қарор қилишга тўғри келади: банк ўз ликвидлигини актив ва пассивларни бошқариш орқали ошириши мумкин. Банк амалиётда ўзининг ликвидликка бўлган эҳтиёжини юқори ликвид-

ли активлардан ёки амалда ликвидли бўлган активлардан халос бўлиш орқали қондириши мумкин. Мажбурият тарафдан ликвидлиликка қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ёки қисқа муддатли депозит мажбуриятларни кўпайтириш, мажбуриятларни сўндириш муддатларини ошириш ва яқунда капитални кўпайтириш ҳисобига эришиш мумкин.

Фойда меъёри хатарини бошқариш. Исломий банкларга ёрдам бериш мақсадида Исломий молиявий хизматлар бўйича кенгаш (IFSB) фойда меъёри хатарини бошқаришга доир айрим қоидаларни жорий этган:

а) фойда меъёри хатарига олиб келадиган омилларни аниқлайдиган ва ўлчайдиган мос тизимларни ўрнатиш;

б) банк амалиётларининг муддатлар бўйича мувофиқлаштирилмаганлиги (gapping method). Банклар ушбу усулни банкнинг мавқеини, қийматни қайта ҳисоблаш санаси ёки сўндириш муддатларини ҳисобга олган ҳолда, вақтинчалик гуруҳларга тақсимлаш учун ишлатишлари керак. Исломий банк активларининг ўрнатилган ёки сузувчи меъёри уларни сўндириш муддати-га боғлиқ ҳолда таснифланади, чунки мажбуриятлардан келадиган фойдалар активларнинг молиялаштириш манбаларига бево-сита эгалик қилишни ўзида акс эттиради. Пул маблағларининг амалдаги оқими кўрсатилган давр оралиғидаги узилишларни кўрсатиши мумкин ва бу мазкур даврдаги фойда меъёрига таъсир қилади. Исломий банклар бизнес-амалиётларнинг хусусияти ва мураккаблигига боғлиқ ҳолда турлича: оддийдан бошлаб токи мураккаб талқинларгача, соф фойда ва пул оқимларининг келажакда ўзгарувчанлигини баҳолашга ўзгарувчан андозалаштириш усули билан ёндашувларга қадар бўлган усулларни ишлатишлари мумкин. Танлаб олинган усул натижасида олинган баҳолар келажакдаги даромадларнинг ўзгарувчанлигига яқин миқдорларни таъминлаши мумкин ва шунга мувофиқ, ишлатилган усуллар натижалари инвестицион ҳисоб варақ эгаларига кутилаётган даромаднинг турли миқёсларини беради.

Ўтувчи тижорат хатарини бошқариш. Умуман олганда, исломий банклар, ўтувчи тижорат хатарини пасайтириш бўйича

захираларни яратишнинг икки стандарт амалиётига эга: фойдани қоплайдиган захиралар (PER) ва инвестицион хатарлар бўйича захиралар (IRR)ни яратиш. Фойдани қоплайдиган захиралар ҳиссадорлар ва инвестицион ҳисоб варақ эгалари ҳамда музорибларнинг улуши, ҳисоб-китоб қилингунга қадар олинган фойдани тақсим қилишгача бўлган жами фойдадан ташкил этилади. Фойдани қоплайдиган захираларни ташкил этиш амалда ҳар икки тараф (банк ва мижоз)нинг тақсимланган фойдасини пасайтиради. Шу билан бирга инвестицион хатарлар бўйича захиралар фақат инвестицион ҳисоб варақ эгалари зиммасидаги даромад (музорибнинг улуши чиқариб ташлангач) ҳисобига шакллантирилади.

Фойдани қоплаш учун захира паст даромадлилик ва инвестицион ҳисоб варақлар эгалари (ИХЭ) даромадининг ўзгарувчан камайишини бартараф этиш учун ҳам муҳим. Инвестицион хатар бўйича захира ИХЭ активлари бўйича рўй бериши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун керак бўлади. Умуман олганда, ИХЭ захиранинг ҳар икки шаклини ташкил этишга ажратиладиган ва банк раҳбарияти томонидан лозим топилган тарзда йўналтириладиган ўзларининг даромадлари ҳақида аввалдан келишиб оладилар. Фойдани қоплашга ажратилган захира улуши (инвестицион хатар бўйича захира миқдори) ИХЭга тегишли бўлса-да, лекин банк томонидан ташкил этилади. Фойдани қоплашга мўлжаллаб ташкил этилган захиранинг қолган қисми, шубҳасиз, ҳиссадорларга тегишли бўлади. Қоидага кўра, ушбу захиралар исломий банк томонидан ИХЭга қўшимча даромадни юзага келтириш учун шакллантирилади.

Исломий молиявий хизматлар бўйича кенгаш ўтувчи тижорат хатарини бошқариш бўйича асосий стандартларни жорий қилган:

а) исломий банклар ҳиссадорлари ва ИХЭ кутаётган, ўзларининг бошқарув сиёсатлари ва таркибларини ўрнатадилар, бунда ИХЭ рақобатчиларининг даромадлилиги бозор ставкаси исломий молия саноатидаги ўртacha ставкадан юқори бўлади; исломий банклар ўзларининг ИХЭ кутаётган даромад даражаси ва

хусусиятини ҳамда рақобатчилар ставкаси ва ўз ИХЭ кутаётган ставка ўртасида фарқ миқдорини баҳолайдилар;

б) исломий банклар PER нинг лозим даражасини шакллантирган бўлишлари шарт, бунда PER нинг асосий вазифаси – ўтувчи тижорат хатари камайтирилишини таъминлаш эканини диққат марказида тутишлари керак.

Амалиёт хатарларини бошқариш. Амалиёт хатари пайдо бўлиши мумкин бўлган турли манбаларни инобатга олиб, уларни идентификациялаш ва бошқариш бўйича умумий стандартларни ишлаб чиқиш зарур. Инсон ресурслари, жараён ва технологиялар туфайли турли бўлим/ташкилий бўлинмаларда юзага келадиган амалиёт хатарларини пасайтириш учун етарли чора-тадбирлар қабул қилиниши ҳамда шунга яраша йўл-йўрик ва қоидалар жорий этилиши керак. Бунинг учун Тезкор хатарлар каталогини шакллантириш лозимки, унда банкнинг ҳар бир бўлими бизнес-жараёнлари харитаси ифода этилиши керак.

Масалан, мижоз ёки инвестор билан ишлаш учун бизнес-жараёнлар баён қилиниши лозим. Ушбу каталог нафақат амалиёт хатарларини аниқлаши ва баҳолаши, балки бошқариш шаффофлигини ошириш мақсадида ишлатилиши мумкин. Амалиёт хатари мураккаблиги туфайли уни чамалаш қийин. Амалиёт хатарини баҳолашнинг аксарият усуллари оддий ёки тажрибага асосланган бўлади. Банклар ҳам молиявий муассасалар томонидан чоп этилган турли хатарлар бўйича ҳисоботлар ва режалардан маълумот йиғишлари мумкин. Мана шу ҳужжатларни пухта таҳлил қилиш ҳам эҳтимолий хатарларни келтирувчи нуқсонларни аниқлаши мумкин. Ҳисоботлардан олинган маълумотлар ички ва ташқи омилларга таснифланиши ҳамда молиявий муассасанинг эҳтимолий йўқотишларини тахмин қилиш мумкин. Амалиёт хатарининг бир қисми суғурта қилиниши ҳам мумкин. Хатар, мониторинг ва бошқарувни баҳолаш учун воситалар мажмуи даврий шарҳлар, стресс-тестлар ва иқтисод қилинган капиталнинг мос қисмини тақсимлашни ўз ичига олади.

Бозор хатарларини бошқариш. Исломий банклар бозор хатари бўйича, шунингдек, келишув битимларини ҳисобга ол-

ган молиялаштириш манбалари (ИХЭ) бозор хатарининг ҳам мақбул даражасини ўз ичига олувчи бозор хатари бўйича, фойданинг юқори даражасига эришиш мақсади билан бир вақтда йўл қўйилиши мумкин бўлган зарарларни паст ва олдиндан аниқланган даражасини сақлаган ҳолда, мақсадли бозорлар ва хатарли тадбирлар шаклларининг стратегиясини ишлаб чиқишлари керак. Стратегия исломий банклар томонидан даврий тартибда қайта кўриб чиқилиши, масъул ходимларга маълум бўлиши ва молиялаштириш манбаларига (ИХЭ) ошкор бўлиши керак.

Исломий банклар жараёнларнинг кенг қамровли ва мустақкам тизимини, бозор хатарлари менежментининг ахборот тизимини яратишлари лозим, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) асосий бозор хатарларини аниқлашга кўмак берувчи консептуал асос;

2) ИХЭ томонидан чекланган турли портфеллардаги хатарли фаолият шакллари ва уларнинг бозор хатари лимитларини тартибга солувчи кўрсатмалар;

3) юқори раҳбариятнинг мувофиқ даражалари самарадорлиги ва бозор хатарлари, эҳтимолий зарарлар бўйича ҳисобот ва мониторинг баҳоларини шакллантиришда менежментнинг кучли ахборот тизими, даромадларни эътироф этиш ва баҳолашнинг мос усуллари.

Ҳиссадорлик капиталига маблағлар киритиш хатарларини бошқариш. IFSB ҳиссадорлик капиталига маблағлар киритиш хатарини бошқаришнинг 3 та асосий қоидасини аниқлаб берди. Аввал қайд этиб ўтилганидек, ушбу қоидалар исломий банклар ишлатадиган ва савдо-сотикқа асосланган битимлар (муробаҳа, музораба) шартномалари бўйича ҳиссадорлик капиталига киритилган маблағлар хатарини бошқаришнинг муносиб тизимини яратишга йўналтирилган. Демак, исломий банклар учун урта шаклдаги қоидалар ўрнатилади ва татбиқ қилинади.

Хатарларни бошқариш стратегияси ва ҳисобот нуқтаи назаридан:

– улушли воситалар бўйича инвестицияларнинг, шу жумладан, инвестицияларнинг шакли, хатарга мойиллик, кутилаёт-

ган даромадлар ва уларга эгалик қилиш даврлари мезони ҳамда мақсадларини аниқлаш ва шакллантириш. Масалан, мушораканинг таркиби сўндириш учун вариантларни ўз ичига олиши мумкин, исломий молиявий муассаса молиялаштирувчи ташкилот сифатида ушбу орқали ўз ҳамкорларидан алоҳида шартнома асосида, исломий банкларнинг акциялар улушини даврий равишда соф актив қиймати билан инвестиция сифатида сотиб олишни шартномавий ҳуқуқ бўйича ёки агар бу шартномада кўрсатилган бўлса, келишилган асосда (камайиб борувчи мушорак) талаб қилиши мумкин;

– улушли воситаларни сотиб олиш, амалга ошириш ва сақлаб туриш билан боғлиқ бўлган хатарларни бошқариш ҳамда баҳолаш бўйича мувофиқ менежмент ва иш таркиби ҳамда сиёсат. Исломий банклар ўз инвестиция фаолиятларини амалга оширишда ҳамкор сифатида кўрадиган корхоналарнинг хўжалик фаолиятини ва доимий мониторинг самарадорлигини амалга ошириш учун лозим даражадаги инфратузилмани ва сифатни таъминлашлари шарт. Бу шариат меъёрларига риоя этишни, мувофиқ молиявий ҳисоботни ҳамда ҳамкорлар билан даврий учрашувларни ва ушбу учрашувларнинг ҳисобини юритишни ўз ичига олиши керак;

– исломий банклар инвестицияларнинг турли босқичлари айланиш даврида, масалан, маблағ киритилаётган бизнес янги маҳсулот ва хизматларни ёки инновацияларни ўз ичига олган вазиятларда хатарларнинг бир шаклдан иккинчи шаклга ўтишини аниқлашлари ва уларни назорат қилишлари лозим. Битимнинг турли босқичларида турлича молиявий воситаларни (мушорак – улардан бири) ишлатадиган исломий банклар шунга мувофиқ иш тартиби ва назоратга эга бўлишлари шарт, чунки турли босқичлар турфа хатарларга олиб келиши мумкин;

– исломий банклар ҳиссадорлик капиталига сармоя (инвестиция) киритишдан келиб чиқувчи, капитал ортишидан келадиган фойда ва даромадни кўзловчи, пул маблағлари ҳаракати кутилаётган ҳажмлари ва босқичларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилларни аниқлашлари ва таҳлил қилишлари лозим;

– исломий банклар шарият меъёрларига мувофиқ келадиган хатарларни камайтириш усулларидан фойдаланишлари керак, улар инвестиция қилинган капиталнинг рўй бериши мумкин бўлган кадрсизланишининг олдини олади;

– исломий банклар шерикчилик фаолияти натижасида олинган фойданинг нотўғри кўрсатилишига олиб келувчи, ҳисобот натижалари ила йўл қўйилиши мумкин бўлган хийланайранларга боғлиқ хатарлар билан курашиш чораларини кўришлари ва уларни баҳолашлари шарт. Агар бирон-бир сабабга кўра, фойдани барқарорлаштириш ва ҳиссадорлик капиталга инвестициялар бир айланиш даври мобайнида фойданинг маълум бир қисмини ташкил этувчи депозит ҳисоб варақларини ташкил этиш амалиёти ҳисобот даври мобайнида инвестиция қилувчи томонлар тарафидан келишилса ва эътироф этилса, у ҳолда исломий банклар уларнинг юзага келиши мумкин бўлган таъсирини умумий даромадга киритадилар.

Улушни сотиб олиш ёки муддатини узайтириш бўйича стратегия қуйидагилардан иборат:

– исломий банклар капиталдан чиқиш бўйича стратегия учун мезонларини ўрнатадилар, у эмиссия қилинган инвестицияларни сотиб олиш ва лозим даражада самарали бўлмаган капитал қўйилмаларни муомаладан чиқариб олишни ҳам ўз ичига олади. Мезонлар муқобил йўналишларни ва капиталдан чиқиш муддатларини ўз ичига олади. Амалиёт келажаги яхшиланиши эҳтимоли мавжуд бўлган ҳолатда йўқотишлар рўй берса, исломий банклар инвестиция даврини узайтиришлари мумкин. Исломий банкларнинг тахмини амалий айланмаларнинг белгиланган муддат мобайнида маҳсулдор бўлишини баҳолашга асосланган бўлиши ҳамда инвестициялар вақт ўтиши билан тикланиши ва фойда келтириши керак;

– исломий банклар инвестиция объектларининг яқин келажакда доимий ликвидли бўла олмаслигини тан олишлари керак. Демак, исломий банклар инвестицион ҳамкорлар билан мана шундай объектлар бўйича тақсимланмаган фойдага хизмат кўрсатиш усуллари ҳақида келишиб олишлари шарт.

Якунда шуни қайд этиш лозимки, исломий банклар ва анъанавий банклар ўртасида хатарларни бошқариш ва хатарлар соҳасидаги тафовутлар янада аниқ бўлиб қолди. Исломий банклар умумий хатарлардан ташқари, мижозлар ва турли шаклдаги молиявий ҳамда инвестицион фаолият натижасида юзага келувчи, ўзига хос хатарлар хусусияти билан ҳам рўбарў келади. Анъанавий банкларга нисбатан исломий банклар хатарларини бошқариш мураккаброқ ҳисобланади. Исломий банк маҳсулотлари бўйича ўзига хос хатарлар мавжудлиги боис, битимларнинг ҳар бир босқичида шунга мувофиқ айрим хатарларни қоплаш эҳтиёжи пайдо бўлади. Янги хатарлар анъанавий банкларнинг хатарлар бўйича ҳисоботларида тақдим этилаётган фойда ва зарарларнинг хусусиятидан келиб чиқади.

Бундан ташқари, исломий банкларга хатарларни пасайтирувчи айрим воситаларни татбиқ этишга рухсат берилмайди, чунки улар шариат қоидаларига жавоб бермайди. Исломий банкларнинг хатарларни пасайтириш бўйича саъй-ҳаракатларини мураккаблаштирувчи яна бир сабаб бор: исломий молиявий битимларнинг турли босқичлари жараёнида хатарлар қайталайди ва алмашилиб туради. Аниқроғи, молиявий муассасаларнинг ўзидаги камчиликлар ва воситаларнинг мукамал эмаслиги боис, улар ошиб боради. Бунинг натижаси ўлароқ хатарларни, айниқса, амалиёт хатарларини бошқариш қийин бўлиб бормоқда. Шундай қилиб, уларни пасайтириш исломий банклар фаолиятининг янги йўналиши ҳисобланади, бу эса шариат талабларига жавоб берувчи хатарларни камайтиришнинг инновацион усулларини ишлаб чиқишга эҳтиёж сезади. Ушбу эҳтиёжларни қондириш учун нафақат шариат соҳасида, балки хатарларни бошқаришнинг замонавий усуллари соҳасида ҳам билимларга эга бўлиш керак бўлади.

Назорат учун саволлар:

1. Ислом ҳуқуқидаги ноаниқлик тушунчасини сўзлаб беринг.
2. Исломий транзакциялардаги ғорарнинг қандай тўрт шаклини кўрсатиш мумкин?
3. Банк соҳасидаги молиявий хатарлар қандай шаклларга бўлинади?

4. Исломий ва анъанавий банклар хатарлар харитасидаги фарқлар нималардан иборат?

5. Ҳиссадорлик капиталига маблағ киритиш хатарининг ўзига хос хусусиятлари нимада?

6. Банк хатарларини баҳолашнинг қандай асосий усуллари бор?

7. Исломий молиявий хизматлар бўйича банк кенгаши (IFSB) томонидан ишлаб чиқилган ўтказма тижорий хатарни бошқариш бўйича асосий стандартларни айтиб беринг.

8. Ҳиссадорлик капиталига маблағлар киритиш хатарини бошқаришга доир IFSB жорий этган уч асосий тамойилга таъриф беринг.

5-бобда фойдаланилган адабиётлар:

1. Innovation and Risk Management in Islamic Finance: Shari'ah Considerations. Monzer kahf. Seventh Harvard International Forum on Islamic Finance, April 22–23, 2006.

2. The Islamic Debt Market for Sukuk Securities. The Theory and Practice of Profit Sharing Investment. Mohamed Ariff, Munawar Iqbal. 2012, pp. 86–88.

3. Muslim, Jami'al-Sahih, Kitab al-Buyu', No 3614.

4. Islamic Finance: Law and Practice. Edited by Craig R. Nethercott, David M. Eisenberg. Oxford University Press, 2012, pp. 105–107.

5. An Economic Explication of the Prohibition of Gharar in Classical Islamic Jurisprudence. Mahmoud A. El-Gamal. 2001. Page 1.

6. Risk Management in Islamic Finance. Assoc. Prof. Dr. Mohamad Akram Laldin.

7. A Simple Fiqh and Economics Rationale for Mutualization in Islamic Financial Intermediation. Mahmoud A. El-Gamal. Rice University. 2006.

8. Islamic Finance Law, Economics and Practice. Mahmoud A. El-Gamal. Cambridge University Press 2006, pp. 58–59.

9. The Islamic Debt Market for Sukuk Securities: The Theory and Practice of Profit Sharing Investment. Mohamed Ariff, Munawar Iqbal Shamsher Mohamad. – January 1, 2012.

10. The Permissible Gharar (Risk) in Classical Islamic Jurisprudence. Abdul-Rahim Al-Saati. J. Kau: Islamic Econ. , Vol. 16, No. 2, pp. 3–19 (1424 A. H / 2003 A. D).

11. Risk Management For Islamic Bank. R.A. Salem. Edinburgh University Press 2013, pp. 29–30.

12. Assessing Risk Profiles of Islamic Banks Seminar On Islamic Deposit Insurance, Kuala Lumpur. 18–19 August, 2008.
13. Risk Management. An Analysis of Issues in Islamic Financial Industry 2001. T. Khan, H. Ahmed.
14. *Abdul Majid, Abdul Rais.* 2003. Development Of Liquidity Management Instruments: Challenges And Opportunities, // International Conference on Islamic Banking: Risk Management, Regulation and Supervision, Jakarta – Indonesia, Sept. 30 to October 3, 2003.
15. Islamic Modes of Finance and Associated Liquidity Risks. Salman Syed Ali. // Conference on Monetary Sector in Iran: Structure, Performance and Challenging Issues. Tehran – February, 2004.
16. Risk Analysis for Islamic Banks. Hennie van Greuning and Zamir Iqbal. // IBRD, 2008, p. 160.
17. Advances in Islamic Economics and Finance. Volume 1. M. Iqbal et al. 2007, p. 133.
18. *Grais, W. and Kulathunga A.* 2007 Capital structure and risk in Islamic financial services// Islamic finance: The regulatory challenge, ed. S. Archer and R. Abdel Karim, Singapore: John Wiley & Sons.
19. Introducing Islamic Banks into Conventional Banking Systems. Juan A. Sole//IMF, July, 2007.
20. Risk Measurement and Disclosure in Islamic Finance and the Implications of Profit Sharing Investment Accounts. V. Sundararajan.
21. Quantitative Risk Management: Concepts, Techniques and Tools. Alexander J. McNeil, Rudiger Frey, Paul Embrechts. May 17, 2005.
22. Allocation of Risk Capital in Financial Institutions. Francesco Saita. Financial Management Vol. 28, No. 3 (Autumn, 1999), pp. 95–111.
23. Journal of Banking Regulation (2009) 10, pp. 153–163. Risks in Islamic banks: Evidence from empirical research N. M. Ariffin, S. Archer and R. A. A. Karim.
24. Supervisory Implications of Islamic Banking: A Supervisor’s Perspective. Toby Fiennes//Islamic Finance: The Regulatory Challenge – Simon Archer, Rifaat Ahmed Abdel Karim, chap. 12. John Wiley & Sons (Asia), 2007.
25. Financial Risk Management for Islamic Banking and Finance. Palgrave Macmillan. 2007 by Akkizidis I. & S. Khandelwal (2007).
26. *Akkizidis I. and Khandelwal S. K.* 2008, Financial Risk Management for Islamic Banking and Finance, Palgrave Macmillan, First Ed.

27. *Al-Tamimi H. and Al-Mazrooei M.*, 2007, Banks' risk management: a comparison study of UAE national and foreign banks // The Journal of Risk Finance, Vol. 8 No. 4.
28. *Archer S. and Haron A.* 2007. Operational Risk Exposures of Islamic Banks.
29. *Baldoni R. J.* A Best Practices Approach to Risk Management // TMA Journal, Jan/Feb, 1998.
30. *Kaouther Toumi I, Jean Laurent Viviani.* Islamic Banks exposure to displaced commercial risk: identification and measurement//CR2M, Universit Montpellier 1UR Finance Quantitative, IHEC Sousse, Tunisia.
31. *Ahmed N.* (2008). 6th International Islamic Finance Conference. Basel II Capital Adequacy Requirements: Implementation Challenges for Islamic Banks IUM.
32. *Ahmed T. K.* (2001). Risk management – Islamic Financial Industry (an analysis of issues in Islamic financial industry). Jeddah – Saudi Arabia. Board), I. (Dec 2005). Guiding Principle On Liquidity Risk Management For Institutions Offering Islamic Financial Service.
33. www.islom.uz

6 - б о б . Саноатни тартибга солиш ва тармоқ муассасалари фаолияти устидан назорат

6.1. Тартибга солишнинг глобал тизими ва молиявий муассасалар фаолияти устидан назорат.

Молиявий муассасалар жамиятга тааллуқли ресурслар билан иш юритади. Улар эга бўлган масъулият хусусий капиталга нисбатан кўламлироқ микёсни ташкил этади ва уларнинг молиявий дастаги номолиявий ташкилотларга нисбатан юқорироқ ҳисобланади. Демак, омонатчилар ишончини қозониш ва бефойда ҳамда қутилиши мумкин зарарлардан, қалбакиликлардан, менежмент хатоларидан ўта юқори қарздорликларга йўл қўймаслик, кредит ва хизмат ваколатлари ҳамда ресурсларнинг бир неча кишининг бойиши учун жамланишини бартараф этиш орқали уларни асраш керак. Шунингдек, тўлов тизимини нобарқарорликдан ҳимоя қилиш, капитал бозори ва унинг муассасалари тезкор ривожланиши учун улар фаолияти самарадорлигини таъминлаш зарур бўлади. Бу эса мажбурий стандартлар-

ни жорий этиш ва самарали назорат ёрдамида уларни мажбуран ижро эттиришни талаб қилади. Шу билан бирга тартибга солиш ўта даражада жадал ва кенг қамровли бўлмаслиги лозимки, бу тартибга солувчи (регулятор) талабларини бажариш учун харажатларнинг ошиб кетишига олиб келмаслиги, шунингдек, инновациялар ва янги ғояларнинг амалга ошишига тўсқинлик қилмаслиги керак. Барқарорлик ва самарадорлик ўртасидаги мувофиқликка эришишни ҳам кўздан қочирмаслик лозим.

Исломий банклар учун зарурий бўлган тартибга солиш ва назорат тизими шакллари кўриб чиқишдан аввал ҳозирги кунда чет элларда мавжуд тартибга солиш ва назорат инфратузилмасининг замонавий ҳолатини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Тартибга солишнинг амалдаги глобал тизимини учта асосий тоифага ажратиш мумкин: анъанавий тизимлар, аралаш тизимлар ва ривожланаётган унитар (қўшма) тизимлар.

Анъанавий тизимларда тижорат ва инвестицион жамғармалар (фондлар), суғурта компаниялари ва ўзаро жамғармаларнинг фаолияти бир-биридан фарқ қилади деб ҳисобланади. Ҳар бир секторнинг молиявий тизим барқарорлигини мустаҳкамлашдаги ижобий ўрнини таъминлаш мақсадида секторларнинг фаолияти бир-биридан ажратиб қўйилган. Демак, ҳар бир хизмат тури алоҳида махсус ташкилотлар томонидан назорат қилиниши ва тартибга солиниши анъана бўлиб қолган.

Ҳозирги вақтда ИХТнинг қарийб барча аъзо-мамлакатлари назорат қилиш ва тартибга солишнинг мазкур шаклига риоя этади ҳамда назорат органи сифатида Марказий банк иштирок этади. Аксарият ривожланаётган мамлакатлар мазкур андозага амал қилади ва АҚШда ҳам яқин даврларгача Гласс-Стигал қонунини талабларига кўра, мазкур идора усулига риоя этиб келинган.

Аксарият Европа давлатларида банклар ва брокерлик фирмалари мазкур анъанавий тизимнинг муқобили бўлган *универсал банк* андозаси доирасида секторлараро фаолиятни амалга оширади. Европадаги айрим мамлакатларда банклар ва суғурта компанияларига мумкин қадар интерфаол, ўзаро боғлиқ биз-

несга эгалик қилишга рухсат этилган. Демак, банк-брокер компаниялари, банк-суғурта компаниялари ва суғурта-брокерлик компаниялари ягона меъёрий-ҳуқуқий асос остида биргаликда фаолият юритади.

Сўнги йилларда молиявий конгломерат (монопол бирлашма)лар сонининг кескин кўпайиши анъанавий сектор чегараларининг кесиб кўйилишига олиб келди. Ушбу ўсиш куйида кўрсатиб ўтиладиган кўплаб омиллар натижасида содир бўлди:

– банклар ва брокерлик фирмалари ҳамда банклар ва суғурта компаниялари ўртасида секторлараро қўшилув ва харид қилувнинг рўй бериши;

– банклар ва суғурта компаниялари томонидан бошқарувчи жамғарма (фонд)ларнинг харид қилиниши;

– ички ўсиш ҳисобига янги соҳаларда молиявий хизматлар кўрсатишнинг кенгайиши (масалан, банкларни ташкил этаётган суғурта компаниялари ёки бунинг акси, инвестиция маҳсулотларини сотаётган суғурта компаниялари ҳамда жамғармаларни бошқариш бўйича амалиётларни ва брокерлик амалиётлари кўрсатувчи компанияларни ташкил этаётган банклар);

– ўз мижозларига молиявий ва кредит хизматлари кўрсатишни кенгайтириш орқали номолиявий компанияларнинг молиявий хизматлар секторига жалб этилиши;

– бозорнинг ахборот технологиялари билан уйғунликда либераллашуви.

Европа ва Японияда брокерлик фаолияти ва кўчмас мулк амалиётларини тижорат банклар фаолияти билан ўзаро уйғунликда олиб бориш универсал банк концепцияси остида ўз устунлигини сақлаб келмоқда. Мазкур мамлакатлардаги ушбу банк андозаси 1933–2000 йиллар оралиғида АҚШдаги банк бизнесининг асоси сифатида ўз мавқеини сақлаб турган Гласс-Стигал андозасидан фарқ қилади. АҚШдаги янги ҳуқуқий асос (1999 йилдаги Грэм-Лич-Блайли қонуни) кучли тижорат банкларини молиявий-холдинг компаниялари сифатида рўйхатдан ўтишга ва бир вақтнинг ўзида маълум бир шартларга кўра, банк-брокерлик ва суғурта-брокерлик фаолиятини амалга оширишга имкон бер-

ди. АҚШда секторлараро бирлашиш тенденциясининг ўсиши кузатилмоқда. Қарийб барча Европа мамлакатларида тартибга солувчи (Марказий банк) банк ва суғурта фаолиятини (у ўзига брокерлик фаолиятини ҳам қўшиб бормоқда) бирлаштиришни рағбатлантирмоқда, лекин ушбу компаниялар ўзининг банк ва суғурта фаолияти бўйича алоҳида ҳисобот беради. Францияда ушбу бирлашув «bank assurance» деб номланди. Бу эса, ўз навбатида, бутун дунё бўйлаб молиявий конгломератлар фаолиятини тартибга солиш учун универсал стандартларни соддалаштиришни талаб қилади. Бунинг натижасида халқаро сахнада рўй бераётган асосий ҳодисалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

– айрим мамлакатлардаги миллий идора қилиш даражаси тартибга солиш инфратузилмасини, масалан, Буюк Британиядаги Молиявий хизматлар бошқаруви (FSA) ва Япония ҳамда Скандинавиядаги мамлакатлар каби ягона ташкилотга бирлаштирди. АҚШ сингари бошқа айрим давлатлар бошқа тартибга солувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида етакчи тартибга солувчи ташкилотни ўрнатиш ташаббусини олға сурдилар;

– халқаро даражада Молиявий конгломератлар ҳамкорлик анжумани андозаси доирасида Базель банк назорати қўмитаси (BCBS), Қимматли қоғозлар бўйича халқаро ташкилот (IOSCO), Суғурта назорат органлари халқаро ташкилоти (IAIS) ўртасида маъқулланган, секторлараро бооброў назорат ташкилоти фаолият кўрсатиб турибди;

– янги Базель талаблари доирасида мустаҳкам назорат шиори остида молиявий конгломератлар фаолиятини буткул қамраб олиш учун капитал етарлилиги тизими кенгайтирилди. Молиявий тизимнинг барқарорлигини таъминлайдиган мана шундай мустаҳкам назорат туфайли, капитал жадаллигини назорат қилишга асосланган, алоқадор корхоналар фаолияти, капитал арбитражи ва бозор интизомини кучайтиришга таъсир кўрсатиш орқали кросс-секторал фаолият молиявий бозорнинг самарадорлигини таъминлайди.

Банк назоратининг асосий қоидалари тартибга солувчи органларни банкларни бошқаришга тааллуқли кўп миқдордаги

муҳим масалалар тўғрисида ва шу орқали молиявий тизимнинг соғломлиги ва барқарорлиги ҳақида қайғуришга мажбур этади. Бу лицензиялаш ва ўз капиталининг етарлигига талаблар, банклар қарз олиш ва инвестициялаш учун фойдаланадиган амалиёт ва иш тартиби, турли хатар шакллари аниқлаш ва уларни самарали бошқариш технологияси, банк активлари сифатини баҳолаш учун усуллар, ссудалар бўйича ва бошқа кутилаётган йўқотишларга захиралар, директорлар, уларнинг дўстлари, қариндошлари ва алоҳида шахслар йўл қўйиши мумкин бўлган муддати ўтган қарздорликнинг рухсат этилган даражаси миқдори ҳамда ҳаққонийлик ва аниқликни таъминлаш учун зарур бўлган ички назорат ва ташқи аудит шакллари ўз ичига олади.

6.2. Саноатни тартибга солишнинг объектив асослари.

Шу билан бирга, Базель қўмитаси аниқлаб берган барча тартибга солувчи чора-тадбирлар исломий молия муассасалари учун зарур ҳисобланадими деган савол туғилади. Дастлабки қарашда турлича қиёфада кўринса-да, жавоб ижобий бўлиши лозим. Инвестицион ҳисоб варақ эгалари хатарларни тақсимлаб (хатарларни зиммага олишда иштирок этганлик) олганликлари боис, исломий банклар бошқа оддий корпорациялардек тартибга солиш объекти бўлишлари мумкин эмас деб эътироз билдирилиши мумкин. Лекин ушбу даъволар жиддий тафовутларга эга. Биринчидан, тизимли мулоҳазалар мавжуд. Шу билан бир вақтда, корпорациянинг инқирози унинг эгаларига таъсир кўрсатгани сабабли, улар доим хушёр бўлишлари табиий ҳол, банкнинг инқирози бутун тўлов тизимининг барқарорлиги ва соғломлигига, шунингдек, умуман иқтисоднинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Агар омонатчилар тизимга бўлган ишончни йўқотсалар, улар ҳисоб варақлардаги пулларини олиб чиқиб кета бошлайдилар, бу эса нафақат молиявий тизимни издан чиқаради, балки унинг иқтисодиётни молиялаштириш қобилиятини ҳам хавф остига қўяди. Иккинчидан, бу ҳимоя қилиниши лозим бўлган талаб қилиб олгунча депозитлар омонатчиларининг ман-

фаатларидир. Шунга карамай, омонатчиларнинг қўйилмалари ҳам оддий нобанк компанияларида ҳиссадорлар томонидан таклиф этиладиган кафолатларга қараганда янада кўпроқ кафолатга эҳтиёж сезади.

Бу банк бизнесидаги молиявий леве́риж¹нинг даражаси юқори эканлиги билан изоҳланади. Мана шундай юқори даража талаб қилиб олгунча депозитлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Талаб қилиб олгунча депозитларнинг миқдори қай даражада юқори бўлса, молиявий леве́рижнинг даражаси шу қадар юқори бўлади. Бу эса банклар томонидан қабул қилинган маълум бир тадбирларни мослаштиришни талаб этадики, бу ўта юқори хатарларни ўзига олиш ва улар қабул қилган хатарларни онгли бошқариш ҳамда инвестицион қарорлар қабул қилишдаги ўзбошимчаликларни, мене́жмент хатосининг олдини олиш имконини беради. Банклар, шунингдек, инвестицион депозитларнинг ўта юқори даражада емирилишини батараф этиш мақсадида мувофиқ захираларни шакллантиришлари лозим бўлади. Учинчидан, бу банклар томонидан ислом фикҳи таълимотларига аниқ риоя этилишини талаб қилади. Ва ниҳоят, тўртинчидан, исломий банкларнинг банклараро бозорда иштирок этиши зарурати халқаро молия тизими томонидан тан олинishi керак. Агар исломий банклар халқаро тартибга солиш стандартларига мувофиқ келмас экан, бу нарса рўй бермайди.

Шундай қилиб, исломий ва анъанавий банкинг табиати (моҳияти) ўртасидаги тафовут тартибга солиш меъёрлари ва уларни ижро этиш самарадорлигини таъминлашдаги мувофиқ назорат заруриятини камайтирмайди. Тартибга солишдаги ушбу чақирув қандайдир янгилик эмас. Бу 1981 йилдаёқ, Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ) аъзо мамлакатларининг монетар ҳокимияти ва Марказий банклари бошқарувчиларининг 1981 йил 7–8 март кунлари Хартумда ўтказилган учрашувида улар томонидан тасдиқланган «Исломий банклар тараққиётини олға суриш, назорат ва тартибга солиш» батафсил ҳисоботида амалга оширилган эди.

¹ *Молиявий леве́риж* – банк қарз маблағлари билан ўз маблағлари ўртасидаги фарк асосида ҳисоблаб топилади ва қарз маблағларини ишлатиш интенсивлигини ифодалайди.

Талаб қилиб олгунча депозитларининг ва инвестицион омонатларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун бир қатор чора-тадбирлар кўрилиши талаб қилинади. Улар орасида энг муҳимлари – иқтисодиётнинг макробошқарувини, банкларни лозим даражада тартибга солиш ва назорат қилиш ҳамда ссудалар бўйича йўл кўйилиши мумкин бўлган йўқотишларга мувофиқ миқдордаги захираларни шакллантириш орқали самарали микробошқарув билан уйғунликда олиб бориш бўлиши лозим. Агар лозим бўлса, талаб қилиб олгунча депозитларни суғурта қилиш орқали бундай чора-тадбирларни кучайтириш керак.

Омонатчилар ҳиссадорлар йиғилишида фаол иштирок этиш, шунингдек, банк директорлар кенгашида вакилларига эга бўлиш орқали ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилишлари мумкин. Агар банк нафақат мамлакатда, балки чет элларда ҳам бир қанча бўлинмаларга эга бўлса, мазкур вакилларни танлаш улар учун мушкул бўлиб қолар эди, шу сабабли тартибга солувчи органлар банк директорлар кенгашида омонатчилар вакилларини тайинлашда муҳим роль ўйнаши мумкин. Тизим барқарорлиги ва омонатчилар манфаати учун бу ўта муҳим бўлса-да, лекин банклар бунга қаршилиқ қилиши мумкин. Агар бундай вакиллар иштирок этишининг имкони бўлмаса, у ҳолда хусусий секторда омонатчилар манфаатини ҳимоя қилувчи ихтисослашган махсус рўхсатномага эга, фаолият турларидан бири ҳиссадорлар манфаатини ҳимоя қилиш ҳисобланадиган аудит компаниялари сингари фирмалар ташкил этиш имкониятларини кўриб чиқиш керак.

Агар буни ҳам амалга оширишнинг имкони бўлмаса, у ҳолда тартибга солувчи ташкилотлар учун омонатчилар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган фақат бир йўл қолади, бу – исломий молия муассасалари фаолияти шаффофлигини таъминлаш ва шу орқали омонатчилар ўзларининг манфаатларини таъминлашга эришишлари мумкин бўлади. Бунга самарали тартибга солиш ва назоратни амалга оширмасдан эришиб бўлмайди.

Ислом фикҳи меъёрларига мажбурий риоя этилиши ҳақида тўхталадиган бўлсак, бунда банклар ушбу талабларни виждонан бажаришлари лозим. Мана шундай мувофиқликка молиялар

билан боғлиқ барча муаммоларни муваффақият билан ечиш орқали эришилади. Бунда исломий банкинг учун стандартлашган маҳсулотларни шакллантириш йўлидаги тўсиқларни бар-тараф этувчи ҳуқуқий майдонни тайёрлаш, банк кредитларини тўламаётганларга жарима қўллаш орқали даромадларни қоплаш, халқаро даражада анъанавий банклар мана шу мақсадларда қўллаётган маълум усулларни қабул қилиш орқали хатарларни самарали бошқариш учун ҳам зарурдир. Бундан ташқари, банклар томонидан ўрнатилган ахлоқий-маънавий меъёрларга риоя этилишини таъминлаш бўйича шариат маслаҳатчилари, Марказий банк ва сертификатга эга аудиторлик компанияларининг аниқ вазифаларини белгилаб олиш лозим.

Бу ҳали бошланғич босқичда турган исломий молия тизими нозорат қилиш ва тартибга солишнинг ўта муҳимлигини кўрсатади. Мана шундай нозорат ва тартибга солиш тизимсиз исломий молия тизими ўзининг рақобатбардош эканлигига ва келгусида ривожланиш келажагига кишиларни ишонтира олмайди. Дастлабки босқичдаги ҳар қандай жиддий муваффақиятсизлик тизимга салбий имиж олиб келади ва ИХТ мамлакатларида судхўрликдан холи молиявий тизимни яратиш йўлидаги ишларга улкан зарар етказди.

Лекин аввал ҳам таъкидлаб ўтилганидек, тартибга солиш у қадар қаттиқ ва қийинлик ила амалга оширилмаслиги лозим, чунки бу исломий банкларнинг ривожланиши ва фойдалилигига тўсиқ бўлиши мумкин ҳамда анъанавий банклар билан таққослаганда уларни рақобатбардошсиз қилиб қўяди. Шунингдек, қонунчилик ўрнатадиган ва раҳбарларнинг ўзи белгилаб қўядиган чегаралар аниқ белгилаб олиниши лозим. Бажарилиши лозим ва лозим бўлмаган нарсаларни аниқ тушуниб олиш ҳар бир мамлакатдаги вазиятни ҳисобга олган ҳолда, молиявий тизимга ҳуқуқий асос доирасида янада эгилувчан ва лаёқатли ривожланиш имконини беради. Бундан ташқари, мураккаб ва зиддиятли муҳитда тартибга солиш ишлари, исломий банклар фаолиятини яхши тушуниб олишга кўмаклашувчи маълум бир сонли тадбирлар билан қўшиб олиб борилиши керак.

6.3. ИХТга аъзо айрим мамлакатларда исломий банклар фаолияти устидан назорат.

ИХТ аксарият мамлакатларида Базель кўмитасининг асосий тамойилларини ўз ичига олган, хатарни ҳисобга олган ҳолда капиталга белгиланган талаблар энг куйи даражаси ҳамда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (IASC) қабул қилинган. Айрим мамлакатлар халқаро стандартларни қабул қилиш учун crash programmes (тест дастурлари)ни амалга оширадilar, лекин исломий молиялаштириш усулларига кўра ташкил этилган активларни хатар даражаси бўйича баҳолашда дуч келадиган айрим қийинчиликлар тўғрисида хабар берадилар. Исламий молиявий муассасалар учун бухгалтерия ҳисоби ва аудит ташкилоти (AAOIFI) томонидан тасдиқланган стандартлар билан мувофиқлик ҳали тўлалигича амалга оширилмади: фақат икки мамлакат (Баҳрайн ва Судан) AAOIFI томонидан тасдиқланган стандартларни қабул қилганликларини маълум қилдилар.

Исламий банкларнинг аксарияти у қадар катта бўлмагани боис, айрим мамлакатлар исломий банкларни мажбурий кўшиб юбориш ва улар капиталини мустаҳкамлаш дастури тўғрисида эълон қилдилар, бу орқали мегабанклар устунлик қилаётган халқаро майдонда уларнинг яшовчанлиги янада ортди.

6.1-жадвалда Ислам тараққиёт банкига аъзо бўлган айрим мамлакатларда исломий банк фаолияти хусусиятлари ва назорат тизимининг тафовутлари қисқача бериб ўтилган.

6.1-жадвал

ИТБга аъзо айрим мамлакатлар назорат тизими ва исломий банк фаолиятининг тафовутли хусусиятлари

Мамлакат	Исламий банк назорати тизимининг ўзига хос хусусиятлари
Баҳрайн	Инвестицион банклар (брокер компаниялари) ва тижорат банклари фаолияти Баҳрайн монетар агентлиги (ВМА) томонидан тартибга солинади; суғурта компаниялари алоҳида тартибга солувчи орган назорати остидадир. Банк тизими дуаль (исломий ва анъанавий) банк фаолиятини олиб боради. Капиталга бўлган Базель талаблари ва асосий қоидалар ҳар икки гуруҳ томонидан қабул қилинган.

	<p>Исломий банкларнинг 4 та гуруҳи фаолият юритади: а) исломий тижорат банклари; б) исломий инвестиция банклари; в) исломий офшор банклари; г) анъанавий банклардаги исломий банк «ойна»лари. Жамланма назорат. Бухгалтерия ҳисоби юритишнинг халқаро стандартлари қабул қилинган. Ҳар бир исломий банк ўз шариат кенгашига эга бўлиши лозим. ААОIFI стандартларига мувофиқлик фаол муҳокама қилинмоқда. Инвестицион депозитлар, жорий ҳисоб варақлар ва капиталнинг активларга тақсим этилиши эълон қилиниши шарт. Ликвидликни мажбурий бошқарув активларнинг сўндириш муддатларини стандартлаштириш орқали амалга оширилади. Исломий ва анъанавий аралаш тизим фаолият кўрсатади.</p>
<p>Индонезия</p>	<p>Исломий банклар Индонезия Марказий банки томонидан тартибга солинади. Брокерлик фирмалари ва банклар учун алоҳида тартибга солиш чегаралари белгилаб қўйилган. Алоҳида исломий банк қонунчилиги мавжуд эмас. Исломий банк фаолияти мавжуд банк қонунчилигига қўшимчалар билан белгиланади. Алоҳида шариат кенгаши мажбурийдир. Исломий «ойна»ларга рухсат этилган. Жамланма назорат. Капиталга бўлган Базель талаблари ва асосий қоидалар қабул қилинган. Капиталлашув ва тўлов қобилятини кучайтириш мақсадида жараёнлар асосий паллага кирган. Ҳукумат томонидан шариат бўйича банк стратегиясини амалга киритиш фаоллашган.</p>
<p>Эрон</p>	<p>Эрон Марказий банки томонидан тартибга солинади. Хусусий сектордаги барча кичик банкларни хусусийлаштириш режаси мавжуд. Банкларни тартибга солиш ва назорат монетар ҳокимият томонидан фискал ва бошқа ҳукумат сиёсати сингари амалга оширилади. Банк тизими 1983 йилдан бошлаб, ягона «Судхўрликдан холи банк фаолияти тўғрисида»ги қонун асосида фаолият юритади. Молиялаштириш усуллари мазкур қонун билан белгиланади. Сўнгги сиёсий мослашувлар капиталга, назорат стандартлари ҳамда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига бўлган Базель талабларини эътироф этишга йўналтирилган. Хусусий банклар учун шариат кенгаши талаб қилинмайди. Инспекцион ва ички назорат усуллари қабул қилинган ва ишлатилмоқда. Суғурта компаниялари ва банклар фаолияти устидан назорат турли ташкилотлар томонидан амалга оширилади.</p>

<p>Иордания</p>	<p>Иордания Марказий банки томонидан тартибга солинади. Брокерлик фирмалари ва банклар учун тартибга солувчи алоҳида ташкилотлар мавжуд. Исломий банк фикҳи мавжуд. Дуалистик банк тизимига эга. Алоҳида шариат кенгаши мавжуд бўлиши талаб этилади.</p> <p>Жамланма назорат ташкил этилган. Капиталга нисбатан Базель талаблари ва асосий қоидалар қабул қилинган. Бухгалтерия ҳисоби Халқаро стандартлари қабул қилинган.</p>
<p>Қувайт</p>	<p>Назорат Қувайт Марказий банки томонидан амалга оширилади. Марказий банк тижорат ва инвестиция (брокерлик компаниялари) банкларини тартибга солади; суғурта компаниялари алоҳида тартибга солувчи органнинг назорати остига тушади. Дуалистик банк тизимига эга. Исломий банкларнинг икки: исломий тижорат ва инвестиция гуруҳи мавжуд. Анъанавий банкларга исломий «дарча»лар очишга рухсат берилмаган. Жамланма назорат мавжуд. Назорат бўйича Базель талаблари ва стандартлари қабул қилинган. Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари қабул қилинган. Алоҳида исломий банк фикҳини амалга киритиш муҳокама қилиш босқичида. Ҳар бир алоҳида банк учун шариат кенгаши мавжуд бўлиши талаб қилинади.</p>
<p>Малайзия</p>	<p>Малайзия Марказий банки (BNM) томонидан тартибга солинади. Молиявий секторнинг ривожлантириш асосий кўрсаткичлари узоқ муддатли стратегияга мувофиқ амалга оширилади. Суғурта компаниялари ва банклар бир ташкилот томонидан, брокерлик компаниялари алоҳида ташкилот томонидан тартибга солинади. Хусусий банклар мавжуд. Банк тизими дуалистик андозага эга. Анъанавий банкларда исломий ойналарга рухсат этилган. Жамланма назорат йўлга қўйилган. Капиталга нисбатан Базель талаблари ва муҳим қоидалар қабул қилинган. Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари қабул қилинган. CAMELS рейтинг тизими қабул қилинган. Инспекцион ва ички назоратнинг вазифаси аниқ белгилаб олинган. Марказий банкда муассасавий даражада алоҳида шариат кенгаши ва қимматли қоғозлар бўйича комиссия фаолият кўрсатмоқда. Ликвидлик ва исломий пул бозори ташкил этилган. Молия вазирлиги исломий банклар назорати билан узвий боғланган.</p>

Покистон	Покистон Марказий банки томонидан тартибга солинади. Брокерлик фирмалари ва суғурта компаниялари алоҳида тартибга солувчи томонидан назоратга олинган. Хусусий сектордаги асосий банклар; Банкларни тартибга солиш ва назорат бўйича давлат сиёсати билан таъминланади. Исломий банк қонунчилиги мавжуд эмас. Mudarabah компаниялари тўғрисидаги қонун мавжуд. Шариат кенгаши тушунчаси мавжуд эмас. Исломий банклар яққол ифода этилмаган. Капиталга нисбатан Базель талаблари ва назорат стандартлари қабул қилинган. Капитални мустақкамлаш учун банкларни бирлаштириш амалга оширилмоқда. Инспекцион ва ички назорат концепцияси мавжуд. Исломий банк ва молиявий тизимни юзага чиқариш бўйича молиявий трансформация (ўзгартириш)лар ташаббускори Покистон Олий судидир. Марказий банк Молиявий хизматларни ўзгартириш қўмитасини таъсис этган.
Қатар	Қатар Марказий банки томонидан тартибга солинади. Дуалистик банк тизимига эга. Ягона тартибга солувчи фаолият кўрсатади. Алоҳида банк қонунчилиги мавжуд. Исломий банклар устидан назорат Марказий банкнинг махсус директивалари орқали амалга оширилади. Банклар учун алоҳида шариат кенгашлари бўлиши мажбурийдир. Исломий банклар шаффофлиги учун стандартлашган талаблар мавжуд.
Судан	Судан Марказий банки томонидан тартибга солинади. Бир даражали (исломий) банк тизимига эга. Исломий банк қонунчилиги амал қилади. Банклар учун алоҳида шариат кенгаши мажбурийдир, шунингдек, Марказий банк ҳам шариат кенгашига эга. Тартибга солиш ва назорат давлат сиёсати билан таъминланади.

Шундай қилиб:

– исломий банклар фаолияти устидан назорат халқаро тижорат банклари назорат тизимидаги устувор андоза доирасида амалга оширилади. Айрим мамлакатларда исломий банк фаолиятини илгари сурувчи махсус қонунчилик амалга киритилган, шу билан бирга бошқа мамлакатларда бундай қонунчилик мавжуд эмас. Кейинги мамлакатларда исломий банк амалиётлари мамлакат Марказий банки тарафидан чиқарилган директиваларга асосан амалга оширилади.

Юқорида кўриб чиқилган аъзо-мамлакатларда банк фаолияти қимматли қоғозлар ва суғурта фаолиятдан алоҳида ажратиб қўйилган ҳамда улар турли назорат органлари томонидан тартибга солинади. Фақат Малайзия бундан мустасно ҳисобланади, бу ерда банклар ва суғурта компаниялари устидан назорат Марказий банк томонидан амалга оширилади;

– аъзо-мамлакатларда банклар устидан назорат Марказий банклар томонидан амалга оширилади. Лекин жаҳонда, макроиқтисодий бошқарувнинг монетар сиёсат андозасини банклар барқарорлигининг микроиқтисодий англашдан ажратиб олиш тенденциялари кўзга ташланмоқда. Мана шундай ажралиш натижасида, банк назорати пул сиёсатидан ажралмоқда ва махсус орган тайинланмоқда. Бўлиниш борасида кўплаб мисолларни келтириш мумкин, улардан бири 1998 йилда Англия банкидан назорат вазифасининг ажралиб чиқиши ва ягона назорат ташкилоти (2013 йилга қадар) масъулиятини зиммасига олган Молиявий хизматлар бошқармаси (FSA)ни айтиб ўтиш мумкин;

– турли назорат ташкилотлари банк ва нобанк молиявий муассасалар фаолияти устидан назорат қилишга ихтисослашган ҳолларда, мазкур органларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва мувофиқлашуви зарурлиги ортади;

– айрим мамлакатларда исломий «дарча»лар очишга рухсат этилган, шу билан бир вақтда бошқа мамлакатларда бунга рухсат берилмайди.

6.4. Халқаро инфратузилма ташкилотлари.

Ҳар бир тизим ўзининг муассасавий талабларига эга бўлади. Исломий молиявий муассасалар ҳам бундан мустасно эмас. Турли вазифаларни бажариш учун уларга бир қатор кўмакчи муассасалар бўлиши талаб этилади. Охирги 30 йил ичида бутун дунёдаги исломий муассасалар ўзининг хусусиятларига жавоб беришга мувофиқлашмаган, анъанавий банк ишига кўмак берувчи муассасавий таркиблардан фойдаланишга уриниб келмоқда. Келажакда исломий молиялаштириш учун мувофиқ келадиган муассасавий таркибларни яратиш жиддий синов бўлиб қолиши мумкин.

Исломиё молиявий хизматлар саноатини тартибга солиш ва назорат қилишнинг замонавий тизими қуйидаги халқаро молиявий муассасалар томонидан амалга оширилмоқда:

– Исломиё молиявий муассасалар учун бухгалтерия ҳисоби ва аудит ташкилоти (Accounting and Auditing Organization for Islamic Financial Institutions, AAOIFI);

– Исломиё молиявий хизматлар бўйича кенгаш (Islamic Financial Services Board, IFSB);

– Исломиё молия халқаро бозори (International Islamic Financial Market, IIFM);

– Исломиё банклар ва молиявий муассасалар Бош кенгаши (General Council for Islamic Banks And Financial Institution, CIBAFI);

– Низоларни тартибга солиш ва арбитраж бўйича халқаро исломий марказ (International Islamic Centre for Reconciliation and Arbitration, ICRA);

– Халқаро исломий рейтинг агентлиги (Islamic International Rating Agency, IIRA);

– Ликвидликни бошқариш бўйича халқаро исломий корпорация (International Islamic Liquidity Management Corporation, IILM).

Исломиё молиявий муассасалар учун бухгалтерия ҳисоби ва аудит ташкилоти (AAOIFI) – исломий молиявий муассасалар ва умуман, тармоқ учун бухгалтерия ҳисоби, аудити, бошқарув, ахлоқ, шариат меъёрлари бўйича стандартлар тайёрлашни амалга оширадиган нотижорий халқаро исломий ташкилотдир.

AAOIFI 1990 йилда Ислом тараққиёт банки (Саудия Арабистони), Al Baraka (Баҳрайн) банк гуруҳи, Dar Al Mal Al Islami (Швейцария), Al Rajhi (Саудия Арабистони) банк ва инвестиция корпорацияси, Kuwait Finance House (Қувайт) ва Buhari Capital (Малайзия) ўртасидаги келишувга мувофиқ ташкил этилган ва 1991 йилда Баҳрайн Қироллигида рўйхатга олинган.

AAOIFI нинг 45 мамлакатда 200 га яқин аъзоси мавжуд бўлиб, улар орасида Марказий банклар, исломий молиявий муассасалар ва исломий молиявий саноатнинг бошқа ташкилотлари бор. Лекин шунини қайд этиш лозимки, AAOIFI нинг стан-

дартлари асосан мусулмон мамлакатлар Марказий банклари ёки тартибга солувчилари томонидан ААОИҒИ стандартларига асосланган тавсиялар асосида ишлаб чиқилган.

ААОИҒИ нинг вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

– исломий молиявий муассасаларга нисбатан бухгалтерия ҳисоби ва аудити ғояларини ривожлантириш;

– исломий молиявий муассасаларга нисбатан бухгалтерия ҳисоби ва аудити ғояларини ўқитиш, семинарлар, даврий ахборот бюллетенларини чоп этиш, турли тадқиқотлар ўтказиш ва бошқа усулларни юритишдан фойдаланиш орқали кенг ёйиш;

– исломий молиявий муассасалар учун бухгалтерия ҳисоби ва аудити стандартларини тайёрлаш, эълон қилиш ва тушунтириш;

– исломий молиявий муассасалар учун бухгалтерия ҳисоби ва аудити стандартларига ўзгартиришларни кўриб чиқиш ва амалга киритиш.

ААОИҒИ ушбу вазифаларни шариат кўрсатмаларига ҳамда молиявий муассасалар шаклланган муҳитга мувофиқ амалга оширади. Ушбу фаолият исломий молиявий муассасалар молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар ишончини мустаҳкамлашга мўлжалланган бўлиб, бу орқали уларнинг пул маблағлари ёки қўйилмаларини исломий молиявий муассасаларда сақлаш ва уларнинг хизматидан фойдаланишни рағбатлантиришни ўз олдига мақсад қилиб олган.

ААОИҒИ бугунги кунда исломий молия соҳасидаги халқаро амалиётни стандартлаштириш ва уйғунлаштиришни ривожлантиришда етакчи вазифани бажариб келмоқда. Ҳозирги вақтда ААОИҒИ стандартлари бутун дунёдаги пешқадам исломий молиявий муассасалар томонидан ишлатиб келинмоқда.

ААОИҒИ стандартлари исломий молиялаштириш амалиётларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ривож этилиши мажбурий бўлган ислом фикҳи талабларини ўз ичига олади. Улар, хусусан, бутун дунёда эътироф этилган мана шундай амалиётлар шакли ва таркибини аниқлайди ва демак, халқаро исломий молиявий инжиниринг асосини ташкил этади.

2012 йилда ААОИҒИ молиявий инкироз натижалари бўйича икки асосий хулосани – бошқарув ва ахлоқий масалалар билан

боғлиқ бўлган 7 та янги шариат стандартларини амалга киритиш орқали тармоқ стандартларига талабчанликни оширди ва шу билан бир вақтда истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишга устуворлик берди. Стандартлар исломий молиядаги энг асосий, яъни молиявий ҳуқуқлар ва уларни бошқариш, ликвидлиликни бошқариш, банкротлик, капитал ва инвестицияларни ҳимоя қилиш, агентлик инвестициялари, битимлар бўйича фойдани ҳисоблаш сингари соҳаларни аниқлайди (тартибга солади).

ААОИҒИ томонидан киритилган бошқа стандартларга, кўчмас мулкка қилинган инвестициялар соҳасидаги қайта кўриб чиқилган бухгалтерия ҳисоби стандартлари киради, уларда келгусида капитал ўсиши учун олинган ёки мўлжалланган кўчмас мулкка йўналтирилган инвестицияларни маълум қилиш ва бериш, баҳолаш, уларни эътироф этиш қоидалари баён этилган. Бундан ташқари, ҳозирги пайтда ААОИҒИ инвестицион ҳисоб варақлар ва такофул бўйича мавжуд стандартларни қайта кўриб чиқмоқда ҳамда қутилганидек, 2013 йилда яқунланган шариат кенгашлари учун бошқарувнинг янги стандартларини ишлаб чиқмоқда.

6.2-жадвалда ААОИҒИ нинг бухгалтерия ҳисоби ва аудит, ахлоқий меъёрлар, корпоратив бошқарув ва шариат меъёрлари соҳасидаги стандартлари рўйхати тақдим этилган.

6.2-жадвал

ААОИҒИ стандартлари

Бухгалтерия ҳисоби	
Молиявий ҳисобот	
SFA 1	Исломий молиявий муассасалар молиявий ҳисоботи учун концептуал асос
Бухгалтерия ҳисоби стандартлари	
FAS1	Исломий банк ва молиявий муассасалар молиявий ҳисоботининг умумий тақдим этилиши ва очиқлиги
FAS2	Муробаҳа ва буюртмачи томонидан харид қилиш муробаҳаси
FAS3	Муробаҳа бўйича молиялаштириш (шартлар асосида)
FAS4	Мушоракани молиялаштириш (шартлар асосида)

FAS5	Инвестицион ҳисоб varaқ эгалари ва мулкдорлар (ҳиссадорлар) ўртасида фойдани тақсимлаш учун асосларни аниқлаш
FAS6	Инвестицион ҳисоб varaқ эгаларининг мулкка бўлган ҳуқуқи ва унинг эквиваленти
FAS7	Салам ва параллел салам
FAS8	Ижара ва ижара мунтаҳия биттамлик
FAS9	Закот
FAS10	Истисноъ ва параллел истисноъ
FAS11	Озиқ-овқатлар ва захиралар
FAS12	Исломий суғурта компаниялари молиявий ҳисоботларининг умумий тақдим этилиши ва очиқлиги
FAS13	Исломий суғурта компанияларидаги ортиқчалик ёки камомадларни аниқлаш ва тақсимлаш учун асосларни топиш
FAS14	Инвестицион жамғармалар
FAS15	Исломий суғурта компанияларининг озиқ-овқат ва захиралари
FAS16	Чет эл валютаси ва халқаро амалиётлар бўйича битимлар
FAS17	Воқеликдаги кўчмас мулкка инвестициялар
FAS18	Анъанавий молиявий муассасалар томонидан тақлиф этиладиган исломий молиявий хизматлар
FAS19	Исломий суғурта компанияларига бадаллар
FAS20	Кечиктирилган тўловлар билан боғлиқ сотувлар
FAS21	Активларни беришда маълумотларнинг очиқлиги
FAS22	Тармоқ ҳисоботи
FAS23	Жамлаш
FAS24	Бирлашган компанияларга инвестициялар
FAS25	Сукук, акция ва шунга ўхшаш воситаларга инвестициялар
Амал қилинадиган кўрсатмалар	
1	ААОIFI нинг бухгалтерия ҳисоби стандартларини дастлабки қўллаш бўйича амал қилинадиган кўрсатмалари
Аудит	
1	Аудитнинг вазифа ва тамойиллари
2	Аудиторнинг ҳисоботи
3	Аудиторлик келишувининг шартлари
4	Ташқи аудиторнинг шариат қоидалари ва тамойилларига мувофиқлигини текшириш

5	Молиявий ҳисоботни аудит қилиш чоғида хато ва товламачиликларни қўриб чиқиш бўйича аудиторнинг масъулияти
Корпоратив бошқарув	
1	Шариат кузатув кенгаши: тайинлаш, таркиби ва ҳисобот бериш
2	Шариат назорати (шариатга мувофиқлик)
3	Ички шариат назорати (шариатга мувофиқлик)
4	Исломий молиявий муассасалар учун корпоратив бошқариш қўмитаси ва аудит
5	Шариат кузатув кенгашининг мустақиллиги
6	Исломий молиявий муассасалар учун корпоратив бошқарув тамойиллари тўғрисидаги низом
7	Корпоратив ижтимоий масъуллик: исломий молиявий муассасалар учун маълумотларнинг очиклиги ва уни амалга ошириш
Ахлоқий меъёрлар	
1	Исломий молиявий муассасалар бухгалтерлари ва аудитлари учун ахлоқ кодекси
2	Исломий молиявий муассасалар ходимлари учун ахлоқ кодекси
Шариат	
1	Валюта савдоси
2	Дебет карталари, тўлов карталари ва кредит карталари
3	Қарздор тарафидан тўлов мажбуриятларини бажармаслик
4	Қарзларни ўзаро талабларни ҳисоблаш йўли билан тартибга солиш (қарши талабларни ўзаро сўндириш)
5	Кафолатлар
6	Анъанавий банкни исломий банкка айлантириш
7	Ҳавола
8	Буюртмачи томонидан харид қилиш муробаҳаси
9	Ижара ва ижара мунтаҳия биттамлик
10	Салам ва параллел салам
11	Истисноъ ва параллел истисноъ
12	Мушорақа ва замонавий корпорациялар
13	Музораба
14	Документар аккредитив
15	Жуъла
16	Тижорат қоғозлари (қисқа муддатли вексель)

17	Инвестиция сукуки
18	Qabd (мулк) эгаллиги
19	Қарз бериш (Qard)
20	Ташкилий бозордаги товарлар
21	Молиявий қоғозлар (акция ва облигациялар)
22	Концессион шартномалар
23	Агентлик фаолияти
24	Синдикатлашган молиялаштириш
25	Шартномалар комбинацияси
26	Исломиий суғурталаш
27	Индекслар
28	Банк хизматлари
29	Фатволар бўйича ахлоқ ва низомлар
30	Пуллик хизматлар, реклама хизмати кўрсатиш ва бошқалар ҳисобига лойиҳадан фойда олиш (монетизация)
31	Молиявий битимлардаги ғорар шартлари
32	Ҳакамлик
33	Вақф
34	Ходимларни ёллаш
35	Закот
36	Шартли мажбуриятлар
37	Кредит линиялари
38	Онлайн молиявий битимлар
39	Гаров
40	Инвестицион ҳисоб варақлар ва фойдани тақсимлаш
41	Қайта суғурталаш
42	Ҳуқуқларни ўтказиш
43	Банкротлик
44	Ликвидлиликни бошқариш
45	Капитални ҳимоя қилиш (инвестиция хизматларида)
46	Инвестиция агентлиги фаолияти
47	Тушум ва фойдалар ҳақидаги низом (молиявий битимларда)
48	Ҳуқуқий шартномалардаги опционлар
Манба: ААОIFI	

Исломий молиявий хизматлар бўйича кенгаш (IFSB).

Исломий банкларни назорат этиш ва тартибга солиш учун аниқ бошқарув қоидаларига заруратни муҳокама этиш мана шундай қоидалар ихтисослашган муассаса томонидан энг афзал усулда тайёрланиши мумкин экан, деган тушунчага олиб келди ва 2000 йилнинг февралида Баҳрайнда ўтказилган исломий банк назорати бўйича Конференцияда ИТБ, ХВЖ, Баҳрайн пул-кредит агентлиги ва ААОIFI Исломий молиявий хизматлар бўйича кенгаш (IFSB)ни тузиш тўғрисида тавсия бердилар. Ушбу тавсиялар ХВЖ, Жаҳон банки ва Баҳрайн, Миср, Эрон, Йордания, Қувайт, Малайзия, Фаластин ва Судан Марказий банклари гуруҳи вакиллари ҳамда ИТБ ва ААОIFI вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган йиғилишда муҳокама қилинди. Баҳрайн, Эрон, Малайзия ва Судан Марказий банкларининг ХВЖ, ИТБ ва ААОIFI билан биргаликда муваққат қўмита тузиш тўғрисида қарори қабул қилинди. Марказий банкларнинг раҳбарлари IFSB ни ташкил этиш ва бошқаришда ИТБ етакчи вазифани бажариши лозимлигини таъкидладилар.


Бу эса, IFSB ўз фаолиятини самарали амалга ошириши учун қандай хусусиятларга эга бўлиши лозимлиги тўғрисидаги саволни олдинга сурди. Биринчидан, ушбу ташкилот BCBS, IOSCO, IAIS томонидан тасдиқланган халқаро стандартлар соҳасида юқори даражада билим ва тажрибага эга бўлиши керак. Иккинчидан, у исломий банкингнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг кучли ва ожиз тарафлари ҳамда келажақда бартараф этилиши лозим бўлган таҳдидлар тўғрисида тўлақонли билимга эга бўлиши лозим эди. Учинчидан, IFSB ҳукуматлар ва Марказий банкларнинг қўллаб-қувватлашига таяниши ва обрў-эътиборга эга бўлиши лозим, бу эса ҳукумат ташкилотларига унинг тавсияларини бажариш имконини беради. Бу ташкилот агар ҳукуматларнинг ўзи томонидан ташкил этилса ва унинг Бошқарувида Марказий банкларнинг ёки Молия вазирларининг раҳбарлари ҳам иштирок этган тақдирдагина амалга ошириши мумкин. Тўртинчидан, ташкилот банклар, суғурта ташкилотлари, биржа компаниялари ва бошқа нобанк молиявий муассасаларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириб туриш имконига эга бўлиши лозим. Агар уни фақат исломий банкларнинг

ўзигина қўллаб-қувватласа, у ҳолда ташкилот бутун исломий молиявий бозорни тартибга солишни самарали амалга ошира олмайди. Бешинчидан, у исломий банкларнинг ўзи томонидан ташкил этилган ташкилот бўлмаслиги лозим. Бу, ўз навбатида, манфаатлар тўқнашувига ҳамда тартибга солиш ва назорат учун зарур бўлган бошқарув қобилятига нисбатан ишончнинг сусайишига олиб келиши мумкин. IFSB нинг юқорида санаб ўтилган хусусиятларини эътиборга олиб ташкил этиш, исломий банкларни халқаро стандартлар ҳамда шариатга мувофиқ ҳолда тартибга солиш ва назорат этишни амалга оширишга ёрдам беради.

2002 йили ХВЖ, ИТБ, Баҳрайн монетар агентлиги, Малайзия Марказий банки ва бошқа Марказий банкларнинг фаол иштироки билан Куала-Лумпурда Исломий молиявий хизматлар кенгаши тузилди ва у 2003 йилнинг мартидан ўз фаолиятини бошлади.

2013 йилнинг апрели ҳолатига IFSB 187 та аъзони ўз ичига олган бўлиб, 43 та мамлакатда фаолият юритадиган аъзоларнинг 57 таси тартибга солувчи ва назорат ташкилотлари, 8 та ҳукуматлараро ташкилот ва 122 та малакали бозор иштирокчилари, фирмалар ва тармоқ уюшмаларидан иборатдир. Ушбу рўйхат йил сайин кенгайиб бормоқда. 2014 йилнинг бошида IFSB Корея Банкни кенгашнинг аъзоси сифатида ташкилотга қабул қилинганини эълон қилди.

Бугунги кунда IFSB – исломий молиявий хизматлар саноати барқарорлиги ва турғунлигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи, исломий молиявий саноат учун асос бўлувчи қоидалар ва стандартларни чиқариш орқали банк, капитал бозори ва суғурта сектори фаолиятини ўз ичига олган стандартларни ўрнатадиган халқаро ташкилотдир. Ушбу вазифаларни олдинга сурган IFSB мавжуд халқаро стандартларни шариат қоидаларига мувофиқ ҳолатга келтириш ёки янги стандартларни амалга киритиш орқали исломий молиявий хизматлар саноатининг шаффоф ва онгли ривожланишига кўмак бермоқда ва уларни қабул қилишни тавсия этмоқда. Шу туфайли IFSB нинг фаолияти банк назорати бўйича Базель кўмитасининг, Қимматли қоғозлар бўйича комиссиялар халқаро ташкилоти ва Суғурта назорати ташкилотлари халқаро уюшмасининг фаолиятини тўлдирмоқда.



6.1-расм. IFSB қоидалари ва стандартлари учун кенг миқёсдаги меъёрий-ҳуқуқий база.

IFSB нинг вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

– шариат қоидаларига мувофиқ келадиган мавжуд халқаро стандартларни қўллаш ва уларни жорий этишни тавсия этиш, янги шаффоф ва мўътадил исломий молиявий хизматларни жорий этиш орқали саноатнинг ривожланишига кўмаклашиш;

– исломий молиявий маҳсулотларни таклиф этувчи муассасаларни тартибга солиш ва самарали назорат қилиш бўйича раҳбарликни таъминлаш ҳамда ахборотнинг очиқлиги, харажат ва даромадларни ҳисоблаш, баҳолаш учун халқаро стандартларни эътиборга олган ҳолда, исломий молиявий хизматлар саноати учун хатарларни кўра билиш ва бошқариш, ўлчаш, аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш;

– халқаро монетар ва молиявий тизим барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида стандартларни ишлаб чиқувчи мувофиқ ташкилотлар билан ўзаро алоқа ва ҳамкорликни амалга ошириш;

– хатарларни самарали бошқариш фаолиятини таъминлаш учун воситалар ва иш тартибини шакллантириш мақсадида ташаббусларни мувофиқлаштириш ва кенгайтириш;

– исломий молиявий хизматлар саноатини ривожлантиришда аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро алоқани қўллаб-қувватлаш;

– исломий молиявий хизматлар саноати ва у билан алоқадор бўлган бозорларни самарали тартибга солиш билан боғлиқ

соҳалардаги ходимларнинг малакасини ошириш ва ўқитишга ёрдам бериш;

– исломий молиявий хизматлар саноати муаммолари бўйича тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаси бўйича мақолалар ва шарҳлар чоп этиш;

– исломий молиявий хизматлар соҳасидаги экспертлар ва молиявий муассасалар, исломий банклар ҳақида маълумотлар банкини ташкил этиш.

Глобал молиявий инқироз билан боғлиқ равишда ва банк назорати бўйича Базель кўмитаси стандартларини давомли шакллантирилаётганлиги боис, глобал молиявий саноатда рўй бераётган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда IFSB бир қатор ташаббусларни қабул қилмоқда. У исломий молиявий хизматларни тақдим этадиган муассасалар учун ликвидлилик хатарини бошқариш бўйича асос бўлувчи тамойилларни, исломий молиявий хизматлар кўрсатувчи муассасалар стресс-тестлари бўйича асосий қоидаларни ва лойиҳа-15 «Ўз капиталининг етарлилигига оид қайта кўриб чиқилган стандарт»ни амалга киритишни ўз ичига олади. 6.3-жадвалда IFSB томонидан чиқарилган меъёрий ҳужжатлар рўйхати берилган.

6.3-жадвал

IFSB стандарти ва қўлланмалари

Номланиши	Чиқарилган йили
IFSB-1: Исламий молиявий хизматлар тақдим этувчи муассасалар учун хатарларни бошқариш таянч тамойиллари	2005
IFSB-2: Исламий молиявий хизматлар тақдим этувчи муассасалар учун (суғурга компанияларидан ташқари) ўз капитали етарлилиги стандарти	2005
IFSB-3: Исламий молиявий хизматлар тақдим этувчи муассасалар учун (суғурга компаниялари ва ўзаро ёрдам исломий жамғармаларидан ташқари) корпоратив бошқарув бўйича асос бўлувчи тамойиллар	2006

IFSB-4: Исломий молиявий хизматлар тақдим этувчи муассасалар учун (суғурта компаниялари ва ўзаро ёрдам исломий жамғармаларидан ташқари) шаффофликни таъминлаш мақсадида ахборотларнинг очиқлиги	2007
IFSB-5: Исломий молиявий хизматлар тақдим этувчи муассасалар учун (суғурта компаниялари ва ўзаро ёрдам исломий жамғармаларидан ташқари) назорат жараёнида асосий таркиблар бўйича тавсиялар	2007
IFSB-6: Инвестициялашнинг жамоавий шакллариини бошқариш бўйича асос бўлувчи тамойиллар	2008
IFSB-7: Кўчмас мулкка инвестициялар ва секьюритизациялаш, сукук учун ўз капитали етарлилигига талаблар	2008
IFSB-8: Такофул (исломий суғурталаш) компаниялар учун бошқариш бўйича асос бўлувчи тамойиллар	2009
IFSB-9: Исломий молиявий хизматлар тақдим этувчи муассасалар бизнес юритиши бўйича асос бўлувчи тамойиллар	2009
IFSB-10: Исломий молиявий хизматларни таклиф этувчи муассасалар учун шариат бошқарув тизими бўйича асос бўлувчи тамойиллар	2009
IFSB-11: Такофул компаниялар учун тўлов қобилиятига талаблар бўйича стандарт	2010
IFSB-12: Исломий молиявий хизматларни таклиф этувчи муассасалар учун ликвидлилик хатарини бошқариш бўйича асос бўлувчи тамойиллар	2012
IFSB-13: Исломий молиявий хизматларни таклиф этувчи молиявий муассасалар учун стресс-тест ўтказиш бўйича асос бўлувчи тамойиллар	2012
GN-1: Ўз капитали етарлилиги стандартига амал қилинадиган қўлланмалар: молиявий воситаларнинг шариатга мувофиқлигининг ташқи кредит баҳолов муассасалари томонидан рейтингини тасдиқлаш	2008
GN-2: Хатарларни бошқариш ва ўз капитали етарлилиги бўйича стандартларга раҳбарлик кўрсатмалари: муробаха товар битимлари	2010
GN-3: Инвестицион ҳисоб варақ эгалари фойдасини тўлаб беришни мувофиқлаштириш амалиётига доир раҳбарлик кўрсатмалари	2010

GN-4: Ўз капиталининг етарлилиги IFSB стандарти раҳбарлик қўлланмалари: исломий молиявий хизматлар тақдим этувчи муассасалар учун ўз капитали етарлилиги Альфа коэффициентини аниқлаш (суғурта компанияларидан ташқари)	2011
GN-5: Такофул ва ретакофул компаниялар рейтингги бўйича ташқи кредит баҳолов муассасалари (ECAIS)га оид раҳбарлик кўрсатмалари	2011
TN-1: Исломий молиявий хизматларни тақдим этувчи муассасалар ликвидлилигини бошқаришни жадаллаштириш масаласи бўйича техник иловалар: исломий пул бозорини ривожлантириш	2008
Манба: IFSB	

Исломий молия халқаро бозори (ИФМ) – бу исломий молиявий хизматлар саноати сегменти, исломий капитал бозори ва пул бозори (ICMM)га эътибор қаратган исломий молия бозорини ривожлантириш бўйича халқаро ташкилотдир. Унинг асосий диққат-эътибори исломий молиявий маҳсулотларни стандартлаштириш ва шунга алоқадор жараёнларни ҳужжатлаштиришга қаратилган.

ИФМ Баҳрайн Марказий банки, Ислом тараққиёт банки, Бруней Доруссаломнинг Монетар идораси, Индонезия банки, Судан Марказий банки ва Малайзия Марказий банкининг жамоавий саъй-ҳаракатлари ҳисобига ташкил этилган нотижорий бетараф ташкилотдир. Аъзо-таъсисчилардан ташқари ИФМ Покистон Марказий банки, Дубай Халқаро молия маркази, Индонезия молиявий хизматлар муассасаси ҳамда бир қатор ҳудудий ва халқаро молиявий муассасалар ҳамда бошқа бозор иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. ИФМ 2002 йилнинг апрелидан бошлаб ўз фаолиятини бошлади.

ИФМнинг бош мақсади – исломий молиявий воситалар иккиламчи халқаро савдо бозорларига кўмак беришдир. ИФМ бошқа мамлакатлар томонидан исломий молиявий воситаларнинг қабул қилинишини лозим даражада яхшилайти ва мусулмон мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

ИФМ томонидан қамраб олинган айрим соҳаларга қуйидагилар киради:

а) ҳужжатлаштириш ва маҳсулотларни стандартлаштиришда тармоқ эҳтиёжларини қондириш;

б) тартибга солувчи ташкилотлар, молиявий муассасалар, ҳуқуқий корхоналар, биржалар, тармоқ уюшмалари, инфратузилмавий хизмат кўрсатувчилар ва бозорнинг бошқа иштирокчиларига универсал дастурларни тақдим этиш орқали аниқ лойиҳалар бўйича глобал ишчи гуруҳлари ва қўмиталар ташкил этиш йўли билан умумий дастурга (йўлга) киритиш (кўшиш);

в) исломий молиявий бозорларда ҳуқуқий ислоҳотлар ва шариат уйғунлигига, бирлашиши (унификацияси)га ёрдам бериш;

г) шариатни кенг эътироф этишни таъминлаш мақсадида машҳур олимлардан иборат шариат масалалари бўйича маслаҳат гуруҳлари фаолиятини олиб бориш.

Шу ерда ўринли савол туғилади: исломий молиявий маҳсулотларни стандартлаштириш ва ҳужжатлаштириш нима учун керак? Баҳолаш ва ҳужжатларни мувофиқлаштириш бўйича харажатларни камайтириш; адолат ва мувозанатни таъминлаш; аниқлилик, ликвидлилик ва самарадорликни ошириш; намуна бўлишга хизмат қиладиган андозани ташкил этиш; исломий ва анъанавий молиявий амалиётлар ўртасидаги баҳолар тафовутини камайтириш учун керак бўлади.

Ҳужжатларни меъёрга солиш ва исломий молиявий маҳсулотлар – исломий молиявий муассасалар амалиётларини йирик анъанавий банклар билан бир даражага олиб чиқади. Ҳужжатларни меъёрга солиш ва исломий молиявий маҳсулотлар нафақат трансчегаравий амалиётларни амалга оширишга ёрдам беради, балки маҳаллий бозор ривожланишида ҳам асосий вазифани бажаради. IIFM нинг халқаро ишчи гуруҳлари лойиҳаларида иштироқи халқаро даражадаги муҳим қўлланмалардан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлайди, бу эса мамлакат ва чет эллардаги молиявий муассасалар илғор тажрибасидан фойдаланишга имкон беради.

Исломий банклар ва молиявий муассасалар бош кенгаши (CIBAFI) етти халқаро исломий инфратузилмавий ташкилотларнинг бири ҳисобланади. Ушбу ноtijорий ташкилот 2001 йил май ойида чоп этилган Баҳрайн Қиролининг фармони билан

киролликда ташкил этилган ва жойлашган. Мазкур ташкилот Ислом Ҳамкорлик ташкилотининг ҳукуқий жиҳатдан алоқадор ташкилоти ҳисобланади.

Кенгаш гарчи 2001 йилда ташкил этилган бўлса-да, унинг ташкил этилиши Ислом тараққиёт банки томонидан 1999 йилнинг июлида бошланган эди. Кенгаш аъзолари таркиби Марказий банклар томонидан тартибга солинадиган бутун дунёдаги турли мамлакатларда рўйхатга олинган молиявий муассасалар ва банкларни ўз ичига олган. 2013 йилга келиб CIBAFI 99 та аъзо ва кузатувчиларни ўз ичига олди. CIBAFI араб дунёси ва жаҳон молия саноатида тутган мавқеига муносиб ҳолда, Баҳрайнда ўзининг штаб-қароргоҳига эга.

CIBAFI шариатга мувофиқ келувчи маҳсулотлар ва хизматлар кўрсатувчи барча молиявий муассасалар учун молиявий бозор фаолияти барқарорлигини таъминловчи расмий ташкилот ҳисобланади. CIBAFI нинг мақсади, исломий молиявий саноат ва унинг турли соҳаларини, жумладан, инсон ресурсларини ўқитиш ва ривожлантириш, ахборот ва молиявий таҳлил, маслаҳат хизматлар, бохабарликни муассасавий ривожлантиришдан иборатдир.

CIBAFI нинг ривожлантириш умумий концепцияси – адолатли исломий молия тизимини қўллаб-қувватлашда самарали ва маҳсулдор иштирок этишдир.

CIBAFI нинг миссияси – жаҳон миқёсида исломий молиявий саноатни тақдим этиш, унинг хусусиятлари ва ютуқлари билан таништириш ҳамда вазифаларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашда қатнашиш, шариат кўрсатмаларига эришиш учун исломий молиявий муассасаларнинг бошқа муассасалари билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, манфаатдор тарафлар ва ходимларнинг исломий молия стандарти юқори сифати ҳамда ахлоқий меъёрларига буткул мувофиқлигига эришишдан иборат.

CIBAFI нинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

– исломий молиявий саноатни илгари суриш ва ривожлантириш ҳамда халқаро ва ҳудудий миқёсда унинг иштирокини кенгайтириш, исломий молиявий муассасалар бўйича тушунча, қоида ва мос келувчи низомларни тарғиб қилиш орқали уларга кўмак бериш;

– жоиз воситалардан фойдаланган ҳолда, умумий манфаатга жавоб берадиган соҳалардаги бошқа шунга монанд молиявий муассасалар ва кенгаш аъзолари ўртасида ҳамкорликни мувофиқлаштириш;

– кенгаш аъзолари манфаатларини илгари суриш, тармоқ ва унинг йўналишини умумий муаммо ва қийинчиликлардан ҳимоя қилиш, аъзолар ва бошқа ташкилотлар, хусусан, тартибга солувчи ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш;

– илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни рағбатлантириш орқали исломий молиявий хизматлар ривожланишида иштирок этиш, маҳсулотларни рўйхатга олиш соҳасидаги расмий тартиб ва қонунчиликнинг ривожланишини кузатиб бориш, маҳсулотларни расмийлаштириш;

– ривожланиш учун имкониятлар ва халқаро муаммоларни ечиш учун инсон ресурслари ривожланишида иштирок этиш.

CIBAFI нинг фаолияти эътибори асосан тўртта соҳага қаратилган:

а) медиа ва бохабарлик: Интернет ва веб-сайтлар ҳамда электрон ахборот бюллетенлари, конференция ва семинарлар, глобал бохабарлик дастурлари, маҳаллий жамоатчилик ахборот дастурлари;

б) ахборот ва тадқиқотлар: исломий молиявий муассасалар учун молиявий ва маъмурий каталоглар, исломий банк иши амалий дастурлари серияси, ойлик таълим бюллетенлари;

в) сиёсат ва стратегик режалаштириш: исломий банк иши учун намунавий қонун; халқаро исломий банк;

г) исломий молиявий маҳсулотлар: исломий молиявий маҳсулотлар учун СМК исломий сертификати.

Низоларни тартибга солиш ва арбитраж бўйича халқаро исломий марказ (ICRA) – халқаро мустақил нотижорат ташкилоти ҳисобланади ва исломий молиявий саноатнинг энг муҳим муассасаларидан бири сифатида иштирок этади.

Марказ шариат қоидалари, ислом фикҳи низомларини ўзининг фикри бўйича талқин этадиган молиявий муассасалар ёки бизнес-таркиблар ўртасида юзага келадиган тижорий ва молиявий тортишувларни, мазкур муассасалар ва уларнинг

мижозлари ёки улар ва учинчи шахслар ўртасидаги низоларни арбитраж ёки ҳал қилиш орқали тартибга солади. ICRA мустақил ва ҳуқуқий шахс шаклидаги халқаро ташкилот ҳисобланади. Ушбу хусусият ICRA хизмат кўрсатадиган молиявий муассасаларга унинг халқаро, ҳудудий ва маҳаллий миқёсда катта ишонч шаклидаги имтиёзларни тақдим этади.

ICRA ни таъсис этиш Бирлашган Араб Амирликлари, Ислом тараққиёт банки, Исломий банклар ва молиявий муассасалар бош кенгаши (CIBAFI)нинг биргаликдаги ҳаракатлари натижаси ҳисобланади.

Марказни очиш даври бир нечта босқичда ўтди ва қарийб 3 йил давом этди. Мана шу давр ичида Ernst&Young компанияси бошқаруви Марказни таъсис этиш учун техник-иқтисодий асосларни бажарди. Тадқиқотлар натижасида арбитраж соҳасининг шариат қоидаларига мувофиқ келиши бўйича улкан тафовутлар мавжудлиги ҳақида ҳулоса қилинди.

ICRA ни ташкил этиш босқичлари куйидагилардан иборат:

– 2004 йилда Техронда Ислом тараққиёт банки йиллик йиғилишида бўлиб ўтган норасмий суҳбатларда исломий молиявий саноатнинг вакили сифатида иштирок этган CIBAFI ва БАА ўртасида Марказнинг штаб-қароргоҳи тўғрисида битим имзоланди;

– Марказга 2005 йилда таъсис йиғилиши бўлиб ўтган куни асос солинди, унда 70 дан ортиқ маҳаллий, ҳудудий ва халқаро молиявий муассасалар ҳамда давлат ва нотижорат ташкилотлари иштирок этдилар;

– Марказ амалда ўз фаолиятини 2007 йилнинг январидан бошлади.

ICRA концепцияси – исломий молиявий саноатдаги баҳсларни ечишга нисбатан шариатнинг замонавий қарашларидир.

ICRA нинг асосий вазифалари эса куйидагилардан иборат бўлди:

– исломий молия тармоғининг шариат қоидаларига мувофиқлиги низолар ечимини топиш бўйича эҳтиёжларни қондириш;

– исломий молиявий хизматлар хусусиятларига маҳсулотлар ва битимлар хилма-хиллиги нуқтаи назаридан самарали муносабат билдириш.

ПСРА кўрсатадиган хизматлар қуйидагилардир:

– юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида молиявий муассасаларга қўмак бериш учун турли низоларга ҳакамлик қилиш ва тартибга солиш хизматларини ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш;

– ислом дунёси ва ундан ташқарида етарли даражада малака ва ахлоққа эга ҳакам ва мутахассислар рўйхатини тақдим этиш;

– асосан исломий ҳакамлик ҳамда ҳакамлик муҳокамалари ҳақида маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

– ҳакамлик маданиятини кенг ёйиш мақсадида унинг ихтисослашуви соҳасида ва низо ҳамда келишмовчиликларни тартибга солиш бўйича муқобил ёндашувлар ўқув курсларини ташкил этиш;

– кўплаб мавзулар бўйича ярим йиллик расмий ахборотларни чиқаради ва уларни исломий молиявий муассасаларга бепул тарқатади.

2005 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда ПСРА аъзолари сони 30 тага етди.

Халқаро исломий рейтинг агентлиги (ИРА) асосан исломий мамлакатлардаги банк сектори ва капитал бозори рейтинг баҳоларининг ранг-баранглигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ягона рейтинг агентлиги ҳисобланади, унинг нигоҳи капиталнинг тўлақонли воситаларини ва махсус исломий маҳсулотларни қамраб олган ҳамда мана шу бозорлардаги таҳлилий экспертиза даражасини оширишга қаратилган.

ИРА томонидан тўлдирилган рейтинг тизими исломий молиялаштиришнинг ўзига хос ноёб хусусиятларини тан олади ва бирлаштиради ҳамда шу орқали рейтинг агентлигининг якуний мақсади ҳисобланмиш хизматлар сифатининг келажаги кенгайишига олиб келади. Бу, ўз навбатида, ИРА хизмат кўрсатишни режалаштираётган мамлакатларда капитал бозори даражасининг ошишига ва ривожланишига йўл очади.

ИРА етакчи банклар, тараққиёт муассасалари, бошқа молия муассасалари ва рейтинг агентликлари томонидан ҳомийликка

олинган. Унинг ҳиссадорлари 11 та мамлакатда ўз фаолиятларини амалга оширмақдалар ва улар ташкилот ўзагини ташкил этадилар.

ИРА шундай таркиблаштирилганки, бунда унинг мустақиллиги сақлаб қолинишига асосий эътибор қаратилган. У ўзининг директорлар кенгаши ва тўлақонли мустақил рейтинг кўмитасига эга.

ИРА ни ривожлантириш умумий концепцияси – рейтинг агентлиги сифатида исломий капитал бозорининг ўсишига кўмак беришдир, бу эса ишонч, шаффофлик, адолат ва мустақиллик тимсоли бўлиб хизмат қилади.

ИРА нинг бош устуворлиги – шаффофлик, ҳалоллик, сифат ва мустақиллик каби бош ахлоқий қадриятларни олдинга суришга содиқ қолишдир.

6.4-жадвалда ИРА рейтинг кўрсаткичларини бериш жараёни баён этиб берилган.

6.4-жадвал

ИРА рейтингларини бериш жараёни

Тарафлар	Қўлланиш
Эмитент/мижоз	Дастлабки рейтинг ҳақида келишув имзолайди
	Дастлабки ахборот материалларини тақдим этади
ИРА	Дастлабки тадқиқот ўткази
	Эмитент/мижозга батафсил сўровнома беради
Эмитент/ мижоз	Сўровномага мувофиқ батафсил ахборотни тақдим этади
ИРА	Дастлабки экспертизани ўткази
	Инвестиция олди муқобил таҳлилни амалга оширади
	Инвестициядан кейинги таҳлилни амалга оширади
	Кўмита йиғилиши учун қисқача ахборот тайёрлайди
Рейтинг кўмитаси	Дастлабки/биринчи рейтингга нисбатан қарор чиқаради
ИРА	Эмитент/мижозни дастлабки/биринчи рейтинг ҳақида хабардор қилади

Эмитент/ мижоз	Ҳар қандай янги далиллар ва ахборотга асосланиб, шикоят қилиши мумкин
Рейтинг қўмитаси	Эмитент/мижознинг мурожаатини муҳокама қилади ва қарор чиқаради
ИРА	Эмитент/мижозни рейтинг қўмитасининг қарори ҳақида хабардор қилади
Эмитент/ мижоз	Рейтингни жамоатчилик учун чоп этишга розилик беради
ИРА	Рейтингни оммавий ахборот воситаларида чоп этиради
Манба: ИРА	

ИРА ўз рейтингларини тартибга солувчи ташкилотлар томонидан тан олинishiга ҳаракат қилади ва Кредит баҳоловчи ташқи муассаса сифатида Баҳрайн Марказий банкининг эътирофини олишга сазовор бўлган. ИРА, шунингдек, Ислон тараққиёт банки томонидан тасдиқланган рейтинг агентликлари рўйхатига ҳам киритилган. Қозоғистон ва Тожикистон учун биринчи марта мустақил рейтинг баҳоларини амалга ошириш режалаштирилган.

Ликвидликни бошқариш бўйича халқаро исломий корпорация (ИЛМ) – Марказий банклар, монетар ташкилотлар ва кўп томонли ташкилотлар томонидан шариатга мувофиқ келувчи самарали халқаро ликвидликни бошқаришга кўмак берадиган қисқа муддатли молиявий воситаларни ташкил этиш ва чиқариш мақсадида таъсис этилган халқаро муассасадир. ИЛМ миллий, ҳудудий ва халқаро даражада ликвидликни бошқаришнинг ишончли инфратузилмасини қуриш мақсадида ҳудудий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга интилмоқда. Якуний мақсад эса бир вақтнинг ўзида трансчегравий молиявий воситачилик самарадорлигини ошириш орқали исломий пул бозорлари ва капитал бозорларининг халқаро миқёсда янада кенгроқ интеграллашувига кўмак беришдан иборатдир. Шариатга мувофиқ келадиган юқори сифатли банкларро воситаларнинг кўлами ва ликвидликни бошқариш бўйича платформани қўллаб-қувватлаш турлича тасарруфдаги ликвидликларни ички ва глобал ривожлантиришни осонлаштириш

учун ташкил этилади. ИИМ, шунингдек, техник маслаҳатлар ва исломий молиявий муассасалар ҳамда ИИМ аъзолари орасида ликвидликни бошқариш бўйича имкониятларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш лаёқатига ҳам эгадир, бу эса ташкилотнинг ликвидликни бошқариш бўйича халқаро амалиётларда иштирок этиш қобилиятини оширади. Шундай қилиб, исломий молиявий хизматларни таклиф этадиган муассасалар учун ликвидли молиявий бозорларни яратган ҳолда ИИМ трансчегаравий инвестицион оқимларни оширишга ҳаракат қилади ҳамда халқаро алоқалар ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлашни ўз олдига мақсад қилиб олган.

ИИМ 2010 йилнинг 25 октябрида ташкил этилган. ИИМ га аъзолик молиявий, савдо, тижорат ва қўп томонлама ташкилотларни назорат қилишни амалга оширувчи Марказий банклар, молияни тартибга солувчи ташкилотлар, вазирликлар ва идоралар учун очиқ ҳисобланади. 2013 йилнинг охирида Индонезия, Қувайт, Люксембург, Малайзия, Маврикий, Нигерия, Қатар, Туркия, БААнинг монетар ташкилотлари ва Марказий банклари ҳам ИТБ корпорациянинг ҳиссадорлари ҳисобландилар.

ИИМ ҳиссадорларининг мустаҳкам базасига таяниб чиқарилган мазкур корпорациянинг воситалари, Марказий банклар тарафидан банкларро амалиётлар ва молиялаштириш учун мақбул келувчи таъминот доирасининг кенгайишига хизмат қилади ҳамда турли юрисдикциялар ҳудуди ва ундан ташқарида, исломий молиявий муассасалар орасидаги иккиламчи бозорда молиялаштириш ҳажмларининг ошишига олиб келади. Яқин келажакда бу халқаро даражада кредитлаш ва таъминотга эга қарз бериш инфратузилмасининг ривожланишига ҳамда ушбу воситалар билан савдо қилиш учун ҳужжатларни стандартлаштиришга кўмак беради.

Бундан ташқари, исломий молиявий воситаларнинг узок муддат мобайнида ликвидликнинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ муаммоларни енгишга янада қобилиятлилиги, исломий молиявий муассасалар тасарруфида бўлган нақд маблағларнинг сезиларли миқдорда камайиши ҳам инвестицияларнинг даромадлигини оширишга ёрдам беради.

ИЛМ Малайзияда жойлашган ва Куала-Лумпур шаҳрида ўзининг штаб-қароргоҳига эга. Малайзияда 2011 йилда тасдиқланган қонунга мувофиқ, халқаро муассаса сифатида ИЛМ бир қатор имтиёз ва енгилликларга эга. ИЛМ нинг бундай мавқеи, исломий молиянинг ривожланишида халқаро молиявий тизимнинг бир қисми сифатида ўзига асосий вазифани олиш имконини беради. ИЛМ турли юрисдикциядаги исломий молиявий бозорлар ва умумий молиявий барқарорликни қўллаб-қувватловчи, самарали ва барқарор ривожланишга ўзининг ҳиссасини қўшиш орқали глобал исломий молия саноатининг келгуси муҳити шаклланишида муҳим ўрин тутди.

Шундай қилиб, исломий молиявий хизматлар саноатини тартибга солишнинг замонавий тизими бухгалтерия ҳисоби ва аудити, назорат ва пруденциал тартибга солиш, хатарларни бошқариш, ликвидлик, маҳсулотлар ва хизматларни стандартлаштириш, низоларни бартараф этиш ва хизматлар сифатини баҳолаш соҳасидаги ташкилий ишларни ўз ичига олади. Шунинг қайд этиш лозимки, исломий тартибга солиш ташкилотлари ўз фаолиятларида илғор халқаро стандартлар ва қоидалардан фойдаланади ҳамда ХВЖ, Жаҳон банки, ривожланган мамлакатлар Марказий банклари ва бошқалар каби халқаро молиявий ташкилотларни ўз аъзолари таркибига олади. Исламий молиявий саноатни тартибга солиш тизимини ривожлантиришда Ислам тараққиёт банкнинг тутган ўрни ўзига хосдир.

Назорат учун саволлар:

1. Тартибга солиш ва назоратнинг глобал тизимини баён этинг.
2. Гласс-Стигал қонуни ва унинг ўрнига келган Грэм-Лич-Блайли қонунининг ғояси нималардан иборат?
3. Исламий молиявий хизматларни тартибга солишнинг объектив асослари нималар эканини сўзлаб беринг.
4. ИХТ мамлакатларида банк назорати тизимининг ўзига хос хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
5. Малайзия ва Баҳрайндаги банк назорати тизимининг ўзига хос хусусиятларини баён этиб беринг.
6. ААОIFI нинг асосий фаолият йўналишлари ва вазифаларини баён этинг.

7. IFSB нинг асосий фаолият йўналишлари ва вазифаларини баён этинг.

8. IIFM нинг асосий фаолият йўналишлари ва вазифаларини баён этинг.

9. CIBAFI нинг асосий фаолият йўналишлари ва вазифаларини баён этинг.

10. ICRA нинг асосий фаолият йўналишлари ва вазифаларини баён этинг.

11. IIRA нинг асосий фаолият йўналишлари ва вазифаларини баён этинг.

12. IILM нинг асосий фаолият йўналишлари ва вазифаларини баён этинг.

6-бобда фойдаланилган адабиётлар:

1. *Muhammad Umer Chapra, Tariqullah Khan.* Regulation and Supervision of Islamic Banks. – Jeddah: IsDB, IRTI, 2000. – 101 p.

2. Исломий молиялар бўйича энг зарур китоб. (Кабир Ҳасан, Мервин Льюиснинг «Handbook of Islamic banking» китоби инглиз тилидаги асл нусхаси таржимаси). – Остона: ТОО «Istisna'a Corporation», 2011. – 452-б.

3. *Ahmad Mohamed Ali.* The Emerging Islamic Financial Architecture. The Way Ahead // Proceedings of the Fifth Harvard University Forum on Islamic Finance: Islamic Finance: Dynamics and Development, Cambridge, Massachusetts. Center for Middle Eastern Studies, Harvard University. 2000. pp. 147–159.

4. Islamic Financial Service Stability Report [Electronic resource], 2013. Access mode: www.ifsb.org

5. <http://www.aaofii.com>

6. <http://www.ifsb.org>

7. <http://www.iifm.net>

8. <http://www.cibafi.org>

9. <http://iicra.com>

10. <http://www.iirating.com>

3 - Қ И С М . ЧЕТ ЭЛЛАРДА МУҚОБИЛ (ИСЛОМИЙ) МОЛИЯЛАР

7 - б о б . Саноатнинг ривожланиши: халқаро тажриба


7.1. Муқобил молиявий хизматлар саноати шарҳи.

2012 йилда исломий молиявий хизматлар саноати молиявий инқироз оқибатлари таъсири остида ривожлана бошлади, бу билан молиявий воситачиликнинг муқобил усуллари ва инвестиция қилинган маблағларни тақсимлаш учун диверсификацияланган янги йўллари очди. Исламий молиянинг барча тоифадаги активлари (банкнинг, суғурталаш, капитал бозори)да сезиларли ўзгаришлар қайд этилди. Ушбу ўзгаришлар иштирокчилар сонининг ортиши, ҳукукий-меъёрий ислохотлар, рағбатлантиришнинг турли шакллари жорий этиш, ҳукуматларнинг турли бозорларда исломий молиявий хизматларни ташкил этиш бўйича ташаббусларига тааллуқлидир. Мутахассисларнинг фикрича, исломий молиявий хизматларнинг жаҳон бозори 2012 йилда 20,4% га ўсди ва 1,6 трлн. долларга етди.

Худудий кесимда исломий молиявий активлар Яқин Шарқ ва Осиёда жамланган ҳамда исломий банкларда жамланишда давом этмоқда. Молиявий тизимлари шариатга буткул мувофиқ келувчи Эрон ва Судандан ташқари кўрфазнинг айрим араб давлатлари, Бангладеш ва Малайзия асосий бозор ҳисобланади, ушбу мамлакатларда исломий молиявий хизматлар саноатининг бозордаги улуши ортиши билан боғлиқ равишда улар тизим шаклига ўтиб бормоқда.

7.1-расмда худудий кесимда исломий банкнинг таркибини таърифловчи диаграмма берилган.

7.1-расмда кўрсатилганидек, 2012 йилда исломий молиявий хизматлар саноатида катта улушни Кувайт ва Саудия Арабистони эгалламоқда.



7.1-расм. 2012 йилда исломий банк бозорининг таркиби ҳудудий кесимда.

Қатар, Малайзия ва БААда исломий молиявий хизматлар саноати ушбу мамлакатлардаги банк активлари умумий қийматининг ўртача 20% ини ташкил этди.

Бошқа мамлакатлар билан таққослаганда, Покистон, Туркия ва Индонезияда исломий молия тобора ўзининг ўрнига эга бўлиб бормоқда, лекин саноат мавжуд бозорда лозим даражадаги улушига эга бўла олмади. Умуман олганда, мазкур мамлакатлар исломий молия муассасалари бозорда муносиб ўрнига эга бўла олмагани боис, исломий молиявий хизматлар ҳам молиявий тизимдаги ўзининг аҳамиятли мавқеини эгаллаш олмайди. Лекин шуни қайд этиш керакки, ушбу бозорлар тезликда кенгаймоқда, шунинг учун уларнинг ривожланишига кўмак бериш лозим, бу эса яқин келажакда молиявий секторнинг сифат тарафдан ўсишига ёрдам беради, уларнинг ўсиш траекторияси узоқ келажакда ҳам исломий молиянинг юқори имкониятга эга бўлишини таъминлаши мумкин.

Уммон, Қозоғистон ва Миср каби давлатларда исломий молиявий саноат пайдо бўлиш вазиятида, лекин маҳаллий ҳолатда эканлиги билан таърифланади.



7.2-расм. Исломий молиявий саноатнинг ҳудудий кесимдаги тизимли мавқеи.

7.2-расмда исломий молиявий саноатнинг аҳамияти ҳудудий кесимда кўрсатиб берилган.

7.1-жадвалда исломий молиявий саноатнинг 2012 йилда ҳудудий кесимдаги ва молиявий активларнинг таснифи кесимидаги таркиби млрд. долларда берилган.

Ушбу ўсиш эришилган муҳитнинг доимий ўзгаришини, тармоқ олдида турган тикланувчан ва давомий макроиқтисодий ноаниқликни ҳисобган олган ҳолда, исломий молиявий саноат барқарорлигини янада тадқиқ этиш лозим.

Шу билан боғлиқ ҳолда молиявий хизматлар саноати молиявий барқарорлигига алоқадор иккита масала пайдо бўлади:

а) ўтган йилларда эришилган ўсиш суръатлари барқарорлигини келажакда қандай таъминлаш мумкин?

б) тармоқ глобал иқтисодий ва молиявий тизим ўзгаришларига қай тарзда қарши туриши ҳамда макроиқтисодий ёки глобал даражада юзага келётган экзоген¹ таҳдидлар билан қандай курашиши мумкин? Ҳозирги шароитда ноисломий бозорларда, исломий молия асосий тамойилларининг изоҳлари ишлаб чиқилганлиги ва уларнинг молиявий барқарорликни қўллаб-қувватлаши тўғрисидаги тасдиқлар асосли эканлиги боис, унга қизиқиш ортди.

¹ *Экзоген* – ташқи таъсирлар ёки таҳдидлар.

**Исломий молиявий активларнинг 2012 йилдаги таснифи,
млрд. долларда**


Худуд	Банк активлари	Муомиладаги сукуклар	Исломий жамғармалар активлари	Такофул бадаллар
Осиё	171,8	160,3	22,6	2,7
Форс кўрфази давлатлари	434,5	66,3	28,9	7,2
Шимолий Африка ва Яқин Шарқ	590,6	1,7	0,2	6,9
Сахрои Кабирдан жанубдаги Африка давлатлари	16,9	0,1	1,6	0,4
Бошқалар	59,8	1,0	10,8	0,0
Ҳаммаси	1273,6	229,4	64,2	17,2
Манба: IFSB				

Шунга боғлиқ равишда турли йиғинларда, исломий молиянинг жаҳон бозорида тутган ўрни муҳокама учун муҳим мавзу бўлиб қолди: молиявий тизим диверсификацияси ва яшовчанлигини таъминлашга қўшадиган унинг эҳтимолий ҳиссаси нуқтаи назаридан исломий молияга катта эътибор қаратила бошланди.

7.2. Саноат сегментларининг ривожланиши.

Исломий банкинг. Исломий банклар шариатга мувофиқ келувчи молиявий хизматларни энг фаол етказиб берувчилар ҳисобланади, капитал/молиявий активларнинг катта қисми улар тасарруфидадир ва ушбу активлар уларнинг муваффақиятли фаолияти билан боғлиқ молиявий барқарорликка имконият яратади. Исломий банкинг сўнгги ўн йилликда молиявий хизматлар саноатининг ўсишини белгиловчи омил ҳисобланади ва молиявий активлар энг катта улушига эгалик қилади. Исломий банклар ва исломий «дарча»ларга эга банклар жами активларининг йил-

лик ўсиш суръатлари 2004 йилдан 2011 йилгача бўлган даврда ўртача 40,3% ни ташкил этди ва 2011 йилда 1,1 трлн. долларга етди. 7.3-расмда 2004 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда жами исломий банкинг активларининг ўсиш суръатлари берилган.



7.3-расм. Исломий банклар жами активларининг ўсиш суръатлари, млрд. долларда.

2000 йилларнинг бошларида исломий банкинг аксарият мамлакатларда таянч депозит ва молиявий воситаларни таклиф этувчи бир нечта молиявий муассасалардан иборат тор доирадаги ихтисослашган бозор эди. Бу ривожланган бозорлар ва Осиё-Тинч океан ҳудудида исломий молиявий хизматларга бўлган талабнинг пастлиги ва паст даражадаги бохабарлик билан изоҳланади. 2000 йилларнинг ўрталарига қадар аксарият мамлакатларда у қадар ривожланмаган яна бир соҳа тартибга солина бошланди, исломий банкингга кўмак бериш мақсадида бу мамлакатларда ҳукумат қонунчиликка ўзгартиришлар кирита бошлади. Айрим ўзгартиришлар бутун дунё бўйлаб турли бозорлардаги амалиётларнинг шариатга мувофиқлигини тартибга солиш, тақдим этиш ва рағбатлантириш учун зарур эди.


11 та мамлакатдаги 50 дан ортиқ исломий банклар сараланиши натижаси шундан далолат берадики, исломий банкинг саноати кўлами охириги йилларда сезиларли даражада ортди. 2011 йил якунига келиб исломий банклар жами активлари

қиймати 411,4 млрд. долларга етди, бу 2011 йилда баҳоланган банк активлари қийматининг 63,9% ини (Эронни ҳисобга олмаганда) ташкил этади. Мазкур банкларнинг жами активлари 2007 йилдан 2011 йилгача бўлган даврда йилига ўртача 16,6% га ошди. 7.4–7.6-расмларда 2007 йилдан 2011 йилгача ҳудудий кесимда исломий банклар депозитлари ва молиялаштириш, активлар ўсиши суръатлари берилган.


Жаҳон иқтисодий инқирози даврида молиявий бозорлардаги ларзаларга қарамай, исломий банклар нисбатан барқарорликни сақлаб қолдилар ва салмоқли ўсишда давом этдилар.



7.4-расм. Исламий банкингнинг глобал ўртача ўсиш суръати.



7.5-расм. Исламий банклар молиялаштиришининг глобал ўсиш суръатлари.




7.6-расм. Исломий банклар депозитларининг глобал ўсиш суръатлари.

Исломий банкларнинг бухгалтерия баланслари анъанавий банклар билан таққослаганда у қадар шикаст кўрмади, бунинг сабаби, молиявий маҳсулотларга асосан ички талаб мавжуд эди, бу эса кейинчалик банкларнинг етарли даражада ликвидлилиги ва юқори даражада капиталлашувини ҳамда мижозлар томонидан янада юқорироқ ишончни таъминлади.


ХВЖнинг «Глобал инқирознинг исломий ва анъанавий банкларга таъсири: қиёсий тадқиқотлар» номли ишчи маърузасида шунга ўхшаш хулосалар қайд этилди, жумладан, исломий банкларнинг бизнес андозаси билан боғлиқ омиллар 2008 йилда салбий омилларнинг рентабелликка таъсирини чеклаш имконини берди. Бундан ташқари, 2008 ва 2009 йилларда исломий банкларнинг активлари ва кредитлари анъанавий банкларга нисбатан юқорироқ даражада ўсди, бу эса молиявий ва иқтисодий барқарорликка кўмак берди. Маърузада, шунингдек, ташқи рейтинг агентликлари томонидан исломий банклар хатарлари баҳосининг анъанавий банкларга нисбатан ижобийлиги қайта кўриб чиқилганлиги ҳам эътироф этилди. Шундай бўлса-да, маърузада хатарларни бошқариш тизимидаги камчиликлар туфайли айрим исломий банклар анъанавий банклар билан таққослаганда рентабелликни 2009 йилда янада камайтириб юборганликлари қайд этилди.

Глобал молиявий инкироздан кейин Осиёдаги исломий банклар ўзининг молиялаштириш портфелини сезиларли оширишга ва исломий банкинг чакана секторининг ўсишига эришди, бу эса янада кенг миқёсдаги маҳсулотлар ва хизматларни таклиф этишга имкон берди. Депозитларга нисбатан молиялаштириш коэффициенти (FDR) танлов асосида кўриб чиқилганда, бу кўрсаткич узлуксиз ўсиб борган ҳамда Малайзия ва Бангладешда етакчи 80% лик кўрсаткичга эришилган, фақатгина Покистонда бу кўрсаткич энг куйи даражани ташкил этмоқда. Шунга қарамай, 2009 йилдан бошлаб FDR кўрсаткичи Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада жиддий пасайди, бунинг сабаби ишламаётган кредитлар даражасининг юқорилиги банкларни молиялаштириш маблағларини тақсимлашда янада қатъийроқ бўлишга мажбур қилган. 2010–2011 йилларда Саудия Арабистони, Кувайт ва Миср исломий банклари кўрсаткичларининг пасайиши қайд этилди.



7.7-расм. 2011 йилда исломий банклар активлари рўйхатга олинган мамлакатлар.

Манба: IFSB




7.8-расм. «Депозитларга нисбатан молиялаштириш» коэффициенти ўсиш суръати ҳудудий кесимда.

Манба: IFSB


Шариатга мувофиқ инвестицион имкониятларнинг ўсиши исломий банкларга, ишлаб чиқариш секторига маблағлар йўналтиришга нисбатан янада самаралироқ бўлиш имконини берди. Кичик ва ўрта корхоналар бозори исломий банкларнинг мана шундай мақсадли кўрсаткичлари оммабопларидан бири эди.

Молиявий инқирозга қадар кузатилган ўсишга нисбатан 2008-ва, айниқса, 2009 йилда, глобал иқтисодий фаоллик ва инвесторларнинг ноҳуш кайфиятлари вазиятида иқтисодий муҳитнинг жиддий ёмонлашиши билан боғлиқ пасайиш кузатилди.

Охириги ўн йилликда пастроқ суръатларда бўлса-да, глобал молиявий инқироздан кейин исломий банклар аста-секин қўйилмалар рентабеллиги ва капиталнинг ошиши ҳисобига ҳиссадорлик қийматини оширишга эришдилар. 2004 йилдан 2011 йилгача бўлган даврда исломий банклар жами капитали йиллик ўртача 43,3% га ошди. 2008 йилда Осиёнинг исломий банкларида ўз капитали миқдори энг кўп даражада ўсди, шу билан бир вақтда Форс кўрфази мамлакатлари орасида фақат Қатар ўртача даражадан ўзиб кетди. 7.10-расмда исломий банкларнинг ўз капитали ўсиш суръатлари ҳудудий кесимда берилган.



7.9-расм. Исломий банклар асосий фаолият кўрсаткичлари ўсиши жами йиллик суръатлари.



7.10-расм. Жами банк капитали ўсиш суръати ҳудудий кесимда.


Манба: IFSB

Сўнгги йилларда исломий банклар янги, янада такомиллашган маҳсулотларни жорий этиш бўйича бирмунча муваффақиятларга эришдилар.


Исломий молиявий муассасалар ликвидлигини бошқаришга кўмак бериш учун банклараро ва пул бозори воситалари сони ортди, шу билан бир вақтда айрим мамлакатлардаги исломий банклар олтин билан боғлиқ ҳисобварақлар ва биржа индекс воситалари (ETF) каби актив маҳсулотларга инвестиция киритиш ва уларни бошқаришга эътибор қарата бошлади.

лар. Ҳозирги вақтда янги маҳсулотлар хатарларни бошқариш ва мақбуллаштиришга мослаштирилмоқда. Хусусан, Баҳрайн Марказий банки ва Малайзия Марказий банки каби марказий банклар ликвидликни самарали бошқариш мақсадида, пул бозорида қисқа муддатли сукуклар билан савдо қилишни жорий қилдилар. Ишлаб чиқишда давом этилаётган мана шундай шариатга мувофиқ янгиликлар ҳамда молиявий маҳсулотлар ва хизматлар исломий банкларга, улгуржи ва чакана бозорда сўнгги йилларда асосан фойда билан ишлаш имконини берди. 2009 йилда кўрфаз мамлакатларидаги исломий банклар соф фойда пасайишини қайд этдилар. Ушбу ҳудуддаги Саудия Арабистони ва Қатар исломий банклари туфайли 2009 йилда бироз ўсишга эришилди. Шу билан бирга Осиёдаги исломий банклар 2008 йилдан бошлаб рентабелликни оширишга эришдилар ва глобал молиявий инқироздан кейин мустаҳкам барқарорликни намоён этдилар. 7.11- ва 7.12-расмларда ҳудудий кесимда исломий банкларнинг капитали ва активлари рентабеллиги суръатлари берилган.


Исломий молиявий муассасаларнинг анъанавий банклар фаолияти билан таққосланиши катта қизиқиш уйғотади. Кўрсаткичларни ҳисоблаш услубияти ўртасидаги тафовутлар ҳақида тортишиб ўтирмай, IFSB нинг ўлчовларига мурожаат этамиз.



7.11-расм. Исломий банклар капитали рентабеллиги суръати ҳудудий кесимда.



7.12-расм. Исломиё банклар активлари рентабеллиги суръати худудий кесимда.



7.13-расм. «Умумий кредитлар ҳажмига нисбатан ишламаётган¹ кредитлар» кўрсаткичи суръати.

Манба: IFSB

7.13-жадвалда исломиё банклар активларининг сифати мураккаб иқтисодий вазиятга боғлиқ равишда, 2007 ва 2011 йиллар оралиғида турлича эканлиги кўриниб турибди. Бошқа томондан, исломиё банклар активларининг сифатини ошириш ва бошқариш қобилияти улардаги хатар менежменти тизимининг барқарорлигига гувоҳлик бермоқда.

Глобал молиявий инқироз кўрфаздаги араб мамлакатларидаги исломиё банклар активлари сифатига салбий таъсир кўрсатди, бу, аввало, кўчмас мулк ва инвестиция компанияларининг фаол молиялаштириш амалиёти билан изоҳланади. 2008 йилдан 2009

¹ *Ишламаётган кредитлар* – қончиликка кўра, асосий миқдори ва фойзининг муддатида тўланмаслиги 90 кун (3 ой) муддатдан ошган кредитлар.

йилгача бўлган даврда ушбу ҳудуднинг айрим мамлакатларида ишламаётган кредитлар даражаси икки мартага кўпайди ва ўша пайтдан бери юқори даражада қолмоқда. 2010 ва 2011 йилларда кўрфаздаги мамлакатлар исломий банкларида муаммоли қарзларнинг пайдо бўлиши ва кредит портфелининг ўсиши секинлашуви шароитида ишламаётган активлар молиялаштиришнинг умумий миқдорига нисбатан ошди.

Умуман олганда, кўрфазнинг исломий банклари иқтисодий ўсишни молиялаштириш имкониятларини асосан ўзларининг ички бозорларидан излашни мўлжалламоқдалар. Бундан ташқари, ушбу ҳудудда, айниқса, БАА, Саудия Арабистонида кўчмас мулк бозорида фаоллик ошиши кузатилмоқда. Инқирозга қадар бўлган даражага эришилмагунча ушбу фаолият исломий банкларнинг бухгалтерия баланслари тикланишига ёрдам бериши тахмин қилинмоқда.

Шу билан бир вақтда, гарчи исломий банклар глобал молиявий инқироз тақозо этган корпоратив ва чакана сектордаги тўланмаслик муаммоларини ечишлари лозим бўлса-да, Осиёдаги активлар сифатини бошқариш мумкин эди. Лекин айрим мамлакатларда пайдо бўлган глобал молиявий инқирозолди ва ундан кейинги даврлардаги иқтисодий пасайишга боғлиқ ҳолда, банк секторининг етарли даражада молиялаштирилмаганлиги, умумий молиявий барқарорликни мустаҳкамлашга ёрдам берувчи молиялаштиришнинг барқарор ўсиши билан уйғунликда, активларнинг сифати муаммосини ҳал қилиб қўйди. Осиёдаги айрим мамлакатлар, ҳатто, ишламаётган активлар даражасини пасайтиришга ҳам эришдилар.

Осиё ва Форс кўрфази мамлакатлари исломий банклари ўзларининг активлари сифати билан боғлиқ турли муаммолар билан тўкнашиб турган вақтда, исломий банклар қарзлар тўланмаслигини бошқариш мақсадида, нобарқарорлик шароитида хатар-менежментлари тизимини мустаҳкамлаётганликлари ҳамда бутун бозорнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга уринишлари ўта муҳимдир.

Банк сектори барқарорлигининг муҳим кўрсаткичи ундаги молиявий муассасалар капиталлашув даражаси ҳисобланади.

Глобал молиявий инқироздан кейин банк назорати Базель қўмитаси бир қатор соҳаларда ислохотларни амалга оширди, Basel III таркиби сифатида капиталга нисбатан юқори талабларни амалга киритди, жумладан:

- капитал сифатини ошириш;
- банк капиталига нисбатан янада кучлироқ меъёрий асос талаби;
- капитал таркибини қоплаш хатари даражасини ошириш;
- капитал хатарини чеклаш ўлчови сифатида хизмат қила олиши лозим бўлган молиялаштириш коэффициентини жорий этиш;
- энг қуйи даражадаги қўшимча капитал бўйича макропруденциал меъёрни жорий этиш (capital buffer ёки «хавфсизлик ёстиғи»), бу орқали молиявий муассасалар фаолияти ва цикли билан ўзаро боғлиқлик натижасида юзага келувчи тизимли хатарларни тўхтатишга кўмак берилади;
- глобал ва миллий миқёсларда муҳим аҳамиятга эга бўлган банклар учун капиталга бўлган қўшимча талабларни киритиш бўйича тавсиялар.


2005 йилнинг декабрида Исломий молиявий хизматлар бўйича кенгаш (IFSB) «Исломий молиявий хизматларни амалга оширувчи муассасалар учун капиталнинг етарлилиги» стандартини чиқарди (IFSB-2). Ушбу стандарт исломий молиявий хизматлар саноати таклиф этадиган шариатга мувофиқ келувчи маҳсулотлар ва хизматларнинг мазмуни ва махсус таркиби билан боғлиқ муаммоларни ечади ҳамда ўз капиталининг етарлилиги коэффициентини ҳисоб-китоб қилиш учун батафсил изоҳларни ўз ичига олади. Сўнгги йилларда IFSB исломий молиявий хизматлар саноати таклиф этадиган янги маҳсулот ва хизматларни қамраб олиш зарурати билан боғлиқ ҳолда, ушбу стандартни кўриб чиқди ва кенгайтирди.

Шуни қайд этиш лозимки, IFSB-2 стандарти ва унга киритилган ўзгартиришлар Basel II стандартининг, шариатга мувофиқ келувчи маҳсулот ва хизматлар тавсифи ва хусусиятларини ҳисобга олиш учун зарур бўлган қўшимча ва тўлдиришлар 1-тамойилига асосланган.

7.14-расмда 2007 ва 2011 йилларда исломий ва анъанавий банклар капиталлашувининг (биринчи даражали капитал) даражалари таққослаб берилган.

7.14-расмда кўриниб турганидек, исломий банкларнинг капитал етарлилиги коэффиценти анъанавий банкларга қараганда юқорироқ бўлса-да, унинг салмоғи 2007 йил даражаси билан таққослаганда, 2011 йилда пасайган. Бошқа томондан, молиявий инқироздан кейинги капиталлашув даражасини ошириш талаблари босими остида анъанавий банкларнинг ўз капитали етарлилиги коэффиценти 2007 йилдаги даражасига нисбатан таққослаганда 2011 йилда ошган.

Умуман олганда, капиталлашувнинг асосий кўрсаткичлари меъёрий даражадан анча юқори бўлиб турибди. Бундан ташқари, юқорида қайд этилганидек, исломий банклар жаҳон молиявий инқирози биринчи тўлқини салбий таъсирини анъанавий банклар даражасидаги каби бошдан ўтказмадилар. Шундай бўлса-да, инқироз иқтисодий инқирозга айлангач, исломий банклар капитал билан боғлиқ муаммолар натижасида жабр кўрдилар ва бу якунда айрим банкларнинг банкротлигига олиб келди (масалан, Investment Dar and Arcapita Bank). Шу билан бир вақтда айрим исломий банклар аввалгидек, капиталнинг энг қуйи миқдори



7.14-расм. 2007 ва 2011 йилларда исломий ва анъанавий банклар капиталлашуви (биринчи даражали капитал).


Манба: IFSB

талаблар (capital buffer)ига нисбатан кўшимчаларнинг юқори кўрсаткичига эга бўлиб турибдилар ва демак, улар ўзлари иш юритаётган банк сектори молиявий барқарорлигига ёрдам бермоқдалар, исломий банклар капиталнинг етарлилигига нисбатан хушёр туришда давом этаётганликлари боис, ноаниқлик сақланиб қолаётган макромухитда юқори даражада капиталлашув кўрсаткичи билан қолиш ўта муҳимдир.

Исломий индекслар. 1999 йилда глобал исломий индекслар ишга туширилган вақтдан бошлаб, жоиз ҳисобланган индекс-ориентирлар кўлами худудий ва иқтисодий микёсларда кенгайди (исломий индекслар умумий чизмаси 3.3-пунктда баён этиб берилган). 7.15-расмда саралаб олинган анъанавий ва исломий фонд индекслари таққослама диаграммаси берилган.

7.15-расмда кўрсатилганидек, Dow Jones World Index ва MSCI World Index исломий индекслари мос равишда 14% (2004 йилдан бошлаб) ҳамда 7,8% (2007 йилнинг августидан бошлаб) га ошди. Исломий ва анъанавий индекслар ўртасидаги тафовут хусусиятларига қараб, исломий индекслар салмоғи нима учун юқорилигини изоҳлаш мумкин.


Dow Jones World индекси Dow Jones World Islamic индекси билан таққослаганда, тахминан уч маротаба кўп иштирокчи-компанияларни ўз ичига олади, бу эса анъанавий индексларнинг исломий индексларга нисбатан камроқ волатиллиги (ўзгарувчанлик)ни таъминлаши керак. Худди шу бозорнинг уму-




7.15-расм. Глобал анъанавий ва исломий фонд индекслари.

Манба: IFSB

мий капиталлашувига ҳам дахлдордир, гарчи Dow Jones World индексига (58,1 млрд. доллар) нисбатан Dow Jones World Islamic индексига киритилган иштирокчи-компанияларнинг бозор капиталлашуви ўртача 84,3 млрд. долларни ташкил этса ҳам, бу ерда нисбат анъанавий индекслар учун етти баробардан кўпроққа катталашади. 7.16- ва 7.17-расмларда Dow Jones индексларининг капиталлашуви ва сони берилган.



7.16-расм. Dow Jones индексларига кирадиган иштирокчи-компаниялар сони.




- Ўртача тортилган бозор капиталлашуви, млрд. долларда
- Муомаладаги акциялар умумий капиталлашуви, млрд. долларда

7.17-расм. Dow Jones индексига кирадиган компаниялар бозор капиталлашуви.


Манба: IFSB

Бозор капиталлашуви 10 млрд. доллардан ошган исломий индексдаги иштирокчи-компанияларни анъанавий индексдаги мана шундай компаниялар сони ва умумий бозор капиталлашуви билан таққослаганда, исломий индексдаги компаниялар улуши катта эканлиги маълум бўлди. 7.18-расмда фонд индекслари ҳисобига кирувчи компаниялар қўламлигини акс эттирувчи диаграмма берилган.

Dow Jones World индексининг тармоқ таркибида молиявий сектор асосий ҳисобланади, шу билан бир вақтда Dow Jones Islamic World исломий индексининг ушбу қисми бозор капиталлашуви умумий миқдорида энг паст кўрсаткичли иккинчи таркиб ҳисобланади.



7.18-расм. Бозор капиталлашуви биржа индексига кирувчи компаниялар қўлами.



7.19-расм. Биржа индексларининг тармоқ таркиби.

Манба: IFSB

Ушбу икки индекснинг шариятга мувофиқлигини танлаб олиш жараёни натижасида юзага келган бошқа алоҳида фаркли хусусиятлар, исломий индекс таркибидаги хом ашё сектори, соғлиқни сақлаш ва технологик сектор компанияларининг ўсишини ўз ичига олади. Умуман олганда, ушбу секторлардаги компаниялар фаолияти иккала кўрсаткичининг фаоллиги нима учун фарқ қилиши асосий сабабларидан бири бўлиши мумкин. Молиявий инқироз даврида молиявий хизматлар сектори энг жабр кўрган соҳалардан бири бўлди, шу билан бир вақтда истеъмол товарлари сектори жаҳон молиявий инқирозидан кейин суст иқтисодий ўсиш шароитида, бўшашиб кетди. Худди шу тарзда исломий индексдаги 20,5% улуш билан таққослаганда, анъанавий индекс бозор капиталлашуви умумий миқдорида жойлаштирилган акцияларнинг 23,5% улуши билан суверен¹ қарзларнинг Европадаги инқирозга таъсирини бошидан ўтказди.

Исломий жамғармалар (фондлар). Исломий активлар ва бойликларни бошқариш 2004 йилдан бошлаб ўсишнинг барқарор суръатларини намоён этган исломий молиявий хизматлар саноати бозор сегментининг бир қисми ҳисобланади. Исломий жамғармалар сони 2004 йилдаги 285 тадан 2012 йил якунига 1029 тагача ўсиб борди. Шунга қарамай, шарият меъёрларига мувофиқ мулкларни бошқариш жамғармаларини ривожлантириш даражаси пастлигича қолмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири, исломий ўзаро жамғармалар фаолияти бошқа омилларга боғлиқлигидир. Фонд бозорларида етарли миқдордаги битимлар бўлмас экан, исломий жамғармалар инвестицион қарор

¹ *Суверен (мустақил) қарзлар* – мустақил давлат ҳукуматининг ўзи чиқарган облигациялар эгалари (ушловчилари)га қарздорлиги ҳисобланган пуллар. Агар ҳукумат кимдандир пулни қарзга оладиган бўлса, у давлат облигацияларини жойлаштиради ва уларни банкларга, аҳолига ва сотиб олиши мумкин бўлган барчага сотади. Оддий айтганда, давлат облигацияларини сотишда қарзнинг тўланишини кафолатлайдиган жиддий шахс, яъни давлат, идора эканлигини таъкидлайди. Шу ердан мустақил (суверен) сўзи келиб чиққан, яъни қарз «мамлакат мустақиллиги билан кафолатланади». Агар облигацияларнинг муддати келиб, хазина бўш бўлса, у ҳолда 1998 йилда Россияда бўлгани каби давлат ўзини дефолт (касод) деб эълон қилади.

кабул қилиш учун имкониятлар етишмовчилигига муҳтож бўлиб қолади.

Исломий молиявий саноат ривожланаётгани ва аҳолининг турли қатламлари орасида инвестицион қарорлар шариатга мувофиқ келиши лозимлигини тушуниш билан боғлиқ ҳолда, исломий жамғармалар аксар чакана секторда кўпайиб бормоқда. Мусулмон мамлакатларида, айниқса, иқтисодиёти ривожланаётган ва нефть қазиб олувчи мамлакатлардаги аҳоли фаровонлигининг ошиши инвестиция қилинадиган активларнинг сезиларли ўсишига ёрдам берди. 2011 йилнинг охирига келиб, исломий жамғармалар бошқаруви остидаги активлар миқдори 2004 йилдаги 29,2 млрд. доллардан 60 млрд. долларга қадар ўсди. Йиллик ўртача ўсиш 10,8% ни ташкил этди. 2012 йилнинг октябр ойи охирига исломий жамғармалар миқёси 64 млрд. долларгача ошди.

7.20-расмда 2004–2012 йилларда исломий жамғармалар қўл остида бўлган исломий жамғармалар ва активлар миқдори ўсиш суръати акс эттирилган.




7.20-расм. Исломий жамғармалар активлари миқдори ва сонининг ўсиш суръати.

Манба: IFSB

Исломий жамғармалар бошқаруви остида бўлган активлар ҳудудий кесимда Саудия Арабистони ва Малайзияда ҳамда улардан кейин Ирландия, АҚШ ва Қувайтда жамланган. 7.21-расмда 2012 йилнинг якуни ҳолатига исломий жамғармалар актив-


лар ҳудудий таркиби берилган (жамғармалар рўйхатга олинган жойи бўйича).



7.21-расм. 2012 йил якунига исломий жамғармалар активлари ҳудудий таркиби.

Манба: IFSB

Европадаги суверен қарзларнинг узоқ муддатли инқирози ва глобал иқтисодий фаолликнинг пасайишига қарамай, бозордаги фаолияти ҳамда янги жамғармаларнинг пайдо бўлиши натижасида исломий жамғармалар ўзларининг активларини кўпайтиришга эришдилар. Глобал фонд индексларининг самарасизлиги шароитида инвесторлар активларнинг муқобил тоифаларини қидиришда давом этмоқдалар. Хусусан, товар фондлари молиявий бозордаги «гирдобли» ҳаракатлар чоғида кенг миқёсдаги инвесторлар учун жозибадор паноҳ бўлган эди. Активларни тақсимлаш нуқтаи назаридан, акциялар бутун дунёдаги исломий жамғармалар учун активларнинг асосий тоифаси ҳисобланади ва барча активларнинг ярмидан ортиғи улар ҳиссасига тўғри келади. Малайзия исломий жамғармалар учун энг йирик қимматли қоғозлар бозори ҳисобланади. Саудия Арабистони, АҚШ, Ирландия ва Кувайт ҳам йирик бозорлардан саналади. Активларнинг катта қисми инвесторлар томонидан пул бозорига ва глобал иқтисодиёт келажагига нисбатан хавотирнинг ўсиши билан боғлиқ хатарларга қараганда мойиллиги паст саналувчи сукук бозорига жойлаштирилган.



7.22-расм. 2012 йил якунига исломий жамғармалар активлари таркиби.


Манба: IFSB

7.22-расмда 2012 йил якуни ҳолатига воситалар (активлар шакли) қисмида исломий жамғармаларнинг активлари таркиби берилган.

Товар фондлари исломий инвесторлар учун 2007 ва 2011 йиллар ўртасидаги даврда энг самарали активлар тоифаси ҳисобланган ҳамда 41,81% гача ошган, шу билан бир вақтда аралаш активлар ва акцияларга маблағлар киритиш бўйича даромадлилик худди шу даврда мос равишда 33,05 ва 32,31% ни ташкил этган. 2008 йилда тўғридан-тўғри инвестициялар исломий жамғармалари кескин пасайишни намоеён этди. 2009 ва 2010 йиллардаги ижобий суръатларга қарамай, глобал фонд бозоридаги фаолият натижасига кўра акциялар тоифаси 5,01% йўқотди.

7.23-расмда исломий жамғармаларнинг активлар тоифаси бўйича даромадлилиги солиштирма диаграммаси берилган.

Сукук. Ҳозирги вақтда сектор исломий молиявий тизимнинг барқарор суръатда ўсишда давом этаётган ўзгаришларга бой қисмини ўзида акс эттиради. Ўсиш тармоқ иштирокчилари орасида бозор ликвидлигини яратиш мақсадида активларни секьюритизация қилиш учун ҳамда инвестиция ва кредитлар манбасига эҳтиёж лозимлиги билан изоҳланади.



7.23-расм. Исломий жамғармаларнинг активлар тоифаси бўйича даромадлиги.

Манба: IFSB

2000 йилларнинг ўрталарида давлат муассасалари ва марказий банклар бозор ликвидлигини бошқариш ва давлат харajatларини молиялаштириш (асосан лойиҳаларни молиялаштириш) учун қисқа муддатли сукук дастурларини жорий этишни бошлади, улар ликвидли воситалар тақчиллиги сабабли, мамлакатдаги муассасавий инвесторлар орасида оммабоп бўлиб турбди.

Глобал молиявий инқироздан кейин давлат муассасалари кўплаб сонда бозорга чиқа бошладилар, шу билан бир вақтда корпорациялар оддий спред¹лар рекорд даражада ўсганини инобатга олиб, сукукларни аввалгидек у қадар эмиссия қилмадилар. Даромадлилик ва ишонччилик ўртасидаги мувозанатни кидиришга уринган инвесторлар юқори рейтингли кафолатланган қимматли қоғозларга, шу жумладан, сукук бозорида юқори талаб бўлишини таъминладилар. Ўрнатилган даромадлилик мавжуд анъанавий бозорлар билан бир қаторда шариатга мувофиқ келувчи давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлилик ҳам пасайди. Шундан кейин кетма-кет келган Европадаги суверен қарзлар инқироzi ва жаҳон иқтисодиёти тикланиши паст суръатлари инвесторларга инвестиция қилиш учун жуда кам вариантларни қолдирди, бу эса ривожланаётган бозорлар,


¹ Спред – бирон-бир актив (акция, товар, валюта, опцион ва ҳ.к.)ни бир ва ўша вақтда сотиш ҳамда сотиб олиш буюртмаларининг энг яхши баҳоси ўртасидаги фарк.

хом ашё товарлари ва муқобил инвестицияларга капитал оқими йўналишига ёрдам берди.

Барқарорликнинг ошиши нуктаи назаридан сукук бозорининг юқори кўрсаткичлари, қимматли қоғозларни самарали жойлаштириш ва уларнинг янги бозорларга таъсири ҳамда даромадлар оқими уларни ғарбдаги муассасавий инвесторлар учун янада жозибадор қилиб қўйди. Бундан ташқари, глобал бозорнинг йирик анъанавий молиявий муассасалари қимматли қоғозларни жойлаштириш ила кенг кўламдаги инвесторлар орасида келишувга эришиш ва бозорни сони ошиб бораётган иштирокчилар билан таъминлашга ёрдам берди.

Турли юрисдикцияларда асосий мезон сифатида иштирок этувчи янада кенг суверен сукуклар савати ҳамда Европадан ташқарида облигациялар ва сукук бўйича даромадлиликнинг пасайиши билан боғлиқ ҳолда, сўнгги йилларда корпоратив бозорда қарз олиш қиймати янада арзон бўлиб қолди. Шундай қилиб, корпоратив сукуклар чиқариш инқирозга қадар бўлган даражагача ўсиб борди ва глобал эмиссия умумий миқёсининг рекорд даражага етиб боришини таъминлади. Бундан ташқари, сукук бозори ривожланишининг аввалги босқичини глобал облигациялар бозори билан таққослаганда, уларнинг ўсиши учун имкониятлар ҳали талайгина бўлиб қолмоқда. Регуляторлар (тартибга солувчилар) сукук воситасининг яшовчанлиги ҳамда сукук бўйича даромадлилик жиддий пасайган шароитда, паст баҳоларда маблағларни жалб этишнинг жорий имкониятларига нисбатан янада жиддийроқ муносабатда бўлиб қолдилар, бу эса янги сукук эмитентларига бозорни эгаллаш учун имкониятлар мавжудлигидан далолат беради. Яқин Шарқ ва Осиё мамлакатлари каби ликвидли бозорларга чиқиш имкониятини йўқотган эмитентлар учун ҳудудий суръатлар ҳам жуда муҳим омил ҳисобланади.

7.24-расмда 2004 йилдан 2012 йилга қадар даврда сукукнинг дастлабки бозори ўзгариш суръати берилган (млрд. АҚШ долларида).



7.24-расм. Сукук чиқаришнинг ўзгариш суръати.

Манба: IFSB

2004 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда сукук эмиссияси йилига ўртача 45,2% га ўсди ва 6,6 млрд. доллардан 131,2 млрд. долларга етди. Глобал молиявий инқирозга боғлиқ ҳолда 2008 йилда 54,1% пасайиш бўлганига қарамай, 2009–2012 йиллар оралиғида бозор йилига ўртача 60,1% га ўсди.

7.25-расмда сукук бозори ўсиш омилларини акс эттирувчи чизма берилган.

2012 йилда бирламчи бозорнинг мавжудлиги, хусусан, Bank Negara Malaysia нинг суверен сукуклари эмиссияси билан изоҳланади, у умумий ҳисобда 57,3 млрд. долларлик сукукларни муомалага чиқарди, бу барча эмиссияларнинг 43,7% ини ташкил этади. Бозордаги эгаллаган улушига мувофиқ битимлар сони, сукук воситасида жалб қилинган маблағлар ҳажми бўйича Малайзия сукукнинг марказий бозори ҳам ҳисобланади. Мамлакат ривожланган халқаро ва маҳаллий валюта платформасига эга, бу унга малайзиялик корпорациялар ҳамда чет эллик ташкилотларни жалб этиш учун имконият яратади.

Кўрфазнинг араб мамлакатлари охириги олти йил мобайнида доимий эмиссиялар мавжудлигини намоён этдилар ва 2012 йилда бозорда бирламчи жойлаштириш умумий ҳажмининг 18% ини қўлга киритдилар. БАА ва Саудия Арабистони ҳудудда сукукларни жойлаштириш бўйича йирик мамлакатлар ҳисобланади, бу корпорациялар ва давлат компанияларининг АҚШ долларида маблағларни жалб этганлиги билан изоҳланади.




7.25-расм. Сукук бозори ўсиши омиллари.

Манба: IFSB


7.26-расмда 2004 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда ҳудудий кесимда сукук эмиссияси ўзгариш суръатлари акс этган диаграмма берилган.

2004 йилдан бошлаб сукук иккиламчи бозоридаги активлар сезиларли ўсди. 2004 йилдан 2012 йилгача бўлган давра ўртача йиллик ўсиш суръати 39,3% ни ташкил этди. 2012 йилнинг якунига ҳолатига муомалада бўлган сукукнинг умумий қиймати 229,3 млрд. долларни ташкил этди. 2008 йилда сукук чиқариш пасайган бўлса-да, иккиламчи бозор инқирозгача чиқарилган узоқ муддатли облигациялар ҳисобига ўсишда давом этди.



7.26-расм. Сукук эмиссияси ўсиш суръатлари ҳудудий кесимда.

Манба: IFSB




7.27-расм. Муомалада бўлган сукукнинг ўзгариш суръатлари (млрд. АҚШ долларлари).

Манба: IFSB

7.27-расмда 2004 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда муомалада бўлган сукукнинг ўзгариш суръатлари берилган.

Глобал инқироздан кейин сукукни сўндириш муддатлари сезиларли тарзда қисқарди, чунки инвесторлар узоқ муддатли хатарли инвестицияларни қисқа муддатли юқори сифатли қимматли қоғозларга алмаштирдилар. Худди шу тарзда сукукларни суверен эмиссия қилиш ҳажми кўпроқ иккиламчи бозордаги қисқа муддатли воситалар бўйича қайд этилди, кейинчалик бу инқироздан кейинги даврда иккиламчи бозорнинг секинлашувига олиб келди. Шундай бўлса-да, 2011 ва 2012 йилларда беш йил ва ундан ортиқ муддатга сўндириш шарти билан эмис-



7.28-расм. Янгидан чиқарилган сукукларнинг даврий таркиби.


Манба: IFSB

сия қилинган сукуклар ҳажми сезиларли ўсди ва бу иккиламчи бозорнинг барқарор ўсишига имкон берди.

7.28-расмда 2008 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда янгидан чиқарилган сукуклар даврий таркиби диаграммаси берилган.

2012 йил давомида бирламчи эмиссия бозорининг узоқ муддатли барқарор ўсиши вазиятида сўндириш муддати беш йил ва ундан ортиқ сукуклар ҳажми сезиларли ўсди. Шундай бўлса ҳам, капитал бозоридаги қисқа муддатли сукуклар ҳажми ўтган йилга нисбатан бирмунча юқорироқ бўлди. Даромадлилик пайсийининг афзаллиги ҳамда маблағларни жалб қилишнинг қуйи харажатларидан фойдаланган корпоратив сектор асосий омил бўлиб чиқди.

7.29-расмда 2009 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда сўндириш муддатлари кесимида муомалада бўлган сукуклар ҳажми ўсиш суръатлари берилган.




7.29-расм. Сўндириш муддатлари кесимида муомалада бўлган сукуклар ҳажмининг ўзгариш суръатлари.

Манба: IFSB

Глобал молиявий инкироз шароитида сукук бўйича даромадлилик турлича бўлди. 2008 йил охирида юзага келган вазиятни инобатга олиб инвесторлар бозордан кета бошладилар, шу даврда сукукка бўлган талаб рекорд даражада пасайиб кетди. Сукук бозоридаги шок ҳолати, шариатга мувофиқ келувчи молиявий воситалар глобал молиявий бозордан четлатишга дуч келганларида, инвесторлар томонидан уларнинг ишлатилишига нисбатан ноаниқлик келиб чиқиши билан изоҳланади. Корпоратив сукуклар инкирозолди ҳолатини инобатга олган ҳолда, жаҳон иқтисодиётидаги пасайиш тармоққа анчайин салбий таъсир этганини англаш мумкин, бунда унинг муассасалари амалиёт рентабеллиги ва ишлаб чиқариш, етказиб бериш занжиридаги издан чиқишни ҳисобга олиш лозим. Шундай бўлса-да, жаҳондаги эмитентлар бозори ва молиявий вазият ўртасидаги ўзаро боғлиқлик сезиларли эмаслиги аён бўлгач, муаммолар барқарор хусусиятга эга эмаслиги маълум бўлди.

7.30-расмда HSBC/Nasdaq SKBI индекси даромадлилиги ўзгариш суръатлари берилган.

2009 йилда SKBI индексининг кўтарилиш авжидан кейин сукук даромадлилиги сезиларли миқдорда пасайди. Сукукнинг инкироз давридаги барқарорлигидан кейин унга бўлган талабнинг ошиши, Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари ва кўрфаз ҳудуди сингари мамлакатлар ликвидли бозорларига қимматли



7.30-расм. HSBC/Nasdaq SKBI индекси даромадлилиги ўзгариш суръатлари.


Манба: IFSB

қоғозларни чиқариш йўли орқали маблағларни сафарбар қилиш истаги ҳамда глобал иктисодиётдаги маҳсулдорликнинг давомий пасайиб кетиши инвесторларни хатари паст, ўрнатилган даромад даражасига эга муқобил инвестициялар йўналишларини қидиришга рағбатлантирди.

Такофулнинг ривожланиши. Сўнгги йилларда ўсиш суръатлари сезиларли бўлганига қарамай, такофул сектори исломий молиявий хизматлар саноатининг у қадар катта бўлмаган сегменти бўлиб қолмоқда. Сектор 2006 йилда 113 та такофул-операторни ўз ичига олган бўлиб, уларнинг 2/3 қисми Яқин Шарқ, Жануби-Шарқий Осиё ва Африкада жойлашган. 2010 йилнинг якунига келиб такофул-операторлар сони 195 тагача ўсди.

7.31-расмда ҳудудий кесимда такофул-операторлар таркиби берилган.

Банклар ва фонд бозори муассасалари билан таққослаганда, бозорда у қадар катта бўлмаган улушга эга бўлмаса-да, такофул суғурталаш саноати 1979 йилда Судандаги биринчи такофул-оператор пайдо бўлганидан буён ўсишда давом этмоқда. 2010 йили такофул бадалларнинг умумий ҳажми 8,3 млрд. долларга етди. 2012 йилда эса такофул бадалларнинг умумий ҳажми 12 млрд. долларга етди ва йиллик ўсиш суръати 20% ни ташкил этди.



7.31-расм. Такофул-операторлар таркиби ҳудудий кесимда.

Манба: IFSB


Ҳозирги вақтда такофул бозори Малайзия ва кўрфаз худуди мамлакатларида юқори даражада жамланган. Шу билан бирга Нигерия, Гамбия, Қозоғистон, Россия ва Сенегал сингари мамлакатларда шариатга мувофиқ келувчи суғурталаш андозасига қизиқиш ортиб бормоқда. 2008 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда Жануби-Шарқий Осиё ва Бангладешда, такофул суғурталаш тармоғи мос равишда 32,4% ва 27,9% йиллик ўртача ўсиш суръатларини кўрсатди.

7.32-расмда 2004 йилдан 2011 йилгача бўлган даврда такофул-суғурталаш тармоғи ривожланиши ҳудудий кесимда кўрсатилган. Такофул-суғурталаш тармоғи ўсишининг асосий омили бўлиб, қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали анъанавий суғурта компаниялари билан тенг шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш иштирок этди.

Бутун дунё бўйлаб такофул-суғурталашнинг ривожланишига кўмак берадиган бошқа омиллар қуйидагилар ҳисобланади:

- шариатга мувофиқ келадиган молиявий маҳсулотларга талабнинг ошиши. Такофул-суғурталаш маҳсулот ва хизматларини ҳаракатга келтирувчи куч таклиф эмас, талабдир. Исломий банкларнинг мижозлари тез-тез исломий молиявий воситаларнинг кенг ассортиментини излай бошладилар;

- юқори ликвидлилиқ. Глобал такофул саноатининг ўсиши нефть қазиб олувчи мамлакатлар ликвидлиги ошиб бориши



7.32-расм. Такофул-суғурталаш тармоғи ривожланишининг ҳудудий кесимда ўзгариш суръати (млрд. АҚШ долларида).

Манба: IFSB

билан ҳам боғлиқдир. Узоқ йиллар давомида нефтга бўлган барқарор юқори баҳолар бадавлат кишилар синфи ўсишига имкон берди. Бу янги синфни жамғариш, инвестициялар ва такофул-суғурталаш кўринишидаги ҳимоя сингари бошқа жиҳатлар ҳақида ҳам кўпроқ қайғуришга ундади;

– ретакофул-суғурталаш ҳажмларининг ошиши. Халқаро қайта суғурталаш компаниялари Малайзия, Баҳрайн ва БАА сингари бир нечта мамлакатларда ретакофул-бизнесни йўлга қўйдилар. 2012 йилда бутун дунёда 30 та атрофида ретакофул-операторлар ҳисобга олинган;


– такофул-операторлар кенг тарқалишининг янада самарали воситалари. Банк сингари молиявий муассасаларнинг такофул компаниялари билан стратегик ҳамкорлиги такофул-маҳсулотларининг тез суръатларда тарқалишини таъминлади. Банк-такофул-маҳсулотлар компанияларга бошқа молиявий муассасаларнинг мижозлар базасидан самарали фойдаланишга ёрдам бермоқда, шу билан такофул-суғурталаш ғоясининг ёйилиш даражаси ошишига имкон яратмоқда;

– уй-жой қурилишини молиялаштириш каби молиявий маҳсулотларнинг ўсиши уй-жойни такофул-суғурталашнинг ошишига олиб келади;

– жамиятнинг камбағал қатламларига кириб бориш мақсадида бутун дунё бўйлаб микротакофул-маҳсулотларини жорий этиш. Аксарият такофул-операторлар камбағал аҳоли учун оддий ва ҳаммабон маҳсулотларни ишлаб чиқишга эътибор қаратганлар.

Жаҳон молиявий инқирозининг такофул секторига таъсири у қадар давомий бўлмади. 2009 йилдаги 17,7% гача пасайишдан кейин 2010 йилда 22,9% га қадар ўсиш қайд этилди. Бу ўз маблағлари рентабеллигига (ROE) ҳамда инвестициялар даромадлигига таъсир этди. 7.33-расмда 2005 йилдан 2011 йилгача бўлган даврда такофул-саноат ўсиши суръатлари акс эттирилган.

7.33-расмдан кўриниб турибдики, 2009 йилда ўз капитали рентабеллик коэффиценти (ROE) салмоғи Малайзия ва кўрфаз мамлакатлари ҳудудида – 2% гача пасайди, лекин 2010 йилда мос равишда инқироздан олдинги даража – 4 ва 6% га ошди.



7.33-расм. Такофул-саноат ўсиши суръати.

Манба: IFSB



7.34-расм. Такофул-операторлар ROE даражасининг ўсиш суръати.

Манба: IFSB

7.34-расмда 2005 йилдан 2011 йилгача бўлган даврда Малайзия ва кўрфаз ҳудуди мамлакатларида такофул-операторлар ўз маблағлари рентабеллиги (ROE) даражаси ўзгариш суръатлари акс эттирилган.

Тармоқ дуч келаётган турли тахдидларга қарамай, инвестицион маҳсулотлар ривожланиши ва ортиб бораётган англашликни ҳамда ИХТ аксарият мамлакатларига кириб бориш даражаси пастигини ҳисобга олиб, такофул-суғурталаш давомий ўсиш учун яхши имкониятларга эга.

7.3. Ривожланиш истиқболлари ва муаммолари.

Дастлабки маълумотларга кўра, ушбу саноат активлари миқдори 2012 йилда 1,2 трлн. доллардан 2013 йилда 1,3 трлн. долларгача ўсди. Ушбу рақамлар тижорий банк амалиётлари, активларни бошқариш, сукук, такофул ва бошқа сегментларни қамраб олувчи барча исломий молиявий муассасалар маълумотларини ҳисобга олиб тузилган. 2013 йилда саноатнинг салмоғи молиявий активлар тоифаси кесимида куйидаги кўриниш олди: исломий банкинг – 985 млрд. доллар, сукук бозори – 251 млрд. доллар, исломий жамғармалар – 44 млрд. доллар ва такофул сектори – 26 млрд. доллар.

Келтирилган маълумотлар исломий молиялаштириш саноати ўсиш суръатларининг 2012 йилдаги 20,7% дан 2013 йилда 8,7% га пасайгани тўғрисида далолат бермоқда. Бундан ташқари, ўзида ўсиб бораётган сегментни акс эттирувчи 628 млн. долларга баҳоланган исломий микромолиявий активлар 78 млрд. долларга баҳоланган микромолиялаш бозори умумий ҳажмининг атиги 0,8% ини ташкил этмоқда.

Юзага келган суръатлар жаҳон иқтисодиёти оғиш марказининг Шарқ томонга силжишини тезлаштирди. Яқин Шарқ ва Осиё мамлакатлари, шунингдек, асосий мусулмон мамлакатлар тобора муҳим ўринга эга бўлиб бормоқдалар. Халқаро иқтисодий сиёсатда асосий ўрин тутадиган катта йигирматалик (G20) саммити ИТБ гуруҳи ва ИХТнинг уч аъзосини ўз ичига олади (Индонезия, Саудия Арабистони, Туркия). Ушбу ўзгаришлар исломий молиявий саноат учун куйидаги таркибларда улкан имкониятларни очади:

1) жамғармаларни ва ташкил этилаётган капиталларни бошқариш;

2) молиялаштириш маблағларини бериш орқали доимий иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш;

3) қарорлар қабул қилувчи глобал ташкилот ва анжуманларда ошиб бораётган таъсирдан фойдаланиш.

Глобал ташкилот ва анжуманлар G20, ХВЖ ва Жаҳон банки анжумани ҳамда Осиё, Яқин Шарқ ва Африкада иқтисодиёти

шаклланаётган мамлакатларга юқори даражада эътибор бераётган янги анжуманларни ўз ичига олади.

2008 йилдан бери жаҳон давомий молиявий инқирозлар гувоҳи бўлиб турибди. Муассасаларнинг инқироzi билан бошланиб (масалан, Lehman Brothers инвестиция компаниясининг инқироzi), тизимли инқирозлардан (масалан, Европадаги қарз бозорларининг амалдаги инқироzi) суверен қарзлар ва валюта инқирозларига (Еврохудудга бўлган асосий тахдидлар) қадар бўлган инқирозлар натижасида жаҳон молиявий тизими асослари «ларза»га келди. Бу исломий молиявий саноат учун, жамият ривожига таъсир кўрсатувчи молиявий тизим барқарорлиги ва мустаҳкамлигининг табиати тўғрисидаги глобал мулоқотга мислсиз ҳисса қўшиш имкониятини беради. Ушбу имконият қуйидаги тўлдиришлар билан мустаҳкамланган:

1) ИХТ аъзо-мамлакатлар мавқеининг мустаҳкамланиши;

2) молиявий тизимнинг халқаро муҳокамаларида тармоққа нисбатан фаол эътиборнинг кучайиши.

Кўпчилик исломий молия ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталаридан исломий банк амалиётларини жорий этиш ила бошланганини тахмин қилади. Аввалги даврларда исломий банклар амалий фаолияти икки даражали музораба тамойили бўйича тикланган эди: мажбурият тарафда омонатчи инвестор сифатида, банк эса тадбиркор сифатида иштирок этган; активлар тарафда эса банк инвестор сифатида, молиялаштириш маблағларини жалб қилган шахс – тадбиркор сифатида қатнашган. Лекин ривожланишнинг тўрт босқичини босиб ўтгач, исломий молия саноатида етакчилик мавқеига чиқиб олган банкларнинг амалий фаолияти икки даражали музорабадан икки даражали муробаҳа томонга илгари силжиди, бунинг натижасида активларнинг асосий қисми кўпроқ муробаҳа воситасидан фойдаланиш орқали молиялаштириладиган бўлди.

Орадан қирқ йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Бугунги кунда асосий масала исломий молия жорий ҳолатини аниқлашдан иборат бўлиб қолди. Охириги беш йил мобайнида сезиларли ўсишга қарамай, исломий молия саноати (банк сектори, капитал бозори, такофул ва ретакофул, нобанк сектори (инвестиция компанияла-

ри, активларни бошқарувчи компаниялар, лизинг компаниялари)) ва микромолиявий компаниялар қуйидагилар билан хусусиятланади:

1) *Битимлар қийматининг юқори эканлиги.*

Битимлар қиймати (баҳоси)нинг юқори эканлиги исломий молия саноатининг ечими ҳал бўлмаган муаммоларидан бири ҳисобланади. Айримлар бу тармоқнинг «қўламли тежаш» даражасига етмагани сабабли деб тахмин қиладилар. Бошқалар эса муаммолар меъёрий-ҳуқуқий бир хиллаштирилган стандартлардаги етишмовчиликлар сабабидан деб ҳисоблайдилар, бу эса тенг бўлмаган шароитларнинг юзага келиши ҳамда исломий молиявий маҳсулотлар билан бўладиган битимларнинг қиймати юқори бўлишига олиб келади. Далилларга қарамай, ушбу муаммо ҳамма жойда, номусулмон мамлакатларда яшовчи мусулмон жамоалар учун ҳамда аксарият мусулмон мамлакатларида, айниқса, уй-жойни молиялаштириш соҳасида тезликда ечим топишни талаб қилади.

2) *Хатарларни бошқариш, уларни камайтириш усуллари ва рақамли баҳолаш андозалари воситаларининг имкониятлари чекланганлиги.*

IFSB томонидан хатарларни бошқариш, руҳий тестдан ўтказиш ва капитал етарлилиги стандартларига тааллуқли қўлланмаларни чиқариш бўйича маълум бир ташаббусларга қарамай, исломий молиявий муассасаларга хос бўлган хатарларни баҳолаш услубияти ва усулларини ўз ичига олган, аввалгидек янада батафсил техник қўлланмалар талаб қилинади. Бундан ташқари, қоидага кўра исломий молиявий муассасалар фаолиятидаги хатарларни аниқлаш анъанавий молиявий муассасаларга хос хатарлардан у қадар фарқ қилмайди, шу билан бир вақтда шариатнинг айрим қоидаларига боғлиқ ҳолда хатарларни аниқлаш, ўлчаш ва пасайтиришга ўзгартириш киритиш зарурияти юзага келиши мумкин. Яна ҳам муҳимроғи, исломий молиявий муассасаларда хатарларни бошқариш усулларини мажбурий татбиқ қилиш учун мувофиқ меъёрий-ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқишнинг қатъий зарурати мавжуд.

3) *Меъёрий-ҳуқуқий асоснинг чекланганлиги.*

Исломий молиявий саноат субъектлари учун турли давлатлар ўртасида тартибга солишнинг унификация (бир хиллаштирилган) қилинган стандартларини яратиш, уларни BCBS (Банк назорати бўйича Базель қўмитаси), IOSCO (Қимматли қоғозлар бўйича комиссиялар халқаро ташкилоти) ва МҲХС (Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари) каби стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар баён этган қўлланма ва меъёрларга мувофиқликка келтириш нафақат оддий, балки ўта қийин вазифа бўлиб турибди. Аниқки, «бир ўлчам барчага тўғри келади» ғояси турли мамлакатлар турлича муассасавий ва меъёрий асосга эгаллиги сабабидан, яшовчан ҳисобланмайди.

4) *Исломий пул-кредит сиёсатининг мавжуд эмаслиги.*

Пул-кредит сиёсати исломий воситаларининг макродаражада мавжудлиги исломий молиявий тизимнинг макроиқтисодий вазифаларини қўллаб-қувватлаш учун зарур ҳисобланади. Мана шундай воситалар жоизлигининг яна бир далили ликвидлиликини бошқариш ҳисобланади. Индонезия ва Малайзия каби айрим мамлакатлар пул-кредит сиёсатининг исломий воситаларини яратиш ташаббуси билан чиқдилар. Шундай бўлса-да, фойсиз молиявий тизимни жорий этган мамлакатлар ўртасида ликвидлиликини бошқариш ва мамлакатлараро битимлар ўтказишга имкон берадиган саъй-ҳаракатларни қабул қилиш лозим.

5) *Исломий молиявий хизматлар кириб боришидаги узилишлар.*

Молиявий хизматларнинг кириб бориши 2000 йиллардан бошлаб ўз аҳамиятига эга бўлган концепция ҳисобланади. Ушбу концепция даставвал жамиятнинг кам даромадли сегментларига арзон баҳолар бўйича молиявий хизматлар кўрсатишга нисбатан ишлатилган. Лекин, «молиявий хизматларнинг кириб бориши» тушунчасини кўриб чиқиш ислом нуқтаи назаридан икки хусусиятга боғлиқ ҳолда фарқланади: хатарларни тақсимлаш тамойили ва бойликларни қайта тақсимлаш тамойили.

ИҲТ мамлакатларида исломий микромолиялаштириш хизматларига улкан талаб мавжудлигига қарамай, ҳозир у таклиф билан талабни муносиб қондира олиши мумкин эмас.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ИХТ мамлакатлари ҳар 1000 та катта ёшли аҳолига тўғри келадиган микромолиявий депозитлар ва ҳисоб рақамлар сони бўйича ИХТ аъзо бўлмаган мамлакатлар билан солиштирганда юқори кўрсаткичга эга экан. Лекин микромолиявий ташкилотлар депозитлари ва қарзларининг ИХТ мамлакатлари ЯИМ (ялпи ички маҳсулот)га нисбати ҳанузгача паст бўлиб турибди: ривожланаётган мамлакатлардаги 0,78% ва 0,97% га таққослаганда мос равишда 0,61% ва 0,79% га тенг.

6) *Инсон капиталининг етарлича такомиллаштирилмаганлиги.*

Исломиё молиявий саноатда бозор иштирокчилари орасидаги рақобатнинг давомий кучайиши ва ўсиши сўзсиз, тармоқ учун инсон ресурсларининг сон ва сифатдаги муаммоларини намён қилиб берди. Ушбу муаммоларни ечиш учун концептуал сиёсатни ишлаб чиқиш ва унга мос ташаббусларни қабул қилиш зарур. Мана шундай сиёсат ва ташаббуслар «исломий молиявий хизматлар саноатини ривожлантириш Ўн йиллик стратегияси» №5-тавсияларига мувофиқ келади, у «ихтисослашган, билимдон ва юқори сифатли инсон капитали зарур захираларини яратиш»га йўналтирилади.

7) *Исломиё молиялаштиришни идрок қилиш.*

Кўпчилик исломий молия асосан диндорларга мўлжалланган деб ўйлайди. Бу қисман тўғри, исломий молиялаштиришнинг асосий ғояси бирмунча чуқурроқ илдизга эга. Аслида фоизли даромад (рибо)ни мисол сифатида кўриб чиқсак, у яхудийлик, насоролик, буддавийлик ва бошқа конфессия ҳамда дунёқарашлар тизимида ман этилган.

Истиқболлар қандай?

Мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларга қарамай, исломий молия келажаги тўғрисидаги тахминлар ижобий кўриниш касб этади, бу эса исломий молия одатий кўриниш бўлиб қолганини ва ўсишда давом этаётганини тасдиқлайди. Бугунги кунда унга бўлган қизиқишнинг тикланиши тўғрисида Буюк Британияда чиқарилиши тўғрисида баёнот берилган суверен сукуклар далолат беради ва ушбу мамлакат ўзини «исломий молиялаштиришнинг глобал маркази» сифатида намён

этмоқда. Яқин Шарқ мамлакатлари, Дубай, Доҳа ва Манама каби бир қатор пойтахтлар исломий молия маркази сифатидаги ўзларининг ривожланиш режаларини сақлаб қолишга уринмоқдалар. 2013 йилда Дубай олдинга яна бир қадам ташлади ва исломий иқтисодиёт маркази бўлиш нияти тўғрисида ўзининг баёнотини берди. Исломий молия ва ҳалол иқтисодиётда етакчи бўлиб қолаётган Куала-Лумпур янада олдинга юрди.

Кўшимча сифатида шуни айтиш мумкинки, исломий молиялаштиришнинг кенг ёйилиши тўғрисидаги батафсил маълумот Туркия, Африка ва Марказий Осиёдан кириб келмоқда, бу ерда шаклланаётган иқтисодиётга эга мамлакатлар исломий молияни нафақат инфратузилма лойиҳаларига капитал жалб этиш воситаси сифатида, балки чакана банк хизматлари, молиялар ва суғурталашнинг муқобил йўли сифатида жорий этмоқдалар. Жаҳон банки Истамбулни ўзининг исломий молия эксперт марказини жойлаштириш манзили сифатида танлаши, исломий молиялаштириш саноати учун янги бозорлар ва худудларга ўтилаётганидан дарак беради.

Исломий молия саноати ўсишда ва кенгайишда давом этар экан, қисқа ва ўрта муддатли истикболда турли секторларда фаолиятнинг ўзгариши тенденцияси давом этади. Исломий банкинг ва бозор салмоқ нуктаи назаридан тармоқда етакчиликда давом этади. Исломий жамғармалар ва такофул барқарор ўсишга қарамай, умумий ҳажмда камтаргина улушни сақлаб қолади. Айримлар бунинг таҳдид сифатида кўриб чиқадилар, бошқалар эса бунинг ажойиб имконият эканини таъкидлайдилар. Воқеликдаги ва номинал иқтисодиёт ўртасидаги боғлиқлик ушбу секторларда янада таъкидли бўлиб бормоқда, улар, албатта, янада муҳим аҳамиятга эга бўлиб бораверади. Исломий молиявий саноат ривожланишида яна бир ижобий нукта унинг ижтимоий вазифаларни ва молиявий хизматларни бажаришга қайта йўналиши ҳисобланади.

Қисқа ва ўрта муддатли истикболда икки ўзаро боғлиқ муҳим вазифани ечиш тармоқнинг умумий ривожланишида йўналтирувчи таъсирга эга.

Биринчидан, *инновация маҳсулотларини ишлаб чиқиши*. Мавжуд ва юзага келадиган эҳтиёжларни қондириш учун янги маҳсулотлар ва ечимларга катта эҳтиёж бор. Ҳанузгача исломий молияда инновация маҳсулотлари ва молиявий инжиниринг-ни таклиф этиш чекланган, эҳтиёткор ва мавжуд ҳамда кенг тарқалган анъанавий маҳсулотлардан нусха кўчириш асосида тикланган. Дастлабки босқичда бу мумкин бўлса-да, кейинчалик барчаси ўз йўлидан юриши лозим. Маҳсулотлардаги инновация ҳозирги вақтда амалдаги битимлар ҳудудидан чиқа олиши лозим, бу бозор талаб этаётган хизмат кўрсатиш усуллариغا янги ва ижодий қараш имконини беради.

Исломий молиявий муҳандислик анъанавий молиявий маҳсулотлар доирасидан чиқиши шарт, улар янада анъанавий ва ўзига хос исломий молиявий маҳсулотлар ва ечимлар билан шариатга мувофиқ келадиган исломий иқтисодиёт асосида ётади. Ушбу маҳсулотлар мусулмон дунёси ва бошқалар олдида турган ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ечишга кўмак бериши шарт.

Иккинчидан, *меъёрий-ҳуқуқий асосни уйғунлаштириши, стандартларни унификациялаш (бир хиллаштириши)*. Исломий молия янги ҳудудлар ва давлатларда тарқалмоқда ҳамда глобал исломий иқтисодиёт билан янада алоқадор бўлиб бормоқда. Шариат меъёрлари, ҳуқуқий ва меъёрий қоидаларни уйғунлаштириш янада мушкул бўлиб қолди. Бу трансчегаравий харажатларни пасайтириш ва умуман, тармоқдаги рақобатбардошлик ва самарадорликни кўтариш зарурати билан изоҳланади. Бу, ўз навбатида, ҳукумат ва тартибга солувчи ташкилотлар рақобат назари орқали қараш ҳақида камроқ ўйлашлари ва кўпроқ ўзаро ҳамкорлик ҳамда биргаликда фаолиятни амалга ошириш йўллариغا эътибор қаратишлари лозимлигини англатади. Ҳудудий, миллий ва маҳаллий жузбийлик мавжуд бўлишига қарамай, улар исломий молияни бойитишлари керак ва уларнинг кенг тарқалиши учун тўсиқ бўлмасликлари лозим. Шундай қилиб, бу нафақат катта муаммо, балки буюк имконият ҳамдир.

Ривожланиш йўллари.

Исломий молия саноати янада ўсиши учун стратегия, сиёсий механизмни ишлаб чиқишда давомли бўлиш керак ва

тармоқнинг барча сегментлари ривожланишини таъминлаш учун муносиб ташаббусларни қабул қилиш шарт.

Яқин йилларда қуйидаги масалалар алоҳида эътиборга лойиқдир:

1) *Капиталда иштирок этиш асосида молиялаштиришга кўмаклашиш ҳамда реал ва молиявий секторлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш.*

Исломий молия дастлабки кунлардан жиддий юксалишга эришиши мумкин эди, лекин у ҳанузгача муробаҳа, ижара, истисноъ ва салам каби савдо битимларида ишлатиладиган қарз воситалари билан чекланиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда бозор, муассаса ва иштирокчилар ривожланиши билан биргаликда амалиётда хатарларни тақсимлаш ва устама ҳақ ғоясини ишлатишни ўрганиш ҳамда улушли молиялаштиришдан кўпроқ даражада фойдаланиш лозим. Шундай қилиб, мана шундай ташаббусни қўллаб-қувватлаш учун бозор инфратузилмасининг ривожланиши кечикиши мумкин эмас. Бу исломий молияни нафақат «бошқа кўринишдаги оддий молия» айбловидан омон қолиш ва табақалаштиришга, балки уларга ҳозирги вақтда ўзлари кириб бормаган соҳаларда хизмат қилиш ва кенгайишига имкон беради. Хатарларнинг катта қисмини тақсимлашга кенгроқ жалб қилиш, назорат ва иқтисодиётнинг реал секторида иштирок этишни ҳамда хатарлар бошқариш усуллари янада ривожлантиришни тақозо этади, аммо бу исломий молия айнан ҳозир амалга ошириши лозим бўлган вазифалардир.

2) *Исломий молиявий хизматлар кириб боришини кенгайтириш.*

Микромолиялаштириш соҳасидаги ташаббуслар ва шаклланаётган эътибор қонуний ва қизиқарли кўриниш ҳисобланади. Шундай бўлса-да, юқорида айтиб ўтилганидек, «исломий молиявий хизматлар кириб боришидаги узилишлар» ҳанузгача кенг тарқалган. Инновацион ва ранг-баранг микромолиявий маҳсулотларни шакллантириш ва кенгайтириш лозим, бу эса жамиятнинг кам таъминланган аъзоларига молиявий хизматлардан манфаат олишга имкон беради. Яна ҳам муҳимроғи, бу молиявий ресурсларнинг адолатли тақсимланишига ёрдам ҳам

беради. Шу билан бир вақтда, агар мана шундай ташаббуслар молиявий саноатнинг ҳимоя механизми сифатида такофул ва микротакофул секторлари ривожига билан биргаликда борадиган бўлса, буткул мантикий бўлур эди.

3) *Закот ва вақф жамғармалари фаолиятини фаоллаштиришга кўмак бериш.*

Афсуски, охириги вақтларда закот ва вақф жамғармаси ўзида содда, самарасиз ва ҳатто, айрим ҳолларда коррупциялашган муассасаларни акс эттирмоқда ва бенефициарлар олдидаги ўзининг вазифасини бажаришга қодир бўлмай турибди. Бу ҳақиқатдир, ушбу муассасалар табиий фаолияти тикланишига тўсиқ бўладиган меъёрий ва ҳуқуқий масалалар билан боғлиқ жиддий муаммолар мавжуд. Шундай бўлса ҳам, закот ва вақф жамғармаларининг имконияти қамраб олиш, ранг-баранглик ва кириб бориш нуқтаи назаридан уларни ўз жойига келтириш билан боғлиқ ҳар қандай саъй-ҳаракатларни босиб кетмоқда. Шу билан боғлиқ ҳолда, мамлакатлар ва халқаро стратегик манфаатдор томонлар ўртасида янада чамбарчас ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида, мана шу қайта тақсимлаш воситаларини муассасалашуви жараёнига кўмак бериш учун кучли қонунчилик ташаббусларини қабул қилиш ва концептуал сиёсатни ишлаб чиқиш лозим, бу орқали исломий молиялаштиришнинг муҳим муассасаси сифатида закот ва вақф жамғармаларини такомиллаштириш ва қайта тиклашга эришилади.

4) *Қонунчилик асоси ва пул-кредит сиёсатини уйғунлаштириш.*

Ҳозирги вақтда исломий молиянинг ўсишини қўллаб-қувватлаш учун қулай шароитлар яратиш зарурияти лозимлиги макроиқтисодий ва ҳукумат даражасида ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ эътироф этилмоқда. Аввал айтиб ўтилганидек, турли мамлакатлар меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини янада мувофиқлаштириш ва уйғунлаштиришни таъминлаш лозим. Исломий молияни солиқ меъёрлари, назорат ва ҳисобот, фискал ва монетар сиёсат ўтказиш орқали илгари суришга уринаётган ҳукуматлар томонидан кўрилатган чораларнинг муҳимлиги ҳам ундан кам эмас, чунки шу орқали тенг шароитлар таъминлана-

ди ва исломий молия анъанавий молияга кучли рақобатчи бўла олиши мумкин. Қайд этиш лозимки, турли юрисдикциядаги бозор инфратузилмаларининг ривожланиши билан охир-оқибат, ликвидлиликни бошқариш ва трансчегаравий битимларни амалга ошириш имконияти учун шарт-шароитлар яратилади.

5) *Исломий молиявий саноатни даврий баҳолашни амалга ошириш ва унинг жамиятга таъсирини аниқлаш.*

1970 йилларда ўзининг камтарона ривожланиши билан фаолият бошлаган исломий молиявий саноат охирги қирқ йил мобайнида жадал ўсишни намоён қилди. Исломий молия саноати жаҳондаги энг тез ўсаётган тармоқлардан бири сифатида таърифланади, охирги бир неча йилда унинг ўсиш суръати икки хонали рақамларда ифодаланганидан бўлди. Бу тармоқнинг ҳақиқий микёсига, тармоқдаги секторлар орасидаги ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликка, яна ҳам муҳимроғи, тармоқнинг жамиятга таъсирига нисбатан саволларни келтириб чиқарди. Тахминимизча, турли мамлакатлар ривожланишнинг турлича даражаларига эга бўлишлари мумкин. Бундан ташқари, исломий молиявий саноатнинг турли секторлари турлича суръатларда ўсади деб ҳисобланади. Шундай қилиб, тизимли ва комплекс баҳолаш, давомий стратегия ва ташаббуслар орқали исломий молиявий саноатни бошқа қиёфада гавдалантириш ва янада ривожлантириш йўналишлари шакллантирилиши мумкин.

6) *Исломий молия ребрендинг¹и.*

Исломий молия ҳақиқий қиёфада – реал иқтисодиёт эҳтиёжларига хизмат кўрсатувчи ва қонунийлик, адолатлилик, тенглик ва тақсимлаш қоидаларига асосланган исломий молиявий-инвестиция сектори ҳисобланади. Асос бўлувчи иқтисодий тамойил судхўрликка бўлган тақиқдир – реал иқтисодиёт эҳтиёжларига хизмат кўрсатувчи ва қонунийлик, адолатлилик, тенглик ва тақсимлаш қоидаларига асосланган исломий молиявий-инвестиция сектори адолатли тарафларини ажратиб кўрсатиш ҳамда уни ахлоқий, барқарор, муқобил ёки шерикчилик молиялари сингари умумий атамалар билан ифодаланиши

¹ *Ребрендинг* – фаол маркетинг стратегияси, брендни ўзгартириш бўйича чора-тадбирлар: номи, логотипи ва бошқа таркибларни қамраб олади.

лозим. Ушбу йўналишнинг ривожланиши, уни қабул қилиш ва татбиқ этишнинг умумий платформасини кенгайтириш имкони-ни беради.

Туркияда «исломий» сўзини ифода қилмай, шариатга мувофиқ молиявий муассасалар улушли ёки шерикчилик банкла-ри деб номланади, улар мамлакат ичкараси ва ундан ташқарида ўз фаолиятларини ғоят муваффақиятли ривожлантирмоқдалар.

2013 йилнинг ноябрида Дубайдаги Глобал исломий иқтисодий саммитда Солиҳ Камол ребрендинг зарурлиги тўғрисида эълон қилди, чунки даставвал бутун инсоният учун мўлжалланган мо-лиялаштиришнинг ушбу шаклига фақат мусулмонлар монопол эгалик қилмасликлари лозим.

Шу маънода китобнинг 9- ва 10-бобларида кўриб ўтиладиган АҚШ ва Буюк Британиянинг амалий тажрибаси бағоят эътибор-га лойиқдир.

Назорат учун саволлар:

1. Исломий молиялар саноатининг бутун жаҳондаги ривожланиш тенденцияларини сўзлаб беринг.

2. Исломий банкингнинг чет эллардаги ривожланиш тенденцияла-рини очиб беринг.

3. Глобал анъанавий ва исломий фонд индексларига кирувчи таш-килотлар таркибини баён этинг.

4. Чет эллардаги исломий фондлар фаолияти ривожланишидаги асосий тенденцияларни тушунтиринг.

5. Чет элларда сукук бозорининг ривожланиши асосий тенденция-лари нималардан иборат?

6. Такофул сектори ривожланиши асосий тенденцияларини баён этинг.

7. Чет элларда исломий молияларни йўлга қўйишдаги асосий му-аммоларни сананг.

7-бобда фойдаланилган адабиётлар:

1. Islamic Financial Service Stability Report [Electronic resource]. – 2013. – Access mode: [http://www. ifsb. org/docs/IFSB%20-%20IFSI%20Stability % 20 Report%202013%20\(Final\). pd](http://www. ifsb. org/docs/IFSB%20-%20IFSI%20Stability % 20 Report%202013%20(Final). pd)

2. Global Islamic Finance Report, 2013

3. World Islamic Banking Competitiveness Report, 2013.
4. *Hylmun Izhar, Yahya A. Rehman.* Global Islamic Finance Outlook 2014 // <http://www.istisna.kz/eng/?p=3556>
5. Islamic banks should be named «ethical banks» // <http://www.emirates247.com/business/economy-finance/islamic-banks-should-be-named-ethical-banks-2013-12-08-1.530641>

8 - б о б . Ислом тараққиёт банки гуруҳи

8.1. Ислом тараққиёт банки.

Ислом тараққиёт банки (ИТБ) 1975 йилда ИХТ мамлакатлари молия вазирлари йиғилишининг қарорига кўра ташкил этилган. ИТБнинг штаб-қароргоҳи Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жойлашган.

ИТБнинг Худудий офислари 1994 йили Работ (Марокаш) да, ўша йили Куала-Лумпур (Малайзия)да, 1997 йили Олма-Ота (Қозоғистон)да ва 2008 йили Дакар (Сенегал)да очилди. Банк, шунингдек, 12 та аъзо-мамлакатда маҳаллий ваколатхоналарга эга: булар Афғонистон, Озарбайжон, Бангладеш, Гвинея, Индонезия, Эрон, Нигерия, Покистон, Сьерра-Леоне, Судан, Ўзбекистон ва Ямандир.

ИТБнинг асосий вазифаси аъзо-мамлакатларда шариатга мувофиқ ижтимоий ва иқтисодий тараққиётни қўллаб-қувватлашдан иборат.

ИТБнинг қарашлари: 2020 йилга аъзо-мамлакатлар инсон капиталини барқарор ривожлантиришга жиддий таъсир кўрсатувчи шариат тамойилларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жаҳон миқёсидаги тараққиёт банки бўлиш.

Банк ташкил этилаётган вақтда унинг низом жамғармаси 6 млрд. исломий динорни, аъзолари сони 22 тани ташкил этди. Исломий динор – ИТБ фойдаланадиган ҳисоб бирлиги; бир исломий динор ХВЖнинг бир қарз олиш махсус ҳуқуқига (SDR IMF) тенг (ХВЖ томонидан чиқариладиган сунъий захира ва тўлов воситаси). Ҳозирги вақтда ИТБга иштирокчи аъзолар 57 та давлат ҳисобланади. 2017 йили ИТБнинг эълон қилинган ҳиссадорлик капитали – 100 млрд. исломий динорни, шу жум-

ладан, обуна ҳиссадорлик капитали – 50,2 млрд. исломий динорни ташкил этди. Банкнинг асосий ҳиссадорлари Саудия Арабистони (23,5% акция), Ливия (9,4%), Эрон (8,3%), Нигерия (7,7%), БАА (7,5%), Қатар (7,2%), Миср (7,1%), Туркия (6,5%) ва Қувайт (6,9%) ҳисобланадилар.

2013 йилда ИТБ бошқарувчилар кенгаши умумий ҳиссадорлик капиталини 30 млрд. исломий динордан 100 млрд. исломий динор (150 млрд. доллар)га кўтариш ҳақида қарор қабул қилди. Банкнинг обуна капитали ҳам 18 млрд. исломий динордан 50 млрд. исломий динорга оширилди. Ушбу қарор аъзо мамлакатларнинг молиялаштириш маблағларига бўлган катта эҳтиёжи билан боғлиқ.

Сўнги 12 йил давомида етакчи рейтинг агентликлари (Moody's, Standard&Poore's, Fitch) томонидан ИТБга узоқ муддатли кредит рейтинги – «ААА» ва қисқа муддатли олий барқарор кредит рейтинги – «А+» бериб келинмоқда. 2017 йилнинг декабрь ойида ушбу рейтинглар яна тасдиқланди.

2014 йилнинг июнида ИТБ бошқарувчиларининг йиллик 39-йиғилишида фаолият бошлангани 40 йиллиги (ҳижрий бўйича) нишонланди.

Банк назорати бўйича Базель кўмитаси ИТБни ноль хатарли халқаро банклар гуруҳида эканини аниқлади.

Европа Иттифоқининг Комиссияси ҳам ИТБни хатарсиз молиявий тараққиёт муассасаси сифатида таснифлади. ИТБ БМТнинг Бош Ассамблеясида кузатувчи мақомини олди. ИТБнинг муассасалари ИХТ Бош котибияти ва муассасалари, Халқаро тараққиёт банки, БМТ тараққиёт ташкилоти, Ҳудудий ривожлантириш ташкилоти, Миллий ривожланиш жамғармалари ва нодавлат ташкилотлари каби бир қатор ташкилотлар билан тараққиёт соҳасида яқин алоқа қилиб келмоқдалар.

Ислом тараққиёти банки ИТБ гуруҳидан иборат бўлган махсус ташкилот ва жамғармаларни таъсис этди. Ислом тараққиёт банки гуруҳи таркибига қуйидаги ташкилотлар киради:

- Ислом тараққиёт банки – IsDB;
- Хусусий секторни ривожлантириш бўйича исломий корпорацияси – ICD;



8.1-расм. ИТБ гуруҳига кирувчи ташкилотлар.

– Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорацияси – ICIEC;

– Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси – ITFC;

– Тадқиқотлар ва тренинглари ислом институти – IRTI.

ИТБ гуруҳи кенг миқёсдаги фаолиятга жалб этилган:

– аъзо-мамлакатларда қашшоқлик даражасини пасайтиришга кўмаклашиш;

– аъзо-мамлакатлар савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш;

– лойиҳавий молиялаштириш (шу жумладан, давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги тамойилида);

– кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш (шу жумладан, микромолиялаш хизматлари);

– аъзо-мамлакатлар маблағларини сафарбар қилиш;

– экспорт кредитлари ва инвестицияларни суғурталаш ҳамда қайта суғурталаш;

– аъзо-мамлакатлар меҳнатга яроқли аҳолиси учун таълим дастурлари ва тадқиқотларни ташкил этиш;

– аъзо-мамлакатларга фавқулодда ҳолатларда ёрдам кўрсатиш;

– аъзо-мамлакатларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича бошқа фаолият шакллари.

ИТБ фаолиятининг асосий йўналишлари.

ИТБ аъзо-мамлакатларга, давлат ва хусусий секторга қарашли йўллар, каналлар, тўғонлар, мактаблар, касалхоналар, уй-жой, қишлоқ туманларини ривожлантириш ва бошқалар каби қишлоқ хўжалиги ва инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш учун қарзлар беради. Ушбу лойиҳалар устувор ҳисобланади ва аъзо-мамлакатлар ижтимоий ҳамда иқтисодий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Ташкил топган вақтидан бошлаб ИТБ гуруҳи молиялаштирган маблағлар умумий ҳажми 2016 йилнинг охири ҳолатига 124,3 млрд. долларни ташкил этди, ундан 57,9 млрд. доллари (46,6%) лойиҳавий молиялаштиришга, 65,2 млрд. доллари савдони молиялаштиришга ва 0,75 млрд. доллари (0,6%) махсус ёрдам учун йўналтирилди.

ИТБ аъзо-мамлакатларда тараққиёт лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун турли исломий молиявий воситалардан фойдаланади. Ушбу воситалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. *Имтиёзли қарзлар.* Кредитлар асосан узоқ муддатли лойиҳаларни молиялаштиришни таъминлаш мақсадида, қишлоқ хўжалиги ва таянч инфратузилмаларни ривожлантириш учун давлат қафолатига эга ҳукуматлар ёки давлат муассасаларига берилади. Бундай қарз бериш шариатга кўра фоизсиз ҳисобланади. Банк ўзининг маъмурий харажатларини хизмат кўрсатиш учун олинган тўлов ҳисобига қоплайди.

2. *Техник кўмак.* Ушбу ёрдамнинг мақсади аниқ лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш, сиёсатни шакллантириш, ходимлар тайёрлаш ва инсон ресурсларини ривожлантириш ёки муассасавий кўмакни таъминлаш мақсадида техник билимлар олишни молиялаштиришдан иборатдир.

3. *Лизинг.* ИТБ саноатни молиялаштириш ҳолатларида ишлаб чиқариш линиялари учун зарур бўлган машина ва асбоб-ускуналар, электр энергияси ишлаб чиқариш, кemasозлик ва бошқа шу каби алоҳида ва бир тоифадаги таркибий қисмларни ўзида ифодалайдиган активларни сотиб олади ва кейин маълум бир вақт мобайнида уни олувчига лизингга беради.

4. *Бўлиб тўлашга сотиш*. ИТБ маълум бир лойиҳа учун зарур машина/ускуналарни сотиб олади, кейинчалик уларни бенефициар (мижоз)га банк ва бенефициар ўртасида ўзаро келишилган устамани қўшган ҳолда, қайта сотади.

5. *Истисноъ*. Ушбу усул аксар инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришда қўлланади.

6. *Молиялаштириш линиялари*. ИТБ кичик ва ўрта, айниқса, саноат секторидаги корхоналарнинг ўсишига кўмаклашувчи миллий тараққиёт молия муассасалари (NDFI) ёки исломий банклар (IB) учун молиялаштириш линиялари тақдим этади.

7. *Капиталда иштирок этиши (equity)*. ИТБ иқтисодий ва молиявий жиҳатдан яшовчан ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариши лойиҳаларининг ҳиссадорлик капиталида иштирок этади.

8. *Муробаҳа*. Ушбу усул ташқи савдони молиялаштириш учун ишлатилади. Банк сўралаётган товарни сотиб олади ва уни бенефициарга қайта сотади. Импортни молиялаштириш ҳолатида молиялаштириш даври 30 ойгачани ташкил этади: экспортни молиялаштириш ҳолатида эса ушбу давр 120 ойгача узайтирилиши мумкин.

9. *Фойдани бўлишиши (Profit Sharing)*. Фойдани бўлишиш шерикчилик (мушорақа ёки музораба) шаклларида бири ҳисобланади ва лойиҳани молиялаштириш учун ИТБ ҳамда ҳамкор томоннинг маблағларини бирлаштиришни тақозо этади; ҳар бир шерик корхонадан келиб тушадиган соф фойдадан фоиз олади.

8.1-жадвалда ИТБ томонидан тасдиқланган лойиҳалар ҳажмларини акс эттирувчи маълумотлар берилган.


**2013–2017 йиллар учун ИТБ томонидан тасдиқланган
лойиҳаларнинг молиялаштириш усули кесимида ўзгариш
суръати (млн. АҚШ доллариди)**

Молиялаштириш усули	2013	2014	2015	2016	2017
Имтиёзли қарзлар	424,4	277,6	420,5	392,7	291,1
Капитал	272,4	276,6	107,7	21,5	0,9
Лизинг	957,2	1,566,5	392,2	1,046,4	839,9
Бўлиб тўлашга сотиш	403,4	184,5	399	857,6	1,120,4
Молиялаштиришнинг кўшма линиялари	5,0	–	–	–	–
Фойдани бўлишиш/ мушорака	–	–	–	–	–
Истисноъ	2,423,3	2,579,8	3,641,1	2,887,4	1,692,0
Музораба	440	–	669,1	–	–
Техник ёрдам	20	14	7	20,3	5,2
Ҳаммаси	4,946	4,899	5,636,6	5,225,9	3,907,5
Манба: ИТБ					

8.2-расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ИТБ лойиҳаларининг асосий молиялаштириш усули истисноъ (44,5%)дир. 1976 йилдан 2017 йилгача бўлган давр учун умумий молиялаштириш ҳажми 52,4 млрд. долларни ташкил этди.

ИТБ чет эллик тараққиёт молиявий муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантирмоқда. 2011 йилда Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Молиявий назорат юқори органлари халқаро ташкилоти, Жаҳон банки билан ҳамкорлик тўғрисидаги келишув имзоланди.

Соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги ИТБ лойиҳаларини молиялаштириш ИТБга аъзо-мамлакатларнинг ҳар бири эришишга интилаётган Барқарор ривожланиш мақсадларига (Sustainable Development Goals) мувофиқ амалга оширилмоқда.



8.2-расм. ИТБ ташкил топган вақтдан бошлаб лойиҳаларни молиялаштириш усуллари таркиби.
Манба: ИТБ

ИТБ ўз фаолиятида давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги механизми фаол ишлатиб келмоқда, бу эса ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни қўллаш учун қўшимча молиявий маблағларни жалб қилиш имконини беради. Мисол тариқасида, Малайзиянинг Селангор штатида тезкор автомагистрал қуриш бўйича Малайзия тараққиёт банки билан давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги механизми тамойили бўйича ИТБ томонидан амалга оширилган лойиҳани келтириш мумкин.

ИТБ фаолиятининг стратегик муҳим йўналиши мусулмон мамлакатлар аҳолисини малакавий тайёрлаш ва саводхонлиги даражасини ошириш ҳисобланади. 2012 йилги фаолият якунлари бўйича ИТБ портфелидаги ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларда энг катта улушни таълим соҳасидаги лойиҳалар эгаллади. Юқоридаги ташаббуслар ишсизлик даражасини пасайтиришга ва ИТБ аъзо-мамлакатлар меҳнатга қобилиятли аҳолисининг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган.

ИТБ аъзо-мамлакатларда қашшоқликни бартараф этишга алоҳида аҳамият қаратди. Ушбу муаммони ечиш мақсадида микромолиялаштиришдан фойдаланилмоқда.


ИТБ, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларга ҳам ёрдам кўрсатмоқда, бунда агроф-муҳит ҳимояси тамойили

ҳисобга олинади. Жаҳондаги энг яхши тараққиёт банклари амалиётига мувофиқ, ИТБ инвестицияларининг сезиларли қисми инфратузилмаларни ривожлантиришга йўналтирилган.

8.3-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, 2017 йилда ИТБ маблағларининг иқтисодиёт секторлари бўйича тақсимланиши энергетика ва АКТ сектори улушининг (30%) юқорилиги билан таърифланади, ундан кейин транспорт (20%), шаҳарсозлик ва хизматлар (15%), қишлоқ хўжалиги (9%), давлат-хусусий сектор шерикчилиги (7%), қишлоқларни комплекс ривожлантириш (6%), соғлиқни сақлаш (6%), таълим (1%) ва бошқалар (3%) туради.

ИТБга нафақат молиявий вазифани амалга ошириш, балки Мавритания, Мальдив, Қирғизистон, Жибути ва бошқа кам тараққий этган аъзо-мамлакатларга техник кўмак бериш юклатилган.

Бундан ташқари, ИТБ исломий қимматли қоғозлар – сукукни жойлаштириш ташкилотчиси ҳисобланади. ИТБ шариат ўрнатган чекловлар доирасида молиявий маблағларни жамлаш учун депозитларни жалб қилиш ҳуқуқига эга



8.3-расм. 2017 йилда ИТБ маблағларининг иқтисодиёт секторлари бўйича тақсимланиши (млн. АҚШ доллари).

Манба: ИТБ

Кредит, бозор ва амалиёт хатарларини ўз вақтида пасайтириш ва баҳолаш мақсадида ИТБ ўз фаолиятида хатарларни бошқариш махсус воситаларидан фойдаланади. Аъзо-мамлакатлар ва бошқа қарздорларнинг кредит қобилияти, молиявий барқарорлигини доимий мониторинг қилиш ИТБ кредит хатарини самарали бошқариш имконини беради.

Ликвидлилик хатари ва мустақил хатарларга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун ИТБда хатар менежменти фаолиятининг самарадорлиги устидан ички назорат тизими, юқорида қайд этилган хатарлар аҳамияти бўйича лимит ва чекловлар тизими жорий этилган. Хатарларни бошқариш тизимларини такомиллаштириш мақсадида ишга вақти-вақти билан ташқи маслаҳатчилар жалб этилади.

ИТБ бошқарув органлари ва ташкилий тузилиши.

ИТБ аъзо-мамлакатлари ўзларининг вакиллари орқали банкни бошқаришда, раҳбарлик органлари – Бошқарувчилар кенгаши ва Ижрочи директорлар кенгашида иштирок этадилар.

ИТБнинг олий ваколатли бошқарув органи Бошқарувчилар кенгаши ҳисобланади. Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилишлари вақтида йиллик ҳисоботни баҳолаш, фойдани тақсимлаш, грантлар бериш, Директорлар кенгаши аъзоларини тайинлаш ва бошқа масалалар муҳокама қилинади. 2003 йилнинг сентябрида ИТБ Бошқарувчиларининг йиллик йиғилиши Олма-Ота шаҳрида бўлиб ўтди.

Ижрочи директорлар кенгаши 18 та аъзодан иборат. Ижрочи директорлар кенгаши таркибининг ярми ИТБ капиталида каттароқ улушга эга аъзо-мамлакатларнинг доимий вакиллари-дан шакллантирилади, қолган ярми эса Бошқарувчилар кенгаши томонидан тайинланади. Қайд этиш лозимки, 2018 йилда Ижрочи директорлар кенгашига биринчи марта Ўзбекистон вакили сайланди.

Директорлар кенгаши ишига доимий кўмиталар ёрдам беради: Маъмурий масалалар бўйича кўмита, Аудит бўйича кўмита, Молиявий масалалар бўйича кўмита, Амалий фаолият бўйича кўмита.

ИТБнинг ташкилий тузилиши 24 та мустақил фаолиятга эга таркибий бўлинмалардан иборат.

ИТБ стратегияси.

2005 йилда ўтган асрнинг охири ва янги асрнинг бошларида бўлиб ўтган шиддатли глобал ўзгаришларга самарали жавоб бериш мақсадида, ИТБ тараққиёт соҳасида банкнинг келажакдаги мўлжалларини тафаккур ва таҳлил қилиш учун Малайзиянинг собиқ Бош вазири Мазохир Муҳаммад бошчилигидаги катта тажрибага эга бир гуруҳ намояндаларни тайинлади. Унинг натижаси ўлароқ, «ИТБнинг ҳижрий 1440 йилгача (2020 йил) бўлган қарашлари»нинг янги лойиҳаси шакллантирилди.

«Қарашлар-1440» тўққизта энг муҳим стратегик вазифани аниқлаб берди: ИТБни ислоҳ қилиш, қашшоқлик даражасини пасайтириш, соғлиқни сақлашни ривожлантириш, таълимнинг барча учун очиклиги, аёлларнинг ўрнини кучайтириш, исломий молиявий саноатни кенгайтириш, аъзо-мамлакатлар ўртасида уларнинг иқтисодиёти интеграллашувига кўмак бериш, аъзо-мамлакатлар иқтисодиётини дунёнинг бошқа мамлакатлари билан интеграллашувига ёрдам бериш, ислом дунёси қиёфасини яхшилаш.

«Қарашлар-1440»нинг биринчи вазифасидан келиб чиқиб, 2007 йилда ИТБ томонидан банк фаолиятини ислоҳ қилиш дастури ишга туширилди. Ислохотлар банкни билим асосида фаолият юритувчи самарали ва таъсирчан тараққиёт молия муассасасига айлантиришга йўналтирилган.

Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва Африка тараққиёт банки билан ҳамкорликда банкнинг фаолияти самарадорлиги ва ўзининг аъзо-мамлакатлари ривожланишига ҳиссасини ошириш бўйича ташаббуслар ишлаб чиқилди ва муваффақиятли амалга оширилди.

Фаолиятни ислоҳ қилиш дастурини амалга ошириш икки босқичда олиб борилди. Биринчи босқич мобайнида ИТБни бошқариш тизими айрим таркибий қисмлари ишлаб чиқилди:

- ривожланиш стратегияси;
- режалаштириш ва бюджетлаштириш тизимини такомиллаштириш.

Ислоҳ қилиш дастурини амалга ошириш иккинчи босқичи ИТБнинг амалиёт сиёсати, инсон ресурсларини бошқариш тизими, билимлар бошқаруви тизими, бизнес-жараёнларни мақбуллаштириш ва баён этиш, IT-инфратузилмалар, мустақил таркибий бўлинмалар иш режасини такомиллаштириш ва улар ўртасида ресурсларни тақсимлаш тизими соҳасидаги фаолият самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини ўз ичига олади.

Уқорида кўрсатилган ташаббусларни амалга ошириш натижасида 2009 йилда ИТБ ташкилий тузилиши қайта ишлаб чиқилди ва амалга киритилди, натижаларга асосланган ходимларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими ходимларнинг рағбатлантиришни баҳолаш тизимига мувофиқ ҳолга келтирилди.

Бундан ташқари, 2010 йилнинг декабрида ИТБ гуруҳи фаолиятида молияларни бошқариш, инсон капитали, маҳсулдорлик ва бошқалар соҳасидаги SAP ечимлари муваффақиятли жорий этилди. 2011 йилда ИТБ Яқин Шарқ ва Шимолий Африка ҳудудида SAP маҳсулотларини жорий этиш танловида ғолиб чиқди (SAP Quality Awards Golden Prize).

ИТБ мувофиқлаштирилган кўрсаткичлар тизими услубиятини амалга киритди. Ушбу услубиятга кўра, ўқувчи стратегияни таҳлил қилиши учун стратегик харитадан фойдаланилади. Қўйилган мақсадлар мониторинги учун молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар тўплами ишлатилади.

Аъзо-мамлакатлар ўртасида тажриба алмашиш имкониятидан фойдаланиб, ИТБ томонидан «Қарашлар-1440»да, унинг аъзолари ўртасида ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича кўмак беришга алоҳида аҳамият қаратилган, бу эса банкни аъзо-мамлакатлардаги ўзининг фаолиятини «Ҳамкорликнинг мамлакат стратегияси» шакли доирасида режалаштиришга йўналтирди. Мана шундай ёндашув ИТБга ўз фаолиятини аниқ мамлакат тараққиёт режаси билан мувофиқлаштириш, шу билан бир вақтда унинг ресурслари ва билимини бошқа аъзо-мамлакатлар тараққиётига кўмак бериш йўлида ушбу мамлакат билан биргаликда ўзлаштириш имконини беради. 2018 йилда ИТБ 19 та

аъзо-мамлакат ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқди, шундан 14 таси самарали яқунланди. Ҳамкорлик стратегиялари ИТБ ва аъзо-мамлакатлар иштироқи шаклини ўзгартирди, аввалги лойиҳаларни молиялаштиришдан тараққиёт дастурларини молиялаштиришга ўтилди. 2018 йилнинг сентябрида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси билан аъзо-мамлакат ҳамкорлик стратегияси имзоланди.

ИТБ исломий молиявий хизматлар саноати ривожланишига катта ҳисса қўшди. Унинг ҳиссаси қуйидаги бир қатор жиҳатларни қамраб олади:

– ҳиссадорлик капиталида иштирок этиш йўли билан исломий банклар, исломий лизинг компаниялари ва исломий суғурта компаниялари ташкил этишга кўмак бериш;

– ижара ва истисноъ, сукукларни чиқариш сингари исломий молиялаштириш усулларини кенг тарқатиш;

– исломий молиявий хизматлар саноатини тартибга солиш учун ташкилот ва муассасалар (AAOIFI, IFSB, IIRA, CIBAFI, LMC) тизими инфратузилмасини яратишда иштирок этиш.

Бутун исломий молиявий тизимнинг шиддатли ривожланаётганини эътироф этган ИТБ, стратегия доирасида ўз эътиборини «қайта алоқа» механизмига, яъни аъзо-мамлакатлар ўртасида ўзаро фаол ҳамкорлик ва тажриба алмашишга қаратган. Ушбу талқинда ликвидли активларни бошқариш ва шариатнинг уйғунлашуви ҳамда унинг лозим даражада татбиқ этилиши сингари асосий муаммоларни ечиш назарда тутилган. Шу билан боғлиқ равишда, ИТБ реал иқтисодий фаолиятни молиялаштириш ва исломий тамойилларга асосланган иқтисодиётни ривожлантириш механизмлари ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашга эътибор қаратишни таклиф этади.

Исломий молиявий тизим миқёсларини кенгайтириш мақсадида, ИТБ нобанк секторини, хусусан, вақф, закот, ҳаж жамғармалари сингари воситаларни ҳамда инклюзив (аҳолининг кам таъминланган ва қашшоқ қатламлари) молиялаштиришни ривожлантиришга янада кучлироқ эътибор қаратишни таклиф қилади.

8.2. Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси.

Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси (ICD) 1990 йилда ташкил этилган.

Бугунги кунда ICD – ИТБ гуруҳига кирувчи серқирра ташкилотдир. Унинг ҳиссадорлик капитали 4 млрд. долларни ташкил этади, ундан 0,24 млрд. доллари обуна учун очикдир. Обуна ва тўланган капитал мос равишда 1,757,234 млн. доллар ва 1,047,414 млн. долларни ташкил этади. ICD ҳиссадорлари ИТБ, 54 та аъзо-мамлакат ҳамда 5 та давлат молиявий муассасаларидир. Ташкилотнинг штаб-қароргоҳи Жидда шаҳрида жойлашган.

Шариатга мувофиқ хусусий сектор лойиҳаларини молиялаштириш орқали аъзо-мамлакатлар иқтисодий ривожланишига ёрдам бериш ICD нинг мажбурияти ҳисобланади. ICD иш ўринлари яратиш, экспортни кўпайтириш, экспорт инфратузилмаларини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштиради. Бундан ташқари, ICD лойиҳалар учун кўшимча маблағларни сафарбар қилади ва исломий молиялаштириш ҳамда капитал бозорининг ривожланишига кўмак беради. У ўзининг лойиҳалари учун молиявий ҳамкорларни жалб қилади ва бозор иқтисодиётининг ўрнини ошириш ва бошқаришнинг илғор амалиётлари, капитал бозорини ривожлантириш, хусусий корхоналарни ташкил этиш, модернизациялаш ва кенгайтиришни рағбатлантиришга йўналтирилган сиёсат бўйича хусусий сектор субъектлари ва ҳукуматларга маслаҳат беради.

ICD нинг асосий вазифаси хусусий сектор иқтисодий ўсиши ва равақ топишини рағбатлантириш йўли орқали йўлбошчи сифатида ИТБ фаолиятини тўлдиришдан иборат.

ICD нинг қарашлари – хусусий секторни ривожлантириш учун кўп қиррали етакчи исломий молия муассасаси бўлишидир.

ICD нинг мақсадлари:

– ўсиш двигатели сифатида фаолият кўрсата оладиган хусусий сектор имкониятларини аниқлаш ва уларга кенг миқёсдаги самарали молиявий маҳсулотлар ва хизматларни тақдим этиш;

– хусусий сектор лойиҳалари учун қўшимча маблағларни сафарбар этиш;

– исломий молиялаштириш ва капитал бозори ривожланишига кўмак бериш.

ICD шариятга мувофиқ келадиган бизнес-маҳсулот ва хизматларнинг учта тўпламини аъзо-мамлакатлар хусусий секторидаги ўзининг мижозларига таклиф этувчи ноёб қоидаларга эга. Ушбу глобал бизнес-маҳсулотлар ўзаро бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи ҳисобланади (8.4-расм).

Молиявий ва инновацион маҳсулотлар.

ICD таклиф этадиган молиявий маҳсулотлар номенклатураси етарли даражада кўламлидир. Корпорация хусусий сектор ташкилотларини, янги корхоналар ва лойиҳаларда улушли иштирок орқали кенгайтириш бўйича, қайта ён берилиши лозим бўлган мажбуриятларни сотиб олиш ва узок муддатли молиялаштиришни бевосита молиялаштиради. ICD, шунингдек, хусусий сектор ташкилотларининг айланма капитали етишмовчилигини қоплаш учун 24 ойгача муддатга қисқа муддатли молиялаштиришни амалга оширади. Бундан ташқари, корпорация аъзо-мамлакатлардаги миллий молиявий муассасалар ва тижорат банклари учун молиялаштириш линиялари орқали кичик ва ўрта бизнес корхоналарини билвосита молиялаштиради.



8.4-расм. ICD бизнес-маҳсулотлари.

ICD нинг молиявий ва инвестицион маҳсулотлари қуйидагиларни ўз ичига олади: мушорақа (қўшма корхона), музораба (капиталда иштирок этиш), муробаҳа (харажатлар+устама), ваколат (агентлик фаолияти), салам бай, истисноъ, ижара (лизинг), бай муажжал (бўлиб тўлашга сотиш).

Маслаҳат хизматлари.

ICD аъзо-мамлакатлардаги давлат, ҳукумат ва хусусий ташкилотлар учун кенг миқёсдаги маслаҳат хизматларини кўрсатади. Хизматлар аъзо-мамлакатлардаги амалий муҳитни баҳолашни ўз ичига олиб, уни ислоҳ қилиш бўйича талаб қилинадиган ҳар қандай ҳаракат комплекси билан биргаликда олиб борилади. Корпорация, шунингдек, лойиҳавий молиялаштириш, компанияларни реабилитация қилиш/реконструкциялаш, хусусийлаштириш, секьюритизациялаш, исломий молия ва капиталнинг исломий бозорини, хусусан, сукукни ривожлантириш бўйича маслаҳат хизматларини тақдим этади.

Активларни бошқариш.

ICD ўзининг мақсадига мувофиқ, лойиҳаларни молиялаштириш ёки инвестициялаш учун мўлжалланган бевосита инвестиция жамғармалари ва бошқа махсус мақсадли компаниялар (SPV)да иштирок этади ва (музориб сифатида) бошқаради.

ICD корпорациянинг асосий вазифаси ва мажбуриятларига нисбатан лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш учун кўрсаткичларнинг тўрт гуруҳидан фойдаланади: молиявий муваффақият, иқтисодий манфаат, ижтимоий самара ва атроф-муҳитга таъсир, хусусий секторни ривожлантириш ва исломий молияни илгари суриш (8.5-расм).

ICD нинг инвестицион лойиҳани ишлаб чиқиш босқичлари.

1-босқич. Ташкиллаштириш ва олдиндан баҳолаш.

Лойиҳалар бевосита миқознинг ўзи ёки ICD нинг бизнесни ривожлантириш гуруҳи томонидан етказиб берилади. Дастлабки баҳолаш тараққиётга мумкин қадар кўмак беришни таъминлаш мақсадида, ICD нинг инвестициялаш ва стратегия тасмийллари мувофиқ бўлиши учун амалга оширилади.



8.5-расм. ICD лойиҳалари самарадорлигининг тўрт ўлчови.

2-босқич. Лойиҳани баҳолаш.

Лойиҳа мос бўлим ва инвестициялаш қўмитасидан дастлабки баҳолашдан ўтгач, ICD лойиҳани экспертизадан ўтказди, бунинг асосида шарт ва муддатлар бўйича молиявий келишув ҳамда комплекс текширувлар натижаси бўйича хулоса тасдиқланади.

3-босқич. Инвестициялаш қўмитаси томонидан маъқуллаш.

Муддати ҳамда шартлари бўйича молиявий битим ва комплекс текширув натижалари бўйича якуний хулоса ICD нинг инвестиция қўмитасига маъқуллаш учун тақдим этилади.

4-босқич. Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқлаш.

Лойиҳанинг якуний молиявий шартлари ва қисқача мазмуни Директорлар кенгаши номидан якуний қарор қабул қилиш учун ижроия қўмитага берилади.

5-босқич. Лойиҳанинг самарадорлиги ва молиялаштириш.

Лойиҳанинг самарадорлиги барча ҳуқуқий талабларга муваффақиятли риоя этилгандан кейин аниқланади. Фақат шундан кейин лойиҳани молиялаштириш амалга оширилади.

6-босқич. Мониторинг ва баҳолаш.

Энди ICD жамоаси лойиҳанинг амалга ошишини диққат билан кузатади. Жамоанинг кейинги фаолияти лойиҳанинг ривожланиш натижаларини кузатиб боришдан иборат.

7-босқич. Лойиҳани яқунлаш.

Инвестициялар тўлиқ ҳажмда қайтарилгач ва корпорация лойиҳадан капиталдаги улушини сотиш йўли билан чиққандан кейин ICD лойиҳани яқунлайди.

ICD нинг ташкил топган даврдан бошлаб фаолияти.

Ташкил топган 1999 йилдан бошлаб, ICD маъқуллаган лойиҳалар умумий миқдори 5,89 млрд. долларга етди, у аъзо-мамлакатлардаги 390 та лойиҳага тақсимланган.


8.2-жадвалда ICD тасдиқлаган лойиҳалар ҳажмини акс эттирувчи охириги тўрт йилликдаги молиялаштириш турлари кесимида ва Корпорация ташкил этилган вақтдан бошлаб иш даври учун маълумотлар берилган.

8.2-жадвал

2013–2017 йилларда молиялаштириш турлари кесимида ICD маъқуллаган лойиҳалар суръати, млн. АҚШ доллариди

Молиялаштириш усули	2013	2014	2015	2016	2017
Молиялаштириш линияси	80,8	273,4	343,5	399,3	583,0
Тўғридан-тўғри молиялаштириш	66,6	122,3	172,0	240,1	336,0
Жамғармалар	63,6	85,0	115,0	115,0	8,0
Якка эгалик	218,7	30,8	36,0	62,8	-
Қисман эгалик		14,2	20,0	7,2	4,0
Ҳаммаси	429,6	525,7	686,5	824,4	931,0
Манба: ИТБ					

8.6-расмдан кўриниб турибдики, ICD лойиҳаларини молиялаштиришнинг асосий тури (37,2%) капиталда иштирок этиш ҳисобланади. Корпорация ташкил этилганидан бошлаб, 2017 йил якунига кўра умумий ўзлаштирилган қиймат 2,65 млрд. долларни ташкил этди.



8.6-расм. ICD лойиҳаларини молиялаштириш турлари таркиби.

Тармоқ кесимида маъқулланган лойиҳалар турли тармоқлар, масалан, инфратузилма, қишлоқ хўжалиги, нефть ва газ, ишлаб чиқариш ва бошқалар орасида тақсимланган. Мана шу давр ичида устувор йўналиш сифатида молиявий сектор умумий миқдорнинг энг катта улуши – 46,3% ни ташкил этади. Саноат ва қазилма бойликларни олиш сектори ўз улуши бўйича иккинчи ўринни эгаллайди – 21,1% ёки 1,248,7 млн. долларга тенг. Бу кетма-кетликни фондлар 9,04% улуш билан давом эттиради. Кейинги ўринларда кўчмас мулк, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий хизматлар, АКТ, энергетика, савдо ва транспорт туради, улар маъқулланган лойиҳалар умумий миқдорининг 22% ини ташкил этади. 2017 йилда молиявий сектор улуши 63% гача ўсди. Солиштирма салмоқнинг ошиши энергетик секторда (14%) ва саноат ва қазиб олиш соҳасида (14%) ҳам кузатилди. Жамғармалар ва кўчмас мулк улуши 18% ни ташкил этди.

Жуғрофий кесимда ICD ташкил этилган вақтдан бошлаб, Яқин Шарқ ва Шимолӣ Африка худуди (34%) маъқулланган лойиҳалар устунлиги билан хусусиятланади. Ундан кейин Шарқий Европа ва Марказий Осиё (23%), Саҳрои Кабирдан жанубда жойлашган давлатлар (15%), Осиё ва Тинч океан худуди (14%) туради. Бир қанча минтақалардаги давлатларни қамраб оладиган Минтақавий/Глобал лойиҳалар улуши 14% ни ташкил этди. Шунини қайд этиш лозимки, сўнгги йилларда молиялашти-

ришнинг худудий таркиби ўзгариши қайд этилмоқда. Масалан, 2017 йилда Саҳрои Кабирдан жанубда жойлашган давлатлар улуши 10% га қадар пасайди, Шарқий Европа ва Марказий Осиёнинг улуши эса 46% гача ошди.

ICD нинг фаолият хусусияти ҳақида амалга оширилаётган лойиҳалар гувоҳлик беради. Масалан, ICD нинг Қайта тикланадиган энергия манбалари Марказий Осиё жамғармаси ушбу секторда эътибор кўрсатаётган биринчи худудий ташаббус ҳисобланади. Жамғарманинг таркиби корпорацияга ташқи капитални жалб қилиш ва ушбу стратегик муҳим секторга ўз инвестицияларининг таъсирини ошириш имконини беради. 50 млн. доллар қийматидаги ушбу жамғарма Малайзиянинг Лабуан оффшор худудида коммандит шериклик сифатида ташкил этилган ва давлат ҳамда хусусий сектор муассасаларидан инвестиция жалб этиш учун платформа сифатида хизмат қилади. Шу билан бирга, бу халқаро тараққиёт муассасасининг ЭКСПО-2017 га тайёргарлик доирасида, «яшил иқтисодиёт»ни қўллаб-қувватлаш бўйича биринчи дадил қадами бўлди.

Жамғарма Каспий халқаро инвестиция компанияси билан ҳамкорликда, биринчи навбатда, Қозоғистон, Озарбайжон, Туркманистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Туркия, Албания, Босния ва Герцеговина ҳамда Косовога инвестиция қилади.

Қайта тикланадиган энергия манбалари лойиҳаларини ишлатиш иқлим ўзгаришига ижобий таъсир кўрсатишга ёрдам беради ва энергия ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш имконини беради, шу орқали углеводород манбаларга қарамлик камаяди.

8.3. Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорацияси.

Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорацияси (ICIEC) ИТБ гуруҳининг аъзоси ҳисобланади. 1994 йилда халқаро муассаса мақомида ташкил этилган. Бош офиси Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жойлашган.

2010 йилнинг май ойида ICIEC Дубай халқаро молия марказида ўзининг дастлабки ваколатхонасини очди.

ICIEC экспортга оид кредитларни суғурталаш хизматлари, сиёсий хатарлардан суғурталовчи ҳамда шариат қоидаларига мувофиқ қайта суғурталаш хизматларини амалга оширувчи жаҳонда ягона мультимиллий суғурта компания ҳисобланади.


2011 йилнинг май ойига қадар ICIEC нинг низом жамғармаси 150 млн. исломий динорни ташкил этди, ИТБ ICIEC низом жамғармасининг 67% ига обуна бўлди, қолган 33% ига обуна ИХТ 40 та аъзо-мамлакатларига тегишлидир. 2011 йилнинг июнида ICIEC нинг низом жамғармаси 400 млн. исломий динорга қадар оширилди.

2017 йил якунига келиб, ICIEC таркибига 44 та мамлакат ва ИТБ кирди.

ИХТ аъзо-мамлакатлари ўртасида қуйидаги хизматларни кўрсатиш орқали инвестициялар оқими ва савдо амалиётлари миқёсини кенгайтириш ICIEC нинг мақсади ҳисобланади:

- инвестицияларни суғурталаш;
- экспортга оид кредитларни (экспорт кредитларини) суғурталаш;
- чет эл инвестицияларини бевосита илгари суриш бўйича хизматлар.

ICIEC нинг асосий мақсади 8.7-расмда чизма кўринишида берилган.



8.7-расм. ICIEC нинг мажбуриятлари.

ИСИЕС инвестиция ва экспорт кредитларини суғурталаш хизматларини тақдим этади:

– экспорт кредитларни суғурталаш экспортчиларни тижорат хатари ёки сиёсий хатарлар амалга ошиши натижасида пайдо бўладиган экспорт қарздорликларини тўламасликдан ҳимоя қилади;

– инвестицияларни ИСИЕС томонидан суғурталаш инвестор ва қарздорларни сиёсий (мамлакат) хатарлардан ҳимоя қилади;

– экспорт кредит агентликлари (ЭКА) учун қайта суғурталаш хизматлари.

Тижорат хатарлари харидорга тааллуқли бўлиб, ўз ичига қуйидагиларни олади: харидорнинг банкрот бўлиши, харидорнинг тўловга қобилиятсизлиги ёки уни рад этиши, товар юкланганидан кейин харидорнинг товар қабул қилишни рад этиши, харидор томонидан битимнинг ўзбошимчалик билан бекор қилиниши.

Сиёсий (нотижорий) хатарлар ўз ичига қуйидагиларни олади: харидор мамлакатнинг ўтказмалар қилиш ва конвертация бўйича чекловлари, мамлакат ҳукумати томонидан харидорни мулкидан маҳрум қилиш, харидорнинг мамлакатидagi жамоатчилик ғалаёнлари ва урушлар, шартномани бекор қилиш.

ИСИЕС ислом фикҳига мувофиқ юқорида санаб ўтилган хизматларни тақдим этади, яъни корпорация қуйидагиларни ўз зиммасига олади:

– ҳар бир полис эгаси дуч келиши мумкин бўлган зарарларни жамоавий тақсимлаш орқали суғурта полиси эгалари ўртасида ўзаро ҳамкорликка эришишга кўмаклашиш;

– полис эгаларида суғурталаш ёки қайта суғурталаш амалиётлари натижасида юзага келиши мумкин бўлган ортиқча маблағларни ўрнатилган захира талабларини қондирилгандан сўнг тақсимлаш;

– шарият ман этган товарларни сотиш, шунингдек, инвестициявий ёки экспорт қарзлари бўйича тўпланувчи кредит фоизи (interest) сингари суғурталаш битимларига йўл қўймаслик;

– ислом қоидаларига мувофиқ фаолият юритувчи жамфармаларга инвестиция қилиш.

Экспорт кредитларини суғурталаш хизматларига ИСІЕС нинг қуйидаги мезонларига мақбуллик юкланади:

- товарлар шарият талабларига мувофиқ келиши лозим;
- товарлар ИСІЕС ка аъзо-мамлакатда ишлаб чиқарилган бўлиши ёки товар иштирокчи-мамлакат қўшимча қийматининг камида 30% ини ўз ичига олган бўлиши шарт;
- экспорт қилувчи иштирокчи-мамлакатда рўйхатга олинган бўлиши ёки унинг капитали катта қисми иштирокчи-мамлакат фуқаросига тегишли бўлиши лозим.

Юқорида таъкидлаб ўтилган охириги иккита бандга қарамай, ИСІЕС ташкилоти иштирокчи-мамлакатларига экспортни амалга оширувчи бошқа мамлакатлар экспорт қилувчиларининг экспорт кредитларини суғурта қилиш хизматларини таклиф этиши мумкин. Бундай экспорт қилувчиларга мақбулликнинг қуйидаги мезонлари ўрнатилади:

- етказиб бериладиган товарлар ва асбоб-ускуналар ёки хизматлар инфратузилма таъминоти ёки капитал бериш билан боғлиқ бўлиши;
- зарур озик-овқат маҳсулотлари;
- етишмаётган, биринчи навбатдаги зарурият товарлари.

ИСІЕС нинг навбатдаги мақбуллик мезонлари инвестицияларга суғурталаш хизматлари қўрсатишга тааллуқлидир:

- инвестициялар ИСІЕС иштирокчи-мамлакатлари учун мўлжалланган бўлиши лозим;
- инвестициялар янги лойиҳага ёки амалдаги лойиҳани кенгайтиришга йўналтирилиши лозим;
- инвестициялар шарият талабларига мувофиқ келиши лозим.

ИСІЕС нинг молиявий маҳсулотлари.

1. Экспорт кредитларини суғурта қилиш.

Экспорт кредитларини суғурта қилиш қуйидаги полислар ёрдамида тақдим этилади:

- тўлиқ қисқа муддатли полис/ (Comprehensive Short Term Policy/CSTP);
- ихтисослашган амалиётлар учун полис/(Specific Transaction Policy/ STP);


- гуруҳли банк полиси/(Bank Master Policy / BMP);
- документар аккредитив суғурта полиси/(Documentary Credit Insurance Policy / DCIP).

8.8-расмда экспорт кредитларини суғурта қилиш чизмаси берилган.

Тўлиқ қисқа муддатли полис/CSTP (Comprehensive Short Term Policy/ CSTP) – такроран жўнатиладиган хом ашёлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва енгил саноат товарларини қоплайди, ушбу маҳсулотлар бўйича харидорга берилган кредит муддати бир йил (365 кун)дан ортмайди. Қоидага кўра, экспорт қилувчи тўлиқ суғурта қилинувчи товар айланмасини таклиф этиши шарт. Лекин маълум бир истиснолар ҳам қилиниши мумкин.

CSTP ларнинг асосий хусусиятлари қуйидагилар ҳисобланади:

- қопланувчи хатарлар: сиёсий ҳамда тижорий хатарлар;
- полис давомийлиги: қайта тикланадиган оддий иш тартиби амал қилган шароитда бир йил;
- қоплама ҳажми: зарарларнинг 95% и ёки харидор маъқуллаган кредит лимитидан иборат бўлади – бунда қиймати



1. Экспорт қилувчи ва импорт қилувчи ўртасида шартнома тузилади.
2. Экспорт қилувчи ИКСИЭК билан суғурта битимига киришади.
3. Экспорт қилувчи товарни юклайди ва ИКСИЭК мукофотини тўлаб, товар юклангани ҳақида хабар қилади.
4. Харидор (импорт қилувчи) пулни тўлай олмаса, экспорт қилувчи ИКСИЭКка суғурта талабномаси тақдим этади.
5. ИКСИЭК харидор (импорт қилувчи)дан қарздорликни олади ва қолган 10% ни экспорт қилувчига қайтаради.

8.8-расм. Экспорт кредитларини суғурта қилиш чизмаси.

Манба: istisna.kz

бўйича пастроқ кўрсаткич танлаб олинади. Қопламанинг стандарт ҳажми 90% ни ташкил этади;

– суғурта талабини кутиш даври: харидорнинг тўловга қобилиятсизлиги маълум бўлиши билан дарҳол, лекин қолган барча йўқотишлар ҳолатида бир хил муддат – олти ой мобайнида;

– экспортни молиялаштириш: полис бўйича суғурта талаби миқдори экспорт молиялаштиришни таъминлашни қоплаш мақсадида банкка тўлаб берилиши мумкин;

– қўшимча устама (мукофот): экспорт қилувчи тақдим этган экспорт декларацияси асосида ҳар ойда тўланади. Устама ставкаси тўлов шартлари, харидор-мамлакатнинг бозор таснифи ва экспорт қилувчининг суғурта талаблари тарихи билан боғлиқ ҳолда, ҳар бир полис учун алоҳида белгиланади;

– суғурта талаблари: суғурта талабига оид ҳужжатлар тўплами йўқотиш санасидан кейин 45 кун муддат оралиғида жамланиши керак. Суғурта талаби ҳаққонийлиги тасдиқланганидан кейин ICIEC мос суғурта талаблари кутиш муддати ўтгач, келишилган қоплама фоизини белгилайди;

– товарларни қайтариш: шуниси муҳимки, экспорт қилувчи суғурта талаблари тўланганидан кейин ICIEC нинг маслаҳатларига риоя этган ҳолда, мажбуриятини бажармаган харидордан товарлар қайтарилишини талаб қилади. Корпорация ўзининг суборгания (бир кредиторни бошқаси билан алмаштириш) ҳуқуқини амалга ошириши мумкин ва товарни тезда қайтиб олади;

– суғурта ҳимояси муддатини узайтириш: жўнатиш олди хатарларини қоплаш, полисни чет эллик харидорларга сотиш ҳамда бошқа ўзига хос вазиятларда полис муддати узайтирилиши мумкин.

Қўшимча ўрта муддатли полис / (*Supplemental Medium term Policy / SMTP*) CСТP га жуда ўхшайди. Уларнинг асосий фарқи шундаки, ДСП 5–7 йиллик ўрта муддатли хатарларни қоплайди.

Ихтисослашган амалиётлар учун полис / (*Specific Transaction Policy / STP*) экспорт қилувчилар ва уларнинг харидор-

лари ўртасидаги алоҳида экспорт битимларини қоплайди. STP кредитлаш муддати 7 йилга қадар бўлган амалиётларни қоплаш учун шакллантирилган. STP схемалари бўйича суғурталанган асбоб-ускуналар / хизматларга нисбатан бирон-бир чеклов талаблари мавжуд эмас. Ушбу полис бўйича сиёсий ҳамда тижорий хатарлар суғурталаниши мумкин. STP бўйича устама ҳақ қоидага кўра олдиндан, полис амал қилиши аввалида киритилади.

Гуруҳли банк полиси / (Bank Master Policy / BMP) ИТБ ва экспортни молиялаштиришга жалб этилган банклар молиявий амалиётларида тўловсизлик хатарини қоплаш учун махсус шакллантирилган. Унинг энг кўп муддати 7 йилга тенг. У исломий банкларнинг экспортни молиялаштириш амалиётлари учун суғурта ҳимоясини тақдим этади.

BMP ислом тамойилларига мувофиқ, инвестициявий ва савдо амалиётларини молиялаштирувчи банк ва бошқа молиявий муассасаларни, буюртма берувчи мақбул банк кафолатларини тақдим эта олмаган тақдирда ёки номақбул тижорий ва сиёсий хатарлар таъсири ҳолатларида жалб этишни назарда тутди.

Документар аккредитив суғурта полиси/ (Documentary Credit Insurance Policy/DCIP) импорт қилувчининг банки томонидан чиқарилган документар аккредитивни тўламаслик хатаридан ҳимоя қилиш мақсадида, молиявий муассасалар ёки тижорат банклари учун жоиздир.

Документар аккредитив суғурталаш схемаси 8.9-расмда берилган.

Экспортни кредитлашнинг суғурта қилиш афзалликлари: хатарларни пасайтириш, хатарларни диверсификациялаш, қувватларни ошириш, «balance sheet» (молиявий кўрсаткичлар) ни ошириш, битимлар ҳажмини ошириш, ликвидли маблағларга тезликда эга бўлиш имконияти, бу ерда полис экспорт қилувчининг банкида нақдлаштирилиши мумкин, юқори сифатли кредит ахборотига эга бўлишни таъминлайди.



1. Импорт қилувчи документар аккредитив чиқаришни ташкиллаштиради.
2. Банк эмитент документар аккредитив чиқаради ва уни экспорт қилувчининг банки / авизаловчи банкка қўяди.
3. Авизаловчи (тасдиқловчи) банк ИКСИЭКка документар аккредитивни суғурталаш учун буюртма тақдим қилади.
4. ИКСИЭК буюртмани маъқуллайди ва авизаловчи банк суғурта мукофотини тўлаб беради.
5. Банк эмитент томонидан тўловлар амалга оширилмаса, экспорт қилувчи суғурта талабномаси қўяди ва ИКСИЭК қоплама тўлаб беради (зарарнинг 90%и).
6. ИКСИЭК банк эмитентдан қарздорликни олади ва қолган 10% ни экспортчининг банкига тўлаб беради.

8.9-расм. Документар аккредитивни суғурталаш схемаси.

Манба: istisna.kz

Инвестицияларни суғурта қилиш қуйидаги полислар бўйича тақдим этилади: ҳиссадорлик капиталига инвестицияларнинг суғурт полислари (Equity Investment Insurance Policy); молиялаштириш линиялари инвестициялари суғурта полислари (Financing Facility Investment Insurance Policy); кафолатли қарзларга инвестициялар суғурта полислари (Loan Guarantees Investment Insurance policy).

Ҳиссадорлик капиталига инвестициялар суғурта полислари (Equity Investment Insurance Policy). Ушбу полис реципиент¹-мамлакатдаги хатарларда ҳиссадорлик капиталига инвестицияларни қоплайди. У бир вақтнинг ўзида бошқа мамлакатга қилинаётган инвестиция миқдори ва юзага келувчи даромадларни қоплайди.

Молиялаштириш линиялари инвестицияларининг суғурта полислари (Financing Facility Investment Insurance Policy). Ушбу полис кредиторнинг молиялаштириш маблағлари ёки қарз линиялари бўйича маълум бир инвестициявий лойиҳаларни реципиент-мамлакатдаги хатарлардан қоплайди. Исломий молиялаштириш билан бўлган ҳолатда, полис асосий қарзни ҳам,

¹ Реципиент-мамлакат – инвестициялаш объекти жойлашган мамлакат худуди.



8.10-расм. Чет эл инвестицияларини суғурталаш схемаси.

Манба: istisna.kz

устамаларни ҳам қоплайди, анъанавий молиялаштириш билан ҳолатларда фақат қарзнинг асосий миқдорини қоплайди, шариат томонидан ман этилган фоизлар эса ҳисобга олинмайди.

Кафолатли қарзларга инвестициялар суғурта полислари (Loan Guarantees Investment Insurance policy). Ушбу полис инвестициявий лойиҳага қилинган молиялаштириш линияларини ёки қарз кафолатчисини реципиент-мамлакат хатарларидан қоплайди. Агар кафолатланган қарз исломий бўлса, у ҳолда полис асосий қарзни ҳам, унинг устамасини ҳам қоплайди. Лекин, кафолатланган қарз анъанавий бўлса, полис фақат асосий қарзни қоплайди, шариат ман этган фоиз чиқариб ташланади.

ICIEC чет эллардаги инвестициялар учун нотижорий хатарларни суғурталайди. Хатарларнинг ушбу шакли товарларни экспорт қилиш билан боғлиқ эмас. 8.10-расмда чет эл инвестицияларини суғурта қилиш чизмаси берилган.

Чет эл инвестицияларини суғурта қилишнинг афзалликлари:

- чет эллик инвесторларни «ёпик бозор»ларга инвестиция қилишга ундайди;
- лойиҳаларга қўшимча капитални жалб этади;
- ҳомийларга намоиш этиш учун «balance sheet»ни оширади;
- чет эллик муассасанинг иштироки битимнинг барқарорлиги кафолати бўлиб хизмат қилади;

– буюртма тақдим этиш: молиялаштирувчи томон ёки инвестор олдиндан буюртма бериш орқали, ІСІЕС нинг сиёсий хатарлардан суғурта қилиш хизматига мурожаат этиши мумкин. Рўйхатдан ўтгач, тўлдирилган асосий буюртмани тақдим этиш лозим:

– суғурта қопламаси даври: стандарт 15 йил (кўпи билан 20 йил);

– қоплама миқдори: 95% гача;

– рўйхатга олиш учун тўлов инвестицияни суғурта қилиш полисининг асосий буюртмаси тақдим этилганда амалга оширилади;

– мукофот (устама) миқдори мамлакат рейтингига ва суғурталаш учун хатарлар сонига боғлиқ бўлади;

– мукофот (устама) олдиндан киритилади ва инвестицияларнинг суғурта миқдorigа нисбатан ҳисобланади. (Исломий молиялаштириш ҳолатида, устама молиялаштириладиган миқдор ва кредит фоизи ўртасидаги фарқ миқдorigа ҳисобланади.)

8.4. Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси.

Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси (International Islamic Trade Finance Corporation – ІТFC) 2008 йилнинг январидан фаолиятини бошлаган.

ІТFC мустақил, бозор таъсири остида ривожланаётган ІТБ гуруҳига кирувчи ташкилот ҳисобланади ва ІХТ аъзо-мамлакатлари орасида икки тарафлама савдога кўмаклашиш ҳамда олдинга суриш мақсадларини кўзлайди ва уларнинг экспорт имкониятларини ошириш мақсадида инвестицияларни рағбатлантиради. Ташкилот ІХТ мамлакатлари ўртасида икки тарафлама савдонинг ўсишини тезлаштириш учун зарур бўлган импульсни таъминлайди. Шундай қилиб, корпорация фаолиятини шартли равишда икки йўналишга ажратиш мумкин: савдони молиялаштириш ва ташқи савдони тараққий эттириш.

Ушбу йўналишлар корпорациянинг асос бўлувчи ҳужжати доирасида ўзининг амалий ифодасини топган («The Trade Cooperation and Promotion Programm»).

ITFC 3 млрд. доллар миқдориди ҳиссадорлик капиталига эга бўлиб, унинг 643,8 млн. доллари обуна учун очикдир. ITFC акцияларининг асосий улушига ИТБ эгалик қилади, шу билан бир вақтда акцияларнинг қолган қисми аъзо-мамлакатлар ва молиявий муассасаларга тегишлидир.

ITFC штаб-қароргоҳи Жидда (Саудия Арабистони) шаҳрида жойлашган. Корпорация янги бўлинмаларни очиш ҳисобига ўз фаолияти географиясини кенгайтиришни режалаштирмоқда.

Корпорациянинг миссияси – ИХТ аъзо-мамлакатлари ва бутун дунё мамлакатлари ўртасида савдони ривожлантириш учун катализатор сифатида хизмат қилишдир.

Корпорациянинг қарашлари – ITFC ИХТ аъзо-мамлакатлари эҳтиёжларини қондириш учун савдо ечимларининг етакчи етказиб берувчиси бўлишдир.

ИТБга кирган ИХТ барча аъзо-мамлакатлари ITFC савдони молиялаштириш хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, ITFC, корпорация Директорлар кенгаши томонидан тасдиқланган қоида ва шартларга мувофиқ, аъзо бўлмаган мамлакатларни ҳам ўзининг хизматларидан эҳтимолий фойдаланувчилар сифатида кўриб чиқиши мумкин. Ҳар қандай аъзо-мамлакат ҳукумати, давлат ташкилотлари, хусусий сектор муассасалари ҳамда банклар ва молиявий муассасалар ITFC савдони молиялаштириш амалиётларидан фойдаланишга буюртма бериши мумкин.

ITFC нинг савдони молиялаштириш амалиётлари товар ва хизматларга, шу жумладан, хом ашё, саноат миқёсидаги товарлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа шарият ман этмаган товарларга татбиқ этилади.

ITFC нинг савдони молиялаштириш амалиётлари қуйидаги ҳолатларда тақдим этилади:

- чегараолди савдоси воситасида товарлар импорти;
- ишлаб чиқарилган маҳаллий товарларни экспорт олди молиялаштириш;
- ишлаб чиқарилган маҳаллий товарлар етказиб беришни олдиндан молиялаштириш;
- товарларни улар аъзо-мамлакатларда ёки четда ички ишлаб чиқарилганидан қатъи назар, ички эҳтиёж учун сотиб олиш.

Молиялаштириш куйидаги шакллардан бирида амалга оширилиши мумкин: тўғридан-тўғри молиялаштириш, ҳамкорликда ёки синдикатлашган иштирок, молиялаштириш линиялари, икки даражали муробаҳа, товарли таркибий молиялаштириш.

ITFC савдони молиялаштириш амалиётлари бўйича таъминот сифатида давлат кафолатлари, банк кафолатлари, талабларга бўлган ҳуқуқларни ён бериш ёки омбор гувоҳномалари, корпоратив кафолатлар ҳамда ITFC га мақбул бўлган таъминотнинг бошқа шакллари қабул қилинади.

Савдони бевосита молиялаштиришдан ташқари корпорация – стратегик табиий ресурсларни қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш технологик асосларини яратишни диққат марказида тутлади.

ITFC аккредитивларни эмиссия қилиши ҳам мумкин, бу билан савдо занжиридан воситачи-банкларни чиқариб ташлайди. Корпорация ташқи савдо амалиётларини ўтказиш қийматини пасайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширади, бу унинг фаолияти стратегик мақсадларидан бири сифатида кўриб чиқилади.

8.3-жадвал

2012–2017 йилларда ITFC томонидан тасдиқланган лойиҳалар молиялаштириш суръати, млн. АҚШ доллариди

Молиялаштириш усули	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2008–2017 й.й.
Муробаҳа	4 466	5 049	5 054	6 084	4 445	4 900	40 256
Манба: ITFC							

8.3-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ITFC лойиҳаларини молиялаштиришнинг ягона усули сифатида муробаҳа битими иштирок этмоқда. Корпорация ташкил этилган вақтдан буён молиялаштирилган маблағлар умумий ҳажми 40,2 млрд. долларни ташкил этди.

Аъзо-мамлакатлар ўртасида иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида ITFC, эҳтимолий кредиторларни жалб

қилиш учун лозим даражада жозибали бўлмаган давлатларга савдо капиталини жамлашга кўмаклашиш вазифасини ўзига олади.

ITFC субрегионларнинг кам тараққий этган тармоқларига молиялаштириш маблағларини беради, шу орқали уларни умумий савдо айланмасига киритади. Шундай қилиб, корпорациянинг фаолияти турмуш даражасини оширишга кўмак беради ва ҳудуд иқтисодиётини такомиллаштиради.

8.5. Тадқиқотлар ва тренинглар ислом институти.

Тадқиқотлар ва тренинглар ислом институти (IRTI) ИТБ гуруҳига кирадиган ташкилот ҳисобланади ва аъзо-мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эришиш мақсадида, исломий молиявий хизматлар саноатининг ҳар томонлама ва барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва таъминлашга масъулдир. IRTI га 1981 йилда Жидда шаҳрида асос солинган.

«Қарашлар-1440» ва ИТБ гуруҳи трансформациясига мувофиқ, 2012 йилда IRTI бутун дунё бўйлаб исломий молиявий хизматлар саноатига янада салмоқли таъсирни таъминлаш учун янги стратегик режалаштиришни ишлаб чиқди.

IRTI нинг янги қарашлари «2020 йилгача молия ва исломий иқтисодиёт бўйича жаҳон билимлар маркази бўлиш» дея номланди.

Ўз мақсадларига эришиш учун IRTI исломий молиявий хизматлар саноатини ривожлантиришга хизмат қиладиган, яъни «исломий иқтисодиёт ва молия соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш, имкониятлар яратиш, илғор тадқиқотларни амалга ошириш ва рағбатлантиришни» ўз олдига вазифа қилиб олди.

Имконият яратиш: IRTI ИТБ аъзо-мамлакатларида малакали ходимларни тайёрлаш мақсадида инсон капиталини ривожлантириш ва имкониятларни ошириш бўйича вазифаларни бажариш билан шуғулланади, улар эса ислом нуқтаи назаридан иқтисодий ва молиявий қоидаларни қабул қилиш ва жорий этиш имкониятини беради.

Тадқиқотлар: IRTI инсон капиталини ҳар томонлама ва барқарор ривожлантириш, исломий молиявий хизматлар соҳа-сидаги банк иши ва молиялар, иқтисодиётда шариат меъёрла-рини татбиқ этиш учун усуллар ва андозаларни ишлаб чиқиш бўйича исломий-амалий ва мустаҳкам илмий тадқиқотларни амалга оширади ва мувофиқлаштиради, шу орқали исломий мо-лиянинг қашшоқликни пасайтириш ва молиявий барқарорликни таъминлашдаги ўрнини тушунишга кўмак беради.

Сиёсий музокара: IRTI аъзо-мамлакатлар билан пул-кредит сиёсатидан самарали фойдаланиш ҳамда маҳаллий, ҳудудий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда, исломий молиявий хизматлар саноати учун асосий манфаатдор томонлар билан муваффақиятли иттифоқ ва ҳамкорликни яратиш мақсадида, сиёсий музокаралар ўтказди ва уларга кўмак беради.

Ўқитиш: IRTI исломий банкинг ва молиялар, хусусий сектор, инсон ресурслари ва макроиқтисодий даражада бошқаришни ривожлантириш асосий мавзулари бўйича семинарлар ва семи-нар-тренинглар, конференциялар ташкил этади.

Маслаҳат хизматлари: шариат билан боғлиқ муаммоларни ва шариат меъёрларига жавоб берадиган молиявий маҳсулотларни яратишда кўмак бериш учун IRTI ИТБ гуруҳи ва бошқа манфа-атдор шахсларга маслаҳат хизматларини таклиф этади.

Мукофотлар: ИТБнинг исломий банк иши ва молия бўйича мукофоти, ушбу соҳаларда алоҳида хизматлар учун ижодий саъй-ҳаракатларни рағбатлантириш ва эътироф этиб, мукофот-лаш мақсадида берилади.

Журнал: IRTI исломий иқтисодиёт, банк иши ва молия маса-лалари бўйича тақризий журнал чоп эттиради.

IRTi исломий иқтисодиёт ва банк иши олимлари ва тадқиқотчилари, талабалар манфаати йўлида билимларни жам-лаш ва тарқатиш жараёнига бевосита таъсир кўрсатиш учун бир нечта дастур ва схемаларни амалга оширади.

Аспирантурани тугатиш учун энг яхши талабаларга сти-пендиялар:

Тадқиқотчилар учун илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш учун стипендия дастури, уларни исломий иқтисодиёт, банк иши

ва молияларни тарқатиш ва илгари суришда иштирок этишга рағбатлантириш мақсадларига мўлжалланган.

IRTI бутун дунё бўйлаб олий ўқув юртлари ва университетлардаги исломий иқтисодиёт ва молия соҳасида таълим ва ўқитиш дастурларини амалга оширади:

– маърузалар тўплами бўйича масофали ўқитишни амалга оширади, бунда ушбу дастурда иштирок этувчи университетлар талабалари IRTI олимлари маърузаларини тинглайдилар;

– исломий молия ва банк иши соҳасида (масофали ўқитиш) магистратура дастурларини ўтказди.

Назорат учун саволлар:

1. ИТБнинг фаолият мақсади ва вазифаси нималардан иборат?
2. Аъзо-мамлакатларнинг географик жойлашувини сўзлаб беринг.
3. ИТБ гуруҳига қандай ташкилотлар киради?
4. ИТБ фаолиятининг муҳим йўналишлари ва асосий молиявий инструментларини айтиб беринг.
5. ICD, ICIEC, ITFC, IRTI фаолиятларининг асосий мазмунини баён этинг.

8-бобда фойдаланилган адабиётлар:

1. <http://www.isdb.org/>
2. <http://www.icd-idb.com/>
3. <http://www.iciec.com/>
4. <http://www.itfc-idb.org/>
5. <http://www.irti.org/>
6. <http://www.istisna.kz/>

9 - б о б . АҚШда муқобил молиялар

9.1. Тармоқни тартибга солиш.

АҚШда банкларга оид меъёрий қоидалар бозорга йўналган андозага асосланади. Бу маълум бир шаклдаги молиявий маҳсулотларни илгари суриш тартибга солувчининг ваколати доирасидан ташқарида эканини англатади. Ўзининг асосига кўра, улар янги маҳсулот таклиф этишни истовчи банк концернларининг буюртмаси ва талабига ўз муносабатини билдиради.

Қайд этиш лозимки, АҚШдаги қонунлардан бирортаси исломий молия учун мослаштирилмаган, шунинг учун исломий молиявий хизматлар тақдим этувчи муассасалар учун тартибга солувчи ташкилотларга, ўз маҳсулотларининг бозорда мавжуд ва молиявий меъёрларга кўра рухсат этилган маҳсулотларнинг вазифаси бўйича эквивалент эканлигини исботлаш жуда мураккаб масала ҳисобланади. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш бўйича комиссия (Office of the Comptroller of the Currency, OCC) Қувайт Бирлашган банки (United Bank of Kuwait, UBK) томонидан тақлиф этилган ижара ва муробаҳа молиявий маҳсулотларини маъқуллаган, чунки банк ушбу маҳсулотлар вазифаси бўйича «кўчмас мулк таъминоти остида кредитлаш» маҳсулотининг эквиваленти ҳисобланишини исботлай олди. Улар маҳсулотларнинг жорий тартибга солувчи меъёрларга мувофиқ келишини амалда кўрсатганларидан кейин, тартибга солувчи ташкилотлар ҳар бир маҳсулотнинг хавфсизлиги ва асосланганлигини текшириб чиқди.

Қуйидагилар АҚШда молиявий хизматларни тартибга солувчи ташкилотлар ҳисобланади:

- Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш бўйича комиссия (Пул муомаласини назорат қилиш бошқармаси, OCC);
- Депозитларни суғурта қилиш федерал корпорацияси (FDIC);
- Федерал заҳира тизими (FRS);
- Штатнинг тартибга солувчи ташкилотлари.

Маълум бир молиявий ташкилотларни илгари суриш тартибга солувчининг мажбуриятлари доирасига кирмаса-да, аксарият тартибга солувчи ташкилотлар исломий молия ғояларини ўз ходимларига тушунтириш билан огоҳлантириш ҳаракатларини амалга оширадилар. Тақлиф этилаётган исломий маҳсулотларга нисбатан назорат ҳаракатларини тартибга солишга яхши тайёргарлик қилиб олиш мақсадида, улар мазкур ишларни амалга оширадилар.

Федерал заҳира тизими (FRS).

Ҳозирги вақтда Федерал заҳира тизими АҚШ ҳудудида исломий кредитлаш дастури билан ишловчи бирорта банкни тартиб-

га солмайди. Бундан ташқари, АҚШда асос солинган тўлақонли рухсатномага эга исломий банкнинг FRS томонидан бевосита тартибга солиниш эҳтимоли ҳам йўқ ҳисоби.

Мана шундай банк чет элда ташкил этилиб, мамлакат ич-карасида фаолият юритувчи – халқаро банк сифатида ишлаш имкониятини қидирган бўлар ва Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш бўйича бошқарма томонидан тартибга солинган бўлар эди. Лекин АҚШдаги халқаро ва маҳаллий банкинг ўртасидаги кўприк сифатида Федерал захира тизими, банк ва тартибга солувчи ташкилотлар билан исломий банк енгиб ўтиши мумкин бўлган тартибга солиш муаммоларини муҳокама қилишга ва уларнинг ечимларини топишга ҳаракат қилмоқда. Федерал захира тизимининг расмий вакиллари АҚШда исломий банкинг умумий хусусиятларини баён этувчи бир қанча мақола ва қўлланмаларни чоп этгирдилар. Расмий вакиллар доимо турли конференцияларда иштирок этмоқдалар ҳамда исломий молия бўйича АҚШ Молия вазирлиги таркибида тренингларни ўтказмоқдалар.

Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш бўйича комиссия (Пул муомаласини назорат қилиш бошқармаси, OCC).

1990 йилларнинг охирида ўзининг исломий уй-жойни молиялаштириш Ал-Манзил дастурини ишга туширган вақтда ушбу Комиссия Қувайт Бирлашган банки (United Bank of Kuwait, УВК)ни текширувдан ўтказди.

1999 йилда Қувайт Бирлашган банки ва Аҳли Бирлашган банки (Ahli United Bank)нинг қўшилиши амалга ошгач, қўшма банк АҚШ бозорини тарк этди ва Ал-Манзил дастури беркитилди. Ўша пайтдан бери Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш бўйича комиссия АҚШ ҳудудида исломий молиявий хизматларни таклиф этадиган бирон-бир банкни тартибга солмади.

Депозитларни суғурта қилиш федерал корпорацияси (Federal Deposit Insurance Corporation, FDIC).

АҚШ ҳудудида исломий молиявий маҳсулотларни таклиф этувчи – Девон Банк (Devon Bank) ва Юниверсити Банк

(University Bank) депозитларни суғурта қилиш федерал корпорацияси (ДСФК) томонидан суғурта қилинган ташкилотлар ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда фақат Университи Банк исломий депозитларни таклиф этмоқда. ДСФК омонатлар бўйича таянч ставка ёки фойда қандай бўлишини белгилаб бермайди, шунинг учун фойзага асосланмаган ҳолда фойда тўланадиган маҳсулот, омонатни суғурталашга нисбатан муаммоли ҳисобланмайди. Банк баланснинг актив томонида турадиган исломий молиявий маҳсулотга, унинг умумий барқарорлиги ва хавфсизлигига путур етмаслигига кафолат бериш ДСФКнинг масъуллиги доирасига киради.

Штатнинг тартибга солувчи ташкилотлари.

АҚШда шариат талабларига жавоб берадиган ипотека маҳсулотларини таклиф этувчи, штатда рухсатнома олган ушбу банкларнинг штат даражасида асосий тартибга солувчиси – бу улар жойлашган штатдаги Молиявий назорат бошқармасидир. Банк ва молиявий компаниялар янги штатда ўз маҳсулотларини таклиф этишга қарор қабул қилгач, ўша штатдаги меъёрий ҳужжатлар бўлимига молиявий хизматлар таклиф этишни кўзлаётганликлари ҳақида буюртма берадилар.

Шундай қилиб, штат рухсатномаси бўйича фаолият юритаётган банклар федерал назоратга тушадилар ва штатда ўрнатилган ҳар қандай қўшимча меъёрий қоидага риоя этишга мажбурдилар. Шу сабабли Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш бўйича комиссиянинг ижара ва муробаҳа маҳсулотлари бўйича хулосаси ўзига хос намунани амалга оширди ҳамда банклар ва молиявий компанияларга ушбу маҳсулотларни бир нечта штатларда таклиф этиш имконини берди.

Юқорида эсга олинган тартибга солувчи ташкилотлар вакиллари орасида ўтказилган сўровлар натижалари шундан далолат берадики, банклар исломий банк маҳсулотлари тақдим этишга рухсатнома олиши учун тартибга солувчилар улар билан ишлашга тайёр эканлар. Бу тартибга солувчиларнинг банк

фаолиятини кенгайтириш ва бирон-бир сабаблар билан уй-жой олиш имкони мавжуд бўлмаган жамоа аъзоларига шароит яратиш истаги билан қисман боғлиқдир. Майкл Сильва (Федерал захира тизими, Нью-Йорк) диний эътиқодга асосланган хизматларни кўрсатишда дунёвий тизим ҳуқуқининг ўрнини шундай изоҳлайди: «Дунёвий қонунлар диний эътиқоди ила ажралиб турувчилар билан бирлашиши учун уларга мослашиши шартлиги АҚШ Конституциясида кўрсатилган диний эркинликлар тамойилининг натижаси ҳисобланади. Давлат хизматчилари сифатида биз исломий банкинг амалиёти билан пухта танишиб чиқиш ваколатига эгамиз, бу эса бизнинг дунёвий қонунларимиз имонли мусулмонларнинг диний амалиётини оғирлаштирмаслигига ишонч ҳосил қилишга олиб келади».

Исломий банкингга давлатнинг муносабатини ифода этувчи назорат қилувчи ташкилотлар фаолиятдан ташқари АҚШда ҳукумат томонидан кўллаб туриладиган ипотека агентликлари ҳам фаолият кўрсатади. Шариат меъёрларига мувофиқ келадиган ипотека битимларининг асосий инвесторлари сифатида АҚШда Фредди Мак (Freddie Mac) ҳамда Фанни Мей (Fannie Mae – федерал миллий ипотека уюшмаси) агентликлари иштирок этади.

Таклиф этилаётган аксарият исломий молиявий маҳсулотлар ипотека кредитлари бўлгани боис, бу Фредди Мак ва Фанни Мейни ушбу тармоқнинг асосий инвесторлари қилиб қўяди. Шундай қилиб, ипотека битимлари бўйича бюрократик қоидалар ва батафсил ҳисобот ҳужжатлари банк меъёрларига нисбатан кучлироқ таъсирга эга бўлиши мумкин. Ушбу молиявий муассасалар ўзларининг ипотека маҳсулотларини сотиб олиши учун исломий ипотека берувчилар мана шу агентликларнинг ҳисоботга бўлган талабига риоя қилиши шарт. Инвесторлар таклиф этадиган битимлар стандарт шаклга ва касод (тўловларни амалга ошириш рад этилган) ҳолатида, инвесторга мулкни талаб қилиш ҳуқуқини берадиган, ишончли шахс номига берилган стандарт кўчмас мулкка эгалик ҳақидаги оддий шартнома мазмунига эга бўлиши шарт (яъни касод ҳолатида инвестор унинг номидан иш кўра олиши лозим – Б. Ж.).

Аксарият провайдерлар (исломий ипотека берувчи молиявий муассасалар) шариат меъёрларига риоя қилиш мақсадида, исломий ипотека хусусиятларини ўзида баён этадиган битимлар тўпламига эга бўладилар, кейин эса давлат инвесторлари учун зарур бўлган стандарт қоғозлар тўплами тўлдирилади. Ҳуқуқий меъёрларнинг кўчмас мулк ҳақидаги стандарт пунктлари ҳақиқатда ҳам фоиз сингари таркибланган ахборотларни баён этиш бўйича айрим талабларга эга бўлади. Провайдерлар йиллик фоиз ставкалари тўғрисида ҳисобот берадилар, улар бунда «тахмин қилинаётган фоиз ставкалари»дан исломий ҳисобларга қўйиладиган ижара ва хизмат кўрсатиш тўловларини ҳисоблаб чиқарадилар. Кўчмас мулкни сотиб олиш стандарт битимларида ҳам харидор томонидан амалга оширилган дастлабки бадал, битим амалга ошаётган вақтда шартли депонентлаш ҳисоб варақларида сақланиб туради ва харидор мазкур ҳисоб варақдан тўланадиган фоизларни олиб туради. Аксарият исломий провайдерлар ўз мижозларига фоизлар бўйича олинган даромадларни хайрияга беришни тавсия қиладилар. Бундай ҳолларда провайдерлар ўз инвесторларига кўчмас мулкка эгаллик ҳуқуқи тўғрисидаги стандарт шартномаларни берадилар, шу билан бир вақтда уларнинг истеъмолчилар билан имзоланадиган келишувлари шариат меъёрларига мувофиқлаштирилади.

Фредди Мак агентлиги исломий маҳсулотларга сармоя кiritишни 1 млн. доллардан бошлаган, у 2001 йилда ЛАРИБА Америка молия уйи (American Finance House LARIBA) ипотекасига йўналтирилган эди. Ўша вақтдан бери унинг исломий ипотека портфели йилига «бир неча юз миллион доллар»га ошиб борди. Фанни Мэйнинг исломий молиявий битимларга дастлабки сармояси 2003 йилда 10 млн. АҚШ долларини ташкил этди, лекин агентлик ўшандан бери қанча ишлаб топганини ошкор қилмайди. Лекин Фанни Мэй ҳам худди Фредди Мак каби 2007–2009 йиллардаги уй-жой бозоридаги инқироз даврида ҳам исломий ипотека битимларини сотиб олишда давом этди.

9.2. Ипотекага оид молиялаштириш бозори.

Банклар молиявий етказиб берувчилар сифатида (банк маҳсулоти етказиб берувчилари).

Ҳозирги вақтда иккита банк исломий молиялаштириш маҳсулотларини таклиф этади: Чикаго шаҳрида (Иллинойс штати)ги Девон Банк (Devon Bank) ва Анн-Арбор (Мичиган штати)даги Университи Банк (University Bank). Ҳар иккала банк нафақат ўз штатларида, балки бошқа бир нечта штатларда исломий молиявий маҳсулотларни тақдим этиш рухсатномасига эга.

Девон Банк (Devon Bank) – Чикаго, Иллинойс.

Девон Банк – бу 1945 йилда очилган маҳаллий банкдир. Банк анъанавий молиявий хизматларни ҳамда турли конфессиядаги фуқаролар эҳтиёжини қондирадиган молиявий маҳсулотларни тақдим этади. Хусусан, Девон Банк исломий молиявий маҳсулотларни ишлаб чиққан. Бундан ташқари, Яҳудий талабалар федерацияси учун махсус кредитлаш маҳсулотини таклиф этади.

Девон Банк Чикагонинг шимолий тарафида жойлашган. Ушбу ҳудуд бутун шаҳарнинг энг ранг-баранг қисми ҳисобланади, мусулмон жамоа сони ошиб бораётгани боис, фойсиз молиявий маҳсулотлар олишга қизиққан мижозлар сони ҳам ортиб бормоқда. 1990 йилларнинг охирида шариат меъёрларига мувофиқ келувчи уй-жой қурилишини молиялаштириш учун ишлаб чиқилган молиявий маҳсулотларни тақдим этиш билан Қувайт Бирлашган банки шуғулланган. Ушбу банк 1999 йили АҚШ ҳудудида ўз фаолиятини тугатгач, мижозлар Девон Банк шариат меъёрларига мувофиқ келувчи молиявий маҳсулотларни тақдим эта олиши билан яна қизиқа бошладилар. Ушбу саволга жавоб излаган банк мазкур маҳсулотни ишлаб чиқишга киришди. Чикаго Бош муфтийси Муҳаммад Навал ур-Рамаҳа Америка Шариат кузатув кенгашининг рухсатини олгач, банк 2003 йилда исломий молиявий маҳсулотларни таклиф эта бошлади.

Девон Банк муробаҳа ва ижара уй-жойни молиялаштириш маблағларини таклиф этади. Бу нафақат уй-жой муробаҳасининг аксарият штатларда маъқулланган маҳсулот эканлиги, балки

ушбу маҳсулот Фредди Мак агентлиги томонидан ҳам қўллаб-қувватланиши билан боғлиқ.

Уй-жой активлари аксарият битимларда устунликка эга бўлишига қарамай, Девон Банк Иллинойсда шариатга мувофиқ келувчи тижорат молиявий маҳсулотларини ҳам таклиф этади. Одатда, бундай битимлар уй-жой бўйича тузилган битимлардан анча қўламли бўлади. Девон Банк имкон қадар кўпроқ штатларда ўз маҳсулотларини лицензиялашга ҳаракат қилмоқда. Ҳозирги вақтда Девон Банк фақат 25 та штатда фаолият юритаётган бўлса-да, ўзининг маҳсулотларини 37 та штатда тақдим этиш ҳуқуқига эга. Энг кўп сонли битимлар Иллинойсда амалга оширилади. Ўзининг табиатига кўра Девон Банк маҳаллий банк бўлгани боис, унинг бутун фаолияти ўзига яқин жойлашган муслмон ҳамжамияти талабларини қондиришга йўналтирилган. Девон Банк штат банки бўлганлиги ва Иллинойс штати банк фаолияти устидан назорат Департаменти томонидан тартибга солингани боис, штатдан ташқарида тузиладиган сезиларли миқдордаги битимлар асосий тартибга солувчи билан муносабатларда мураккабликларга олиб келиши мумкин. Шуниси қизиқки, Девон Банк уй-жой ипотекасидан келадиган даромадларининг катта қисми исломий ипотекага тўғри келади.

Банк раиси Д. Лоудлининг сўзларига кўра, умуман олганда, тартибга солувчилар исломий молиявий маҳсулотларни маъқуллашга берилган буюртмаларга нисбатан ижобий фикрда экан: «Тартибга солувчи ташкилотлар банк хизматларидан фойдаланмайдиган фуқароларнинг банкка мурожаатини яхши кўрадилар». Девон Банкнинг бош тартибга солувчиси Иллинойс штати банк фаолияти устидан назорат бўйича Департаменти ҳисобланади. Банк, шунингдек, Депозитларни суғурталаш федерал корпорацияси томонидан суғурта қилинган.

«Юниверсити» (University Bank) исломий молия корпорацияси – Анн-Арбор, Мичиган.

Анн-Арбор, Мичиганда жойлашган Юниверсити Банк шариат меъёрларига мувофиқ келувчи уй-жойни молиялаштириш маблағларини ўзининг шўъба корхонаси бўлмиш «Юнивер-

сити» исломий молия корпорацияси орқали таклиф этади. Худди Девон Банк сингари мазкур ташкилот штат маъмуриятининг рухсатномаси асосида фаолият юритади ва депозитларни суғурталаш федерал корпорацияси томонидан суғурталанган. У University Insurance and Investment Services шўба корхонаси орқали ўзаро тақдим этиладиган жамғармаларни ҳам таклиф этади. Университи Банкнинг Бош компанияси шариат меъёрларига мувофиқ ишлаб чиқилган фойдада иштирок этиш музоараба депозит ҳисоб варақларини ҳамда пул бозорлари депозит ҳисоб варақларини, депозит сертификатларини, масжидлар ва бошқа шаклдаги мусулмон ташкилотлар учун муассасавий жорий ҳисоб варақларни таклиф этади.

Университи молиявий корпорацияси томонидан таклиф этиладиган шариат қоидаларига мувофиқ келувчи молиявий маҳсулотлар мустақил консалтинг компания – SHAPE молиявий корпорацияси томонидан ишлаб чиқилган. Ҳозирги вақтда мазкур компаниянинг штаб-қароргоҳи Кувайтда жойлашган ва ўз вақтида Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш бўйича комиссиядан рухсатнома олган Кувайт Бирлашган банки Ал-Манзил дастурининг етакчиси Абдулқодир Томас бошқаруви остидадир.

Университи исломий молия корпорацияси мусулмон аҳоли улуши етарли даражада юқори бўлган 11 та штатда шариат меъёрларига мувофиқ ишлаб чиқилган уй-жой молиявий маҳсулотларини таклиф этади. Компаниянинг «бўлиб тўлашга сотиш» деб аталадиган муробаҳа маҳсулотидан, дастлабки энг қуйи 5% ли бадал билан фойдаланиш мумкин ва у 417 минг АҚШ доллари миқдоридаги ўта йирик гаров қиймати билан мулкларни молиялаштиради. Ижара ёки «сотиб олинadиган мулк ижараси» маҳсулоти 20 % миқдорида дастлабки бадал киритишни талаб қилади ва 1,3 млн. АҚШ долларига қадар мулкларни сотиб олиш учун ишлатилиши мумкин. Ушбу келишувда, мижоз мулкнинг қолган қисмини тўлаб буткул сотиб олгунига қадар, мулк эгалиги мустақил траст компания номида бўлиб туради.

Молиявий компаниялар – молиявий маҳсулотлар етказиб берувчилар.

Ҳеч бир компания ўзининг молиявий портфели тўла ҳажми ҳақида маълумотлар тақдим этмаган бир вақтда, Фредди Мак агентлигининг маълумотлари шундан далолат берадики, исломий ипотеканинг аксарияти Гайдэнс (Guidance) ҳисобига тўғри келади, шу билан бирга Фанни Мэй ўз муносабатларида ЛАРИБА (LARIBA)га устуворлик беради. Бу исломий молиявий кенгликда асосий молиявий маҳсулот етказиб берувчилар (хизмат кўрсатувчилар) фаолият кўрсатаётган молиявий компаниялар ҳисобланишидан далолат беради. Ушбу компаниялар бозорда ишлаётган ҳар қандай банкдан кўпроқ муддат фаолият кўрсатиб келмоқда (LARIBA – 1987 йилдан, Gaidanse – 2001 йилдан бери).

Америка молия уйи – LARIBA.

1987 йилда LARIBA муробаҳа воситасидан фойдаланган ҳолда дастлабки ипотека маҳсулотини таклиф этди. Кейинчалик LARIBA уй-жойни молиялаштириш бўйича ижара маҳсулотини йўлга қўйди. Компания мусулмон жамоасининг хусусий инвестиция капиталидан фойдаланишни бошлади. 2001 йилда LARIBA ўзининг мавжуд 1 млн. долларлик келишувларини Фредди Макка битим ила сотиш орқали, исломий ипотекадаги активларини секьюритизация¹ қилган дастлабки компания бўлди.

Бугунги кунда LARIBA уй-жой бинолари, автомобиль сотиб олиш ва улушни молиялаштириш учун ижара (кейинчалик сотиб олиш шарти билан) маҳсулотларини таклиф этади. У, шунингдек, бизнесни молиялаштириш учун мушорақа (қўшма корхона) воситасини ҳам таклиф этади. LARIBA Калифорния штатида рўйхатга олинган Уиттиер Банк маҳаллий банки билан ҳамкорлик қилади. LARIBA нинг асосчиси Яҳё Абдул Раҳмон «LARIBA банки» асарида бутун дунёдаги исломий банк тизими ҳақидаги қарашларини баён этиб берган. Ушбу асарда, шу-

¹ *Секьюритизация* (инглизча securities – «қимматли қоғозлар») – барқарор пул оқимларини юзага келтирувчи активлар (масалан, ипотека кредитлари портфели, автокредитлар, лизинг активлари, тижорий кўчмас мулк) орқали таъминланган қимматли қоғозларни чиқариш йўли билан молиялаштиришни жалб қилиш шакллари билан бирини англатувчи молиявий атама.

нингдек, фоизли кредитлашга асосланган банкингнинг ғарбий тизими талқинидаги исломий банкинг ва АҚШнинг тартибга солувчи тизими ҳам тавсифлаб берилган. Ушбу китоб исломий молия ғояларини ҳаракатга келтирувчи кучларнинг тимсоли ҳисобланади, улар мазкур тармоқни фойда орттиришнинг эмас, балки иқтисодий тартибга солишнинг воситаси сифатида кўрадилар: «LARIBA муваффақият қозонган тақдирда тизим Америка ва бутун дунёдаги мусулмон ва номусулмонларнинг, барча инсонларнинг бахти ва саодати учун муҳим ҳисса қўшган бўлади. Бунинг натижасида ўз муносабатларини уйғунлик билан ташкил этган, ўз тутумида барқарор ҳалоллик ва ахлоққа ҳамда маҳсулдорликка эришган жипслашган ҳамжамият шаклланади, чунки барча ишлар тўғри бажарилган эди».

LARIBA томонидан ишлаб чиқилган ижара молиявий маҳсулоти АҚШ исломий молиявий бозоридаги бошқа ҳеч қандай маҳсулотга ўхшамайди, чунки у фоиз ставкасига эмас, бозор рентасига боғлаб қўйилган. Мижоз сотиб олишни истаган уйни танлаганидан кейин, харидор ва банк яқин атрофдаги уйларнинг ижара тўловлари ставкалари бўйича баҳолашни амалга оширади. Ушбу маълумотга таянган ҳолда, компания уйнинг асосий тўловига қўшимча сифатида ҳар ойда мижоз тўлаши лозим бўлган ижара тўловини ўрнатади. Бу ягона усул ҳисобланган жуда қизиқарли андоза бўлиб, унда фоиз эмас, балки активнинг воқеликдаги бозор қиймати индексация¹ қилинади.

9.1-жадвал

LARIBA молия уйи томонидан ижара дастури бўйича молиялаштириш шартлари

Таърифи	Тавсифи
Ташкилий-ҳуқуқий шакли	Бош офиси Пасадена (Калифорния)да жойлашган мустақил компания. Компанияга 1987 йилда асос солинган ва Калифорния штатида молиявий кредит ташкилоти сифатида руҳсатнома олган. Компания кичик бизнес, уй-жой ва автомобиль сотиб олиш учун лойиҳаларни молиялаштиради.

¹ *Индексация* – махсус коэффициентлар ёрдамида ўрнатилган даромадларни инфляция шароитида тартибга солиш.

Молиялаштириш манбалари	Улушга эгалик ёки инвестициялаш ҳуқуқини тақсимлаш шартлари билан молиялаштириш маблағларини берадиган компания фойдасида иштирок этишни истовчи, америкалик муслмонлар ҳамжамияти инвесторлари ва хусусий хиссадорлар.
Молиялаштириш усули	Капиталдаги улушнинг камайиб боришини сотиб олиш ҳуқуқи орқали ижара амалиёти (ижара вал иктино).
Оммабоплиги / Кутиш даври	Компания 12 та штатда фаолият кўрсатиш рухсатномасига эга: Аризона, Калифорния, Колорадо, Жоржия, Иллинойс, Мэриленд, Массачусетс, Мичиган, Миннесота, Нью-Жерси, Техас, Виржиния.
Эгалик ҳуқуқи	Кўчмас мулк уй-жой сотиб олувчи харидорнинг номига, компаниянинг гаров (яъни компания номига гаровга қўйиш) ҳуқуқи билан расмийлаштирилади.
Ойлик тўловлар	Тўловлар икки таркибдан: ижара тўлови ва бўлиб тўлашга сотиб олиш (яъни қарзни сўндириш) бўйича навбатдаги тўловдан иборат бўлади. Кўчмас мулк эгаси солиқ ва суғурталаш учун пулни мустақил тарзда тўлайди.
Тўловларни ҳисоблаш	Ижара тўлови – уй-жойни сотиб олувчи ва компания томонидан, кўчмас мулк жойлашган тумандаги кўчмас мулкнинг баҳосини ўрганиш асосида аниқланган, кўчмас мулк ҳақиқий баҳоси вазифасини ўзида акс эттиради. Ижара тўлови харидор билан битим аввалида ҳар бир алоҳида ҳолат учун келишиб олинади. Уй-жой сотиб олувчи, яъни харидор компаниянинг улушдаги иштирокига асосланган ижаранинг ҳақиқий баҳосидан фоиз тўлаб боради. Ушбу таркибий қисм «капиталга қайтиш» (RONC – Return on capital) сифатида ифодаланади. «Бўлиб тўлашга сотиб олиш учун навбатдаги тўлов» таркибий қисми (яъни қарзни сўндириш) эса молиялаштириш даври давомида компания тарафидан тўлаб берилган, фоиз мукофотига эга бўлмаган ёки кўшимча кўпаймайдиган миқдорни сотиб олиш учун лозим бўлган тўловни ўзида ифодалайди. Ушбу таркибий қисм «капитални қайтариш» (ROFC – Return of capital) сифатида белгиланади.

	<p>Аслида молиялаштиришнинг бутун даврига ойлик тўловлар ўрнатиб қўйилган (белгиланган) бўлса-да, компаниянинг капиталдаги улуши камайгани сари, ҳар ойлик ижара тўловлари ҳам камайиб боради.</p>
Молиялаштириш муддатлари	<p>Молиялаштириш маблағлари 15 йил муддатгача берилиши мумкин. Компания томонидан 7 йилдан 10 йилгача бўлган муддат тавсия қилинади.</p>
Дастлабки бадал	<p>Маблағга боғлиқ равишда лойиҳа қийматининг 20–40 % атрофида.</p>
Кўчмас мулкни сотиш	<p>Уй-жойни харид қилувчи қарздорликни олдиндан сўндириш ва қолган улуш (молиялаштирилган миқдор қолдиғи)ни сотиб олиш билан кўчмас мулкни сотиши мумкин. Олдиндан қисман тўлов (харид) ҳам ҳар қандай вақтда амалга оширилиши мумкин. Олдиндан амалга оширилган қисман тўлов график бўйича сўндирилаётган қарз миқдорининг олдиндан қайтарилаётган қисми сифатида кўриб чиқилади (аввалдан тўланган миқдорнинг график бўйича тўланиши лозим бўлган миқдордан ортган қисми, сўндирилиши лозим бўлган асосий миқдорнинг охириги қисми ҳисобига йўналтирилади) ва ижара тўлови шунга мутаносиб камаяди.</p> <p>Аввалдан тўлов учун йиғим қолдикнинг 2% атрофидаги миқдорни ташкил этади ва мазкур жараён билан боғлиқ даврий харажатларнинг амалдаги миқдори асосида ҳисоб-китоб қилинади.</p>
Молиялаштириш маблағларини олиш билан боғлиқ комиссиялар	<p>Молиялаштириш билан боғлиқ дастлабки харажатлар кредит ҳисоботи, ҳужжатларни расмийлаштириш, ташкилий харажатларни молиялаштириш ҳамда шартли депозит қўйиш, эгалик ҳуқуқи, адвокатлар ва ҳ.к. сингари анъанавий харажатлардан иборат бўлади ва уй-жойни харид қилувчи томонидан қопланади.</p>
Эксплуатация харажатлари	<p>Уй-жойни харид қилувчи суғурталаш, солиқлар ва бошқа харажатларни тўлаб беради. Компания кўчмас мулкка қилинган капитали миқдорида, кўчмас мулкни харидор танлаган ҳар қандай обрўли суғурта компания тарафидан суғурталашни талаб қилади.</p>

Солиқдан чегирмалар	Компания тўловларнинг ижара қисмини камай-тириш мақсадида, битим аввалида ҳисоб-китоб қилинувчи IRS 1098 шаклидаги ҳужжат намунаси-ни чиқаради ва у қарз мажбурияти бўйича тахмин қилинаётган фоиз ставкасига айланади.
Фойда / зарарларни тақсимлаш	Молиялаштириш муддати тугагунига қадар кўчмас мулк сотилган тақдирда, олинган ҳар қандай фойда ва зарар уй-жой эгасининг ҳисобига олиб борилади.
Жараён	Уй-жойни харид қилувчи ўз буюртмасини Интернет, факс орқали ёки бевосита компаниянинг ўзи билан боғланиб амалга ошириши мумкин.

Анъанавий кредитлаш ва исломий молиялаштиришда ишлатиладиган ёндашувлар ўртасидаги асосий таққослама.

Анъанавий молиялаштиришда ишлатиладиган ёндашувни исломий молиялаштириш билан таққослаш учун қуйидаги мисолни кўриб чиқамиз.

Оддий оила 30000 АҚШ доллари қийматидаги автомобилни сотиб олмақчи. Уларда ҳозир харид қиймагининг фақат 6000 доллари бор. Улар банкка автомобиль сотиб олишда кўмак беришни сўраб мурожаат қилдилар.

Анъанавий банк:

- буюртма шаклини баҳолайди;
- оиланинг яхшигина даромад олишини ҳамда молиявий ҳолати қониқарли аҳволдалигини хулоса қилади. Банкир, шунингдек, оиланинг пул оқимлари бундан-да қимматроқ машинага тўлов қилиши учун ҳам ёрдам беришини ёки дастлабки бадал сифатида 6000 долларни киритмасдан ҳам кредит олиши мумкинлигини аниқлайди;

– оила учун маълум бир даврга маълум бир фоиз ставкаси бўйича кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилади;

– банкир томонидан аниқланган сўндириш даври янада узайтирилиши мумкин, бу орқали банкир оила ихтиёрида қоладиган пул маблағларини кўпайтиришга кўмак беришни хоҳлайди. Аслида бу оила кредит қобилятининг юқорилиги туфайли, банкиргга ундан катта фоизли даромад олишга имкон беради, чунки кредитни сўндириш (қайтариш) даври узайтирилган бўлади;

– амалда банкир оилани катта ва яхши жиҳозланган автомашина сотиб олишга ишонтира олиши мумкин. Катта миқдордаги қарз ойлик тўловга келгусида унчалик катта бўлмаган қўшимча қўшилиши билан боғлиқ бўлади ва банкир энди кредитлаш муддатини узайтириш ҳақида қайғуради.

Исломий банк:

– буюртма шаклини баҳолайди;

– оила яхши даромад олиши ҳамда қониқарли молиявий аҳволга ва яхши солиқ декларациясига эга эканлигини хулоса қилади. Банкир, шунингдек, оиланинг пул оқимлари сотиб олинган машина учун ойлик тўловларни тўлашга етарли эканини аниқлайди;

– Hertz сингари ихтисослашган автомобиль агентликларига ҳамда автомобилдан фойдаланишнинг ижара ставкаси (лизинг) билан ўлчанадиган қийматини аниқлаш учун, Toyota, Ford ва GM каби автомобиль ишлаб чиқарувчиларнинг лизинг агентликларига кўнғироқ қилади;

– ислом фикҳи меъёрлари ва қоидалари талабига мувофиқ оила билан битим тузади. Ушбу битимда:

а) оила автомобилнинг 6000/30000 ёки 20% ига, банк эса (вақтинчалик) 80% ига эгалик қилиши қайд этилади. Худди шу шартномада оила банкнинг автомобилдаги ана шу $(\$30000 - \$6000) = \$24000$ улушини сотиб олишга рози бўлади. Шундай қилиб, банк қоидалари ва меъёрларига кўра, банк активнинг эгаси ҳисобланмайди. Ўзининг пул оқимларига асосланган оила фоизлардан холи бўлган банк улуши учун уч йил давомида йилига \$8000 тўлаб туришга рози бўлади. Бу капитални қайтариш сифатида ифодаланади (Return of capital, ROFC);

б) оила ва банкир бир-биридан мустақил тарзда, автомобиль учун адолатли ижара ставкани аниқлаш мақсадида бозорни таҳлил қилади. Улар адолатли лизинг тўловлари ҳақида келишиб оладилар ва шунга рози бўладилар. Кейин улар оила (бошида 20% ва кейинчалик 3 йил ичида ўсиб бориш тартибида 100% гача) ва банк (дастлаб 80% ва кейинчалик 3 йил ичида пасайиб бориш тартибида 0%) ўртасида лизинг тўловларни тақсимлаш тўғрисида келишиб оладилар. Бу банк учун капиталга қайтиш

(Return on capital, RONC) сифатида тушунилади. LARIBA томонидан ишлаб чиқилган компьютер дастури механик тарафдан оддий сўндириш графигидан у қадар фарқ қилмайди. Уларнинг асосий фарқи шундаки, LARIBA дастурида бозор аниқлайдиган ижара ставкаси ўзгарувчан ҳисобланади, шу билан бир вақтда сўндириш графигида фоиз ставкаси ўлчов (параметр) сифатида ишлатилади;

в) оила ва исломий банк мамлакат қонунчилигига мувофиқ келиш учун қарздорликнинг (пулларнинг вақтинчалик қийматисиз) сўндириш графигини ҳамда ойлик тўлов умумий миқдоридаги ижара тўлови камайишини ҳужжатлаштириш мақсадида қарз мажбуриятини имзолайдилар. Мамлакат қонунчилигига мувофиқ келиш учун исломий банк фоиз ставкасини «ифодаловчи» анъанавий сўндириш графигига, капитални қайтариш миқдори ва ижара тўлови миқдорини акс эттирувчи ойлик тўловни «жойлайди» (яъни мослаштиради). Ушбу ставка мижозларга «Кредитлашдаги ҳаққонийлик» қонунига риоя этиш мақсадларида маълум қилинади.

Исломий банкинг амалиётида банкир оилани автомобиль учун тўловларни имкони борича тезроқ тўлашга чақиради, бунинг оқибатида оиланинг пул оқимларига таъсир кўрсатувчи қарз босимини пасайтиришга ва кўпроқ пулларни бўшатишга эришилади.

Гайдэнс Резиденциал (Guidance Residential), Гайдэнс Файнэнциал (Guidance Financial).

Гайдэнс Резиденциал (Guidance Residential) шариат меъёрларига мувофиқ уй-жойни молиялаштиришга йўналтирилган фаолият кўрсатувчи Гайдэнс Файнэнциал (Guidance Financial) нинг шўъба корхонаси ҳисобланади. Унга 2002 йилда асос солинган. Бош маслаҳатчи Том Гейнорнинг изоҳлашича, гуруҳга асос солинган ўша вақтларда ечим топилиши лозим бўлган асосий муаммолардан бири компанияни банк ёки ипотека компания сифатида ташкил этиш ҳисобланган. Банклар таклиф этадиган мушорака ёки «қолдиғи камайиб бориш усули бўйича бирга-

ликда бизнесга эгалик қилиш»дан фарқли равишда, уй-жойни молиялаштириш соҳасида молиявий хизматларни кўрсатувчи компания сифатида фаолиятни ташкиллаштириш Гайдэнсга маҳсулотларнинг турли шакллари яратишга кўмак берди. Ҳар икки соҳада шарият қоидалари асосида фаолият юритувчи компания, нима учун ижара ва муробаҳага нисбатан мушоракага афзаллик бериши сабаблари ҳақида Гейнор сўзлаб берди. Гейнорнинг сўзларига кўра, Гайдэнснинг мушорака усули «қарз муносабатларини қайта таснифлаш»га мўлжалланган.

2001 йилдан бошлаб Гайдэнс ўз фаолиятини такомиллаштиришда давом этди, чунки унинг портфели ошиб бормокда эди. Компания ўзининг мушорака маҳсулотини таклиф этган дастлабки вақтда, у фақат учта штатдагина мавжуд эди. Аввалда ушбу маҳсулот 20% ли олдиндан тўловни талаб қилган эди, чунки мижоз улушининг бундан паст бўлиши ипотека қарздорлигини суғурта қилишни тақозо этган. Гайдэнс исломий ипотекани суғурта қилиш орқали мазкур тўсиқни бартараф этди, бунда ипотека кредиторлари суғуртани 5% лик дастлабки бадал сифатида қабул қила олар эдилар, бу эса, ўз навбатида, мазкур маҳсулотдан кўп сонли мижозлар фойдалана олишига имкон яратди. Ликвидлиликни таъминлаш ва қарз бериш учун Гайдэнс Резиденшиал аввалда асосий ресурсларни ўзининг бош офиси Гайдэнс Файненшиал Группдан олиб турди ва балансида сақлаб турди, кейинчалик Фредди Мак унинг ипотека битимларини секьюритизация қилди. Гайдэнс Резиденшиалнинг фаолият ҳажмлари ошиб боргани сари фирма эндиликда, ўзининг ликвидлилик базасини ошириш учун сақлаш билан боғлиқ хизматлар кўрсатишнинг исломий молиялаштириш воситасини амалга киритди.

Гайдэнснинг штаб-қароргоҳи Шимолий Виргинияда жойлашган бўлса-да, компания ўз маҳсулотларини 24 та штатда таклиф этади. Ҳар бир янги штатда фаолият кўрсатиш учун рухсатнома олиш тартибга солувчи томонидан мажбуран белгилаб қўйилгани боис, штат тартибга солувчи органига буюртма беришдан аввал, компаниянинг янги бозорлар танлови билан ишлашидаги асосий йўналиш маҳсулотга бўлган эҳтимолий талабнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Компанияда савдо вакилларининг ҳам нуқтаи назари мавжуд бўлиб, улар турли ҳудудлар географиясини шакллантирадилар. Вакиллар ипотека олишни истовчилар билан учрашишлари мумкин, лекин уларнинг асосий вазифаларидан бири – тармоқларда, масжидлар ва маданий марказлар томонидан уюштирилаётган турли дастурлар, маданий ва жамоатчилик тадбирларида муслмонлар билан мулоқотлар; компания маҳсулотларига бўлган муносабатга аниқлик киритиш мақсадида кенг омма ўртасида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва бошқалар ҳисобланади. Шариат қоидаларига мувофиқ келувчи маҳсулотларга қизиқиш боис, мустақил ипотека брокерлари томонидан компания билан муносабат ўрнатишга уринишлар мавжуд бўлса-да, Гайдэнс фақат ўз савдо вакиллари орқали ишлаш имкониятини танлади.

Фредди Макнинг вакили Брэд Жерман, Гайдэнснинг «хариддан аввалги маслаҳат» усулини мазкур ипотека муваффақиятига жиддий ҳисса бўлди деб ҳисоблайди. Хариддан аввалги мижозга берилган маслаҳат жараёнини Том Гейнор, компаниянинг ўз дастурини таърифлаш мақсадида ишлатаётган йўналишлардан бири сифатида баҳолайди, чунки мазкур маҳсулот анъанавий уй-жой ипотекаси келишувидан фарқ қилади.

Гайдэнс ҳозирги пайтда ўзининг исломий ипотека битимларини Фредди Макка сотаётган бўлса ҳам, компания ўзининг бош корхонаси бўлиши Файнэнс Груп компанияси билан биргаликда буткул исломий қимматли қоғозлар воситаси ишлаб чиқаришни ва мазкур йўналишда муваффақиятли фаолият кўрсатишни кўзламоқда. Гайдэнснинг маркетинг борасидаги қадамлари асосан муслмонларга йўналган, лекин Гейнорнинг фикрича, Гайдэнснинг маҳсулотларидан фойдаланишни истаган номусулмон мижозлар сони ҳам ортиб борапти. Хусусан, охириги икки йилда ипотека кредитлаш бозорида рўй бераётган ларзалардан кейин уй-жой ипотекасига ишончсизлик билан муносабатда бўлаётган мижозлар, «регресс ҳуқуқсиз ипотека» деб аталувчи Гайдэнснинг маҳсулоти билан қизиқишлари табиий. Бундан ташқари, исломий ипотека битимлари фақат Фредди Мак ёки Фанни Мэйга сотилиши мумкинлиги ҳамда бўлинмаслиги ёки секьюритизация қилинмаслиги боис, шариат қоидаларига мувофиқ

яратилган маҳсулотлар номусулмон мижозлар учун ҳам жозибадор кўриниши мумкин, чунки уларнинг анъанавий ипотекаси қарз мажбуриятлари таъминоти (CDO¹)нинг бир қисми бўлиб қолмоқда.

Нотижорий хизмат кўрсатувчилар: *Neighborhood Development Center (NDC – Дўстона қўшничиликни ривожлантириш маркази)* – Миннеаполис, Миннесота.

2000 йилдан кейин биринчи марта Миннеаполисда исломий молиялаштиришни таклиф этувчи бошқа андоза ишга туширилди. Миннеаполис – уй-жой сотиб олиш ва амалий фаолиятни кенгайтириш учун молиялаштириш маблағлари олишга чекловлар туфайли, иқтисодий имкониятлари ва жамиятга киришиб кетишлари чекланган Сомалидан келган қочқинларга бошпана бўлган шаҳардир. Бу ерда бир нечта ташкилотлар ҳамжамиятни ривожлантириш соҳасида фаолият кўрсатадилар ва уларнинг васийлари мана шу қочқинлар ҳисобланади, бу эса ўзлари васийликка олган кишиларга кўмак беришнинг бир варианты сифатида шариат қоидаларига мувофиқ келувчи молиявий маҳсулотларни ўрганишга туртки берди.

Америка-ислом муносабатлари бўйича кенгаш (CAIR)нинг Миннеаполисдаги бўлими, Хеннепин округи ҳамда Фанни Мэй бўлими ва Шаҳар туманларини реконструкция қилиш ҳамда уй-жой қурилиши департаменти билан ҳамкорликда, сомалилик резидентлар ҳукуматнинг уй-жой сотиб олиш дастуридан фойдаланишларига кўмак бериш учун молиялаштиришнинг фойсиз муқобилини ишлаб чиқдилар. Шериклар инновацион дастурни ишлаб чиқдилар, унга кўра округ қайта сотиб олиш ҳуқуқисиз, гаровга қўйилган уйлари бўлиб тўлаш шарти асосида сотади.

Шу билан бир вақтда сомалилик қочқинлар ва банк хизмати билан қамраб олинмаган мусулмон ҳамжамияти учун ша-

¹ CDO (инглизча *Collateralized debt obligations*) – қоидага кўра, ҳуқуқий шахсларнинг қарз мажбуриятлари билан таъминланган қимматли қоғозлар. У очик бозорда сотиладиган корпоратив облигациялар, муассасавий кредиторлар томонидан берилган кредитлар, секьюритизация бўйича битимлар доирасида чиқарилган қимматли қоғозлар траншларини ўз ичига олади. CDO қарздорнинг кредит хатарини ўз ичига олган ҳар қандай воситадан иборат бўлиши мумкин.

рият қоидалари асосида бизнесни молиялаштириш зарурати пайдо бўлди. Кичик бизнесни ривожлантиришга молиялаштириш маблағларини берувчи нотижорий ташкилотлар, ўз миқдорларига шариат қоидаларига мувофиқ келувчи молиялаштириш маҳсулотларини таклиф этиш имконияти билан қизиқа бошладилар. Ушбу уринишлар, мусулмонлар шу орқали тижорий капиталдан фойдалана олишлари ҳамда ўз бизнесларини кенгайтира олишлари ва иқтисодий фойда кўришлари учун ҳамжамиятнинг иқтисодий ривожлантириш доирасида шакллантирилди.

2001 йилда Вофиқ Фэнаун ва Майк Темали асосан Миннеаполис ҳудудида, маҳаллий ҳамжамиятнинг нотижорий ривожлантириш учун шариат қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилган молиявий маҳсулотларни тақдим этувчи Роба Фри Инвестментс (Reba Free Investments) консалтинг фирмасига асос солдилар. Темали Сент Полдаги Neighborhood Development Center нинг президенти ва ижроия директори, Вофиқ Фэнаун эса Директорлар кенгаши котиби бўлди. Phillips Community Development Corporation, Minneapolis Community Development Agency, Minneapolis Consortium of Community Developers, Northside Residents Redevelopment Council ва Neighborhood Development Center кабилар шариат қоидалари асосида молиялаштиришни таклиф этган бошқа нотижорий ташкилотлар бўлдилар.

9.3. АҚШда исломий молиялаштириш саноатининг ривожланиши: муаммо ва таҳдидлар.

АҚШда исломий молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар дуч келаётган асосий муаммо ва таҳдидлар қуйидагилардан иборат:

– бизнес фалсафада «исломий» атамасининг ишлатилишига нисбатан ғарб жамиятида автоматик тарзда мунофаа реакцияси (ҳимоявий муносабат) ва тўқнашув эҳтимолининг пайдо бўлиши. Бу «дин (черков)нинг давлатдан ажралганлиги» таълимоти чуқур илдиз отгани билан изоҳланади. Молиявий хизматлар саноати қатнашчиларининг аксарияти тизим диний таълимотлар таъсирига берилмаган тақдирда самаралироқ ишлайди

деб ҳисоблайдилар. Диний мансублик илгари сурилиши билан камситиш ва янглиш фикрлар юзага келади;

– исломий молиявий амалиётлар бўйича харажатлар аксар анъанавий кредитлашдаги харажатлардан юқори (капиталдаги фоизларда) бўлади. Бу, аввало, иқтисодий ўсишни кўтариш учун давлат тарафидан ипотекани яширин субсидиялаш, молиялаштириш учун қўлланадиган маблағлар ягона қиймати, маблағлар манбасининг турфа ва ўта хилма-хиллиги, анъанавий молия муассасалари томонидан кредитларни секьютиризация ва иқтисод қилиш имкониятларидан фаол фойдаланиш миқёсларига боғлиқ. Барча битимлар учун маблағлар баҳоси сифатида ягона фоиз ставкаларини қўллаш амалиёти, молиялаштирилган активларнинг даромадлик даражасини жорий баҳо (бозор бўйича доимий қайта баҳолаш)да ўрнатувчи исломий молиялаштириш концепциясига зиддир. Ягона ставкани қўллашда қуйи баҳолар бўйича жалб этилган маблағлар ҳисобига, юқорироқ қийматдаги активларни молиялаштирган субъектлар учун амалда фондлар қийматини субсидиялаш амалга оширилади. Бундан ташқари, исломий молиялашириш билан таққослаганда, FNMA, FHLB, FHLMC ва GNMA сингари агентликлар ҳамда вакил қилинган корпорациялар орқали АҚШ ҳукумати томонидан энг қуйи, паст ставкалар бўйича пулларни қарзга ола олиш қобиляти анъанавий ипотека кредитлари учун капитал қийматини сунъий пасайтиради. Ва ниҳоят, йирик кредит муассасалари эришган иқтисод қилиш миқёслари ҳам кўрсатилаётган хизматлар қийматини янада пасайтиришни таъминлашга хизмат қилади;

– ислом таъсирига қарши гумон ва салбий фикрлар. Давлатнинг тартибга солувчи ва назорат органлари исломий банк амалиётларига нисбатан уларни терроризм ва уни молиялаштириш билан боғлаган ҳолда, юқори даражада эҳтиёткорликка эга. Банк регулятори (тартибга солувчи) ва шариат кенгаши ўртасидаги муносабат ва вазифаларни бажаришда, уларнинг ҳар бири ўзини «сўнги босқич» сифатида тасдиқлаши мунозара ва тушунмовчиликлар масаласи бўлиб қолмоқда;

– исломий фаолиятга нисбатан жамият номусулмон аъзоларининг кўркув ва камситилиши. Оммавий ахборот воситалари-

да барқарор мустаҳкамланиб қолган фикрлар ва айрим мусулмонларнинг кирдикорлари туфайли исломий иқтисодий фаолият фақатгина мусулмонларга хизмат қилиш учун, яна ҳам ёмон тарафи – ғарб жамияти ихлос ва ишонч ила таяниб келган молиявий тизимни тугатиш мақсадини қўзлаган тил бириктиришга йўналганлик ҳадигини юзага келтиради;

– анъанавий хизматлар билан рақобатлашадиган рақобатбардош исломий молиявий маҳсулотлар ва хизматларнинг етишмовчилиги. Ғарбдаги исломий банклар ҳаракатининг тарқоклиги ва чекланган усуллар ҳамда кам сонли илмий тадқиқот ва ишланмалар, анъанавий амалиётлар билан таққослаганда нисбатан ночор маҳсулот ва хизматлар танлови билан чекланади. Маҳсулотларнинг мана шундай тақчиллиги тизимда иштирок этишни истаган инвесторлар ва ўзларининг молиявий эҳтиёжларини қондириш мақсадларида мана шу тизимда қатнашишни қўзловчи уй эгаларига таъсир кўрсатади;

– исломий банк хизматларини лозим даражада таснифлашга нисбатан чалкашликлар. Уй эгалари билан хатарли амалиётлар ила хатарларни тақсимлашга таянган исломий маҳсулотларни назорат қилиш ва тартибга солиш атрофидаги мунозаралар, исломий банклар фаолияти аслида тижорий ёки инвестицион-банк фаолиятига тааллуқли эканлиги ҳисобланиши масаласини олдинга сурди. Инвестицион-банк фаолияти исломий молиявий маҳсулотларни анъанавий банк регуляторлари ва алоҳида тартибга солувчи ташкилотлар назоратидан четда қолдиради.

Хулосалар:

– исломий банк ва молиявий маҳсулотларни тақдим этишни кенгайтириш қобилияти кўп жиҳатдан, исломий молиявий муассасаларнинг мана шу маҳсулотларни анъанавий банкларнинг муқобили сифатида таклиф этиш қобилиятларига боғлиқдир. Тартибга солишнинг янги қоидалари банкларга, ўз мижозларига ноанъанавий банк маҳсулотларини таклиф этишга рухсат беради ва мана шу шартлардан исломий маҳсулотларни тақдим этишда фойдаланиш зарур. Бунга тартибга солувчи назорати остида депозитлар манбаси бўлиб хизмат қиладиган ихтисослашган «ойна»лар ва маблағлар жойлаштиришни исломий талабларга

мувофиқлаштириш орқали, шунингдек, анъанавий банкинг учун ҳам мана шундай амалиётларни татбиқ этиш орқали эришиш мумкин;

– исломий молиялаштиришни анъанавий молиялаштиришнинг муқобили сифатида тақдим этишда муваффақият қозониш учун, молиявий муассасалар шариатга мувофиқ келадиган молиявий маҳсулотлар табиати ва афзалликларини тартибга солувчи органлар ва анъанавий банклар эгаларига ғарб банк атамашунослигида тушунтиришга эришишлари шарт ҳамда у осон тушунилиши ва қабул қилиниши лозим;

– маркетинг ҳар қандай ғоя ёки маҳсулот муваффақиятига эришиш учун асосий жиҳат ҳисобланади. Ижобий муносабатга фақат англаш туфайли эришилади. Исломий молиялаштиришни оммалаштиришга, энг аввало, анъанавий маҳсулотлар билан бир ҳуқуқий майдонда бевосита рақобатга киришиш билангина эришилади. Ғарбдаги ҳар бир анъанавий банкда исломий молиявий хизматлар «ойна»сининг очилиши маҳсулотларни тақдим этиш учун ажойиб имкониятларни яратади. Ушбу вазиятда асосий вазифа мана шу маҳсулотларни тақдим этадиган ва бошқара оладиган мувофиқ келувчи банк ходимларини тарбиялаш ва ўқитишдан иборат бўлади. Айрим олимлар анъанавий банкларда мана шу тарздаги «ойна»ларни очиш рибо билан боғлиқ исломий тақиқларга зид келмаслигини таъкидлайдилар.

Назорат учун саволлар:

1. АҚШда молиявий хизматларни тартибга солувчи асосий ташкилотларни айтиб беринг, уларнинг исломий молияларни тартибга солишдаги вазифаларини тавсифланг.

2. АҚШдаги исломий молиявий хизматларни тақлиф этувчи банклар фаолияти мазмунини баён этинг.

3. LARIBA молия уйи томонидан ишлатиладиган исломий молиявий инструментларни сўзлаб беринг.

4. RONC ва ROFC кўрсаткичлари ўртасидаги тафовут нимада?

5. Guidance Residential молия компаниясининг фаолият мазмунини очиб беринг.

6. АҚШда исломий молиялар ривожланиши асосий муаммоларини айтиб беринг.

9-бобда фойдаланилган адабиётлар:

1. *Victoria Lynn Zyp*. Islamic Finance in the United States: product development and regulatory adoption. – Washington, 2009.
2. *Yahia Abdul-Rahman, Mike Maguid Abdelaaty*. Islamic home financing in the United States.
3. Shari'a-compliant home financing in the United States: A report // Harvard law school Islamic Finance panel. – April 6th, 2013.
4. *Yahia K. Abdul-Rahman, Abdullah S. Tug*. LARIBA (Islamic) Mortgage Financing in the United States Providing an Alternative to Traditional Mortgages // Proceedings of the Second Harvard University Forum on Islamic Finance: Islamic Finance into the 21st Century. – Cambridge, Massachusetts. Center for Middle Eastern Studies, Harvard University. 1999. pp. 295–298.
5. Global Islamic Finance Report 2011. – P. 366–368 (USA).
6. <https://www.lariba.com/default.htm>.
7. https://www.devonbank.com/asp/services/service_1_4.asp.

10 - б о б . Буюк Британияда муқобил молиялар

10.1. Тармоқни тартибга солиш.

Буюк Британияда исломий молия дастлаб, кўрфаз давлатларида овернайт депозитлари бўйича янги банк хизматларини таъминлаш орқали Лондондаги банклар билан банклараро бозордаги амалиётларни ўзида ақс эттирган. Бошқача айтганда, шариатга мувофиқ ликвидиликни бошқариш бизнес ҳисобланган. Исломий банклар фоиз келтирувчи хазина векселлари сингари ликвидли активларга эгалик қила олмаганлар, лекин Лондондаги Саудия Халқаро банки ва Қувайт Бирлашган банки каби банклар Лондон металл биржаси ўтказадиган қисқа муддатли савдо битимлари билан боғлиқ муробаҳа асосидаги келишувларда устама билан депозитларни қабул қилган.

1982 йилда Жиддада штаб-қароргоҳига эга Al Baraka International молиявий-инвестиция компанияси депозитлар қабул қилиш рухсатномасига эга бўлган Hargrave Securities компаниясини сотиб олди ва уни исломий банкка айлантирди. Ушбу

банк Британия мусулмон ҳамжамияти чекланган қисмига хизмат кўрсатди, лекин унинг асосий мижозлари ёзни Лондонда ўтказадиган араб мамлакатларидан келган бадавлат кишилар эди.

Бўлинмалар очилгандан кейин банк фаолияти сезиларли кенгайди ва 1991 йилда банк мижозлари сони 11000 тадан ортди.

Банк ўз мижозларига энг кам миқдори 150 ф.с. бўлган бадал билан жорий ҳисоб варақ очишни таклиф этди. Чеклардан фойдаланиш учун балансда камида 500 ф. с. бўлиши талаб этилар, бу эса Буюк Британиядаги бошқа банкларнинг талабидан бирмунча юқорироқ эди. Одатда, анъанавий банклар жорий ҳисоб варақлар бўйича салбий балансга эга бўлишга имкон берадилар, гарчи ҳисоб варақдаги қолдикнинг меъёридан ошгани учун фоиз ҳисобланган бўлса-да, исломий молиявий муассаса ҳисобланган Al Baraka International бундай фоизларни ҳисобламаган. Al Baraka International муробаҳа битимлари бўйича 5000 бирликдан ошган миқдорлар учун фойдани тақсимлаш асосида инвестицион депозитларни таклиф этган. Депозит базаси 1983 йилдаги 23 млн. ф.с.дан 1991 йилдаги 154 млн. ф.с.га қадар ўсди.

Al Baraka International асосий ташаббусни уй-жой сотиб олишни молиялаштиришда намоён қилди. 1988 йилдан бошлаб банк мижозларга узоқ муддатли исломий ипотека қарзларини тақдим эта бошлади. Al Baraka International ва унинг мижозлари уй ёки квартирани биргаликда сотиб олиш тўғрисида битимни имзоладилар, бунда томонларнинг улушдаги эгаллиги ҳар бир томоннинг молиявий ҳиссаси билан аниқланади. Al Baraka International қарз берилган давр учун белгилаб қўйилган ва ўзгармас фойда миқдорини кутади, мижоз эса 10 йилдан 20 йилгача бўлган муддат мобайнида ойлик ёки чораклик тўловларни амалга ошириб, қарз миқдорини қайтаради ва банк фойдасини тўлаб беради. Банкнинг фойдаси уй-жойни ижарага олиш бўйича бозор баҳосидан келиб чиқиб ҳисобланиши мумкинлиги тўғрисида айрим тортишувлар ҳам бўлди, лекин мулкни тез-тез қайта баҳолаш маъмурий жиҳатдан кўп маблағ талаб этадиган ва мураккаб жараён бўлиши ҳамда Лондон кўчмас мулк бозоридаги баҳоларнинг тебраниб туришини ва бу банклар учун

сезиларли хатарларни келтиришини инобатга олиб, буни рад этилди.

Al Baraka International гарчи Лондонда банк хизматлари кўрсатса-да, унинг учун фаолият кўрсатишнинг энг манфаатли йўналиши капитални бошқариш эди ва аксарият муносабатларда банк инвестиция компанияси сифатида ўзини намоён қилди. Банкка молиявий саноатда йирик муассасалар таъсири остида бўлган баҳоларни шакллантириш бўйича рақобатбардошликка эришиш учун жиддий таркиб етишмади. Bank of Credit and Commerce International нинг хароб бўлишидан кейин Англия Давлат банки регулятив талабларни кучайтирган бир шароитда, Al Baraka International банки раҳбарияти банк рухсатномасига эга бўлишда, яъни фаолият кўрсатишда давом этмасликка қарор қилди, чунки бу маблағларни реструктуризациялаш билан боғлиқ катта харажатлар қилиш ва ҳиссадорлик капиталига қўшимча қўйилмалар киритиш зарурлигини англатар эди. 1993 йилнинг июнида Al Baraka International ўзининг банк фаолияти учун олган рухсатномасини топширди ва ўзининг бўлинмаларини беркитди, лекин инвестиция компанияси сифатида ишлашда давом этди. Омонатчилар қопламаларни тўлиқ олдилар ва уларнинг аксарияти ўз маблағларини инвестиция компаниясига ўтказдилар. Бу жуда катта мослашувчанликни бахш этди, чунки банк энди 1987 йилдаги банк фаолияти тўғрисидаги қонун таъсирига тушмас эди ҳамда унинг фаолияти молиявий хизматлар ва компаниялар бўйича қонунчиликка мувофиқ тартибга солинадиган бўлди.

1980 йилларнинг охирида Қувайт Бирлашган банки мижозларида савдо асносидаги инвестицияларга талаб ошди ва 1991 йилда ушбу банк таркибида Лондонда исломий банкинг бўйича ихтисослашган бўлинма очиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Алоҳида бўлинма бўлгани сабабли, исломий активларга мувофиқ депозитлар ўрнига исломий мажбуриятлар шаклидаги ҳисоб варақлар Бош банкдан ажратиб олинди ва улар савдо асносидаги молиявий воситалар кўринишида шакллантирилди. Бўлинмада ўзига тегишли шариат бўйича маслаҳатчилар мавжуд эди ва у исломий банк сифатида фаолият кўрсатди, лекин зарур

ҳолатларда Қувайт Бирлашган банки тажрибаси ва ресурсларини жалб қилиш имкониятига эга эди. 1995 йилда унинг номи Исломий инвестиция банк бўлинмаси номига ўзгартирилди ва ўзининг янги офисига кўчиб ўтди ҳамда ўзининг исломий хусусиятини таъкидлаш мақсадида, шахсий логотип ва савдо белгисини тақдим этди. 1990 йилларнинг охирида банк бошқаруви остидаги активлар салмоғи 750 млн. доллардан ошиб кетди. Al Ahli банки билан бирлашиш натижасида банк Al Ahli United Bank номига ўзгартирилди.

Al Baraka International кўчмас мулкнинг исломий бозоридан чиққанидан сўнг, 1997 йилда Қувайт Бирлашган банки тўлови кечиктирилган муробаҳа битимига асосланган «Manzil» номи уй-жойни сотиб олиш режаси билан бозорга кириб келди. Муробаҳа транзакцияларини амалга оширишда икки ёқлама герб йиғимларини тўлаш зарурияти юзага келди: биринчи марта банк миждоз номидан мулкни сотиб олганда, иккинчи марта эса миждозга уй-жойни устама билан қайта сотганда. Мусулмон жамиятининг аксарият аъзолари томонидан бу камситиш сифатида қабул қилинди, Буюк Британия исломий кенгаши ва муаммоларни тадқиқ этувчи қўмита томонидан мусулмонлар манфаати самарали ҳимоя қилиниши натижасидагина, 2003 йилдан бошлаб икки ёқлама герб йиғимлари бекор қилинди.

Қайд этиш лозимки, 90-йилларда исломий молиялаштириш сиёсий ва ҳуқуқий қўмакка эга тармоқ эмас эди.

Молиявий хизматлар бошқармаси (**Financial Services Authority, FSA**) исломий банкларга ва умуман олганда, ҳар қандай янги ёки инновацион молиявий компанияларга нисбатан «тўсиқларсиз – алоҳида имтиёзларсиз» қондаси асосида сиёсат юритган. Бошқарма анъанавий ва исломий молиявий муассасалар ўртасида тенг шароитларни таъминлашдан манфаатдор эди. Шу билан бирга Бошқарма ўзининг диний эмас, балки молиявий регулятор эканлигини таъкидлар эди.

2000 йилнинг бошида Э. Жорж (Bank of England) ва А. Бакстон (Barclays Bank) бошқаруви остида исломий молия бўйича ишчи гуруҳ тузилди. Ишчи гуруҳ Молия вазирлиги, Молиявий хизматлар бошқармаси, Ипотека кредиторлари кенгаши,

молиявий муассасалар ва мусулмон ҳамжамияти аъзоларидан иборат эди.

Ушбу ишчи гуруҳ тузилганидан кейин, Буюк Британия ҳукумати ва тартибга солувчи ташкилотлар муқобил молиялар тўғрисидаги турли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар қилиш орқали исломий банклар ва уларнинг мижозларини солиққа тортиш соҳасида анъанавий молиявий муассасалар билан таққослаганда, ҳеч қандай тафовут сезилмайдиган бозор муҳитини яратишга уриндилар. Масалан, кўчмас мулк билан битимлар бўйича герб йиғими (Stamp Duty Land Tax, SDLT) шариатга мувофиқ уй-жойни молиялаштириш битимлари бўйича икки ёқлама солиққа тортишни бартараф этиш мақсадида ўзгартирилди.

10.1-жадвалда Буюк Британияда исломий молияни тартибга солиш воқеалар кетма-кетлиги берилган.


Бугунги кунда Буюк Британияда фаолият юритаётган 22 та халқаро банк исломий молиявий хизматларни тақдим этмоқда. Уларнинг 6 таси шариат талабларига тўла мувофиқ келади. Бу Европанинг бошқа ҳар қандай мамлакатидан кўпдир. Британия банклари, шунингдек, халқаро сукук бозорида ҳам ўта фаолдилар. 10.1-расмда Буюк Британияда исломий молиявий муассасаларни очиш кетма-кетлиги акс этирилган.

10.1-жадвал

Буюк Британияда исломий молияни тартибга солиш

Йиллар	Амалга оширилган чора-тадбирлар
2001	Англия банки Буюк Британияда исломий молиялаштиришни ривожлантириш учун шароитларни таъминлаш ва тармоқ ривожланишига тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш мақсадида, исломий молия бўйича Ишчи гуруҳи ташкил этди.
2003	Буюк Британия Молия вазирлиги, Буюк Британия Қироллик солиқ-божхона хизмати исломий молия хусусияти ва тафсилотини тушуниш учун Техник солиқ гуруҳини ташкил этди. Кўчмас мулк билан битимлар бўйича герб йиғими тўғрисидаги қонун (SDLT) (исломий молияни камраб олувчи)

	кўчмас мулк билан боғлиқ муқобил молиявий битимлардан фойдаланувчи шахслар учун мўлжалланган, қонун молиявий муассаса кўчмас мулкни сотиб олган ва хусусий шахсларга қайта сотган ҳолатларда юзага келадиган икки ёқлама солиққа тортишни бартараф этди.
2005	SDLT низомидаги капитални биргаликда ишлатиш тўғрисидаги битимларга татбиқ этилади.
2006	Ҳукумат қонунчиликка «камайиб борувчи мушорака» ёки активларни молиялаштириш ёхуд кўчмас мулкка улушли эгалликнинг камайиб бориши бўйича битимни жорий этди. SDLT имтиёзлари ҳуқуқий шахсларга ҳам татбиқ этилади.
2007	Буюк Британияда исломий молия ривожланишини самарали қўллаб-қувватлаш масаласи бўйича ҳукуматга маслаҳат хизматлари кўрсатиш учун Молия вазирлигида исломий молия бўйича эксперт гуруҳи шакллантирилди. Гуруҳ таркибига ҳукумат, ҳуқуқий ва консалтинг фирмалари ҳамда мусулмон ҳамжамияти вакиллари киритилди. Буюк Британия ҳукумати суверен сукуклар чиқариш имкониятларини кўриб чиқишга киришди. Молиявий хизматлар Бошқармаси томонидан «Уй-жойни сотиб олиш режа»си (исломий уй-жойни молиялаштириш сифатида маълум бўлган) билан тартибга солиш йўриқномалари: амортизация ажратмалари, ҚҚС, капитал қиймати ошишига нисбатан солиқларни қамраб олувчи молиялаштиришнинг барча усуллари солиқ тартиботи бўйича Қироллик солиқ-божхона хизмати қўлланмаси жорий этилди.
2011	Буюк Британияда исломий молияни ривожлантириш ва илгари суришни қўллаб-қувватлаш мақсадида, Исломий молия бўйича секретариат (UK Islamic Finance Secretariat, UKIFS) тузилди.
2013	Исломий молия бўйича махсус ишчи гуруҳи (Islamic Finance Task Force, IFTF) тузилди. IFTF мамлакатга инвестицияларни жалб қилиш ва Буюк Британияни исломий молия маркази сифатида илгари суриш мақсади билан вазирлар раҳбарлиги остида ташкил этилди.
2013–2014	Катта вазир баронесса Варсий раҳбарлиги остида исломий молия ва инвестициялар бўйича Глобал гуруҳ (Global Islamic Finance and Investment Group, GIFIG) тузилди, аъзоликка Марказий банклар ва халқаро муассасалар ҳамда Қозоғистон Республикаси Миллий банки ва ИТБ биринчи раҳбарлари таклиф этилди.



10.1-расм. Буюк Британияда исломий молия ривожланиши кетма-кетлиги.

Сукук бозори исломий молиялаштириш бозорини ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади ва Лондон халқаро қарзга оид мажбуриятлар билан савдо қилиш ва жойлаштириш бош маркази сифатида, сукук савдоси ва листинги учун «уй» («house») бўлиб олдинга чиқмоқда. Лондон фонд биржаси (LSE)да жойлашти-

рилган 49 та сукук эмиссияси орқали умумий ҳисобда 34 млрд. доллар жалб қилишга эришилди.

LSE рўйхатига киритилган дастлабки сукук эмиссияси БААдаги миллий компания (National Central Cooling Company Tabreed) томонидан 200 млн. доллар миқдорида эмиссия қилинган эди.

Лондон металл биржаси (LME) жаҳонда исломий молия ўсиши учун муҳим йўналиш бўлиб бормоқда. LME металл савдоси ва исломий молиявий муассасалар томонидан тузилган катта ҳажмдаги биржа битимлари ликвидлилигини бошқариш бўйича етакчи биржа ҳисобланади.

Жамғармаларни бошқариш бўйича машҳур Буюк Британия фондлари исломий молиявий муассасалар Буюк Британияни ўзларининг фаолият жойи сифатида танлашлари ёки ўз ваколат-хоналарини очишлари бош сабабчиларидир. The City UK нинг тадқиқотларига кўра, 5,1 трлн. доллар миқдоридаги активлар Буюк Британия бошқаруви остида ҳисобланади. Британия молия муассасалари Яқин шарқлик мижозларнинг эҳтиёжларини қондириш учун 1986 йилдан бошлаб шариатга мувофиқ капитал киритишни таклиф эта бошладилар. Фунт стерлингда жойлаштирилган дастлабки исломий ўзаро жамғарма 1997 йилда очилди. Ҳозирги вақтда 9 та жамғарма бошқарувчилари шариатга мувофиқ активларни бошқариш бўйича хизматларни таклиф этмоқда.

Исломий молия Буюк Британиядаги «Баттерси» («Battersea Power Station») электр станцияси, «Челси ҳобхонаси» («Chelsea Barracks»), «Олимпия қишлоғи» («The Olympic Village»), Лондондаги осмонўпар «Биллур парчаси» («The Shard of Glass») сингари муҳим инфратузилма лойиҳаларида бот-бот ишлатиб келинмоқда. Буюк Британиядаги инфратузилма лойиҳаларини давомий молиялаштириш учун имконият исломий молияга нисбатан узоқ муддатли ва ижобий қарашларни шакллантиради.

2013 йилнинг мартада Буюк Британия ҳукумати томонидан ташкил этилган исломий молия бўйича дастлабки махсус ишчи гуруҳи (Islamic Finance Task Force, IFTF) иш бошлади. Ишчи гуруҳ олдида уч асосий вазифани бажариш кўйилди:

– 2013 йилнинг 29–31 октябрь кунлари Лондонда бўлиб ўтган Жаҳон исломий-иқтисодий форумида (WIFE) Британия етакчилари (вазирлар даражасида) сифатида иштирок этиш;

– Британия исломий молия секретариати (UKIFS) ва бошқа ташкилотлар билан тармоқнинг халқаро обрўсини ошириш ва уни рағбатлантириш мақсадида ҳамкорлик қилиш;

– Буюк Британия иқтисодиётини мустаҳкамлаш ва ички инвестицияларга кўмак бериш учун исломий молиядан фойдаланиш.

2013 йилнинг октябрида Лондонда бўлиб ўтган Жаҳон исломий-иқтисодий форумида собиқ Бош вазир Дэвид Кэмерон ҳукумат исломий молиявий муассасаларга Лондонда юқори даражада қулай, ислом меъёрларига батамом мувофиқ келадиган шароитларни яратишини эълон қилди. Бош вазир Буюк Британия ҳукумати 2014 йилнинг ўзидаёқ суверен сукуклар чиқаришни режалаштираётгани ҳақида баёнот берди. Эмиссия миқдори 200 млн. фунт стерлингни ташкил этди. Бу ғарбдаги дастлабки давлат исломий қимматли қоғозлари эмиссияси бўлди. Суверен сукуклар эмиссияси Буюк Британияда исломий молия ривожланишини рағбатлантиради, чунки у инвестициялар учун ишончли воситаларни ўзида ифодалайди. Ўз навбатида, Лондон фонд биржаси исломий қимматли қоғозлар суръатини кузатиш учун махсус индексни ишлаб чиқишни режалаштирмоқда. Қайд этиш лозимки, ИТБ томонидан чиқарилган ва энг юқори ААА даражасида баҳоланган сукук сертификатлари Англия Банки ва LSE томонидан қисқа муддатли исломий бозор бенчмаркингини шакллантириш учун биринчи восита сифатида сўзсиз қабул қилинди. Британия ҳукуматининг ушбу қадамлари муқобил молияларнинг ўзига хос андозасини эътироф этилгани ҳамда мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда уларга алоҳида вазифа ажратилганидан далолат бериб турибди.

10.2. Молиявий муассасалар фаолиятининг йўналишлари.

2013 йилда 22 та банк исломий молиявий хизматларни кўрсатдилар, улардан 6 таси шариатга буткул мувофиқ келадди.

10.2-жадвал

Буюк Британияда исломий банкинг

Фаолият тури	Банк номи
Фаолияти шариатга буткул мувофиқ келувчи банклар	<ol style="list-style-type: none">1. Islamic Bank of Britain2. European Islamic Investment Bank3. Bank of London and the Middle East4. Gatehouse Bank5. QIB UK6. Abu Dhabi Islamic Bank
Анъанавий банклардаги «исломий дарча»лар	<ol style="list-style-type: none">1. ABC International Bank2. Ahli United Bank3. Bank of Ireland4. Barclays5. BNP Paribas6. Bristol&West7. Citi Group8. Deutsche Bank9. Europe Arab Bank10. IBJ International London11. J. Aron & Co.12. Lloyds Banking Group13. Royal Bank of Scotland14. Standard Chartered15. UBS16. United National Bank

Буюк Британия Исламий банки

2000 йилларда энг катта эътиборга сазовор бўлган воқеа Буюк Британия Исламий банкининг таъсис этилиши бўлди (Islamic Bank of Britain, IBB). Мусулмон ҳамжамиятининг аксарияти Al Baraka International банки Буюк Британиянинг чака-

на банк хизматлари бозоридан кетгач, Буюк Британияда шахсий чакана исломий банк пайдо бўлиши лозим деб ҳисоблар эдилар. Кўрфаз мамлакати тадбиркорлари гуруҳи 50 млн. фунт стерлинг миқдорида бошланғич капитални киритишга тайёрлик тўғрисида баёнот берди. 2002 йилда банк фаолияти рухсатнома-сини олиш учун Молиявий хизматлар Бошқармасига (FSA) расман ариза берилди.

FSA да исломий банк очиш бўйича аризага хайрихоҳлик билан муносабатда бўлдилар. FSA раҳбарияти Буюк Британиядек турли маданиятлар ва динлар мавжуд жамиятда йигирма биринчи асрда исломий банк иши жуда ҳам долзарб аҳамиятга эга деб тахмин қилишди, бу мусулмон ҳамжамияти учун жоиз ҳисобланган молиявий маҳсулотлар танловини кенгайтиришга хизмат қилди. Шунга боғлиқ равишда, исломий сифатида тавсифланадиган янги банк очилишига ҳеч қандай тўсқинликлар бўлмади. Турли сабабларга кўра банк номини белгилашда «мусулмонча», «исломий» атамалари ишлатила олинмайдиган айрим мамлакатлардан фарқли равишда Буюк Британияда бу баҳсли мавзу бўлмади. Масалан, буткул мусулмон мамлакат бўлмиш Саудия Арабистонида «исломий банк» атамаси ишлатилиши мумкин эмас, чунки маҳаллий тижорат банклари ва шарият олимлари динни маркетинг воситаси вазифасида ишлатилишига қаршилик кўрсатадилар.

FSA нинг асосий хавотири, янги исломий банк моддий жиҳатдан оёққа туриши ва мувофиқ капиталлашувга эга бўлиши ҳамда банк раҳбарияти бошқа ҳар қандай Британия банки сингари ҳисоботларга бўлган талабларни бажаришга қодир бўлишидан иборат эди. Асосий урғу молиявий ҳисоботларнинг аниқлиги ва аудитнинг лозим бўлган мос тартибларини бажаришга қаратилди. Шунингдек, корпоратив бошқарув тизими ҳамда шарият бўйича кенгаш мажбуриятлари, кенгашнинг Буюк Британия Исломий банки ҳиссадорлари ва раҳбариятига нисбатан бажариши лозим бўлган вазифалари синчиклаб тадқиқ этилди. Албатта, FSA банк фаолиятининг шариятга мувофиқлиги кафо-

латини бермайди, чунки бу масала Буюк Британия исломий банки ваколатларига киради. Лекин таклиф этилаётган махсулотлар мижозларга равон тушунтирилаётгани ҳамда истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш учун уларнинг хусусияти тўғрисида тўлиқ маълумот берилаётганига FSA ишонч ҳосил қилиши лозим эди.

2004 йилнинг сентябрида Буюк Британия Исломий банки Edgware Road да Лондондаги ўзининг биринчи бўлинмасини очди. Кейинчалик бўлинмалар Бирмингем, Лестер, Брэдфорд, Глазгода очилди. Банк дин ва ишонч сингари маънавий кадриятларга эътибор қаратади, чунки улар мустаҳкам асослар ҳисобланади, шу билан бирга у ҳеч бўлмаганда Британиянинг анъанавий банклари билан қиёслана оладиган банк хизмат кўрсатиш стандартларига мувофиқ бўлиш мақсадида ҳамда баҳоланишга эга кадрият ва қулайликни намоён қилмоқда.

Бугунги кунда Буюк Британия Исломий банки жисмоний ва ҳуқуқий шахслар учун кенг миқёсдаги молиявий махсулотларни ўз мижозларига таклиф этади:

– уй-жойни исломий молиялаштириш дастури ёки «Уй-жойни сотиб олиш режаси» биргаликда эгалик қилишга асосланган. Ойлик тўлов мижознинг мулкдаги улушини кўпайтириб боради ҳамда банк эгалик қилаётган улушдан фойдалангани учун тўловни ўз ичига олади;

– исломий жамғарма махсулотлари. Банк жамғармаларга фозилар таклиф этмайди, бунинг ўрнига у кейинчалик мижоз билан тақсимлаб олинadиган фойда олиш ниятидаги фаолиятни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади. 85000 фунт стерлинг миқдоригача бўлган депозитлар молиявий хизматлар қопламали схемалари билан ҳимояланган;

– қарзи ҳасан тамойили бўйича мижозларга банкда жорий ҳисоб варақ очиш;

– бошқа, шу жумладан, мижознинг мулки (капитали)ни бошқариш билан алоқадор молиявий махсулотлар.

Шуниси қизиқки, Буюк Британия Исломиёй банки аҳолига кенг қамровли хизматларни бўлинмалар ва Ҳисоб-касса амалиётлар орқали (бу мана шундай банклар учун харажатларнинг асосий қисмини ташкил этади) эмас, балки асосан агентлик бўлинмалари (хукукий ёки консалтинг фирмалари сифатида танилган) ва онлайн банкинг орқали амалга оширади.

2012 йилга келиб Буюк Британия Исломиёй банки активлари 261 млн. фунт стерлингни ташкил этди. Бошқа банкларга товарли муробаҳа ва ваколат воситалари орқали берилган молиялаштириш маблағлари ҳажми 86 % га ўсди ва 129 млн. фунт стерлингни ташкил этди. Уй-жойни исломиёй молиялаштириш ҳажмлари («Уй-жойни сотиб олиш режаси») 92 % га ўсди ва 117 млн. фунт стерлингга етди. Жисмоний шахсларнинг омонати 22 % га қадар ўсиб, 238 млн. фунт стерлингга етди. Банк миқозлари умумий сони 50000 дан ошиб кетди. Буюк Британия Исломиёй банкининг асосий ҳиссадори Қатар Халқаро Исломиёй Банки (Qatar International Islamic Bank Q. S. C., QIIB) ҳисобланади.

Европа исломиёй инвестиция банки

2005 йилда Буюк Британия Исломиёй банки асосчилари Лондондаги молиявий хизматлар ва юқори стандартдаги тартибга солувлар соҳасида етакчиликдан мумкин қадар фойдаланган ҳолда, исломиёй инвестицион банкнинг янги услуги учун бозор имкониятларини белгилаб бердилар. Кенг миқёсдаги тадқиқотлар амалга оширилгандан кейин, Европа исломиёй инвестиция банки (European Islamic Investment Bank, EIIB) га асос солинди ва 2006 йилнинг мартада Молиявий хизматлар бошқармаси (FSA) EIIB га Буюк Британияда биринчи исломиёй инвестиция банки бўлиб ишлашга рухсат берди.

Буюк Британия ҳукумати ва регулятор мусулмон ҳамжамияти ва Лондоннинг молиявий марказ сифатидаги имкониятлари учун молиялаштириш маблағлари зарурлигини тушунади ва натижада ўзининг зарур кўмагини йиллар давомида бериб келмоқда.

Бизнеси очилганидан кейин Европа исломий инвестиция банки товарли муробаҳа, капитални бошқариш, синдикатлашган кредит, савдони молиялаштириш, мушорака асосида молиялаштиришни ўз ичига олган маҳсулотлар саватини ишлаб чиқди. У, шунингдек, Баҳрайнда ўзининг ваколатхонасини очди.

ЕИВ нинг стратегик мавқеи Буюк Британия ва кўрфазнинг араб мамлакатлари ўртасидаги инвестиция ва савдога кўмак беришдан иборат.

Ҳозирги вақтда ЕИВ AIM (Alternative Investments Market, AIM) бозори, Лондон фонд биржаси (LSE) рўйхатига кирган ҳамда Молиявий тартибга солиш ва назорат бўйича бошқарма (FCA) ҳамда Пруденциал тартибга солиш бошқармаси томонидан тартибга солинади.

ЕИВ таклиф этаётган маҳсулот ва хизматлар қамрови шариатга мувофиқ фаолиятнинг қуйидаги шакллари ўз ичига олган: капитални бошқариш, инвестиция-банк хизматлари, шариат бўйича маслаҳатлар, ғазначилик хизматлари ва капитал бозоридаги амалиётлар.

ЕИВ исломий инвесторларга халқаро даражадаги активларнинг тўлиқ спектридан фойдаланиш ҳуқуқини олишда кўмак бериш учун мувофиқлаштирилган портфелларни тиклаш имкониятини берувчи муқобил инвестициялар имкониятларининг тўлиқ танловини тақдим этишга ҳаракат қилади. Банкнинг асосий инвесторлари пенсия жамғармалари, корпорациялар, суғурта компаниялари, банклар ва бошқа молиявий муассасалари каби мижозлар ҳисобланади.

ЕИВ Осиё, Яқин Шарқ ва Европадаги шариатга мувофиқ инвестиция-банк хизматлари бозорига хизмат қилишга ҳаракат қилмоқда. ЕИВ ҳозирги вақтда шиддат билан ривожланаётган ғазначилик хизматлари ва инвестициявий маҳсулотлар, исломий қимматли қоғозлар бозори қатнашчиси ҳисобланади.

Бугунги кунда ЕИВ банкнинг ўзидан ташқари активларни бошқариш бўйича Rasmala компанияси ҳамда БАА, Саудия Арабистони, Миср ва Уммондаги шўъба корхоналарни ўз ичига олган инвестиция гуруҳидир.

2012 йилда Европа исломий инвестиция банки активлари 182 млн. фунт стерлингга ташкил этди. Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозлар (сукук)га инвестициялар ҳажми 14 % га ошди ва 34 млн. фунт стерлингга етди. Шўъба корхоналарга инвестициялар ҳажми 61 млн. фунт стерлингга ташкил этди. Мажбуриятлар таркибининг 61 % и шўъба корхоналар мажбуриятига ва 22% и бошқа молиявий муассасалар қарздорлигига тўғри келади.

Лондон ва Яқин Шарқ банки

Лондон ва Яқин Шарқ банки (Bank of London and the Middle East, BLME) Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатлари, Европадаги юқори даражада бадавлат компаниялар ва хусусий шахслар, молиявий муассасаларга шариатга мувофиқ келувчи молиявий маҳсулотлар ва инвестицияларни тақдим этишга мўлжалланган. Банк 2007 йилда шариатга мувофиқ мустақил корпоратив банк сифатида FSAнинг рухсати билан очилган.

BLME нинг молиявий маҳсулот ва хизматлари исломий молиядан аввал фойдаланган ҳамда бу соҳага жалб этилмаган анъанавий ва исломий муассасалар учун ҳам жоиздир.

BLME нинг фаолияти 4 та асосий йўналишларда жамланган:

- исломий ғазначилик хизматлари – ликвидлиликни бошқариш учун хизмат ва маҳсулотлар тўлиқ пакети;
- корпоратив банкинг – корпорациялар, лойиҳалар ва муассасалар эҳтиёжини молиялаштиришга йўналтирилган;
- хусусий банкинг ва инвестицияларни бошқариш – юқори даражада бадавлат хусусий шахсларнинг банк хизматлари ва инвестицияларини бошқаришга бўлган талабларини қондиради;
- инвестицион банкинг – муассасавий инвесторлар, банклар ва корпорациялар ҳамда молиявий маслаҳатлар бўйича корпорацияларга хизмат кўрсатиш мақсадида, уларни кенг кўламли инвестиция маҳсулотлари билан таъминлаш.

BLME фаолияти шариатга буткул мос келувчи Европадаги энг йирик банк ҳисобланади. BLME банк сиёсатини юриш, амалий фаолият ҳамда корпоратив бошқаришда шариат

қоидаларига риоя қилишни таъминлайдиган махсус кенгашга эга. Мана шу қоидалар, банк хизмати воқеликдаги активлар асосида барқарор бизнес юритишга эришиш асносида бўлишини талаб этади. Банк фаолияти транспарентлик, адолатлилик, аниқлик ва чайқовона ҳаракатлардан йироқ бўлиш қоидалари асосида тикланади.

Лондон ва Яқин Шарқ банки активлари 2012 йилда 29% га ошди ва 1039 млн. фунт стерлингга етди. Исломий молиялаштириш воситалари орқали молиялаштириш ҳажми 359 млн. фунт стерлингни ташкил этди. Асосий восита сифатида муробаҳа битимлари (88%) иштирок этди. Исломий қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар миқдори 104 млн. фунт стерлингни, шу жумладан, сукукка қилинган инвестициялар жами қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестицияларнинг 97% ини ташкил этди. Мажбуриятлар таркибида бошқа молиявий муассасаларнинг қарздорлиги – 512 млн. фунт стерлинг асосий улушни ташкил этади (тесқари муробаҳа, ваколат). 2012 йил давомида миқозлар депозитлари 48 млн. фунт стерлингдан 254 млн. фунт стерлингга қадар ўсди.

Gatehouse Bank

Gatehouse банки – фаолияти шариатга буткул мувофиқ келадиган йирик корпоратив инвестиция банкидир. Банк ваколатли ташкилот рухсатномаси асосида 2008 йилда ташкил этилган. Бугунги кунда банк фаолияти Пруденциал тартибга солиш бошқармаси (PRA) ҳамда Молиявий назорат ва тартибга солиш бошқармаси (FSA) томонидан тартибга солинади.

Банк фаолиятининг асосий йўналишлари кўчмас мулк билан боғлиқ амалиётлар, ғазначилик хизматлари, капитални бошқариш, шариат масалалари бўйича маслаҳатлардан иборатдир.

2012 йилнинг декабрида Gatehouse банки ўзининг назорати остида бўлган Буюк Британиядаги активлардан фойдаланиб, кўчмас мулк билан таъминланган ўзининг биринчи сукуклари-

ни муомалага чиқарди. Бу фунт стерлингда чиқарилган биринчи ижара сукуки эди.

Лондоннинг марказида ўзининг офисига эга бўлган Gatehouse банки Қувайтда жойлашган Global Security House кўшма компанияси ёрдамида Жануби-Шарқий Осиё ва кўрфаздаги мамлакатлар исломий молия марказларини Куала-Лумпур (Малайзия) шаҳридаги ваколатхонаси орқали боғлаб туради.

Халқаро молия бозорларидаги иш тажрибасини шариат қоидалари афзалликлари билан боғлай олган Gatehouse банки, ишончли активларни қидириб топиш ва уларни инвестиция портфелига диверсификация қилиш ҳисобига Европа, Форс кўрфази ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидаги халқаро мижозларни жалб қилиш учун ноёб мавқега эга.

Gatehouse банки мижозларнинг бойликларини сақлаш бўйича талабини кўчмас мулк билан амалиётлардан даромад олиш орқали қондириш ила ечимлар таклиф этади. Банк кўчмас мулкни сотиб олиш бўйича ўзининг ижобий обрўсини сақлаб келмоқда ва АҚШ ҳамда Буюк Британияда кўплаб муваффақиятли инвестиция битимларини амалга оширишга эришган. Энг сўнгги ютуғи – Сан-Франциско (АҚШ) шаҳрида кўчмас мулкка инвестицияга киритилган капиталдан 98% даромадлиликка эришди.

QIB UK

QIB UK исломий банки Қатарнинг етакчи исломий банки – Қатар исломий банки (QIB)нинг шўъба банки ҳисобланади. Банк ваколатли ташкилот руҳсатномаси асосида 2008 йилда ташкил этилган. Бош банкнинг билими ва тажрибасини кўшган ҳолда, банк бугунги кунда ўзининг мижозларига инновацион молиявий қарорларни таклиф этмоқда.

Буюк Британияда кўчмас мулкка эгалик қилиш истаги азалдан Форс кўрфази ҳудудидаги инвесторларни ўзига жалб этиб келади. Охириги йилларда чет эллик инвесторлар Лондондаги сифатли кўчмас мулкларни инвестиция қилишнинг хавфсиз ва

даромадли объекти сифатида кўрмоқдалар. 2012 йилда Лондондаги турар-жой кўчмас мулкнинг 42 % и ва тижорий кўчмас мулкнинг 72 % и чет эллик инвесторлар томонидан сотиб олинди.

QIB Буюк Британияда қурилиш лойиҳаларини амалга оширувчи ёки кўчмас мулк харид қилишга (офислар, отеллар, логистика компаниялари) интилувчи кўрфаз ҳудуди инвесторлари учун қийматни ошириш яхши имкониятларига эга. QIB мижоз тўғрисида қайғуриш ва маълумот бериш бўйича мустаҳкам обрў ва яхши натижаларга эга. Банк шариатга мувофиқ тикланган кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни ташкиллаштириш ва маслаҳатлар беришда эксперт ҳисобланувчи тажрибали жамоани тўплаган ҳамда кўчмас мулкнинг турли соҳаларида кафолатли молиялаштирувчи ҳисобланади. Банк йирик битимлар бўйича Бош банкдан (Доҳадаги QIB дан) молиявий маблағларни жалб этиши ҳам мумкин.

Банк ўзининг мижозлари учун кенг миқёсдаги ғазначилик хизматларини таклиф этади: муробаҳа ва ваколат асосидаги депозитлар, касса ва форвард валюта амалиётлари, своплар, сукук савдоси ва бозор таҳлили шулар жумласидандир.

Банк, шунингдек, шариатга мувофиқ фаолият кўрсатувчи ихтисослашган инвестиция фондлари хизматини ҳам таклиф этади, бунда у турлича сўндириш муддатларига эга юқори рақобатли ечимлар, инвестицион портфель ва капитални ҳимоя қилиш, таянч активлар, валютага бўлган мижоз талабларини қондиради.

Абу-Даби исломий банки

Абу-Даби исломий банки (Abu Dhabi Islamic Bank, ADIB) 2012 йилнинг майида Лондоннинг Гайд Паркида ваколатхонасини очиш ташаббуси ила географик фаолиятини кенгайтириш тўғрисида эълон қилди. ADIB Буюк Британиянинг ваколатли ташкилотларидан рухсатнома олган ва бадавлат мижозларга тўлиқ хизматлар кўламини таклиф этган БААлик дастлабки исломий молиявий муассасалардан бири

хисобланади. Банк Буюк Британиядаги хусусий шахслар ва бизнес-субъектлар ҳамда БААлик мижозларга хизмат кўрсатади. Абу-Даби исломий банки Лондондаги ваколатхонаси орқали Буюк Британияда исломий молия саноати ривожланишига сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда.

ADIB 1997 йилда ҳиссадорлик компанияси сифатида ташкил этилган. ADIB Абу-Даби фонд биржаси листингига киритилган ва ўз фаолиятини БАА Марказий банки меъёрий-ҳуқуқий асоси доирасида ва назоратида амалга оширади. ADIB нинг миссияси халқаро жамиятга молиявий ечимларни таклиф этишдан иборат.

Банк шариат қоидаларига мувофиқ келувчи барча шартномаларни тузади, битим ва амалиётларни амалга оширади.

ADIB БАА ва умуман бутун дунёдаги исломий банкингнинг таянчи бўлиб қолди. Банкнинг ютуқлари ва исломий молия ривожига унинг ҳиссаси «Энг яхши универсал исломий банк» ва «Яқин Шарқдаги энг яхши исломий банк» мукофотларини ўз ичига олган халқаро эътироф билан ҳам тасдиқланмоқда. Бунга қўшимча сифатида шуни айтиш мумкинки, консалтинг агентлиги тузган рейтингда ADIB мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича биринчи ўринни эгаллади.

Абу Даби исломий банки 80 та бўлинмаси билан БАА даги энг йирик чакана банк ҳисобланади. Банк Миср, Судан, Ирок, Қатар, Саудия Арабистони ва Буюк Британияда ваколатхоналарга эга.

Бугунги кунда ADIB нинг Лондондаги ваколатхонаси ўзининг мижозларига кундалик банк амалиётларида мижозлар эҳтиёж сезадиган хизматлар учун мўлжалланган турфа маҳсулот ва хизматларни таклиф этади: жорий ҳисоб варақлар, жамғарма ва муддатли депозитлар, ўтказмалар, 3,5 млн. фунт стерлинггача бўлган миқдорда кўчмас мулк сотиб олишни молиялаштириш, кўчмас мулкни қидириш ва бошқаришда кўмак шулар жумласидандир.

Исломий молиявий хизматлар Буюк Британияда 30 йилдан ортиқроқ вақт давомида тақдим этиб келинмоқда. Мамлакат

ҳукумати охирги ўн йилликда исломий молия барқарор ўсиши учун меъёрий-ҳуқуқий ва солиқ асосларини яратди. Хусусий шахслар ва компаниялар учун уй-жойни исломий молиялаштиришда солиқ имтиёзларини кенгайтириш ва икки ёқлама солиққа тортишни бартараф этиш ҳамда қарз мажбуриятларини чиқариш учун келишувларнинг янгиланиши шунга олиб келдики, Буюк Британия жаҳондаги молиявий хизматлар етакчиси бўлган Лондон шаҳри орқали эндиликда исломий молия учун ғарбга йўл очилган марказий дарвоза бўлиб қолди. Мана шу омилларни инобатга олган ҳолда, Буюк Британияда муқобил молияларнинг ўсиш имкониятлари ғоятда кенгдир. Молиявий хизматларнинг Британия сектори жаҳон иқтисодиётининг ўсиши ва ғарб дунёсида исломий молия илғор тажрибасини ўртоқлашишнинг энг яхши ҳамкорлик маркази сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Назорат учун саволлар:

1. Буюк Британиядаги илк исломий банклар фаолияти тўғрисида сўзлаб беринг.
2. Нима учун кўчмас мулк билан битимлар бўйича тамға йиғими тўғрисидаги (SDLT) қонунга ўзгартириш киритиш зарурияти пайдо бўлди?
3. Буюк Британияда 2001 йилдан бошлаб исломий молиялар ривожланиши тарихини сўзлаб беринг.
4. Исламий молиявий муассасалар иштирокида молиялаштирилган Буюк Британиядаги йирик инфратузилма лойиҳаларини айтиб беринг.
5. Британия ҳукуматининг исломий молияларга нисбатан замонавий сиёсатини таҳлил қилинг.
6. Буюк Британия Исламий банки фаолияти тўғрисида сўзлаб беринг.
7. Европа Исламий инвестиция банки фаолияти тўғрисида сўзланг.
8. Лондон Яқин Шарқ банки тўғрисида сўзлаб беринг.
9. Gatehouse банки фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
10. Буюк Британиядаги Қатар Исламий банки фаолияти ҳақида сўзланг.

10-бобда фойдаланилган адабиётлар:

1. Исломий молиялар бўйича энг зарур китоб (Кабир Ҳасан, Мервин Льюиснинг «Handbook of islamic banking» китоби инглизчадаги асл нусхаси таржимаси). – Остона: ТОО «Istisna’a Corporation», 2011. – 452-б.
 2. UK Excellence in Islamic Finance// Business is Great. – Published October 2013 by UK Trade & Investment.
 3. The City: UK Excellence in Islamic Finance. – Published November 2007 by UK Trade & Investment.
 4. Financial markets series: UK, the leading western centre for Islamic Finance // Report of UKIFS. – Published October 2013.
 5. Global Islamic Finance Report 2011. – P. 362–365.
 6. Annual Report of Islamic Bank of Britain, 2013// [www. islamic-bank.com](http://www.islamic-bank.com)
 7. Annual Report of European Islamic Investment Bank, 2013// [www. eiib.co.uk](http://www.eiib.co.uk)
 8. Annual Report of Bank of London and The Middle East // [www. blme.com](http://www.blme.com)
 9. [www. gatehousebank.com](http://www.gatehousebank.com)
 10. [www. qib-uk.com](http://www.qib-uk.com)
 11. [www. adib.co.uk](http://www.adib.co.uk)
 12. Government launches first Islamic Finance Task Force // [www. gov.uk](http://www.gov.uk)
 13. [http://www. istisna. kz/rus/?p=1749](http://www.istisna.kz/rus/?p=1749)
-

4-Қ И С М . Қ О З О Ғ И С Т О Н Р Е С П У Б Л И К А С И Д А И С Л О М И Й М О Л И Я Л А Ш Т И Р И Ш

11-б о б . М а м л а к а т д а и с л о м и й м о л и я л а ш т и р и ш н и н г ҳ о з и р г и к у н г а қ а д а р р и в о ж л а н и ш и

11.1. Ривожланишнинг дастлабки босқичи.

Исломий молиялаштириш тўғрисидаги биринчи «Қозоғистон Республикасининг исломий банклар ва молиялаштириш ташкилотлари фаолияти ҳамда уларни ташкил этиш масалалари бўйича айрим қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қонун Парламент томонидан 2009 йилнинг 12 февралда қабул қилинди ва мамлакат Президенти томонидан тасдиқланди. Лойиҳа 2008 йилда глобал иқтисодий инқироз вақтида банк тизимининг ликвидлилиги билан боғлиқ жиддий муаммолардан кейин ва халқаро исломий банклар ижобий тажрибасини ўрганиш асносида олға сурилган эди.

Исломий молиялаштириш воситаларини жорий этишга тааллуқли ўзгаришлар асосий тўплами Қозоғистон Республикасининг «Қозоғистон Республикасида банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни билан боғлиқ ва исломий банкларни жорий этишга тўсқинлик, чекловларни бартараф этиш, исломий банклар фаолияти ҳуқуқий асосини яратиш, исломий банклар фаолияти устидан назорат ва давлат томонидан тартибга солиш усул ва шаклларини, исломий банк амалиётларини амалга ошириш тартиб ва рўйхатини аниқлашга йўналтирилган.

Қозоғистонда исломий банкингни жорий этиш учун талаб қилинувчи банклар тўғрисидаги қонунда энг аҳамиятли ўзгаришлар қуйидагиларга йўналтирилган:

а) исломий молиялаштириш тамойилларига асосланган исломий банклар фаолиятига асосий талабларни ўрнатиш (фоиз

қўринишидаги мукофотлар олишни, ислом меъёрларига зид фаолиятни молиялаштиришни тақиқлаш);

б) ҳуқуқий шахсларнинг низом жамғармасида исломий банклар иштироки бўйича чекловларни ҳамда исломий банкларга банк фаолиятдан ташқари, яъни савдо ва ишлаб чиқариш фаолиятини молиялаштириш билан шуғулланишга қўйилган тақиқларни олиб ташлаш. Шундай қилиб, исломий банкларга ўз мижозларининг савдо амалиётларида иштирок этишга ҳамда уларнинг фойда ва зарарини тақсимлашда қатнашишга рухсат берилди;

в) исломий банкларда чет эл исломий банкларидаги Шариат кенгашларининг ўхшаши ҳисобланган Исламий молиялаштириш тамойиллари бўйича кенгаш сингари муассасани жорий этиш, ушбу кенгашнинг вазифаси исломий банк битим ва амалиётларини молиялаштиришнинг исломий тамойилларига мувофиқлигини таъминлаш ҳисобланади.

Қозоғистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунига ўзгартишлар исломий қимматли қоғозлар (сукук), исломий ижара сертификатлари ва иштирок этиш исломий сертификатларини чиқариш ва муомалага киритишни таъминлаш имкониятини кўзда тутди. Исламий қимматли қоғозларнинг анъанавий қимматли қоғозлардан фарқи шундаки, улар моддий активларга бўлинмас улушларда эгаллик қилиш ёки активларни ишлатиш ва улардан келган даромадларни тасарруф этишга бўлган ҳуқуқни тасдиқлайди, яъни бошқача айтганда, исломий қимматли қоғозлар моддий активлар билан таъминланган, бу эса ушбу қимматли қоғозлар бўйича касод ҳолатида уларнинг эгалари манфаатлари ҳимоя қилинишини сезиларли тарзда оширади. Қозоғистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонуни билан мавжудлиги кўрсатиб ўтилган Исламий молиялаштириш тамойиллари бўйича кенгаш, исломий қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш натижасида олинган маблағлар ҳисобига молиялаштирилган объектларнинг исломий молиялаштириш тамойилларига мувофиқлигини аниқлашга ваколатлидир.

Қозоғистон Республикасининг «Инвестиция жамғармалари тўғрисида»ги қонунига ўзгартишлар киритиш исломий инвестиция жамғармаларини ташкил этиш имкониятларини назарда тутди. Бунда исломий инвестиция жамғармаларининг пай ва акциялари ҳам қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунда исломий қимматли қоғозлар сифатида кўриб чиқилган.

Исломий молиялаштиришнинг олға боровчи ривожланишида давлат раҳбари Н.А. Назарбоевнинг ўрнини алоҳида қайд этиш керак. 2009 йилнинг июнида мамлакат президенти Қозоғистонда биринчи исломий банк «Al Hilal Bank» ХЖ (БАА даги «Al Hilal»нинг шўъба корхонаси ҳисобланади) очилиши учун асос бўлган «Қозоғистон Республикасида исломий банк очиш тўғрисида Қозоғистон Республикаси ҳукумати ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати ўртасидаги битимни ратификация қилиш тўғрисида»ги Қозоғистон Республикасининг қонунини имзолади.

2010 йилнинг январиди давлат раҳбари ўзининг «Янги ўн йиллик – янги иқтисодий ўсиш – янги имкониятлар» сарлавҳали халққа мурожаатида шундай қайд этади: «... 2020 йилга бориб, МДХ ва Марказий Осиёда ҳудудий исломий банкинг маркази бўла оладиган ва Осиёнинг етакчи ўн молиявий марказига қирадиган ватанимиз фонд бозорини ишлашга мажбур қилиш керак». Давлат раҳбарининг топшириқларини амалга ошириш учун қуйидаги стратегик ҳужжатлар йўналтирилди:

– Қозоғистон Республикаси Президентининг 2010 йил 1 февралдаги 922-сонли «Қозоғистон Республикасини 2020 йилгача стратегик ривожлантириш режаси тўғрисида»ги фармони;

– Қозоғистон Республикаси Президентининг 2010 йил 1 февралдаги 923-сонли «Қозоғистон Республикаси молиявий секторини инкироздан кейинги даврда ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармони. Концепцияда «...Қозоғистон Республикаси ҳукумати томонидан 2009 йилнинг 30 январидидаги 90-сонли қарори ижросига кўра, 2015 йилгача Олма-Ота шаҳрини ҳудудий молиявий марказ сифатида ривожлантириш режасини амалга ошириш бўйича ишлар давом эттирилади... Маблағларни

жалб этишнинг қўшимча манбаси сифатида исломий молиялаштириш янада кенгроқ ривожлантирилади...»;

– Давлат раҳбарининг исломий молиялаштиришни ривожлантиришга тааллуқли 2011 йил 20 октябрдаги 61-17. 307-сонли кўрсатмаси.

2011 йилнинг июнида Остонада «Глобал иқтисодий ривожлантириш: ўзаро муносабат, рақобат, ҳамкорлик» мавзусида VII Бутунжаҳон исломий иқтисодий форуми (БИИФ) бўлиб ўтди. Форумда сўзга чиққан давлат раҳбари Қозоғистоннинг бешта устувор ташаббусини ажратиб кўрсатди. Унга кўра, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадларида БИИФнинг махсус гуруҳини чақириш ва форум майдонида ИТБ қошида кичик ва ўрта бизнес махсус жамғармаси тузишни муҳокама этиш, исломий молияни мамлакат ва ҳудуд миқёсида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш таклиф этилди. Қозоғистон Президенти ўзининг чиқишида «Биз исломий молиялаштириш воситаларини жалб этишда мусулмон мамлакатлар билан ҳамкорликдан манфаатдормиз. Мутахассисларнинг фикрича, Қозоғистонда исломий инвестицияларнинг ўсиш салоҳияти яқин йилларда 10 млрд. долларгачани ташкил этади» деб қайд этди.

2011 йил июнида ИХТ мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 38-сессиясида Қозоғистон Республикаси президенти шундай деди: «ИХТ доирасида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш келажаги бор йўналиш ҳисобланади. Биз ИТБ қошида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш Махсус жамғармаси тузишни таклиф этамиз. Жаҳон иқтисодий инқирози исломий молиявий-иқтисодий андозанинг яшовчанлиги ва барқарорлигини намойиш этиб қўйди. ... Ислому дунёга таклиф этиши мумкин бўлган фойдали ва самарали маҳсулотлардан бири – молиялаштиришнинг исломий тизими ҳисобланади... Қозоғистон ўзида Исломи банкни очди. Биз исломий молиялаштиришни фаол илгари сурмоқдамиз ва ҳудудда исломий молиявий воситалар бенчмаркинг¹ини ташкил этмоқдамиз. Исломи банкнинг бўйича Халқаро конферен-

¹ *Бенчмаркинг* – инвестициялар самарадорлигини таққослаш учун намуна сифатида хизмат қилувчи молиявий актив даромадлиги ёки кўрсаткичи.

ция ўтказишни ҳамда Олма-Отани исломий молиялаштиришдан фойдаланиш ҳудудий молиявий маркази сифатида ривожлантиришни таклиф этаман».

Мамлакатдаги эҳтимолий оригинаторлар рўйхатини ошириш ва сукук бозори ривожланишига кўмак бериш мақсадида, 2011 йилнинг июлида Қозоғистон Республикасининг «Исломий молиялаштириш масалалари бўйича Қозоғистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди, қонунга кўра давлат исломий қимматли қоғозларини чиқаришга рухсат берилди ҳамда корпоратив исломий қимматли қоғозлар эмитентлари рўйхати кенгайтирилди. Қозоғистон Республикасининг талабларига мувофиқ, резидент ҳуқуқий шахсларга сукук сертификатларини чиқаришга рухсат берилди.

2012 йилнинг февралда Миллий банкнинг Исломий молиявий хизматлар бўйича кенгаш (IFSB) аъзолигига кириши тўғрисидаги келишув имзоланди. IFSB га аъзо мамлакатлар билан ҳамкорликдан асосий мақсад исломий молиявий саноат учун ягона пруденциал меъёрлардан, молиявий ҳисоботнинг ягона стандартидан, исломий молиявий муассасаларни тартибга солиш ва синовдан ўтган назорат усуллари ҳамда йўсинларидан фойдаланиш ҳисобланади.

2012 йилнинг мартда Қозоғистон Республикаси ҳукуматининг 371-сонли қарори билан «2020 йилгача Қозоғистонда исломий молиялаштиришни ривожлантириш бўйича Йўл харитаси» тасдиқланди. Тадбирларни амалга ошириш 11.1-расмда кўрсатилган чизма асосида саккиз йўналиш доирасида амалга оширилади.

Биринчи ҳисобланган «қонунчиликни такомиллаштириш» йўналиши доирасида қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилган:

а) исломий молиявий бозор секторлари бўйича исломий молиялаштиришни ривожлантириш муаммолари таҳлилинини ўтказиш;

б) халқаро ва мамлакатдаги маслаҳатчилар кўмагида исломий молиялаштириш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш қўшимча тавсияларини ишлаб чиқиш;



11.1-расм. Қозоғистонда 2020 йилгача исломий молиялаштиришни ривожлантириш йўл харитасининг асосий йўналишлари.

в) Қозоғистон Республикасининг «Исламий молиялаштириш ва суғурта масалалари бўйича ҚРнинг айрим қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини тайёрлаш;

г) ижара, муробаҳа, истисноъ шартномаларини амалга оширишда эгалик ҳуқуқини рўйхатга олишнинг имтиёзли талабларини бериш имкониятларини кўриб чиқиш;

д) Жануби-Шарқий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан икки тарафлама солиққа тортишнинг олдини олиш конвенциясини тайёрлаш ва имзолаш;

е) Қозоғистон Республикасининг «Исламий молиялаштириш ва суғурталаш масалалари бўйича Қозоғистон Республикасининг

айрим қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонунини солиққа тортишни такомиллаштириш бўйича таклифларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш;

ж) қимматли қоғозлар бозорининг малакали ислоний иштирокчилари мавқеига эга компания ва нобанк ҳамда микромолиявий муассасалар (инвестиция жамғармалари, лизинг ва ипотека компаниялари ва ҳ.к.) фаолияти учун алоҳида қонунчилик асоси яратишнинг зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш.

2012 йилда «Ислоний молиялаштириш ва суғурталаш масалалари бўйича Қозоғистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги учинчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди, у ислоний суғурталаш, товар муробаҳасини ислоний банкларнинг банк амалиёти сифатида эътироф этишни кўзда тутувчи тузатишлар ва ушбу амалиётларни солиққа тортиш усулларини ҳамда ислоний банклар томонидан депозитларни агентлик фаолияти (ваколат) тамойилларида қабул қилишни амалга оширишни ўз ичига олади. 2013 йилнинг декабрида (2012 йилнинг июнида чақириб олинган) қонун лойиҳаси тақдоран ҚР Парламенти Мажлисига кўриб чиқиш учун киритилди.

«Ахборот тушунтириш ишлари» иккинчи йўналиши доирасида қуйидагилар назарда тутилган:

а) медиа-режани тайёрлаш ва амалга ошириш;

б) ислоний молиялаштиришга бағишланган махсус Интернет-портални ташкил этиш имкониятларини кўриб чиқиш;

в) фаолият кўрсатаётган, руҳсатномага эга Қозоғистондаги ислоний молиявий ташкилотлар фаолияти тўғрисида марказий оммавий ахборот воситаларида маълумотларни жойлаштириш;

г) Қозоғистон Республикасининг чет элдаги муассасаларига тарқатиш мақсадида, ҚРда ислоний молиялаштиришни ривожлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Ташқи ишлар вазирлигига йўналтирилган маълумотларни тайёрлаш.

2009 йилдан бошлаб Қозоғистонда ислоний молиялаштиришга бағишланган уч тилда иш олиб борувчи, ягона www.istisna.kz Интернет портали муваффақиятли ишлаб турибди.

Ушбу сайтнинг мақсади исломий иқтисодий тамойилларга асосланган молиявий хизматлар бозорини ахборот билан таъминлашдан иборат.

2012 йилда ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан маъқулланган йиллик медиа-режа етакчи маҳаллий ОАВлар иштирокида тўла амалга оширилди.

«Исломий молиявий инфратузилмани ривожлантириш» учинчи йўналиш доираси қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) исломий молиялаштириш тамойиллари бўйича Марказий кенгаш ташкил этиш имкониятларини кўриб чиқиш;

б) исломий молиявий ташкилотлар учун қисқа муддатли ликвидлилик бозорини қўллаб-қувватлаш;

в) Dow Jones усули бўйича оралиқ исломий индексларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

г) Олма-Ота шаҳрида Худудий исломий молиявий марказ тузиш имкониятини кўриб чиқиш.

«Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш» тўртинчи йўналиши доираси қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) IFSB, ILMC, IIFM, AAOIFI, IIRA, CIBAFI ва бошқа халқаро исломий молиявий ташкилотлар билан ўзаро алоқаларни ташкил этиш;

б) Малайзиянинг рейтинг агентлиги (RAM Holding) билан ҳамкорлик бўйича иш олиб бориш;

в) исломий молиялаштиришни илгари суриш бўйича бошқа анъанавий халқаро молиявий муассасалар ва етакчи ўқув муассасалари (WB, IFC, АҚШ, Буюк Британия университетлари) билан ҳамкорликни ривожлантириш;

г) ИТБ йиллик йиғилиши, IFSB нинг саммити (Малайзия), WIBC (Бахрайн), WIFC (Лондон), WIEF (Малайзия)нинг исломий молия бўйича йиллик асосий ташкилий йиғилишларида иштирок этиш.

IFSB билан ҳамкорлик доирасида 2012 йилнинг майида ҚР Марказий банки Туркия Марказий банки билан биргаликда Истамбулда ташкил этилган IFSB нинг тўққизинчи Саммитида иштирок этди. Саммитни ўтказишдан мақсад исломий молиявий инфратузилмани глобал ривожлантириш муаммоли масала-

ларини муҳокама қилиш, исломий микромолиявий муассасалар ҳамда исломий молиялаштиришни тартибга солишнинг пруденциал устувор йўналишларини аниқлаш ҳисобланади.

2012 йилда исломий молиялаштириш инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида, Халқаро исломий рейтинг агентлиги (ИРА) билан ўзаро ҳамкорликда Қозоғистон Республикасига мустақил рейтинг бериш имкониятларига тегишли муносабатларни кўриб чиқишга, локал исломий рейтинг агентлиги ташкил этишга ҳамда мамлакатнинг марказий давлат ташкилотлари иштирокида семинарлар ўтказишга доир ишлар олиб борилди.

2013 йилнинг октябрида Қозоғистон делегацияси Буюк Британияда ўтказилган тўққизинчи Халқаро исломий иқтисодий форум (WIEF) ишида иштирок этди.

«Давлат секторини ривожлантириш» бешинчи йўналиши доирасида қуйидаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилган:

а) ҚР Миллий банки қошида исломий молиялаштиришни ривожлантириш бўйича қўмита ташкил этиш имкониятини кўриб чиқиш;

б) мамлакат молиявий секторини ривожлантириш дастури доирасида лозим бўлган бюджет дастурини ишлаб чиқиш ва шакллантириш;

в) исломий молия тизимини муваффақиятли ривожлантираётган мамлакатлар (Малайзия, Баҳрайн, БАА, Буюк Британия, АҚШ, Люксембург) тажрибасини ўрганиш ва ўзаро тажриба алмашинув бўйича ҳукуматлараро махсус дастурни ташкил этиш;

г) давлат исломий қимматли қоғозларини чиқариш.

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2012 йилнинг декабрдаги «ҚР Миллий банки айрим масалалари тўғрисида»ги 458-қарори билан Олма-Ота шаҳрини ҳудудий молиявий ривожлантириш ва исломий молиялаштириш бўйича департамент ташкил этилди.

Қозоғистон Республикаси Молия вазирлиги бир неча бор мустақил сукуklar чиқариш тўғрисида баёноtlар берди. Лекин Қозоғистонда қонунчилик асоси мавжуд бўлишига қарамай, аввалдан режалаштирилган мана шу чора-тадбирлар бугунги кунга қадар амалга оширилмади. Молия вазирлиги бун

давлат исломий қимматли қоғозларини чиқариш тўғрисидаги қарор, капиталнинг ташқи ва ички бозорлари конъюнктурасига ҳамда республика бюджетининг камомадини молиялаштириш мақбуллиги ва корпоратив сектор учун ўрнатилиши лозим бўлган баҳоларга боғлиқ эканлиги билан изоҳламоқда.

«Исломий молиявий хизматлар бозорини ривожлантириш» олтинчи йўналиши доирасида қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилган:

а) мувофиқ саноат лойиҳаларини аниқлаш ва улар учун исломий қимматли қоғозларни чиқаришни ташкил этиш;

б) бир нечта исломий банклар ташкил этиш жараёнига кўмак бериш;

в) исломий суғурталашни жорий этиш жараёнига ёрдам бериш.

2008 йилдан бери Қозоғистонда яна бир исломий банк очишга уч марта уриниб кўрилди. Биринчи уриниш Қозоғистоннинг «Fattah Finance» ХЖ компанияси, «Қозоғистон ривожланиш банки» ХЖ давлат банки ва Малайзиянинг «Amanah Raya» давлат ташкилоти томонидан ташкиллаштирилди. Иккинчи уриниш – Яқин Шарқдаги инвесторлар гуруҳи томонидан «Осиё ислом банки»нинг мамлакатдаги бўлимини очиш орқали амалга оширилди. Ва ниҳоят учинчи уриниш – Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси (ICD) томонидан «Замон банк» ХЖ банкни исломий молиявий муассасага айлантириш мақсадида амалга оширилди.

Ушбу уринишлардан фақат сўнгисигина воқеликка айланиш имкониятига эга. 2013 йилда ICD «Замон банк» ХЖнинг капиталига қўшилди ва ташкилий ишлар тугаганидан кейин ўз фаолиятини бошловчи чакана банкка айланади.

2012 йилнинг июлида «Қозоғистон ривожланиш банки» ХЖ Малайзия конунчилигига мувофиқ қарзга асосланган 240 млн. рингитлик (қарийб 76,7 млн. доллар) қимматли қоғозлар (муробаҳа сукуки)ни муомалага чиқарди, унинг 38% и қозоғистонлик инвесторлар орасида тақсимланди.

2012 йилда «Қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш жамғармаси» ХЖ «Сэтти» исломий микромолиялаш

дастурини амалга оширишга киришди. Ушбу дастур 9,7 млн. доллар миқдорда, ИТБ ва «Қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш жамғармаси» ХЖ ўртасида тузилган келишув доирасида амалга оширилади.

2013 йилда ICD ва Қозоғистондаги National Company Kolon Жанубий Корея корхонаси ўртасида битим имзоланганида даставвал ижара шартномалари бўйича хизмат кўрсатувчи, низом жамғармаси 45 млн. доллар бўлган муассаса рўйхатга олинди. Лекин кейинчалик 28 млн. долларлик низом жамғармасига эга лизинг компания амалий фаолиятга 2014 йилнинг февралда киришди.

«Илмий-маърифий ишлар» еттинчи йўналиш доирасида қуйидагиларни амалга ошириш мўлжалланган:

а) «Исломий молия асослари» фанини иқтисодий йўналишдаги талабалар учун танлов бўйича таркибий қисм доирасида ўқитишни йўлга қўйиш;

б) Қозоғистондаги олий ўқув юртлари базасида исломий молиявий саноат тажрибаси ва услубиятини (исломий молиялаштириш соҳасида қозоғистонлик мутахассисларни тайёрлаш) ўрганиш;

в) олимлар ва амалиётчиларни жалб қилган ҳолда, исломий молиялаштириш масалалари бўйича мунозара ва баҳслар ўтказиш;

г) манфаатдор давлат ташкилотлари ходимлари учун доимий асосда ўқув семинарлари ташкил этиш;

д) олий ўқув юртлари базасида исломий молиялаштиришни ўрганиш бўйича ўқув-таҳлилий марказини ташкил этиш;

е) исломий молиялаштириш соҳасидаги ходимларни тайёрлаш учун қозоғистонлик мутахассисларни чет элдаги олий ўқув юртларига ўқитишга жўнатиш имкониятларини кўриб чиқиш.

Ходимларни тайёрлаш бўйича Республика комиссиясининг 2012 йил 24 декабрдаги 03-5.16-сонли йиғилиш баёни билан 2013 йилда «Болашак» халқаро стипендиясини белгилаш учун устувор мутахассисликлар рўйхатига «Иқтисодиёт, молия, бухгалтерия ҳисоби ва аудит» мутахассисликлари бўйича биринчи марта исломий молия, исломий молия ва менежмент

йўналишлари кўшилди, улар Буюк Британия ва АҚШнинг Durham University, Nottingham University, Birmingham University, New Orleans University каби университетларининг магистратура ва докторантурасида таълим олишлари кўрсатиб ўтилди.

2013 йилда «Исломий молия асослари» фани Т. Рискулов номидаги Қозоғистон иқтисодиёт университетининг иқтисодий мутахассисликлари магистрантлари ўқув режасига киритилди. Ушбу ўқув даргоҳи иқтисодиёт соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича етакчи ихтисослашган университет ҳисобланади. Шунингдек, ҚР Миллий банки магистратураси ўқув режасида исломий молия бўйича алоҳида фан жорий этилди.

Ҳозирги вақтда Павлодардаги С. Торайгиров номидаги давлат университетида «Исломий молия асослари» фанини иқтисодга ихтисослашган талабалар ўқув режасига киритиш бўйича иш олиб борилмоқда. Шунини қайд этиш лозимки, ушбу ишлар ҚР Таълим ва фан вазирлиги фан қўмитаси томонидан молиялаштирилаётган «Исломий молиялаштириш: назариёт, амалиёт, тартибга солиш муаммолари» давлат бюджети мавзусини бажариш доирасида амалга оширилмоқда.

Исломий молиялаштириш соҳасидаги йиллик Қозоғистон исломий молия конференциясини ўтказиш муҳим ҳодиса ҳисобланади. 2012 йилда «Истисноъ» компанияси Исломий молияни ривожлантириш уюшмаси ҳамда ҚР Янги технологиялар ва саноат вазирлиги билан ҳамкорликда Остона шаҳрида учинчи конференцияни ўтказдилар.

«Инвесторлар билан ишлаш» саккизинчи йўналиш доирасида қуйидагилар кўзда тутилади:

а) Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидаги банклар, жамғармалар ва компаниялар билан Қозоғистонга инвестицияларни жалб қилиш мақсадида (инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш, битимлар тузиш) мақсадли учрашувлар ва музокаралар олиб бориш;

б) Қозоғистон Республикаси ҳудудида ташкилий тадбирларни ўтказиш имкониятларини кўриб чиқиш;

в) ИТБ гуруҳи билан алоқаларни фаоллаштириш: ҚР ва ИТБ ўртасида стратегик ҳамкорликни имзолаш ва амалга ошириш;

г) ҚРнинг Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорацияси (ICIEC) капиталида иштирок этишини кўриб чиқиш (ICIEC нинг расмий хати асосида);

д) ҚРнинг Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси капиталида иштироки улушини ошириш имкониятларини кўриб чиқиш (ICD нинг расмий хати асосида);

е) ҚРнинг Тараққиёт учун Ислום бирдамлик жамғармасидаги улушида иштирокини ошириш имкониятини кўриб чиқиш (ISFD нинг расмий хати асосида);

ж) Қозоғистоннинг ҳамкорлари томонидан мажбуриятлар бажарилмаслиги натижасида зарар кўрган молиявий муассасалар ва ислومی банклар тўғрисида рўйхат тузиш ва маълумотлар тайёрлаш. Жабр кўрган ислومی молиявий муассасалар билан ишлаш бўйича ҚР Миллий банки, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, «Самрук-Хазина» миллий бойлик жамғармаси ва бошқалар вакилларини ўз ичига олган махсус ишчи гуруҳи тузиш;

з) ҚР Савдо-саноат палатаси фаолиятини унинг Ислومی савдо-саноат палатаси (ИССП) аъзолиги доирасида фаоллаштириш: ИССП томонидан ИХТга аъзо мамлакатлар кичик ва ўрта корхоналарини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган режа ва дастурлар муҳокамасида фаол иштирок этиш, қозоғистонликлар бизнесини ИССП томонидан ташкил этиладиган турли тадбирларга жалб этиш, ИССП аъзоларини Қозоғистонда ислومی молиялаштиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши тадбирлари ҳамда унинг инвестицион имкониятлари тўғрисида бохабар қилиш;

и) инвестицион лойиҳалар рўйхатини, уларни инглиз тилида аннотация қилиш имконини берадиган ҳолатда ҚРнинг чет элдаги муассасалари қайта ишлаши учун доимий янгилаб бориш.

ИТБнинг ҚРдаги офиси саъй-ҳаракати натижасида, 2012 йилнинг октябрида 2012–2014 йилларда ИТБ гуруҳи ва Қозоғистон Республикаси ҳукумати ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш стратегияси имзоланди. Тадбирларни амалга ошириш тўрт асосий йўналиш доирасида белгилаб олинди:

– илмий-технологик имкониятни ривожлантириш ва инфратузилмани модернизация қилиш йўли билан мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш;

– қазиб олувчи сектор иштирокисиз амалга ошириш йўли билан иқтисодий диверсификациялашни қўллаб-қувватлаш, бу эса, ўз навбатида, ирригация тизими ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни модернизация қилиш ҳисобига кишлоқ хўжалиги унумдорлиги ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлайди;

– реал сектор билан алоқаларни мустақкамлаш ва молиявий барқарорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида исломий молиялаштиришни илгари суриш орқали молиявий секторни кучайтириш;

– Марказий Осиё худудида ИТБнинг бошқа аъзолари ва ҚР ўртасида чегаравий ҳамкорлик воситасида худудий интеграллашувни қўллаб-қувватлаш.

2014 йилнинг январида Қозоғистон Республикасида ушбу стратегия доирасида 550 млн. долларлик лойиҳалар (савдони молиялаштириш, мамлакат исломий молиявий секторини муассасавий ривожлантириш, экспорт-импортни суғурта қилиш) молиялаштирилди.

Қозоғистон Республикаси 2012–2013 йилларда ИТБ гуруҳидаги иштирок улушини кўпайтирди. Хусусан, Қозоғистоннинг ISFD даги улуши 10 млн. долларга, ICIEC даги улуши 5 млн. долларга, ICD даги улуши 1 млн. долларга оширилди. Бу тадбирлар Қозоғистон Республикаси ҳукуматининг ИТБ гуруҳи билан, айниқса, мамлакат иқтисодиётининг корпоратив секторини қўллаб-қувватлаш қисми бўйича стратегик ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканлигининг ёрқин далилидир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Исломий молиялаштиришни ривожлантириш йўл харитасининг асосий афзаллигининг мавжудлиги ҳисобланади. Маълумки, бу тармоқни ривожлантиришга йўналтирилган иккинчи уриниш ҳисобланади (2009 йилнинг августида маъқулланган биринчи Йўл харитаси, мазкур ҳужжатни илгари суриш учун масъул бўлган асосий маъмур Олма-Ота шаҳри худудий молия маркази ХЖнинг

қобилиятсизлиги ва давлат бошқарувидаги қарама-қаршиликлар туфайли амалга ошмай қолган эди). Шу билан бирга шуни қайд этиш лозимки, хужжатда аниқ амалга ошириш муддатлари, молиялаштириш манбалари, аксарият пунктларга масъул давлат органлари аниқ кўрсатилмаган эди: тадбирни амалга оширишда мантиқий изчиллик етишмади. Бу эса барча давлат ташкилотларининг қўйилган вазифаларга расмиятчилик билан ёндашишларига сабаб бўлди, натижада бирон-бир амалий самарага эришилмади. Ҳозирги вақтда жалб этилган давлат ташкилотлари Йўл харитаси бўйича бажарилган ишлар тўғрисида расмиятчилик юзасидан ҳисобот берадилар. 2014 йилда ҚР Миллий банки қайта ташкил этилиши муносабати билан вазият яхши тарафга ўзгариши кутилмоқда.

Қонунчиликни такомиллаштириш соҳасида ташланган қадамларга қарамай, Қозоғистонда ҳозирга қадар исломий молиялаштиришни жорий этишга тизимли ёндашув мавжуд эмас. Давом этиб келаётган турли ҳуқуқий-меъёрий хужжатларга тuzатиш ва ўзгартиришлар амалиёти, мамлакатда исломий молиявий хизматлар саноатини ривожлантириш учун лозим даражада ҳуқуқий инфратузилманинг мавжуд эмаслигини тасдиқлайди. Бу, ўз навбатида, жамиятнинг ҳам, мамлакат раҳбариятининг ҳам ҳафсаласини пир қилмоқда. 2012 йил сентябрда Олма-Отада бўлиб ўтган халқаро конференцияда ИТБ ва Халқаро Молия корпорацияси Қозоғистонда ягона ва алоҳида исломий молиялаштириш бўйича қонун ишлаб чиқиш зарурияти тўғрисида ўзларининг фикрларини билдирдилар.

Шундай қилиб, ўтган беш йил давомида Қозоғистонда исломий молиялаштиришни ривожлантириш даражаси у қадар муваффақияти билан тавсифланмайди. Ягона тизимли қонуннинг мавжуд эмаслиги, жисмоний активларни олди-сотди қилиш битимлари асосида ўтказилган молиявий амалиётларнинг ҚҚСга тортиш бўйича солиқ қонунчилигини такомиллаштирилмаганлиги, исломий молиялаштириш моҳиятининг бўш тушунилиши, давлат томонидан етарли даражада қўллаб-қувватланмаслиги, умуман олганда, мамлакатда тўлақонли исломий молиявий хиз-

матлар саноатининг пайдо бўлишига тўсқинлик қилмоқда. Ўз навбатида, ривожланиш даражасининг пастлиги ушбу хизматларнинг МДХ худуди миқёсида сифатли ўсишига йўл қўймапти.

11.2. Жорий қонунчилик.

«Қозоғистон Республикасида банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунга кўра, исломий банк ваколатли ташкилот рухсатномаси асосида банк фаолиятини амалга оширадиган иккинчи даражадаги банкдир. Исломий банк депозитларни мажбурий кафолатлаш тизимининг иштирокчиси ҳисобланмайди ва исломий банкдаги депозитлар депозитларни мажбурий кафолатлаш тизими томонидан кафолатланмайди.

Исломий банк берилган қарзлар учун фоиз кўринишидаги устама ундириши, инвестицион депозит ёки унинг даромади қайтарилишини кафолатлаши, тамаки, алкоголь маҳсулотлари, курол-яроғ ва ўқ-дори, қимор бизнеси ҳамда исломий молиялаштириш тамойиллари бўйича кенгаш томонидан ман этилган фаолиятнинг бошқа шакллари молиялаштириш (кредитлаш)и мумкин эмас.

Исломий банклар битимлари ва амалиётлари белгиланган қонунчилик талабларидаги фаолиятга мувофиқ келишини аниқлаш учун исломий банклар мажбурий тарзда исломий молиялаштириш тамойиллари бўйича кенгаш тузадилар.

Исломий молиялаштириш тамойиллари бўйича кенгаш (ИМТК) директорлар кенгашининг тавсияси бўйича, исломий банк ҳиссадорлари умумий йиғилиши томонидан тайинланадиган мустақил ташкилот ҳисобланади. Исломий банк амалиётларини ўтказиш умумий шартлари тўғрисидаги қоида, исломий банк ички кредит сиёсати тўғрисидаги қоида ИМТКнинг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, исломий банкнинг директорлар кенгаши томонидан тасдиқланиши шарт. Тузилиш арафасида турган битимлар ИМТК томонидан қонунчилик талабларига мувофиқ эмас деб топилса, бундай битим тузилмаслиги ва ижро қилинмаслиги шарт.

Куйидаги амалиётлар исломий банкнинг банк амалиётларига киради:

– жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг талаб қилиб олгунча фоизсиз депозитларини қабул қилиш, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг банк ҳисоб варақларини очиш ва юритиш;

– жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг инвестицион депозитларини қабул қилиш;

– банкнинг қарзга доир амалиётлари: исломий банк кредитларни муддатлилиқ, қайтаришлиқ ва устама олмаслик шартлари асосида пул шаклида беради;

– тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш куйидаги шаклларда амалга оширилади:

а) тижорат кредитини бериш йўли билан савдо воситачиси сифатида савдо фаолиятини молиялаштириш;

б) шерикчилик шартларида ва ҳуқуқий шахсларнинг низом жамғармасида иштирок этиш орқали савдо фаолияти ва ишлаб чиқаришни молиялаштириш;

– лизинг (ижара) шартларида инвестицион фаолият;

– исломий банкнинг банк амалиётларини ўтказишдаги агентлик фаолияти.

Талаб қилиб олгунча фоизсиз депозит шартномаси бўйича исломий банк мижознинг пулларини банкнинг талаб қилиб олгунча омонатига қабул қилиш мажбуриятини олади, унда фоиз кўринишидаги устама тўлаш ёки тўлаб бериш кафолати ва мижоз талаби келиб тушгач, депозит ёки унинг бир қисми қайтарилиши кўзда тутилмайди. Исломий банкнинг фоизсиз депозит тўғрисидаги шартномасида банк омонати тўғрисидаги шартнома қоидалари қўлланади, у бўйича устама тўлаш ҳақидаги шартлар бундан мустаснодир.

Инвестицион депозит тўғрисидаги шартнома бўйича исломий банк мижознинг маблағларини маълум бир муддатда қайтариш кафолатисиз, берилган пулларни ишлатиш натижасига боғлиқ равишда инвестицион депозит тўғрисидаги шартномада кўзда тутилган тартибда улар бўйича даромад тўлаш мажбурияти билан номинал кўринишда қабул қилади. Исломий банкнинг инвестицион депозит тўғрисидаги шартномасига нисбатан мулкни ўзига хос ишончли бошқариш, яъни пулларни ишлатиш ва қайтариш тартиби, исломий банк ва унинг мижози

хуқуқ ҳамда мажбуриятлари, ишончли бошқарувчи бўлган – исломий банк устамаларини аниқлаш ва ҳисоблаш тартибига нисбатан кўзда тутилган шартнома қоидалари татбиқ этилади.

Исломий банкнинг устамаси инвестицион депозитга жалб қилинган пулларни ишлатишдан олинган даромаднинг бир қисми шаклида аниқланади, бунда устама фақат инвестицион депозит бўйича маблағларни ишлатишдан олинган даромад ҳисобига тўлаб берилиши мумкинлиги шарт қилинади. Инвестицион депозит зарар кўрган тақдирда (инвестицион депозитга жалб этилган маблағларни ишлатиш натижасида даромад кўрилмаган тақдирда), исломий банк устама олиш ҳуқуқини йўқотади. Инвестицион депозит тўғрисидаги шартнома шартлари инвестицион депозит бўйича кафолатли даромад миқдори ёки исломий банк устамасини кўзда тутиши мумкин эмас.

Мижознинг талаби бўйича инвестицион депозит муддатидан олдин қайтарилса, агар инвестицион шартномада бошқача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, мижоз бу ҳолатда депозитдан даромад олиш ҳуқуқини йўқотади.

Исломий банк инвестицион депозитлар бўйича маблағларни ишлатиш натижалари ва тартибини аниқлаш мақсадида маблағларни ишлатиш бўйича алоҳида ҳисобни юритиши шарт, бундан маблағларни ишлатиш усуллари, пул киритилган объект ёки активлар шакли рўйхати, мана шундай амалиётлардан келадиган фойда ёки зарарлар, исломий банкнинг устама миқдорини аниқлаш назарда тутилади.

Исломий банк инвестицион депозит маблағлари киритилган активларнинг қиймати камайиши билан боғлиқ зарарлар учун жавобгар бўлмайди, зарарлар банкнинг айби билан юзага келиши бундан мустаснодир. Агар инвестицион депозит маблағлари йўналтирилган активлар қиймати камайиши билан боғлиқ зарарлар исломий банкнинг айби билан пайдо бўлса, у ҳолда исломий банк мижозни мана шундай зарарлар юзага келгани ҳақида огоҳлантириши шарт.

Исломий банк акциялар ва қимматли қоғозларни чиқариш ҳуқуқига эга, фақат имтиёзли акциялар, қарзни кўзда тутувчи ва кафолатланган устама миқдори ёки қийматдан фоиз шак-

лидаги мукофотларни тўлашга доир облигациялар ва бошқа қарзга оид қимматли қоғозлар бундан мустаснодир.

Исломиёй банкларнинг тижорат кредити (давомида – тижорат кредити тўғрисидаги шартнома) тўғрисидаги шартномага асосан, исломий банклар товар сотувчиси ёки харидорига тижорат кредити бериш йўли билан савдо воситачиси сифатида савдо фаолиятида қатнашиш ҳукукига эга.

Тижорат кредити тўғрисидаги шартнома товар харидорининг тижорат кредити (оферта) тўғрисидаги шартномани тузиш бўйича таклифи асосида тузилади, унда исломий банк томонидан унинг қабул қилиниши (акцепт – розилик) учун муддат кўрсатилган бўлиши шарт. Офертанинг амал қилиш муддати давомида исломий банк товар сотувчиси билан олди-сотди шартномаси тузиш ҳукукига эга бўлади. Исломиёй банкнинг акцепти товарга бўлган эгаллик ҳукуки банкка ўтгандан кейин берилади. Офертанинг амал қилиши давомида харидор томонидан исломий банк акцептини олишда тижорат кредити тўғрисидаги шартнома харидор учун мажбурий ҳисобланади. Тижорат кредити тўғрисидаги шартнома харидор томонидан рад этилса, мана шундай рад этиш натижасида исломий банкка етказилган зарар харидор томонидан қоплаб берилади, исломий банк товарни учинчи шахсга сотади ёки уни сотувчига қайтариб беради.

Тижорат кредити тўғрисидаги шартномада товарнинг номи ва сони, харидорнинг товарни исломий банкдан сотиб олиш баҳоси шартлари, товарга қўйилган устама миқдори ҳамда тижорат кредитининг шarti (тўловни бўлиб ёки кечиктириб тўлаш) ифодаланган бўлиши керак.

Агар тижорат кредити тўғрисидаги шартномада бошқача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, исломий банк томонидан харидорга сотиладиган товар баҳоси сотувчидан сотиб олинган товар баҳосига қўшилган банк устамаси миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади. Устама белгиланган миқдор шаклида ёки харидордан сотиб олинган товар баҳосига фоиз шаклида ўрнатилиши мумкин.

Исломиёй банк даромад олиш мақсадида ёки Қозоғистон Республикасининг қонунчилигига зид келмаган бошқа мақсадларга

эришиш учун шерикчилик тўғрисидаги шартнома асосида савдо ва ишлаб чиқариш фаолиятини молиялаштириш ҳуқуқига эга. Шерикчилик тўғрисидаги шартномада ҳуқуқий шахс тузиш ҳақидаги шартлар кўзда тутилган бўлиши мумкин. Шерикчилик тўғрисидаги шартнома ИМТКнинг ижобий хулосаси олингандан кейин тузилиши мумкин.

Ҳуқуқий шахс ташкил этмаслик шarti билан шерикчилик тўғрисидаги шартномаларга (исломий банк иштирокидаги оддий шерикчилик шартномаси) нисбатан ҳамкорликда фаолият олиб бориш ҳақидаги шартнома қоидалари татбиқ этилади. Ислomий банк иштирокидаги оддий шерикчилик шартномаси ҳамкорликдаги фаолият мақсадини, шартнома ёки ўзарo келишув амал қилиш муддатларини, биргаликдаги фаолиятдан топилган даромадни тақсимлаш тартиби ва даврийлигини, битим талабларини бузганлик учун иштирокчининг жавобгарлиги, шерикликдаги фаолиятни амалга ошириш учун ҳар бир иштирокчи киритган мулкларнинг қиймати, шакллари ва рўйхати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак. Агар шартномада бошқача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, иштирокчиларнинг умумий мулкдаги улуши ҳар бирининг шерикчиликда фаолиятни амалга ошириш учун киритилган мулки қийматига мутаносиб миқдорда аниқланади. Шартномада ҳамкорликдаги фаолиятдан олинган даромаднинг бир қисмини хайрия мақсадларига ишлатиш кўзда тутилган бўлиши мумкин.

Ислomий банк иштирок этган оддий шерикчилик шартномасидаги фаолиятдан олинган иштирокчиларнинг даромади, умумий харажат ва зарарлар, агар шартномада бошқача ҳолат кўзда тутилмаган, умумий мулкдаги улушга мутаносиб тарзда тақсимланади. Ислomий банк иштирокидаги оддий шериклик даромадлари кутилаётган даромадни ҳисобга олмай, амалдаги натижалар бўйича тақсимланиши шарт. Оддий шериклик иштирокчисининг даромади ўрнатилган миқдордаги пуллар шаклида белгиланиши мумкин эмас.

Оддий шериклик билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича оддий шерикликнинг умумий мулки етарли бўлмаган тақдирда, унинг иштирокчилари умумий мулкдаги улушларига мутаносиб жавобгар бўладилар.

Ҳуқуқий шахсни ташкил этиш билан боғлиқ шериклик қилиш тўғрисидаги шартномаларга, агар шартномада бошқача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, ҳуқуқий-ташкилий шахс таъсис шартномаси тўғрисидаги мос қоидалар татбиқ этилади. Маълум бир ҳуқуқий-ташкилий шаклдаги ҳуқуқий шахсни ташкил этиш шартномаси тузиш учун Қозоғистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган маълумотлардан ташқари, ҳуқуқий шахс ташкил этган ҳолда шерикчилик қилиш бўйича шартномада шерикчилик муддати ва мақсадлари, ҳар бир иштирокчининг ҳуқуқий шахсга киритган улушига мутаносиб даромадни тақсимлаш шартлари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Исломий банклар мулкни лизинг (ижара)га бериш шартлари асосида инвестицион фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Мулкни лизинг (ижара)га бериш шартлари асосида инвестицион фаолиятни амалга ошириш бўйича исломий банкка нисбатан молиявий лизинг ёки мулкни ижарага бериш тўғрисидаги қоидалар татбиқ этилади.

Исломий банк билан тузиладиган лизинг (ижара) шартномаси талаблари ижарага олинган мулкни пул эвазига сотиб олиш ҳуқуқини назарда тутиши мумкин эмас. Ижарага олинган мулкка бўлган эғалик ҳуқуқи лизинг олувчига алоҳида шартнома асосида ўтади. Лизинг тўловларини тўлаш бўйича мажбуриятни таъминлаш мақсадида шартномада мулк гарови талаблари кўзда тутилиши мумкин.

Агар исломий банкнинг низоми ва ички қоидаларида бошқача нуқтаи назар кўзда тутилмаган бўлса, лизинг ёки ижара бўйича битимлар исломий банк амалиётларини ўтказиш умумий қоидаларига мувофиқ тузилади ва исломий молиялаштириш таъминоти бўйича кенгаш томонидан алоҳида тасдиқланиши талаб қилинмайди.

Исломий банк банк амалиётларини ўтказишда агентлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга, унга кўра исломий банкнинг ўзи мижоз агенти сифатида иштирок этади ёки учинчи шахсни ўзининг агенти қилиб тайинлайди.

«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунга кўра, исломий қимматли қоғозлар – исломий молиялаштириш та-

мойилларига мувофиқ шартлар асосида чиқарилган эмиссион қимматли қоғозлар бўлиб, ўз эгасига моддий активларнинг бўлинмас улушига ёки активлар ва уларни ишлатишдан келади-ган даромадни тасарруф этиш ҳуқуқини, аниқ лойиҳалар активлари ёки хизматларни молиялаштириш учун чиқарилган мазкур қимматли қоғозларга эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқлайди.

Қуйидагилар исломий молиялаштиришнинг асосий қоидалари ҳисобланади:

– исломий қимматли қоғозларни чиқаришда эмитент исломий қимматли қоғозларнинг қийматидан фоиз кўринишидаги устама ҳисоблаши ҳамда исломий қимматли қоғозлар бўйича даромадни кафолатлаши мумкин эмас;

– исломий қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш натижасида олинган маблағлар тамаки, алкоголь маҳсулотлари, курол-яроғ ва ўқ-дори, қимор бизнеси ҳамда исломий молиялаштириш тамойиллари бўйича кенгаш молиялаштиришни ман этган бошқа тадбиркорлик шаклларига йўналтирилиши мумкин эмас.

Исломий қимматли қоғозларга қуйидагилар киради:

- исломий инвестиция жамғармалари акция ва пайлари;
- исломий ижара сертификатлари;
- исломий иштирок сертификатлари;
- Қозоғистон Республикаси қонунчилигига кўра исломий қимматли қоғозлар деб тан олинган бошқа қимматли қоғозлар.

Исломий инвестиция жамғармалари пайларининг эмитентлари инвестицион портфель бошқарувчилари ҳисобланадилар. Исломий ижара сертификатлари ва исломий иштирок сертификатларининг эмитентлари исломий махсус молия компаниялари ҳисобланади.

Исломий ижара сертификатлари исломий махсус молия компаниялари томонидан чиқариладиган исломий қимматли қоғозлар ҳисобланади, уларни муомалага чиқаришда амал қилиш муддати аввалдан белгиланган бўлади, сертификат ушловчилар (сертификат эгалари), агар ушбу бандда бошқа нуқтаи назар кўзда тутилмаган бўлса, ижара (молиявий лизинг) шартномаси бўйича даромад олиш ҳуқуқини кўлга киритадилар.

Исломий ижара сертификатлари уни ушловчилар (эгалари)га қуйидаги ҳуқуқларни беради:

– ижара (молиявий лизинг) шартномаси бўйича даромад олиш, исломий махсус молиявий компания давлат муассасаси бўлган ҳолат бундан мустасно;

– исломий махсус молия компанияси давлат муассасаси бўлган ҳолатда, субижара шартномаси бўйича даромадларни олиш;

– сертификат эгасига, исломий ижара сертификатлари сонига мутаносиб миқдорда, жойлаштирилган исломий ижара сертификатлари умумий сонига нисбатан мос пул миқдори олиш имконини беради;

– исломий ижара сертификатларини эмиссия проспектида кўрсатилган эмитент (оригинатор)нинг фаолияти ҳақида, шунингдек, эмитентнинг молиявий ҳисоботлари билан танишиш учун маълумот олиш;

– жамиятни рўйхатга олувчидан ёки исломий ижара сертификатларининг эгаллик ҳуқуқини тасдиқлайдиган номинал сертификат ушловчидан ҳужжатлар кўчирмаларини олиш.

Исломий махсус молия компанияси исломий ижара сертификатларини чиқариш учун ташкил этилади, сертификатларни жойлаштириш натижасида олинган маблағларга мулк сотиб олинади ҳамда махсус компания исломий ижара сертификатлари ушловчилари ўртасида мазкур мулкни ижарага бериш шартномаси бўйича тушган тўловларни тақсимлайди, давлат муассасалари бундан мустасно.

Ташкилий-ҳуқуқий шакли давлат муассасаси ҳисобланган исломий махсус молия компанияси исломий ижара сертификатлари чиқаришни амалга оширади ҳамда субижара шартномаси бўйича тушган тўловларни исломий ижара сертификатлари ушловчилари ўртасида тақсимлайди.

Исломий ижара сертификатларининг муомалада юриши исломий махсус молиявий компания ажратилган активлари таркибига кирувчи мулкнинг ижара шартномаси тузилганидан кейин амалга ошиши мумкин, исломий махсус молия компанияси давлат муассасаси ҳисобланиши ҳолатлари бундан мустаснодир.

Агар исломий махсус молия компанияси давлат муассасаси бўлса, исломий ижара сертификатларининг муомалада юриши исломий махсус молия компания ажратилган активларига кирувчи мулк бўйича субижара шартнома тузилганидан кейин мумкин бўлади.

Оригинатор мулкни исломий махсус молия компаниясидан қайта сотиб олган ҳолатда, исломий ижара сертификатлари чиқариш проспектида исломий ижара сертификатларини муддатидан олдин сўндириш кўзда тутилиши мумкин.

Давлат муассасаси томонидан чиқарилган исломий ижара сертификатларини муддатидан олдин сўндириш, оригинатор ва исломий махсус молиявий компания ўртасидаги мулкни ижарага олиш шартномаси бекор қилинган тақдирда амалга ошади.

Иштирок этиш исломий сертификатлари исломий қимматли қоғозлар ҳисобланади, улар янги инвестицион лойиҳани ташкил этиш, мавжуд инвестицион лойиҳаларни ривожлантириш ёки оддий шерикчилик шартномаси асосида тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш ёки ташкилий-ҳуқуқий ҳиссадорлик жамияти шаклида ҳуқуқий шахс ташкил этиш билан ёки масъулияти чекланган шерикчилик учун жалб қилинган маблағлардан фойдаланиш мақсадида, аввалдан ўрнатилган муомала муддати билан исломий махсус молия компания томонидан чиқарилади.

Оригинатор исломий махсус молия компаниясига тегишли акцияларни ишончли бошқаришни амалга ошириш ва инвестицион лойиҳага мулк киритиш йўли билан инвестицион лойиҳада иштирок этади. Иштирок этиш исломий сертификатлари инвестицион лойиҳа амалга ошириш бошланганидан кейин муомалага чиқади. Иштирок этиш исломий сертификатларини жойлаштириш натижасида олинган маблағнинг камида 10% и инвестиция қилинганда, инвестицион лойиҳани амалга ошириш бошланган ҳисобланади.

Иштирок этиш исломий сертификати проспекти шартларига мувофиқ, инвестицион лойиҳа бўйича даромад оригинатор ва исломий махсус молия компания ўртасида тақсимланади. Оригинатор иштирок этиш исломий сертификати чиқариш проспектида кўрсатилган миқдорда устама комиссияси олиш ҳуқуқига эга.

Оригинатор қуйидаги ҳолатларда иштирок этиш исломий сертификатларини қайта сотиб олади:

– иштирок этиш исломий сертификатлари чиқариш проспектида кўрсатилган ҳолатда;

– иштирок этиш исломий сертификатлари бўйича касод (дефолт) ҳолатида;

– исломий махсус молия компаниясини тугатиш ҳақида қарор қабул қилинганда.

Оригинатор инвестицион лойиҳани амалга оширувчи ҳуқуқий шахснинг тугатилиши бўйича ташаббус билан чиқса, иштирок этиш исломий сертификатларини муддатидан олдин сўндиришни амалга оширишга мажбурдир. Оригинатор тугатилган тақдирда, оддий шерикчилик шартномаси амал қилишни тўхтатади. Иштирок этиш исломий сертификат эгалари вакили мазкур инвестицион лойиҳа таркибидаги мулкни сотади, ундан тушган пул иштирок этиш исломий сертификатлари эгаларининг мана шу сертификатларни чиқариш ҳажмидаги улушларига мувофиқ тўлаб берилади.

Иштирок этиш исломий сертификатларини чиқариш шартларида кўзда тутилган ҳолларда, сертификат эгалари оригинатор билан биргаликда молиялаштириш учун инвестицион лойиҳаларни танлашда қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Исломий қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш натижасида олинган маблағлар ҳисобига молиялаштириш объектларини исломий молиялаштириш тамойилларига мувофиқлигини аниқлаш, исломий банкнинг исломий молиялаштириш тамойиллари бўйича кенгаши ёки алоҳида шартнома асосида жалб этилган исломий молиялаштириш тамойиллари бўйича кенгаш томонидан амалга оширилади. Исломий молиялаштириш тамойиллари бўйича кенгаш қарор қабул қилишда мустақилдир.

Исломий махсус молия компанияси – исломий қимматли қоғозларни чиқаришни амалга оширувчи ҳиссадорлик жамияти ёки масъулияти чекланган шерикчилик ҳамда бюджет ижроси бўйича ваколатли марказий ташкилот (давомида – давлат муас-

сасаси) ташкилий-ҳуқуқий шаклида ташкил этиладиган юридик шахсдир.

Исломий махсус молия компанияси ушбу компанияга ажратилган активларни ёки мулкларни берувчи оригинатор томонидан ташкил этилади, давлат муассасалари бундан мустаснодир. Агар исломий махсус молия компанияси фаолиятини давлат муассасаси ташкилий-ҳуқуқий шаклида олиб борадиган бўлса, ажратилган активлар ёки мулк бундай компанияларга ижара шартномаси бўйича берилади. Исломий махсус молия компаниясининг низом жамғармаси фақат пул ҳисобига шакллантирилади. Бир эмиссия доирасидаги барча исломий қимматли қоғозлар учун уларни биринчи марта жойлаштиришдаги номинал қиймат ягона ҳисобланади ва у исломий қимматли қоғозлар чиқариш проспектида аниқланади.

Исломий махсус молия компаниясига ажратилган активлар – исломий махсус молиявий компания томонидан сотиб олинган мулк ва талаб қилиш ҳуқуқи бўйича тушумлардир. Ажратилган активлар исломий махсус молия компаниясининг ўз маблағларидан алоҳида ҳисобга олинади.

Исломий махсус молиявий компания ажратилган активлар бўйича тушумларни фақат ўзи тарафидан чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича мажбуриятларни бажаришга ҳамда ушбу қимматли қоғозлар бўйича захира жамғармаларини ташкил этишга ишлатиши мумкин.

Қозоғистон Республикасининг «Инвестиция жамғармалари тўғрисида»ги қонунига кўра, исломий молиялаштириш таъйинларига риоя этган ҳолда жамғарма активларини инвестиция қилишни амалга оширувчи ёпиқ пай инвестиция жамғармаси ёки ҳиссадорлик инвестиция жамғармаси исломий инвестиция жамғармаси ҳисобланади.

Исломий инвестиция жамғармаларининг исломий қимматли қоғозлари эгаси вакилининг мажбуриятлари кастодиан¹ томонидан амалга оширилади. Исломий инвестиция жамғармасининг инвестиция декларацияси исломий молиялаштириш таъйинла-

¹ *Кастодиан* – мижознинг топшириғига кўра ишонч асосида қимматли қоғозларни қабул қилувчи ва сақловчи банк.

рига мувофиқ келиши ва исломий молиялаштириш тамойиллари бўйича кенгаш билан мувофиқлаштирилиши керак.

Бугунги кунда исломий молиялаштириш амалиётлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг меъёрий асоси ҳисоблар режасига (исломий молиялаштириш амалиётлари ҳисоби учун махсус баланс ҳисоб варақлари) қўшимчалар ва исломий махсус молия компаниялари ҳамда исломий банклар учун молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисоби бўйича йўриқномаларни ўз ичига олади.

Чунки Қозоғистондаги оммавий аҳамиятга эга ташкилотлар МҲХС (Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари)ни татбиқ этишга мажбурдирлар. Исломий банклар учун бухгалтерия ҳисоби тартибларни яратишда дастлаб бирмунча қийинчиликлар бўлди, бу МҲХС исломий молиялаштириш амалиётлари ҳисоби учун махсус меъёрларни ўз ичига олмагани билан изоҳланади.

Натижада ҚРнинг бухгалтерия ҳисоби бўйича қонунчилик базаси ААОИҒИ ва МҲХС (Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари) стандартлари ва умумий тамойиллари асосида ишлаб чиқилди. Хусусан, ижара амалиётлари бухгалтерия ҳисоби тартибини таҳрир этиш талаб қилинди, чунки ААОИҒИ меъёрларига кўра, ушбу амалиёт фақат амалий (операцион) ижара (ҳақиқатдаги эгалик ҳуқуқига асосан ижарага берувчининг балансида) сифатида ҳисобга олиниши лозим эди, шу билан бирга МҲХС бўйича ижара амалиётининг моҳиятидан келиб чиқиб, у молиявий ёки амалий ижара сифатида ҳисобга олиниши лозим. Умуман, Миллий банк ААОИҒИ стандартларини МҲХС талабларига мослаштиришда моҳиятнинг шаклдан устунлиги қоидасини маҳкам тутди.

ҚР Миллий банки йўриқномаларида исломий махсус молия компаниялари ва исломий банкларнинг қарийб барча: музораба, муробаҳа, ижара, мушорака, истисноъ ва сукук амалиётлари инobatга олинган.

11.3. Секторнинг 2014 йилда ривожланиши.

Қозоғистон Республикасида исломий молиялаштириш маблағларини жалб қилиш ва жойлаштириш амалга ошириладётган куйидаги молиявий муассаса ва воситаларни ажратиб кўрсатиш мумкин: исломий банклар; исломий қимматли

қоғозлар; исломий суғурталаш (такофул); исломий инвестиция жамғармалари; исломий микромолиявий муассасалар.

Исломий банкинг. Ҳозирги вақтда Қозоғистон Республикасида битта исломий банк – «Al-Hilal» исломий банки» АЖ ишлаб турибди. Al Hilal Bank Public Joint Stock Company (Абу Даби, БАА) банкнинг 100% акцияларига эгалик қилади. 2013 йилнинг сентябрида Al Hilal Bank нинг ягона ҳиссадорига халқаро рейтинглар берилди. Fitch Ratings халқаро агентлиги «А+» барқарор, Moody’s агентлиги эса «А1/Р-1» рейтингини берди.

2009 йилда банк қонунчилигига мувофиқ Қозоғистондаги Al Hilal банкига банк холдинги мавқеи берилди. Банк 2 та бўлимга эга (Остона, Чимкент). Банк ICD раҳбарлиги остида тузилган маҳаллий ижара компаниясининг ҳаммуассиси ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда банк ўзининг мижозларига молиялаштиришнинг қуйидаги воситаларини таклиф этмоқда:

- корпоратив муробаҳа (Corporate Murabaha Facility);
- товар муробаҳаси (Commodity Murabaha Facility);
- ижара (Ijarah Muntahiya bi tamlek) (эғалик ҳуқуқини

ўтказиш билан боғлиқ лизинг).

Жорий ва депозит ҳисоб варақлари АҚШ доллариди, еврода ва тенгеда очилади. Банк, шунингдек, БАА дирҳамларида жорий ҳисоб варақ очиш имкониятини беради. Пулларни ўтказиш, валюта алмаштириш, ҳисоб-касса хизмати кўрсатиш каби қўшимча банк хизматлари амалга оширилиши мумкин.

Мижоз томонидан банкда очилган банк ҳисоб варағи шариат талабларига мувофиқ келади, келишувга боғлиқ равишда жорий ёки музораба ҳисоб варақларини қўшиш мумкин.


Муддатли депозит (музораба ҳисоб варағи). Музораба ҳисоб варағи шартларига кўра, маблағлар эгаси ҳисобланган мижоз (раб ал-мол) банкнинг музораба ҳисоб варағида жойлаштирилган ўзининг маблағларини, банк ихтиёр этган тартиб бўйича шариат талабларига мувофиқ кўзда тутилган музораба жамғармасига инвестиция қилишга банкни вакил қилади. Музораба маблағлари банк омонатчилари ва ҳиссадорларининг маблағлари киритилган ҳамкорликдаги инвестиция жамғармасига инвестиция қилинади ва банклар томонидан шариат қоидаларига мувофиқ чекловлар-

сиз ишлатилади. Депозит (омонат)га қўйиладиган асосий талаблар қўйидагилардан иборат:

- шариат меъёрлари ва қоидаларига мувофиқлик;
- депозитнинг асосий миқдори ва фойда банк томонидан кафолатланмайди;
- ҳисоб варақларда инвестицион жамғармани ҳисобга олган ҳолда, фойда (банк кафолатламайдиган) ёки зарар юзага келиши мумкин;
- омонат муддати белгилаб қўйилади. Депозитлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга жойлаштирилади;
- депозитнинг минимал миқдори 5000 доллар ёки унга эквивалент бошқа валютада бўлиши керак;
- депозитни очиш учун мижоз жорий ҳисоб вараққа эга бўлиши лозим.

2014 йилнинг бошида Al Hilal банк активлари улуши Қозоғистон Республикаси банк тизимининг 0,11% ини ташкил этди, активларнинг миқдори мутлақ қийматда 17 млрд. тенгега етди.

Банк активлари таркибининг 65,1% и товар муробаҳаси шартномалари бўйича дебитор қарздорлик ва 21% и ваколат инвестиция депозитлари ҳамда ижара шартномаларига тўғри келади. Товар муробаҳаси бўйича пайдо бўлувчи қарздорлик 2012 йилда 3 мартага ўсди ва 7,4 млрд. тенгени ташкил этди. Қарздорлик



11.2-расм. «Al Hilal банк» АЖ асосий кўрсаткичларининг ўзгариш суръати.

кўчмас мулк, кўчар мулк, товар-моддий захиралар, корпоратив кафолатлар ва пул депозитлари билан таъминланган. 11.1-жадвалда «Al Hilal банк» АЖ товар муробаҳаси шартномалари бўйича қарздорлик таркиби тармоқлар кесимида берилган.

11.1-жадвал

**Товар муробаҳаси шартномалари бўйича
қарздорликнинг тармоқ таркиби**

Кўрсаткичлар	2012		2011	
	м. тенге	улуши, %	м. тенге	улуши, %
Озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси	4106584	55,23	1397080	56,497
Қурилиш	1486414	19,99	1075764	43,503
Машина ва асбоб-ускуналар савдоси	1358992	18,28		
Транспорт хизмати	484046	6,51		
Жами	7436036	100,0	2472844	100,00
Манба: Al Hilal банк				

Шуни қайд этиш керакки, мижозлар маблағларини жалб қилиш соҳасидаги банкнинг сиёсати етарли даражада самарали амалга оширилмаяпти. 2012 йилнинг охирида банк томонидан инвестиция қилинган маблағлар умумий миқдорининг атиги 8% и мажбуриятлар улушига тўғри келади.

2012 йилда банк томонидан 303,6 млн. тенге миқдоридан соф фойда олинди, бу 2011 йил якуни бўйича қайд этилган 143,4 млн. тенге зарарга караганда анчагина яхши кўрсаткич ҳисобланади.

Банкнинг ривожланиш стратегиясига кўра, банк корпоратив мижозларга молиялаштириш маблағларини бериш соҳасида ҳамда жисмоний шахсларга хизматлар кўрсатиш, депозит маблағларини жойлаштиришда VIP-мижозларга хизмат кўрсатишга устуворлик бермоқда.

Иқтисодиётни молиялаштиришда банк учун қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон саноати ва нефть саноати, ишлаб чиқариш, савдо ва дистрибьютерлик хизматлари, халқ истеъмоли моллари,

транспорт ва алоқа соҳаларининг устуворлиги белгилаб олинди.

Шуни қайд этиш лозимки, банк кичик ва ўрта бизнесни ҳамда жисмоний шахсларни молиялаштирмайди, шунга кўра чакана молиялаштириш ички манбаларига рухсат мавжуд эмас. Маҳаллий ҳамжамият анчадан буён дастлабки исломий банкдан, чакана бозорга ҳамда кичик ва ўрта бизнесга чиқишнинг бирон-бир йўлини кутиб турибди.

Исломий қимматли қоғозлар. Ҳозирги вақтда Қозоғистонда давлат исломий қимматли қоғозлари ва ҚР резидентлари бўлган ҳуқуқий шахсларнинг исломий қимматли қоғозларини чиқаришни кўзда тутувчи қонунчилик асоси яратилган. Аввал ҳам айтиб ўтилганидек, мамлакат қонунчилиги фақат 2 шаклдаги қимматли қоғозларни назарда тутуди: исломий ижара сертификатлари (ижара сукуки) ва иштирок этиш исломий сертификатлари (мушорақа сукук). Шу билан бир қаторда жаҳон амалиётида сукукнинг 14 та шаклидан ҳамда лойиҳага боғлиқ равишда уларнинг турли комбинацияларидан (аралаш сукуклар) фойдаланилади.

2012 йилда «Қозоғистон ривожланиш банки» ХЖ Қозоғистон фонд биржасига дастлабки сукук чиқаришни йўлга қўйишга уриб кўрди. Лекин тартибга олиш, солиққа тортиш ва Қозоғистон бозорининг муассасавий таркиби билан боғлиқ кўплаб муаммолар туфайли, исломий қимматли қоғозлар Малайзия бозорига жойлаштирилди. «Қозоғистон ривожланиш банки» ХЖ МДХ ҳудудида дастлабки сукук эмитенти бўлди. Банкнинг сукуки асосий кўрсаткичлари 11.2-жадвалда берилмоқда.

11.2-жадвал

**2012 йилда «Қозоғистон ривожланиш банки»
ХЖ томонидан чиқарилган сукук кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлари	Хусусиятлари
Сукук шакли	Sukuk Commodity Murabahah (товар муробаҳаси сукуки)
Чиқарилган умумий ҳажми	1,5 млрд. Малайзия ринггити

Биринчи эмиссия ҳажми	240 млн. Малайзия ринггити ёки 76 млн. доллар
Чиқарилган муддати	2012 йилнинг 3 августи
Сўндириш муддати	2017 йилнинг 3 августи
Рейтинг	S&P:BBB+, Fitch: BBB, Moody's: Baa3, RAM:AA2
Қонунчилик	Малайзия қонунчилиги
Қиймати	100%
Даромадлилик ставкаси	5,5 % Малайзия ринггитида, 4,95 % АҚШ долларида
Листинг	Қозоғистон фонд биржаси
Манба: Қозоғистон ривожланиш банки	

Банк томонидан берилган маълумотга кўра, чиқарилган сукукларнинг 45% и активларни бошқариш бўйича жамғармалар, 34% и суғурта компаниялар ва 21% и банклар томонидан сотиб олинган. Худудий кесимда сукукнинг 62% и Малайзия ва 38% и Қозоғистон худудидаги инвесторлар томонидан сотиб олинган.

Исломий суғурталаш (такофул). Ҳозирги вақтда «исломий суғурталаш» тушунчаси ҳамда исломий суғурта компаниялар фаолиятини тартибга солишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Мувофиқ суғурта қонунчилиги мавжуд эмаслиги сабабли, 2010 йилда Қозоғистонда ўзаро суғурталаш жамияти бўлмиш биринчи исломий суғурта компания «Такофул» (ОВС Такофул) рўйхатга олинди.

Компания ўз олдида қуйидаги мақсадларни қўйган:

- Қозоғистон бозорида исломий суғурталаш хизматларини тақдим этиш;
- Қозоғистон Республикасида исломий суғурталаш тизими-ни ривожлантириш локомотиви бўлиш;
- исломий суғурта бозорининг ҳар томонлама ривожланиши-га кўмак бериш;

- суғурта бозорида муносиб рақобатчи бўлиш;
- мижозларнинг юқори даражада ҳимояланишини таъминлаш.

2010 йилда суғурта компанияси томонидан 70 тадан ортик полислар берилди. 2011 йилда эса янги маҳсулот – ихтиёрий тиббий суғурталаш жорий этилди.

Ҳозирги вақтда ОВС Такофул ўз мижозларига қуйидаги суғурта маҳсулотларини таклиф этмоқда:

а) чет элга чиқувчи сайёҳларни ихтиёрий тиббий суғурталаш. Ушбу маҳсулот доирасида қуйидаги дастурлар назарда тутилган:

- «Ҳаж»-такофул – ҳаж ва умра сафарлари билан муқаддас жойларни зиёрат қилувчи фуқароларни суғурталаш;

- «Сайёҳлик» – чет элларга сайёҳлик ёки дам олиш мақсадларида кетаётган сайёҳларни суғурталаш;

- «Ўқув» – чет элларга ўқишга кетаётган талабаларни такофул-суғурталаш;

- «Иш» – чет элларга амалий фаолият, ёлланма иш, сафарга кетаётган фуқароларни такофул-суғурталаш;

- «Виза» – чет элларга бошқа мақсадларда кетаётган фуқароларни такофул-суғурталаш;

б) бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурталаш;

в) ихтиёрий тиббий суғурталаш.

Суғурта қилдирувчиларнинг бадалларини бошқариш учун ОВС Такофул 11.3-расмда берилган «агент + вақф» усулидан фойдаланади.

Такофул компаниялар ривожланишини суғурталашнинг оддий шаклларига рақобат сифатида кўриб чиқиш керак эмас. Секторнинг янада ривожланиши тармоқ учун махсус қонуннинг қабул қилинишига, Қозоғистон иқтисодиётининг ўсишига ва мазкур шаклдаги хизматларга (ҳалол компаниялар ва улар ходимларини суғурталаш) эҳтиёжларнинг ошишига боғлиқ бўлади.

Исломий инвестиция жамғармалари. Қозоғистон Республикасининг «Инвестиция жамғармалари тўғрисида»ги қонунда исломий инвестиция жамғармаларини тузиш имконияти назарда тутилган.



11.3-расм. ОВС Такофулнинг «агент+вақф» усули.

«Fattah Finance» ХҶи – шариатга мувофиқ молиявий хизматлар кўрсатувчи ва исломий инвестиция жамғармаларини бошқарувчи биринчи брокерлик компаниясидир. 2009–2011 йилларда «Fattah Finance» ХҶи Малайзиянинг Amanah Raya давлат компанияси билан ҳамкорликда Қозоғистон инвестицион ҳаж жамғармасини ташкил этди, ҳаж жамғармаси – шариат тамойиллари асосида ишловчи инвестиция жамғармаси бўлиб, ҳаж ёки умра зиёратини адо қилиш истагида бўлган аҳолининг жамғармаларини инвестицияга йўналтиради. Лекин аҳоли ва ижро ҳокимияти тарафидан қизиқиш паст бўлганлиги боис, жамғарманинг фаолияти у қадар кенг тарқалмади.

2011 йилда Қозоғистон Республикасида Қозоғистон мусулмонлари диний идорасининг закот жамғармаси иш бошлади, у закот ва хайрия маблағларини йиғиш мақсадларига эга тақсимловчи марказ ҳисобланади. Қозоғистонда закот жамғармасига маблағларни тўлаш кўнгилли асосда амалга оширилади. Закот жамғармаси исломий иқтисодий тизимнинг асосий таркибларидан бири бўлган вақф андозасига асосланади.

Вақф воситасининг моҳияти хайрия сифатида берилган мулкни аҳоли ва давлатнинг манфаатларини ҳисобга олиб, ти-

жорат мақсадида ишлатиш учун махсус мақсадли жамғармага жалб қилиш ва жамлашдан иборатдир.

Исломий микромолиявий муассасалар. 2011 йилнинг июнида «Қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш жамғармаси» ХЖИ ИТБ билан қарз бериш тўғрисида келишувни имзолади, банк тараққиёт учун Ислом бирдамлик жамғармаси номидан маъмур сифатида қатнашган битимда 2014–2021 йилларда сўндириш шарти билан 9,7 млн. доллар маблағ берилади. Келишувни тузишдан кўзланган асосий мақсад Қозоғистон Республикаси ҳукуматида иқтисодий ўсиш ва қишлоқ жойларида иш ўринлари яратишга кўмак бериш ҳисобланади. Ушбу қарз бўйича кафил сифатида «КазАгрофинанс» ХЖ иштирок этади. ИТБ билан тузилган келишувга кўра, унинг грант маблағлари ҳисобига дастурий таъминот сотиб олинди, ўқув семинарлари ўтказилди, жамғарма учун махсус исломий кредитлаш услубияти ишлаб чиқилди.

Келишувга мувофиқ қарздорлар учун устама ставкаси 11,5% дан (воқелиқдаги шартларда ставка 9,5% ни ташкил этади) ошмаслиги, молиялаштириш миқдори 25 минг АҚШ долларигача бўлиши керак. Бунда қарз олувчиларнинг 50 % дан кам бўлмаган қисмини аёллар ташкил этиши лозим, лойиҳаларнинг камида 60% и қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилиши шарт.

2012 йилнинг июнида мазкур имтиёзли қарз бўйича 2 млн. доллар миқдоридаги биринчи транш олинди. ИТБнинг йиллик хизмат кўрсатиш фоиз ставкаси 0,7% ни ташкил этади.

Худди шу йили «Қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш жамғармаси» ХЖ «Сэтти» исломий молиялаштириш дастурини амалга оширишни бошлади. «Салам», «Муробаҳа» ва «Ижара» кредит маҳсулотлари тасдиқланди. Қайд этиш лозимки, тайёрланган учта маҳсулотдан фақат муробаҳа ишлатилмоқда, салам ва ижара маҳсулотлари ноқулай солиқ муҳити туфайли фаолият кўрсатмаяпти.

11.3-жадвалда Ислом тараққиёт банки маблағларидан қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ аҳолиси товар ишлаб чиқарув-

чиларини микрокредитлаш «Сэтти» (Муробаха) дастури шартлари берилган.

11.3-жадвал


«Сэтти» (Муробаха) микрокредитлаш дастури шартлари

Мезонлар	Хусусиятлари
Мақсадли гуруҳ	Қишлоқда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи қишлоқ аҳолиси, деҳқон ва фермер хўжаликлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва ҳуқуқий шахслар
Мақсадли ишлатилиши	Қарздорнинг буюртмаси бўйича (ҚР ҳудудида) унинг ўзига бўлиб тўлашга сотиш учун биологик актив, асосий воситаларни сотиб олиш
Қарз миқдори	25 минг АҚШ долларидан ортиқ бўлмаган миқдорда
Кредитлаш муддати	48 ойдан ошмаган муддатга
Даромадлилик ставкаси	Йиллик 9,5%
Қарзни сўндириш даврийлиги	Асосий қарз ва устамани сўндириш бир вақтнинг ўзида амалга оширилади: кредитлаш муддати мобайнида олдиндан буткул/ қисман сўндириш имконияти билан йилига 1 марта ва ярим йилда
Асосий қарз ва устамани сўндириш бўйича имтиёзли давр	Ойига/чоракда 1 марта 12 ойдан ошмаган муддатга
Таъминот	Жамғарманинг гаров сиёсатига мувофиқ
Эҳтимолий қарздорга қўйиладиган асосий талаблар	– кредитлаш учун буюртма берилган санага бюджетга мажбурий тўловлар ва солиқлар бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; – охириги ҳисобот санасига (буюртма берилган жорий ойга) иккинчи даражадаги банклар ва бошқа молиявий муассасалар олдида муддати ўтган қарздорликнинг йўқлиги; – ижобий кредит тарихи (кредит тарихи мавжуд бўлганда)

<p>Дастлабки бадал миқдори ёки қўшимча таъминот ва унинг шакллари</p>	<p>– олди-сотди шартномаси имзолангунига қадар қарздор киритадиган биологик актив/асосий воситалар қийматининг камида 10% и миқдорида дастлабки бадал ёки</p> <p>– биологик актив/асосий воситалар қийматининг 10% идан кам бўлмаган миқдорида ваколатли орган томонидан тасдиқланган банк-контрагентларнинг бевосита ва шартли мажбурияти бўйича сублимитларга мувофиқ, иккинчи даражали банкларнинг кафолати ёки олди-сотди шартномаси имзолангунига қадар сотиб олинadиган асосий воситалар/биологик активлар қийматининг 15% идан кам бўлмаган гаров қийматидаги ликвидли мулк</p>
<p>Алоҳида шартлар</p>	<p>Асосий восита/биологик активни етказиб бериш танлови қарздор томонидан амалга оширилади. Агар сотиб олинadиган асосий восита/биологик актив жамиятга гаров таъминоти сифатида берилadиган бўлса, у холда қарздор ҳисобига йиллик суғурталаш амалга оширилади.</p> <p>Лойиҳаларни молиялаштириш исломий иқтисодиёт қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши керак. Молиялаштирилиши мумкин бўлмаган маҳсулотлар ўз ичига қуйидагиларни олади, лекин бу билан чекланмайди: алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, ўқотар қурол, чўчкадан олинган маҳсулотлар ҳамда меҳмонхоналар, мотеллар ва меҳмонлар уйлари ҳамда атроф-муҳитга зарарли бўлган ҳар қандай бошқа фаолият.</p>
<p>Манба</p>	<p>Қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш жамғармаси</p>

11.4-расмда қишлоқ аҳолиси ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларини ИТБ маблағлари ҳисобидан микрокредитлаш (муробаҳа) чизмаси берилган.

2012–2013 йилларда «Сэтти» (Муробаҳа) дастури бўйича умумий миқдори 1328,5 млн. тенгелик 462 та лойиҳа молиялаш-



11.4-расм. Қишлоқ аҳолиси ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларини ИТБ маблағлари ҳисобидан микрокредитлаш (муробаҳа) чизмаси.

Манба: Қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш жамғармаси.


тирилди. 11.5-расмда ҳудудий кесимда 2013 йилдан 2014 йил апрелгача молиялаштиришнинг ўзгариш суръати берилган.

Қайд этиш лозимки, агар 2012 йилда муробаҳа дастури учирма лойиҳа сифатида учта вилоятда: Павлодар, Ақтобе ва Жанубий Қозоғистонда амалга оширилган бўлса, 2013 йилда Қозоғистоннинг барча вилоятлари исломий молиялаштириш афзалликларини баҳолаш имкониятига эга бўлдилар.

Қозоғистонда исломий молиялаштиришни ривожлантириш SWOT¹ таҳлили.

¹ *SWOT таҳлил* – стратегик режалаштириш усули бўлиб, ўзида ташкилотнинг ташқи ва ички муҳитини аниқлашни ақс эттиради, улар тўртта тоифага бўлинади: Strengths (кучли томонлар), Weaknesses (заиф томонлар), Opportunities (имкониятлар) и Threats (таҳдидлар).

2013 йилда вилоятлар кесимида «Муробаха» дастурини амалга ошириш 2014 йил 1 апрель ҳолатига, млн. тенге



11.5-расм. «Муробаха» дастурини амалга ошириш вилоятлар кесимида.

Мамлакатдаги жорий вазият исломий банклар иш бошлаши ва бозорда исломий банк маҳсулотларини таклиф этиш учун етарли даражада қулай ҳисобланади.

Исломий қимматли қоғозлар ва исломий банклар фаолияти ҳуқуқий асослари яратилган. Исломий молиялаштириш тизими, шунингдек, исломий суғурталашни жорий этишни янада ривожлантириш бўйича чоралар кўриб борилмоқда. Бундан ташқари, Қозоғистон Республикаси ҳукуматининг исломий молиялаштиришни ривожлантириш ва МДҲ мамлакатларида Қозоғистоннинг ҳудудий молиявий марказ сифатида шаклланишидан манфаатдорлиги мавжуд.

Молиявий инқироз шароитида аҳолининг анъанавий молиявий тизимга ишончи сезиларли равишда пасайди. Шу билан бирга жаҳон амалиётида ижтимоий масъул инвестициялаш (ахлоқий инвестициялаш) қоидаларини ривожланиш тенденцияси мавжуд бўлиб, унда нафақат фойданинг юқори чўққисига эришиш, балки жамият учун ижтимоий, атроф-муҳит ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш муаммолари ечимига йўналтирилган манфаат яратиш кўзда тутилган. Мана шундай жиҳатлар исломий молиялаштиришнинг ривожланиши учун имконият беради.

**Қозоғистонда исломий молиялаштириш ривожланиши
SWOT таҳлили**

Кучли тарафлари	Имкониятлар
<ul style="list-style-type: none"> – Давлат раҳбарининг қаттиқ қўллаб-қувватлаши ва унинг Олма-Отада 2020 йилгача исломий банкинг ҳудудий Марказини ташкил этиш бўйича реал стратегик мақсад топшириғи; – Исломий молиялаштиришни ривожлантириш Йўл харитасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали тизимли ёндашувга уриниш. Қозоғистон иқтисодиётини молиялаштириш учун ИТБ гуруҳидан қўшимча маблағларни жалб қилиш. Исломий қимматли қоғозлар ва исломий банкинг соҳасида махсус қонунчиликнинг мавжудлиги; – ҚР Миллий банки янги менежменти ягона тартибга солувчи сифатида ва ижобий натижаларга эришишдаги унинг дастаклари; – Исломий молиялаштиришни жорий этишда маълум муассасавий тажрибанинг мавжудлиги; – Al Hilal банк билан бўлган ҳолатда Бош банк ва БАА ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланиши, зарур ҳолатларда молиялаштиришга тайёрлик; – Дастлабки 5 йил якуни бўйича мазкур воситаларни муваффақиятли жорий этишга тўсқинлик қилувчи тўсиқ ва муаммоларни аниқ тушуниш; 	<ul style="list-style-type: none"> – ҚР Миллий банки янги раҳбарияти ва реструктуризация қилиш; – Молиялаштириш манбаларини, айниқса, кичик ва ўрта бизнес учун диверсификациялаш; – Қозоғистонда реал ишлаб чиқаришни рағбатлантириш; – Яқин Шарқ ва Ж. Шарқий Осиё мамлакатларидан инвестицион маблағлар жалб қилинган тақдирда Қозоғистон иқтисодиёти учун бевоқиф нафлар; – Исломий молиялаштиришни муваффақиятли жорий этган дунёвий давлат сифатида Қозоғистон обрўсининг кўтарилиши; – Анъанавий молиялаштириш томонидан лозим даражада қамраб олинган молиялаштириш бозорининг мавжудлиги (кичик ва ўрта бизнес субъектлари, аграр сектор); – Молиявий инқироз даврида анъанавий банкларга истемолчилар ишончининг пасайиши шароитида муқобил муассасалар мавқеини яхшилаш имконияти; – Қозоғистон аҳолисининг маълум бир қисми исломга риоя этгани сабабли, мазкур молиявий маҳсулотларга барқарор талабнинг қутилиши; – Исломий молиялаштириш таъйинлари ижтимоий тенгсизликни пасайтиришга ёрдам беради, ижтимоий адолатни мустаҳкамлайди;

<ul style="list-style-type: none"> – Кредит маблағларини мақсадли ва самарали ишлатиш; – Жаҳондаги исломий банклар банкротлик ҳолатининг мавжуд эмаслиги ва механизмлар барқарорлиги. Қозоғистон Республикасининг инновацион-саноат ривожланишини жадаллаштириш Давлат дастури ва иқтисодиётнинг реал ривожланишига нисбатан бевосита алоқадорлик; – МДҲда тармокни тартибга солишда орттирилган тажриба. 	<ul style="list-style-type: none"> – Муқобил молиявий маҳсулотлар пайдо бўлиши ҳисобига аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланиш имконияти кенгайди; – ҚР мавқеининг ушбу соҳада ҳудудий пешқадам сифатида мустаҳкамланиши, тажриба олиш ва алмашинув бўйича марказ бўлиш имконини беради; – Ушбу соҳанинг ривожига ғарб мамлакатлари қўллаб-қувватлашининг ошиб бориши; – Хизматлар кўрсатиш учун платформанинг кенгайиши ва тармоқ ребрендинги жараёнининг ижобий қабул қилиниши; – Судхўрлик қарз юкини пасайтириш ва мамлакатнинг тизим асоси бўла оладиган корхоналарини молиявий соғломлаштириш мақсадида, мамлакатнинг давлат ва хусусий корпоратив сектори доирасида жаҳонда муваффақият билан татбиқ этилаётган воситалар ва усулларни жорий этиш имконияти.
Ожиз тарафлари	Таҳдидлар
<ul style="list-style-type: none"> – Маҳаллий солиқ ва банк қонунчилигининг исломий молиялаштириш хусусиятига нисбатан бўшлиги ва тўлиқ мослашмаганлиги; – Ижро ҳокимияти томонидан расмий муносабат (ҚРнинг ҳудудий исломий марказ сифатида намоён бўлишига ҳукуматнинг илтифотсизлиги); – Исламий маҳсулотлар билан ишловчи тажрибали ходимлар тақчиллиги; – Паст даражада молиявий хабардорлик: аҳоли ва бизнеснинг исломий молиялаштириш маҳсулотлари тўғрисида боҳабар эмаслиги ва бошқа андозалар; 	<ul style="list-style-type: none"> – Фирибгарлик хатари. Сохта исломий молиялаштириш муассасасининг пайдо бўлиши аҳолининг умуман исломий молиялаштиришга ишончи йўқолишига олиб келади; – Исломофобия. Ушбу саноат терроризм ва экстремистик ташкилотларга алоқадорлиги тўғрисида турфа фикрлар мавжуд; – Менталитет ва маданий тафовутлар (истеъмол даражасида исломий тамойилларнинг қабул қилинмаслиги); – Анъанавий молиявий хизматларни таклиф этувчи ўзаро сўғурталаш жамиятлари ва микромолиявий ташкилотлар томонидан рақобат хавфи;

<ul style="list-style-type: none"> – Шўъба исломий молиявий ташкилотларнинг сиёсат ва юқори ташкилотлар фаолиятига қарамлиги; – Муслмон мамлакатларида шариат меъёрларини уйғунлаштириш зарурияти ва бир хил талкинда эмаслиги; – Исломий банкдан қарз олишнинг мураккаблиги. Исломий молиявий маҳсулотлар фойда ва зарарни тақсимлаш тамойилига асосланади, бу ҳужжатли шаффофлик ва қарздорнинг тўлов қобилиятини синчков таҳлил этишни талаб этади; – Аҳолининг буткул янги молиявий маҳсулотларга ишончсизлиги. Исломий молиялаштириш молиявий муассасаларнинг навбатдаги «ҳийласи» эканлиги ҳақида янглиш фикрлар; – Амалдаги қонунчиликда тизимликнинг йўқлиги, «мендан кетгунча...» қабалида иш тутиш; – Исломий молиявий маҳсулотларни солиққа тортиш билан боғлиқ жиддий муаммолар; – Исломий банкинг ҳудудий марказини ташкил этиш бўйича тадбирлар режасининг мавжуд эмаслиги; – Ушбу хизматлардан умумий фойдаланиш имконияти йўқлиги ва кучсиз тизимли силжишлар жамиятда турли афсоналарнинг пайдо бўлишига ва умидсизликка олиб келиши. 	<ul style="list-style-type: none"> – Йирик исломий инвесторлар кўз ўнгида инвестиция муҳитининг воқеликда яратилмаслиги, мавжуд фактларни расман тан олишни истамаслик; – Мазкур хизматларни фаол жорий этиш масаласига бир қатор давлат ташкилотларининг бефарқлиги ва ўта сустлиги; – Тушунмаслик натижасида маҳаллий тижорат банклари хусусий ҳиссадорлари тарафидан қаршилиқ кўрсатиш.
<p>Манба: ҚР Миллий банки материаллари асосида</p>	

Исломий молиялаштириш – Қозоғистон иқтисодиёти учун янги йўналиш бўлиб, унга бизнес тарафдан ҳам, аҳоли томонидан ҳам талаб мавжуд. Муқобил молиялаштириш маҳсулотларининг пайдо бўлиши аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланишга бўлган имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради. Лекин мавжуд кутишлар исломий молиялаштириш соҳасида

эҳтимолий мижозларнинг тажрибаси ва билими йўқлиги сабабли ҳамда банк ва молиявий қонунчиликнинг етарли даражада такомиллашмагани боис, жиддий тарзда бузиб кўрсатилиши мумкин. Мусулмон мамлакатларда шариат меъёрларининг бир хилда талқин этилмаслиги, исломий молиялаштириш соҳасида малакали мутахассисларнинг етишмовчилиги шароитида исломий молиявий маҳсулотларни тартибга солиш билан боғлиқ хатарлар ҳам мавжуд.

Умид қиламизки, Al Hilal банк ХЖ, «Қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш жамғармаси» ХЖ ва «Қозоғистон Ривожланиш банки» ХЖ каби мамлакат исломий молиявий бозор иштирокчилари мазкур хизматлар бозорини кенгайтиришнинг янги уфқлари ва имкониятларини очадилар. ИТБ гуруҳи кўмагида ташкил этилаётган Ижара компанияси, Қайта тикланувчи энергия жамғармаси ва (Заман банк асосида ташкил этилаётган) иккинчи исломий банк сингари янги таркиблар кичик ва ўрта бизнес ҳамда аҳолини ўз ичига олган мижозларнинг кенг доираси учун ўзларининг молиявий маҳсулотларидан воқеликда фойдаланиш имкониятини очадилар. Буларнинг барчаси Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан молиявий-инвестиция маблағларини жалб қилиш учун муассасавий воситаларни шакллантиришга кўмак бериши ва мамлакат ичида унинг реал иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш мақсадида маблағларни сафарбар қилиш имкониятини бериши лозим.

11.4. Ислом тараққиёт банки гуруҳининг Қозоғистондаги фаолияти.

Ислом тараққиёт банки Қозоғистонда исломий молиялаштиришни жорий этиш ва ривожлантиришда улкан вазифани бажаради. Қозоғистон ИТБга 1995 йилнинг ноябрида қўшилди. 1998 йилда бутун Марказий Осиё ва МДХда ягона бўлган ИТБнинг худудий офиси Олма-Ота шаҳрида очилди. Бутун дунёда мана шундай худудий бўлинмалар сони 4 тани ташкил этади (Малайзия, Марокаш, Сенегал). Ҳозирги кунда Қозоғистон ИТБ гуруҳига кирувчи тўртта ташкилотнинг аъзоси ҳисобланади: ИТБ, ICD, ICIEC, ISFD.

ИТБ иштирокида амалга оширилган энг аҳамиятли лойиҳалардан бири, Қозоғистондаги энг йирик «Ғарбий Европа – Ғарбий Хитой» транспорт йўлаги биринчи транш доирасида 170 млн. долларга молиялаштирилди. Иккинчи транш бўйича ҚР Молия вазирлиги ИТБ билан 104 млн. доллар миқдоридagi маблағ ажратиш тўғрисида келишувга эришди.

11.5- ва 11.6- жадвалларда ИТБнинг Қозоғистон учун молиялаштириш усуллари ва тармоқ кесимидаги молиялаштириш портфели берилган.

11.5-жадвал

**Қозоғистон учун ИТБ портфели молиялаштириш
усуллари кесимида**

Молиялаштириш усуллари	Амалдаги лойиҳалар		Яқунланган лойиҳалар		Ҳаммаси		
	Сони	Млн. долл.	Сони	Млн. долл.	Сони	Млн. долл.	Жамига нисбатан %
Техник ёрдам гранти	2	0,3	8	1,96	10	2,26	0,53
Имтиёзли қарзлар	0	0,0	3	26,02	3	26,02	6,36
Таракқиёт учун Ислоҳ бирдамлик жамғармаси қарзлари	1	10,0	0	0,0	1	10,0	2,13
Бўлиб тўлашга сотиш	0	0,0	2	13,5	2	13,5	3,28
Истисноъ	0	0,0	2	206,0	2	206,0	42,97
Молиялаштириш линиялари	0	0,0	6	204,7	6	204,7	44,73
Ҳаммаси	3	10,3	21	452,18	24	462,5	100%
Манба: ИТБ							

**Қозғистон учун тармоқ кесимида ИТБнинг
молиялаштириш портфели**

Сектор	Амалдаги лойиҳалар		Яқунланган лойиҳалар		Ҳаммаси		
	Сони	Млн. долл.	Сони	Млн. долл.	Сони	Млн. долл.	Жамига нисбатан %
Таълим	0	0,0	2	0,37	2	0,37	0,09
Молия	3	10,3	6	204,7	9	215	46,93
Соғлиқни сақлаш	0	0,0	2	11,5	2	11,5	2,79
Саноат ва қазиб олиш	0	0,0	1	0,32	1	0,32	0,07
Ахборот-коммуникация технологиялари	0	0,0	2	9,23	2	9,23	2,24
Савдо	0	0,0	1	0,25	1	0,25	0,06
Транспорт	0	0,0	6	216,36	6	216,36	45,49
Сув таъминоти ва уй-жой хўжалиги хизмати	0	0,0	1	9,45	1	9,45	2,33
Ҳаммаси	3	10,3	21	452,18	24	462,48	100%
Манба: ИТБ							

ИТБ гуруҳи бўлинмаларининг фаолияти бозорга чиқиш босқичида турибди. ИТФС (Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси) ўзининг фаолиятини 2009 йилда бошлади, у икки маҳаллий тижорат банки учун 15 млн. доллар миқдорида 2 та савдони молиялаштириш линияларини маъқуллади. Лекин уларнинг бири (5 млн. доллар) 2009 йилги банк инқирози натижасида жиддий талафот кўрган БТА Банк-

нинг молиявий ҳолати ёмонлашгани сабабли бекор қилинди. Молиялаштиришнинг 10 млн. долларлик иккинчи йўналиши Нурбанк томонидан тўла ишлатилди. 2010 йилда ITFC давлатга тегишли Қозоғистонда асосий қишлоқ хўжалиги холдинги ҳисобланган КазАгронинг буғдойни экспорт қилиш учун экспорттолди молиялаштириш механизмини маъқуллади. ITFC нинг Қозоғистон учун маъқуллаган молиялаштириш миқдори қарийб 650 млн. долларни ташкил этади (2014 йил апрель).

ICD Қозоғистон Республикасида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун умумий миқдори 15,5 млн. долларлик иккита лойиҳани маъқуллади, улардан бири бекор қилинди.

ИТБнинг ҚРдаги офиси бошқарувчисининг фикрича, 1997 йилдан 2014 йилга қадар ИТБ гуруҳи томонидан Қозоғистонда 1,5 млрд. доллар миқдоридagi лойиҳалар молиялаштирилди.

11.5. Шерикчиликнинг мамлакат стратегияси.

2012 йилнинг октябрида ҚР ҳукумати ва ИТБ гуруҳи ўртасида Шерикчиликнинг мамлакат стратегияси имзоланди, унга кўра даставвал Қозоғистон иқтисодиётига тахминан 1,2 млрд. доллар инвестиция қилиш кўзда тутилган эди. Шерикчиликнинг мамлакат стратегияси ўрта муддатли ҳамкорликнинг янги андозаси ҳисобланади. Ҳамкорлик стратегияси доирасида ИТБ Қозоғистон иқтисодиётининг асосий тармоқларига уларнинг рақобатбардошлигини кўтариш учун кўмак беради ва иқтисодиётнинг мақсадли секторлари: транспорт, энергетик инфраструктура, қишлоқ хўжалиги, фан, ҳудудлараро ҳамкорлик, молиявий секторга катта миқёсдаги инвестицияларни йўналтиради. 11.6-жадвалда мамлакат стратегияси мақсадларини амалга ошириш учун ИТБ гуруҳи таклиф этадиган кўмак бериш чора-тадбирларининг қисқача мазмуни берилган.

ҚР Саноат ва янги технологиялар вазирлигининг фикрича, ИТБнинг стратегиясини амалга ошириш даврида (2012–2014 йиллар) 550 млн. долларга яқин миқдордаги лойиҳалар молиялаштирилди. Ушбу лойиҳалар ғалла бозоридаги савдони молиялаштириш, исломий молиявий хизматларни ривожлантириш

соҳасига тўғри келади. Исломий молиялаштириш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини жамғармасини ташкил этиш учун техник ёрдамга грантлар ажратилди. «Байтерек» холдинги билан ҳамкорликда 50 млн. доллар капиталига эга қайта тикланадиган энергетика жамғармаси, «Ижара» лизинг компанияси каби таркиблар ташкил этилди. Маҳаллий банкни исломий тижорат банкига айлантириш бўйича ишлар давом этмоқда. Ижтимоий тадбиркорлик корпорацияси билан ҳамкорликда Қарағанда вилоятида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳудудий жамғармаси ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Қозоғистон ICIES га аъзо МДХдаги ягона мамлакат ҳисобланади. Стратегия даврида лозим даражада ва маҳсулдор маркетинг тадбирлари орқали, ICIES Қозоғистон Республикасида ўзининг фаолиятини кенгайтириши кутилмоқда.

2014 йилнинг январида ICIES 2003 йилдан бери биринчи марта «Соколов-сарбай тоғ-кон ишлаб чиқариш бирлашмаси» ХЖ учун 37 млн. долларлик «Митсубиси» тоғ-кон ускунаси импортини суғурталаш бўйича лойиҳани маъқуллади.

11.7-жадвал

Ҳамкорликнинг мамлакат стратегияси мақсадларини амалга оширишдаги ИТБ гуруҳининг кўмаги

Йўналиш	Мақсад	ИТБ гуруҳи таклиф этаётган ёрдам
	2020 йилгача иқтисодиётни энг рақобатбардош даражага кўтариш бўйича мамлакат ҳукумати олдидаги мақсадга эришиш учун Қозоғистон энергетик инфратузилмаси ишончлилигини такомиллаштириш	– Молиялаштириш йўли орқали жанубий ва шимолий ҳудудлар ўртасидаги 500 кВт ли электр ўтказгичнинг янги тармоғи қуришга инвестиция қилиш (100 млн. доллар). Ҳозирги вақтда ушбу лойиҳа бўйича ТЭО ишлаб чиқилмоқда; – амалдаги электростанцияларни инвестиция қилиш орқали реконструкция қилиш учун, энергетик қувват коэффициенти доирасида амалдаги ишлаб чиқаришни мумкин бўлган кўрсаткичга қадар ошириш (100 млн. доллар);

<p>Рақобатбардошликни ошириш</p>		– янги гидроэлектр станцияси куришга инвестиция қилиш (100 млн. доллар).
	<p>PPP (давлат ва хусусий сектор шерикчилиги) лойиҳалари учун тартибга солувчи асосни яхшилаш орқали коммунал хизматлар етказиб бериш самарадорлигини такомиллаштириш</p>	<p>– амалдаги Концессиялар тўғрисидаги қонунни такомиллаштиришда иштирок этиш; – ИТБ қарз берувчи ёки маслаҳатчи сифатида қатнашган PPP лойиҳаларини юритиш бўйича ИТБнинг бошқа иштирокчи мамлакатлари билан тажриба алмашиш; – бошқа муқобил таркиблар билан муваффақиятли амалга оширилган исломий молиялаштириш маблағларини PPP секторига ҳам йўналтириш.</p>
	<p>Интеграллашган иқтисодий маконни яратиш мақсадида худудий алоқалар ва транспорт инфратузилмасини яхшилаш</p>	<p>– мавжуд ва янги транспорт инфратузилмасини яхшилаш ва модернизация қилиш, реконструкциялаш, куриш учун молиявий ёрдамни бериш; – транспорт тизими ва у билан боғлиқ хизматларни модернизация қилиш ва такомиллаштиришга техник ёрдам кўрсатиш; – муассасавий ислохотларни ўтказиш, реструктуризация қилиш ва имкониятларни мустаҳкамлаш, амалий самарадорликни оширишда ёрдам бериш; – транспорт тармоқларини бошқариш ва хизмат кўрсатиш, ишлатишда хусусий сектор иштирокини лозим даражада таъминлаш учун қонунчилик асоси ва сиёсатини қабул қилишда кўмаклашиш.</p>
<p>Иқтисодиётнинг номинерал сектори учун молиявий хизматлардан фойдалана олишни яхшилаш ҳисобига иқтисодий ўсиш манбаларини диверсификациялаш</p>	<p>– ICD нинг мушорақа, музораба, ижара, бўлиб тўлашга сотиш, муробаҳа, истисноъ сингари маҳсулотлари мавжуд молиялаштириш схемаларига қўшимчалар; – соғлом бизнес ва баланс таркибига эга компаниялар учун молиялаштириш маблағларини бериш; – исломий молиялаштириш соҳасида ноу-хауни кенг ёйиш мақсадида семинарлар (ITFC, IRTI, ҚР Миллий банки билан ҳамкорликда) ўтказиш.</p>	

Иқтисодийни диверсификациялаш	Қозоғистон товарларининг экспортини ривожлантириш ва илгари суриш	– экспортчи, трейдер, фермер ва бошқаларни зарур молиялаштириш маблағлари ва муқобил молиявий воситалар билан таъминлаш; – экспорт кредитларини суғурталаш бўйича давлат суғурта компанияси «КазЭкспортГарант» ХЖ билан қайта суғурталаш/биргаликда суғурталаш имкониятларини таъминлаш бўйича ҳамкорлик қилиш.
	Хусусий секторда бевосита чет эл инвестицияларининг диверсификациясига ёрдам бериш	– Қозоғистонга бевосита чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича инвестиция ва экспорт бўйича миллий агентлик «KAZNEXINVEST» ХЖ билан сиёсий хатарларни суғурта қилиш орқали ҳиссадорлик капиталини, молиялаштиришнинг инвестициялаш воситаларини, кредит кафолатларини суғурталаш сиёсатини инвестициялашни суғурталаш; – ИТБ берган техник ёрдам ва инвестицияларни илгари суриш бўйича дастурлар доирасида UNCTAD, UNIDO, Малайзия инвестицион ривожланиш корпорацияси каби ташкилотлар билан инвестицияларни рағбатлантириш бўйича ўз тажрибасини ишлатиш мақсадида ҳамкорлик қилиш.
	Тижорат банкларининг молиявий воситачилик вазифасини қўллаб-қувватлашга ёрдам бериш	Экспорт аккредитивлари, банк эмитентлари хатарларини суғурталаш бўйича исломий ва тижорат банклари билан кредитларни суғурталаш, ҳужжатли полисларини имзолаш.
	Олма-Ота шахрини исломий молия асосий секторларидан бири ҳисобланувчи молиявий марказ сифатида ташкил этилишига ёрдам бериш	Исломий молиявий сектор ўсишини рағбатлантирувчи тартибга солиш ва назорат қоидаларини узвий ва аниқ белгилаб олиш.
	Иқтисодий ўсиш учун исломий молияни тўлақонли ишлатиш	– Қозоғистон фуқаролари фойдаланиши учун муқобил ва қўшимча молиявий тизим сифатида исломий молиявий хизматлар саноатини ривожлантириб бориш;

Исломий молиявий хизматларни тақдим этиш учун кулай шароитларни яратиш	мақсадида кулай муҳитни яратиш	– исломий молияни иқтисодий ривожланиш учун ишлатиш: IFSI нинг барча секторларида (банкнинг, капитал бозори, такофул, микромолиялаштириш, закот) тезкор ўсишни таъминлаш.
	Такофул секторини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш	– исломий суғурталаш имкониятлари ва шароитларини яхшилаш; – такофул-компаниялар фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш бўйича янада фаол ташвиқот ишларини таъминлаш; – халқаро такофул-компаниялар билан алоқаларни йўлга қўйиш ва бизнесни ривожлантириш учун маслаҳат хизматлари кўрсатиш йўли билан «Такофул» ташкилоти билан мустақам алоқани таъминлаш.
	Қозоғистонда исломий банк ташкил этиш	Бозор эгилувчанлигини ошириш учун молиявий хизматларни кенгайтириш ва Қозоғистон молия секторини кучайтириш.
	Дастлабки босқичда қашшоқлик билан курашиш жамғармасини ташкил этиш йўли билан исломий молиявий хизматлар саноатининг барқарор ўсишини таъминлаш	– Қозоғистон мусулмонлари манфаати йўлида Закот жамғармаси имкониятларини ошириш, унинг сифати, фаолият дастурлари ва сонини кўтариш; – закот жамғармаси фаолиятини яхшилаш учун илғор тажрибалар алмашинувини таъминлаш.
Худудий интеграллашув (трансчегаравий ҳамкорлик)	Иқтисодиётнинг номинерал сектори маҳсулотлари экспортини ривожлантириш ва илгари суришни яхшилаш	– экспортни суғурта қилиш мавжуд тизимига қўшимчалар; – Қозоғистонда экспортни молиялаштириш учун 100 млн. доллардан ортиқ миқдорда ИТФС маблағларини йўналтириш; – буғдой экспорти учун 80 млн. доллардан ортиқ миқдорни йўналтириш; – муробаҳанинг икки даражали таркиби ва молиялаштириш линиялари орқали кичик ва ўрта бизнесни қамраб олиш;

		– ҳосил йиғими вақтида савдогарларга айланма капитал молиялаштириш маблағларини бериш.
	Савдонинг глобал тизими ва интеграцияси орқали мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш мақсадида самарали ва ҳаракатдаги тизимни яратиш.	– Қозоғистондан Ўзбекистон, Қирғизистонга бизнес жараёнлар экспорт/импорти таҳлилинини ўтказиш; – «экспортчининг заводи дарвозасидан импортчининг омборигача», шу жумладан, ҳужжатларни тайёрлаш, чегара назорати, транспортировка ва қайта ишлаш схемасини илгари суриш.
Манба: ИТБ ва ҚР ўртасидаги меморандум		

ИТФС нинг Қозоғистондаги савдони молиялаштириш амалиётлари мустақкам мавқени эгаллапти, Стратегияни амалга ошириш босқичида уни янада кенгайтириш режалаштирилган. 2010–2011 йил даврида халқаро бозорда қозоқ буғдойининг экспортолди таркибий молиялаштирилиши ИТФС нинг қисқа муддатли маҳсулотларига талабни пайдо қилди. ИТФС томонидан Қозоғистоннинг асосий экспорт товарлари, яъни буғдой, минераллар ва саноат мақсадидаги товарларни экспортолди молиялаштириш ҳажмини ошириш режалаштирилмоқда.

Назорат учун саволлар:

1. Қозоғистонда исломий молиялаштиришнинг ривожланиш тарихини сўзлаб беринг.
2. Қозоғистон Республикасида исломий банкингни ривожлантириш бўйича «Банк ва банк фаолияти тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» қонунларга киритилган ўзгартиришлар нималардан иборат?
3. Тармоқ жорий қонунчилигининг заиф томонлари нимада?
4. «2020 йилгача исломий молиялаштиришни ривожлантириш йўл харитаси»нинг асосий йўналишларини айтиб беринг.

5. Қозоғистон Республикасида исломий банклар фаолиятининг тамойиллари ва амалиётини баён этинг.

6. Қозоғистон Республикасида исломий қимматли қоғозларни муомалага чиқариш шакллари ва тамойилларини айтиб беринг.

7. Исламий молиялаштиришда оригинаторнинг вазифаси ва аҳамияти нималардан иборат?

8. Қозоғистонда Al Hilal банкнинг фаолияти мазмунини сўзлаб беринг.

9. Қозоғистон Тараққиёт банки жойлаштирган сукук кўрсаткичларини тушунтириб беринг.

10. ОВС Такофул фаолияти мазмунини баён этинг.

11. ҚРда микромолиявий ташкилотлар фаолияти мазмунини очиб беринг.

12. ҚРда исломий молиялаштириш ривожланишининг кучли ва заиф томонларини айтиб беринг.

13. ҚРда исломий молиялаштириш ривожланишининг имкониятлари ва унинг хатарларини санаб беринг.

14. ИТБнинг Қозоғистондаги фаолияти мазмунини айтиб беринг. ҚР ҳукумати ва ИТБ ўртасидаги шерикликнинг мамлакат стратегияси мазмуни нималардан иборат?

11-бобда фойдаланилган адабиётлар:

1. Қозоғистон Республикасининг 2009 йил 12 февралдаги «Исламий молиялаштириш ва исломий банкларни ташкил этиш ва улар фаолиятининг муаммолари бўйича Қозоғистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни.

2. Қозоғистон Республикасининг 2011 йил 22 июлдаги «Исламий молиялаштиришни ташкил этиш муаммолари бўйича Қозоғистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонуни.

3. Қозоғистон Президентининг исломий молиялаштиришни ривожлантириш бўйича 2012 йил 20 октябрдаги №61-17. 307-сонли топшириғи.

4. Қозоғистонда исломий молиялаштиришнинг ривожланиш тарихи // <http://www.nationalbank.kz/document/?docid=4680&switch=rus>.

5. Қонунчилик базаси // <http://www.nationalbank.kz/document/?docid=4678&switch=rus>.

6. Исломий молиялаштиришнинг долзарблиги // <http://www.nationalbank.kz/document/?docid=4674&switch=rus>.
7. ҚР Миллий банкининг 2013 йил учун йиллик ҳисоботи.
8. Қозоғистон Республикаси ҳукуматининг 371-сонли «2020 йилгача Қозоғистонда исломий молиялаштиришни ривожлантиришга доир Йўл харитаси» қарори.
9. www.istisna.kz.
10. *Yerlan A. Baidaulet. Kazakhstan: Ambitious for Setting up a Regional Hub for Islamic Finance in CIS// Chapter 14 / Willey's Islamic Finance Book, London, 2014.*
11. Global Islamic Finance Report 2011. – P. 295–297.
12. <http://www.fad.kz/node/3670>.
13. «Қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш фонди» ХЖнинг 2012 йил учун аудитдан ўтказилган молиявий ҳисоботи.
14. ИТБ ва ҚР ҳукумати ўртасидаги Шерикликнинг мамлакат стратегияси, 2012 йил октябрь.
15. ҚРнинг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни// nationalbank.kz.
16. ҚРнинг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонуни // nationalbank.kz.
17. ҚРнинг «Инвестиция фондлари тўғрисида»ги қонуни // nationalbank.kz.
18. <http://www.alhilalbank.kz>.
19. Қозоғистон Марказий банки тақдими // <http://www.istisna.kz/rus/img/DBK-Zhaslan-Madiev-for-KIFC-2012.pdf>
20. www.takaful.kz.
21. www.bdk.kz.
22. <http://tengrinews.kz/money/islamskiy-bank-razvitiya-vlojil-v-kazahstan-500-millionov-dollarov-248821>.

12 - б о б . Тармоқ ривожланишига оид муаммо ва истиқболлар

12.1. Молиявий ресурсларни жалб этиш.

Иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш учун молиявий-инвестицион ресурсларни жалб этиш усулларида бири исломий банкинг воситалари, исломий капитал бозори ҳамда исломий нобанк ва микромолиявий муассасалардан фойдаланиш ҳисобланади.

Исломий банкингнинг ривожланиши. Al Hilal банки Қозоғистондаги тажрибаси бўйича ўтказган таҳлилларга асосланиб шуни қайд этиш мумкинки, банк ўзининг амалий фаолиятини йирик корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш билан чеклаб қўйган. У кичик ва ўрта бизнесни ҳамда оддий жисмоний шахсларни молиялаштирмайди. Шу билан боғлиқ равишда, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун молиявий маблағларни жалб этиш бўйича қулай муҳит яратиш зарур, бунини янги исломий банклар ва анъанавий тижорат банкларида исломий «дарча»ларни очиш билан амалга ошириш мумкин. Таъкидланган вариантларнинг ҳар бири ўзининг ижобий ва салбий тарафларига эга.

12.1-жадвал

Қозоғистонда янги исломий банкларни очиш

Муаммолари	Афзалликлари
Янги банклар учун хатарларнинг мавжудлиги, юқори капитал сифимли инвестициялар	Исломий молиялаштиришни ривожлантираётган мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш орқали кўшимча молиялаштириш маблағларини жалб этиш
Техник харажатлар, маъмурий-бюрократик муаммолар	Исломий банк очиш учун қонунчиликни ўзгартириш заруриятининг мавжуд эмаслиги
Номукамал солиқ қонунчилиги	Назорат ва тартибга солиш тизими мавжуд
Мутахассисларнинг мавжуд эмаслиги	Тренинг ва ўқув марказларини очиш учун сабабнинг мавжудлиги

Қозоғистондаги анъанавий тижорат банкларида исломий «дарча»ларни очиш. Ҳозирги вақтда исломий «дарча»ларни очиш механизмини аниқлаб олиш зарур. Жаҳонда исломий «дарча»ларни очишнинг қуйидаги шаклларида фойдаланилади:

– алоҳида бўлимлар (анъанавий банк ичида рухсатнома асосида) – фақат исломий банк маҳсулотларига бозор талаби мав-

жуд бўлган мамлакатлар учун тўғри келади. Асосан Саудия Арабистони ва Қатарда фойдаланилади;

– департаментлар – анъанавий банкларга мавжуд таркиблардан фойдаланган ҳолда исломий маҳсулотлар таклиф этиш имконини беради. БАА, Баҳрайн ва Малайзияда ишлатилади;

– шўъба бўлинмалар – анъанавий банк томонидан қўшимча рухсатнома олиш талаб қилинади. Туркия ва Қувайт каби мамлакатлар бир ҳуқуқий шахсга ҳар икки – анъанавий ва исломий банкинг рухсатномасига эга бўлишни ман этади.

12.2-жадвал

Анъанавий банкларда исломий «дарча»ларни очиш

Муаммолари	Афзалликлари
Қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш	Киритилган маблағларнинг тезликда қопланиши
Маълум бир амалиётлар бўйича хатарларнинг ортиши мобайнида, уларни ўз вақтида бартараф этиш имконини берувчи хатарлардан хабардор назорат органининг ҚРда мавжуд эмаслиги	Янги банкни очиш учун капитал ажратиш зарур эмаслиги (ташқил этиш бўйича энг паст харажатлар)
Исломий молиялаштиришдан фойдаланиш эҳтимоли юқори мижозларнинг квази исломий молия муассасалари билан ҳамкорлик қилишни истамаслиги билан боғлиқ обрў-шаъни хатари	Исломий банкинг хизматларини кенгрок ёйиш имкониятлари
Анъанавий қисм фаолиятининг шариат қоидалари қисми билан қарама-қаршилиги ҳолатида, амалий ва бошқарув мустақиллигига эриша олмаслик	Банкларнинг ўзи учун молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш
Бир тарафнинг муаммолари ҳолатида зарарларнинг ҳар икки томонга тақсимланиши туфайли, бир қисмнинг иккинчисидан зарарланиш эҳтимоли	Ишлаб турган мижозлар учун қўшимча банк маҳсулотлари жорий этиш

Молиявий хизмат истеъмолчилари ва ҳиссадорлар манфаатларининг тўқнашуви юзага келиш эҳтимоли	Чакана кредитлаш имкониятларининг кенгайиши
Шариатга мувофиқ ҳамда анъанавий усул билан жалб қилинган ликвидли маблағларни бошқариш ва алоҳида ҳисобини юритиш масаласи	Чет эллик инвесторлар учун хатарларнинг паст эканлиги
Яқин Шарқ банкларидаги исломий «дарча»ларни ёпиш ва алоҳида исломий банкларни очишнинг жорий тенденцияси (Баҳрайн, Қатар)	Фаолият кўрсатаётган анъанавий банклар инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятлари (бўлинмалар, банкоматлар ва бошқалар)

Исломий «дарча»ларни қўллаш халқаро тажрибаси. Исломий «дарча»лар анъанавий молиявий ташиқлотларга, ихтисослашган бўлинма ёки шўба ташиқлотлари орқали исломий молиявий хизмат кўрсатиш имкониятини беради. Бунда исломий «дарча»лар муваффақиятли фаолиятининг энг муҳим омилли амалиётларнинг шаффофлигини таъминлаш ва алоҳида ҳисоб олиб бориш ҳисобланади.

Қозоғистонда исломий банкинг ва молияларни амалга кириштириш учун асос сифатида исломий молиявий амалиётлар юртишининг энг консерватив андозаси белгилаб олинди.

Лекин шуни қайд этиш лозимки, жаҳон амалиётида исломий банкингнинг шаклланиши исломий «дарча»ларни очишга асосланган. Масалан, бугунги кунда Буюк Британияда 22 та анъанавий банкда исломий «дарча»лар фаолият кўрсатгани ҳолда, фақат 6 та ихтисослашган исломий банк ишлаб турибди. Европада дастлабки чакана исломий банк 2004 йилнинг августида ўз ишини бошлади.

1996 йилда CitiBank Баҳрайнда Citicorp Banking Corporation нинг шўба банки бўлган Citi Islamic Investment Bank E. C. («СИБ»)ни очди. СИБ исломий банкинг хизматларини Citi бўлинмаларидаги исломий «дарча»лар орқали таклиф этади.

HSBC 1998 йилда исломий молиялаштириш маҳсулотларини таклиф этадиган алоҳида HSBC Amanah бўлинмасини ишга ту-

ширди. HSBC нинг бўлинмалари АҚШ, Буюк Британия, Саудия Арабистони, БАА, Малайзия, Индонезия, Бангладеш, Сингапур, Қатарда фаолият кўрсатмоқда. HSBC Amanah нинг активлари 16,5 млрд. долларга тенг ва Буюк Британиядаги исломий активларнинг 85% уни ташкил этади (2008–2009 йиллар).

Standard Chartered банки 1993 йилда Малайзияда исломий банк маҳсулотларини таклиф этувчи ўзининг Standard Chartered Saadiq шўъба бўлинмасини очди. Standard Chartered Saadiq БАА да 2003 йилда очилди.

1993 йилда анъанавий банкларда исломий «дарча»лар очишига имкон берувчи қонунчиликка ўзгартиришлар қабул қилинган, Малайзияда исломий банкинг тезкор ривожлана бошлади. 1993 йилга қадар Малайзияда фақат битта исломий банк мавжуд бўлиб (1983 йилда ташкил этилган), бозордаги унинг улуши 1% дан ортмаган эди, қарийб уч йил ичида исломий банкинг улуши 6% гача ўсиб борди (1997 йилга келиб 50 дан ортиқ банк ва молиявий муассасалар исломий «дарча»лар ёрдамида хизматларни тақдим этдилар). Ҳозирги пайтда Малайзияда 17 та исломий банк ва 10 та исломий «дарча» фаолият кўрсатмоқда.

Ечим йўллари:

– янги исломий банкларни ташкил этиш бўйича ишларни кучайтириш. Исломий молия тўлақонли фаолият кўрсатиши учун барча зарур шартлар бажарилган, исломий «дарча»лар очиш масаласини кўриб чиқиш;

– барча хатарлар тартибга солинишини ҳисобга олган ҳолда, исломий «дарча» очиш учун имконият берувчи қонунчиликка ўзгартириш киритиш;

– тармоқнинг муассасавий ривожланишига инвестициялар жалб этиш, шу жумладан, янги исломий банклар, ипотека компаниялари, инвестиция жамғармалари ва бошқаларни ташкил этиш бўйича ИТБнинг Қозоғистондаги гуруҳи ташаббусини кўллаб-қувватлаш.

Капитал бозорини ривожлантириш. Қозоғистонда давлат ҳамда корпоратив исломий қимматли қоғозларни чиқариш режалаштирилмоқда. Лекин техник инфратузилма тайёр бўлмагани сабабли, 2012 йилда Қозоғистон Ривожланиш банки

сукукларни Малайзияда жойлаштиришга мажбур бўлди. Шунинг кайд этиш керакки, Қозоғистон Республикаси Молия вазирлиги учун мустақил сукукларни чиқаришда техник муаммолар мавжуд эмас, бунинг учун ҳукуматнинг қарори бўлиши лозим.

12.3-жадвал

Қозоғистонда капитал бозорининг ривожланиши

Муаммолари	Афзалликлари
Квазидавлат ва корпоратив исломий қимматли қоғозлар учун солиққа тортиш тизимининг такомиллашмаганлиги	Таянч қонунчилик базасининг, шу жумладан, KASE асосидаги меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги
Чет эллик эмитентлар томонидан эмиссия қилиш имкониятининг мавжуд эмаслиги	Назорат ва тартибга солиш тизимининг мавжудлиги
ҚР Молия вазирлиги томонидан муомалага чиқаришнинг чўзиб юборилиши	Мустақил сукуклар бенчмарк яратади ва корпоратив исломий қимматли қоғозлар чиқаришга туртки беради
Исломий қимматли қоғозлар рўйхатининг чекланганлиги (ААОIFI рўйхатидаги 14 шаклдаги сукукдан фақат 2 та шаклини чиқариш мумкин)	Иқтисодиётнинг реал секторига маблағ жалб этишнинг муқобили мавжудлиги
Маҳаллий муассасавий инвесторлар орасида исломий қимматли қоғозлар билан ишлаш тажрибаси ва билимнинг йўқлиги	Исломий молия ривожланаётган мамлакат сифатида Қозоғистон имижининг ортиши
Мавжуд қонунчиликнинг заифлиги ва техник регламентнинг мавжуд эмаслиги маҳаллий сукуклар эмиссиясини амалга ошириш имконини бермайди	Инвестициялар портфелини жалб этиш ва ривожлантириш

Ечим йўллари:

– иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш мақсадида корпоратив исломий қимматли қоғозлар эмиссияси учун техник инфратузилмани таъминлаш;

– қонунчилик, шу жумладан, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш учун мос ўзгартиришларни киритиш.

Исломий нобанк ва микромолиявий муассасаларни ривожлантириши. Ҳозирги вақтда Қозоғистонда нобанк ва микромолиявий муассасаларнинг қуйидаги шакллари мавжуд: микрокредит ташкилотлари, лизинг ва ипотека компаниялари. Ислом фикҳига мувофиқ фаолият кўрсатувчи мана шундай таркибларни тузиш лозим бўлади.

12.4-жадвал

Қозоғистонда нобанк ва микромолиявий муассасаларнинг ривожланиши

Муаммолари	Афзалликлари
Қонунчилик базасининг мавжуд эмаслиги	Ташкил этишнинг содалаштирилган тартиби
Рухсатнома олишнинг мавжуд эмаслиги	Кичик бизнес ва аҳолининг кенг қамраб олиниши
Фирибгарлик хатари (молиявий пирамидалар)	Бозорга кириш учун тўсиқларнинг мавжуд эмаслиги
Молиялаштиришнинг асосий улуши жисмоний шахслар ҳисобига тўғри келади	Капитал харажатларнинг паст эканлиги
Солиққа тортишнинг, айниқса, ҚҚС қисми бўйича мукамал эмаслиги	Ипотека бўйича молиялаштиришда уй-жойни муддатидан олдин янада пастроқ баҳода сотиб олиш имконияти мавжудлиги
Харажатларнинг ортиши фойда меъёри ҳамда мижозларга тушадиган қарз босимининг ошишига сабаб бўлиши	Молиялаштиришнинг муқобил манбалари борлиги
	Мижозларга ипотека молиялаштириш хизматларини амалга ошириш бўйича харажатларнинг янада камлиги
	Қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш жамғармаси (ҚХМҚҚЖ) ХЖнинг қишлоқ хўжалигини микромолиялаш

	соҳасидаги тажрибаси ва мазкур жамиятнинг бюджет маблағларини ўзи эга бўлган восита ва услубият ёрдамида йўналтириши
--	--

Ечим йўллари:

– Қозоғистонда исломий нобанк ва микромолиявий муассасалар очиш имкониятларини бериш учун ягона қонун доирасида қонунчилик асосини яратиш;

– Қозоғистоннинг ички молиявий маблағларини жалб этиш. Анъанавий молиявий воситалар томонидан қамраб олинмаган ички молиявий маблағлар исломий депозитлар (инвестицион, жамғарма), исломий суғурталаш (такофул), исломий инвестиция жамғармалари (фондлари) ва пенсия жамғармалари орқали сафарбар қилиниши мумкин.

12.5-жадвал

Қозоғистоннинг ички молиявий маблағларини жалб қилиш

Муаммолари	Афзалликлари
Қонунчилик исломий молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятини инобатга олмайди	Қўшимча ички маблағларни сафарбар қилиш имконияти
Депозитларни кафолатлаш тизимининг мавжуд эмаслиги	Исломий суғурталаш аннуитет суғурталашнинг ривожланишига туртки беради, чунки такофул жамғармадаги жамғарилган маблағлар «куйиб» кетмайди.
Суғурталаш маданиятининг йўқлиги (кичик суғурта бозори – анъанавий бозордан иборат)	Тўлақонли параллел исломий молиявий тизим (исломий банкинг, такофул, жамғармалар, исломий капитал бозори)нинг шаклланиши
Такофул компаниялар маблағларини инвестициялаш учун давлат ва корпоратив исломий молиявий воситаларнинг мавжуд эмаслиги (такофул компанияларнинг ўз маблағларини исломий-	Суғурта хизматлари бозорида рақобат даражасини ошириш

молиявий воситаларга инвестициялаш имкониятини ярагиб бериш)	
Пенсия жамғармалари ва суғурта компаниялари учун исломий қимматли қоғозларга инвестиция қилиш имкониятининг йўқлиги	Исломий суғурталаш зарарда солидар (умумий) иштирок этиш орқали, кўзда тутилмаган ҳолатларда манфаатларни ҳимоя қилишни ҳамда барча иштирокчилар ўртасида тақсимланадиган фойда олишни кўзда тутади
Аҳолининг етарли даражада бохабар эмаслиги, маълум бир андоза ва турмуш тарзининг мавжудлиги	ОФ Такофул тажрибаси ва уни кенг ёйиш зарурати

Исломий депозитларни кафолатлаш халқаро тажрибаси.

Депозитларни суғурталовчилар Халқаро уюшмаси (IADI)нинг тадқиқотларига кўра, исломий молиялаштириши ривожланаётган айрим мамлакатларда исломий депозитларни кафолатлаш тизими амалга оширилган. IADI нинг тадқиқотлари 19 та мамлакатни қамраб олган бўлиб, улардан 10 таси исломий депозитларни кафолатлаш тизимига эга.

Жаҳон амалиётида депозитларни кафолатлаш жамғармаларини бошқаришининг турли тузилмалари мавжуд. Жамғармаларни бошқариши давлат иштирокидаги депозитларни кафолатлаш жамғармаси, Марказий банк ёки хусусий ташиклот томонидан амалга оширилади. Мана шундай жамғармалар фаолияти алоҳида мамлакатларда махсус қонунчилик билан қатъий белгилаб қўйилган.

Исломий ва анъанавий депозитларни кафолатлаш қоидага кўра бир хилдир. Бунда айрим мамлакатлар бериладиган кафолатларга қўшимча сифатида ушбу жамғарма фаолияти депозитларни кафолатлашининг шариат меъёрларига мувофиқлигини таъминлаш тўлақонли схемасини амалга киритганлар, бундан фақат Судан истиснодир, чунки бу ерда анъанавий банклар мавжуд эмас ва шунга кўра барча депозитлар исломий ҳисобланади. Малайзия исломий депозитларни кафолатлаш тизими алоҳида ташикил этилган ягона мамлакат ҳисобланади ва жамғармани бошқариш шариат қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Қолган мамлакатларда исломий депозитларни кафолатлаш

схемаси депозитларни кафолатлаш ягона жамғармасининг бир қисми ҳисобланади.

12.2. Молиявий воситаларни амалиётда ишлатиш.

Қозоғистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ исломий банклар исломий банк воситаларидан фойдаланган ҳолда молиявий воситаларни жойлаштиришлари мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, Қозоғистонда мазкур шаклдаги банк маҳсулотларига асосланган лойиҳаларни амалга ошириш ва омалаштишига қаршилик қилувчи бир қатор тўсиқлар мавжуд.

Ижара (Ijarah)

Шариат талабларига мувофиқ, ижаранинг таркиби шартнома тузилаётган вақтда лизинг предмети мавжуд бўлиши шарт эмаслигини, лекин келажакда лизингга берилиши кўрсатилган объектни тушунишга асосланган (масалан, шартнома тузилаётган вақтда ҳали қурилмаган ҳамда қурилиши тугалланмаган кўчмас мулк объектини лизингга бериш). Амалдаги фуқаролик қонунчилигига мувофиқ лизинг (ижара) предмети сифатида истеъмол қилинмайдиган ашёлар иштирок этиши мумкин (ҚР ФК, 566-модда). Мана шундай чекловлар Қозоғистон Республикасининг «Молиявий лизинг тўғрисида»ги қонунида ҳам кўрсатиб ўтилган, бу мазкур маҳсулотни жорий этиш имкониятини кўзда тутиб кўрсатилган қонунчиликка мос ўзгартиришлар киритиш лозимлиги билан боғлиқдир.

Музораба (Mudarabah)

Музораба (оддий шерикликни шакллантириш орқали молиялаштириш) молиялаштириш маблағларини беришнинг бухгалтерия ва солиққа доир оқибатлари. Қозоғистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунига кўра (52-9-модда), исломий банк шерикчилик шартлари ёки ҳуқуқий шахсларнинг ҳиссадорлик капиталида иштирок этиш йўли билан ишлаб чиқариш ва савдо фаолиятини молиялаштириш ҳуқуқига эга. Банклар тўғрисида қонун, шунингдек, амалдаги фуқаролик, солиқ ва бухгалтерия қонунчилиги мана шундай молиялаштириш маблағларини беришда исломий банк-

дан мижознинг бизнесида тўлақонли иштирок этишни, яъни бизнеснинг исломий банк молиялаштирган қисмини исломий банкнинг бухгалтерия ва солиқ ҳисоботларида амалда акс эттирилишини талаб қилади.

Исломий банк молиявий муассаса ҳисоблангани боис, мижознинг бизнесини у билан биргаликда юритиш мижоз учун ҳам, исломий банк учун ҳам муаммо ҳисобланади, шунинг учун ўз мижозлари бизнесини молиялаштираётган исломий банкнинг бизнесида иштирок этиш механизмини ишлаб чиқиш керак.

Муробаҳа (Murobahah)

а) товарга оид муробаҳа (товарли муробаҳа). ҚРнинг «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунига кўра, ушбу маҳсулот исломий банкнинг банк амалиёти сифатида бевосита эътироф этилмаган. Ушбу маҳсулотнинг банк амалиёти сифатида эътироф этилмаслиги қонуннинг 52-8-моддаси билан боғлиқ, ушбу модда исломий банк мижози томонидан исломий банкдан сотиб олинган товарларни учинчи шахсларга сотиш имкониятини кўзда тутмайди (рухсат бермайди). Шу билан бирга ушбу маҳсулот исломий банк мижозлари томонидан ўта талабгир ҳисобланади ва исломий банк мижозларининг айланма капитални молиялаштириш имкониятини беради.

Исломий банк мижози тарафидан товарни учинчи шахсга сотиш ҚҚС (қўшимча қиймат солиғи)га тортиладиган битим ҳисобланмайди. Шу билан бирга, товарга оид муробаҳанинг банк амалиёти сифатида тан олинмаслиги – исломий банк мижозларининг учинчи шахсларга товар сотиш бўйича айланмаларини, мижознинг ҚҚС бўйича солиққа тортилмайдиган айланмасига қўшилишига олиб келади ва бу, ўз навбатида, мижозга ҚҚС ҳисобидан ўзининг бутун фаолияти давомида буткул чегирма олиш имконини беради.

Шундай қилиб, вазиятни тузатиш учун мазкур маҳсулотни исломий банкнинг банк амалиёти сифатида тан олиш ва ҚРнинг солиқ қонунчилигига ўзгартиришлар киритиш зарур;

б) давлат компаниялари, шунингдек, табиий монопол корхоналар билан ҳамкорлик. Исломий банк ўз маҳсулотларини

давлат компаниялари, шунингдек, табиий монополиячиларга тақдим этишда қийинчиликларга дуч келади. Хусусан, товарли муробаҳа маҳсулоти табиий монополиячиларга қуйидаги сабабларга кўра тақлиф этилиши мумкин эмас. Мазкур маҳсулот исломий банк мижози тарафидан банкнинг ўзидан қимматбаҳо металларни сотиб олишни ва кейинчалик уларни учинчи шахсларга қайта сотишни талаб қилади. Шу билан бирга табиий монополиялар тўғрисидаги қонунчилик табиий монополиячиларга ўзига хос бўлмаган фаолиятни амалга оширишни тақиқлайди.

Яна бир мушкуллик давлат компанияларига, шунингдек, табиий монополияларга корпоратив муробаҳа сингари маҳсулотни тақдим этишда юзага келади. Ушбу маҳсулотнинг табиатига кўра, исломий банк аниқ бир товар (асбоб-ускуна, машиналар, бинолар ва ҳ.к.)ни мижознинг буюртмаси бўйича сотиб олади ва уни мижозга тўлов муҳлатини узайтириш шартлари асосида сотади. Битим предмети аниқ товар ҳисоблангани боис, қонунчиликнинг расмий талабларига риоя этган ҳолда, давлат компаниялари давлат харидлари тадбирини амалга оширишлари лозим бўлади, бу эса, ўз навбатида, исломий банк томонидан корпоратив муробаҳа маҳсулотини тақдим этиш имкониятини йўққа чиқаради.

Ушбу муаммони ечиш учун антимонопол қонунчилиikka ўзгартириш киритиш ҳамда ваколатли ташкилотларга мувофиқ равишда тушунтириш бериш лозим;

в) мулкка эгалик ҳуқуқини расмийлаштириш. «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 52-2-моддасига кўра исломий банкнинг банк амалиётлари шаклларида бири тижорат кредити (муробаҳа) тақдим этиш ила савдо воситачиси сифатида савдо фаолиятини молиялаштириш ҳисобланади. Муробаҳа битимига мувофиқ, исломий банк кейинчалик ўз мижозига сотиш мақсадларини кўзлаган ҳолда товар етказиб берувчидан товарни сотиб олади. Шундай қилиб, исломий банк товарнинг якуний эгаси ҳисобланмайди.

Исломий банк томонидан товар сотиб олинган тақдирда, унга эгалик ҳуқуқи фақат товар рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб пайдо бўлади, ҚРнинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ис-

ломий банк товарга эгалик ҳуқуқини ўз номига рўйхатга олиши лозим. Шу билан бирга:

– муробаҳанинг асосий мақсади молиялаштириш ҳисобланади ва шундай қилиб, товарга эгалик ҳуқуқи ўз номига расмийлаштирилгунига қадар исломий банк битимни кечиктиришга мажбур бўлади;

– исломий банкнинг товарга бўлган эгалик ҳуқуқи 2 кундан ошиб кетмайди;

– муробаҳадаги ҳар бир битим бўйича товарга эгалик ҳуқуқини расмийлаштириш исломий банкнинг амалиёт харажатларини ошириб юборади ва бу, ўз навбатида, исломий банк мижозлари учун муробаҳа маҳсулотининг қимматлашувига олиб келади.

Бу эса муробаҳа битимлари тузишда исломий банклар тарафидан эгалик ҳуқуқини расмийлаштириш махсус (тезкор) механизмини ишлаб чиқиш зарурлигини шарт қилади;

г) бир тарафлама мажбурият концепцияси (Promise/ «Wa’ad»). Исламий банкиндаги аксарият битимлар исломий банк мижози томонидан бир тарафлама мажбурият концепциясига асосланган. Масалан, исломий банк мижози исломий банкдан маълум бир товарни сотиб олишга ваъда беради ва мазкур ваъдага мувофиқ, исломий банк товар сотувчидан товарни сотиб олади. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг амалдаги меъёрлари, исломий банк ва мижоз ўртасида оферта ва акцепт¹ алмашинуви воситасида битим тузиш зарурлигини назарда тутлади. Ушбу жараён исломий банк мижозлари тушуниши шундоқ ҳам етарли даражада мураккаб бўлган исломий банк маҳсулотларининг ҳужжатлаштирилишини қийинлаштиради. Бундан ташқари, оферта ва акцептни исломий банк маҳсулотларининг айрим шакллари учун татбиқ этиб бўлмайди.

Фуқаровий қонунчиликка мувофиқ (ҚР ФК 148- ва 149-моддалари) бир тарафлама битимлар институти мавжуд. Шу билан бирга уни ҳозирги вақтда исломий банкларга татбиқ этилиши хатарли ҳисобланади, чунки амалдаги амалиёт, шунингдек суд

¹ *Акцепт* (лотинча *assertus* – маъқуллаш, рози бўлиш) – тўловга рози бўлиш.

амалиёти ўзига мажбуриятни қабул қилган шахс билан бир томонлама битимлардан воз кечишнинг ўта юқори хатарли эканини кўрсатмоқда.

Исломий банк мижозлари томонидан бир тарафлама мажбуриятлар қабул қилинган ҳолатларда жорий қонунчиликдаги исломий банкни ҳимоя қилиш механизмининг кучайиши, исломий банк томонидан исломий банк маҳсулотларининг саватини янада кенгроқ жорий этишга кўмак беради;

д) чакана кредитлаш. Банклар тўғрисидаги қонуннинг 52-2-моддасига мувофиқ исломий банк қуйидаги молиялаштириш шакллари амалга оширади:

1. Тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш шакллари:

– тижорат кредитини бериш йўли билан савдо воситачиси сифатида савдо фаолиятини молиялаштириш;

– шерикчилик шартлари асосида ёки ҳуқуқий шахслар низом жамғармасида иштирок этиш йўли билан савдо ва ишлаб чиқариш фаолиятини молиялаштириш;

2. Лизинг (ижара) шартларида инвестицион фаолият.

– исломий банк чакана мижозларни молиялаштиришда лизинг учун ҳеч қандай чекловларни сезмаётган бўлса-да, лекин чакана мижозлар учун молиялаштириш маҳсулотларининг бошқа икки шаклини қўллаш ва тартибга солувчи (регулятор) томонидан қонунчиликка киритилган сўнгги ўзгартиришлар маълум изоҳларни талаб қилади, масалан, банклар тўғрисидаги қонуннинг 52-2-моддаси мазкур икки шакли фақат тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш шакллари сифатида баён этади.

Ваколат (Wakalah)

а) ваколат – агентлик фаолияти. Ваколат ўзининг табиатига кўра исломий банкнинг агентлик фаолияти ҳисобланади. Исломий банк даставвал мазкур маҳсулотни амалга киритишда ўзининг ташқи ҳуқуқий ва солиқ маслаҳатчилари томонидан берилган шарҳга кўра, банклар тўғрисидаги қонуннинг 52-11-моддасига мувофиқ ваколатни исломий банкнинг агентлик фаолияти сифатида талқин қилган. Шу билан бирга регулятор ваколат битимлари амалдаги банклар тўғрисидаги қонунда кўзда тутил-

маган деб ҳисоблайди. Тартибга солувчи, ўз навбатида, банклар тўғрисидаги қонуннинг 52-б-моддасига мувофиқ, исломий банкнинг мана шундай битимларини исломий банк инвестицион депозитлари шакли сифатида кўриб чиқади.

Шунга боғлиқ равишда, исломий банк томонидан мазкур маҳсулотни амалга ошириш имкониятини юзага келтириш учун банклар тўғрисидаги қонунга мос ўзгартиришларни киритиш зарур;

б) ваколат – инвестицион фаолият. Ваколат инвестицион фаолият шаклига ҳам эга. Бундай фаолият банклар тўғрисидаги қонунда кўрсатилмагани сабабли, мана шундай амалиётлар ҳисоби ва тушунчаларига нисбатан ҳам банк қонунчилигига ўзгартиришлар киритиш лозим.

12.3. Исломий молиявий инфратузилманинг ривожланиши.

Исломий молиялаштиришни амалга ошириш инфратузилмани ривожлантириш учун тўсқинлик қиладиган қуйидаги омилларни ажратиш мумкин:

а) исломий молия соҳасида аҳолининг паст даражада бохабарлиги ва малакали мутахассисларнинг етишмаслиги. Инсон омили иқтисодиётнинг ҳар қандай тармоғида, шу жумладан, замонавий молиявий муассасалар ривожиди ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Исломий молиялаштириш фаол ривожланаётган ҳар қандай мамлакатда исломий молия ва банкинг соҳасида малакали мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлаш тизими фаолият кўрсатади. Малайзия, Баҳрайн ва БААда ислом фикҳи ва молияларига ўқитиш бўйича марказлар ишлаб турибди. Аҳолининг молиявий маҳсулотлар (ушбу ҳолатда исломий молиявий маҳсулотлар) ҳақидаги молиявий маданияти ва бохабарлигини ошириш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали бепул асосдаги семинарлар ўтказувчи ўқув дастурлари ҳам ўтказиб келинмоқда.

Малайзия Марказий банкининг ўз маблағлари ҳисобига (140 млн. АҚШ доллари қийматида) жаҳонда энг йирик Исломий

молия бўйича ўқитиш маркази (INCIEF) очилди, унда исломий молия ва банкингнинг барча йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассисларни ўқитиш амалга оширилаётганини мисол сифатида келтириш мумкин. Ўз навбатида, Баҳрайн Марказий банки исломий молиялаштириш бўйича турли тадқиқотлар ўтказадиган ва малакавий ихтисослик берувчи Баҳрайн молия ва банк иши институтига (BIBF) кўмак бериб келади.

Шуларни эътиборга олиб, Қозоғистонда манфаатдор томонларнинг исломий молия соҳасида сифатли билим олиш ҳуқуқини таъминловчи тренинг маркази очиш мақсадга мувофиқ бўлур эди;

б) исломий молиялаштириш тамойилларига риоя этмаслик. Исламий банк фаолият юритишининг асосий шарти унинг фаолияти исломий молиялаштириш тамойилларига мувофиқ келишидир, уларга риоя этмаслик жиддий амалиёт хатарига ҳамда исломий банкнинг беқарорлиги ва касодига олиб келиши мумкин.

Қозоғистонда исломий банкинг ва молиялар шаклланиши дастлабки босқичида шариат меъёрларини тартибга солиш масалалари ваколати Буюк Британия тажрибаси сингари исломий банкнинг ўзида эди.

Ҳозирги вақтда Қозоғистонда ислом фикҳи олимлари йўқ, тузилаётган исломий банклар Исламий молиялаштириш тамойиллари бўйича кенгаш таркибига лозим даражада малакага эга бўлмаган мутахассисларни киритиш хатари мавжуд, бу, ўз навбатида, у ёки бу исломий битим ва амалиётларнинг шариат талабларига мувофиқлигини шубҳа остига қўяди. Агар исломий банклар чет эл исломий банкларининг мавжуд Шариат кенгашларини аутсорсинг¹ қиладиган бўлсалар, у ҳолда (турли мазҳаб вакиллари ҳисобланган) турли исломий банклар томонидан шариат меъёрларини турлича талқин этиш хатари пайдо бўлиши мумкин, чунки ислом дунёсида ислом фикҳи нуқтаи назаридан қандай битимлар жоиз ёки жоиз эмаслигини бир хил талқинда аниқловчи ягона Шариат кенгаши мавжуд эмас. Мо-

¹ *Аутсорсинг* – тор маънода ташқи манбалар (ресурслар)дан фойдаланиш.

домики ҳар бир мамлакатда ислом фикҳи манбалари аниқ мамлакатнинг анъаналарини кўзда тутар экан, демак, ҳар бир мамлакатда мазкур масалаларни тартибга солиш бўйича ўзининг талаблари ва ёндашувлари мавжуд бўлади. Бу эса четдан келувчи шариат маслаҳатчилари баҳосининг ошишига ва банкнинг шунга мувофиқ харажатлари кўпайишига олиб келади. Чет эллик диндорларнинг ҚР молиявий-иқтисодий тизими фаолиятига кенг жалб этилиши ғоялар импорти хатарини ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Чет эллик мутахассисларнинг Исломий молиялаштириш тамойиллари бўйича кенгаш таркибида иштироки ҳам кўрсатилган мутахассисларнинг ғаразли мақсадларига хизмат қилиши ва уларнинг таъсири эҳтимолини ошириши мумкин, бу эса Қозоғистонда исломий молиялаштиришнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Исломий молиялаштириш бўйича кенгаш фаолиятининг исломий молиявий муассаса маблағлари ҳисобига амалга ошиши, мазкур кенгаш қарорларига унинг таъсир кўрсата олиш эҳтимолини тақдим этади.

Шу билан боғлиқ равишда, исломий хизматлар кўрсатувчи муассасалар сони ортиб бориши билан исломий молиялаштириш тамойиллари бўйича ягона кенгаш тузиш зарурати юзага чиқади;

в) Қозоғистон фонд биржаси (KASE)нинг сукук сертификатлари жойлаштиришни амалга оширишга тайёр эмаслиги. Биржанинг аввалги раҳбарияти исломий қимматли қоғозлар эмиссияси учун техник шартларни шакллантириш ва ишга тушириш борасида воқеликда ҳеч бир уринишларни амалга оширмади. Умид қиламизки, янги раҳбарият вазиятни яхши томонга ўзгартиришга ҳаракат қилади. KASE да сукук эмиссия қилиш имкониятини моделлаштириш лозим ва биржанинг техник базасини Европа (Буюк Британия, Люксембург) ва Яқин Шарқ (Баҳрайн, БАА) ҳамда Жануби-Шарқий Осиё (Малайзия) дан тажрибали маслаҳатчиларни жалб этиш орқали яхшилаш мумкин.

Назорат учун саволлар:

1. Қозоғистонда исломий банкинг ривожланиш муаммолари нимадан иборат? Унинг ривожланишининг истиқболли йўналишлари қандай?

2. Қозоғистонда капитал бозорининг ривожланиш муаммолари нимадан иборат? Ривожланиш истиқболлари қандай?

3. Қозоғистонда исломий микромолия ва нобанк муассасаларининг ривожланиш муаммолари нимадан иборат? Уларнинг истиқболли йўналишлари қандай?

4. Қозоғистонда исломий молия инструментлари ривожланишига тўсқинлик қилувчи асосий тўсиқларни айтиб беринг.

5. Қозоғистонда исломий молия инфратузилмасининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи асосий омилларни айтиб беринг.

12-бобда фойдаланилган адабиёт

1. Қозоғистон Республикаси Миллий банк материаллари.

5 - Қ И С М . ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИСЛОМИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШ

13 - б о б . Мамлакатда исломий молиялаштиришнинг ҳозирги кунга қадар ривожланиши

13.1. Ривожланишнинг дастлабки ва жорий ҳолати.

Ўзбекистонда Исломий молиялаштиришга асосан лойиҳаларни амалга ошириш 2004 йилдан бошланган ва бу Ўзбекистоннинг 2003 йил сентябрда Ислом тараққиёт банкнинг аъзолигига қўшилиши билан боғлиқ. 2004 йилда Ислом тараққиёт банки (ИТБ) томонидан энергетика ва соғлиқни сақлаш соҳасида лойиҳаларни молиялаштириш учун «ижара» ва «муробаҳа» шартномаларидан фойдаланилган. Бироқ ИТБ Ўзбекистонда ўз фаолиятини мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаган ва бу аъзо бўлмаган давлатларнинг мусулмон жамоаларини қўллаб-қувватлаш дастури орқали грант лойиҳаларни амалга оширишда намоён бўлган.

Албатта, исломий молиялаштиришнинг вақф йўналиши Марказий Осиёга ислом дини кириб келган даврдан бошлаб ёйила бошланган ва Амир Темур бобомиз даврига оид вақф ҳужжатлари ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Рус империяси мамлакатимиз худудини босиб олгандан кейин Совет тузуми даврида вақф ерлари ва бинолари Совет Иттифоқи ҳисобига ўтиб кетди. Шу билан вақф мулклари ва вақфга доир муносабатлар аста-секинлик билан ўз поёнига етди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Ислом тараққиёт банкдан ташқари яна Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси (ХСРИК) аъзоси ҳисобланади. Корпорация ИТБ гуруҳига киради ва у томондан 350 миллион доллардан ортиқ лойиҳаларни молиялаштириш маъқулланган. Корпорация мам-

лакатдаги ўз фаолиятида асосан «муробаҳа» молиялаштириш усулидан фойдаланади.

Исломий молиялаштириш ҳақида сўз кетганда ХСРИК томонидан 2010 йил Тошкентда ташкил этилган Taiba Leasing хорижий корхонасини эслаб ўтиш жоиз. Мазкур лизинг компанияси Ўзбекистонда тўлиқ шариатга мос равишда ижара (лизинг) хизматларини юридик шахсларга тақдим этиб келмоқда. Ислом тараққиёт банки гуруҳининг Ўзбекистондаги фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумот 13.3-бўлимда келтирилган.

Бугунги кунда исломий молиялаштириш механизмлари бутун дунёда жадал ривожланиб келаётган соҳалардан бири ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрига кўра исломий банкларнинг ялпи активлари миқдори 2,5 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Аҳолисининг асосий қисмини мусулмонлар ташкил этадиган давлатлар учун бу соҳани ривожлантириш, айниқса, долзарб ҳисобланади.

Мусулмон давлатларидаги мавжуд исломий молиялаштиришга асосланган банклар, инвестиция фондлари ва компанияларнинг маблағларини юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаш мақсадида жалб этиш айтиш мумкин. Бунинг учун, албатта, миллий банк тизимига янгича ёндашув билан назар солмоқ лозим, яъни анъанавий молиялаштириш механизмлари билан бир қаторда шерикчиликка асосланган молиялаштириш механизмларини жорий этиш муҳим ҳисобланади. Шу маънода, Ислом тараққиёт банки томонидан Ўзбекистонда «Вақф қонунчилиги»ни ва исломий молияга доир қонунчиликни ишлаб чиқишда кўмак бериш истаги билдирилди ҳамда керакли тадбирларни амалга ошириш бошланди.

13.2. Жорий қонунчилик.

Ўзбекистон Республикасида исломий молиялаштиришга доир алоҳида қонунчилик мавжуд эмас. Ислом тараққиёт банки ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича ислом корпорацияси томонидан мамлакатимизда молиялаштирилаётган лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил

27 августдаги 371-сонли қарори ва 2004 йил 21 декабрдаги қарорига асосан амалга оширилади. Уларга кўра Ўзбекистон ҳукумати ИТБ ва ХСРИКни ташкил этиш тўғрисидаги келишув моддаларини қабул қилган.

Ҳозирги вақтда банк ўзининг мижозларига молиялаштиришнинг қуйидаги воситаларини таклиф этмоқда:

- муробаҳа;
- истисноъ;
- ижара;
- муробаҳага асосланган молиялаштириш линиялари.

Мазкур молиялаштириш усулларида Ислом тараққиёт банки ёки ХСРИК томонидан тақдим қилинган шартномалар ишлатилади. Бу молиялаштириш юридик шахсларга қаратилган бўлиб, Ўзбекистонда жисмоний шахслар учун мўлжалланган исломий молиялаштириш хизматлари ва маҳсулотлари мавжуд эмас, шунингдек, юридик шахслар учун ҳам юқорида қайд этилган маҳсулот ва хизматлардан ташқари, яъни исломий суғурта ёки депозитлар ва ҳ.к. исломий маҳсулот ва хизматлар таклиф этилмаган.

Жорий қонунчилик тижорат банклари томонидан исломий молиялаштириш хизматларини таклиф қилишга тўсқинлик қилади. Хусусан, солиқ қонунчилиги, банк қонунчилиги банкларга маҳсулотларни сотиб олиб сотишга руҳсат бермайди. Солиқ қонунчилигига кўра, агар банклар исломий молиялаштиришга асосан асбоб-ускуна ёки технологияни молиялаштирса, уларга нисбатан ҚҚС қўлланилади ёки исломий молиялаштиришда тўлов кечиккани учун жарима олиш мумкин эмас, агар интизомга чақириш мақсадида олинса ҳам у пуллар алоҳида ҳисоб вараққа туширилиб хайрия мақсадида ишлатилади. Бироқ солиқ органлари томонидан бу жарима фойда сифатида кўрилади ва солиққа тортилади.

Бундан ташқари, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг 52-моддаси 6-банди қарзларга доир фоизларни ҳисоблаб чиқариш ва уларни банк даромадлари ҳисоб варағига киритишга доир талабларни белгилайди, аммо бундай ёндашув фақатгина анъанавий банкларга хос бўлиб, ис-

ломий молия институтларига тўғри келмайди. 13.1-жадвалда Ўзбекистонда исломий молиялаштиришни ривожлантиришнинг SWOT таҳлили келтирилган бўлиб, унда соҳани ривожлантиришга доир кучли ва ожиз томонлар, имконият ва таҳдидлар кўриб чиқилган.

13.1-жадвал

Ўзбекистонда исломий молиялаштириш ривожланишининг SWOT таҳлили

Кучли тарафлари	Имкониятлар
<ul style="list-style-type: none"> – Давлат раҳбарининг қўллаб-қувватлаши – Ўзбекистон иқтисодиётини молиялаштириш учун – ИТБ гуруҳидан қўшимча маблағларни жалб қилиш – Кредит маблағларини мақсадли ва самарали ишлатиш – Жаҳондаги исломий банклар банкротлик ҳолатининг мавжуд эмаслиги ва механизмлар барқарорлиги – Ўзбекистон Республикасида 2018 йил «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилиниши 	<ul style="list-style-type: none"> – Молиялаштириш манбаларини, айниқса, кичик ва ўрта бизнес учун диверсификациялаш – Ўзбекистонда реал ишлаб чиқаришни рағбатлантириш – Яқин Шарқ ва Ж. Шарқий Осиё мамлакатларидан инвестицион маблағларни жалб қилинган тақдирда Ўзбекистон иқтисодиёти учун беvosита нафлар – Ислomий молиялаштиришни муваффақиятли жорий этаётган дунёвий давлат сифатида Ўзбекистон обрўсининг кўтарилиши – Анъанавий молиялаштириш томонидан лозим даражада қамраб олинган молиялаштириш бозорининг мавжудлиги (кичик ва ўрта бизнес субъектлари, аграр сектор) – Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми ислomга эътиқод этгани сабабли, мазкур молиявий маҳсулотларга барқарор талабнинг кутилиши – Ислomий молиялаштириш тамойиллари ижтимоий тенгсизликни пасайтиришга ёрдам беради, ижтимоий адолатни мустаҳкамлайди – Муқобил молиявий маҳсулотлар пайдо бўлиши ҳисобига аҳолининг

	<p>молиявий хизматлардан фойдаланиш имконияти кенгайди</p> <ul style="list-style-type: none"> – Ушбу соҳанинг ривожига ғарб мамлакатлари қўллаб-қувватлашининг ошиб бориши – Хизматлар кўрсатиш учун платформанинг кенгайиши ва тармоқ ребрендинги жараёнининг ижобий қабул қилиниши – Судхўрлик қарз юкини пасайтириш ва мамлакатнинг тизим асоси бўла оладиган корхоналарни молиявий соғломлаштириш мақсадида, мамлакатнинг давлат ва хусусий корпоратив сектори доирасида жаҳонда муваффақият билан татбиқ этилаётган воситалар ва усулларни жорий этиш имконияти
Ожиз тарафлари	Таҳдидлар
<ul style="list-style-type: none"> – Маҳаллий солиқ ва банк қонунчилигининг исломий молиялаштириш хусусиятига нисбатан бўшлиғи ва мослашмаганлиги – Исломий маҳсулотлар билан ишловчи тажрибали ходимлар тақчиллиги – Паст даражада молиявий хабардорлик: аҳоли ва бизнеснинг исломий молиялаштириш маҳсулотлари тўғрисида бохабар эмаслиги ва бошқа андозалар – Шўъба исломий молиявий ташкилотларнинг марказий ташкилотлар фаолиятига қарамлиги – Муслмон мамлакатларида мазҳабларнинг турлилиги – Исломий банкдан қарз олишнинг мураккаблиги. Исломий молиявий маҳсулотлар фойда ва зарарни тақсимлаш тамойилига асосланади, бу ҳужжатли шаффофлик ва 	<ul style="list-style-type: none"> – Фирибгарлик хатари. Сохта исломий молиялаштириш муассасасининг пайдо бўлиши аҳолининг умуман исломий молиялаштиришга ишончи йўқолишига олиб келади – Исломофобия. Ушбу саноат терроризм ва экстремистик ташкилотларга алоқадорлиги тўғрисида турфа янглиш фикрлар мавжудлиги – Менталитет ва маданий тафовутлар (истеъмол даражасида исломий тамойилларнинг қабул қилинмаслиги) – Анъанавий молиявий хизматларни тақлиф этувчи ўзаро суғурталаш жамиятлари ва микромолиявий ташкилотлар томонидан рақобат хавфи – Йирик исломий инвесторлар кўз ўнгида инвестиция муҳитининг воқеликда яратилмаслиги, мавжуд фактларни расман тан олишни истамаслик

<p>қарздорнинг тўлов қобилиятини синчков таҳлил этишни талаб этади</p> <ul style="list-style-type: none"> – Аҳолининг буткул янги молиявий маҳсулотларга ишончсизлиги – Амалдаги қонунчиликда тизимлиликнинг йўқлиги – Исломий молиявий маҳсулотларни солиққа тортиш билан боғлиқ жиддий муаммолар – Ушбу хизматлардан умумий фойдаланиш имконияти йўқлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> – Мазкур хизматларни фаол жорий этиш масаласига етарли эътибор қаратилмаётганлиги. – Тушунмаслик натижасида маҳаллий тижорат банклари хусусий ҳиссадорлари тарафидан қаршилик кўрсатиш.
---	--

Исломий молиялаштириш Ўзбекистон иқтисодиёти учун янги йўналиш бўлиб, унга бизнес тарафдан ҳам, аҳоли томонидан ҳам эҳтиёж мавжуд. Муқобил молиялаштириш маҳсулотларининг пайдо бўлиши аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланишга бўлган имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради. Лекин мавжуд кутишлар исломий молиялаштириш соҳасида эҳтимолий мижозларнинг тажрибаси ва билими йўқлиги сабабли ҳамда банк ва молиявий қонунчиликнинг етарли даражада такомиллашмагани боис, жиддий тарзда бузиб кўрсатилиши мумкин. Мусулмон мамлакатларда шариат меъёрларининг бир хилда талқин этилмаслиги, исломий молиялаштириш соҳасида малакали мутахассисларнинг етишмовчилиги шароитида исломий молиявий маҳсулотларни тартибга солиш билан боғлиқ хаттарлар ҳам мавжуд.


Глобаллашув ва жаҳонда кетаётган инновацион ўзгаришлардан орта қолмаслик мақсадида Ўзбекистон ҳукумати исломий молия ёки шерикчиликка асосланган банкинг саноатини ривожлантириш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқиши тавсия этилади. Ушбу йўл харитаси мавжуд қонунчиликни (банк фаолияти, солиқ, қимматли қоғозларга доир қонунчиликка қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш) такомиллаштириш, тарғибот ишларини олиб бориш, исломий молия инфратузилмасини ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни ва давлат секторини ривожлантириш, исломий молия хизматлари бозорини ривожлантириш, илмий-ўқув ишларини олиб бориш ва инвесторлар билан иш-

лашни ўз ичига олиши лозим. Шу билан бирга ҳар бир бажариладиган тадбир бўйича масъул идора ва муддат белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

13.3. Ислом тараққиёт банки гуруҳининг Ўзбекистондаги фаолияти.

Ислом тараққиёт банки Ўзбекистонда исломий молиялаштиришни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон ИТБга 2003 йилнинг сентябрида Олма-Отадаги банкнинг йиллик йиғилиши доирасида қўшилди. 2004 йилда Ўзбекистон Хусусий секторни ривожлантириш бўйича ислом корпорациясига аъзо бўлди. ИТБнинг Ўзбекистондаги вакили ўз фаолиятини Тошкентда 2006 йилнинг октябрида бошлади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ИТБ гуруҳига кирувчи яна иккита ташкилотнинг аъзолигига қўшилиш масаласини кўриб чикмоқда. Булар Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорацияси (ISIEC) ва Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси (ITFC).

13.2- ва 13.3-жадвалларда ИТБнинг Ўзбекистон учун молиялаштириш усуллари ва тармоқ кесимидаги молиялаштириш портфели берилган (рақамлар 2017 йилнинг июнь ҳолатига келтирилган).



13.1-расм. Ўзбекистон учун ИТБГ томонидан ажратилган маблағ.

13.1-расмдан кўриниб турибдики, Ислом тараққиёт банки гуруҳининг Ўзбекистон учун маъқулланган лойиҳалари миқдори 2.1 млрд. АҚШ долларидан ортиқ бўлиб, шундан 304 миллион АҚШ доллари ХСРИК ва 1,82 млрд. АҚШ доллари ИТБ улушига тўғри келади.

Молиялаштириш усуллари кесимида биринчи ўринни истисно (талаб асосида қуриб бериш) эгалласа, муробаҳа (бўлиб тўлашга сотиш) ва ижара (лизинг) шартли равишда иккинчи ва учинчи ўринни эгаллайди. Бундан кўриниб турибдики, қурилишга йўналтирилган лойиҳалар молиялаштиришнинг асосий қисмини ташкил этади, яъни бу ирригация тармоқларини реконструкция қилиш, йўл қурилиши, мактаб, коллежлар қурилиши ва бошқа лойиҳаларни ўз ичига қамраб олади.

ХСРИК томонидан молиялаштиришнинг асосан муробаҳа воситаси кенг қўлланилади ва унинг 70% дан ортиғи банклар орқали молиялаштириш линияларига тўғри келади, қолган 30% эса тўғридан-тўғри молиялаштиришдир. Хусусий секторнинг бу лойиҳалари иқтисодиётнинг турли тармоқлари, хусусан, фармацевтика, соғлиқни сақлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалар ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

ХСРИК томонидан 2010 йилда 5 миллион доллар устав жамғармаси билан ташкил этилган «Тоиб лизинг» компанияси ҳам хусусий сектор вакилларига ўзининг шариатга мувофиқ келадиган лизинг (ижара) хизматларини тақдим этиб келмоқда. Ҳозирги кунга келиб (2010–2017) мазкур компания томонидан 26,3 млн. долларлик 200 дан ортиқ лойиҳа молиялаштирилган.

Лойиҳаларнинг асосий улуши (45,4%) қурилиш ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш тармоғига тўғри келади, енгил саноат (14,87%), транспорт хизматлари (4,96%) ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш (4,95%) мос равишда 2, 3 ва 4-ўринларни эгаллайди. Қолган тармоқларнинг улуши умумий 29,8% ва яқка тартибда олганда 4% дан камроқни ташкил этади.

**Ўзбекистон учун ИТБГ портфели молиялаштириш
усуллари кесимида**

Молиялаштириш усуллари	Лойихалар		
	Сони	млн. И. Д.	млн. долл.
Техник ёрдам	5	0,8	1,1
Кредит	3	22,2	32,5
Махсус ёрдам операциялари	8	1,4	1,9
Бўлиб тўлашга сотиш	11	292,4	446,0
Истисноъ	12	616,7	909,3
Қўшма молиялаштириш линиялари	3	29,4	45,0
Капитал	1	3,2	5,0
Лизинг	11	275,7	412,1
Савдони молиялаштириш	19	199,6	292,6
Жами	73	1,441,4	2,145,5

**Ўзбекистон учун тармоқ кесимида ИТБ ва ХСРИКнинг
молиялаштириш портфели**

Сектор	Лойихалар								
	ИТБГ (жами)			Шунингдек					
				ИТБ			ХСРИК		
	Со-ни	млн. И. Д.	млн. долл.	Со-ни	млн. И. Д.	млн. долл.	Со-ни	млн. И. Д.	млн. долл.
Таълим	12	52,3	78,6	5	51,1	77,0	0	0,0	0,0
Молия	17	189,3	279,7	4	29,6	45,1	10	151,8	223,0
Соғлиқни сақлаш	9	81,0	118,5	3	53,0	78,3	5	27,8	40,0
Саноат ва казиб олиш	9	41,1	61,1	2	13,7	20,0	7	27,4	41,1
Ахборот-коммуникация технологиялари	0	0,0	0,0	0	0,0	0,0	0	0,0	0,0
Транспорт	4	228,6	348,0	4	228,6	348,0	0	0,0	0,0
Энергетика	8	350,0	533,1	8	350,0	533,1	0	0,0	0,0

Қишлоқ хўжалиги	8	436,8	632,6	8	436,8	632,6	0	0,0	0,0
Кўчмас мулк	0	0,0	0,0	0	0,0	0,0	0	0,0	0,0
Сув таъминоти, санитария ва шаҳар хизматлари	2	61,7	92,9	2	61,7	92,9	0	0,0	0,0
Бошқалар	4	0,7	1,0	4	0,7	1,0	0	0,0	0,0
Жами	73	1,441, 4	2,145, 5	40	1,225, 2	1,828, 0	22	207,0	304,1

Ислом тараққиёт банки гуруҳи томонидан молиялаштирилиши маъқулланган лойиҳаларни тармоқ кесимида кўриб чиқадиган бўлсак, энг кўп сармоя қишлоқ хўжалиги ва қишлоқларни ривожлантириш тармоғига йўналтирилган ва у ИТБГ портфелининг деярли 30% ини ташкил этади. Унинг ортидан энергетика 25% улуш билан иккинчи, транспорт (16%) ва молия (13%) соҳалари эса кейинги ўринларни эгаллайди.

Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида ИТБ ва ХСРИК аъзолигига қўшилган мамлакатларнинг охиргиси бўлишига қарамай, иккала ташкилотнинг портфели бўйича минтақада биринчи ўринда туради. 2018 йилнинг март ойида Ўзбекистон ҳукумати ва ИТФС ўртасида савдо операцияларини молиялаштириш мақсадида 100 млн. долларлик ҳадли битим имзоланди. Унга кўра корпорация Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзолигига қадар савдо лойиҳаларини молиялаштириш имкониятига эга бўлди ва бугунги кунгача ИТФС томонидан Азия Альянс Банк, Трастбанк ва Капиталбанкка муробаҳа молиялаштириш линияси тақдим этилди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ИТФС ва ICIEC аъзолигига қўшилиш бўйича иш кетмоқда ва 2019 йилнинг биринчи ярмида бу масала ҳал бўлиши кутилмоқда. Ҳозирда ICIEC нинг Ўзбекистон компаниялари учун мўлжалланган лойиҳалари мавжуд эмас.

ГЛОССАРИЙ

Asset-backed (активлар гарови билан таъминланган) сукук – активларни секьюритизация қилиш усулларида бири ҳисобланади; инвесторлар актив хатарини ўз зиммасига олади, қарз олувчи бунда бирон-бир қўшимча кафолатларни тақдим этмайди.

Asset-based (активлар асосидаги) сукук – инвесторлар қарз олувчининг хатарини ўз зиммасига олади, актив эса молиялаштириш маблағларини бериш учун ишлатилади.

SPV (махсус лойиҳа компанияси) – қоидага кўра, сукук чиқарувчи траст ёки юридик шахс бўлиб, чиқарилган сукуклар бўйича сукук ушловчилар олдида жавобгар ҳисобланади, эмиссия ҳужжатларига мувофиқ сукук сертификати эгаларидан олинган маблағларни инвестиция қилади ва молиявий оқимларни улар ўртасида тақсимлайди.

Амалиёт хатари – хато ёки номувофиқ ички жараёнлар, инсон омили, тизимли ёки ташқи ҳодисалар таъсири натижасида эҳтимолий йўқотишлар.

Аннуитет – суғурта компанияси билан тузилган суғурта шартномаларида жисмоний шахс маълум бир вақтдан сўнг, масалан, нафақага чиққач, ўзаро келишилган миқдорни доимий олиши мумкин бўлади.

Арбун – дастлабки бадал билан сотиш.

Бозор хатари – бу хатар молиявий инструментлардан ёки етарлича шаклланган бозорларда сотиладиган активлардан келиб чиқади. Бозор хатарлари микро ва макроманбалардан келиб чиқиши ҳам мумкин. Муттасил бозор хатари бозордаги баҳоларнинг умумий ўзгариши ва иштирокчиларнинг хатти-ҳаракати натижасида пайдо бўлиши ҳам мумкин. Номунтазам (доимий бўлмаган) бозор хатари бирон-бир мулкнинг қиймати

молиявий инструмент ёки мулк билан боғлиқ бўлган маълум бир ҳодиса натижасида ўзгариши боис вужудга келади. Турли бозорлардаги баҳолар волатиллиги (ўзгарувчанлиги) турли шаклдаги бозор хатарларини келтириб чиқаради. Шундай қилиб, бозор хатарларининг қуйидаги шаклларни санаб ўтиш мумкин: фонд хатарлари, фоиз хатарлари, товарлар бўйича валюта ва баҳолар хатари.

Бошқарувчи шериклар – компаниянинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг шахсий мулклари билан субсидиар мажбуриятга эга шахслар.

Вадиа (ваколатли шахс вазифаларини бажариш) – мулк эгаси ва иккинчи томон ўртасидаги битим бўлиб, унга кўра мулк эгаси ўз активларини фойдаланишга ва сақлаб беришга розилик беради.

Ваколат – агентлик келишуви бўлиб, агент бирон-бир иш ёки битимда буюртмачининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади ва бажарилган ишлар учун тўловларни қабул қилади.

Воситачилик битимлари – транзакцион битимлар ижросининг шаффофлиги ва самарадорлигини энгиллаштирувчи исломий молия инструментлари.

Даромад солиғи – бевосита солиқларнинг асосий шакли. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатларни чиқариб ташлангандан кейин, жисмоний шахсларнинг жами даромадидан фоизда ҳисобланади.

Доимий ваколатхона – халқаро келишувларга мувофиқ корхонанинг тадбиркорлик фаолияти тўлиқ ёки қисман амалга ошириладиган доимий фаолият манзили ҳисобланади.

Дериватив – ҳосилавий молиявий инструмент бўлиб, унинг баҳоси ва шартлари асос бўлувчи бошқа молиявий инструментнинг мос параметрларига таянади.

Жизя – мусулмон мамлакатларида яшовчи ўзга диндагилардан жон бошига ундириладиган солиқ, мусулмон фикҳшунослари томонидан мусулмон давлати ҳимоясида бўлгани учун ундирилувчи тўлов сифатида кўриб чиқилади.

Жуъла – устама ҳақ ва ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар доирасида ҳисобланувчи кўрсатилган хизматлар учун тўловлар.

Закот – ушбу солиқ вояга етган лаёқатли мусулмонлар томонидан ҳар йили эҳтиёжманд мусулмонлар фойдасига тўланиши лозим.

Захиралар хатари – муробаҳа шартномасига кўра товарлар ва асосий воситаларни қайта сотишда ёки ижара шартномаси бўйича товарлар, асосий воситаларни беришда сақлаш билан боғлиқ хатар.

Ижара – амалий ижара доирасида асбоб-ускунанинг молиявий муассаса томонидан сотиб олиниши ва ижара тўлови асосида мижозга ижарага берилиши.

Ижара мунтаҳия биттамлик – исломий молиявий муассасалар томонидан ишлатиладиган ижара шаклларида бири. Ижаранинг ушбу шакли ижарага берувчининг ижарачига, ижара предметига эгалик ҳуқуқини ижара шартномаси якунида ёки шартномани амал қилиш даврида босқичма-босқич ўтказиб бериш бўйича ваъдасини ўз ичига олади.

Ижмо – обрўли мусулмон уламолари томонидан аниқ бир масала ёки ҳолат бўйича қабул қилинган қарор.

Инвестиция хатари захиралари (IRR) – музориб (банк ёки музориб компания)нинг улуши тақсимлангандан сўнг, исломий банклар томонидан инвестицион ҳисоб варақ эгалари даромадлари ҳисобига, худди шу ҳисоб варақ эгаларининг келгусидаги йўқотишлар хатари оқибатларини юмшатишни кўзлаб ташкил этилган миқдорни ифодалайди.

Исломий динор (ID – ХВЖнинг махсус қарз олиш ҳуқуқига эквивалент (IMF Special drawing right)) ИТБнинг таъсис ҳужжатларига кўра ишлатиладиган халқаро ҳисоб бирлиги.

Истисноъ – икки томон ўртасида олди-сотди шартномаси бўлиб, унга кўра харидор буюртма бўйича қурилиши ёки тайёрланиши лозим бўлган, мавжуд бўлмаган товарни сотиб олишга розилик билдиради.

Ишонч асосидаги муробаха – активларни сотиб олишдан манфаатдор шахсга унинг сотиб олиш ваъдаси билан харид қилинган товарни, аввалдан келишилган баҳо асосида молиявий муассаса воситачилигида устама ҳақ ила сотиш.

Иқола – томонларнинг сифатсиз ёки яроқсиз товарни ал-маштириш ёки қоплама олишга бўлган ҳуқуқи.

Камайиб борувчи мушорака – ўзида маълум бир актив (қоидага кўра кўчмас мулк ёки инвестициявий лойиҳа)га бўлган улушли эгаликнинг молиялаштирувчи тараф (исломий банк)дан якуний эгаси (мижоз)га аста-секин буткул ўтишини ифодалайди.

Капитал ортиши (ўсиши)га ҳисобланган солиқлар – капитал ортиши ҳисобига нисбатан жисмоний ва юридик шахслар даромадларидан ундириладиган солиқ. Агар актив мулк эгаси томонидан молиялаштириш маблағлари жалб этиш мақсадларида сотилса ва яқунда қайта сотиб олинса, у ҳолда бундай амалиёт капитал ўсиши сифатида баҳоланиши мумкин ва бу солиққа тортиш объекти ҳисобланади.

Кафолат – ўзаро кафиллик бериш ёки ўзаро бир-бири тўғрисида қайғуриш.

Кредит хатари – иккинчи томоннинг шартнома шартларига кўра ўз мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда ва ўз муддатида бажара олмаслиги. Ушбу хатар банкнинг кредит ҳамда савдо портфелида юзага келиши мумкин.

Кусидин – судхўр (Қадимий Ҳиндистондаги веда матнлари).

Ликвидлиликни йўқотиш хатари – банкнинг барқарор фаолият юритиши учун ликвидлилик етишмаганда ва тўловларни амалга ошириш муддатларида ўз мажбуриятлари бўйича жавоб бериш қобилияти пасайганда вужудга келади. Ушбу хатар мақбул шартларда қарз олиш орқали маблағларни жалб этишдаги қийинчиликлар (ликвидлиликни молиялаштириш хатари) ёки активларни сотиш (активлар ликвидлиги хатари) ҳолатларида ҳам юзага келиши мумкин.

Майсир – чайқовона фаолият юритиш.

Музораба – фойда олиш мақсадида тузилган шерикчилик битими бўлиб, бир томон (рабб ал-мол) капитал билан, иккинчи томон (музориб) эса капитални бошқариш учун ўзининг тадбир-корлик фаолияти билан иштирок этади.

Мужтаҳид – кенг қамровли билимларга эга исломий олим.

Муробаҳа – ўзида банк ёки бошқа молиявий воситачининг мижоз учун зарур бўлган активни сотувчидан сотиб олиши ва уни мижозга тўловини кечиктириб тўлаш (муддатини узайтириш)га сотишини ақс эттиради.

Мушорақа (шарика) – шериклик битими бўлиб, фойда олиш мақсадида икки ва ундан ортиқ тарафлар ўртасида активлар, меҳнат ресурслари ёки мажбуриятларни бирлаштириш тўғрисидаги битимни ифодалайди.

Мушорақа ал-мутанақис (камайиб боровчи шериклик) – шерикликнинг ушбу шаклида шерикларнинг бири бошқа шерикнинг улушини аста-секин, эгалик ҳуқуқи ўзига буткул ҳажмда ўтиб бўлгунига қадар сотиб олишга ваъда беради.

Мушорақа ёки ширкат ал-амвал (шериклик) – икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг шериклигини ўзида ақс эттиради, унда томонлар умумий лойиҳага ўз маблағларини бирлаштирадilar ва улушли иштирок қоидаси бўйича корхона ташкил этадилар.

Нешех (neshekh) – манфаатни ифода этувчи яҳудийча сўз, сўзма-сўз «узиб олиш»ни англатади.

Одий муробаҳа – товарни олдиндан сотиб олишни ваъда қилмасдан, сотиб олинган баҳосига келишилган маълум бир устама билан сотиш.

Портфелли (портфель) инвестициялар – даромад олиш мақсадида хўжалик фаолиятига киритилган бир инвесторга тегишли жами қимматли қоғозлар.

Рибо – судхўрлик, пулга оид қўшимча қийматнинг ўсиши.

Салам – бўнак асосида молиялаштириш. Салам нақд олдиндан тўлов қилингани ҳолда маҳсулот етказиб беришнинг ке-

чиктириб сотишни ўзида ифодалайди: харидор товарнинг келишилган қийматини олдиндан тўлаб беради, сотувчи уни маълум вақт оралиғида етказиб бериш мажбуриятини олади.

Секьюритизация – активлар билан таъминланган ҳамда барқарор пул оқимларини ҳаракатга келтирувчи қимматли қоғозларни чиқариш йўли билан молиялаштириш маблағларини жалб этиш шакллари билан бирини англатувчи молиявий термин.

Сукук – маълум бир инвестициявий лойиҳа ёки фаолиятдаги активлар (мулклар)га ёхуд моддий активлар, узумфрукт ёки хизматларга, уларни натурада ажратиш имкониятисиз улушга эгаллик ҳуқуқини тақдим этувчи бир хил қийматдаги сертификатлардир.

Сукук ал-ижара (ижара сукуки) – махсус лойиҳа компанияси (SPV) ва қарздор мулкни олди-сотди қилиш бўйича шартнома (қарздор активни SPV га сотади) ва ушбу мулкни ижарага олиш тўғрисида шартномани (қарздор мулкни ижара муддатига якунида SPV дан сотиб олиш ҳуқуқи билан ижарага олади) тузадилар.

Сукук ал-истисноъ – кўҳна лойиҳавий молиялаштириш ёки пудратнинг ўхшаши ҳисобланади. Истисноъ (пудрат) битими шартларига кўра мулк яратилиш муддатига қадар сотилади.

Сукук ал-музораба (музораба сукуки) – махсус лойиҳа компанияси ва қарздор кўп сонли майда инвесторларнинг маблағларини жалб этувчи шериклик иштирокчилари ҳисобланадилар. Инвесторларнинг ҳуқуқлари пай инвестиция фондлари эгалари ҳуқуқи билан тенгдир.

Сукук ал-муробаҳа – қарздор ва инвестор ўртасида мулкни олди-сотди қилиш бўйича битим тузилади, унга кўра инвестор мулк сифатида маълум бир мулкни сотиб олади, сертификатлар баҳоси эса ушбу мулкнинг харид баҳосидан иборат бўлади. Инвесторлар ушбу мулкни тўловини кечиктириб тўлашга сотиш (муробаҳа) орқали даромад оладилар.

Сукук ал-мушорака (мушорака сукуки) – махсус лойиҳа компанияси ва қарздор шериклик иштирокчилари

ри ҳисобланадилар, унда инвесторлар компания ишларини бошқаришда қатнашиш имкониятига эга бўладилар.

Сукук ас-салам – муробаҳа сукукининг буткул акси ҳисобланади. Сукукнинг бу шаклида товар ишлаб чиқарувчи қарздор – товарни инвесторларга маҳсулот етказиб беришни кейинчалик етказиб бериш шарти билан сотади, товар қиймати эса дарҳол тўлаб берилади.

Суннат – луғатда «одат, ўрнатма, йўл, йўналиш» маъноларини англатади. Ушбу тушунча билан Пайғамбар (саллоллоҳу алайҳи васаллам)нинг ҳаёт йўллари назарда тутилади.

Схоласт(лар) – диний фалсафа шакли бўлиб, қатъий диний устуворлик, ақидавий асосларнинг мулоҳазакор усуллар билан бирлашуви ва расмий-мантқий муаммолар мажмуига алоҳида эътибор билан ажралиб туради: схоластлар Ўрта асрлар Ғарбий Европасида тўла тараққий топди ва ҳукмрон мавқега эга бўлди.

Табарру концепцияси – суғурта қилдирувчи полис бўйича тўлайдиган бадалларининг бир қисмини шартли «ҳадя» сифатида беради, бунда суғурта қилдирувчи ва оператор компания йиғилган бадалларни шариат ман этган амалиётларга йўналтирмаслиги ҳақида келишиб оладилар.

Таваррук – тесқари муробаҳа. Масалан, банк мижози маълум бир миқдорни қарзга олмоқчи. Банк мана шу миқдорга товарни сотиб олади ва кўрсатилган хизмат учун устама билан харидорга сотади.

Такофул – иштирокчилар ва оператор ўртасида хатарларни ўзаро тақсимлаш (бўлишиб олиш) тўғрисида шариат талабларига жавоб берувчи битим. Арабча «кафала» сўзидан келиб чиққан.

Транзакцион битимлар – иқтисодий фаолиятни молиялаштириш ва савдо ҳамда айирбошлашни ўз ичига олган реал сектордаги ишлаб чиқариш билан боғлиқ исломий молиявий инструментлар.

Трансферт баҳоларнинг шаклланиши (инглизча Funds Transfer Pricing, FTP) – бир-бирига ўзаро боғлиқ шахсларнинг

корхонанинг бозор баҳосидан фарқ қилувчи ички баҳоларида товарлар ёки хизматларни амалга ошириши. У шахслар гуруҳига тегишли фойдани паст солиқ ставкалари амал қилаётган давлатдаги шахслар фойдасига қайта тақсимлаш имконини беради. Бу тўланадиган солиқларни энг паст миқдорга тушириш мақсадида халқаро солиқни режалаштиришнинг энг содда ва кенг тарқалган усули ҳисобланади. Трансферт баҳолар давлат фискал ташкилотларининг назорат объекти ҳисобланади.

Узуфрукт – ўзганинг мулкидан келувчи даромадни олиш билан боғлиқ фойдаланиш ҳуқуқи, лекин бунда мулкнинг бутлиги, қиймати ва хўжалик мақсади сақланиши шарт.

Улушли иштирок этиш (equity) – ҳамкорликда фаолият кўрсатиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахснинг пул маблағларини жалб этиш борасидаги инвестицион фаолият шакли.

Ушр (арабчадан – ўндан бир улуш) – турли сабабларга кўра хирожга тортилмаган (ҳеч бўлмаганда назарий) ерларда етиштирилган деҳқончилик маҳсулотларидан олинадиган солиқ. Мусулмон фикҳи таълимоти нуктаи назаридан ушр – деҳқончилик маҳсулотларидан олинадиган закотдир. Ҳалифа Умар ибн Ҳаттоб (р.а) даврларида ушр (кўпликда ушур), агар шундай божлар дорул-исломдаги савдогарлар учун мавжуд ҳам бўлган бўлса, у ҳолда дорул-ҳарбдан келган савдогарлардан ундириладиган савдо божи тушунилган. Ушр сўзининг кўпликдагиси – ушур, шунингдек, закотдан ташқари мусулмонлардан ундириладиган ҳар қандай савдо йиғимидир. Покистонда ушр мажбурий давлат солиқларидан бири ҳисобланади.

Фасх – томонларнинг келишувни бекор қилиш ёки чақириб олиш ҳуқуқи.

Фикҳ (арабчадан – билиш, теран англаш) – бу ерда: муомала қоидалари ҳақида исломий таълимот, шунингдек, ижтимоий меъёрлар исломий мажмуи (яъни кенг маънода мусулмон фикҳи). Бундан ташқари, фикҳ – нафақат барча маълум бўлган манбаларни оддийгина ўзлаштиришга, балки мана шу маълум

мотлар мазмунидан баҳра олишга уринилган саъй-ҳаракатларга асосланган билимдир.

Фоиз хатарлари – фоиз ставкалари ўзгаришининг банк молиявий ҳолатига таъсирини акс эттиради. Фоиз хатари турли манбалардан келиб чиқиши мумкин. Қайта баҳолаш хатари активларнинг амал қилиш муддати ва қайта баҳолаш, балансдан ташқари объектлар ва мажбуриятлардаги тафовутлар туфайли пайдо бўлади.

Фойдани қоплаш учун захиралар (PER) – исломий банклар томонидан ўз капиталини ошириш ва инвестициялар даромадлилигини маълум даражада таъминлаш мақсадида, музорибнинг улуши тақсимлангунига қадар жами олинган даромаддан ажратиладиган миқдорни ўзида ифодалайди.

Хатарларни тақсимлаш – шартнома шаклида харидор ва сотувчи ўртасида тузилган келишув бўлиб, битим тузувчилар валюта курслари ўзгариши билан боғлиқ йўқотишларнинг маълум бир қисмини, ушбу корхоналар амалда қандай талафот кўришидан қатъи назар, ўз зиммасига олади.

Хирож (арабчадан – ер солиғи) – кенг маънода жон ва ер солиғини ўз ичига олган ўзга диндагилардан ундириладиган ҳар қандай тўлов. Лўнда ва кенг тарқалган маънода хирож – сулҳ битими бўйича мусулмонларга тегишли бўлган ерлардан олинadиган мутаносиб солиқни ўзида акс эттиради.

Хияр ал-айб – паст сифатли товар ҳақида сўз борганда, агар хариддан сўнг товарда нуқсон аниқланса, харидор битимни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Хияр ар-рўё – товарнинг баён этилганига мувофиқ эмаслигини кўрган харидорнинг битимни бекор қилиш ҳуқуқи.

Хияр аш-шарт – томонларнинг маълум бир ҳодиса ёки ўрнатилган муддатлардан келиб чиқиб, ҳар қандай вақтда битимни бекор қилиш ҳуқуқи.

Чекланмаган музораба – ушбу битимда омонатчи музорибга берилган маблағларни бирон-бир чекловларсиз тасарруф этишга руҳсат беради.

Шариатга риоя этмаслик хатари – мазкур хатар шариат қоидалари ва тамойилларига амал қилмаслик билан боғлиқ.

Шариат (арабчадан – тўғри, ҳақ йўл; қонун) – бу ерда: му- сулмон фикҳи аниқ меъёри манбалари бўлган Қуръон ва сун- натдаги амрларнинг мажмуи.

Шарика-ақд – капитални биргаликда ишлатиш ҳамда фой- да ва зарарда биргаликда иштирокни назарда тутати.

Шарика ал-мусохама (ҳиссадорлик жамияти) – савдола- шиладиган акциялари тенг улушларга тақсимланган капиталга эга компанияни ўзида акс эттиради, бунда ҳар бир ҳиссадорнинг жавобгарлиги капиталдаги унинг улуши билан чекланган бўлади. Бу молиявий шерикчиликнинг шаклидир.

Шарика ал-муҳосса – хусусий компаниянинг шакллари- дан бири ҳисобланади, шериклар шерикчилик шакллангунига қадар, ҳар бир потенциал шерикнинг молиявий ҳолатини ва мажбуриятлар бўйича шахсий мулки билан жавоб бера олиш қобилиятини баҳолайдилар.

Шарика ат-гадамун (солидар (умумий) масъулиятли компания) – ўзида хусусий шерикчилик шаклини акс эттиради, у ўзига хос ҳуқуққа (товар белгиси) эга рўйхатдан ўтказилган компания сифатида гавдаланади.

Шарика ат-тавсия ал-басита (коммандит шерикчилик) – бошқарувчи ва пассив (мустақиллиги чекланган – Б. Ж.) шерик- ларни қамраб олган хусусий шерикчилик шаклини ўзида акс эт- тиради. Мазкур шерикчиликда бошқарувчи шериклар ўзининг шахсий мулки билан компаниянинг мажбуриятлари бўйича суб- сидиар масъулиятни зиммасига олади. Ҳар бир пассив шерик- нинг мажбурияти унга тегишли бўлган лотлар билан чеклана- ди, лекин ушбу мажбурият унинг шахсий мулкига татбиқ этил- майди. Айрим инвесторларнинг масъулиятини уларга муқобил тўловлар тақдим этмай чеклаш мумкин, бундай ҳолатда компа- ния субсидиар жавобгарлик ва чекланган масъулиятни зимма- сига олган шериклардан иборат бўлиб қолади.

Шарика ат-тавсия бил-асҳам (масъулияти чекланган ҳиссадорлик компанияси) – молиявий шерикчилик шаклини ўзида ақс эттиради. Мана шундай компаниялар акциясига обуна тенг сондаги акциялар билан бошқарувчи ва пассив шериклар иштирокида амалга оширилади.

Шарика-мулк – маълум бир мулкка биргаликда эгалик қилишни кўзда тутади ва манфаатдор томонларнинг мулкларни бирлаштириш бўйича вақтинчалик шерикликни ўз ичига олмайди.

Ширкат ул-амал – икки ёки ундан ортиқ томон ўртасида малакали ёки юқори малакали меҳнатни бажаришга доир хизматлар кўрсатиш, маълум бир хизматлар ёки юқори малакали маслаҳатлар бериш, товарлар ишлаб чиқариш учун, шунингдек, келишилган фоиз нисбатига мувофиқ фойдани тақсимлаш учун келишувни ўзида ақс эттиради. Шерикчиликнинг ушбу шакли капитал инвестициялар киритишни назарда тутмайди.

Ширкат ул-вужух (мажбурият асосидаги шерикчилик) – икки ёки ундан ортиқ томон ўртасидаги тарафларнинг обрўси асосида, фойда олиш мақсадида активларни қарзга сотиб олиш учун шерикчилик ташкил этиш тўғрисидаги келишувни ўзида ақс эттиради, унга кўра, томонлар аниқлаган фоизли нисбатга мувофиқ тарафлар ўз мажбуриятларини бажариш масъулиятини зиммаларига оладилар. Бундан ташқари, томонлар ҳар бир шерик учун фойдада иштирок этиш улуши ва мажбуриятни аниқлаб олишлари керак, бунда мана шундай иштирок томонларнинг розилигига кўра, фойдадаги иштирок улушидан келиб чиқиб, катта ёки кичик томонга фарқ қилиши мумкин.

Ширкат ул-инон ёки ширкат ул-амвал – икки ёки ундан ортиқ томон ўртасидаги шартномавий шерикчиликни ўз ичига олади, унга кўра ҳар бир иштирокчи маълум бир пул миқдорини киритади ва бу уларнинг ҳар бирига шерикчилик активларини тасарруф этиш имконини беради, бу ерда фойда шерикчилик ташкил этиш тўғрисидаги келишувга мувофиқ, зарарлар эса ҳар бир иштирокчининг шерикчилик капиталидаги бадалига мутаносиб тақсимланиши шарт қилинади.

Ўтказма тижорат хатари – банкнинг инвестицион ҳисоб варақ эгалари томонидан молиялаштирилган активларда ишлаб топилган даромад меъёрига нисбатан юқори даромадларни тўлаш бўйича тижорий босимга дуч келиш хатари. Банк ўзининг маблағ қўювчилар (инвестицион ҳисоб варақ эгалари) фондини сақлаб қолиш ҳамда улар маблағларини олиб чиқиб кетмасликка ишонтириш мақсадида, фойдадаги ўзининг бутун улуши ёки унинг бир қисмидан воз кечади.

Қарзи ҳасан – ўзида фоизсиз қарзни акс эттиради, бунда қарздор кредиторга қарзнинг асосий миқдорини қайтариш мажбуриятини олади.

Қарз асосида молиялаштириш – молиявий маблағларни муддатлилиқ, тўловлилиқ ва қайтаришлиқ шартлари асосида жалб этиш.

Қиёс – мураккаб ва баҳсли масалалар бўйича мужтаҳидларнинг Қуръон ва ҳадисларга асосланган ҳолда янги ечимларни топиши ва ўхшаш ҳодисаларга таяниб ҳукм чиқариши.

Қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) – истеъмол солиғининг шаклларида бири бўлган билвосита (эгри) солиқ бўлиб, хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш, товарлар ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида яратиладиган хизматлар ва ишлар, товарлар қийматининг бир қисмини давлат бюджетига ундириш шакли ҳисобланади ҳамда улар реализация қилиниши билан бюджетга киритилади. Харидор нуқтаи назаридан бу сотиб олиш қийматидан солиқдир. Сотувчи нуқтаи назаридан эса фақат товар ёки хизматларга қўшилган қиймат учун солиқ ҳисобланади. ҚҚС татбиқ этилиши натижасида маҳсулот (товар, хизмат ёки бажарилган иш)нинг якуний истеъмолчиси ўзи сотиб олган фаровонлик маҳсули бутун қийматидан сотувчига солиқ тўлайди, лекин ушбу миқдор бюджетга якуний реализациядан аввалроқ туша бошлайди, чунки ишлаб чиқариш учун зарур сотиб олинган хом ашё, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар қийматига «қўшилган» қисми бўйича солиқни товар ишлаб чиқариш, иш бажариш ёки хизматлар кўрсатишнинг тур-

ли босқичларида иштирок этувчиларнинг ҳар бири бюджетга тўлайди.

Ғорар – ноаниқлик; «gharara/gharra» араб феълидан олинган бўлиб, «ўзи ва мулкни тушунмаган ҳолда хароб бўлишга йўлиқтириш»ни англатади, оқибати мулкни йўқотишга олиб келувчи битим хатари сифатида кўриб чиқилади. Ғорар алдов ёки тўлиқ бўлмаган ахборотнинг айрим шакллари ҳамда битим предметига хос бўлган ноаниқлик ва хатар омилларини ўз ичига олади.

Ҳавола (арабчадан – пул ўтказмаси, чек) – қарзни ўтказиш. Шартномага кўра бир шахс қарздорнинг кредитор олдидаги қарзини тўлаш бўйича мажбуриятни ўзига олади. Ҳавола деганда, шунингдек, қарзнинг ўтказилганини тасдиқловчи ҳужжатни ҳам тушуниш мумкин. Пул ўтказишнинг оддий ва ҳаммабоп тизими сифатида ҳавола бугунги кунда араб дунёсининг аксарият мамлакатларида кенг тарқалган.

Ҳадислар – мусулмон жамоаси турмуш тарзи диний-фикҳий томонларини ўз ичига олувчи Пайғамбар (саллоллоҳу алайҳи васаллам)нинг қавллари ва ҳаёт фаолиятлари тўғрисидаги ривоятлар.

Ҳиссадорлик капиталига қўйилмалар хатари – аниқ молиялаштириш лойиҳасида ёки уни амалга ошириш мақсадида ёки битимда баён этилганидек, молиялаштирувчининг бизнес-хатарларнинг тақсимланиши ва умумий амалий фаоллик ила иштирок этишида шериклик тузиш билан боғлиқ юзага келувчи хатар. Ушбу хатар музораба ва мушорақа битимларига тааллуқлидир.

Ҳиба (арабчадан – ҳадя) – ҳадя битимидир. Бир шахс (ҳадя қилувчи)дан бошқа шахс (ҳадя олувчи)га, ҳадя олувчи томонидан бирон-бир қоплама тўламай, ҳар қандай мулкни (кўчар ва кўчмас) берилишидан иборат. Ҳадяга берилаётган мулк ҳадя қилиш вақтида мавжуд бўлиши керак. Совға қилинган буюм, алоҳида ҳолатларни ҳисобга олмаганда, қайтариб олиниши мумкин эмас. Ҳадяни қайтиб олиш ҳуқуқи раж деб аталади.

Совға қилинган мулкни қайтариб олиш суд қарори билан амалга оширилади.

Хуқуқий хатарлар – молиявий битимларни бажара олмаслик билан боғлиқ бўлган хатарлар. Шартнома ва транзакцияларнинг бажарилишига таъсир этувчи қонунчилик ҳужжатлари, умумий қонунчилик ва меъёрлар/стандартлар назарда тутилади. Бу хатар хусусиятига кўра ташқи (хўжалик фаолияти/бизнес маълум бир шакллари тартибга солувчи меъёрлар) ёки раҳбарият ёки ходимларнинг ҳаракати (масалан, фирибгарлик, қонун ёки ўрнатилган қоидаларнинг бузилиши) билан боғлиқ ички бўлиши мумкин.

Хумс (арабчадан – бешдан бир қисм: синоними – хумус) – дастлаб Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам ва олий байтга тегишли бўлган ҳарбий ўлжаларнинг бешдан бири. Мазкур маблағлар, шунингдек, турли давлат эҳтиёжларига (шумладан, ижтимоий) ишлатилиши мумкин. Айрим олимлар биринчи бўлиб хумсни амалга киритган киши Зам-зам қудуғи атрофида хазина топиб олган Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг боболари Абдулмутталиб эди, деб ҳисоблайдилар. Ривоятларда у хазинанинг 1/5 қисмини Аллоҳга атагани, қолган 4/5 қисмини ўзига қолдиргани айтилади. Кейинроқ бир қатор солиқлар, йиғимлар ва божлар (масалан, табиий ресурслардан солиқлар; ўзга диндаги шахсга ерини сотган мусулмондан олинадиган божлар ва ҳ.к.) хумс тушунчасига қўшиладиган бўлди.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши 3

1 - Қ И С М . ИСЛОМИЙ МОЛИЯВИЙ ТАРМОҚНИНГ МОҲИЯТИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ

1-боб. Исломий молиялаштириш асослари 7

1.1. Исломий молияга кириш 7

1.2. Исломий молиянинг асосий тамойиллари 9

1.3. Исломий ва анъанавий молиялаштириш
ўртасидаги тафовут 21

1.4. Исломий молиянинг ривожланиш тарихи 25

2-боб. Исломий молиявий воситалар 34

2.1. Молиявий воситаларнинг мазмуни ва таснифи 34

2.2. Фойда ва зарарларни тақсимлаш билан боғлиқ
шартномалар 37

2.3. Қарзга асосланган молиялаштириш воситалари 50

2.4. Суғурталаш 76

3-боб. Муқобил молиявий муассасалар 84

3.1. Банклар 84

3.2. Суғурта компаниялари 93

3.3. Исломий инвестиция жамғармалари 100

2 - Қ И С М . СЕКТОРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МУҲИТИ

4-боб. Солиққа тортиш 111

4.1. Шариат томонидан ўрнатилган солиқлар
тушунчаси ва шакллари 111

4.2. Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти аъзо мамлакатларида
солиққа тортиш амалиёти 117

4.3. Ғарб мамлакатларида муқобил (исломий) молияни солиққа тортиш амалиёти	121
4.4. МДҲ ва Қозоғистон Республикасида исломий молияни солиққа тортиш муаммолари	128
4.5. Исломий молиявий воситаларни солиққа тортишнинг халқаро жиҳатлари	137
5-боб. Исломий молиялардаги хатарлар	144
5.1. Ноаниқлик тушунчаси	144
5.2. Хатарларни аниқлаш	147
5.3. Хатарларни бошқариш усуллари	163
6-боб. Саноатни тартибга солиш ва тармоқ муассасалари фаолияти устидан назорат	176
6.1. Тартибга солишнинг глобал тизими ва молиявий муассасалар фаолияти устидан назорат	176
6.2. Саноатни тартибга солишнинг объектив асослари	180
6.3. ИҲТга аъзо айрим мамлакатларда исломий банклар фаолияти устидан назорат	184
6.4. Халқаро инфратузилма ташкилотлари	188

3 - Қ И С М . ЧЕТ ЭЛЛАРДА МУҚОБИЛ (ИСЛОМИЙ) МОЛИЯЛАР

7-боб. Саноатнинг ривожланиши: халқаро тажриба	211
7.1. Муқобил молиявий хизматлар саноати шарҳи	211
7.2. Саноат сегментларининг ривожланиши	214
7.3. Ривожланиш истиқболлари ва муаммолари	244
8-боб. Ислом тараққиёт банки гуруҳи	255
8.1. Ислом тараққиёт банки	255
8.2. Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси	267

8.3. Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорацияси	273
8.4. Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси	282
8.5. Тадқиқотлар ва тренинглар ислом институти	285
9-боб. АҚШда муқобил молиялар	287
9.1. Тармоқни тартибга солиш	287
9.2. Ипотекага оид молиялаштириш бозори	293
9.3. АҚШда исломий молиялаштириш саноатининг ривожланиши: муаммо ва таҳдидлар	306
10-боб. Буюк Британияда муқобил молиялар	310
10.1. Тармоқни тартибга солиш	310
10.2. Молиявий муассасалар фаолиятининг йўналишлари	319
4 - Қ И С М . Қ О З О Ё И С Т О Н Р Е С П У Б Л И К А С И Д А И С Л О М И Й М О Л И Я Л А Ш Т И Р И Ш	
11-боб. Мамлакатда исломий молиялаштиришнинг ҳозирги кунга қадар ривожланиши	331
11.1. Ривожланишнинг дастлабки босқичи	331
11.2. Жорий қонунчилик	346
11.3. Секторнинг 2014 йилда ривожланиши	357
11.4. Ислом тараққиёт банки гуруҳининг Қозоғистондаги фаолияти	373
11.5. Шерикчиликнинг мамлакат стратегияси	376
12-боб. Тармоқ ривожланишига оид муаммо ва истиқболлар	383
12.1. Молиявий ресурсларни жалб этиш	383
12.2. Молиявий воситаларни амалиётда ишлатиш	392
12.3. Исломий молиявий инфратузилманинг ривожланиши	397

**5 - Қ И С М. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ИСЛОМИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШ
(муаллиф: Хусан Ҳасанов)**

13-боб. Мамлакатда исломий молиялаштиришнинг ҳозирги кунга қадар ривожланиши.....	401
13.1. Ривожланишнинг дастлабки ва жорий ҳолати	401
13.2. Жорий қонунчилик.....	402
13.3. Ислом тараққиёт банки гуруҳининг Ўзбекистондаги фаолияти.....	407
Глоссарий.....	411

Илмий-оммабон нашр

ЕРЛАН АЛИМЖАНОВИЧ БАЙДАУЛЕТ

**ИСЛОМИЙ МОЛИЯ
АСОСЛАРИ**

Мухаррир *Т. Мирзаев*

Рассом-дизайнер *Р. Маликов*

Техник мухаррир *Л. Хиждова*

Кичик мухаррир *М. Салимова*

Мусаххих *А. Умирова*

Компьютерда саҳифаловчилар: *К. Ҳамидуллаева,
С. Азизтоева*

Нашриёт лицензияси АІ №158. 14. 08. 2009.

Босишга 2019 йил 18 мартда рухсат этилди. Бичими 60x90 ¹/₁₆.
Офсет қоғози. «Times New Roman» гарнитурасида офсет усулида босилди.
Шартли босма табағи 27,0. Нашр табағи 22,5.
Адади 3000 нусха. Буюртма № 18-580.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

E-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

Байдаулет, Е.А.

Б 23 Исломий молия асослари [Матн] / Е.А.Байдаулет. –
Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2019. – 432 б.

ISBN 978-9943-25-695-8

УЎК 336.7:28(575.1)
КБК 65.262.6(5Ў)

ҚАЙДЛАР УЧУН
